

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЗООЛОГИЯ ИРСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

БИОЗАРАРЛАНИШ АСОСЛАРИ

..... нашриёт номи

Тошкент – 2012

УДК 502; 663.1; 576.85; 582.28

Б. А. Ҳасанов, А. Ш. Ҳамраев, Ж. А. Азимов, З. И. Иззатулаев,
Э. Ш. Шерназаров, А. Жабборов, Э. А. Холмуродов, Б. С. Болтаев

Тақризчилар:

Ўкув кўлланма олий ўқув юртларининг биология, ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетлари ҳамда тегишли ўрта-маҳсус ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган; ушбу ўкув кўлланмадан кимё соҳаси талабалари ва муайян даражада технологларни тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўкув кўлланмада техника, маҳсулот ва материалларни микроорганизмлар, кемирувчиликлар ва бошқа организмлардан ҳимоялаш билан боғлиқ кенг илмий ва амалий масалалар муҳокама қилинган. Илк бор турли материалларни, жумладан синтетик буюмлар, ер ости иншоотлари ва санъат асарларини биозарапловчи организмлар тизим шаклига солинган. Биозарапловчи организмлардан муҳофаза қилишнинг эколого-токсикологик асосларига муҳим аҳамият қаратилган.

КИРИШ

Биозаарланиш муаммоси күп қирралы бўлиб, у ҳар хил техник мосламалар, хом-ашё, тахта-ёғоч ва бошқа материалларни сақлаш, ташиш ва эксплуатация қилиш давомида бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар, ҳашаротлар, моллюсклар, қушлар ва сут эмизувчилардан химоя қилиш билан боғлиқ бўлган кенг қамровли илмий ва амалий вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳозирги даврда мувофақлаштириш функциясини ҳалқаро доирада, штаб квартираси Астон университетида тузилган (Англия) биозаарланишлар бўйича Ҳалқаро жамият амалга оширади. Унинг хузурида Ахборот маркази, Ҳалқаро илмий-тадқиқот комплекси фаолият кўрсатиб, биозаарланишлар бўйича Ҳалқаро бюллетенлар ва библиографик маълумотномаларни чоп этади. Бу барча ташкилотлар 1968 йили тузилган. Ҳалқаро симпозиумлар мунтазам равишда: II ХБС 1971 йили Нидерландияда ўtkазилган бўлса, III ХБС 1975 й. АҚШ да, IV ХБС 1978 й. Ғарбий Берлинда, V ХБС 1981 й. Англияда, VI ХБС 1984 й. АҚШ да ва х. ҳар 3 йилда бир марта ўtkазиб келинмоқда Собиқ иттифоқнинг ФА қошида 1967 йили биозаарланиш бўйича умумиттифоқ мувофиқлаштириш кенгаши тузилган эди.

Кенгашнинг асосий вазифаси сифатида биозаарлантирувчи вазиятларни ҳар томонлама ўрганиш ва амалий тажрибалар ҳамда фундаментал тадқиқотлар натижаларига асосланиб биозаарланишдан эколого-технологик химояланиш асосини яратишидир.

Биозаарланиш муаммоси кенг режали аҳамият касб этади ва уни маблағда ҳисоблаш қийинчилик туғдиради. Иқтисодий нуқтаи назардан биозаарланиш туфайли тахминий ҳисобларга кўра ҳар йили бир неча ўн млрд. доллар зарар кўрилади.

Бу муаммога ижтимоий нуқтаи назардан қараганда биозаарланиш туфайли келтириладиган талофотни ҳеч қандай баҳолашнинг имкони бўлмайди, чунки ҳар қандай ҳисобларга тенглаштириб баҳолаш ҳам қийинчилик туғдиради. Аммо унинг баҳоси иқтисодий заардан ҳам юқори туради. Бундай талофот сифатида бебаҳо санъат асарлари (архив материаллари, ноёб китоблар, қадимий усталарнинг бебаҳо санъат асарлари), қушлар билан тўқнаш келганда ҳаво лайнерлари йўловчи ва экипажларининг нобуд бўлиши, техник мосламалар ва иншоотларнинг зарар кўриши, ойна, оптика, турли пластмассалар, резина, аппаратура, йўл қопламалари, сув тўғонлари, транспорт ва кўпдан-кўп бошқа ҳолларда бактерия ва замбуруғлар, ўсимликлар, ҳашаротлар, кемирувчилар, сув биоқопламалари ва бошқа организмлар фаол ҳужумига дучор бўлишини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Экологик нуқтаи назардан муаммо инсон ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларига тегишилдири. Биозаарланиш ва ундан химояланишни биосфера кўриниши сифатида қараб, унда инсонни биосферада кечадиган мураккаб ва мухим биоценотик жараёнлар қамраб олишидир. Инсон биосферани унинг учун янги материаллар ва буюмлар билан тўлдириб туради, улардан баъзиларини биосфера қабул қилмайди ва емиради, бошқалари сунъий ва табиий биценозларга жалб қилиниб, унинг компонентига айланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда инсон янги яратиладиган материаллар ва буюмларнинг технологик хусусиятларини ўзгартиради. Инсон манфаати учун материал ва буюмлар маълум бир муддат хизмат қилиб, ундан кейингина тирик организмлар фаолияти ва эскиришдан емирилиши керак.

Шунинг учун бу муаммони ҳал қилишда ҳалқ хўжалигининг қуйидаги мухим тармоқлари, жумладан ер, сув ва ҳаво транспорти, нефть қазиб чиқариш, нефтни

қайта ишлаш ва нефтикимё саноатлари, кимёвий ишлаб чиқариш, қурилиш, энергетика ва алоқа, техникавий ва сув иншоотлари ҳамда турли вазифаларни бажарувчи мосламалар эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган тармоқлар бевосита манфаатдордирлар.

Юқорилардагидан келиб чиққан ҳолда, муаммони ҳал қилишда мутахассислар доираси жуда кенг: бу биологлар, кимёгарлар, материалшунослар, технологлар, санъатшунослар ва ҳ. бўлиши керак.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳалқ хўжалигининг аниқ тармоқларига заарар келтирувчи ихтисосолашган обьект ва зааркунандалар турларини биладиган, умуман олганда муаммони ҳал қилишга мўлжалланган мутахассисларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилган муаммоларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 27 август 07/1-398 сонли баёнига асосан “Биозарарланиш” ўкув қўлланмаси яратилди.

Ўкув қўлланма илк бор тузилганлиги туфайли намуна сифатида В.Д.Ильичев ва б., 1987, “Биоповреждения” ўкув қўлланмасидан фойдаланилди.

1 -БОБ

БИОЗАРАРЛАНИШ ЭКОЛОГО-ТЕХНОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Биозаарланиш – атроф мұхитни инсон томонидан унга киритилгандың гигиеникада жағдайдағы реакциясынан шығады. Инсон яратған материалдар ва маңсулоттар биосферада содир бўлаётган табиий жараёнларга киришиб кетиб, табиий биоценозлар таркибиға қўшилади. Биозаарланиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларда бир тарафдан организм ва атроф мұхит бошқа тарафдан инсон қўли билан яратилган бунёдкорлик маңсули бир-бирига таъсир қиласади. Бу компонентларнинг ўзаро таъсирини аввалимбор уларнинг хўжалик фаолияти ва инсон турмуши нуқтаи назаридан ўрганишда биозаарланиш муаммоси комплекс экологик-технологик ёндошишларга асосланади.

Комплекс ёндошувлар биозаарлантывчи агентларни – тирик организмларнинг ўзаро таъсирини, айниқса шундай ҳолатларда, қачонки улар тури систематик гурухлар, турлар ва популяцияларга ёки бир-биридан экологик узоқ бўлганларида ҳисобга олади. Биозаарловчи организмларнинг ландшафт-географик ва минтақавий факторлар билан муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Биозаарловчи таъсир ҳарактери ва қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги, жараён қайси мұхитда ўтишига боғлиқдир.

Экологик-технологик ёндошувларда биозаарловчи таъсиридан самарали ҳимояланишга имкон берувчи башорат қилиш назарда тутилади. Эртилаётган полимерлар структурасига биоцид хусусиятга эга элементларни киритиш ёки ёғоч ва бошқа маңсулотларга уларни сингдириш бунинг мисоли бўлиши мумкин.

Биозаарланишлар тушунчаси ва предмети

Биозаарланишлар муаммоси бўйича ҳалқ хўжалиги амалиёти олимларга қўйган вазифалари, бугунги кунда ва айниқса улардан эртанги кунга қўйиладиганлари, тадқиқотлар мавзуларини, қизиқишилар доираларини, асосий тушунчаларни аниқлигини талаб қиласади. Буларни алоҳида масалалар кўриб чиқилишида фойдаланиш лозимдир. Буни амалга ошириш осон эмаслиги нафақат муаммони расмий тарихини жуда қисқалигидан ҳамда ананавий шакланган тушунчалар ҳақида гапириш учун етарли эмаслигидан, балки бу муаммо бугунги кунда ҳам катта миқдордаги алоҳида масалалардан иборат бўлиб, улар кўпчилик иштирокчиларни манбаатини акс эттиради. Ҳар бир иштирокчи ўзининг ёндошув усуллари, мақсадлари ва ўзининг тушунчаларига эга. Иштирокчиларни умумий термин ва тушунчалар билан бирлаштириш, муаммони яхлитлаштиради, унинг чегараларини ҳамда, манбаатдор шериклар билан ўзаро муносабатларни белгилайди.

“Биозаарланишлар” тушунчаси инглизча “*biodeterioration*” сўзига тўғри келади. Бу тушунча ҳалқаро мувофиқлаштирувчи ташкилотларни белгилаш учун юзага келди, масалан, The Biodeterioration Society – Биозаарланишлар бўйича Ҳалқаро Жамият.

Дастлаб бу термин организмларни материаллар, буюмлар ёки техник ҳомашёларнинг функционал ва структуравий хусусиятларига салбий таъсирини

белгилаш учун фойдаланилган. Кейинчалик бу ифода бир неча бор ўзгарган, яъни турли соҳа ва фан мутахассислари истакларига мос равишда торайган, кенгайган.

Хусусан, маълум бир даврда бу тушунчага организмларни фойдали фаолиятлари ҳам киритилган, яъни эскирган материал ва буюмларни биозарапловчилар томонидан емирилиши ва утилизацияланиши. Бу тенденция айниқса 1975 йил Кингстонда (АҚШ) биозарапланишлар бўйича ўтқазилаган III Халқаро симпозиумда ўз ёрқин ифодасини топди.

Организмлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғ экинлари ҳосилига, озиқовқат маҳсулотлари ва шу кабиларга келтириладиган зиёни-муаммолари эътибор доирасига киритилиши ҳақида бир неча бор фикрлар билдирилган. Бир қатор нашрларда, айниқса ўтган асрнинг 70-йилларида бу объектларга ананавий қарашлар билан бирга материалшунослик нуқтаи назардан қаралган. Шу вақтнинг ўзида бу масалалар билан, анчадан бери, хўжалик ва фаннинг бошқа соҳалари шуғулланмоқда, шунинг учун биозарапланиш муаммосига тегишли объектлар ҳисобига кенгайтириш гумонлидир.

Машхур олим Ван дер Керк биозарапланишга қуйидагича таъриф беради: биозарапланиш - организмлар ҳаёт фаолияти туфайли юзага келган материаллар хусусиятларида ўринсиз ўзгаришлардир. Рус олими Г.И. Каравайко бу тушунчани кенгайтириб биозарапланиш деганда организмлар фаолияти туфайли материаллар хусусиятларида содир бўладиган керакли ва кераксиз ўзгаришларни аташни таклиф этган. Иккала тушунча ҳам организмлар заарлайдиган объектларни хилма-хиллигини тўлиқ қамраб ололмайди.

Шуни ҳисобга олиб, биозарапланиш тушунчасини биз тирик организмлар фаолияти ва иштироки билан, келиб чиқиши антропоген ёки хомашё сифатида фойдаланиладиган табиий объектларни структуравий ва функционал характеристикаси ўзгаришини вужудга келтирадиган ҳолатларга тадбиқ қиласиз.

Ушбу ифодани тўлиқ эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, биозараланиш ҳодисаларини хилма-хиллигини қамраб олувчи ва шунинг учун муаммони бутунлигича акс эттирувчи сифатида уни қараш мумкин. Албатта бунда ҳар бир йўналиш муаммоларини, объектларини ва уларга қарши ҳимоя воситаларини ўзига хос масалаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимчалари билан қабул қилинади. Бу маънода денгиз кемаларини биоқопламалардан ҳимояловчи мутахассис ўзини талқини, аэроромлардан қушларни чўчитувчи орнитолог ўз талқинини, куя, терихўрлар ва термитлар билан шуғулланувчи энтомологдан фарқли ўлароқ фикирларни билдирадилар.

Аммо талқинлардаги умумийлик асосий масала инсон қўли билан яратилган, буюм ва материалларни биозарапловчилардан ҳимоя қилиш муҳтоҷлигига қаратилган.

Шу билан бирга, ҳар бир мутахассис “биозарапланишлар” терминини таърифлаганда асосий ғояни тўлдириш ва аниқлаштириш билан бирга, албатта унинг муҳим томонига, яъни биозарапланишлар экологик муҳитда содир бўлишига, бинобарин кўплаб табиий ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, улар билан чиндан боғлиқлигига эътиборини қаратади. Масалан, биоқопламалар бўйича мутахассис ўз эътиборини сув муҳитини ўзига хос хусусиятларига, термитлар бўйича мутахассис – тупроқнинг хусусиятларига, орнитолог эса-ҳаво муҳити хусусиятларига қаратади. Ҳар бир ҳолатда бу хусусиятлар ўз аксини тегишли биоценотик муносабатларда яъни обьект, уни заарловчи организм ва атроф муҳит ораларида юзага келувчи муносабатлардан топади.

Бу муносабатлар организмларни объектларга таъсирини кучайтириши ёки кучизлантириши ва ҳатто батамом йўққа чиқариши мумкин. Бундай ҳолатни биозарланишлар бўйича мутахассис ҳисобга олмаслигини иложи йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *экологик-антропоген-технологик омилларнинг ўзаро таъсири асосида биосферани инсон фаолияти натижасида келиб чиқсан маҳсулот билан тўлдиришиши (ифлосланниши) билан боғлиқ биоценотик, ландшафт-зонал ва кенг маънода биосферик ҳодиса-биозарланишидир.*

Турли экологик ва антропоген-техник омиллар натижасидан келиб чиқиб биозарланирувчи таъсирнинг динамикаси юқори. Улар макон ва замонда турли босқичларни, тезланувчи ва секинланувчи вақт кесмаларни, орқага кетишлар сингари ўз ичига мураккаб жараёнларни олади. Бу мураккаб жараён биозарланирувчи деб номланади. Унинг охирги натижаси объект структура ва функционал хоссаларнинг ўзгариши бўлса ҳам, объектда бу ўзгаришлар оралиқ босқичларда, бир хил ҳолатларда катта, бошқаларида эса кичик даражада ўтиши мумкин, бунда тескари алоқаларни-объектнинг организмга таъсирларини ҳам инобатга олиш керак.

Шундай қилиб биозарланиш жараён бир томонлама йўналтирилган жараён эмас. У объект ва организмларнинг фаол ўзаро таъсири билан характерланади. Биозарланирувчи жараён иккиёклама ва бунда маълум даврларда, маълум босқичларда у ёки бу жараён устунлик қиласи.

Биозарланирувчи вазият, барча зарур бўлган компонентлар ва омиллар мавжудлигига келиб чиқиб, биозарланиш мумкинлигини кўрсатади. У биозарланишнинг энг муҳим тушунчаларидан биридир. Бу тушунча биозарланишларнинг вужудга келиш потенциал имконияти бўлишини кўрсатади ва биозарарапланнишлар башорати билан боғлиқ терминологик схемалар ишлаб чиқишина тақозо қиласи.

Биозарланиш вазиятини вужудга келтирувчи энг муҳим компонентлар тирик организмлардир, улар объектга биозарланиш таъсир этиш манбаи бўлиб, маҳсус воситалар билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган бўладилар. Бу компонентларнинг иштироки макон доирасидаги масофада, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатишга имкон бераб, биозарланиши таъсир имкониятини аниқлайди, шундай экан, биозарланирувчи вазиятни яратади, аммо у биозарланирувчи жараённи юзага келтирмайди, унинг юзага келиши заараланадиган организмнинг заарловчи организм таъсирида келиб чиқиши орқали бошланади.

Биозарланишларнинг манбаи деб материал, буюм, иншоот, табиий ҳомашёларга ҳужум қилувчи ва уларнинг хоссаларини инсон учун номақбул қилувчи организмларга аталади. Бундай организмлар *биозарланиш агентлари* ёки *зааралантирувчи организмлар* деб ҳам юритилади.

Иншоотлар, буюмлар, материаллар, маҳсулотлар организмлар билан заараланганда фойдали хусусиятларини йўқотадилар. Уларни *биозарланиш обьектлари* ёки *биозарланаған обьектлар* дейилади.

Биозарланиш обьектлари тушунчасига, дастлаб инсон томонидан уларнинг таркибига биоцидлар тариқасида ҳимоя воситаларининг киритилиши ёки кейинчалик обьектга биозарланиш таъсири реал хавф туғдирганда, нафақат профлактик балки фаол чоралар кўришни тушинилади.

Шундай қилиб, манба (агент) тушунчаси экологик тоифасига киради, биозарланирувчи обьект ва ҳимоя воситалари эса антропоген –технологик-

тоифаларга оиддир. Уларнинг барчаси экологик- технологик сабаб сифатида биозарланишнинг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқ.

Биозарланишнинг иккиёқламали хусусияти, келиб чиқиши сабаблари ва эколого-технологик концепцияси

Биозарланишнинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида ягона фикр йўқ. Мавжуд дунёқарашларга кўра асосий ва етакчи сифатида экологик муҳитга устунлик берилади. Бошқа мутахассисларнинг фикрича, бутунлай инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳал қилувчи атропоген-технологик муҳит ҳисобланади. Иккала фикрнинг асосланганлигига кўра биозарланишни гоҳ экологик, гоҳ эса антропоген-технологик ҳодиса сифатида қараш мумкин. Биозарланишни эколог нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, унинг ихтиёрида қўйидаги асослар мавжуд. *Биозарланиши ҳамишиа, қандай бўлмасин, тўғридан тўғри ёки бир томондан атроф-муҳит билан боғланган, айрим ҳолларда инсон дахлсизлиги, бошқаларда-кескин ўзгартирилган*, ва ниҳоят учинчидан-инсон томонидан яратилган деб қаралади. Атроф-муҳит фон ҳисобланиб, унда биозарланиш жараёнлари кечади, ўз ўрнида шуни айтмоқ керакки у доимо атроф-муҳитнинг доимий гирдобига чалинган бўлади. Муҳитсиз ҳеч қандай биозарланиш вужудга келмайди ва бўлмайди. *Биозарланишининг атроф-муҳитда ўз аналоглари-экологик прототиплари бўлиб, табиатда шунга ўхшаш ҳодисалар инсон пайдо бўлишидан олдин ҳам, айниқса ҳозирги даврда инсон мунтазам равишда муҳитни буюм ва материаллар билан тўлдириб туриши биозарланишни вужудга келишига шароит яратади.*


Шундай бўлганда, биозарланишлардан бири - кемаларда сув ўтлари, қисқичбақасимонлар ва моллюсклар биоқопламасининг ўсиши-табиатда уларнинг сузивчи буюмларга табиий ўсишиб биоқоплама уларни экотиплари мавжудлигидан дарак беради. Масалан: сувга кулаган дарахтларда ва ҳ. Бунда организмларнинг муҳитга тушган янги предметга нисбатан таъсирчанлиги, жумладан, инсон фаолияти туфайли, баъзида уларга экологик яхши таниш бўлган сингари кузатилади.

Биозарланишлар жараёни нафақат атроф-муҳит таъсирини сезади, ўз навбатида ўраб олган барча яқин муҳитни ўзгартириб, унга ҳам таъсир кўрсатади. Ўзини олганда, инсон томонидан яратилиб ва атроф-муҳитга киритилган объект кучли экологик муҳит ҳисобланиб, бир хил ҳолларда организмлар томонидан фаол фойдаланилса, бошқаларда – уларга салбий таъсир кўрсатади, учинчиларида эса билвосита яшаш жойи ва тарқалишга нисбатан уларга янги имкониятлар туғдиради.

Бундай барча ҳолларда, хужумкор объект организм хусусиятини ўзгартиради ва муҳим экологик нуқтаи назардан янги қўшимча сифатлар ҳосил қилиб, бир вақтнинг ўзида ушбу объектни биоценотик занжирга киритувчи табиатда мажуд ёки инсон фаолияти томонидан янги вужудга келган ўзига хос гид вазифасини бажаради.

Биозарланиш жараёнларининг атроф-муҳит билан чамбарчас алоқа фаоллиги, қачонки инсон томонидан табиатга киритиладиган объектлар кўп ҳолларда уларни хужум қилувчи организмлар ёрдамида табиий биоценозларга киритилганда улар бошқа биоценозлар аъзолари билан алоқада бўлган ва шу туфайли уларнинг ихтиёридаги юзага келган контактларни қайтадан жалб қилган, улар томонидан “келирилган”, аъзоларга тақдим қилишдир. Бошқа ҳолларда объект ва унга хужум қилуви организм атрофида янги биоценотик боғланишлар ва ўзаро боғланишлар бўлиб янги, сунъий биоценоз юзага келади. Бу ҳолда объектнинг

экологик “фойдалилиги” ва экологик мақсадда организмлар томонидан уни фойдаланиш имкониятини ҳал қилувчи фактор бўлиб қолади. 1-расмда табиий биоценозларга обьектлар жалб қилинишининг асосий йўллари ҳамда янги биоценозлар ва биоценотик боғланишларни вужудга келтиришдаги обектларнинг аҳамияти кўрсатилган.



1-расм. Биозарланиш вазияти шаклланишида биоценотик муносабатлар - фактор сифатида (В.Д.Ильичев бўйича, 1987)

Шундай қилиб, экологик нуқтаи назардан биозарланиш кўриб чиқилганда биозарланиш жараёнининг юзага келишидаги ва ривожланишида экологик факторни афзалроқ кўрган мутахассисларининг тутган йўли жуда жиддий ва далиллар билан исботланганligини кўрамиз. Аммо биозарланиш табиатига экологлар нуқтаи назаридан қарашлар етарлича мукаммал ва охиригача далиллар билан исботланган деб бўладими? Ахир антропоген фактор мавжудлигини инсон сифатида ва унинг иш фаолияти натижасига кўра рўй бериши биозарланишнинг керакли шарт-шароитлари бўлиб қолганлигини эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Шуни ҳар доим эсда тутмок зарурки биозарланиш муаммосига факат унинг қўлга киритгандан, тахланган ва қандайдир даражада ишлов берилган, яъни ишлаб чиқаришга киритилган, қисминигина алоқаси бор. Хусусан бу ҳар қандай транспорт воситаси ёрдамида ташиб босқичида турган ҳом ашёга таалуқлидир. Агарда биозарланиш жараёнин пайдо бўлишидаги ва ривожланишидаги антропоген факторнинг аҳамиятини аникроқ баҳоламоқчи бўлсак, унда инсон ўзи ишлаб чиқарган ва табиатга киритган обьектга тирик организмлар таъсириининг бошини ва охирини қайд қиласди, сўнгра заруратга қараб уни йўқ қиласди.

Шу билан бир қаторда у маҳсус ҳимоя воситаларни қўллаб биозарланиш жараёни бошланишини силжита олади.

Ҳимоя воситаларининг таъсирини чеклаб ёки умуман олиб ташлаб инсон ўзининг обектини биозараарловчи организмлар таъсирига йўл очиб беради.

Биозараарланишни пайдо бўлишида антропоген факторнинг аҳамиятини тушиниш учун биозараарланиш жараёнини бошқарувчи, унинг кучини ўзгартирувчи, тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи ва хатто вақтингчалик тўхташгача олиб келувчи функциялар муҳим аҳамиятга эга ва эътиборга лойик.

Инсон барча ўша ҳимоя воситаларига эга бўлиб, бу имкониятларни эгаллайди, бу ҳолда уларни бошқарувчи деб атаемиз.

Антропоген факторлар билан боғлиқ яна бир йўналиш бўлиб, у ишлов муддатини ўтаган материаллар ва хомащёнинг биозараарланиш туфайли утилизация қилишга асосланган. Бу муҳим масала ҳам бошқарувчи функциялар асосида ечилади ва инсоннинг биозараарланиш жараёнини бошқара билиш, унинг ҳаракатини тартиба солиш ва йўналтириш маҳоратига боғлиқдир.

Шундай қилиб биозараарланиш - бу бир вақтнинг ўзида ҳам экологик, ҳам антропоген-технологик кўринишидир. Айнан бу принципиал муҳим вазият биозараарланиш концепцияси эколого-технология асосини ташкил қилиб (Ильичев, 1978, 1979), унинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат бўлади. Биозараарланиш иккита асосларнинг ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келади ва яшайди; биринчи экологик факторлар билан ва бошқалари антропоген-технологик факторлар билан боғланган. Агарда биз уларнинг бирортасини чиқариб ташласақ, унда шу билан реал аҳволини нотўғри талқин қиласиз ва бизнинг тушунчамиз тўлиқлиқ ва тугаганликка даъвогар бўла олмайди, чунки шу билан биозараарланишнинг энг муҳим хусусиятини йўқотган бўламиш.

Экологик ва технологик компонентларнинг мураккаб ўзаро таъсири динамикасида биозараарланишнинг кўриниши деб таърифлайди. Динамиканинг ҳаракати ва йўналиши шу ўзаро таъсир билан аниқланади. Бунинг устига инсон ва унинг иш фаолияти натижалари бу ўзаро таъсирда атроф муҳитнинг бир қисми бўлиб иштирок этади, ваҳоланки муҳитнинг ўзи, биозараарланиш учун муҳим экологик факторлар орқали бевосита ифодаланиб, биозараарланиш жараёнинг иштирокчиси бўлиб қолади.

Инсон ўзининг иш фаолияти натижасида атроф муҳитни, қўллари ёрдамида яратган маҳсулотлар билан тўлдириб, ўзгартиради ва беихтиёр ўзи истамаган ҳолда биозараарланишнинг юзага келтиришда провокация қиласи. Бу жараёнга у фаол қатнашиб бир хил ҳолларда уни тартиба солади, бошқа ҳолларда уни стихияли равишда ўтишига йўл қўяди, учинчи ҳолларда эса организмлар томонидан келтирилган зиённи камайтиришга ва моддий талофатни қисқартиришга интилиб, фақат қисман унга таъсир кўрсатади.

Биозараарланиш инсон билан биосфера ўткир муносабатлари тўқнашувида вужудга келиб, энг аввал инсон манфаатларини кўзда тутган ҳолда ўз ечимини талаб қиласи.

Шу нуктаи назардан биосфера томонидан биозараарланиш реакциясининг сабаби келиб чиқиши антропоген объектлари билан муҳитнинг тўлдирилиши, унинг ифлосланиши ва оқибатда “ўз ўзини тозалаш” кўринишидаги жавобидир.

Экологик ва антропоген-технологик компонентлар бунинг устига бир-бирига ўзаро киришиб ва бир-бири билан шунчалик ўзаро тифиз таъсир қиласиди биозараарланишни вужудга келтиришнинг альтернатив сабаби сифатида уларни алоҳида қараш мумкин эмас. Сабаби бу компонентларнинг ўзаро таъсири ва айнан унинг биозараарланиш тўғрисидаги бизнинг экологик ва бир вақтнинг ўзида

антропоген табиати кўринишидаги мураккаб ҳодиса сифатида тушунчамизнинг бутунлигини таъминлайди.

Биозарланишнинг икки ёқлама табиатини эътиборга олиб экологотехнологик концепция таъкидлашича эътиборни қўйидаги, уларнинг вужудга келиши ва ўтиш жараёнида содир бўлган, муҳим ҳодисаларга қаратади.

1. Заарловчи турларнинг рўйхати каби заарланувчи обьектларнинг таркиби ҳам ҳар доим ўзгариб туради. Уларга ҳужум қилувчи обьектлар ғойиб бўлишига қараб, бирорлари индифферент (бефарқ) бўлиб қолади, ваҳоланки бошқалари, аксинча ўзларига янги, экологик фойдали бўлган обьектни топиб олиб унга фаол ҳужум қилиди. Айрим обьектлар ўз сифатларини ўзгартириб бир хил ҳолларда биозарлантирувчи турлар сифатида муҳимсизроқ бўлиб қоладилар. Янги обьектларга ҳужум қилишга потенциал (яширин ҳолда) тайёр турган турларнинг табиатда ҳар доим катта резерви мавжуд, аммо уларнинг биозарарлаш хусусиятлари кўпгина ҳолатларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади ва, шундай қилиб, ҳозирги пайтда ўзининг реал хусусиятларини намоён қиласиганларга қараганда, биозарланиш потенциал турларининг микдори ҳар доим кўп бўлади.

2. Юзага келган вазиятив факторлар ҳар бир дақиқада биозарланиш хусусиятини фақат маълум бир турнинг популяциясида намоён қилса, ва ҳоланки бошқалари индифферент бўлиши мумкин. Бошка бир ҳолатда кўриниш ўзгариши мумкин, ўшанда биринчилари биозарланишнинг яширин агентларига ўтади, иккинчилари эса шубҳасиз зааркунадалар ролини ўйнайди.

3. Биозарлантариш хусусиятларини ўтишида атроф-мухит кўп қиррали табиий-минтақавий ва иқлимий факторлардан бошлаб ва тирик организмларнинг мавсумий ва суткалик биоритмларигача бўлган муҳим экологик шароитлар фаоллик кўрсатади. Шу факторлар ўрнини инсоннинг табиатни ўзлаштиришдаги фаолияти, уни чиқиндилар билан ифлослаши, янги материаллар ва маҳсулотлар билан тўлдириши эгаллади. Мухитни инсон томонидан ифлосланиши сезиларли даражада экологик факторларнинг динамизмини аниқлаб, биозарарлаш хусусиятларининг намоён бўлишини, мураккаб ва силжийдиган қурама (мозаика)сини яратиб, баъзи организмларнинг, популяциялар ва биоценозларнинг биозарарлаш фаолиятини рағбарлантиради.

Биозарланишнинг экологик аналоглари ва улардан ҳимоя воситаларини излашда фойдаланиш

Биозарланиш барча компонентларининг иштироки биозарланиш вазиятини вужудга келишига замин яратади. Агарда компонентларнинг ўзаро таъсири амалга оша бошланса, унда биозарланиш жараёнининг бошланишига асос бўлади. Ўзаро таъсири бошланиши учун организм ва обьект бир бири билан учрашиши шарт. Агарда бу учрашувда манфаатдор организм обьектни қабул қилса, унинг бўшлиқда кўчиб юришини кузатиб борса ва ниҳоят, унинг билан алоқага чиқса, бу жараён содир бўлиши мумкин. Аммо бошқа ҳолларда организм обьект билан учрашувни изламайди ва уларни ўргасидаги алоқа ташқи (бегона) кучларнинг таъсири билан ўрнатилади. Информацион-сигнал берадиган назорат мажбурий эмас. Масалан, қайнин уруғларини шамол тош деворга олиб кетади ва улардан дарахтчалар ўсиб чиқади, қушлар эса самолётлар билан тўқнашиб уларни шикастланишга олиб келади.

Ҳамма ҳолларда биозаарланиш жараёни фақат организмнинг объект билан бевосита алоқаси бўлган ҳолдагина бошланади. Бу алоқа аниқ бир мақсадга қаратилгандиги билан (компонентларнинг бири ёки бирга иккалови томонидан), уларни бошқарувчи мониторингнинг (ёки табиат кучларининг) таъсири орқали ёки бўлмаса тасодифан эришилади.

Агарда организм объектдан манфаатдор бўлса, шундагина у уни фаол “излашни” бошлайди. У унга нисбатан бетараф таъсиrlаниш кўрсатиши мумкин, мабодо объект унинг учун ҳеч қандай экологик ва информацион аҳамиятга эга бўлмаса.

Бу схема сезиларли даражада жониворларга тегишли, лекин уларнинг биозаарланишларга қўшган ҳиссаси катта. Бевосита алоқадан ташқари, жониворларнинг катта масофаларда объектларни қабул қилиш қобилияти муҳим ва сўнгра улар билан фаол яқинлашишади ёки улардан ўзини четга олади. Бу ҳолларда биозаарланиш жараёнининг юзага келиши ва ривожланиш эҳтимоли масофадан бажариладиган (дистанцион) объектдан жониворларга бир томонлама йўлланган, алоқани ўрнатилишига боғлиқ. Жониворларнинг сезги аъзолари объектни қабул қилиш қобилиятига эга бўлган ҳолдагина бу алоқа ўрнатилади. Мабодо бундай алоқа ўрнатилмаса, унда жониворнинг ташаббускорлиги биозаарланиш жараёнини пайдо бўлишига таъсир кўрсата олмайди.

Шу билан бир қаторда организмнинг объектни қабул қилиш факти ўзини олганда ҳали у томонидан бўладиган зарурий биозаарланиш реакциясини англатмайди. Бунинг учун жониворда ўзига таниш, фойдали ориентир каби объектга нисбатан қизиқкан бўлиши керак, агарда объект унга шундай нарсани эслатса. Ёки ҳеч бўлмаганда жонивор нотаниш объектга танқидий қизиқиш кўрсатиши керак. Нейтрал хулқли реакция ёки айниқса репеллент-чўчитадиган четга олиш реакцияси агент билан объектга яқинлашиш, ўзаро муносабатга кириш ва шу билан биозаарланиш жараёнини бошлаш имкониятини бермайди.

Шундай қилиб жониворлар билан боғлиқ бўлган биозаарланиш жараёнлари катта қисмининг пайдо бўлишидаги муҳим фактор, бу жониворларнинг объектларни қабул қилиш ва уларнинг таъсирига ижобий, атTRACTИВ жавоб бериш қобилиятидир.


Объект ва табиат ориентирлари ўхшашигини экологик принципи (тартиби) шундай муҳим вазиятни кўрсатадики, инсон томонидан яратилган кўпчилик материаллар, маҳсулотлар ва иншоотлар биозаарланиш таъсири объекти бўлиб қолмоқда, энг аввал улар қачонки экологик ўхшаш бўлса (тўлиқ ёки қисман ўхшаш бўлса) ва табиий ориентирларни эсга солиб турса. Бунинг устига организм учун экологик муҳим, фойдали табиий ориентирларни эсга солиб турувчиларга алоҳида афзаллик кўрсатилади.

Агарда бу фойдали хусусиятлар агент билан объектни бевосита контактида ва объектда тасдиқланса, унда уларнинг орасидаги алокалар доим ва мустахкам ҳосиятига эга бўлади ва хулқ-атвор реакцияларида мустахкамланади. Мабодо организм ва объект орасидаги контактлар тадқиқий реакция негизида амалга ошиб борса ёки улар умуман тасодифан юзага келса, унда организмнинг кейинчалик хулқ-атвори объектнинг экологик фойдалилигига боғлиқ бўлади ва бунга боғлиқ ҳолда материал ва маҳсулот доимий ва кучайтирилган ҳужумларга учраб туради ёки ҳужумлар тасодифан юзага келадиган сифатга эга бўладилар.

Кўпчилик биозаарланишларнинг ўз табиий аналоглари мавжуд бўлиб улар материал ва маҳсулотнинг азалдан маълум бўлган ва турли хил организмлар ўзларини яшаш мақсадида фойдаланиб келган табиийлари билан ўхшашигига

асосланган. Баъзи ҳолларда ўхшашик экологик аҳамиятсиз параметрлар билан чекланади, бошқа ҳолларда материаллар ёки маҳсулотлар экологик мухим хусусиятлари билан ўхшаш бўлиб кетади ва ўшанда улар организм (организмлар) томонидан доимий ҳужум ва фойдаланиш (яъни биозарланиш) обьекти бўлиб қолади. Бунда организм бу обьектни экологик ўзлаштиришда унинг экологик прототипига (тимсолига) мослашиб бўлган мослашиш усуслари билан фойдаланади. Бунақа мослашишларни мавжудлиги организмни обьектларга “олдиндан мослаштиришдек” бўлади, осон (таёр) йўллардан фойдаланган ҳолда уларни ўзлаштириш имкониятини беради. Тур учун аналоглари бўлмаган ва организм учун нотаниш бўлган, унинг мослашиш чегарасидан чиқиб кетган янги материаллар ва маҳсулотлар - бу эса бошқача ҳолат. Бунда ҳамма нарса организмнинг турлар-таърифига, уларнинг қайтадан қуриш ёки ўзгариш қобилиятига боғлик. Бир ҳолларда бу ўнгидан келади, ва ўшанда янги материал ва маҳсулот шунингдек биозарланиш таъсирини обьекти бўлиб қолади, бошқа ҳолларда эса аксинча, ва организмлар уларнинг таъсирига жавоб бера олмай қоладилар (2-расм).


Шундай қилиб, табиатда экологик прототиплари бўлган материаллар ва маҳсулотлар энг кўп заарланиш обьектлари бўлиб қолади, чунки даставал организмлар уларга “олдиндан мослаштирилгандек” бўлади, биринчидан, уларни қабул қилиш, иккинчидан, ўзлаштириш ва ҳаётий мухим мақсадларда фойдаланиш нуқтаи назаридан. Қабул қилишни тўсиб (блокировка қилиб) ва ўхшашик параметрлар билан фойдали хусусиятларни йўқ қилиб буларнинг ҳар бир йўналиши бўйича ҳимояни ташкил қиласа бўлади.



2-расм. Биозарланиш вазияти шаклланишида антропоген ва экологик компонентларнинг ўзаро муносабатлари (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987).

Прототипнинг мавжудлиги - ҳимоя воситаларини излашдаги йўлдир. Агарда табиат у ёки бу, ҳужум қилувчи организмга қарши танлаган, масалан, ўлжанинг йиртқичга қарши унинг қуроллантирилган, воситани танласа, унда бу восита эволюция жараёнида узоқ давомли, равон ўтган ва шунинг учун унинг таъсири самарали ва ишончли деб ҳисобласа бўлади. Бу ҳолда табиатнинг ўзи нафакат баъзи усулларнигина эмас, ваҳоланки биоценотик партнерлар ўзларининг ўзаро бирбиридан ҳимояланиш муносабатларида фойдаланадиган йўналишдаги биозарарланиш ҳимоя стратегиясини ҳам такидлаган бўлади (3-расм).

Албатта, табиатга тақлид қилишни тўппа-тўғри (сўзма-сўз) тушиниш керак эмас- бу атиги тадқиқотчининг ушбу принцип йўл-йўриғидан фойдаланган ҳолда унинг қидирув изланишларини жиддий равишда осонлаштириш мумкин бўлган ва қандайдир даражада ҳатто ҳаракатлардан ўзини хавсизлантирадиган йўлни кўрсатишидир.



3-расм. Биозарарланишдан ҳимояланишнинг асосий йўналишлари
(В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Табиатнинг ўзи кўрсатиб турган янги усулларнинг истиқболли йўналишларидан бири - бу этологик ва хусусан, обьектларнинг чўчиши воситаларидан фойдаланишидир. Биозарарланишдан ҳимоя қилувчи этологик воситаларга организм учун хаётий муҳим компонентлари бўлган экологик факторларнинг таъсири билан мустаҳкамланган табиий ориентирнинг ясама негизи ётади. Мисол учун, қушларнинг хавф-ҳатар тўғрисида огоҳлантирувчи ҳалокатли сигнал қичқиришининг ясамаси (имитацияси) йиртқични, милтиқдан отиб турган инсонни ва ҳ. макетини кўрсатиш билан бирга мустаҳкамланади, факат шундагина бу воситаларнинг таъсири самарали ва узоқ давомли бўлади. Милтиқнинг отилиш


овози қушларни чўчишишни этологик воситаси сифатида фақат шу ҳолдагина самарали бўладики, мабодо шу билан бирга милтиқ, ва ярадор бўлиб, талвасада титраб ётган қуш намойиш этилса.

Чўчишиш воситаларнинг самарадорлигини жиддий равишда оширишда фойдали фактор сифатида жониворни ўзига жалб қилувчи унинг учун хаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган атTRACTИВ ориентирини бир йўла намойиш қилишdir. Хаётий муҳим ориентирларни мустаҳкамловчи этологик восита нафақат сохта белгиси орқали самара кўрсатиши, балки жониворларга табиий фаол таъсири қўзгатадиган, вужудга келтирадиган танитувчи белгилар хусусиятни ҳам намоиш қилиши керак.


Биозарланишнинг юзага келиши ва ундан ҳимояланишнинг асосий қонуниятлари мозаика (қурама) принципи

Биозарланиш жараёнини асосий компонентлари орасидаги ўзаро муносабат хусусиятини қўйидагича тақдим қилиниши мумкин (4-расм).

Организм –биозарлаш агенти - объектларга (материал, буюм, мослама, иншоот) таъсири туфайли уларнинг хусусиятларини инсон учун номақбул томонга ўзгартиради ва ўз навбатида объектни ҳимояловчи воситалар томонидан тескари таъсиrlанади.



4- расм. Биозарланиш вазияти қатнашчилари ва улар орасидаги алоқа хусусиятлари
(В.Д.Ильичев бўйича, 1987).



5-расм. Биозаррланиш вазияти – мозаик характердаги қўриниши
(В.Д.Ильичев ва бошқ.бўйича, 1987)

Оҳиргилари организмга, бир хил ҳолларда биоцидлар, бошқаларида эса репеллентлар сифатида фаол таъсир кўрсатиб уларни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Воситалар биозаррланиш таъсири механизмини тўсиб қўяди, яъни организм ва объект орасидаги ўзаро таъсирни чегаралайди, ёки объектни умуман изоляциялади (алоҳида ажратиб қўяди), шунга кўра биозаррланиш самарадорлигининг олдини олади. Асосий компонентларнинг ўзаро муносабатларига ва, демак биозаррланиш жараёнига, таъсир этувчи факторлар иккита катта категорияларга бўлинади. Биринчисига эколого-географик ва популяцион-биоценотик, иккинчисига ижтимоий-иқтисодий фактор киритилади. Эколого-географик ва популяцион-биоценотик факторлар кўпинча биозаррланиш манбаига- организмларига камроқ даражада ва қисман ҳимоя воситаларга (ҳаммалари эмас) ва фақат билвосита (четдан) ва бавосита ифодаланган ҳолда биозаррланиш таъсири объектларига, масалан, уларнинг хусусиятларини аниқлаган ҳолда иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда тайёрланади. Ижтимоий-иқтисодий факторларнинг таъсири асосан конструкциясини тузиш ва ишлаб чиқаришда на фақат инсон фойдаланиш қулайлиги, балки биозаррланиш таъсиридан ҳимояланганлиги

ҳам аниқланиши мақсадга мувофиқдир. Факторларнинг бу категорияси организмларга, уларни сонини камайтириш, ҳаттоқи бартараф қилиш йўли билан, яъни радикал усули билан, таъсир кўрсатиш мумкин. Гарчанд бу таъсирлар аҳамиятли бўлса ҳам, биозаарланиш жараёнига улар ўзини таъсирини бошидан охиригача инсон ёрдамида вужудга келган ва шунинг учун унинг назорати остида бўлган ва ижтимоий-иктисодий факторларга боғлиқ объектга бериб бавосита ифодаланган ҳолда ва билвосита таъсир этадилар.

Тақдим этилган блок-схеманинг ҳар бир звеноларидан кейин кўпгина воситалар билан химояланган, кўпчилик материалларни, маҳсулотларни, мосламаларни ва иншоотларни заарлайдиган жониворлар, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ғоят катта хилма-хиллигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Агарда аниқ тур ва у билан заарланадиган, маҳсус восита билан химояланган, объект учун тавсифланган схема берилса, у ҳолда бунақа схемаларни сони кўп бўлмайди, аммо улар жиддий равишда мураккаблашган бўлади, бунинг устига мураккаблаштирувчи факторлар ролини эколого-географик, популяцион-биоценотик ва ижтимоий-иктисодий таъсирлар ҳам уйнаши мумкин.


Натижада олдимизда ўзаро муносабатлари мураккаблашган мозаикаси ва биозаарланиш жараёнларининг бундан ҳам ортиқроқ, биосферани янгидан-янги материаллар ва маҳсулотлар билан тўлдирилиши, биозаарланиш агентлари доирасига янги турларни жалб қилиши туфайли узлуксуз ўзгарувчан мураккаб мозаикаси намоён бўлади.

Бу ходисага В.Д.Ильичев биозаарланишни юзага келтиришдаги мозаикалийкнинг принципи деб номлади.

Тирик организмларнинг асосий гурухларини биозаарланиш жараёнларида иштирок этишини, улар томонидан заарланаётган материаллар, маҳсулотлар, мосламалар ва иншоотларни асосий категориялари билан уларнинг алоқасини ўзимизча тасаввур қиласил. 5-расмда бу алоқалар схема тарзда кўрсатилган. Турли хил бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар, сув ўтлари, олий ўсимликлар, содда ҳайвонлар, ковакичлилар,чувалчанглар, мишанкалар, моллюсклар, бўғимоёқлилар, игнатанлилар, балиқлар, қушлар, сут эмизувчилар биозаарланиш агентлари бўлишлари мумкин; биозаарланадиган объектлар- бу ғишт, тош, бинолар, иншоотлар, ёғоч-тахта ва ундан ясалган маҳсулотлар, металл ва металл буюмлари, қофоз хужжатлар, фотосуратлар, китоблар, музей коллекциялари, буёқлар, елимлар, терилар, жун, кийим, оёқ кийим, нефть, нефть маҳсулотлари, шиша, силикатлар, оптик асбоблар, пластмассалар, полимерлар, резина, радио ва электр асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, йўл қопламаси; биозаарланиш сув ва ҳаво мухитларида, тупроқда ва заминда амалга ошиши мумкин.

Мозаикалийк принципи жониворлар, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг, объектлар ва ҳимоя воситалари классификация бўлинмаларининг олий систематик категориялари даражасида намоён бўлади. Аммо, айниқса унинг ҳар тарафлама ва тўлиқ намоён бўлишини биз бу алоқаларни пастроқ даражаларда кузатилган ҳолда кўрамиз.

Биозаарлаш вакилларини барча систематик гурухлар ёппасига эмас, факат мозаика тариқасида тарқатилган синф системасидаги туркумларда учратамиз, туркумда-ҳамма оилаларида эмас, факат баъзиларида, оиланинг ҳамма авлодида эмас, баъзиларида гина, авлоднинг-барча турлари ҳам биозаарловчи бўлмасдан, факат уларнинг баъзилари қайд қилинади (6-расм).



6-расм. Биозаарлаш агент ва объектларининг объект танлаш ўзаро систематик муносабатлари (В.Д.Ильичев бўйича, 1987)

Шу билан бир қаторда ҳозирги маълумотларга кўра бу принципни популяция даражасигача узайтириш зарурлигини кўрсатмоқда, чунки биозаарланишда турли хил сабаблар туфайли кўпчилик турларининг барча популяциялари эмас, фақат баъзиларигина, иштирок этади. Мабодо биозаарланиш турларининг (популяцияларини) уларни заарлайдиган объектлар ва бунда фойдаланиладиган ҳимоя воситалари билан боғлашга уриниб кўрилса, унда умумий реал ахвол қуидагича намоён бўладиган боғланишлар ҳисобидан мураккаблашади:

- бир тур (популяция) классификацион яқин, битта восита билан ҳимояланган, кўп объектларни заарлайди;
- худди ўша тур (популяция) классификацион яқин, битта восита билан ҳимояланган, битта ёки бир оз объектларни заарлайди;
- худди ўша тур (популяция) классификацион олис, классификацион узоқдаги воситалар билан ҳимояланган, объектларни заарлайди;
- бир тур (популяция) классификацион олис, классификацион яқин битта ёки бир оз воситалар билан ҳимояланган, кўп объектларни ҳимоялайди;
- бир тур (популяция) классификацион яқин бўлган кўп объектларни заарлайди, уларнинг ҳар бири худди ўша воситалар тўплами билан ҳимояланади;
- бир тур (популяция) классификацион яқин бўлган кўп объектларни заарлайди, уларнинг ҳар бири турли хил воситалар тўплами билан ҳимояланади;
- бир тур (популяция) классификацион олис бўлган объектларни заарлайди, уларнинг ҳар бири худди ўша воситалар тўплами билан ҳимояланади;
- бир тур (популяция) классификацион олис бўлган объектларни заарлайди, уларнинг ҳар бири турли хил воситалар тўплами билан ҳимояланади;
- худди ўша объект систематик яқин, худди ўша ҳимоялайдиган воситага таъсиричан, кўпчилик турлар билан заарланади;
- худди ўша объект систематик олис, классификацион турли хил кўпчилик воситаларга таъсиричан, кўпгина турлар билан заарланади;


-худди ўша объект систематик олис, классификацион худди ўшанга ёки бир неча яқин воситаларга таъсирчан, кўпчилик турлар билан заарланади;

-худди ўша объект систематик олис, классификацион худди ўшанга ёки бир неча яқин воситаларга таъсирчан, кўпчилик турлар билан заарланади;

-худди ўша объект систематик олис, классификацион худди ўшанга ёки бир неча яқин воситаларга таъсирчан, кўпчилик турлар билан заарланади;

-худди ўша объект систематик олис, классификацион бир неча олис воситаларга таъсирчан, кўпчилик турлар билан заарланади.

Мураккаб бўлмаган хисоблашлардан фойдаланган ҳолда шундай бирикмаларни таққослаш мумкин бўлган сонини баҳолаб бериш ва уни анчагина катталикка эришишини кўрсата олиш мумкин. Амалда эса анчагина кичикроқ реал сон билан яқин муносабатда бўлиб, у даставвал агентларнинг, объектлар ёки ҳимоя воситаларнинг битта систематик ёки классификацион қатори ичидагина эмас, балки қаторлар орасидаги муносабатларнинг мозаикали тақсимлаш хилма-хиллигини кўрсаткичи сифатида қизиқиш туғдиради (7-расм).



7-расм. Биозарарланиш вазиятининг ривожланишида агент ва объектларнинг ўрин эгаллаши (В.Д.Ильичев бўйича, 1987)


Шундай қилиб, мозаикалийк принципи ҳеч бўлмаганда бир қанча феноменлар кўринишида: систематик ва классификацион қаторларда (агентлар, объектлар) автономия ва ҳар бир қаторнинг айрим вакиллари орасида реал мавжуд бўлган алоқалар ва ўзаро муносабатлар воситали равишда намоён бўлади. Биозарланиш хусусиятларининг мозаикали намоён бўлиши биозарланиш ҳимоясининг йўналиши ва умумий стратегиясини аниқлаб беради ва энг муҳими, системали ёндошуви зарурлигини қатъий амр қиласди.

Биозарланиш жараёнини юзага келишидаги ва ривожланишидаги эколого-географик ва популяцион-биоценотик факторлар

Объект мавжуд бўлган жойда турнинг бўлиши биозарланиш жараёнини бошланишидан дарак бермайди, чунки кўпчилик факторлар уларнинг ўртасида, биозарланишни юзага келиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, алоқа ўрнатилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Эколого-географик ҳодисалар бундай чек қўядиган фактор бўлиши мумкин. Биринчидан, шунинг учунки объектни экологик фойдаланиш имконияти билан боғлиқ бўлган факторлар турнинг ареали буйича хилма-хил намоён бўлиши мумкин; иккинчидан, агент ва объкт бир бирини топиши учун улар етарлича кўп сонли ва баб-баравар шунчалик тақсимланган бўлиши керакки, ҳеч бўлмаганда объкт организм сезги аъзоларининг ҳаракат зонасида мавжуд бўлиши керак; учинчидан, организм шу объкт билан алоқага иштиёқи бўлган ва бунаقا алоқалар буйича тажрибага эга бўлган биозарланиш популяциясига мансуб бўлиши керак; тўртинчидан, алоқаларнинг амалга ошиш вақти об-ҳаво ва мавсумга нисбатан агентнинг биозарлаш фаоллигига қулайлик туғдириши керак.

Бу барча факторлар биозарлаш турининг кенг ареали ичida (доирасида), бунақа турларнинг кўпчилиги эса кўпгина табиий минтақаларни кесиб ўтган катта ареалларни эгаллайди, жиддий фарқ қилганлиги сабабли географик узоклашган жойларда биозарланишни юзага келиш эҳтимоли ҳар хил бўлади. Шу билан бир қаторда географик фактор таъсири комплекс турларда фарқланиш асосида ҳам намоён бўлади. Биозарланишдан ҳимоя қилиш тажрибаси, жумладан, махаллий фауна ва флоранинг тур таркиби биозарланишни юзага келиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Жумладан турли жойларда худди ўша турлар объкт ва ҳимоя воситаларига нисбатан ўзини ҳар хил кўрсатади (бу 8-расмда схема асосида тасвирланган).

Эколого-географик факторларнинг ролини аниқлашда турли хил табиий худудлар шароитларида у билан боғлиқ бўлган инсон ҳаёти ва хўжалик фаолиятидаги ўзгаликларни, унинг сони ва табиатга муносабатини ҳам эътиборга олиш керак.



8-расм. Биозарланиш вазияти иштирокчиларининг ўзаро муносабатларидағи регионал факторлар:

1 – агент, 2 – объект, 3 – химоя воситаси (В.Д.Ильичев бўйича, 1987)

Шундай қилиб, социал-иқтисодий факторлар бир хил ҳолларда боғлиқ бўлмай намоён бўлади, бошқа ҳолларда эса экологик ва географик шароитлар орқали бавосита ифодаланади ва уларга боғлиқ бўлади.

Географик турли хил намоён бўладиган популяцион-биоценотик факторлар атроф муҳитни биозарлаш таъсирининг бевосита механизмларидан бири бўлиб қолмоқда. Популяцияни биозарлаш таъсирини энг кичик шундай бирлик деб ҳисоблашга ҳамма асослар бор, қайсики бир вақтда ўзининг биоценотик алоқаларига туташиб, оҳиргиларни биозарлаш жараёнига жалб қилиб, уни амалга оширади.

Турлар популяция ва биоценоз орқали биозарлаш жараёнини амалга оширишда реал иштирок этади. Айнан биоценоз табиий ёки сунъий йўл билан юзага келганлигига қарамасдан инсон томонидан бевосита вужудга келтирилган алоқа ва ташки муҳитга чиқарган материал ва маҳсулот билан биосфера бевосита алоқани амалга оширади. Бу алоқа туфайли биозарланиш жараёнининг юзага келиши ва ривожланишига олиб келади. Шу контактнинг чўққисида биозарланиш турининг биоценотик алоқаларга туташган ва ўзи биоценознинг бўллаги бўлган популяцияси жойлашган бўлади. Агарда популяция инсон томонидан яратилган материал ва маҳсулотни биоценозга “олиб кирса”, унда биоценознинг ўзи материал (маҳсулот)-популяция -биоценоз-биосфера занжирининг охирида бўлиб уларни мураккаб биосфера муносабатларига киритади.

Материални (маҳсулотни) бу муносабатларга жалб қилиш биозарланиш жараёнининг ривожланишига ва йўналишига, унинг қучига таъсир қилмайди деб ўйлаш керак эмас. Аксинча, биоценотик алоқалар - биозарлаш жараёнини юзага келишини тезлаштириши ёки секинлаштириши, хаттоқи тўсиши, унинг хусусиятини ва йўналишини, давом этиш муддатини ўзgartириши ва албатта, унинг оқибатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг муҳим факторларнинг биридир.

Биоценознинг бошқа аъзолари ҳам ўзларининг биозарлаш тури популяцияси билан бўлган алоқалари туфайли истар-истамас биозарлаш жараёнига жалб қилинадилар ва унинг билвосита, айрим ҳолларда эса бевосита, иштирокчиси бўлиб қоладилар. Бутун биоценоз маълум маънода биозарланишнинг ўзига хос макроманбаи бўлиб қолади. Биозарланишлардан

химоя стратегиясини ишлаб чиқишида ва аниқ ҳимоя тадбирларини танлашда бу шароитларни эътиборга олишга тӯғри келади.

Табиати икки ёқлама мураккаб кўринишга эга бўлган биозаарланишларни муҳокама қилишни якунлар эканмиз, ҳозирги даврда олимлар ва амалиётчилар томонидан ечилаётган вазифалар комплексини кўрсатиб ўтамиш.

1. Биозаарланишларни вужудга келтирадиган организмларнинг систематикасини, биогеографияси ва экологиясини ўрганиш. Уларни мослашиш ҳаётий циклнинг турли хил босқичларида мослашувчанлик хусусиятини, янги биотопларни (шу жумладан инсон томонидан вужудга келтирилган) ўзлаштиришини, бошқа регионларга ўрнашишини таъминлайдиган хусусиятларини ва имкониятларини ўрганиш.

2. Организмнинг биозаарлаш (ва биоемириш) фаолиятини ландшафт-худудли шароитларга ва микроиклимага, хом ашё етиштириш технологик режимига, материаллар, маҳсулотлар, мосламаларни ишлаб чиқаришга, иншоотларни яратиш, юкорида қайд қилингандарни сақланиши ва эксплуатациясига боғлиқ ҳолда ўрганиш.

3. Турли хил табиий ва антропоген муҳитлардаги материаллар, маҳсулотлар, мосламалар ва иншоотларни мавжуд бўлган ҳимоя воситалари, шу жумладан профлактик таъсирга биобарқарорлигини синаш.

4. Экологик аналогларни аниқлаш ва уларнинг асосида организмлар (жониворларнинг) биозаарлаш фаолиятига қарши янги самарали ҳимоя воситаларини, шу жумладан, чўчитувчи, чалғитувчи ёки жалб қилувчи тузоқлар комбинациясини вужудга келтириш.

5. Биозаарлаш организмлари ва улар тўдалари сонини бошқарадиган (ёки уларнинг маҳсулдорлигини пасайтирадиган), фойдали организмлар, инсон ва атроф муҳит учун ҳавфсиз, экологик исботланган усуулларни ишлаб чиқиш.

6. Ишлаб чиқариш чиқиндилари ва атроф муҳитни ифлослантирувчи маҳсулотларни емирувчи организмлар имкониятларини ўрганиш, биозаарлаш воситаларини қўллаш ҳисобига биологик емирувчи усуулларни ишлаб чиқиш.


Муаммоларни назарий ҳал қилиш, ёндошиш ва бугунги кунда уларни амалда жорий қилишнинг асосий йўллари шулардан иборат.

Иштирокчилар ва партнёрлар

Муаммонинг мураккаб ва кўп қиррали ечими табиий равишида ўзаро боғланган фанларни ва инсоннинг амалий фаолияти соҳасини манбаатдор иштирокчи ва партнёрларнинг таркибида акс этади. Уларнинг бирлари худди биринчи тадқиқотчилар эшелонини вужудга келтиргандек муаммо ечилишининг энг яқин бўсағасида турадилар, ваҳоланки бошқалари анча олисда жойлашган ва уларни иштирок этиши камроқ ифодаланган. Ва ниҳоят, оҳирги эшелонларни, муаммонинг ечимига бошқаларга нисбатан кам ҳисса кўшадиган, аммо уни ечимидан ўзига кўпроқ нарса оладиган фанлар ташкил этади. Партнёрларнинг ўзаро муносабатларини умумий схемаси 9-расмда кўрсатилган. Уларнинг барчаси иккита категорияга бўлинади.

Биринчи категорияда биозаарланиш манбаалари билан алоқада бўладиган фундаментал фанлар киради. Биозаарланиш гурухларнинг систематикаси, зоогеографияси, морфологияси, физиологияси ва, албатта, экологияси мана шундайдир. Иккинчи категорияга амалий фанлар ва инсон фаолияти соҳалари

киради. Уларнинг ўзаро муносабати натижасида муаммо биозаарланишлар келиб чиқишига сабабчи бўладиган микроорганизмлар, ўсимликлар ва жониворларнинг турга мансублиги, сони, тарқалиши ва ҳаёт кечириши тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлади. Борган сари ёрдами сезиларлироқ бўлиб бораётган популяцион экология бу масалаларни айрим популяциялар даражасида мувофиқ равишда ечади.



9-расм. Биозаарланишдан ҳимоялашда қатнашувчи асосий партнёрлар, манфаатдорлар
(В.Д.Ильичев бўйича, 1987)

Материалшунослик биозаарланиш таъсир кучи натижаларини ва объектнинг хусусиятларига таъсир этиш даражасини ўрганади. Бир томондан химиклар, иккинчи томондан биологлар биргалиқда ҳимоя воситаларини ишлаб чиқармоқдалар, уларнинг ёрдамида организмлар ва объект ўртасидаги ўзаро таъсир изидан чиқади, тўсилади, инсон учун хавфсиз ёки у учун ҳатто фойдали бўлган томонга (чиқиндилар ва ташландиqlарни биоемириши) йўналтирилади.

Ўзига ҳос бўлган “ақлий марказ” ролини бажарган ҳолда экология кенг биоценотик, ландшафт-минтақавий ва ҳатто биосфера кўламида бу ўзаро таъсирлар натижаларига, баҳо берган ҳолда ушбу ўзаро таъсирнинг истиқболлари, инсон манфаатларини кўзлаб уларни бошқариш имкониятини беради.

Биозаарланиш муаммосини ечишда партнёрларнинг ҳар бири ўзиларининг усуллари ва муносабатларини киритган ҳолда, ўзига зарурий ва керакли бўлган нарсаларни олиб, ўз алоҳида ўрнини эгаллаб туради.

2-БОБ

БАКТЕРИЯ ВА ЗАМБУРУГЛАР – БИОЗАРАРЛАШ МАНБААЛАРИ

Материалларни биозарланиш ва биопарчаланишдан ҳимоя қилишни ўрганишдаги кескин бурилиш бу жараёнда микроорганизмларнинг роли аниқлангандан сўнг ўрин олди. Микроорганизмлар таъсирида ёғочлар заарланишини ўрганиш 19 асрда бошланган бўлса, қофоз, китоб ва ҳужжатлар заарланиши 20 асрнинг бошларида, саноатда кўлланиладиган материалларнинг замбуруғлар билан заарланиши 20 асрнинг ўрталарида тадқиқ қилина бошланди. Маълумотларга кўра 2-нчи жаҳон уруши йилларида тропик миңтақаларда ҳар хил мамлакатлар армияларининг кўп аслаҳа-анжомлари микроорганизмлар таъсирида йўқотилган. Шу сабабдан, масалан, Янги Гвинеяда Австралия армиясининг брезент, чодир, кийим, оёқ кийим, резинадан тайёрланган буюмлар, электр асбоб-ускуналар, радиостанциялар ва б. бутунлай яроқсиз ҳолга келган.

Муътадил иқлимда замбуруғлар саноат материалларини ишлаб чиқариш даврида юқори намлик ва ҳарорат бўлиши талаб қилинганда, материалларни қўллаш, сақлаш ва ташиш пайтидаги қоидаларга риоя қиласлик натижасида заарлайди. Тропик ва субтропик иқлимда замбуруғлар тез ривожланади, демак улар келтирадиган заар ҳам жуда катта бўлади.

Материалларга микроорганизмлардан замбуруғлар энг катта заар етказиши исботланган. Улар барча табиий, кўп синтетик материалларни ва ҳатто пўлат ва темирбетондан тайёрланган мураккаб иншоотларни, барча ёнилғи турлари, лак, бўёқ, маданият ва санъат ёдгорликлари ва обидаларини, бошқа кўп жиҳоз ва буюмларни заарлайди. Замбуруғлар билан материаллар заарланиши уларнинг тузилиши билан боғлиқ. Биринчи навбатда ичида замбуруғлар учун озуқа бўлиб хизмат қиласлик моддалар (табиий толалардан ташкил топган тўқималар, ёғоч, оқсилли елимлар, карбонвородлар) мавжуд бўлган материаллар заарланади. Замбуруғлар бу материалларни карбон ва энергия манбаи сифатида қўллайди ва яроқсиз ҳолга келтиради.

Шу билан бирга, таркибида бирор озуқа моддалари бўлмаган материаллар (масалан, металл ва нометалл буюмлар, оптик жиҳозлар) ҳам заарланади. Яққол мисол – дурбин шишаси устида мицелий ўсиш жиҳозни дарҳол яроқсиз ҳолга келтиради. Бундай ҳолларда материаллар заарланишининг сабаблари: 1) улар ҳаводан тушадиган чанг ва замбуруғ споралари билан ифлосланиши; 2) материалларнинг бир-бiri билан контактда бўлиши, масалан, замбуруғ билан олдин жиҳоз ғилофи заарланиши, **ва** кейин шишага ўтиши ва ҳ. бўлиши мумкин.

Шиша устидан моғорни тозалаб кеткизгандан сўнг ҳам унинг устида мицелийнинг ботик “расми” (изи) қолади; бу замбуруғ метаболитлари (асосан органик кислоталари) таъсирида шиша емирилиши натижасидир.

БАКТЕРИЯЛАР

Бактерияларнинг ҳужайралари прокариотик типга мансуб бўлиб, уларнинг шаклланган ядроси йўқ, ядро ДНК си цитоплазмадан ажралмаган, мембрана

тузилмалари туташмаган, хужайрада иккиламчи бўшлиқлар мавжуд эмас. Рибосомалари 70S типига мансуб.

Бактерияларнинг алоҳида гурухлари улар ўзлаштирадиган энергия ва карбон манбаалари билан фарқланади. Энергия манбаи сифатида ёруғликдан фойдаланувчи бактериялар *фототроф бактериялар*, оксидланиш-тикланиш реакцияларидан фойдаланувчилари эса *хемотроф бактериялар* гурухларини ташкил қиласди. Энергетик жараёнда электронлар донори сифатида анорганик моддаларни қўлловчи организмлар *литотрофлар*, органик моддаларни қўлловчилар эса *органотрофлар* деб аталади. Карбон элементи манбаига бўлган муносабатига қараб, барча тирик организмлар сингари, бактериялар ҳам *автотроф* ва *гетеротрофларга* бўлинади. Автотрофлар тана тузилмаларини қуришда ягона карбон манбаи сифатида карбонат ангидридни, гетеротрофлар эса – тайёр органик моддаларни ишлатади.

Биозараарловчи организмлар сифатида бактериялар алоҳида гурухларининг кенг имкониятлари уларнинг юқорида қайд этилган барча энергия ва карбон манбаалари ҳамда электрон донорларини қўллай олиши билан боғлиқдир. Металлар коррозиясини қўзғатишида қатнашувчи бактерияларнинг кўпчилиги хемотрофлардир (1 жадвал).

1-жадвал

Хемотрофларнинг ҳаёт кечириш усуслари

(М.В. Гусев ва Л.А. Минеева бўйича, 1978)

Электрон донорлари	Электронларнинг охирги акцепторлари	Тана тузилмаларини қуришдаги карбон манбаи	Ҳаёт кечириш усули	Намояндалари
Анорганик бирикмалар (H_2 , H_2S , NH_3 , Fe^{2+} ва б.)	Молекуляр кислород	CO_2	Хемолитоаэро-автотрофия	Нитрификация қилувчи, тион, водород бактериялари
		Органик бирикмалар	Хемолитоаэро-гетеротрофия	Баъзи водород ва темир бактериялари
	CO_2 , SO_4^{2-}	CO_2	Хемолитоанаэро-автотрофия	Метан ҳосил қилувчи бактериялар
		Органик бирикмалар	Хемолитоанаэро-гетеротрофия	Сульфаттиковчи бактериялар
Органик бирикмалар	Молекуляр кислород	CO_2	Хемооргеноаэро-автотрофия	Чумоли кислотасини бактериялар оксидлаши
		Органик бирикмалар	Хемооргеноаэро-гетеротрофия	Бактерияларнинг кўпчилиги
	Органик бирикмалар	CO_2	Хемооргеноанаэро-автотрофия	Метан ҳосил қилувчи бактериялар
		Органик бирикмалар	Хемооргеноанаэро-гетеротрофия	Сут ачитувчи, мой ачитувчи ва б. ачитувчи бактериялар

Саноат материалларининг биодеструкцияси (биоемирилиши, биопарчаланиши) жараёнида бактерияларнинг қуйидаги хусусиятлари мухим роль ўйнайди: кўп бактериялар ташки мухитдан органик модда олмасдан ҳаёт кечира олиши; баъзи бактериялар мухитдаги экстремал шароитларда ҳам ҳаётчанлигини йўқотмаслиги, жумладан, юқори ҳарорат (80°C , баъзан ундан ҳам юқори) ва босимга, кучли нордонлик ёки ишқорликка, интенсив нурланишга, тузларнинг юқори миқдорига ва б. чидамлилиги. Хемотроф ва гетеротроф бактериялар ўсиши учун ҳароратнинг устки чегараси кўп ҳолларда 90°C ва ундан ҳам юқорироқни ташкил этади. Мисол учун, металларда фаол биокоррозия қўзғатувчи *Thiobacillus* туркумига мансуб бактериялар ўсиши учун ҳароратнинг устки чегараси 60°C ; биокоррозия қўзғатувчи сульфатредукция қилувчи бактерияларнинг бир тури учун эса 70°C . Баъзи мухитни оксидловчи бактериялар 90°C ҳароратда ўса олади. Бундай бактерияларнинг термостабиллиги улар оқсилларининг (биринчи навбатда ферментларининг) иссиқликка чидамлилиги билан боғлиқ. Уларнинг мембранныиридаги липид моддалари, карбоннинг кўп сонли атомларига эга бўлган тўйинган ва шохланган мой кислоталари мавжудлиги билан таърифланади. Бундай липидларнинг эриш ҳарорати юқорилиги биомембрanalар иссиқликка чидамли бўлишини таъминлайди.

Баъзи бактериялар pH 1 ёки pH 10 бўлганида ҳам ўсиш ва ривожланишини тўхтатмайди. Мисол учун, *Thiobacillus* туркумига мансуб бактериялар турларидан биттаси учун оптималь pH 1-3, бошқаси учун эса - pH 9,8.

Баъзи бактериялар юқори ҳаво босимига ўта чидамли. 750 атм босимида ўса оладиган турлар мавжуд; баъзи турлар учун оптималь босим 100-300 атм. Биокоррозия қўзғатувчи сульфатредукция қилувчи бактериялар 3500 метрдан ҳам чуқурроқда жойлашган нефть скважиналаридан ажратилган; бу чуқурликда босим 400 атм дан ортиқ, ҳарорат эса 60°C ва 100°C орасида ўзгариб туради.

Мухитдаги тузнинг юқори миқдорларига ҳам бактерияларнинг ўта чидамли турлари мавжуд. Мисол учун, баъзи турлар ош тузининг тўйинган эритмасида (~32%) ўса олади.

Бактерияларнинг қаттиқ материалларни емириш хусусияти маълум даражада уларнинг қаттиқ субстрат ва заррачалар устига адсорбция қила олиш қобилияти билан боғлиқ. Кўпинча адсорбция бактериал емирилишнинг 1-нчи босқичидир. Мисол учун, маълумки, бактериялар шиша устига ёпиша олади. Шишага адсорбция қилган баъзи бактериялар уни емира бошлайди. Электрон микроскоп воситасида ўтказилган текширувларда баъзи шилимшиқ модда ҳосил қилувчи бактериялар шишага ёпишган жойларини эритиши ва у ерда ботиқлик ҳосил қилиши аниқланган.

Саноат ферментёрларига ботирилган (pH ёки Eh ни ўлчаш учун ишлатиладиган) металл электродларнинг устида бактерия биоқопламалари ҳосил бўлиши катта муаммо туғдиради. Тиобациллалар олтингугуртнинг қаттиқ заррачаларини ўзлаштиришида адсорбциянинг роли яхши ўрганилган. Адсорбциядан сўнг олтингугурт кристаллари устида ботиқликлар пайдо бўлади. Бу жараёнда бактериялар чиқардиган фосфатидилинозит сирт фаол моддаси катта роль ўйнайди. Қаттиқ карбонвородларда бактериал деструкциянинг тезлиги улар сиртининг майдони ва уларга бактериялар ёпишиши билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган. Демак, бактериялар қаттиқ карбонвородлар ва бошқа қаттиқ субстратларни қўллаши учун адсорбция қилиши мухим шартdir. Худди шу жараён бактериялар тарафидан стероид бирикмалар трансформация қилинишида ҳам кузатилади. Кристалларга бактериялар адсорбциясини оддий нур микроскопида ҳам кузатиш мумкин. Бунда адсорбция жойларида кристаллар тезда эрий бошлайди.

Целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар унинг толаларига ёпишади ва тола бўйлаб узунасига жойлашади. Бундай микроорганизмларнинг хужайралари жуда катта адсорбцион қобилиятга эга ва улар целлюлоза толаларига жуда маҳкам ёпишади.

Тупроқда полихлорвинил пардаси парчаланишини тадқиқ қилганда, парда устида микроорганизмларнинг маълум шакллари селектив усулда адсорбция қилиниши ва айни шу микроорганизмларнинг микроколониялари остида парда кучли ўзгариши аниқланган.

Баъзи бактериал экзоферментларнинг нисбатан кам ихтисослашган бўлиши бактериялар ҳар хил материалларни фаол биопарчалашига имкон яратади. Мисол учун, *Bacillus subtilis* турининг ишқорли протеиназалари (субтилизинлари) оқсилларни гидролиз қилиши билан бирга амидлар, аминокислоталар эфирлари ва уларнинг ҳосилалари, тубан мойли кислоталарнинг эфирлари (метилбутират, этиловалерат ва б.) ва ҳатто баъзи триглицеринларнинг (мисол учун трибутириннинг) гидролизини катализ қилишга қодир. *Pseudomonas fluorescens* турининг экзолипаза ферменти табиий субстратлардан (глицерин ва мой кислоталарининг эфирларидан) ташқари, паст тезликда бўлса ҳам, карбон кислоталарининг ҳар хил синтетик эфирларини (этиленгликольдиацетат, диметиладипинат, пропион кислотасининг бутил эфирини) гидролиз қила олади.

Литотроф бактериялар – биозарарланиш қўзғатувчилари

Литотрофлардан биозарарланишнинг энг фаол намояндлари сульфаттиковчи, тион, нитрификатор ва темир бактерияларидир. Улар қўзғатадиган металлар коррозияси, бетон, тош, ғишт ва бошқа материаллар емирилишининг ўлчами ғоят катта.

Сульфаттиковчи (сульфатредукция қилувчи, десульфатловчи) бактериялар (СТБ, ДСБ) – пўлат, темир ва алюминийда асосий анаэроб коррозия қўзғатувчиларидир. Тахмин қилинишича, улар қўзғатадиган коррозиянинг механизми ушбу бактериялар ҳаёт кечириши даврида ҳосил бўладиган қаттиқ темир сульфиди катод деполяризациясини жадаллаштириши ёки бактериялар поляризацияланган водородни истеъмол қилишидир.

Сульфаттиковчи бактериялар саноатнинг кўп тармоқларига, айниқса нефть ва газ қазиб олишга катта зарар етказади. Улар нефть саклаш учун қўлланиладиган пўлат омборхоналар, турбореактив самолётларнинг ёнилғи асбоб-ускуналари, ёнилғи ўтказувчи трубалар ва сув таъминловчи тескари градирняларда фаол коррозия қўзғатади. Япон тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, ер ости туннелларининг темирбетон деворлари емирилишининг асосий сабабларидан бири бу бактериялар водород сульфид чиқариши ва кейинчалик темир сульфид ҳосил бўлишидир.

Нефтнинг бактериал биопарчаланиши аэроб ва анаэроб мухитда 80°C гача бўлган ҳароратда кузатилади. Нефть сатҳидан пастки қисмида нефть асосан анаэроб парчаланади. Нефтда эриган сульфат мавжуд бўлса, биопарчаланишни сульфаттиковчи, агар эриган сульфат оз бўлса, унда метан бактериялар қўзғатади. Бактериялар ҳаёти учун лозим бўлган азот, фосфор ва калийни сувдан олади. Нефть биопарчаланиши қўйидаги ўта салбий натижаларга олиб келади:

- нефтнинг ёпишқоқлиги камаяди (бу эса нефть чиқишини камайтиради);

- нефтнинг солиширма оғирлиги камаяди (бу эса олинган нефть маҳсулотининг сифатини пасайтиради);
- нефть таркибидаги тўйинган ва ароматик карбонводородларга нисбатан асфальт қисми кўпаяди;
- баъзи металлар миқдори кўпаяди;
- олтингугурт миқдори кўпаяди;
- нефть нордонлиги ошади;
- нефтда карбоксил гурухли кислоталар ва феноллар ҳосил бўлади.

АҚШнинг Оклахома штатида қазиб олинган ва парчаланиши бўйича уч гурухга ажратилган нефтнинг таҳлили бунга мисол бўла олади (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳар хил даражада биопарчаланган нефтдаги ўзгаришлар (Miiller et al., 1987)

Нефть гурухлари	API солиширма оғирлиги	Олтингугурт (оғирлик %)	Ванадий, %	Никель, %
Парчаланмаган	32	0,6	30,6	16,4
Ўртача даражада парчаланган	13	1,6	224,0	75,1
Кучли парчаланган	4	1,5	137,5	68,5

Нефть гурухлари	Тўйинган карбонводород лар	Ароматик карбонводо- родлар	Поляр карбонводород- лар	Асфальт
Парчаланмаган	55%	23%	21%	2%
Ўртача даражада парчаланган	25%	21%	39%	14%
Кучли парчаланган	20%	21%	41%	21%

Сульфаттиковчи бактерияларнинг табиатда кўп учраши улар облигат анаэроб бўлишига қарамасдан, ҳаво таъсирида ҳалок бўлмаслиги билан боғлиқдир. Улар тупроқ, чучук ва денгиз суви, олтингугурт ва нефтнинг геологик чўқиндиларида учрайди. Улар кўпинча аэроб шилимшиқ ҳосил қилувчи микроорганизмлар билан бирикма пайдо қиласди. Тахминга кўра бу микроорганизмлар сульфаттиковчи бактериялар учун озука моддалар ва анаэроб шароит яратади.

Қулай шароитда сульфаттиковчи бактериялар катта миқдорда, улар нафас олишининг охирга маҳсулоти бўлган, водород сульфидини ҳосил қиласди. Шунинг учун улар водород сульфидининг юкори миқдорларига (2 г/л) ҳам чидамли. Улар 3-15°C ва 35-40°C орасида ҳаёт кечира олади, кўпчилиги учун опимал ҳарорат 25-30°C, баъзилари учун 37-46°C. Термофил турлар *Desulfovibrio thermophilus* 45-70°C, оптимум 55°C, *D. nigrificans* оптимум 65°C ҳароратда ўсади. Хабар қилинишича, баъзи сульфаттиковчи бактериялар юкори босим (1000 атм.) шароитида 104°C ҳароратда ҳам водород сульфид ҳосил қилиш қобилиятини йўқотмайди. Улар ўсиши учун опимал pH 7,0-7,5, аммо баъзи турлар pH 4,2 дан pH 10,5 гача бўлган шароитда ҳам ўса олади.

Сульфаттиковчи бактериялар қуйидаги туркум ва турларга мансубдир. *Desulfovibrio* туркумига спорасиз грамсалбий, харакатчан (хивчинчалари мавжуд), ҳужайра қийшиқлиги ҳар хил даражада бўлган (виброид, сигмоид, спираллоид) бактериялар киради; жуда кам ҳолларда ҳужайралари тўғри ва таёқчасимон. Барча

турлар қатыяп анаэроб, 25-45°C ҳарорат ва pH 5,5-9,0 (оптимум 7,2) шароитида ўсади. Улар электрон акцептори сифатида сульфатлардан ташқари сульфит, тиосульфит ва тетратионатни ишлата олади. Бу туркумга мансуб турлардан энг камида 4 таси – *D. desulfuricans*, *D. vulgaris*, *D. africans* ва *D. salicigenes* металларда биокоррозия қўзғатади. *D. africans* – лофотрих (монополяр политрих), қолганлари монополяр монотрих. Уларнинг барчаси чучук ва шўрроқ, баъзан шўр (галотолерант *D. africans* тури) сувда яшайди. *D. desulfuricans* чучук сув ҳавзалари тагидаги балчиқда ва оқава сувда учрайди, битта кенжা тури шўр сувдан ҳам ажратилган.

Deculfotomaculum туркумига грамсалбий, таёқчасимон, тўғри ёки эгилган, баъзан занжирча ҳосил қилувчи турлар киради. Олдинги туркум турларидан фарқли ўлароқ, булар эндоспоралар ҳосил қиласди. Улар асосан тупроқда яшайди. Металларда коррозияни *D. nigrificans* ва *D. orientis* перитрих турлари қўзғатади. *D. nigrificans* – термофил, 65-79°C (оптимум 55°C) ҳароратда ўсади, шу сабабли у марказий иситиш тармоқларида ва иссиқлик алмашлаб берувчи қурилмаларда яшайди ва фаол коррозия қўзғатади.

Булардан ташқари сульфаттиловчи бактерияларнинг яна 6 та – *Desulfomonas*, *Desulfobacter*, *Desulfobulbus*, *Desulfococcus*, *Desulfosarcina* ва *Desulfonema* туркуми таърифланган (Кондратьева, 1983). Улар орасида таёқча, эллипс ва думалоқ (*Desulfococcus*) шакллilarи, сарцина (*Desulfosarcina*) ҳосил қилувчилари мавжуд. *Desulfonema* турлари ўлчами 3-13x3-8 мкм¹ бўлган ва иккига бўлинниб қўпаювчи хужайралардан ташкил топган, узунлиги баъзан 1 м га етадиган ип (трихома) лар пайдо қиласди.

Тион бактериялари олtingугурт ва сульфатларнинг ҳар хил тикланган бирикмаларини оксидлайди. Улар туфайли мураккаб металл иншоотлари, тош ва темирбетон қурилмалар, резинали асбоб-ускуна ва жиҳозлар (шина, шланг) коррозияга учрайди. Тиобациллалар оксидлаши мумкин бўлган олtingугуртнинг тикланган бирикмалари маълум; булар – олtingугурт (S^-), водород сульфид, тиосульфат ($S_2O_3^-$), тритионат ($S_3O_6^-$), тиоцианат (CNS^-) ва б. Олtingугурт бирикмаларини оксидлашда ажralадиган энергияни тиобациллалар ўсиш ва биосинтез учун қўлладиди. Уларнинг асосий турлари *Thiobacillus* туркумига мансуб, таёқча шаклли, грамсалбий, майда (1-4x0,5 мкм). Аксарияти поляр томонларида хивчинчали ва ҳаракатчан. Кўпайиши бинар бўлинниш орқали. Баъзи турлари хужайра ичи мембрраналарининг ривожланган тармоқларига эга.

Тиобациллалар аэроб ва одатда факат молекуляр кислород мавжудлигига ўсади; баъзи штаммлари унинг микдори кам бўлганида ҳам ўсиши мумкин. Улар орасида факультатив анаэроблари (*T. denitrificans*) мавжуд. Муҳит нордонлиги даражасига қараб тиобациллалар нейтрал муҳитда ўсадиганлар ва ацидофилларга бўлинади. Ацидофиллар учун оптимум pH 2,5-3,5, аммо улар ҳатто pH 0,5-1,5 бўлганида ҳам ўсиши мумкин. Нейтрал шароитда ўсадиганлар қаторига *T. thioparus*, *T. denitrificans* ва б. киради. Ацидофилларга *T. thiooxidans*, *T. ferrooxidans*, *T. acidophilus* ва б. мансубдир. Тиобациллаларнинг аксарияти учун оптималь ҳарорат 25-30°C, аммо баъзи штаммлари 8-10°C да, бошқалари эса 60-75°C да ҳам ўса олади.

Нитрификатор бактериялар аммиакни оксидлаш пайтида ажратиладиган азот кислотасининг таъсири воситасида металларда коррозия ва серковак қурилиш материалларида биозаарланиш қўзғатади. Бу жараён 2 босқичда ўтади. Биринчи

¹ 1 мкм (микрометр) - метрнинг миллиондан бир қисми (эски номи – микрон).

босқични 5 та, хусусан *Nitrosomonas*, *Nitrosococcus*, *Nitrosospira*, *Nitrosolobus* ва *Nitrosovibrio* туркумларига мансуб турлар амалга оширади:



Иккинчи босқичда *Nitrobacter*, *Nitrospira* ва *Nitrococcus* туркумларига мансуб турлар иштирок этади:



Хар икки босқичда ажралиб чиққан энергияни нитрификаторлар ҳужайралари ўсиши ва нормал ҳаёт кечириши учун ишлатади.

Аммиак ёки нитритларни нитратларгача оксидловчи бактериялар *Nitrobacteriaceae* оиласига жамланган. Барча турлари облигат аэроб, спора ҳосил қилмайды, ривожланиши учун оптимал pH 7,7-8,0 ва ҳарорат 25-30°C. Тупроқ, күл, денгиз, океан сувлари ва чўкинди балчиларда кенг тарқалган, оқава сувлар ва фойдали қазилма конларида ҳам кўп учрайди. Кўп ҳолларда нитрификациянинг ҳар 2 босқичини амалга оширувчи бактериялар айни бир жойдан ажратилади. Барча автотроф нитрификатор бактериялар бир ҳужайрали, грамсалбий. Ҳужайраларининг шакли думалоқ, эллипс, таёқча, спираль ёки паллалардан ташкил топган. Уларнинг катталиги ҳар хил, узунлиги 1,0 мкм билан 6,5 мкм, кенглиги эса 0,3 мкм билан 1,0 мкм орасида. Ҳаракатсиз ва ҳаракатчан хиллари мавжуд; кейингиларнинг поляр, субполяр ва перитрих ҳолатда жойлашган хивчинчалари бор. Кўпчилиги иккига бўлинниб, факат *Nitrobacter* турлари куртакланиб кўпаяди. Баъзи турлар ўсиш даврида шилимшиқ ичида жойлашган ҳаракатсиз ҳужайралар тўплами (зооглея) ҳосил қиласди.

Нитрификаторларнинг кўпчилиги, ҳар хил турларда шакли ва жойи ҳар хил бўлган, ҳужайра ичи мембраналарининг ривожланган тармоқларига эга. Бироқ одатда мембраналар периферик (*Nitrosomonas europea*) ёки поляр (*Nitrobacter winogradski*) ёхуд ҳужайра марказида даста (*Nitrococcus oceanus*) бўлиб жойлашган ламеллалар шаклига эга. Барча нитрификаторлар ўсиши учун кислород мавжуд бўлиши лозим, аммо баъзи турлар учун унинг юқори концентрациялари номувофиқ (Кондратьев, 1983). Аммонийни оксидловчи турлардан энг яхши ўрганилгани – *Nitrosomonas europea*. Унинг ҳужайралари тухум шаклли, грамсалбий, поляр хивчинчалари бор. Органик моддаларни ишлатмайди, балки улар бактерияга нисбатан заҳарлидир. Нитрит ҳосил бўлишида қатъий шаклда электронларнинг охирги акцептори сифатида молекуляр кислород хизмат қиласди.

Нитрификация иккинчи босқичининг асосий қўзғатувчилари *Nitrobacter* турларидир. Улар учун бу босқич энергия олишнинг ягона усулидир. *Nitrobacter winogradski* энг яхши ўрганилган. Унинг ҳужайралари майда, тухум шаклли, грамсалбий.

Темир бактериялар қаторига темирнинг тикланган биримларини оксидловчи ва темир оксидларидан ҳужайралари устида чўкинди қатлами ҳосил қилувчи, таксономик жиҳатдан ҳар хил гурухларга мансуб микроорганизмлар, жумладан ипсимон бактериялар, циан бактериялари, флексибактериялар ва микоплазмалар киради. Буларни факат шартли равишда (олдиндан шундай қилингани учун) литотрофлар гурухига қўшишади.

Темир бактериялари 2 гурухга бўлинади. Биринчи гурухга облигат ацидофил хемолитоавтотрофлар киради. Улар учун энергия манбаи – темир чала оксидини оксидлаш, карбоннинг ягона манбаи эса – CO_2 . Бу гурухга, биринчи навбатда, *Thiobacillus ferrooxidans* мансубдир. *Leptospirillum ferrooxidans* ҳам Fe^{2+} ни оксидлашдан олинадиган энергия ҳисобига автотроф сифатида ўса олади.

Иккинчи гурухга нейтрал ёки кучсиз ишқор реакцияли муҳитда ўсадиган, темир чала оксидини оксидловчи бактериялар киради, бироқ бу жараён уларга CO_2 ни ассимиляция қилиш учун энергия манбаи бўлиб эмас, балки нафас олишда ҳосил бўлган H_2O_2 ни детоксикация қилиш воситаси сифатида хизмат қиласди. Демакки, булар гетеротроф бактериялардир. Fe^{2+} нинг оксидланиши бевосита H_2O_2 билан реакция орқали ёки каталаза иштирокида амалга ошади.

Баъзи темир бактерияларнинг хужайралари темир гидроксидларидан ташкил топган гилоф ичидаги иплар ҳосил қиласди (*Leptothrix*, *Crenothrix*, *Spirothrix* ва *Chloronema* туркумларининг турлари); бошқалари 1 хужайрали (*Arthrobacter*, *Leptospirillum* ва *Ochrobium* турлари). Жуда майда, хужайра деворчаси мавжуд бўлмаган темир бактериялар ҳам бор (*Calionella* ва *Siderococcus* турлари). Ипсимон ва 1 хужайрали темир бактериялардан баъзиларнинг таркибида хлорофил мавжуд (*Chloronema*, *Lyngbia* ва *Synechocystis* турлари). Баъзи темир бактериялар (*Leptothrix* ва *Caulococcus* турлари) нафакат темир оксидлари, балки марганецни ҳам тўплаш қобилиятига эга.


Органотроф бактериялар – биозаарланиш қўзғатувчилари

Литотроф бактериялар анорганик моддалар ўзгариши воситасида энергия олиши учун, асосан металллар ва бошқа анорганик қурилиш ва саноат материалларида биозаарланиш қўзғатади. Органотрофлар эса органик моддаларни оксидлашда ҳосил бўлган энергиядан фойдаланади. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги органик моддалардан ташкил топган саноат материалларида фаол биозаарланиш қўзғатувчилардир. Шу билан бирга улардан баъзилари ҳосил қиласдиган агрессив метаболитлари (органик кислоталар, аммиак, водород сульфид ва б.) билан металларда коррозия қўзғатади.

Айниқса нефтни қайта ишлаб олинадиган ёнилғи, мойлаш материаллари ва бошқа материалларнинг бактериал парчаланиши дикқатга сазовордир. Одатда бу заарланишни ҳам замбуруғлар, ҳам бактериялар қўзғатади, аммо бактерияларнинг хиссаси анча катта бўлиши мумкин. Бунинг сабаби бактериялар орасида узун карбон занжирлари бўлган карбонвородларни парчалаш хусусияти анча кенг тарқалганигидир. Нефть дистиллят ёнилғилари (реактив, дизель) ва мойлаш учун ишлатиладиган мойлар биозаарланишида *Pseudomonas aeruginosa* ва шу туркумнинг бошқа турлари фаол иштирок этади. Этан, пропан, бутан ва таркибида 8 тагача карбон атоми бўлган карбонвородларда ўса оладиган бактерия турлари нисбатан кам (*P. aeruginosa*, *P. fluorescens*, *P. oleovorans*, микобактериялар *Mycobacterium smegmatis*, *Nocardia petroleophila*, актиномицетлар *Arthrobacter paraffineus*, *A. simplex*, *Corynebacterium glutamicum*).

Металларни совук ёйиш (прокат стани) системасида ишлатиладиган мойловчи-совутувчи суюқликлардан *Bacterium*, *Bacillus*, *Pseudomonas*, *Mycobacterium*, *Nocardia*, *Corynebacterium*, *Actinomyces* ва бошқа туркумлар турлари ажратилган. Карбонвородларда *Escherichia coli*, *Eutroebacter aerogenes* ва *Bacillus*

subtilis ўса олмайды. Электрон микроскопда текширишлар қўрсатишича, карбонвородларни ўзлаштира оладиган бактериялар ҳужайраларининг цитоплазмаси ичидағи қўшилмалар сифатида, уларнинг катта микдорлари тўпланар экан. Карбонвородлар сувда эринаслиги туфайли улар бактерия ҳужайралари ичига кириши мураккаб жараёндир. Бунинг учун ҳужайра деворчаларининг ташки томонида жойлашган гликолипидлар карбонвород билан микроэмulsionя ҳосил қиласи ва бу микроэмulsionя ҳужайра ичига олиб кирилади. Кўпинча карбонвород парчаланиши охирги метил гурухининг бирламчи спирт ҳосил қилиб оксидланishiдан бошланади. *Pseudomonas oleovorans* бактериясида бу реакцияда учта оқсил иштирок этади: рубредоксин (темир-олтингугурт-протеид), НАДН₂: рубредоксин-оксиредуктаза ва алкан-1-гидроксилаза. Бошқа алканни оксидловчи бактериялар косубстрат сифатида рубредоксин ўрнига бошқа электрон донорларини ишлатиши мумкин. Бу типдаги реакцияларни қўйидаги умумий реакция орқали изоҳлаш мумкин:



Бирламчи спирт олдин альдегидгача, сўнгра мой кислотасигача оксидланади; мой кислотаси β-оксидланиш воситасида парчаланади. Баъзан алкан молекуласи ҳар икки учидан оксидланади ва дикарбон кислота ҳосил бўлади.

Аэроб шароитда целлюлоза биозаарланишида замбуруғлар асосий роль ўйнайди. Ташки кўринишидан псевдомонадаларга ўхшашиб, *Cellvibrio* гурухига мансуб бўлган аэроб бактериялар ҳам целлюлозани парчалайди, аммо уларнинг роли бу жараёнда жуда кам. Тахминга кўра бу бактериялар “ҳаммахўр” ва целлюлозани фақат бошқа карбон манбай бўлмаганида ишлатади.

Анаэроб шароитда целлюлозани *Cytophaga* ва *Sporocytophaga* туркумларининг кўп ва *Clostridium* бактерияларининг баъзи турлари парчалайди. Бир-биридан узок бўлган бу бактерияларга хос ягона умумий хусусият – уларда бақувват гидролитик фермент системаси мавжудлигидир. Улар целлюлозани бевосита контакт пайтида гидролиз қиласи ва айни шу сабабдан цитофагларнинг ва *Bacillus cellulosae-dissolvens* нинг урчук шакли ҳужайралари целлюлоза толаларига пухта ёпишиб олади.

Бактериялар ёғоч ва тахтадаги целлюлоза ҳамроҳларидан гемицеллюлоза, лигнин ва пектин моддаларини ҳам парчалайди. Тупроқда кислан ва бошқа гемицеллюлозалар парчаланиши муҳит реакциясига боғлиқ: уларни нордон шароитда кўпроқ замбуруғлар, нейтрал ва ишқорли шароитда кўпроқ бацилла, цитофаг ва бошқа бактериялар парчалайди. Парчалашни кисланаза ферменти ва бошқа гемицеллюлозалар катализ қиласи.

Bacillus macerans, *Bacillus polymyxia*, *Clostridium pectinovorum*, *C. felsineum* турлари фаол пектолитик ферментларни (охирги 2 та тур эса мой кислотасини ҳам) ишлаб чиқаради. Бактерияларнинг 50 тадан кўп тури, жумладан *Achromobacter*, *Bacillus*, *Flavobacterium*, *Cytophaga*, *Pseudomonas*, *Steptomyces*, *Nocardia*, *Micromonospora* туркумлари намояндалари хитинни парчалайди (бу жараённинг механизми қўйида баён этилган).

Ҳаётда кенг қўлланиладиган косметик эмульсиялар ҳам микроорганизмлар учун қулай озуқа субстратидир. Булар таркибида ҳар хил органик моддалар мавжуд бўлган сувдаги мой ёки мойдаги сув шаклидаги эмульсиялардир. Микроорганизмлар эмульсиянинг сув фазасида яшайди, мой фазасида деярли яшамайди. Шу сабабдан

микроорганизмлар учун сувдаги мой эмульсиялари ўта қулай шароит ҳисобланади. Эмульсияларни айниқса грамсалбий таёқчасимон бактериялар кўп заарлайди, улардан энг хавфлилари *Pseudomonas*, *Eutеробактер* ва *Achromobacter* турлари дидир. Косметик эмульсияларнинг асосий таркибий қисмлари юқоримолекуляр спиртлар ва мой кислоталарининг эфирларидир. Бундай субстратларга микроорганизмлар таъсири хужайра ташқарисига чиқариладиган эстеразалар воситасида уларнинг гидролизидан бошланади. Шу билан бирга эстераза фаоллиги мавжуд бўлиши бактерияларнинг бундай муҳитларда ўсиши учун ягона шарт эмас. Бунинг учун бактериялар гидролиз жараёнида ҳосил бўлган бирикмаларни ўз метаболизмига қўшиши даркор.

Таркибида ароматик бирикмалар мавжуд бўлган материалларни бактериялар, 1-нчи навбатда, ўзларининг оксидловчи ферментлари воситасида емиради. Мисол учун, родококкларнинг ароматик халқани парчаловчи асосий ферментлари пиракатехаза, прокатехат-3, 4-диоксигеназа ва метапирокатехазадир. *Desulfovibrio desulfuricans* бактериясининг теридаги колониялари нафақат унинг ташки кўринишини хунуклаштиради, балки тузилишини бузиб, яроқсиз ҳолга келтиради. Бир қатор тупроқда яшовчи бактериялар вулканизация қилинган табиий каучукни заарлайди. Унинг парчаланиш тезлиги таркибидаги қурум микдорига боғлиқ.

Бактериялар билан синтетик ва органик материаллар ҳам биозаарланади. Мисол учун поливинил спиртини (ПВС) ва ПВС асосида тайёрланган полиэтилениминни (ПЭИ) фаол балчик бактериялари, *Bacillus mesentericus*, *B. subtilis*, *B. megatherium*, *Bacterium herbicola*, *Pseudomonas herbicola* ва *Pseudomonas fluorescens* турлари парчалаши мумкин. Бу бактериялар синтетик толаларни озуқа ва энергия манбаи сифатида қўлладайди. Термоишлов берилган толалар микробиологик таъсирга янги тайёрланганларига нисбатан чидамлироқдир.

Тажрибада 2 та бактерия (*Rhodococcus rhodochorus* ва *Nocardia asteroides*) ва 1 та замбуруғ (*Cladosporium cladosporioides*) полиэтилен пардасини 17 хафтада бутунлай қоплаб олган ва яроқсиз ҳолга келтирган (Bonhomme et al., 2003).

Arthrobacter туркумига мансуб бактериялар турлари фаол гидролазаларга эга ва пластмассаларни парчалашда иштирок этади.

Замбуруғлар билан бир қаторда, *Aerobacter aerogenes*, *Bacillus subtilis*, *B. mesentericus* ва *B. mycoides* бактериялари баъзи акрилонитрил толаларнинг сифатини пасайтиради.

Бактерияларнинг ҳар хил органик бирикмаларни емириш хусусияти уларнинг қўпчилигига плазмидалар (хромосомалардан ташқарида бўлган ирсият элементлари) мавжудлиги билан боғлиқ. Агар бактерия ҳужайрасидаги асосий генетик материал – хромосома – ҳужайралар ташки муҳитнинг ҳар хил шароитларда ҳаётчанлигини сақлаши учун хизмат қилса, плазмидалар таркибидаги генлар муайян муҳитнинг хусусиятларини, жумладан муҳитда бирор ўзга органик бирикмалар мавжудлигини акс эттиради. Бундай ҳолатда плазмida генлари у ёки бу органик бирикмани парчалайдиган ферментларнинг кодини ишлаб чиқаради. Биопарчалаш плазмидалари айниқса псевдомонадаларда учрайди.

Органотрофлар металларда коррозия, тош ва бетонда биодеструкция қўзғатиши диққатга сазовордир. Уларнинг бу жараёндаги роли асосан органик кислоталар, водород сульфид, аммиак, CO_2 , H_2O_2 ва бошқа моддаларни синтез қилишидир. Қанд лавлагидан қанд олиш саноатида пўлат коррозияси сут ачитувчи бактериялар иштирокида амалга ошади. *Flavobacterium hydrophilum* бактерияси синтез қиласидаган аммиак таъсирида мис коррозион емирилади. *Pseudomonas*

турлари таркибида кам карбон мавжуд бўлган пўлатни ва алюминийни коррозияга учратади.

ЗАМБУРУҒЛАР

Замбуруғлар бир ва кўп ҳужайрали организмларнинг ўзига хос гурухини ташкил этади. Ҳозиргача баён этилган замбуруғ турларининг умумий сони 250 000 тадан кўпроқ. Улар табиатда ер куррасининг барча қисмларида кенг тарқалган. Замбуруғлар айниқса ҳар хил ўсимлик субстратларида жуда сероб, пайдо бўлиши ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган субстратларда камрок учрайди. Улар органик қолдиқлар парчаланишида ва тупроқ шаклланиши жараёнида фаол иштирок этади.

Замбуруғлар ҳар хил саноат материалларини шикастлаб, катта иқтисодий зарар келтиради.

Бактериялардан фарқли ўлароқ замбуруғлар эукариот организмлардир. Уларда ядро мемранаси, Гольджи аппарати, ички мемраналарнинг яхши ривожланган системаси ва мемраналар билан чегаралangan органеллалари (митохондрия ва лизосомалари) мавжуд.

Замбуруғларнинг тирик мавжудотлар систематикасида тутган ўрни ҳақида фанда ҳали ҳам баҳслар кетмоқда. Карл Линней замонларида замбуруғларни ўсимликлар дунёсида жойлаштириб, сув ўтлари билан бирга тубан (спорали) ўсимликлар гуруҳига киритишган. Ҳақиқатан, ҳужайраларининг полярлиги, устки (апикал) қисми чегараланмаган микдорда ўса олиши, яхши шаклланган ҳужайра деворчалари ва вакуолалари мавжудлиги, вегетатив ҳолатда ҳаракатсиз бўлиши замбуруғларга ўсимликлар билан ўхшашиб беради. Аммо замбуруғларнинг ҳайвонлар билан ўхшашиб белгилари ҳам бор. Булар – замбуруғларнинг гетеротроф озиқланиши, витаминларга эҳтиёжи, азот алмашиниши жараёнида мочевина ҳосил бўлиши ва йиғилиши, заҳира озуқа моддаси сифатида гликоген синтез қилиниши, кўп турларда хитин мавжудлиги ва б.

Шу билан бирга баъзи белгилари – вегетатив танаси мицелийдан иборат бўлиши ва осмотроф озиқланиши таъминлай олиши; ўзига хос ядро цикллари, гетеро- ва дикириоз мавжудлиги билан замбуруғлар ўсимликлардан ҳам, ҳайвонлардан ҳам фарқ қиласди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда кўп олимлар замбуруғларни тирик организмларнинг *Mycota* (= Fungi) номли алоҳида дунёси сифатида ажратиб чиқариш тарафдоридир. Бу нуқтаи назарнинг тўғрилиги ҳақида палеонтологик ва биокимёвий бавосита исботлари мавжуд: бу ўсимликлар билан замбуруғлар ўз эволюцион йўналишларига ажралмасдан илгари ҳам замбуруғлар мавжуд бўлганлигидир.

Замбуруғлар классификацияси

Ҳозирги пайтда миколог олимларнинг кўпчилиги тан оладиган классификациялардан бирига кўра замбуруғлар дунёсига 7 та бўлим ва 14 та синф киради (3 жадвал). Бу классификация замбуруғлар мицелийлари ҳужайраларга бўлиниши ёки бўлинмаслиги ва бошқа белгилари, споралари ҳаракатчан ёки ҳаракатчан эмаслиги, жинсий ва жинссиз (вегетатив) кўпайиш усуллари, органлари ва мева таначаларининг белгилари, конидиофора ва конидияларининг ҳосил бўлиш усуллари ва морфологияси, ҳужайраларнинг кимёвий таркиби ва бошқа кўп белгиларини ўрганиш асосида яратилган. Материалларни биозаарлашда асосан

Deuteromycetes ва *Ascomycetes*, камроқ даражада *Basidiomycetes*, баъзан *Zygomycetes* бўлимларига мансуб замбуруғлар иштирок этади. Уларни ажратадиган белгилар 4 жадвалда келтирилган.

3 жадвал

Замбуруғлар дунёсининг бўлимлари ва синфлари (*Gams et al.*, 1987)

Бўлимларнинг лотинча ва ўзбекча номлари	Синфларнинг лотинча номлари	Синфларнинг ўзбекча номлари
1. Мухомускота = Миксомикота	1. Acrasiomycetes	Акразиомицетлар
	2. Myxomycetes	Миксомицетлар
	3. Plasmodiophoromycetes	Плазмодиофоромицетлар
2. Chytridiomycota = Хитридиомикота	4. Chytridiomycetes	Хитридиомицетлар
	5. Hypochytriomycetes	Гифохитриомицетлар
3. Oomycota = Оомикота	6. Oomycetes	Оомицетлар
4. Zygomycota = Зигомикота	7. Zygomycetes	Зигомицетлар
	8. Trichomycetes	Трихомицетлар
5. Ascomycota = Аскомикота	9. Hemiascomycetes	Гемиаскомицетлар
	10. Ascomycetes	Аскомицетлар
	11. Laboulbeniomycetes	Лабулбениомицетлар
6. Basidiomycota = Базидиомикота	12. Heterobasidiomycetes	Гетеробазидиомицетлар
	13. Homobasidiomycetes	Хомобазидиомицетлар
7. Deuteromycota = Дейтеромикота	14. Deuteromycetes	Дейтеромицетлар (= Такомиллашмаган замбуруғлар)

4 жадвал

Замбуруғлар бўлимларини ажратувчи белгилар

(В.Д. Ильичев ва бошк., 1987; *Gams et al.*, 1987)

Бўлимлар	Мицелий тузилиши	Спора ва конидиялари	
		Жинссиз	Жинсий
Oomycota	Хужайраларга бўлинмаган	Зооспоралар	Ооспоралар
Zygomycota	Хужайраларга бўлинмаган	Спорангииоспоралар	Зигоспоралар
Ascomycota	Хужайраларга бўлинган; кўп базидиомицетлар мицелийсида тўқалар мавжуд	Конидиялар	Аскоспоралар
Basidiomycota		Артроконидия, оидия ва б. (кам учрайди)	Базидиоспоралар
Deuteromycota		Конидиялар	Қайд этилмаган

Зигомицетлар бўлими – Zygomycota. Бу бўлимга 500 тача тур киради. Замбуруғларнинг жинсий кўпайиши зигогамия усули билан амалга ошади (24 расм). Бунда гомоталлик турларда битта мицелий, гетероталлик турларда ҳар хил жинсий белгили (“+” ва “-“) иккита мицелий гифаларининг учлари қўшилади, улар орасидаги септалари (тўсиклари, деворчалари) эрийди, плазмогамия содир бўлади ва натижада қалин қобиқли зигоспора пайдо бўлади. Зигоспорада кариогамия ва мейоз ўтади, сўнгра ундан, спорангиифора учида бош шаклида жойлашган муртак спорангий ўсиб чиқади; бош ичида ёки ташқарисида кўп споралари ривожланади. Споралар тарқалиб кетади ва субстратга тушгач, улардан мицелий ўсиб чиқади. Бу

мицелийда ножинсий спорангийлар ривожланади ва бу ножинсий кўпайиш кўп марта такрорланади. Мицелийси ҳужайраларга бўлинмаган (эски культураларнинг мицелийсида баъзан септалар ҳосил бўлиши мумкин, айниқса мицелийда спорангийлар ҳосил бўлган жойларида). Субстрат устида ўсган мицелий оқ, кулранг ёки қорамтири тусли, бароқ моғор ҳосил қиласи.

Зигомицетлар органик моддага бой субстратларда яхши ўсади. Уларнинг фаол ферментлари бор. Баъзи турлар (*Rhizopus stolonifer*, *R. oryzae*, *R. nodosus*) кучли кислота синтез қилувчилардир. Бошқалари пектин моддасини фаол парчалай олади (*Mucor hiemalis*). Заарланган материалларда зигомицетлар кўп учрамайди. Одатда улар тахтадан ясалган буюмлар, картон, қофоз ва газламаларда (*Mucor racemosus*, *M. hiemalis*, *Mortierella lignicola*, *M. vinacea*), баъзан пластмасса ва фреска расмларида учрайди (*R. nigricans*, *R. racemosus*).

Аскомицетлар бўлими – Ascomycota. Бу бўлимга тахминан 30 000 та тур киради (бу эса барча замбуруғ турларининг тахминан 30% ни ташкил қиласи). Аскомицетлар бўлимига мансуб замбуруғлар жинсий кўпайиши жараёнида, ичида одатда 8 та аскоспорали аск (халтача) ҳосил қиласи. Тубан аскомицетларнинг халтачалари мицелийда, **юксак** акомицетларники эса мева танаачаларида (клейстотеций, перитеций, псевдотеций ва апотецийларда) (25 ва 26-расмлар) пайдо бўлади. Биозаарланиш кўзғатишида асосий роль ўйнаши туфайли қўйида келтириладиган маълумотлар **юксак** аскомицетларга тегишлидир.

Аскомицетларнинг мицелийси ҳужайраларга бўлинган, улар асосан монокариотик. Ҳаёт циклида жинссиз кўпайиш катта роль ўйнайди. Жинссиз кўпайиш конидиофораларда (мицелийнинг маҳсус ўсимталари – конидия бандларида) ривожланадиган конидиялари орқали амалга ошади. Конидиофоралар фертил гифалар бўлиб, улар мицелийда битта ёки иккитадан, баъзан коремия (зич дасталар), спородохий (жуда ясси ёстиқча) ва ёстиқчалар ҳосил қилиши ёки пикнида (думалоқ мева танаси) ичида жойлашган бўлиши мумкин (23-расм). Баъзи аскомицетларда конидиал босқич топилмаган (ёки бутунлай ривожланмайди), бошқаларида бу босқич асосий ўрин эгаллаши, аскомицет босқичи кам ҳолларда ривожланиши мумкин. Аскомицет босқичи топилмаган ва фақат конидиялари билан кўпаядиган замбуруғлар дейтеромицетлар гурухига киритилади.

Аскомицетларнинг жинсий кўпайиш босқичини *teleomorpha* ва жинссиз кўпайиш босқичини *анаморфа* деб аташади. Замбуруғнинг телеоморфа (аскомицет босқичи) ва анаморфа (конидиал босқичи) лари учун алоҳида номлар берилади, баъзан анаморфа номи телеоморфага кўра кенгроқ тарқалган бўлиши мумкин. Мисол учун, *Amorphotheca resinae* кўпроқ *Cladosporium resinae* деб, ёки *Emericella nidulans* одатда *Aspergillus nidulans* деб аталади. Ботаник Номенклатуранинг Халқаро Кодекси бу замбуруғларнинг жинсий босқичини аскомицет (телеоморфа) номи билан, жинссиз босқичини эса конидиал (анаморфа) номи билан аташга ижозат беради. Баъзи аскомицет замбуруғларнинг 2 хил конидиал босқичи ва иккита конидиал (анаморфа) номи мавжуд.

Аскомицетлар табиатда жуда кенг тарқалган. Баъзи турлар денгизда шўр сувга ёки чучук сув ҳавзаларида сув ичига ўрнатилган ёғоч-тахта жихозларни заарлайди. Бошқалари ҳар хил материал ва жихозлар ҳамда озиқ-овқат молларида, уларни сақлаш ва ишлатиш пайтида, моғор ҳосил қиласи. Заарланган целлюлозали жихозлар ва қурилиш моллари, нефть маҳсулотлари ва бошқа кўп материаллардан кўпинча *Chaetomium* (*C. globosum*, *C. olivaceum*), *Amorphotheca* (*A. resinae*), *Eurotium*

(*E. amstelodami*, *E. herbariorum*) туркумларига мансуб аскомицет замбуруғларлар ажратилади.

Базидиомицетлар бўлими – *Basidiomycota*. Бу бўлимга ҳам 30 000 тача тур киради. Бу замбуруғларнинг характерли белгилари – мицелий хужайраларга бўлинган, дикариотик, кўп турларнинг гифаларида “тўқа” мавжудлиги ва базидиоспоралар воситасида амалга ошириладиган жинсий кўпайишидир. Базидиоспоралар маҳсус органлар – базидиялар – устида (экзоген усулда) пайдо бўлади. Битта базидия устида одатда 4 та, баъзи турларда ёки баъзи ҳолларда 2 та ёки 8 та базидиоспора ривожланади. Базидиоспоралардан бирламчи гаплоид мицелий ўсиб чиқади. Тезда битта мицелийнинг 2 та хужайраси (гомоталлик турларда) ёки иккита мицелийнинг биттадан хужайралари (гетероталлик турларда) кўшилади, янги пайдо бўлган хужайра ичидаги ядролари яқинлашиб, дикарион (жуфтлик) лар ҳосил қиласиди. Бу хужайра ўсиб, ундан дикариотик (хужайралари 1 жуфт ядроли) мицелий ривожланади. Дикариотик мицелий узоқ яшаши мумкин, мисол учун тирик ва кесилган дараҳтларнинг поя ва шоҳларини заарловчи бўқоқ замбуруғларнинг мицелийлари бир неча йил яшайди.

Дикариотик мицелийда терминал ҳужайралар – базидиялар ҳосил бўлади; уларнинг 2 та ядроси кўшилади (кариогамия), сўнгра мейоз ва митоз кузатилади. Базидия устида стеригмалар ҳосил бўлади, ҳар бир стеригма устида битта базидиоспора ривожланади. Базидиядан стеригмалар орқали ҳар бир базидиоспорага битта ядро ўтади. Кўп базидиомицетларнинг базидиялари шакли, катталиги, тузи ва консистенцияси ҳар хил бўлган мева танаҷалар ичидаги ёки устида жойлашади.

Базидиомицетларнинг жинссиз кўпайиши кам учрайди ва конидиялар (мицелий фрагментацияси воситасида пайдо бўладиган артроконидиялар, оидиялар, бошқа фрагментлар), хламидоспоралар, баъзан бластоконидиялар орқали амалга ошади.

Ишга яроқли ёғоч-тахта заарланишида 10 турдан кўпроқ базидиомицетлар иштирок қилиши маълум. Улар кўприк, девор, электр ва телеграф симёғочлари, оранжерея, иссиқхона, ертўла ва ҳар хил бошқа тахта қурилмаларида учрайди. Энг кенг тарқалган ёғоч биодеструкторлари қаторига *Coniophoraceae* оиласига мансуб бўлган *Coniophora puteana* ва *Serpula lacrymans* турлари киради. *S. lacrymans* уй замбуруғи ёки “йиғлоқи замбуруғ” номи билан машҳур, чунки у мева танаҷасининг устига суюқлик (эксудат) томчиларини ажратиб чиқаради. Бу замбуруғ хужайралардаги целлюлозани ўзлаштиради ва барча жойларда таркибида ёғоч-тахта бўлган қурилмаларни емиради. Унинг ипсимон ёки пардасимон мицелийси ёғочнинг ички ва устки қисмларига тез тарқалади.

Ёғочни *Polyporaceae* оиласига кирувчи дараҳтларда яшовчи бўқоқ замбуруғлари ҳам фаол емиради.

Базидиомицет замбуруғларда мавжуд бўлган ферментлар мажмуаларини ҳисобга олган ҳолда улар целлюлоза емирувчи ва лигнин емирувчиларга бўлинади. Таъсири ҳар хил бўлгани учун улар ёғочда ҳар хил чиришлар кўзғатади. Целлюлозани емириб, лигнинни эркинликка чиқаручи замбуруғлар қўнғир деструктив чириш кўзғатувчиларидир. Бу замбуруғлар (*Amyloporia xantha*, *Coriolus vaporarius*) таъсирида ёғоч, мўрт, қўнғир-қора тусли парчаларга уваланиб кетади.

Лигнин емирувчи замбуруғлар оқ чириш кўзғатади, ёғоч юмшоқ, толасимон шакл олиб, йиллик халқаларидан бўлиниб кетади.

Баъзи базидиомицетлар (*Fomitopsis annosa*) ёғочнинг ҳар икки мажмуасига (целлюлоза ва лигнин) таъсир қилиб, чипор чириш кўзғатади.

Дейтеромицетлар бўлими – *Deuteromycota*. Бу катта, формал бўлимга фанга маълум бўлган замбуруғларнинг 30 фоизи киради. Уларнинг жинсий кўпайиши аниқланмаган ва улар фақат жинссиз усул (конидиялари) билан кўпаяди. Бу замбуруғларнинг ривожланиш цикли фақат конидиялар билан боғлиқ ва улар эволюция жараёнида жинсий кўпайишни бутунлай йўқотганлиги тахмин қилинади. Уларда генетик материал алмашинуви гетерокариоз ва парасексуал жараён орқали амалга ошади. Баъзи дейтеромицетлар аскомицетларнинг, кам ҳолларда базидиомицетларнинг анаморфаларидир. Уларнинг мисоллари – аскомицет босқичлари кейинчалик топилган *Aspergillus*, *Penicillium*, *Fusarium* туркумларига мансуб кўп турлардир. Аммо дейтеромицетлар кўпчилигининг такомиллашган босқичи (жинсий кўпайиши) топилмаган.

Дейтеромицетларнинг бўлиниши (систематикаси) доимо мажбуран схематик ва сунъий бўлган. Критерий сифатида конидиялар ҳосил бўладиган жойлар хисобга олинганда дейтеромицетлар қуйидаги синфларга бўлинган:

1. **Монилиал замбуруғлар (*Moniliales*) ёки Гифомицетлар (*Hypromycetes*)** – конидиялари оддий гифалар ёки улар тўдасида ҳосил бўлади.

2. **Целомицетлар (*Coelomycetes*)** – конидиялари мева таначалари (конидиоматлар) устида ёки ичida ҳосил бўлади. Целомицетлар қуйидаги 2 тартиба бўлинади:


- **Меланконийлар (*Melanconiales*)** – конидиялар ўсимлик тўқимасида кутикула ёки эпидермис остида жойлашган ясси ёстиқчаларда ҳосил бўлади.

- **Пикнидалилар, ёки сферопсидлар (*Sphaeropsidales*)** – конидиялар устида апикал тешиги бўлган ёпиқ мева таначалари (пикнидалар) ичida ҳосил бўлади.

* * *

Дейтеромицетлар системасини тузиш учта йўналишда олиб борилмоқда, булар – спорологик, функционал ва онтогенетик йўналишлардир.

1. **Спорологик йўналиш.** Саккардо, Линдау ва б. дейтеромицетларни, уларнинг табиий белгиларини акс эттирмаидиган, спораларининг ташқи кўринишига қараб классификацион гурухларга бўлишди. Бу системани ишлатиш осон. Морфологиясига кўра конидиялар аллантоспора, амероспора, дидимоспора, фрагмоспора, диктиоспора, сколекоспора, геликоспора ва ставроспораларга бўлинди (10 расм). Мицелий ва конидиялари тўқ рангли (пигментли) турлар *Dematiaceae*, гиалин (рангсиз) ёки оч рангли турлар *Mucedinaceae*, конидиофоралари пустулаларда (спородохийларда) жойлашган турлар *Tuberculariaceae* ва тик жойлашган дасталарда (коремияларда) ривожланадиган турлар *Stilbellaceae* оиласларига киритилди.



10-расм. Саккардо терминологиясига биноан споралар типлари:

А – аллантоспора. В – амероспора. С – дидимоспора. Д – фрагмоспора. Е – диктиоспора. F – сколекоспора. G – хеликоспора. Н – ставроспора (Talbot, 1971)

2. Функционал йўналиш. Конидиялар ксероспорик (куруқ спорали) ва глоёспорик (шилимшиқ ичида ривожланувчи спорали) типларга бўлинди. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган хламидоспораларни конидиялардан уларнинг қалин қобиқлари ва гифага зичроқ ёпишганлиги (одатда ўтрок эмаслиги) билан таърифлашди.

3. Онтогенетик йўналиш конидиогенезни ўрганишга асосланган, аммо умумий морфология ҳам онтогенез жараёнида тадқиқ қилиниши муҳимлиги эътироф этилади. Замбуруғ ҳар қандай структурасининг белгилар ва функцияларини тўғри тушуниш учун унинг ривожланиш жараёнини ҳар бир тафсилоти онтогенез нуқтаи назаридан чуқур ўрганилиши лозим. Бу йўналиш замбуруғларнинг ҳозирги мавжуд бўлган таксономиясига кўра табиийроқ системасини яратишга имкон бериши мумкинлиги эътироф қилинади.

Конидия ривожланиши уч босқичда ўтади.

1. Бошланғич босқич; конидиялар таллик усулда мавжуд гифа қисмларидан (артроконидиялар) ёки бластик усулда янгидан (blastokonidialar) ҳосил бўлиши мумкин.

2. Конидия қобиги ҳосил бўлиши; конидия қобиги конидиоген ҳужайра қобигини ёки унинг бир қисмини ишлатиб, ёки янгидан ҳосил бўлиши мумкин.

3. Конидия ажралиши; етилган конидия ҳужайра деворчаси чатнаши (изолитик усул) ёки иккита ҳужайра деворчаси орасидаги қисмидан бўлиниши (рексолитик усул) орқали ажралиши мумкин.

Биринчи конидия ҳосил бўлганидан кейин конидиоген ҳужайра, қисмларининг эластиклиги билан боғлиқ ҳолда, ҳар хил жойлардан куртакланиш (пролиферация қилиш) воситасида ўсишни давом эттириши мумкин. Бунда конидияларнинг уч хил бирин-кетинлиги юзага келади:

1) базипетал занжирча ёки бошча – энг ёш конидия занжирча / бошча учida жойлашади (11- расм, a-c);

2) акропетал занжирча – энг ёш конидия занжирча асосида жойлашади (12-расм, f);

3) симподиал бошча – конидиялар бошчада шохларга ўхшаб, энг ёш конидия бошча учida жойлашади) (11- расм, d).

Натижада конидиялар конидиоген ҳужайра устида 4 хилда жойлашиши мумкин:

1) якка-якка (12- расм, A);


2) бир вақтда (12- расм, B) ёки симподиал бирин-кетинликда (12- расм, C) куруқ бошчаларда;

3) базипетал бирин-кетинликдаги фиалид ёки аннелидларнинг занзирчаларида (12- расм, D) ёки шилемшиқ бошчаларда (12- расм, E);

4) (кўпинча шохланган) акропетал занжирчаларда (мисол – бластоконидиялар) (12- расм, F).


2 ва 3-нчи (12- расм, G) ёки 2 ва 4-нчи (12- расм, H) хиллари айни бир вақтда учраши мумкин.

Одатда конидиофора учидан ўсади (ва у ерда конидия ҳосил қиласи), бу усул **акроауксик** усулдир; кам ҳолларда фертил қисм конидиоген ҳужайранинг маҳсуслашган пастки қисмидан ўсиб чиқади, бу эса **базауксик** усулдир.




11- расм. Конидиоген ҳужайра ўсиши ва ҳосил бўлган конидияларнинг ҳар хил бирин-кетинлиги: а-с: конидиогенезнинг базипетал бирин-кетинлик типлари. а – фиалид. б – аннелид. с – ретропрессив типлар. д – шохланган ёки тўғри ўзак ҳосил бўлишига олиб келувчи симподиал бирин-кетинлик
(Gams et al., 1987).

Конидиялар септацияси (ҳужайраларга бўлинишида ҳужайралар орасида тўсикчалар ҳосил бўлиши), айниқса фрагмоконидияларда, куйидаги хилларга бўлинади: **эусептат** усулда септалар ҳосил бўлишида ҳужайра деворчаларининг барча мавжуд қатламлари қатнашади (13-расм, А); **дистосептат** усулда септалар ҳосил бўлишида ҳужайра деворчаларининг фақат ички қатламлари қатнашади (13-расм, С); баъзан эусептат ва дистосептат усуллар айни ҳужайрада кузатилиши мумкин (13-расм, В).




12- расм. Конидиялар жойлашишининг баъзи турлари: А – якка. В – синхрон (бир вактда) пайдо бўлган қуруқ бошчалар. С – симподиал типда пайдо бўлган қуруқ бошча. Д – фиалоконидиялар занжирчаси. Е – фиалоконидияларнинг шишимшиқ модда ёрдамида бириккан бошчаси. Ф – акропетал занжирчча. Г – конидиофоранинг шишган жойида синхрон пайдо бўлган фиалидик конидиялар занжирчалари. Н - конидиофоранинг шишган жойида синхрон пайдо бўлган фиалидик конидияларнинг шохланган занжирчалари (Gams et al., 1987).



13-расм. Конидиялар септацияси: А – эусептат. В – оралиқ типдаги. С - дистосептат
(Reisinger, 1975).

Асосий конидия типлари таллик, бластик, поро-, фиалоконидиялар ва аннелидларда ҳосил бўладиган конидиялардир. Уларнинг қисқача тавсифи қўйида келтирилади.


1. Таллик конидиялар (14-расм) конидиофораларда биттадан (14-расм, а) ёки занжирчаларда (14-расм, б) ҳосил бўлади. Олдин бўлғуси конидияларнинг материали гифанинг дифференциация қилинмаган қисмларидан иборат бўлиб, кейин улар ҳужайраларга бўлинади, бу ҳужайраларда трансформация бўлиб ўтади ва улар конидияларга айланади. Баъзи, айниқса 1 ҳужайрали, конидиофорада якка жойлашган конидияларни остки қисми кенг бўлган бластоконидиялардан ажратиш мумкин бўлмайди. Таллик конидиялар занжирчаларини ҳосил қилувчи туркумлар намояндалари: *Geotrichum*, *Chrysosporium*, *Oidodendron*, *Sporendonema*; якка конидиялар ҳосил қилувчи туркумлар намояндалари: *Microsporum*, *Trichophyton*.



14-расм. Таллоконидиялар: а – артроконидияларнинг занжирчалари.
б – якка-якка жойлашган таллоконидиялар (Gams et al., 1987)


2. Бластик конидиялар (15-расм, а, б). Конидиоген ҳужайранинг уни эластиклик хусусият пайдо қиласи ва ўша жойидан шишиб чиқиб, конидия қобиғини

хосил қиласы. Конидия занжирчалары хосил қиласынан турларда, улар акропетал бирик-кетинликта жойлашады (хар бир янги хужайраның учы шишиб, янги конидия хосил қиласы) (15-расм, b). Конидияларының остық қисми кенг ёки тор бўлиши мумкин. Конидияларининг остық қисми кенг туркумлар намояндалари: *Acremoniella*, *Beauveria*, *Botrytis*, *Calcarisporium*, *Cladosporium*, *Helicosporium*, *Tritirachium*; остық қисми тор туркумлар намояндалари: *Arthrobotrys*, *Epicoccum*.



15-расм. Конидиогенез турлари: а – якка-якка жойлашган бластоконидиялар. б – занжирчада жойлашган бластоконидиялар. с – пороконидиялар. д – фиалоконидиялар. е – аннелид конидиоген хужайралар ва улар хосил қиласынан аннелид конидиялар занжирчалари (Gams et al., 1987).

3. Пороконидиялар (третик конидиялар) (15-расм, с). Бу гурӯҳга мансуб туркумларының конидиоген хужайралари тўқ рангли, уларның учкى қисми кучли пигментланган ва қалинлашган; конидиялар ўша жойлардан чиқади. Конидия ажралиб тушиб кетгач, унинг конидиоген хужайрага ёпишган жойи (чандиги) яққол кўриниб туради. *Stemphylium* турларида конидия қобиғи хосил бўлишида конидиоген хужайра қобиғининг қатламлари тўла қатнашади (16-расм), бошқа туркумларда эса бу жараёнда конидиоген хужайра қобиғининг фақат ички қатлами иштирок этади. Конидия занжирчалари хосил қиласынан турларда, улар акропетал бирик-кетинликта жойлашади. Намояндалари: *Alternaria*, *Bipolaris*, *Curvularia*, *Dendryphion*, *Drechslera*, *Exserohilum*, *Stemphylium*, *Ulocladium*.



16-расм. *Pleospora herbarum*, чапда: аскокарпнинг кесмаси (von Arx, Müller, 1975); ўнгда: замбуругнинг халтача, акоспоралари ва анаморфаси *Stemphylium herbarum* нинг конидиофоралари ва конидиялари (von Arx, 1974).

4. Фиалоконидиялар (15-расм, д). Фиалидлар конидиоген хужайралар бўлиб, улар ичида конидиялар ҳосил бўлади ва улар фиалид устидаги тешикдан базипетал бирин-кетинликда чиқади. Улар занжирчалар ёки шилимшиқ ичида жойлашган конидия бошчалари ҳосил қиласди, баъзи турларда ҳам занжирчалар, ҳам бошчалар ривожланади. Бу конидияларнинг қобиғи янгидан ҳосил бўлади. Намояндалари: *Acremonium*, *Aspergillus*, *Chalara*, *Cylindrocarpon*, *Fusarium*, *Gliocladium*, *Paecilomyces*, *Penicillium*, *Phialophora*, *Trichoderma*, *Verticillium*.


5. Аннелидларда ҳосил бўладиган конидиялар (15-расм, е). Аннелидлар конидиоген хужайралар бўлиб, уларда кўп марта перкуррент пролиферация (аннеляция) жой олади ва ҳар гал уларда биттадан бластоконидия ҳосил бўлади. Конидия қобиғи пайдо бўлишида конидиоген хужайранинг устки қисми ва унинг тўла кенглиги иштирок этади. Конидияларнинг остки қисми тўғри (кесилган) бўлиб, улар базипетал занжирчалар ҳосил қиласди. *Scopulariopsis*, *Doratomyces* ва баъзи бошқа туркумларнинг аннелидлари фиалидларга жуда ўхшайди ва фақат уларнинг конидиоген локуслари бироз бўртганилиги билан фарқ қиласди. Баъзан битта мицелийда ҳам фиалидлар, ҳам аннелидлар учрайди.

* * *


Эволюцион нуқтаи назардан энг ўзгарувчан дейтеромицетлар ҳар хил материалларни, баъзан экстремал шароитларда, заарлайди. Паст намлик ва минимал озуқа мавжудлигига ҳам ривожлана олиши учун улар таркибида цељлюзоза, резина, пластмасса бўлган материалларни парчалайди, металлар коррозиясини тезлатади, оптик жиҳоз, теридан тайёрланган кийим ва буюмлар ҳамда рассомчилик асарларида учрайди. Гетерокариоз ва парасексуал жараёнлар мавжудлиги дейтеромицетларга ҳар хил атроф-муҳит шароитларига ўрганиш ва ҳар хил субстратларни ўзлаштира олиш қобилиягини беради. Заарланган жойлардан кўпинча *Aspergillus*, *Penicillium*, *Trichoderma*, *Alternaria*, *Cladosporium*, *Stemphylium* туркумларига мансуб ва баъзи бошқа турлар ажратилади. Материалларни *Aspergillus* ва *Penicillium* турлари бошқа туркум намояндаларига нисбатан кўпроқ заарлайди ва полифаг сифатида ҳар хил субстратларни карбон манбаи сифатида ишлата олади.

Замбуруғлар тузилишининг ҳусусиятлари

Замбуруғларнинг вегетатив танаси. Миксомицетлардан бошқа барча замбуруғларнинг вегетатив танаси, ёки талломи, мицелийлардан иборат. Мицелий кенглиги 2 мкм дан 30 мкм гача келадиган, шохланган иплар – гифалардан ташкил топган. Гифалар хужайраларга бўлинмаган ёки гифада кесасига жойлашган тўсиқчалар (*септалар*) воситасида хужайраларга бўлинган бўлади. Шартли равища тубан замбуруғлар гурухига киритилган Хитридиомикота, Оомикота ва Зигомикота бўлимларига мансуб замбуруғларнинг гифалари хужайраларга бўлинмаган ва бутун мицелий битта гигант хужайрадир (17-расм). Юксак замбуруғлар (аскомицетлар, базидиомицетлар ва дейтеромицет-лар) нинг мицелийлари хужайраларга бўлинган (18-расм).



17-расм. Тубан замбуруғнинг (*Phycotyces blakesleana*) хужайраларга бўлинмаган мицелийси (В.Д.Ильичев ва бошк. бўйича, 1987)



18-расм. Ҳужайраларга бўлинган мицелий:
А – протоплазма стрелкалар билан кўрсатилган йўналишда, гифаларнинг учига қараб ҳаракатланади. Б – қўшни ҳужайралар орасида анастомоз пайдо бўлиши
(В.Д.Ильичев ва б., 1987).

Септалар гифа деворчасидан ўртасига қараб ўсиб, ҳосил бўлади. Ўртага етган септанинг қисмлари қўшилиб кетмайди ва ўртасида тешик қолади. Бу тешик орқали озуқа моддалар ва органеллалар гифанинг бир хужайрасидан бошқаларига ўтади.

Гифалар доим апикал қисми билан узунасига ўсади ва уларнинг ўсиши чекланмаган. Ўсиш тезлиги озуқа моддалар гифа учига етказиб берилиши билан боғлиқ ва одатда соатига 0,1-6,0 мм га тенг.

Энг фаол биокимёвий жараёнлар гифанинг учки қисмларида кузатилади ва уерда РНК, таркибида аргинин-тироzin-гистидин ва SH-турухлари бўлган оқсиллар кўп микдорда мавжуд бўлади.

Мицелий ривожланиши маълум бир ҳарорат ва намлиқда спора (конидия) ўсишидан бошланади. Олдин спора атроф-мухитдан намлик шимиб, шишади, кейин унинг қобиғи ёрилади, битта ёки бир неча муртак чиқаради ва улар ўсиб, мицелий ҳосил қиласи. Гифа ўсиши олдин спора ичидағи заҳира моддалар ҳисобига амалга ошади, кейинчалик озуқа субстратдан сўрилади.

Субстрат ва ҳаво мицелийлари мавжуд. Биринчиси субстрат устида ёки ички қисмларида жой олади. Ҳаво мицелийси субстрат устида эркин жойлашади ва субстрат билан унинг фақат баъзи қисмлари контактда бўлади. Замбуруғнинг кўпайиш органлари одатда ҳаво мицелийсида ҳосил бўлади.

Материал заарланиши субстрат мицелий ривожланганда субстратга ёпишган концентрик пардага ўхшаш, ҳаво мицелийси пайдо бўлганда эса, пахта шакли бўлиши мумкин. Айни замбуруғнинг ўсиш характеристи атроф-мухит ҳолати (озуқа таркиби, намлик ва х.) билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Аммо баъзи турлар учун бу хусусият барқарор. Мисол учун, кўп ёғоч емирувчи замбуруғлар катта, хурпайган, момиқ моғор шакли ҳаво мицелийси ҳосил қиласи.

Субстрат ва ҳаво мицелийлари кимёвий таркиби ва биокимёвий фаоллиги билан фарқ қиласи. Ҳаво мицелийсига нисбатан субстрат ичидағи гифалар таркибида заҳира озуқа моддалари (гликоген, оқсил, мой) кўп ва β-галактозидазалар фаоллиги юксакроқ; ҳаво гифаларида сукцинатдегидрогеназа фаоллиги кўпроқ. Баъзи *Aspergillus* турларининг ҳаво мицелийси субстрат мицелийсига нисбатан кислороднинг кам микдорларига сезгирроқ.


Кўп базидиомицет турлар гифаларининг септалари устида кичик, яssi хужайрачалари – “тўқалари” – бор. Одатда битта тўқа мавжуд (19-расм, А), аммо баъзан (мисол учун ёғоч емирувчи *Coniophora cerebrella* турида) улар 10 тагача бўлиши мумкин (19-расм, Б). Баъзан (*Serpula* ва бошқа турларда) тўқалар муртак ҳосил қиласи ва ўсади.

Ноқулай атроф-мухит шароитларида мицелийнинг ўзгарган шакллари – парда, гифалар эшилган ипга ўхшаб бирикиши натижасида пайдо бўладиган “арқонча” (тяж), ризоморф ва склероцийлар ҳосил бўлади.


Суюқ озуқа муҳитида аэрация кам бўлган шароитда субстрат устида ва баъзан ёғоч тешикларида замбуруғлар гифалардан тузилган парда ҳосил қиласи. У терига ўхшаш бўлиши ва кенглиги бир неча мм га етиши мумкин. Пардадан арқончалар ўсиши ва атрофга тарқалиши, баъзан парда устида замбуруғнинг мева таначалари ривожланиши мумкин.

Арқончалар ҳосил бўлиши юксак замбуруғларга хос хусусият. Улар оддий ёки функциясига кўра дифференциацияшган бўлиши мумкин. Оддий арқонча бир қанча бир-бирига ёпишган бир хил гифалардан ташкил топади. Гифалар бир-бирига шилимшиқли ташқи қобиклари ёрдамида ёки анастомозлар орқали ёпишади. Оддий арқончаларни фақат микроскопда кўриш мумкин.

Функционал дифференциациялашган арқончалар маълум бир функцияни бажариш учун хизмат қиласди. Мисол учун *Serpula lacrymans* уй замбуруғининг арқончалари уч хил: 1) оддий вегетатив; 2) арқончаларга механик мустаҳкамлик берувчи қобиғи қалин ва ички қисми тор гифалардан ташкил топганлари; 3) ички қисми кенг ва ҳужайри деворчалари ҳар хил даражада қалинлашган томир гифалардан тузилганлари. Томир гифалари озуқа моддалари харакатини таъминлайди, демак улар ўтказувчи функциясини бажаради. Арқонча ёрдамида замбуруғ анча узоқ масофадаги озуқа манбааларидан фойдаланиши мумкин.



19-расм. *Serpula* ва (А) *Coniophora* (Б) туркумига мансуб замбуруғларнинг гифаларидаги тўқалари
(В.Д.Ильичев ва б., 1987).



20-расм. *Rhizopus stolonifer* мукор замбуруғи: 1 – мицелий, 2 – столон, 3- конидиофора, 4 – ризоидлар
(В.Д.Ильичев ва б., 1987)

Функционал дифференциациялашган арқончаларнинг яхши ривожланган яна бир тури *ризоморфлар* бўлиб, ташки қўринишидан улар ўсимлик илдизига ўхшайди.

Мицелийнинг ўзгарган шаклларидан бири *склероцийлардир*. Улар кўпинча тўқ тусли, зич консистенцияли, таркибида озуқа моддалар кўп, сув кам. Улар узоқ вақт давомида тиним ҳолатида бўла олади ва ноқулай атроф-муҳит шароитида замбуруғнинг хаётчанлигини сақлаш учун хизмат қиласди. Уларнинг гифалари анча дифференциациялашган: ташки қатлами (қобиғи) қалин пўстли, ички қисми юпқа қобиқли, оч тусли ҳужайралардан ташкил топган. Склероцийлар юқори замбуруғларнинг барча гурухларида мавжуд. Ўлчами кичик склероцийлар *микросклероцийлар* деб аталади.

Баъзи *Micor* туркумига мансуб замбуруғлар ёйсимон ҳаво гифалари – *столонлар* ҳосил қиласди ва улар ёрдамида субстратда тез тарқалади (20-расм). Столонлар субстратга ризоидлари билан ёпишади, чунки улар ҳар қандай

субстратга, ҳатто шишага ҳам теккан жойларида ризоидлар ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Замбуруғ ҳужайрасининг тузилиши. Кўпчилик замбуруғлар ҳужайралари дағал қобиқ билан қопланган. Бу қобиқ ҳужайра деворчаси ва ҳар хил ҳужайра ташқарисидан ажратилган моддалардан ташкил топган. Ҳужайра деворчаси қобиқнинг асосий структура яратувчи қисмидир. У протопластни ўраб туради ва ҳужайрага характерли (ўзига ҳос) шакл беради. Ундан ташқари ҳужайра деворчаси ҳужайрани, цитоплазматик мембранинг икки томонидаги осмотик босимнинг бироз фарқи бўлиши натижасида юз бериши мумкин бўлган, осмотик лизисдан механик тарзда химоя қиласди.

Кўпинча ҳужайра деворчасининг кенглиги 0,2 мкм ча. У организм қуруқ массасининг 10% дан 50 % гачасини ташкил этади. Замбуруғларнинг ҳаёт кечириш даврида ҳужайра қобиги материалининг миқдори ўзгаради, одатда вақт ўтиши билан у кўпаяди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, мицелий ҳосил қиласидиган замбуруғлар кўпчилигининг ҳужайра деворчаси фибрилляр тузилишга эга. Диаметри 15-25 мкм^2 келадиган микрофибриллар хитин ёки целлюлоза ҳосил қиласди. Бир-бiri билан улар оқсил, липид ва азотсиз полисахаридлардан ташкил топган аморф модда ёрдамида цементланади.

Ҳужайра деворчаси полимер тузилишга эга. Ундан карбонсувлар таркиби таксономик аҳамият касб этади. Замбуруғлар аксариятининг (хитридио-, аско-, базидио- ва дейтеромицетлар) ҳужайра деворчалари таркибида хитин ва глюкан мавжуд. Зигомицетларнинг характерли белгиси – хитозан мавжудлиги ва глюкан йўқлигидир. Оомицетларнинг ҳужайра деворчаларида целлюлоза ва глюканлар мавжуд.

Баъзи замбуруғлар ҳужайра деворчасининг ташки қатламларида меланин пигментлари мавжуд. Улар ҳужайра қуруқ массасининг 2-3 фоизини ташкил этади. Тўқ тусли замбуруғлар нурланиш экстремал шароитларига ва нам етишмаслигига ўта чидамлилиги уларда меланин пигментлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Мембрана тузилмалари ва цитоплазматик матрикс. Ҳужайра деворчасининг ички қисмiga, ҳужайра ички қисми (протопласт) ни ўраб турувчи, цитоплазматик мембрана (плазмалемма) туташади. Электрон микроскопда плазмалемма қалинлиги 8 нм^3 келадиган уч қатли структура шаклида кўринади. У ҳужайрага моддалар киритилишини назорат қилувчи осмотик тўсиқ бўлиб хизмат қиласди. Плазмалеммада инвертаза, нордон фосфатаза, аденоцитофосфатаза, оксидловчиликловчи, трансфераза ва б. ферментлар жойлашади.

Ҳужайра ичида структуралар мембрана тузилмалар ва цитоплазматик матриксга бўлинади. Матрикснинг суюқ муҳити (цитоплазма) коллоид эритмадир. Унинг таркибида фермент оқсиллари, аминокислоталар, карбонсувлар, нуклеин кислоталар ва заҳира моддаларнинг гранулалари мавжуд.

Цитоплазматик матриксда эукариот ҳужайраларга ҳос кучли ривожланган ички мембранилар мажмуаси мавжуд. Улардан топологик жиҳатдан тузилиши энг мураккаб бўлгани *эндолазматик ретикулюм* – бир-бiriiga узвий боғлиқ бўлган

² 1 мкм (миллимикрон) – микрометр (микрон) нинг мингдан бир қисми (бошқа номи нанометр - нм).

³ 1 нм (нанометр) – микрометр (мкм) нинг мингдан бир қисми (бошқа номи миллимикрон - ммк).

каналчалар тармоғидир. Бу мембраналар цитоплазманинг маълум бир органеллалари билан алоқа қилувчи алоҳида сегментларга бўлади. Эндоплазматик ретикулюмнинг айрим қисмлари ядрони ўраб олиб, ядро мембранасини ҳосил қиласди. Эндоплазматик тармоқнинг баъзи ички қисмлари рибосомаларга тўла; уларга “ғадир-будур эндоплазматик ретикулюм” номи берилган. Рибосомаларда синтез қилинадиган оқсил каналчалар орқали ҳужайранинг бошқа қисмларига етказилади.

Эукариот ҳужайра мембрана структураларидан яна бири – *Гольджи аппаратидир*. У ядро мембранаси ва эндоплазматик ретикулюм мембраналари билан морфологик боғлиқ бўлиб, кўп функцияларни бажаради. Жумладан Гольджи аппарати янги мембраналар ва ҳужайра деворчасини синтез қилишда қатнашади, ҳужайрада синтез қилинган моддаларни каналчалар орқали ҳужайранинг ҳар хил қисмларига етказиб беришда ва уларни экзоцитоз жараёни воситасида ҳужайрадан ташқарига чиқаришда асосий роль ўйнайди.

Гольджи аппаратининг ҳосилаларидан бири мембрана билан ўралган пупакчалар – *лизосомалардир*. Лизосомалар биологик макромолекулаларнинг барча хилларини парчалай оловччи гидролитик ферментларга эга бўлиб, улар ҳар хил вазифаларни бажаради, жумладан ҳужайрадан чиқарилиши лозим бўлган шлакларни парчалайди.

Барча замбуруғларнинг цитоплазматик матриксида *митохондрийлар* мавжуд. Улар 2 қатли мембрана билан ўралган, ички қати бўртмалар – кристаллар – ҳосил қиласди. Замбуруғлар гурухлари бир-биридан кристаллар тузилиши билан фарқланади. Митохондрийлар организм нафас олишини – субстратни оксидлаш, энергия ажralиб чиқиши ва ушбу энергияни АТФ шаклида тўплашни амалга оширади. Митохондрийлар матриксида трикарбон цикли ферментлари, ички мембраналарида эса нафас олиш занжирчаси ферментлари жойлашган.


Митохондрийлар ўзини ўзи кўпайтирувчи структуралар бўлиб, ўз ДНК сига эга. Замбуруғлар митохондрийлари ўсимликларнига ўхшашиб бўлиб, улар факат катталиги ва тузилишидаги баъзи деталлари билан фарқ қиласди.

Барча синфларга мансуб бўлган замбуруғлар ҳужайраларида (хужайра деворчаси билан плазматик мембрана орасида) маҳсус структуралар – *ломасомалар* – мавжуд. Уларнинг функциялари ҳозирча номаълум.

Юқорида кўрсатилган органеллалардан ташқари кўпинча ҳужайра цитоплазмасида захира моддалар – гликоген, мой ва волютин гранулалари мавжуд бўлади.

Ядро организм ҳужайраларининг асосий структурасидир. Замбуруғ ҳужайраларида 1 тадан 30 тагача ядро мавжуд бўлади. Улар 2 қатли мембрана билан ўралган, ядрочаси ва хромосомалари бор. Электрон микроскопда текширилганда ядро қобигида ҳар хил катталиқдаги тешиклар мавжудлиги аниқланган. Улар орқали цитоплазмага макромолекулалар етказиб берилади. Кўпайиш учун хизмат қиласиган органлардаги ядролар вегетатив ҳужайрадагилардан каттароқ. Одатда ядро диаметри 2 ва 3 мкм орасида.

Вегетатив мицелий ҳужайралари ўсиши ва бўлиниши жараёнида ядро асосан митоз усули билан, жинсий кўпайишда (гаметалар ҳосил бўлиши ва зигота ўсишида) эса мейоз усули билан бўлинади.



21-расм. *Aspergillus* sp. замбуруғининг икки хил ядролари мавжуд бўлган гетерокариотик мицелийси; конидиялардан ривожланган монокариотик мицелийлардан гетерокариотик мицелий пайдо бўлиши:

1 – монокариотик мицелий, 2 – гетерокариотик мицелий (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987).

Гетерокариоз. Ҳар хил синфларга мансуб бўлган кўп замбуруғларда гетерокариоз ҳолати кузатилади. Гетерокариоз – бир турга мансуб замбуруғнинг гифаларида ҳар хил ядролар мавжудлигидир (21- расм). Гетерокариоз пайдо бўлиши бир неча йўл орқали амалга ошади: ҳар хил генетик информацияга эга бўлган вегетатив гифалар орасида анастомоз ўрин олиши; кўп ядроли гомокариотик гифаларнинг баъзи ядроларида мутация бўлиши; гетерокариотик спора ўсиши; ядролар қўшилиши ҳамда диплоид ҳосил бўлиши пайтларида генетик материал алмашинуви натижасида гетерокариоз ҳосил бўлишидир.

Гетерокариотик мицелийда у ёки бу типга мансуб ядролар мавжудлиги ўзгарувчан атроф-мухит факторларига замбуруғларда юқори адаптацион қобилият бўлиш имконини яратади. Мисол учун баъзи *Fusarium* ва *Penicillium* турлари ядроларининг сони уларнинг ривожланишида кузатилган шароитга боғлиқлиги аниқланган.

Замбуруғларнинг кўпайиш усуллари

Замбуруғлар вегетатив, жинсиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Замбуруғларнинг барча хил кўпайиши жараёнида ҳосил бўладиган барча хил органлар, жумладан мицелий бўлаклари, оидий, склероций, хламидоспора, зооспора, спорангииоспора, конидия, зигота, аскоспора, базидиоспора ва ҳоказоларнинг умумий номи *пропагула* деб аталади.

Вегетатив кўпайиш. Бунда бирор махсус орган иштирок этмайди – мицелийнинг ҳар қандай бир бўллаги ўсиб, янги мицелий хосил қила олади. Культураларни сунъий озука муҳитида сақлашда вегетатив кўпайтириш усули қўлланилади.

Вегетатив кўпайишнинг бир тури – хламидоспоралар ҳосил бўлишидир. Хламидоспора қалин қобиқ билан ўралган, узок вақт озука мавжуд бўлмаганида, паст намлиқда (куруқликда) ва ҳар хил бошқа нокулай шароитларда сақланиш қобилиятига эга бўлган хужайрадир.


Хужайралар куртакланиши ва цилиндр ёки овал шаклли фрагментларга – оидийларга – бўлинини ҳам вегетатив кўпайишга киради. Бу жараён бошланишидан олдин гифаларда кўп миқдорда бир-бирига яқин жойлашган септалар пайдо бўлади. Қулай шароитда ҳар бир оидийдан янги мицелий ўсиб чиқади.

Жинссиз кўпайиши. *Chytridiomycota* ва *Oomycota* бўлимларига мансуб замбуруғларнинг жинссиз кўпайиши махсус танаачалар – (зоо)спорангийлар ичида ривожланадиган характchan зооспоралар (22-расм) ёрдамида амалга ошади. Баъзи оомицет (мисол учун *Peronospora* туркумига мансуб) турларнинг спорангийлари умуман зооспора ҳосил қилмасдан, бевосита муртак орқали ўсади ва гифа ҳамда мицелий пайдо қиласди (бу ерда спорангий ўсиши шаклига асосланиб уни “конидия” деб аташ мумкин). *Zygomycota* бўлими намояндаларининг жинссиз кўпайиши спорангий ичида (эндоген) ёки ташқарисида (экзоген) ривожланадиган харакатсиз (ёмғир ва ёки шамол воситасида тарқалувчи) спорангииоспоралар воситасида амалга ошади. Буларнинг экзоген спорангииоспоралари ҳам конидиялар деб аталиши мумкин.

Дунёдаги етакчи микологлар томонидан юксак замбуруғлар (аско-, базидио- ва дейтеромицетлар) нинг жинссиз кўпайиш жараёнида ҳосил бўладиган пропагулаларни споралар демасдан, конидиялар деб аташ, спора атамасини бошқа пропагулалар (зоо-, спорангиио-, аско- ва базидиооспоралар) учун ишлатиш қатъий тавсия қилинган (Gams et al., 1987).


Онтогенезда конидиялар ҳосил бўлиши ва ривожланиши (конидиогенез), уларнинг белгилари ва бошқа маълумотлар юкорида “Дейтеромицетлар бўлими” да келтирилган.

Устки қисмида конидиялар ҳосил бўладиган, зич жойлашган конидиофоралар *коремия* (23-расм, А), махсус, ясси жойлашган гифалар ва зич конидиофоралар ёстиқча (23-расм, Б), думалоқ, тухум, нок ва бошқа шакллардаги мева танчалари *пикнидалар* (23-расм, В) деб аталади.




22-расм. Зооспоралар хивчинчаларининг хиллари: а – қамчи шаклли, б – тукли, с – иккита ҳар икки хил хивчинчали; зооспоралар стрелка билан кўрсатилган йўналишида сузади (Gams et al., 1987).

Замбуруғлар жинсиз кўпайиш пропагулаларини жуда катта микдорларда ҳосил қиласди. Мисол учун, дараҳтларда бўқоқ қўзгатувчи *Ganoderma applanatum* бой давомида кунига 30×10^6 та спора ажратади; *Penicillium* sp. замбуруғининг диаметри 2,5 см бўлган колонияси 400×10^6 та конидия ҳосил қила олади. Материалларни заарловчи замбуруғларнинг пропагулалари одатда шамол, ёмғир, сув, хашарот, ҳайвон ва одамлар воситасида тарқалади.




23-расм. Замбуруғлар конидиофораларининг айрим типлари: А – *Sphaerostilbe* sp. турининг коремияси, Б – *Gloeosporium* sp. турининг ёстикчаси, В – *Septoria* sp. турининг пикнидаси (В.Д.Ильичев ва бошк. бўйича., 1987)


Жинсий кўпайиш дейтеромицетлардан ташқари барча замбуруғларда аниқланган. Бу жараёнда маҳсус жинсий хужайра (гамета) лар иштирок этади. Жинсий жараён уч босқичдан иборат: плазмогамия, кариогамия ва мейоз. Биринчи босқичда иккита хужайранинг протоплазмалари қўшилади. Иккинчи босқичда иккита ядро қўшилади ва хромосомаларнинг икки тўпламига эга бўлган диплоид ядро пайдо бўлади. Учинчи босқичда ядро редукцион бўлинади ва хромосомаларнинг гаплоид тўпламлари қайтадан ҳосил бўлади.



24-расм. Мукор (Mucoraceae) замбуруғларида зигоспоралар ҳосил бўлиши: A-F – *Rhizopus*, G-H – *Zygorrynchus*, I – *Absidia*, J – *Phycomyces* (Talbot, 1971)



25-расм. Клейстотеций (*Uncinula clandestina*) (Н.П. Головин, 1960)



26-расм. Аскомицетлар мева таначалари баъзи хилларининг схематик тузлиши: а – апотеций (Pezizales, Helotiales), б – трюфель (Tuberaceae), с – перитеций (Sphaeriales), д – бир локулли строматик аскокарп, е – кўп локулли строматик аскокарп (Dothideales) (Kreisel, 1969)

Барча замбуруғларда жинсий жараённинг охирги натижаси, кўпайиш учун мўлжалланган маҳсус споралар ҳосил бўлишидир. Булар тубан замбуруғларнинг

муртак спорангийлари ва юқори замбуруғларнинг аскоспора ва базидиоспораларидир. Муртак спорангийлар мукор замбуруғларида зигоспоралардан (24-расм) ўсиб чиқади. Юксак аскомицетларнинг халтачалари ва аскоспоралари маҳсус ёпиқ (клейстотеций – 25-расм), ярим очиқ (перитеций, псевдотеций, аскострома) мева таначаларининг ичида ва очиқ мева таначалари – апотецийларнинг устида ҳосил бўлади (26-расм).

Жинсий йўл билан ҳосил бўлган споралар асосан замбуруғ турлари ноқулай шароитда ҳаётчанлигини сақлаш ҳамда популяцияда генетик хилма-хилликни таъминлаш учун хизмат қиласди. Жинссиз кўпайиш пропагулалари эса субстратни тез эгаллашни таъминлайди. Саноат материалларини заарлаш замбуруғларнинг асосан жинссиз пропагулалари воситасида амалга ошади.

Парасексуал жараён. Бир қатор замбуруғларда ҳақиқий жинсий жараён мавжуд эмас. Уларда генетик информация алмашинуви парасексуал жараён воситасида амалга ошади. Бу жараён кўп дейтеромицет ва базидиомицетларда, асосан лаборатория шароитида қайд этилган. Бу жараёнда плазмогамия, кариогамия ва хромосомалар гаплоид ҳолатга келиши маҳсус жинсий структураларда ёки яшаш циклининг маълум бир босқичида эмас, балки мицелийнинг вегетатив гифасида амалга ошади. Парасексуал цикл – ҳар қандай вегетатив гифадаги генетик томондан фарқ қиласидан ядролар қўшилиши ва митоз бўлинишида хромосомалар қисмларининг рекомбинация қилинишидир.

Жинсий жараёни мавжуд бўлмаган дейтеромицетлар учун парасексуал циклнинг аҳамияти катта. Бу цикл ушбу замбуруғлар учун ирсий ўзгарувчанлик манбаидир. Парасексуал цикл баъзи, жинсий жараёни мавжуд бўлган, замбуруғларда ҳам бор.

ЗАМБУРУҒЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ

Микроорганизмлар ривожланиши ва ҳаёт кечириши улар яшаётган атроф-муҳит шароитлари билан чамбарчас боғлиқ. Ташқи муҳит биодеструкторлар ўсишини кучайтириши ёки камайтириши мумкин. Замбуруғлар билан биозарарланиш муаммоларини ечишда ушбу организмларнинг физиологиясини билиш жуда муҳим. Физиология – бу организм ва муҳит орасидаги моддалар алмашинуви, организм ўсиши ва ривожланиши, унга ташқи муҳит факторларининг таъсири ва унинг ушбу факторларга мувофиқлашиши жараёнларидир.

Микроорганизмлар фаоллигига таъсир қилувчи факторлар кимёвий ва физик факторларга бўлинади.

Кимёвий факторлар

Кимёвий факторлар қаторига озука манбаалари, кислород, муҳит нордонлик даражаси (рН) ва бошқалар киради.

Озука манбаалари. Атроф-муҳит билан модда алмашинуви иккита асосий жараёндан иборат: ҳужайра моддаларининг биосинтези (конструктив алмашинув) ва энергия олиш (энергетик алмашинув). Ҳар икки жараён организмда бир-бири билан узвий боғланган кимёвий реакциялар шаклида ўтади, бунда баъзан ҳар икки жараёнда айни битта бирикма фаолият кўрсатади.

Метаболизм ҳужайрага моддалар киритилиши ва алмашинув моддаларини организмдан атроф-муҳитга чиқаришдан иборат.

Озиқланиш усулига қараб барча организмлар тўрт типга бўлинади: фотоавтотрофлар, фотогетеротрофлар, хемоавтотрофлар, хемогетеротрофлар. Бу бўлинининг асоси – энергия манбаи ва карбон асосий манбанинг табиатидир. Нур энергиясидан фойдаланувчи организмлар фототроф, кимёвий манбааларга эҳтиёжи бўлган организмлар хемотрофлардир.

Карбон манбаига нисбатан, CO_2 газини асосий манба сифатида қўллайдиган организмлар автотрофлар, карбонни тайёр органик манбаалардан олувчилар гетеротрофлар деб аталади.

Замбуруғлар хемогетеротрофлардир. Улар энергия манбаи сифатида кимёвий моддаларни ва карбоннинг асосий манбаи сифатида органик моддаларни қўллади. Хемогетеротрофларнинг характерли хусусияти – энергетик ва конструктив алмашинувда кўпинча айни бир бирикма ишлатишидир; организмларнинг бошқа гурухларида энергия ва карбон манбаалари орасида фарқ бор. Гетеротрофлар мураккаб ва катта гуруҳдир. Ўз навбатида улар ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида ўсувчи сапротрофларга ҳамда тирик организмлар ҳисобига ҳаёт кечиравчи паразитларга бўлинади. Саноат материалларини заарловчи замбуруғларнинг кўпчилиги сапротрофлардир, аммо улар орасида ўсимликларни заарлайдиган турлар ҳам бор. Мисол учун, помидорда альтернариоз қўзғатувчи замбуруғ колониялари салқин ёз шароитида ситаллар намуналарида топилган.

Замбуруғ ўсиши ва ривожланиши учун муҳитда у ишлата оладиган энергия манбаалари ва биосинтез учун керак бўладиган материаллар мавжуд бўлиши лозим.

Замбуруғ ўсиши ва ривожланиши учун биринчи навбатда лозим бўладиган моддалар рўйхатини ҳужайранинг кимёвий таркибидан кўриш мумкин. Олдин эътироф этилганидай, ҳужайра умумий массасининг 80-90 фоизи сувдир, шу сабабдан муҳитда сувнинг замбуруғ ишлата оладиган шакли бўлиши шарт. Ҳужайра қуруқ моддалари таркибининг асосий қисмини (95%) олтига унсур – C, N, P, S, H, O – ташкил этади, булар органогенлар деб аталади. Деярли барча организмлар ўсиши учун кам (0,3-1,0%) микдорларда бўлса ҳам, микроэлементлар – Fe, Mn, Mg, Cu, Cl, K, Ca, Zn ва Na керак.

Карбон манбаалари. Замбуруғлар гетеротрофлиги учун атроф-муҳитда улар учун органик карбон манбаи бўлиши шарт. Замбуруғлар бу мақсадда қўллай оладиган бирикмалар сони ниҳоятда кўп. Баъзи турларнинг карбонга эҳтиёжини қондириш учун бирорта органик бирикма етарли бўлса, бошқалари муҳитда ўсиш факторлари (В гурух витаминалари, аминокислоталар ва x.) бўлишини талаб қиласи.

Баъзи полифаг замбуруғлар таркибида карбон бўлган ҳар хил субстратларни қўллай олади. Булар қаторига *Aspergillus niger*, *A. flavus*, *A. versicolor*, *Trichoderma viride*, *Penicillium chrysogenum*, *Alternaria alternata* ва бошқа турлар киради. Булар ҳар қандай табиий органик бирикмани оксидлашга қодир. Мисол учун, *A. flavus* ҳар хил озиқ-овқат (дон, нон маҳсулотлари, қуруқ мева, гўшт, ёнғоқ, сабзавотлар) ва бошқа маҳсулотлардан (теридан тайёрланган кийим ва буюм, қофоз массаси, таннин, металл буюмлар, лак-бўёқ қопламалар, газлама, ҳашаротлар фекалийси ва инсоннинг ичак системасидан) ажратилган.

Полифаг замбуруғлар билан бир қаторда анча ихтисослашган, карбон манбаи сифатида баъзи бирикмаларни (мисол учун цељлюозани) оксидлашга мувофиқлашган турлар ҳам мавжуд. Цељлюозани оксидловчи турларнинг зарари асосида шу бирикма бўлган саноат молларига (қофоз, ёгоч-тахта, газлама ва x.) тегади.

Органик бирикмалар оксидланиши тўла ёки чала бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда, карбонсувларда бир қанча ўзгаришлар бўлиб ўтгач, улар CO_2 ва H_2O гача

оксидланади. Бу натижада билан якунланувчи оксидланишнинг асосий йўли трикарбон кислоталар циклидир (ТКЦ). Бу жараён замбуруғларни нафакат энергия, балки ҳужайра компонентлари биосинтези учун керак бўладиган моддалар билан ҳам таъминлайди. Чала оксидланишда мухитда оксидланиши ниҳоясига етмаган бирикмалар (органик кислоталар) йиғилади. Бу ҳолат субстрат таркибида карбонсувларнинг юқори концентрацияси мавжудлигида кузатилади.

Оксидланиш ҳаводаги кислород иштирокида ёки кислородсиз, ачиш типида ўтади. Ачиш ўзаро боғланишдаги оксидланиш-тикланиш жараёни бўлиб, унда энергия манбаининг баъзи карбон атомлари ўша манбаанинг бошқа карбон атомлари тикланиши хисобига оксидланади.

Микроорганизмларнинг кўпчилиги моносахаридларни, айниқса глюкозани яхши ўзлаштиради. Баъзи истиснолар мавжуд, мисол учун *Phytophthora* турлари мураккаброқ карбонсувларни – крахмал ва декстринни – афзалроқ кўради. Баъзи *Fusarium* турлари пентозаларни яхши ўзлаштиради.

Кўп атомли спиртлар ҳам ҳужайра карбонининг яхши манбаидир; улардан замбуруғлар олти атомли спиртларни (маннитни) афзал кўради. Органик кислоталар ва аминокислоталар ҳам замбуруғлар томонидан осон ўзлаштирилади.

Замбуруғлардан *Cladosporium resinae* учун карбонводородларни (нефть ва ундан олинган ёнилғи ва бошқа материаллар: бензин, керосин, мой, асфальт ва б.) ўзлаштириш характерлидир, шу сабабдан уни илмий адабиётда “керосин замбуруғи” деб аталади.

Баъзи замбуруғлар (*Aspergillus flavus*, *A. niger*) мумлар ва парафин каби турғун бирикмаларни ўзлаштира олади. Кўп технологик жараёнларда ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатиладиган парафин қатлами билан қопланган қофоз *A. flavus* билан осон заарланади ва сувни юқтираслик хусусиятини йўқотади. Мумни ўзлаштирувчи замбуруғлар таркибида ушбу материал бўлган санъат асарларини, мисол учун, энкаустика техникасини қўллаб тайёрланган рассомчилик асарларини емиради.

Юқори ферментатив фаолликка эга бўлган замбуруғлар бошқа, ўзлаштирилиши қийин бўлган турғун карбон манбааларидан, жумладан мураккаб синтетик ва табиий эфирлар, полиолефинлар (полиэтилен), карбозанжирли полимерлардан (поливинилацетат, поливинилхлорид, поливинил спирти) ҳам фойдаланади.

Липидлар сувда эримаслиги туфайли, замбуруғлар липидларнинг карбонини ўзлаштириши кам ўрганилган. Баъзи, липаза фаоллигига эга замбуруғлар (*Aspergillus niger*, *Penicillium notatum*, *Fusarium moniliforme*) ягона карбон манбаи бўлган зигир ва пахта ёғи мухитида яхши ўсиши ва конидиялар ҳосил қилиши аниқланган. Ундан ташқари, микромицетлар теридан тайёрланган буюмларда ривожланганида унинг таркибидаги ёғ миқдорини 22% дан 3% гача камайтириши исботланган.

Замбуруғлар учун озуқа манбаи бўла оладиган органик бирикмалар кўп саноат материалларининг таркибида мавжуд. Шу сабабдан улар замбуруғлар билан заарланади. Ундан ташқари, кимёвий тузилиши сабабли энергия ва карбон манбаи бўла олмайдиган материалларга (металл, шиша, баъзи полимерлар ва бетонга) ҳаводан тушадиган ифлосликлар (чанг ва б.) замбуруғлар учун органик моддалар манбаи бўлиши мумкин.

Баъзан биодеструкторлар ўса бошлиши учун органик модданинг жуда оз миқдори етарли бўлади. Шу сабабли озуқа моддаларга эҳтиёжини қоплаш учун уларнинг арзимас миқдорлари етарли бўладиган олиготроф замбуруғлар жуда катта

хавф түгдирди. Бундай турлар қаторига деворга илинадиган рассомчилик асарларидан ажратилган *Cladosporium* туркумига мансуб замбуруғлар киради.

Органик карбон манбааларидан ташқари замбуруғларга CO₂ газининг озроқ микдорлари зарур. Бу газ бутунлай йўқотилган муҳитда замбуруғлар ўсиши жуда секинлашади, баъзан улар ўсмайди. Одатда замбуруғлар органик субстратларни ўзлаштириш жараёнида ҳосил бўладиган CO₂ нинг миқдори уларга етарли. Баъзи замбуруғлар (*Cladosporium* sp., *Cephalosporium* sp., *Fusarium* sp.) бу газни ҳаводан ола олади.

Азот манбаалари. Замбуруғлар ҳаёт кечиришида азот озуқаси карбонга нисбатан кам ҳажм эгаллайди. Бунинг сабаблари, биринчидан, ҳужайра кимёвий таркибидаги азот миқдори карбонга нисбатан 5-6 марта кам; иккинчидан, карбон бирикмалари айни вақтда ҳам конструктив, ҳам энергетик алмашинувда ишлатилиши туфайли уларнинг катта миқдорлари ўзлаштирилади. Аммо замбуруғ метаболизмидаги азотнинг роли карбоннидан кам эмас.

Организм аминокислота, оқсил, нуклеотид, хитин ва бошқа азотли бирикмаларни синтез қила олиши учун муҳитда ўзлаштирилиши мумкин бўлган азот манбаи мавжуд бўлиши лозим. Бу мақсадда замбуруғлар азотни ҳам минерал, ҳам органик манбаалардан олиши мумкин. *Минерал азотнинг* энг универсал манбаи нитрат азотидир. Нитратлар (NO₃⁻) ва нитритлар (NO₂⁻) азотини замбуруғларнинг 90 фоизасини ўзлаштира олади. Улар қаторига кўп аскомицет ва дейтеромицетлар ҳамда баъзи ёғоч ва тахтани емирувчи замбуруғлар киради. Баъзи замбуруғлар, мумкин уларда нитрат тикловчи қобилият йўқлиги туфайли, азот тузларини ўзлаштира олмайди. Оомицетларнинг кўпчилиги ва баъзи базидиомицетлар нитрат азотини яхши ўзлаштира олмайди. *Penicillium ammoniphylum* нитрат азотини ишлата олмайди.

Замбуруғларнинг кўпчилиги азотга эҳтиёжини аммоний тузлари, баъзилари эса ҳам аммоний, ҳам нитрат тузлари хисобига қоплайди. Мисол учун, *A. niger* pH пастлигига нитрат азотини, pH 3 дан юқори бўлганида эса биринчи навбатда аммоний азотини ўзлаштиради. Бу мисол атроф-мухит шароитлари замбуруғ модда алмашинуви учун нақадар муҳимлигидан далолатдир.

Азотли органик бирикмаларни фақат аммиак ҳосил қилиб парчалайдиган замбуруғлар ўзлаштира олади. Экстрацеллюлар протеаза синтез қиладиган замбуруғлар учун ипак ва тери каби субстратлар азот манбаи бўла олади.

Phoma, Rhizoctonia, Pullularia, Puccinia туркумларига мансуб турлар газ шаклидаги азотни ўзлаштирувчи (азотфиксация килувчи) замбуруғларнинг кичик гуруҳига киради.

Зааралланган материаллардан замбуруғларни ажратиш ва уларнинг тоза культураларини сақлаш учун озуқа муҳитларини тайёрлаш принциплари. У ёки бу материални заарловчи замбуруғларни тоза культурага ажратиш учун озуқа муҳитини тайёрлаш (ёки танлаб олиш) пайтида организм модда алмашинуви хусусиятлари, уларнинг карбон ва энергия манбааларига эҳтиёжи ҳар доим ҳисобга олинади. Бунда умумий қоида – муҳитда карбон миқдори азотга нисбатан 10-15 баравар кўпроқ бўлиши лозим.

Замбуруғларни зааралланган материаллардан ажратиш ва унинг тоза культураларини олиш ва сақлаш учун суюқ ёки қаттиқ озуқа муҳитларидан фойдаланилади. Улардан баъзи кенг қўлланиладиган муҳитларнинг рецепторларини қуида келтирамиз.

Чапек мұхити. Сахароза 30 г, NaN_3 2 г, KH_2PO_4 1 г, $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ 0,5 г, KCl 0,5 г, FeSO_4 0,01 г, агар-агар 20 г, сув 1 л гача. Бу тұла синтетик мұхит. Бу мұхит *Aspergillus* ва *Penicillium* турларини аниқлаш учун қулай.

Сусло-агар (СА). Пиво суслоси (Баллинг бүйіча 5-8° ли) 1 л, агар-агар 20 г. Бу органик мұхитда замбуруғларга керак бўладиган барча озуқа моддалари (карбонсув, азот ва кул унсурлари) мажмуаси мавжуд.

Картошка-декстрозали (глюкоза, сахарозали) агар (КДА, КГА, КСА). 200 г арчилган ва кичик бўлакчаларга кесилган картошкани 1 л сувда 1 соат қайнатинг, 2 қават докадан сузуб олинг. Олинган суюқликка сув қўшиб, ҳажмини 1 л га келтириңг, 20 г декстроза (ёки глюкоза ёхуд сахароза) ва 20 г агар-агар қўшинг ва уни эритинг. Янги ҳосил картошкасини ишлатманг! Бу органик мұхитда ҳам замбуруғларга керак бўладиган барча озуқа моддалар мавжуд. КСА *Fusarium* турларини аниқлаш учун қулай.

Тупроқ экстрактли агар (ТЭА). Тупроқ ва сувнинг оғирлиги бўйича тенг микдорларини аралаштириңг ва аралашмани 1 атм да 30 дақиқа автоклавда стерилизация қилинг. Тупроқ чўккач, суюқ қисмини фильтрдан ўтказиб, ажратинг. 1 л экстрактга 15 г агар-агар қўшинг. Бу мұхит *Trichoderma* ва *Mortierella* турларини аниқлаш ва ўстириш учун қулай.

Солод экстрактли агар (СЭА). Солод экстракти кукуни 10 ёки 20 г (ёки солод сиропи 10-40 г), сув 1 л гача, агар-агар 15 ёки 20 г.

Солод ва пептонли агар (СПА). Солод экстракти кукуни 20 г, пептон 1 г, сув 1 л гача, агар-агар 20 г. Бу мұхит *Penicillium* турларини ва (СПА га 1 ppm⁴ беномил қўшиб) ёғоч-тахтани емирувчи аскомицет ва базидиомицетларни аниқлаш учун қулай.

Ачитқи экстракти ва крахмалли агар (АЭКА). 1 л сувга 1 г KH_2PO_4 , 0,5 г $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$, 0,4 г ачитқи замбуруғ (дрожжа) экстракти ва 15 г сувда эрувчи крахмал солиб улар эригунча қайнатинг. Сўнгра 15 ёки 20 г агар-агар қўшинг ва сув ҳажмини 1 л га етказинг.

Юқорида келтирилган мұхитлар тез ўсадиган замбуруғларни ажратиш учун қўлланилади, чунки улар таркибида замбуруғлар осон ўзлаштирувчи карбонсувлар мавжуд. Замбуруғлар ўсиш тезлигини секинлаштириш учун қуйидаги мұхитларни қўллаш мумкин. Бунда колониялар катта бўлмайди, конидиялар осонроқ ривожланади ва замбуруғ турларини аниқлаш қулайлашади.

Оч агар (ОА). Сув 1 л, агар-агар 20 г.

1/10 СА. Пиво суслоси (Баллинг бўйича 5-8° ли) 100 мл, сув 900 мл, агар-агар 2%.

¼ КДА, КГА, КСА. 50 г арчилган ва кичик бўлакчаларга кесилган картошкани 1 л сувда 1 соат қайнатинг, 2 қават докадан сузуб олинг. Олинган суюқликка сув қўшиб, ҳажмини 1 л га келтириңг, 5 г декстроза (ёки глюкоза ёхуд сахароза) ва 20 г агар-агар қўшинг ва уни эритинг. Янги ҳосил картошкасини ишлатманг!

Синтетик оч агар (СОА). KH_2PO_4 1 г, KNO_3 1 г, $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ 0,5 г, KCl 0,5 г, глюкоза 0,2 г, сахароза 0,2 г, агар-агар 20 г. Бу мұхит *Fusarium* турларини аниқлаш учун қулай.

Замбуруғ культураларини бактериал заарланишдан асрash учун агар-агарли мұхитларни илиқ бўлгунича совутиб, Петри ликопчаларига қуйгач, агар-агар қотишидан олдин уларнинг ҳар бирига 1 мл қуйидаги антибиотик эритмаларидан бирини киритиш лозим:

⁴ ppm (part per million) – промиля, миллиондан 1 қисм (%).

G-пенициллин	50 ррм	Рифампицин	5 ррм
Стрептомицин	30-50ррм	Хлорамфеникол	50 ррм
Аурэомицин	10-50ррм	Новобиоцин	100 ррм
Неомицин	100 ррм	Ваномицин	10 ррм

Булардан фақат хлорамфеникол автоклавда стерилизация қилишга чидамли ва бу жараёнда фаолигини йўқотмайди (*Gams et al.*, 1987).

Замбуруғ тоза культураларини микроскопик каналар билан заарланишдан асраш учун пробка оғзини бекитиш учун ишлатиладиган пахта пўкаги (тиқин) нинг пробиркага тегиб турадиган пастки қисмига қуйидаги таркибдаги эритма суркалади: 96% этанол 500 мл, сув 450 мл, глицерин 50 мл, симоб хлориди 10 г, бўёқ (мисол учун эозин). Бу эритма ўта заҳарли ва уни қўллашда жуда диққат эътиборли бўлиш лозим. Баъзи тадқиқотчилар пробирка пўкагига ёки Петри ликопчаси қопқофининг ички томонига 1-2 томчи Сипро (пиретрин + пиперонил бутоксид) ёки Кельтан томизишини тавсия қилишади; бу культураларни заарлаган каналардан тозалайди. Каналарни ўлдириш учун культураларни уйларда ишлатиладиган микротўлқин ўчоғига ҳам 1-12 секундга қўйиш мумкин (*Pietrini*, 1983).

Замбуруғларни хар хил субстратлардан ажратиб олиш учун селектив муҳитлар яратишади ва қайси туркум турларини ажратиб олиш режасига кўра маҳсус кимёвий бирикмалар қўшилади (5-жадвал).

5-жадвал

Селектив муҳитларга қўшиладиган кимёвий бирикмалар
(*Gams et al.*, 1987)

Ажратишга мўлжалланган замбуруғлар	Кимёвий бирикмалар		
	Антибиотиклар	Фунгицидлар	Бошқа кимёвий бирикмалар
<i>Aspergillus flavus</i>		Ботран 10 ррм	
<i>Aspergillus niger</i>			Танин 20%
<i>Fusarium</i>	Стрептомицин 300 ррм	0,5% ли пептон агар ичida ПХНБ 100-750 ррм ва б.	К-метабисульфит 300 ррм
<i>Verticillium</i>	Стрептомицин 200 ррм ва б.	Суюлтирилган КДА ичida ПХНБ 75 ррм	ТЭА ёки ОА+5% этанол ичida полигалактурон кислотаси 0,2%
Тўқ рангли гифомицетлар	Стрептомицин 200-300 ррм	Беномил 0,2 мл/л (таясир этувчи модда хисобида)	Сут кислотаси 0,1%
Базидиомицетлар		Беномил 1 ррм	σ- фенилфенол 6 ррм
<i>Heterobasidion annosum</i>		ПХНБ 200 ррм	Сут кислотаси 0,1%, этанол 20 мл/л

Тупрок, нефть қудуклари ва бошқа субстратларда мавжуд бўлган биозарапловчи замбуруғ турлари таркибини аниқлаш учун олинган намуналарни озуқа муҳитларига экиш пайтида уларга юқорида келтирилган антибиотиклар ва кимёвий бирикмалардан ташқари замбуруғлар ўсишини секинлаштирувчи бирикмалардан бири, жумладан бенгал нимранги (67 ррм), медицинада

ишлатиладиган хўқиз сафроси (ўти) (0,5-10%), натрий пропионат (0,1%), тритон (0,1 мл/л) ёки дезоксихалат (0,8 г/л) қўшилади.

Термофил ва термотолерант замбуруғларни аниқлаш учун тупроқ суспензиясини бирин-кетин суюлтириш ва (антибактериал антибиотиклардан бири қўшилган) СЭА ёки АЭКА озуқа мұхитларига экиш усули қўлланилади. Суспензия Петри ликопчаларига экилгач, улар термофил замбуруғларни ажратиш учун 45-50°C, термотолерант турлар учун эса 35-40°C ҳароратда ўстирилади. Иссикликка чидамли замбуруғларнинг суспензияларини экишдан олдин 60, 70 ёки 80°C ҳароратда 10-30 мин давомида иситиш уларни ажратишни осонлаштиради.

Тахта ва ёғочни емирувчи замбуруғларни ажратишда ҳар хил дараҳтлардан олинган стерилланган ёғоч қириндисини қўллаш мумкин. Нефть ва ундан олинган материалларни емиридан замбуруғларни ажратишда ягона карбон манбаи сифатида ҳар хил карбонводородларни қўллашади. Суяқдан тайёрланган санъат асарларини заарловчи замбуруғларни ажратиш ва сақлаш учун мұхитга суяқ уни қўшилади.

Замбуруғларни узоқ вақт давомида озуқага бой мұхитда ўстириш уларнинг материалларни емириш хусусияти йўқолишига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик ва маълум бир субстратга агрессивлик хусусиятини сақлаб қолиш учун замбуруғларни ўша материал ягона карбон манбаи бўлган мұхитда ўстириш ва сақлаш лозим.

Материаллардан ажратилган замбуруғларнинг метаболик фаоллиги улар нафас олиши интенсивлиги, заарланган жойда ферментларининг фаоллиги ва бошқа методлар воситасида аниқланади.

Кислород. Замбуруғларнинг кислород микдори ҳар хил бўлган мұхитларда ўсиш қобилиятини ўрганиш саноат ва оқава сувларини тозалашда ҳамда органик субстратларни заарланишидан асрашга қаратилган шароит яратишда мұхим аҳамият касб этади, чунки замбуруғларнинг кислородга эҳтиёжи органик моддаларни оксидлаш билан боғлиқдир.

Замбуруғларнинг кўпчилиги факультатив аэроблар, аммо баъзилари (ачитки замбуруғлари – дрожжалар) факультатив анаэроблардир.

Аэроб организмлар кислородга эҳтиёжи бўйича бир-биридан жуда фарқ қиласди. Баъзан замбуруғ ўсиши учун кислороднинг бир микдори керак бўлса, унинг метаболизми учун бошқа микдори лозим бўлади. Мисол учун, *A. niger* замбуруғининг саноат штамми максимал микдорда биомасса ҳосил қилишига нисбатан унинг лимон кислотасини синтез қилиши учун кўпроқ кислород талаб этилади.

Кислород микдори замбуруғларнинг ўсиш характеристига таъсир қиласди. Масалан, стационар шароитда ўстирилган замбуруғ гифалари парда ҳосил қиласа, уларни чайқатиб ёки аэрация шароитида ўстирилганда культурал суюклиқда мицелийнинг кичик шарчалари ҳосил бўлади. Баъзи замбуруғларга (*Aerobasidium pullulans*, *Rhodotorula sannei*) кучли аэрация салбий таъсир кўрсатади. Кислород керагидан ортиклигига уларда тиклаш қобилиятига эга бўлган (меланин ва каротиноид шаклидаги) пигментларни ҳосил қилувчи ҳимоя механизмлари ишлай бошлайди. Кислород кўпроқ бўлганида максимал нафас олиш интенсивлиги кузатиладиган замбуруғ турлари (*A. oryzae*) маълум.

Ҳар хил замбуруғларнинг кислород етишмаслигига сезирлиги ҳар хил. Мисол учун кислородсиз шароитда *Fusarium oxysporum* 13 ҳафта хаётчанлигини йўқотмайди, аммо *Fusarium eumartii* фақат 21 кун чидай олади. Кислород етишмаслигига тахта-ёғоч емирувчи замбуруғларга нисбатан дейтеромицетлар

кўпроқ чидамли. *Serpula lacrymans* учун кислороднинг минимал босими симоб устунининг 100 мм ига (13,3 кПа) тенг. Субстратда кислород етишмаслиги (масалан, юқори намлик шароитида) замбуруғ ўсишдан тўхташининг асосий сабабидир. Бир манзилдан бошқасига сувда оқизиб олиб борилган дараҳтлар танасидаги тахта-ёғоч емирувчи ва тахта-ёғочга ранг берувчи замбуруғлар тез ҳалок бўлиши ушбу шароитда уларга кислород етишмаслиги билан боғлиқдир. Тахта-ёғочни чиришдан асраш учун уларга сунъий ёмғир ёғдириш усули ҳам худди шу принципга асосланган.

Мухит нордонлиги. Кўп саноат материаллари (коғоз, шиша, пергамент ва ҳ.), уларнинг таркиби ва қайси мақсадда ишлатишга мўлжалланганлигига кўра, нордон ёки ишқорли бўлиши мумкин. Масалан, нам шароитдаги шиша устидаги сув пардасининг реакцияси, шишанинг кимёвий таркиби билан боғлиқ ҳолда, pH 5,5 дан pH 9,0 гача бўлиши мумкин.

Мухитнинг фаол нордонлиги замбуруғларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Водород ионларининг миқдори ион ҳолатига, демак организм кўп метаболитлар ва ионларни ўзлаштира олиш қобилиятига таъсир этади. Моддалар хужайрага киритилишидан ташқари, pH мақромолекулалар барқарорлиги ва ферментлар фаоллигини таъминлайди. Нордонлик даражаси замбуруғлар пигмент синтез қилиши ҳамда уларнинг жинссиз ва жинсий кўпайишига ҳамда мицелий морфологиясига таъсир қиласи. Оқиб турадиган озуқа муҳитида pH 6,0 дан юқори бўлса *Penicillium chrysogenum* замбуруғининг гифалари узунлиги камаяди ва гифалар ўрнига шарчалар ҳосил бўлади.

Замбуруғлар pH нинг кенг диапазонида ўсиши мумкинлиги 6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринади.

6-жадвал

Замбуруғлар ҳар хил pH даражаларида ўсиш қобилияти*
(Т.Г.Мирчинк бўйича, 1976)

Замбуруғ тури	Мухитдаги pH											
	1,4	2,0	2,5	3,1	3,7	4,3	5,5	6,0	6,5	7,2	7,8	8,8
<i>Mucor hiemalis</i>	0	0	2	3	3	4	4	4	4	4	4	4
<i>Mortierella ramani-ana</i>	0	0	1	2	—	3	—	3	3	2	1	0
<i>Zygorhynchus vuilemini</i>	0	0	0	3	3	3	—	3	3	2	2-3	1-2
<i>Absidia cylindrospora</i>	0	1	5	5	5	5	5	4	3	3	3	3
<i>Trichoderma lignorum</i>	1	3	3	4	5	5	4	3	3	3	3	3
<i>Penicillium</i> sp.	1	2-3	2-3	—	—	3	3	3	3	3	3	3
<i>Aspergillus fumigatus</i>	0	1	1	4	5	5	5	5	5	5	5	4
<i>Coccospora agricola</i>	0	0	0	0	0	2	4	4	4	4	4	4
<i>Mycogone nigra</i>	0	0	0	1-2	—	3	—	3	3	3	3	2
<i>Fusarium orthoceras</i>	0	1	1-2	2-3	2-3	3	—	4	5	3	5	3-4
<i>Phoma</i> sp.	0	0	0	0	1	2	3	3	3	3	3	3

* Ўсиш интенсивлиги 5 баллик системада келтирилган.

Ҳар бир организм энг яхши ривожланиши учун pH нинг оптимал доираси мавжуд. Мисол учун, тахта-ёғоч емирувчи замбуруғлар (*Fomes roseus*, *Serpula lacrymans*, *Coniophora cerebrella*) учун оптимал pH 3,0, унинг устки чегараси эса pH 7,0-7,7. Агар pH оптимумдан у ёки бу томонга силжиса замбуруғлар ўсиши қийинлашади. Жуда нордон ёки жуда ишқорли реакция замбуруғларнинг кўпчилиги учун заҳарли. Улардан юқори ёки кам бўлганида замбуруғларни ўсишдан тўхтатадиган pH нинг устки ва пастки чегаралари 1,0 ва 11,0 га тенг. Замбуруғларнинг кўпчилиги озроқ нордон (pH 5,0-6,0) шароитда яхши ривожланади. Кучли нордон (ацидофиллар) ва кучли ишқорли (алкалофиллар) шароитда ривожланувчи организмлар кам учрайди. Фақат баъзи замбуруғлар 2,5 н. H₂SO₄ ва HCl кислоталарида ривожланганлиги маълум. Улар облигат ацидофиллардир.

Замбуруғларнинг анча турлари нордон шароитга чидамли. Кўп бундай ацидотолерант шакллар *Aspergillus*, *Penicillium* ва *Fusarium* турлари орасида топилган.

Табиатда ишқорли шароит учраши одатда тупроқ ёки сув ҳавзалари билан боғлиқ. Ишқорли тупроқларда энг кўп учрайдиган замбуруғлар қаторига *Mortierella* турлари (*M. alpina*, *M. minutissima*) киради. Мисол учун, бу туркум намояндалари Россиянинг Пермь вилоятининг барча карбонатли тупроқларида тарқалган (Лисина-Кулик, 1967). Бу турлар таркибида CaSO₄, SiO₂ ва CaO бўлган субстратлар учун характерлидир. Бундай ишқорли тупроқларда *Mortierella* билан бирга *Penicillium* ва *Aspergillus* турлари ҳамда тўқ тусли замбуруғлар мавжуд. Оҳакли ғорлардаги сталактилларда *Verticillium lamellicola* қайд этилган.

Кўп замбуруғлар pH нинг кенг диапазонида, мисол учун *Penicillium variabile* pH 2,2 билан pH 11,2 орасида ўса олади.

Кўп ҳолларда замбуруғлар ўсаётган муҳитининг нордонлигини ўзгартиради. Баъзан бу муҳитдаги айрим компонентларни ўзлаштириш ҳисобига юз берса, бошқа ҳолларда замбуруғ метаболитлари (органик кислоталар, аммиак) синтез қилиниши билан боғлиқдир. Муҳитдаги KNO₃ тузидан NO₃⁻ анионини ўзлаштириш муқаррар равишда субстрат ишқорлашишига олиб келади. Замбуруғлар оқсилли субстратларда (тери, жун ва б.) ўстирилганда аммиак ҳосил бўлиши туфайли муҳитдаги pH ишқор томонга силжийди. Баъзи замбуруғлар таркибида глюкоза бўлган субстратда ўстирилганида pH пастга силжиши кузатилади, бунинг сабаби глюкоза ачишида ҳосил бўлган органик кислоталар муҳитда йиғилиб қолиши ва натижада водород ионларининг миқдори ошишидир. Бу каби pH нинг нордонлик томонга силжиши *Chaetomium globosum* ва *Trichoderma viride* турлари таркибида қоғоз бўлган субстратда ўсганида ҳам кузатилади.

Муҳитда pH реакцияси ўзгариши озуқа манбаи сифатида хизмат қилувчи бирикмалар табиатига боғлиқ. Таркибида тез ўзлаштириладиган (глюкоза) бирикма бўлган муҳитда pH тез, секин ўзлаштириладиган бирикма (крахмал, целялюз ва б.) бўлган муҳитда эса pH секинроқ ўзгаради.

Ҳозирги замонда саноат чиқинди сувлари билан атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси ортиши ва “кислотали” ёғиши кўпайиши бундай экстремал шароитлар бўлган жойлар ҳам кўпайиши ва уларда яшай оладиган организмлар пайдо бўлишига олиб келиши ва, натижада ҳар хил материалларнинг биозаарланиш ҳоллари ҳам кўпайиши кузатилмоқда.

Физик факторлар

Микроорганизмлар ҳаёт кечиришида катта роль ўйнайдиган физик факторлардан энг муҳимлари намлик, температура, ёруғлик ва айрим бошқалардир. Замбуруғларга бевосита таъсир этувчи факторлар диапазони кўп омилларга, жумладан иқлим, материалларни сақлаш ва ишлатиш шароитларига боғлиқ.

Тадқиқотчиларнинг вазифаси, биодеструктор замбуруғларнинг физиологик хусусиятлари ҳақидаги билимларга таяниб улар ўсишига тўсқинлик қилувчи шароитларни билиши ва субстрат замбуруғлар томонидан емирилишини максимал даражада камайтиришни таъминлаши ҳисобланади.

Намлик. Замбуруғ пропагулалари ва мицелийси ўсишида намликнинг аҳамияти жуда катта. Замбуруғлар ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган намлик диапазони ҳарорат ва pH диапазонига нисбатан анча тор.

Замбуруғлар озуқа моддаларни ҳужайрага диффузия қилиши, ҳужайра ичи метаболизми, токсик моддаларни ҳужайрадан ташқарига чиқариши ва улар ўсиши ва кўпайиши билан боғлиқ бўлган кўп жараёнлар учун сув мавжуд бўлиши шарт. Замбуруғларнинг сувга эҳтиёжи ҳар хил: баъзилари юқори намлик талаб қиласди, бошқалари эса сув етишмаслигига ҳам яхши ўса олади.

Микроорганизмларнинг сувга эҳтиёжи бир нечта параметр – ҳаво нисбий намлиги (ХНН), сув фаоллиги (a_{ω}) ва сув потенциали (ψ) билан ифодаланади.

Ҳаво нисбий намлиги – маълум бир вақтда ҳаво сув буғи билан тўйингланлигининг мавжуд ҳароратда ҳаво максимал мумкин бўлган тўйиниши даражасига нисбатан фоизидир. Барқарор ҳароратда бошқа сув буғини шимиб ола олмайдиган ҳаво тўйинган ҳаво дейилади. Тўла тўйинган ҳавонинг нисбий намлиги 100% га teng.

Сув фаоллиги (a_{ω}) уни микроорганизмлар субстратдан ола билишини ифодалайди. Сув фаоллиги муайян ҳароратда эритма устидаги буғ босимига (p) тоза сув устидаги буғ босимининг (p_0) нисбатидир ($a_{\omega}=p/p_0$). Сув фаоллиги унинг молекулалари боғланганлик даражасини кўрсатади. Тоза сувнинг фаоллиги 1 га teng. Унга нисбатан барча эритмалардаги a_{ω} бирдан кам. Сув фаоллиги қанча оз бўлса, субстратдаги сувни ушлаб турувчи кучлар ўшанча кўп ва микроорганизмлар уни ўзлаштириши ўша даражада қийин. Замбуруғлар намликнинг ҳар хил даражаларида ўса олиши уларда субстратнинг сувни ушлаб турувчи кучларини енга олиш қобилияти мавжудлигини кўрсатади.

Сувни ушлаб турувчи кучлар, сувни ажратиб олиш учун микроорганизмлар харжлайдиган термодинамик ишни характерлайдиган босим бирликлари (бар, паскаль ва б.) билан ифодаланади. Буни *сув потенциали* (ψ) деб аталади. Тоза сувнинг потенциали нолга teng. Тоза сувга нисбатан барча эритмалар манфий потенциалга эга ва улар манфий барлар билан ифодаланади. Намлик босими бирликлари, намлик фаоллиги ва ҳаво нисбий намлиги орасидаги нисбатлар 7-жадвалда кўрсатилган. Муҳит намлигини ифодалаш учун буларнинг ҳар бирини кўллаш мумкин.

Замбуруғлар сув фаоллиги 1,00 ва 0,60 орасида бўлган муҳитларда ўса олади. Улар микроорганизмлар орасида сув танқислигига энг чидамлилариридир. Замбуруғларнинг кўпчилиги учун ХНН нинг минимал даражаси 70% га (бактериялар учун 95% га) teng. Баъзи турлар ундан ҳам паст намликда, мисол учун *Xeromyces bisporus* ва *Aspergillus glaucus* $a_{\omega}=0,60$ да ўса олади.

7-жадвал

Намлики ифодалаш усуллари (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Ҳаво нисбий намлиги (%)	Сув фаоллиги (a_{ω})	Сув потенциали (ψ)	
		Бар	Паскаль
100,0	1,0	0	0
99,3	0,993	- 10	- 10^6
96,5	0,965	- 50	
93,0	0,93	- 100	- 10^7
86,0	0,86	- 200	- $2 \cdot 10^7$
80,0	0,80	- 300	- $3 \cdot 10^7$
74,0	0,74	- 400	- $4 \cdot 10^7$

Ҳар хил намлиқда ўсиш қобилиятига қараб замбуруғлар уч гурухга бўлинади: гигрофиллар (a_{ω} нинг пастки чегараси 0,90 дан юқори), мезофиллар (споралар ўсиши учун a_{ω} нинг пастки чегараси 0,80 – 0,90) ва ксерофиллар (a_{ω} 0,80 дан паст).

Биозарланиш қўзгатувчи замбуруғларнинг кўпчилиги мезофилларга мансуб. Улардан намлиқка энг талабчанлари зигомицетлар, мукор замбуруғлари ва баъзи *Fusarium* турларидир. Анча куруқроқ субстратларда учрайдиган замбуруғлар таркибига *Aspergillus*, *Penicillium*, *Chrysosporium*, *Cladosporium*, *Trichocladium*, *Paecilomyces*, *Wallemia*, *Xeromyces*, *Alternaria*, *Curvularia* туркумлари намояндадали киради. Баъзи турлар (*Aspergillus fumigatus*, *A. terreus*, *Penicillium funiculosum*, *Cladosporium* spp., *Stemphylium* spp.) нам танқислигига ўта чидамли. Уларнинг ареали a_{ω} нинг паст кўрсаткичлари билан характерланади. *Aspergillus*, *Alternaria*, *Cladosporium* ва *Stemphylium* турлари қўп сахро тупроқларида қайд этилган.

Юқорида келтирилган замбуруғлардан энг қўп қуруқликка чидамли турлар *Aspergillus* туркуми намояндадаридир. *A. glaucus* ва *A. restrictus* гурухларига мансуб турлар экстремал даражадаги ксерофиллар ҳисобланади (улар учун a_{ω} нинг минимал кўрсаткичлари 0,60-0,75 га teng). *Penicillium* турлари орасида a_{ω} нинг паст кўрсаткичлари билан *P. frequentans* (a_{ω} 0,81) *P. chrysogenum* (a_{ω} 0,80), *P. verrucosum* var. *cyclopium* (a_{ω} 0,78) ва *P. implicatum* (a_{ω} 0,78) ажralиб туради.

Споралар ўсиши, вегетатив ўсиш ва репродуктив органлар ҳосил бўлиши учун ҳар хил намлик даражалари талаб этилади. Конидиялар ўсишига нисбатан мицелий ўсиши ва конидиялар ҳосил бўлиши учун a_{ω} нинг юқорироқ даражалари лозим. Ўз навбатида, мицелий ўсишига кўра репродуктив органлар ҳосил бўлиши юқорироқ намлик мавжуд бўлишини талаб қиласди. Қуйида 8-жадвалда a_{ω} нинг ҳар хил замбуруғ турларининг конидиялари ўсишига имкон берадиган минимал даражалари келтирилган.

8-жадвал

Замбуруғлар конидиялари ўсиши учун талаб қилинадиган a_{ω} нинг минимал кўрсаткичлари (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича., 1987)

Замбуруғ турлари	a_{ω} нинг минимал даражалари	Ўсиш бошланиши учун керак бўладиган муддат, кун	Ҳарорат, °C
<i>Aspergillus flavus</i>	0,84	21	
<i>Aspergillus nidulans</i>	0,84	21	
<i>Aspergillus versicolor</i>	0,80	63	

<i>Botrytis cinerea</i>	0,92	5,6	20
<i>Chrysosporium fastidium</i>	0,64	48	20
<i>Chrysosporium xerophilum</i>	0,69	49	25
<i>Cladosporium herbarum</i>	0,71	37	25
<i>Fusarium spp.</i>	0,88-0,91	Хар хил	Хар хил
<i>Geotrichum candidum</i>	0,90	15	20
<i>Paecilomyces variotii</i>	0,84	9	25
<i>Penicillium chrysogenum</i>	0,81	21	
<i>Penicillium expansum</i>	0,84	21	
<i>Stachybotrys atra</i>	0,94	2	23
<i>Stachybotrys sp.</i>	0,90	14	25
<i>Stemphylium sp.</i>	0,90	14	25
<i>Thielaviopsis sp.</i>	0,95	14	25
<i>Trichoderma viride</i>	0,91	7	25
<i>Trichothecium roseum</i>	0,90	4	20
<i>Wallemia sebi</i>	0,75		22
<i>Xeromyces bisporus</i>	0,60	120	

Намлик пасайиши конидиялар ўсиш вақтини узайтиради. Мисол учун *Aspergillus niger* нинг споралари 100% ҳаво намлигига 12 соатда, 85% намликда 17 соатда ва 78% намликда 100 соатда ўсади. Қуруқлик нафакат споралар ўсиши, балки мицелий ўсиш тезлиги ва замбуруғларнинг морфологик ва күльтурал белгилари ривожланишига ҳам таъсир қиласи. ҲНН пасайганида кўп микромицетларнинг вегетатив ва репродуктив органлари редукция қилинади. Бундай шароитда баъзан организм фақат бир нечта гифа ҳосил қиласи, холос.

Паст сув фаоллигига замбуруғлар фаол ҳаёт кечиришда бўлиши ёки улар фақат сақланиши мумкинлигининг фарқига бориш лозим. Организмларнинг ҳаётчанлигини сақлаш мукин бўлган намлик чегаралари улар фаол ўсиши мумкин бўлганларидан анча кенгроқ. Сув буғланишидан ҳимоя қиласидаги мосламалари бўлмаган вегетатив ҳужайралар спораларга нисбатан анча тезроқ ҳалок бўлади. Замбуруғ ҳужайраси олдин эркин, сўнгра боғланган сувни йўқотади. Қанча сув йўқотганлиги билан боғлиқ ҳолда, организм ёки анабиоз ҳолатига киради, ёки ҳалок бўлади. Одатда ҳужайра боғланган сувининг 7/8 қисмини йўқотганда ҳалок бўлади, бу эса кўп микроорганизмларда ҳаво нисбий намлиги 40-60% бўлганида кузатилади.

Мицелийдан фарқли ўлароқ, спора ва конидиялар узоқ вақт давомида қуришга чидамли. Ўта юқори вакуумда ёки лиофил усулида қуритилган ҳолатда улар бир неча йил давомида ўсиш қобилиятини сақлайди. Ҳаво ва субстрат қуруқлигига склероций ва хламиdosпоралар ҳам чидамли.

Субстрат намлиги. Намлик шимишга қодир бўлган ҳар қандай субстрат (материал) ҳаво билан намлик мувозанатида бўлади. Агар ҳаво намлиги ошса, материал намликни олади, агар пасайса – беради.

Материалларнинг кўпчилигини микроорганизмлар емира бошлиши учун талаб қилинадиган намлик даражаларининг чегаралари ҳозиргача аниқланмаган. Бунинг сабаби субстрат намланишини ўлчаш учун ҳозиргача фақат ундағи сувнинг умумий миқдорини аниқлаш билан боғлиқдир. Бу усулда олинган натижалар микроорганизмлар олиши мумкин бўлган сув миқдорини кўрсатмайди, чунки субстратдаги боғланган ва эркин сув миқдорлари маълум бўлмайди. Боғланган сув материал хусусиятларини белгилайди. Мисол учун, қоғозда сув водород алоқалари воситасида толалар билан мустаҳкам боғланган ва уни микроорганизмлар

ўзлаштиrolмайди. Шу сабабдан умумий сув миқдори бир хил бўлган, аммо улардан микроорганизмлар сув ола билиши ҳар хил бўлган материаллар бошқа шароитлар бир хил бўлганида, замбуруғлар билан ҳар хил даражада заарланади. Микроорганизмлар фақат эркин ёки қучсиз боғланган сувни ўзлаштира олади. Гигроскопик материалларда замбуруғлар фақат боғланмаган сув мавжудлигида ўса бошлайди. Тола тўйиниши нуктасидан паст намликда тахта-ёғоч замбуруғлар билан заарланмайди. Микромицетлар қоғозда ўсиши ундаги умумий сув миқдори 8-10% га етганидан сўнг кузатилади, чунки бу умумий сув миқдори кузатилганда капилляр (эркин) сув мавжуд бўлади. Субстратнинг минимал намлиги бактериялар ривожланиши учун 20-30%, замбуруғлар ўсиши учун эса 13-15% бўлиши лозим.


Одатда устида замбуруғ ўсиши даврида материалларнинг намлиги ошади. Бу метаболизм охирги моддаларининг биттаси сифатида сув ҳосил бўлиши натижасидир. Мисол учун, *Serpula lacrymans* 1 м³ тахтани емирганида 139 л сув ажратади, *Coniophora puteana* намлиги 6,75% бўлган тахтада ўсиб, уни 30-64% га етказади. Замбуруғлар таъсирида намлиги ошган материалларда бошқа, намликсевар турлар ўсиши учун шароит яратилади.

Материаллар заарланиши билан курашиш усууларидан бири ҳаво нисбий намлигининг маълум даражасида замбуруғларнинг кўпчилиги ўсишдан тўхташига асослангандир. Бу мақсадда материалларга гидрофоблик хусусияти берувчи ҳар хил бирикмалар (натрий алкилисиликонат, полиалкилгидроксиланлар ва б.) қўлланилади. Натижада материаллар устида ҳосил бўладиган кимёвий бойланган қопламалар замбуруғлар ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи шароит яратади.

Температура замбуруғлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. У умуман замбуруғ ривожланишини белгилайди, хужайра фаоллигини бошқаради, чунки организм ўсиши ва ривожланиши энзиматик назоратдаги, ҳар бири ўз ҳарорат оптимумига эга бўлган кўп жараёнлар йигиндисидир. Организм ҳароратга боғлиқлиги учта кардинал нукта билан ифодаланади: минимум, оптимум ва максимум.

Минимал ва максимал ҳарорат, қанчалик узоқ вақт давомида инкубация қилинганда ҳам улардан ташқарида замбуруғ ўса олмайдиган чегараларини белгилайди. Энг тез ўсиш кузатиладиган ҳарорат оптимум деб аталади.

Замбуруғлар ҳароратнинг кенг диапазонида ўсиши мумкин. Тахта-ёғочларни заарловчи *Serpula lacrymans* замбуруғи ҳарорат 8°C (минимум) дан паст ва 27°C (максимум) дан юқори бўлганида ўсмайди, 23°C (оптимал) ҳароратда яхши ўсади (27-расм). Қоғоз фабрикаларининг ускуналарида ўсган шилимшиқ моддадан 60-62°C да ўсадиган замбуруғлар ажратилган. Шу билан бирга бъязи гифомицетлар тундранинг совуқ тупроғида ва совутгич жихозларида минус 6-8°C да ҳаёт кечиради.



27-расм. Ёғоч емирувчи замбуруғларнинг ҳарорат билан боғлиқ ҳолда ўсиш тезлиги: А – *Polyporaceae* оиласига мансуб турлар: 1 – *Fomes fomentarius*, 2 – *Polyporus betulinus*, 3 – *Fomes pinicola*, 4 – *Lenzites separia*, 5 – *Polystictus abietinus*; Б – уй замбуруғлари: 1 – *Coniophora cerebella*, 2 – *Serpula lacrymans* (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича., 1987).

Ўсиш ҳарорати диапазонига қараб замбуруғлар учта катта гурухга бўлинади: булар паст ҳароратларда ($0+20^{\circ}\text{C}$) яхши ўсадиган психрофиллар, ўртача ҳароратларда ($+20-35^{\circ}\text{C}$) ривожланадиган мезофиллар ва юқори ҳароратда (50°C ва юқорироқ) ўсадиган термофиллар. Бу бўлинишни шартли деб қабул қилиш лозим, чунки табиатда кўп бир-бирига ўтувчи шакллар мавжуд. Улар учун термотолерантлар (иссиқликка чидамлилар ёки факультатив термофиллар) ва психротолерантлар (совукқа чидамлилар ёки факультатив психрофиллар) атамалари ишлатилади.

Материалларни заарловчи замбуруғларнинг кўпчилиги *мезофилларга* мансуб. Уларнинг оптимуми 24°C билан 28°C орасида.

Ҳарорат замбуруғлар ареалига бевосита таъсир қиласида. Мисол тариқасида емирилган материаллардан тез-тез ажратиладиган *Penicillium* ва *Aspergillus* турларини кўрсатиш мумкин. Пенициллар орасида барча кенгликларда тарқалган кўп эвритоп турлар (*P. chrysogenum*, *P. notatum*, *P. janthinellum* ва б.) бўлса ҳам, умуман олганда, *Penicillium* турларининг кардинал нуқталари *Aspergillus* турлариникидан анча паст. *Aspergillus* турларининг кўпчилиги учун оптималь ҳарорат $30-35^{\circ}\text{C}$, *Penicillium* турлариники учун эса $25-30^{\circ}\text{C}$. Бунинг натижасида шимолий кенгликларда пеницилларнинг, жанубий кенгликларда эса аспергилларнинг анча кўп турлари мавжуд. Жанубий кенгликлар тупроқларидаги замбуруғларнинг кам қисми пеницилларга мансуб, турлари сони ҳам кам. Бу мисоллар атроф-муҳит ҳарорати емирилган материалларда аниқланган биодеструктор замбуруғларнинг сифат таркибига таъсир қилишини кўрсатади. Ҳарорат оптимуми атроф-муҳит ҳароратига энг яқин турлар кўпроқ ривожланади ва кўпроқ учрайди.

Психрофиллар паст ҳароратда ҳаёт кечиравчи организмларнинг кам ўрганилган физиологик гуруҳидир. 5°C дан паст ҳароратда яшаш қобилиятига эга бўлган микроорганизмларнинг икки хили мавжуд. Биринчи хили облигат психрофиллар бўлиб, улар барқарор паст ҳароратга мослашган. Уларнинг оптимуми 15°C атрофида, минимуми 0°C ва максимуми $20-22^{\circ}\text{C}$. Одатда максимумдан юқори ҳарорат уларга қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Ўсишни таъминловчи минимал ҳарорат фақат баъзи облигат психрофилларда ўрганилган. Тадқиқотлар асосида (Жданова, Василевская, 1982) ҳақиқий психрофилларга қуйидаги турлар мансуб деб ҳисобланади: *Tephula idahoensis*, *T. incarnata*, *T. trifolii*, *T. umbrina*, *Sclerotinia borealis*, *Fusarium nivale*, *Culindrocarpon magnustratum*, *Hypoxyylon diathrauston*, *Herpotrichia nigra*, *Plenodomus meliloti*, *Mycelia sterilia* spp., *Phacidium infestans*.

Иккинчи гурухга барқарор бўлмаган (кун ва тун давомида ёки ҳар хил мавсумда ўзгарувчан) совук шароитда яшовчи психротолерант замбуруғлар киради. Бу замбуруғларнинг ҳарорат диапазони кенгроқ: минимуми психрофилларники билан бир хил – 0°C атрофида, максимуми 37°C гача ва оптимуми $20-30^{\circ}\text{C}$. Психротолерант турлар максимумдан юқори ҳароратларга узок вақт давомида чидай олади ва ўса олади, шу сабабдан юқори ҳароратда облигат психрофилларга нисбатан уларнинг рақобат қилиш қобилияти кучлироқ.

Биозарланиш қўзғатувчи, совукқа чидамли замбуруғлар мисоли сифатида *Sporotrichum carnis*, *Cladosporium herbarum*, *Mucor mucedo* ва *Candida*, *Torula*, *Geotrichoides* ва *Blastomyces* туркумларига мансуб турларни кўрсатиш мумкин.

Психрофиллар ҳам табиий, ҳам антропогенетик биотопларда учрайди. Табиатда улар абадий музлик бўлган жойларда (мисол учун, Россиянинг 30% дан кўпроқ худудларида) ҳаёт кечиради. Совутгич системалар ва озиқ-овқат сақланадиган омборхоналар антропоген биотопларнинг мисоли бўла олади.

Психрофилларнинг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Маълум фактлар кўрсатишича, паст ҳароратда яшовчи организмлар нафас олишнинг юқори даражалари ва (карбоннинг ташқи манбаи бўлмаганида), уларга мадад бўлувчи заҳира моддаларининг катта микдорлари мавжудлиги билан ифодаланади. Психрофилларнинг ўзига хос яна бир хусусияти – ҳужайра мемброналари мой кислоталаридан тузилганидир. Таркибида тўйинмаган мой кислоталари бўлган мемброналар паст ҳароратда яхшироқ ишлашининг бевосита далиллари мавжуд.

Замбуруғлар паст ҳароратда ўсиши ва ривожланиши билан қаттиқ (-80°C ва пастроқ ҳароратга) совутилганда ҳаётчанлигини сақлай билиш қобилиятини фарқлаш лозим. Бундай биологик экстремал шароитлар қисқа вақт давомида ҳам табиатда, ҳам саноатнинг баъзи жараёнларида учрайди. Бундай ҳолларда ҳужайранинг тақдирини музлаш ва эриш жараёнларининг тезлиги ҳал қиласи, чунки ҳужайра ҳалок бўлиши, 1-нчи навбатда, ҳосил бўладиган муз кристалларининг шакли ва катталигига боғлиқ. Музлатиш аста-секин амалга ошганида, рекристаллизация сабабли, ҳужайра ичи ва ташқарисидаги муз кристаллари катталашади, бу эса ҳужайра ҳаётига энг катта хавф туғдиради. Жуда ҳам тез музлатишда бу хавф камаяди, чунки бунда аморф муз ҳосил бўлади. Экстремал паст (-269°C) ҳароратларга чидамлилик *Stemphylium sarciniforme*, *S. ilicis*, *Curvularia geniculata* ва *Cladosporium cladosporioides* турларида мавжудлиги аниқланган.

Организм учун эриш тезлиги ҳам ниҳоятда муҳим. Минус 70°C га совутилган ва $+70^{\circ}\text{C}$ да иситилган *Aspergillus flavus* конидияларининг ўсуҷчанлиги 75% ни ташкил қиласи, ваҳоланки, эриш $0,9^{\circ}\text{C}$ да амалга оширилганда уларнинг фақат 7% ўслан. Энг кучли летал эффект аста-секин – 20°C дан 0°C гача иситилганда кузатилади. Табиатда қайта-қайта кузатиладиган секин музлаш ва секин эриш жараёнлари замбуруғ ҳужайралари ҳалок бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда замбуруғлар ҳаётчанлигини сақлай олиши уларнинг турига ва ҳужайраларидаги сув микдорига боғлиқ. Ундан ташқари, паст ҳарорат замбуруғнинг қайси ҳужайрасига таъсир қиласи ҳам муҳим. Фаол ўсаётган замбуруғнинг вегетатив ҳужайралари унинг қалин қобиқли конидия, склероций ва хламиdosпораларига нисбатан экстремал паст ҳароратга анча чидамсизроқ.

Паст ҳароратда материаллар заарланиши нуктаи назаридан замбуруғлар сақланиши эмас, балки улар саноат материалларига зарар етказувчи фаолияти муҳим. Ҳозирги даврда психрофил замбуруғларнинг экология ва технология нуктаини назаридан аҳамиятли бўлган фаоллиги ҳакида маълумотлар мавжуд эмас.

Термофиллар – ўсиши учун юқори ҳарорат мавжудлиги шарт бўлган замбуруғлардир. Улар облигат ва термотолерант (факультатив термофил) шаклларга бўлинади. Облигат термофилларнинг ўсиши учун максимал ҳарорат 50°C дан, минимал эса 20°C дан паст эмас. Термотолерант турларнинг максимуми ҳам 50°C га яқин, аммо минимуми 20°C дан анча паст.

Ўтган асрнинг 60-йилларида 50°C ва юқорироқ ҳароратда ўса оладиган замбуруғларнинг 67 та тур ва кенжак турни маълум эди (Ainsworth, 1968). Материаллар қизиши ва заарланишини кўзгатадиган микроорганизмлар популляцияларини тадқиқ қилишга аҳамият ошиши туфайли рўйхатда бундай турлар кўпаймоқда. Термофиллар кўп антропоген биотоплардан, жумладан градирялар (*Peniophora mollis*), ядро реакторларидан чиқадиган иссиқ оқава сувлар (*Dactylaria gallopava*), товуш самолётларининг ҳаракат пайтида қизийдиган ёнилғи системалари (*Aspergillus fumigatus*), баъзи заводларнинг совутиш ва суюқликни чиқариш

трубалари, юқори кучланишلى ер ости кабеллари ва бошқалардан ажратилган. Термотолерант замбуруғлар тахта қириндиларининг түплари ўз-ўзидан ёниб кетишига олиб келади, бу туфайли ҳар йили қоғоз тайёрлашда анча хомашё йўқотилади ва қоғоз сифати пасайди.

Термофил ва термотолерант замбуруғлар (*Absidia corimbifera*, *Aspergillus fumigatus*, *A. candida*, *Hemicola lanuginosa*, *Mucor pusillus*) ҳашак түплари ҳам ўз-ўзидан қизиши ва ёнишига ҳамда сақланаётган дон заарланиши ва йўқотилишига сабабчидир.

Баъзи термофил замбуруғлар инсон ва иссиқ қонли ҳайвонларда касаллик қўзғатади. Биринчи навбатда улар қаторига ҳар хил микозлар қўзғатувчи *Mucor pusillus*, ўпкада аспергиллөз қўзғатувчи *A. fumigatus* ва энцефалит қўзғатувчи *Dactylaria gallopava* турлари киради.

Эукариот организмлар учун ҳароратнинг юқориги чегараси 60-62°C ҳисобланади. Замбуруғларнинг кўпчилиги ҳам, ферментларининг термал инактивацияси туфайли, 65-70°C да ҳалок бўлади. Аммо баъзи замбуруғлар бундан ҳам юқори ҳароратга чидамлидир. Масалан, *Aspergillus niger* нинг конидиялари 100-107°C ҳароратда 7 кечакун давомида ҳаётчанлигини сақлайди, *Cerecospora carthami* нинг конидиялари эса 55°C да 12 соат давомида қуруқ қиздиришга чидайди. Қисқа муддат давомида юқори ҳароратга чидайдиган ва 50°C га яқин ҳароратда фаол ўса оладиган замбуруғларнинг ўзига хос физик-кимёвий хусусиятлари мавжудлиги шубҳасизdir.

Термофилларда юқори целлюлаза фаоллиги мавжудлиги учун, улар целлюлоза чиқиндиларидан микроорганизм оқсили олиш учун ишлатилиши мумкин. Термофилларнинг ҳар хил пластмассаларни ягона карбон манбаи сифатида ўзлаштира олиш қобилияти, уларни шаҳарлардан чиқадиган ахлатларни йўқотишда кўллаш имконини беради.

Нурланишлар ионламовчи ва ионловчи бўлиши мумкин. Биринчи хилига қўёш радиацияси, иккинчисига эса, материаллардан ўтганда уларнинг атомлари ёки молекулаларини ионловчи заррачалар ва квантларнинг электромагнит оқимлари киради. Ионловчи нурлар Ерга космик нурлар шаклида етиб келади, атом ядролари радиоактив парчаланишида ҳосил бўлади (α - ва β -заррачалар, γ -нурланиш) ёки сунъий яратилади (электромагнит нурланиш, γ -, рентген ва ультрабинафша нурланишлар).

Ер куррасида ҳаётнинг биринчи шакллари қисқа тўлқинли ультрабинафша (УБ) радиациянинг юқори дозалари таъсирида бўлган. Бора-бора кислород ажралиши ва атмосферада озон қатлами ҳосил бўлиши натижасида Қуёшнинг қисқа тўлқинли нурланишидан ҳимоя қилувчи экран пайдо бўлган. Ҳозирги даврда, ядро реакциялари натижасида ҳосил бўладиган нурланишнинг юқори дозалари таъсир килиш хавфи мавжуд. Бу инсон фаолияти натижасидир.

Ионламовчи нурланиш. Қуёш радиацияси (нурлари) микроорганизмлар ҳаёт кечириши жараёнларига жиддий таъсир қилувчи атроф-муҳит факторларидан биридир. Ер устига қуёшдан ҳар дақиқада ~8,28 Дж нур энергияси тушади. Қуёш нури спектрининг ҳар хил қисми замбуруғларга ҳар хил таъсир қиласди: узун тўлқинли нурлар иссиқлик рецепторларини фаоллаштиради; УБ нурлар мутаген ва летал таъсир кўрсатади; барча фотобиологик (фотосинтез, фотохимояловчи ва фотохимик) жараёнлар кўзга кўринувчи нур (ёруғлик) билан боғлиқ. Спектрнинг ҳар хил қисмларига тўғри келадиган тўлқинлар узунлиги 9 жадвалда кўрсатилган. Қуёш энергиясининг 7 (Дубинский ва бошқ., 1965) ёки 9 фоизи (Ильичев ва бошқ., 1987)

УБ нурлар, ~ 48 фоизи кўзга кўринувчи нурлар ва ~ 45 фоизи инфрақизил нурлар қисмларига тўғри келади.

9-жадвал

Электромагнит нурланишнинг спектрал таркиби (Матвеев, 1965; Ланецкий, 1974; Ильичев ва б., 1987)

Нурлар		Тўлқинлар узунлиги интервали, ммк (нм)	Типик тўлқин узунлиги, ммк (нм)
Космик нурлар (гамма-нурлар ва б.)		10 ⁻⁵ – 10 ⁻³	
Рентген нурлари		10 ⁻³ – 10	
Куёш нурланиш энергиясининг (куёш радиациясининг) асосий қисми	Ультрабинафша нурлар	10-400	
	Кўзга кўринувчи нурлар	Бинафша	(390)400-455
		Кўк	455-485
		Мовий	485-505
		Яшил	505-550
		Сариқ-яшил	550-575
		Сариқ	575-585
		Тўқ-сариқ (апельсин)	585-620
	Инфрақизил нурлар	620-760	640
Радионурлар (Герц тўлқинлари)		760-100 000	
		10 ⁵ -10 ⁹	

Кўзга кўринувчи нурлар (ёруғлик). Ёруғликнинг мицелий ривожланишига таъсири ҳақида маълумотлар кам. Фақат *Trichoderma viride* ва баъзи *Penicillium* турлари ўсишига ёрқин ёруғлик салбий таъсир қилиши ёки ўсишни кучайтириши аниқланган. Бу йўналишда тадқиқотлар камлиги методик қўлланмалар мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Тажрибаларнинг кўпчилигига ёруғликнинг замбуруғлар спора ҳосил қилишига таъсири ўрганилган. Баъзи замбуруғларнинг (*Curvularia lunata*, *Bipolaris sorokiniana*) спора ҳосил қилиши ёруғликка кўра қоронғида яхшироқ ўтади, бошқалари эса (*Fusarium moniliforme*, *Cereospora* sp.) ёруғлик ўзгаришига бефарқ. Ёруғлик спора ҳосил қилишига ижобий таъсир қилувчи турлар ҳам мавжуд (*Penicillium* spp.) Ёруғликнинг бу жараёнга таъсири битта туркум турлари орасида ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин: *Botrytis cinerea* ҳам ёруғда, ҳам қоронғида конидия ҳосил қиласа, *Botrytis gladiolum* факат ёруғликда ҳосил қиласи.

Кейинги пайтда тадқиқотчилар диққати ҳар хил таксономик гурухларга (аскомицет, базидиомицет ва дейтеромицетларга) мансуб бўлган замбуруғларнинг микохром (фоторецептор) системаларини ўрганишга қаратилган. Учта турнинг (*Botrytis cinerea*, *Alternaria solani*, *Bipolaris oryzae*) конидиогенези жараёнида микохромлар қатнашиши исботланган. Бу бирикмаларнинг табиати ва ёруғликнинг регуляторлик механизми ўрганилмоқда.

Кўп замбуруғлarda, мисол учун аскомицет ва гименомицетларда фототропизм мавжудлиги кўрсатилган. Уларнинг ўзига ҳос механизмлари спора ҳосил қилувчи органларини ёруғлик манбаига нисбатан маълум вазиятга жойлаштиришга имкон беради. Хира ёруғликда (мисол учун шахталарда) гимениал қатлами бўлмаган

ғайриоддий узун мева таналари ҳосил қилиши асосида тахта-ёғочни емирувчи замбуруғларнинг гифалари ҳам ижобий фототропизмга эга бўлиши тахмин қилинади.

Ёруғлик пигмент ҳосил бўлишига таъсир қилиши мумкин.. Ёруғлик таъсирида *Fusarium moniliforme*, *Phoma* sp., *Penicillium sclerotiorum*, *Bipolaris victoriae* турларининг мицелий ва конидиялари тўқроқ тус олади. Шу сабабдан, сояга нисбатан ёрқин ёруғлик таъсирида қолган материалларда номақбул доғлар ҳосил бўлиш хавфи кўпроқ.

Ультрабинафша нурланиши. Куёш спектри нурларидан микроорганизмларга энг хавфлиси УБ нурлардир. Амалий нуқтаи назардан осон бўлиши учун УБ нурларни шартли равишда қўйидаги учта бўлимга ажратишади.

- С бўлими (тўлқин узунлиги <280 нм) нурлари жуда кучли микроорганизмларни ўлдирувчи (бактерицид, фунгицид ва х.) қобилиятга эга; уларнинг кўпчилиги ер устига етиб келмайди.

- Б бўлими (280-315 нм) нурлари инсон териси остида провитаминдан Д витамини ҳосил

бўлишини таъминлайди, танага умумий даволовчи, эритем ва бластоген таъсир кўрсатади.

Катта дозаларда микроорганизмларга мутаген ва летал таъсир кўрсатади.

- А бўлими (315-400 нм) нурлари Б бўлимнигига кўра камроқ биологик фаолликка эга.

Замбуруғлар нурланиши интенсивлиги қуёш горизонтдан баландлиги, хаводаги озон миқдори, булут мавжудлиги ва ҳаво ифлосланиши даражасига боғлиқ. УБ нурларнинг қўп қисмини Ер ионосфераси ушлаб қолади. Шунга қарамасдан улар катта биологик фаолликка эга. УБ нурларнинг замбуруғларга таъсири нурланиш дозалари ва спектрал диапазонига боғлиқ.

Уларнинг кичик дозалари стимуляция қилиш таъсирига эга. Баъзи тўқ тусли замбуруғларда (*Alternaria*, *Bipolaris*, *Exserohilum*, *Drechslera*, *Curvularia*, *Stemphylium* турлари) ҳар хил диапазондаги УБ нурлар таъсирида конидия ҳосил бўлиши ва улар ўсиши кучаяди. УБ нурлар таъсири ёрдамида бир қатор дейтеромицетларнинг жинсий босқичи ҳосил қилинган ва бу уларнинг систематикадаги ўрнини аниқлашга кўмак берган.

УБ нурларнинг катта дозалари мутаген ва летал таъсирга эга. Мисол учун, Ерга етиб келадиган УБ нурларнинг қўп қисмини ташкил этувчи, тўлқин узунлиги 290 нм бўлган нурлар таъсирида *A. terreus* ва *P. notatum* турлари культурапаридан мутантлар пайдо бўлади. УБ нурларнинг леталлик хусусиятидан биноларни ва баъзи материалларни стериллашда фойдаланишади.

УБ нурланишнинг биологик таъсири уларни ўзлаштирган тирик ҳужайраларда, асосан уларнинг нуклеин кислоталарида (ДНК ва РНК) фотокимёвий реакциялар туфайли кузатиладиган кимёвий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Улардан энг хавфлиси ДНК нинг пирамидин димерлари ҳосил бўлишидир. Бу жараён УБ нурланишнинг мутаген ва летал таъсирларининг асосий сабаби ҳисобланади.

Замбуруғлар турларининг қуёш радиациясига чидамлилиги жуда хилма-хил. Тўқ тусли гифомицет турларининг УБ нурларга чидамлилигининг ўзгариши кўлами (0,001% дан 40% гача) қарийб 5 тартибга тенглиги эътироф қилинган (Жданова и др., 1982) (10-жадвал). Замбуруғларнинг УБ нурланишга чидамлилиги уларда меланин типидаги тўқ тусли пигмент мавжудлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблашади.

10-жадвал

Баъзи замбууруғ турларининг УБ нурланишга ($408 \text{ Дж}/\text{м}^2$) чидамлилиги
(В.Д.Ильичев ва б., 1987)

Ўта чидамли турлар (хаётчанликни сақлаш 10% ва кўпроқ)	Чидамли турлар (хаётчанликни сақлаш 1-10%)	Сезгир турлар (хаётчанликни сақлаш 0,01-1%)	Ўта сезгир турлар (хаётчанликни сақлаш 0,01% ва кампроқ)
<i>Hormiscium stilbosporum</i> <i>Dendriphium macrosporioides</i> <i>Cladosporium</i> sp. <i>Curvularia lunata</i> <i>Bipolaris spicifera</i> <i>Exserohilum turcicum</i> <i>Stemphylium sarciniforme</i>	<i>Rhinocladium sporotrichoides</i> <i>R. nigrosporoides</i> <i>Arthrinium sphaerospermum</i> <i>Humicola grisea</i> <i>Trichocladium opacum</i> <i>Trichocladium canadensis</i> <i>Bispora</i> sp. <i>Curvularia geniculata</i> <i>Alternaria</i> sp. <i>Alternaria alternata</i> <i>Stemphylium ilicis</i> <i>S. botryosum</i> <i>Chrysosporium</i> sp. <i>Trichocladium</i> sp. <i>Stachybotrys alternans</i> <i>Humicola</i> sp.	<i>Cladosporium linicola</i> <i>C. hordei</i> <i>C. atroseptum</i> <i>C. macrocarpum</i> <i>C. brevi-compactum</i> var. <i>tabacinum</i> <i>C. griseo-olivaceum</i> <i>C. transchelii</i> <i>Oidiodendron cerealis</i> <i>O. flavum</i> <i>Scolecobasidium variabile</i> <i>S. constrictum</i> <i>Trichosporium nigricans</i> <i>Curvularia pallescens</i> <i>Alternaria dianthicola</i> <i>Humicola fusco-atra</i> <i>H. grisea</i> <i>Aureobasidium pullulans</i>	<i>Cladosporium elegantulum</i> <i>Phialophora</i> sp. <i>Chloridium apiculatum</i> <i>Diplorhinotrichum</i> sp.

Замбууруғлар қуёш радиациясининг катта дозаларига чидамлилиги кўп архитектура ёдгорликлари, монументал ҳайкаллар ва девор рассомчилик асарлари сақланишига хавф туғдиради. УБ нурланишга ўта чидамли замбууруғлар очик ҳавода (ҳатто қуёш радиациясининг катта дозалари мавжуд бўлган баланд тоғларда) жойлашган иншоот, бино ва қурилмаларни заарлайди.

Ионловчи нурланиши. Замбууруғларнинг ионловчи нурланишга чидамлилиги кенг кўламда ўзгаради. *Dematiaceae* оиласига мансуб тўқ тусли гифомицет турлари орасида бу ўзгаришлар 100 мартаға етади. Умуман тўқ тусли замбууруғлар ү-нурланишга чидамлилиги билан ажralиб туради; *Stemphylium* ва *Alternaria* турлари ~161 кл/кг (625 крад) дозага чидайди.

Замбууруғлар чидамлилиги билан улар яшайдиган муҳитдаги радиация даражалари орасида корреляция мавжудлигини кўрсатиш учун ҳозирги даврда маълумотлар етарли эмас. Аммо микроорганизмлар радиоактив нурланишга адаптация қилиши маълум. Мисол учун, ядро реакторида *Pseudomonas*, гўшт консервасида эса 500 грэй нурланишда ҳам фаоллигини сезиларли даражада йўқотмаган *Micrococcus radiodurans* бактериялари аниқланган. Бу мисоллар бактерияларга тегишли бўлса ҳам, амалда кенг қўлланиладиган усул – озиқ-овқат

молларини γ -нурлари билан стерилизация қилиш жараённида замбуруғларнинг ҳам радиорезистент штаммлари пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Микроорганизмлар радиацион шикастланиши ва уларнинг ионловчи нурланишдан ҳимоя механизмлари ўрганилмоқда. Ионловчи нурланиш ДНК ни шикастлаши ҳақида бавосита далиллар олинган. Радиорезистентлик асосида шикастланган ДНК ни хужайра ичидаги репарация қилувчи жараёнлар ётади, деб ҳисобланади. ДНК репарацияси системалари ҳақидаги замонавий тасаввурлар ҳар хил организмлар, жумладан *Aspergillus nidulans*, *Coprinus lagopus* ва *Saccharomyces cerevisiae* замбуруғларининг радиосезгир мутантлари билан ўтказилган тадқиқотларга асосланган.

Ионловчи нурланишга чидамли мутантлар ҳали яхши ўрганилмаган, аммо келажакдаги тажрибалар радиорезистентликнинг табиатини тушунишга кўмак бўлиши мумкин.

Атроф-мухитдаги радиациянинг юқори дозаларига микроорганизмлар реакциясини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Микроорганизмларга летал эффиқти бўлган дозалар материалларни микродеструкторлардан ҳимоя қилишда кўлланилади. Мисол учун орқасини моғор (60 тача замбуруғ турлари) бутунлай қоплаган фиръавн Рамзес II нинг мумиёси γ -нурлар воситасида стерилланган. Греноблдаги ядро тадқиқотлари Маркази ишлаб чиқсан бу метод ҳозир кўп хил бадиий бойликлар ва археологик ҳужжатларни биоемиришидан ҳимоялашда ишлатилмоқда.

Замбуруғларнинг ташки мухит факторларига реакцияси.

Микроорганизмлар саноат материалларида ўсиши атроф-мухит шароитлари билан чамбарчас боғлиқ. Аммо айрим факторларнинг ҳатто кенг тарқалган замбуруғларга таъсири етарлича ўрганилмаган. Табиатда мавжуд факторларнинг микроорганизмларга бир-бири билан боғлиқ ҳолдаги комплекс таъсири ундан ҳам кам тадқиқ қилинган. Атроф-мухитнинг бир фактори ўзгариши организм реакцияси бошқа факторларга нисбатан ўзгаришига олиб келади. Аммо мухитнинг бошқа факторлари оптимал бўлса, замбуруғнинг алоҳида нокулай факторга чидамлилиги ҳар доим юксак. Биодеструкторлар ривожланаётган субстратнинг юқори сифати замбуруғларнинг экстремал шароитга чидамлилигини оширади. Мисол учун, озуқаси чекланган субстратга нисбатан ўзлаштирилиши қулай ва бой озуқада замбуруғлар пастроқ а_ω шароитида ҳам ўсиши ва ривожланиши мумкин. Озуқа маҳсулотларида 0,85 дан пастроқ а_ω шароитида ксерофил замбуруғлар (*Chrysosporium*, *Eremascus*, *Wallemia*, *Xeromycetes*) турлари тез-тез учрайди. Бой органик модда мавжудлигига *Cladosporium herbarum* 8°C ҳароратда (совутгич қурилмаларида) ўсади ва ривожланади.

Замбуруғларнинг атроф-мухит факторларига реакцияси ҳақидаги билимлар амалда биодеструкторлар билан курашда кўлланилади. Масалан, микроорганизмларни ҳалок қилувчи юқори ҳарорат ва нурланишнинг маълум дозалари стерилизация учун қўлланилади. Тахта-ёғочни сунъий ёмғир ёғдириб сақлаш усули тахтани емирувчи ва унга ранг берувчи замбуруғлар кислород этишмовчилигига сезгирлигига асосланган.

Микроорганизмлар кўпайиш қобилиятини бутунлай йўқотиши кузатиладиган ҳарорат ва намлиқ шароитлари (ХНН 50-70%, ҳарорат 12-18°C) материалларни ташкилотларнинг омборхоналари, кутубхоналар, музей ва фондларда сақлаш учун кўрсатма (инструкция) лар тайёрлашда қўлланилади.

Замбуруғларнинг экосистемадаги ўрни

Замбуруғлар материалларни ҳар хил экологик шароитларда шикастлайди ва кўпинча бу жараёнлар табиатда тўхтовсиз умумий модда айланишининг таркибий қисмлариdir. Замбуруғлар учун тўкилган барг, новда, шох ва тўнкалар ҳар доим ўзлаштириладиган субстратлардир. Инсон яратган шароитларда улар биринчи навбатда ўсимликлардан тайёрланган материаллар – ёғоч-тахта, қофоз ва газламада ривожланади. Табиатдаги каби, бу материаллар заарланиши ўчоқларида маълум экосистемалар пайдо бўлади. Уларда модда айланиши ва организмларнинг бир-бири ва атроф-муҳит билан энергия алмашинуви ўрин олади. Шу билан бирга, заарлган материалларда пайдо бўладиган биологик системаларнинг структураси оддийроқ ва материалларда табиий биоценознинг фақат айрим намояндлари мавжуд бўлишини назарда тутиш лозим. Ундан ташқари, бундай экосистемалар учун, айрим организмлар ривожи учун яхшироқ шароит яратувчи, қисқарган озука занжирлари ва заифлашган ўз-ўзини регуляция қилиш характеристидир.

Бошқа заарлган материаллар (пластмасса, резина, металл, шиша) да ўтадиган жараёнларнинг табиий шароитларда кузатиладиган биоценотик муносабатлардан фарқи катта. Ҳозирги даврда бу, замбуруғлар учун нисбатан янги, материалларда микроорганизмларнинг барқарор комплекслари мавжудлиги ҳақида сўз юритишга эрта, чунки ҳар бир биоценознинг ўз тарихи, ареали, тузилиши, ўзига хослиги ва мустақиллигининг белгилари бўлиши шарт (Рамад, 1981). Бироқ биодеструктор замбуруғлар экологиясининг баъзи умумий қонуниятлари устида тўхталиш лозим.

Организмларнинг ҳар бир экосистемадаги ўрни биринчи навбатда улар орасидаги трофик муносабатлар билан белгиланади. Биозаарланиш қўзғатувчи замбуруғлар гетеротроф сапротрофлар гурухига киради. Улар субстрат билан яқиндан боғланган, озука моддаларини шимиш учун катта сатҳга эга, метаболитлари воситасида атроф-муҳитга фаол таъсир қиласи. Барчаси гетеротроф бўлса ҳам, озуқага талаби бўйича микодеструкторлар жуда хилма-хил. Субстратга муносабатига асосланиб улар 2 гурухга – специфик ва носпецифик сапротрофларга бўлинади.

Носпецифик сапротрофлар қаторига ҳар хил субстратларда яшовчи полифаг замбуруғлар киради. Улардан саноат материалларида *Aspergillus*, *Penicillium*, *Trichoderma*, *Alternaria* ва *Fusarium* туркумларининг намояндлари кўп ривожланади (11-жадвал). Бу турлар фаол биокимёвий фаолиятга имкон яратувчи ва натижада материалларни емирувчи ҳар хил ферментларини катта миқдорларда ҳосил қиласи. Шу билан бирга ҳарорат, намлиқ, бошқа озука манбаалари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги каби бир қатор шароитлар билан боғлиқ ҳолда, ҳатто бир турга мансуб замбуруғ учун ҳам озука сифатида маълум бир бирикма ҳар хил баҳога эга бўлиши мумкин. Мисол учун, баъзи жанубда тарқалган *Monoverticillata* секциясига мансуб *Penicillium* турларида, шимолда доминант бўлган *Asymmetrica* секциясига киравчи *Penicillium* турларига нисбатан кислота ҳосил қилиш ва целлюлоза парчалаш қобилияти кам. Жануб турларига нисбатан шимолий минтақалардан олинган изолятларнинг каталаза фаоллиги юқориropic.

11-жадвал

Ҳар хил материаллардан ажратилған замбууруғ турлари таркиби
(В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Замбууруғ турлари	Материаллар гурӯҳлари							
	Қоғоз, китоб, картон, газлама	Мой, ёнил- ғи	Рассом- чилик асарлари, фреска, бўёқ	Лак, пласт- масса	Электр кабел- лари, қоплан- ган металл	Линза, оптика	Руда, тош, бетон	Минерал асосли курама материал лар
<i>Alternaria geophila</i>			+				+	
<i>A. alternata</i>	+	+	+	+	+		+	+
<i>Aspergillus amstelodami</i>		+	+	+	+			
<i>A. candidus</i>	+	+	+					
<i>A. flavus</i>	+	+		+	+	+		
<i>A. fumigatus</i>	+	+		+	+	+		
<i>A. glaucus</i>				+		+	+	
<i>A. melleus</i>		+						
<i>A. nidulans</i>	+	+		+				
<i>A. niger</i>	+	+	+	+	+	+	+	+
<i>A. oryzae</i>	+	+		+				
<i>A. sclerotiorum</i>	+			+				+
<i>A. repens</i>	+		+	+	+			+
<i>A. ruber</i>	+			+				
<i>A. rugulosis</i>		+		+				
<i>A. terreus</i>	+			+	+			
<i>A. versicolor</i>	+	+	+	+	+	+		
<i>Botrytis cinerea</i>			+					
<i>Cephalosporium acremonium</i>	+		+				+	
<i>C. coremioides</i>			+		+			
<i>Chaetomium globosum</i>	+	+	+	+	+	+		
<i>Cladosporium cladosporioides</i>			+				+	
<i>C. herbarum</i>	+		+	+	+		+	
<i>C. resinae</i>		+						
<i>C. sphaerospermum</i>			+					
<i>Eidamella deflexa</i>	+							
<i>Fusarium oxysporum</i>		+						
<i>F. sporotrichiella</i>		+					+	
<i>Fusarium</i> sp.	+			+	+			
<i>Geotrichum candidum</i>	+		+					
<i>Monilia sitophila</i>	+	+	+					
<i>Paecilomyces variotii</i>	+	+	+	+	+			
<i>Penicillium decumbens</i>	+		+	+				
<i>P. brevi-compactum</i>		+	+	+	+		+	
<i>P. chrysogenum</i>	+		+	+	+	+		+
<i>P. citrinum</i>	+		+			+		
<i>P. commune</i>	+		+			+		

<i>P. crustosum</i>	+	+		+				
<i>P. cyaneo-fulvum</i>	+	+	+					+
<i>P. frequentans</i>	+	+			+	+		
<i>P. funiculosum</i>	+		+	+	+			
<i>P. glaucum</i>	+			+		+		
<i>P. implicatum</i>					+		+	+
<i>P. janthinellum</i>			+	+				
<i>P. notatum</i>	+		+		+		+	
<i>P. palitans</i>	+			+	+			
<i>P. purpurescens</i>	+			+				
<i>P. purpurogenum</i>	+		+	+			+	
<i>P. regulosum</i>	+			+	+		+	
<i>P. roquefortii</i>	+			+	+			
<i>P. variabile</i>	+			+	+			
<i>P. verrucosum</i> var. <i>cyclopium</i>	+	+	+	+	+			
<i>P. viridicatum</i>	+	+		+				
<i>Phoma glomerata</i>			+	+				
<i>P. pigmentivora</i>				+			+	
<i>Aureobasidium pullu-</i> <i>lans</i>			+	+			+	
<i>Spicaria</i> sp.	+		+					
<i>Sporotrichum bombi-</i> <i>cinum</i>	+		+	+	+	+		
<i>Stachybotrys atra</i>	+		+	+				
<i>Stemphylium macro-</i> <i>sporoideum</i>	+	+						
<i>Trichoderma koningi</i>	+					+	+	+
<i>T. lignorum</i>	+		+	+	+		+	
<i>T. viride</i>					+	+		
<i>Verticillium lateritium</i>	+		+					
<i>Mucor plumbeus</i>	+							
<i>M. racemosus</i>	+		+			+		
<i>Rhizopus nigricans</i>	+		+			+		

Специфик сапротрофлар. Заарланган материалларда учрайдиган специфик сапротрофлар у ёки бу даражада махсуслашган организмлардир. Улар алоҳида субстратларга мослашув эволюциясида шаклланганлар. Бундай турлар мисоллари сифатида факат ёғоч ва тахтада ривожланадиган уй замбуруғи *Serpula lacrymans* ва нефт махсулотларида, айниқса бензин ва керосинда ўсувчи *Cladosporium resinae* турларини келтириш мумкин.

Озукага талаблари бўйича целлюлозани емирувчи замбуруғлар камроқ даражада ихтисослашган ва уларнинг целлюлозани парчалаш қобилияти жуда заиф ёки кучли бўлиши мумкин.

Микроорганизмларнинг субстратга муносабати ҳамда улар кимёвий таркиби хар хил бўлган саноат материалларига тушиши ва сўнгра уларни емириш жараёнининг тафсилотлари асосида микодеструкторларни экологик гурухларга ажратилган (Горленко, 1984).

Турлар сукцессияси, ёки вақт ўтиши билан микодеструкторларнинг мавжуд турлари ўрнини бошқа турлар эгаллаши факат баъзи материалларда ўрганилган.

Масалан, озуқа моддаларга эхтиёжлари билан боғлиқ ҳолда, экологик гурухлар алмашинуви тахта-ёғоч материаларида яққол кўринади. Тахта-ёғочларда ўсадиган микроорганизмларнинг бирин-кетинлиги уларнинг физиологик ва биокимёвий хусусиятларига боғлиқ. Таркибида тахта-ёғоч бўлган субстратларда олдин ўзлаштирилиши осон карбонсувлар (қанд моддалари, крахмал, гемицеллюз) билан озиқланувчи замбуруғлар пайдо бўлади. Бу гурухга, қулай субстрат мавжудлигига споралари, тиним давридаги хужайралари ва мицелийси тез ўса оладиган, баъзилари антибиотиклар ҳосил қилувчи замбуруғлар киради. Бу хусусиятлари уларга субстратни эгаллашда устунлик беради. Таркибида тахта-ёғоч бўлган субстратларда биринчи бўлиб *Mucor* spp. ва *Penicillium* ҳамда *Aspergillus* туркумига мансуб айrim турлар ривожланади. Озуқанинг ўзлаштирилиши осон манбаалари камайиши жараённида биринчи позицияга целлюлоза парчаловчи аскомицет ва дейтеромицетлар чиқа бошлайди. Сўнгра, барча ўзлаштирилиши осон карбонсувлар ишлатилгач, субстратни биринчи бўлиб лигнин парчаловчи замбуруғлар, асосан секин ўсуви базидиомицетлар эгаллайди ва улар тахта-ёғоч емирилишини тугаллайди.

Сукцессиянинг айrim босқичларига намлик кучли таъсир қиласи. Мисол учун, Ю.П.Нюкшанинг (Ильичев ва бошк., 1987) маълумотларига кўра, субстрат намлигини аста-секин оширганда турларнинг конидиялари ўсиши бирин-кетинлиги қўйидаги тартибда ўтади: *Aspergillus echinatus*, *A. ruber*, *A. amstelodami*, *A. restrictus*, *A. repens*, *Penicillium brevi-compactum*, *P. frequentans*, *P. tyrbatum*, *A. niger*, *A. nidulans* ва *A. versicolor*.

Ҳар хил экосистемаларда бир-бирига ўхшаш субстратлар мавжуд бўлса, турларнинг комплекслари ҳарорат таъсирида ўзгариши мумкин. Тадқиқотларда *Penicillium* туркумига мансуб секциялар ва турларнинг ер куррасининг ҳар хил кенгликларида тарқалиши аниқланган: шимолда *Assymetrica*, жанубда *Monoverticillata* секцияси турлари доминант эканлиги кўрсатилган. Шимолдан жанубга қараб замбуруғлар турлари таркиби аста-секин ўзгариб бориши, юқорида “Ҳарорат” бўлимида *Penicillium* ва *Aspergillus* турлари мисолида изҳор қилинган.

Микроорганизмлар тарқалишининг ўзига ҳос эколого-географик хусусиятлари ва турли тупроқ-экологик зоналарида мавжуд бўлган замбуруғларнинг биологик жараёнлари фаоллигидаги фарқлари ҳар хил мамлакатларнинг лабораторияларида тадқиқот учун танлаб олинадиган микроорганизмлар турлари таркибини аниқлашда акс этади. Мисол учун, мамлакатларда қўйидагилар энг агресив туркум ва турлар ҳисобланади: Германияда *Alternaria alternata*, *Chaetomium globosum*, *Cladosporium herbarum*; Фарбий Африка ва Фарбий Хиндистонда *C. herbarum*, *Phoma*, *Alternaria*, *Trichoderma*, *Penicillium*; Японияда *C. herbarum*, *Aureobasidium pullulans*, *Trichoderma*. Англияда ташқи қопламаларни емиришнинг 85% дан кўпини *Aureobasidium pullulans*, *Diplodia*, *Alternaria*, *Trichoderma* турлари қўзғатади.

Айни бир организмнинг бир-биридан бутунлай фарқ қилувчи ҳар хил экологик шароитларда биозарапланиш қўзғатиш қобилияти мавжудлиги сапротроф замбуруғларнинг гетерогенлиги билан изоҳланади. *Penicillium nigricans* замбуруғининг ҳар хил экологик вариантлари мавжудлиги Т.П. Сизова ва Е.Н. Бабьеванинг тадқиқотларида исботланган (Ильичев ва бошк., 1987); бу замбуруғ штаммлари ҳарорат оптимуми ва келиб чиқишига қараб ўзгарувчан, оптимум бразил штамми учун 37°C, шимолий минтақалардан олинган штамм учун 18°C, жанубдан олинган штаммлар учун эса 25°C ни ташкил этган.

Юқорида изҳор этилган факторлардан ташқари замбуруғ ценозларига, маълум сабаблар туфайли ўзгариб турадиган экологик шароит билан боғлиқ бўлган,

замбуруғнинг атроф-мухитдаги конидиялари миқдори таъсир қиласи. Мисол учун, *Cladosporium resinae* турининг конидиялари миқдори күпайиши, қарагай дараҳтларини кесиб олиш билан боғлиқлиги аниқланган (бу замбуруғ қарагай дараҳтларидан сапротроф сифатида тез-тез учрайди). Ҳавода конидиялар миқдори күпайишига ерда ўтказиладиган ишлар таъсир қиласи, бунда тупроқда яшайдиган күп замбуруғлар тупроқдан атроф-мухитга ўтади.

Материалларда биозарланиш кўзғатувчи замбуруғлар экологиясини ўрганиш соҳасида ўтказилган тадқиқотларнинг кўпчилиги у ёки бу материалда учрайдиган турлар тўпламини аниқлашдан иборат бўлган. Ҳозир биодеструктор замбуруғлар турларининг таркиби анча тўла аниқланган. Бу маълумотлар асосида, биодеструктор замбуруғларнинг табиатда доим учрайдиганлари ва фақат айrim экологик шароит учун мослашганлари мавжуд, деган хулоса қилиш мумкин.

Тўда ва ценозлар ҳосил қилувчи замбуруғлар популяциялари билан материаллар заарланиши ва кейинчалик емирилиш жараёни охирги давларда анча кенг тарқалмоқда. Бунинг сабаби замбуруғларнинг ўзига ҳос бир қатор биологик хусусиятлари мавжудлигидир.

Биозарланишни кўзғатувчи замбуруғларнинг биологик хусусиятлари

Замбуруғларнинг баъзи морфологик, физиологик ва генетик хусусиятлари улар биозарланишни кўзғатувчи организмлар орасида доминант вазиятни эгаллаши учун имкон яратади.

Материаллар заарланиши учун атроф-мухитда микроорганизмлар бўлиши лозим. Замбуруғлар ер куррасининг барча қисмларида, тупроқ, сув ва ҳавода жуда кенг тарқалган. Материалларни заарловчи замбуруғларнинг кўпчилиги юқори даражадаги кўпайиш энергиясига эга. Мисол учун, қуруқ спорали (*Aspergillus*, *Penicillium*, *Trichoderma* ва *Scopulariopsis* туркумларига мансуб) турлар юз минг ва миллионлаб конидия ҳосил қиласи. Конидиялар шунчалик кичик ва вазни шу қадар енгилки, улар сал харакатдаги ҳаво билан катта баландликларга чиқади ва узоқ масофаларга тарқалади. Микроскопик бўлгани учун улар, жуда кичик, кўзга кўринмас тешикча ва кавакчаларга киради; бундай микроскопик тешик ва кавакчалар гранит ва темирга ўхшаш қаттиқ ва зич материалларда жуда кўп. Баъзан замбуруғлар полимер ва унинг таркибига киравчи компонентлари орасидаги чокларида қайд этилади. Баъзи замбуруғлар, айниқса ғовак материаллар ичига, томчилаб оқаётган сув билан киради. Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, замбуруғларни ҳар жойда, ҳатто бошқа организмлар кира олмайдиган ерларда ҳам учратиш мумкин.

Материалларга жойлашишида замбуруғларнинг силлиқ сатҳга адсорбция қила олиш қобилияти катта роль ўйнайди. Қаттиқ ва эримайдиган субстратлар биоемирилишининг биринчи босқичи адгезия жараёнидир. Замбуруғлар танаси мицелийдан иборат бўлиши улар билан атроф-мухит орасидаги муносабатларнинг шаклини аниқловчи муҳим биологик хусусиятдир. Мицелий субстратда тез тарқалиши ва катта майдонни эгаллаши мумкин. Масалан, уй замбуруғлари ҳосил қиласидаган арқончаларининг узунлиги бир неча метрга этиши мумкин. Баъзан арқончалар озуқа сифатида қўлланилмайдиган субстратдан ҳам ўтади ва ўсиш даврида уни емиради. Бундай ҳодиса, мисол учун, Варшава метросида кузатилган –

Serpula lacrymans замбуруғи арқончаларидан ҳосил қылган органик кислоталари билан бетон таянчларни емирган.

Биозаарлашда микроорганизмлар орасидаги замбуруғларнинг доминант роли уларнинг жуда бой ферментатив аппарати таъминлайдиган метаболик хусусиятлари билан боғлиқ. Замбуруғлар инвертаза, амилаза, протеаза, липаза, фосфатаза, танизаза, α -аминокислоталар оксидазаси, пектин ферментлари, полифенилоксидаза, каталаза, целлюлазалар комплекси ва бошқа ферментларни ҳосил қиласди. Бошқа микроорганизмларга нисбатан замбуруғларнинг ферментатив аппарати жуда бой. Унинг воситасида замбуруғлар бошқа микроорганизмлар ишлата олмайдиган субстратларда ҳам ҳар хил кимёвий ўзгартиришлар юзага келтиради ва бундай субстратларни ўзлаштиради. Шу сабадан улар ҳар қандай саноат ускунасини ўз вақтидан олдин ишдан чиқара олади. Полифаг замбуруғларнинг хилма-хил субстратларда ўса олиш қобилияти ҳозирги даврда замбуруғлар билан заарланиш миқёси ўта хавфли даражаларга етганидан далолат бермоқда.

Ферментларнинг кенг тўпламидан ташқари, кўп замбуруғ турлари токсин бирикмалари ҳосил қилиш қобилиятига эга. Бу эса уларнинг рақобат қилиш қобилиятини янада оширади.

Материаллар учун замбуруғлар метаболизмida ҳосил бўладиган бошқа бирикмалар, айниқса органик кислоталар ҳам хавф туғдради. Мисол учун, реактив ёнилғида ўсиш жараёнида *Cladosporium resinae* синтез қиласиган органик (лимон, цис-аконит, изолимон, α -кетоглутар, шовул, сирка ва додекан) кислоталар самолётларнинг алюминий бакларидан коррозия қўзғатади.

Материаллар микологик шикастланишида замбуруғлар биологик экстремал шароитларда ўса олиш қобилиятининг аҳамияти оз эмас. Замбуруғ споралари қуришга чидамли, улар қуруқ шароитда 20 йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида сақлангани маълум. Кўп тур замбуруғларнинг споралари паст ҳарорат мавжуд бўлган шароитлардан биокимёвий фаоллигини йўқотмасдан ўтади. Француз физиги Беккерель ўтказган тажрибаларда суюқ азот ҳароратида (-190°C) 6 ой мобайнида сақланган замбуруғлар споралари ҳаётчанлигини йўқотмасдан ўса олгани бунинг яққол мисоли бўла олади.

Aspergillus fumigatus замбуруғи ўзининг ҳарорат, намлик ва pH ўзгарувчанлигига юқори даражадаги чидамлилиги билан ажралиб туради. Мисол учун, реактив самолёт униши пайтида ўтказилган кузатувларда унинг конидиялари сув фазасида -32°C дан $+60^{\circ}\text{C}$ гача, ёнилғида эса -32°C дан $+80^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ўзгарувчанлиқда ҳам ҳаётчанлигини йўқотмаган.

Материалларни заарловчи баъзи замбуруғларнинг ўзига хос хусусияти – атмосфера намлигидан фойдаланиб қаттиқ ва қуруқ материалларда ўсиш қобилиятидир. Оптик ускуналарни заарловчи *Aspergillus penicilloides* ва *A. glaucus* var. *tonophilus* турлари бундай ксерофил турлар мисоли бўла олади. Одатда мавжуд бўлган шароитларда бу турлар тез ўсуви замбуруғлар билан рақобат қила олмайди, аммо сув фаоллиги пастлигига бу ксерофил замбуруғлар доминантлик мавқесига эга бўлади.

Материалларда ўсадиган замбуруғлар дуч келадиган экстремал шароитлардан яна бири – озуқа моддалар микдори камлигидир. Кўп замбуруғлар озуқа моддалар ўта оз бўлган шароитда ўса олади. Бу хусусият олиготроф турларга девор рассомчилик асаллари каби субстратларни эгаллашда маълум даражада устунлик беради. Олиготрофлар бошқа турларга нисбатан анча секин ўсади, аммо бундай қийин шароитда ўсишга ўргангач, катта зарар етказади.

Замбуруғларнинг яна бир хусусияти – уларнинг турлари гетерогенлиги, яъни бир тур ичида морфологик, физиологик, экологик ва бошқа жиҳатлардан фарқ қилувчи штаммлар мавжудлигидир. Тур ичидаги дифференциация *A. niger* турида ҳам қайд этилган. Музлаган тупроқдаги заарланган материаллардан замбуруғнинг криофил штамми ажратилган. Бу штамм 5-15°C ҳароратда ривожлана олади, айни пайтда *A. niger* ўсиши учун одатда анча юқоририқ ҳарорат лозим. Гетерогенлик бошқа турларга ҳам хос. Юқорида *Penicillium nigricans* замбуруғининг ҳар хил географик изолят (экологик вариант) лари мавжудлиги ҳақида маълумот берилган эди. *Cladosporium resinae* замбуруғи ичида нефтнинг ҳар хил таркибий қисмларини ўзлаштирувчи биокимёвий штаммлари мавжудлиги аниқланган.

Тур ичидаги популяциялар (штамм, ирклар) нинг системаси жуда ҳаракатчан. Популяциядаги у ёки бу штаммнинг микдори атроф-мухит ўзгаришига қараб ўзгаради. Бундай ҳолат, мисол учун, замбуруғларга субстрат сифатида хизмат қилувчи материал бошқа ҳарорат ва/ёки намлик шароитига тушганда қузатилади. Бунда бальзи штаммлар ҳалок бўлади, бошқалари эса кўпроқ ривожланади. Умуман янги штаммлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Экстремал экологик шароитлар ёки материалларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган биоцидлар бундай янги ҳосилалар пайдо бўлишининг индукторлари бўла олади. УБ ва гамма-нурларининг мутагенлик хусусияти борлиги маълум; биоцидлар таъсирида *Penicillium verrucosum* var. *cyclopium*, *A. niger* ва бошқа турларнинг морфологик-культурал ва физиологик хусусиятлари ўзгариши хабар қилинган.

Экологик нұқтаи назардан замбуруғлар организмларнинг жуда ўзгарувчан ва ҳаракатчан гуруҳидир. Замбуруғлар ўзгарувчанлиги механизмларидан бири – гетерокариоз. Атроф-мухит шароитлари ўзгаришига жавобан гетерокариотик мицелийда у ёки бу типга мансуб ядролар сони ўзгариши ва натижада атроф-мухитнинг ўзарган шароитига замбуруғ мослашиши мумкин. Тўхтовсиз янги материаллар яратилиши ва янги биотоплар пайдо бўлиши жараёнда замбуруғларнинг бу хусусияти муҳим аҳамият касб этади.

Атроф-мухит шароитларининг кенг диапазондаги ўзгарувчанлигига мослашишида биодеструктор замбуруғлар хусусиятларининг хилма-хиллиги фақат уларнинг морфологик, физиологик ва генетик хусусиятлари билангина чекланмайди. Аммо улар нима сабабдан табиий ва сунъий яратилган материаллар биопарчаланишида замбуруғлар доминант роль ўйнаши ҳақида тасаввур беради.

* * *

Микроорганизмлар таъсирида рўй берадиган биоемирилишлар фақат қандайдир бир гуруҳ намояндалари эмас, балки ҳам бактериялар, ҳам замбуруғларни ўз ичига олувчи комплекс таъсирида амалга ошади. Микроорганизмларнинг бир гурухи ўз ҳаёти натижасида иккинчи бир гуруҳ учун субстрат ҳозирлайди. Бу жараёнда алоҳида микроорганизмлар орасида янги муносабатлар пайдо бўлади ва аста-секин микроорганизмларнинг ҳар бир алоҳида турининг ҳаётчанлигини сақлаши ва мослашишини таъминловчи, бир-бирига боғлиқ жамоалари шаклланади. Бу жуда кўп факторлар иштирок этадиган мураккаб жараёндир. Бу факторлардан энг муҳими субстратдир, чунки микроорганизмлар жамоаси (жамияти) ва биоценоз каби ўзаро боғланган функционал бирликлар субстратда шаклланади. Шаклланиш жараёнда экологик факторлар муҳим роль ўйнайди. А.Ю. Лугаускаснинг тадқиқотлари натижаларига биноан, ҳар хил экологик шароитда айни бир

материалда микроорганизмларнинг ҳар хил гурухлари шаклланади. Мисол учун, тажрибада очик майдончаларда, табиий ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги, ёғингарчилик ва тўғри тушадиган қуёш нурлари шароитида ўтказилган синовнинг дастлабки 8 ойи мобайнида тажрибадаги материалларда асосан мицелиал замбуруғлар ва бактериялар ҳукмрон бўлиб, 15 ойдан кейин уларнинг ўрнини ачитқи замбуруғлари эгаллаган. Ҳаво нисбий намлиги ва ҳарорат бошқарилмайдиган, аммо атроф-муҳит параметрлари кўрсаткичларида кескин ўзгаришлар кузатилмайдиган омборхоналар шароитида 8 ой давомида материалларда асосан мицелиал замбуруғлар доминантлиги кузатилган; тажриба охирида материалларнинг кўпчилигига уларнинг ўрнини бактериялар эгаллаган ва баъзи ачитқи замбуруғлари пайдо бўлган. Шийпон остида, ҳаво нисбий намлиги ва ҳарорат бошқарилмайдиган, тўғри қуёш нурлари тушмайдиган ва табиий вентиляция шароитида 8 ойдан сўнг, материалларда мицелиал ва ачитқи замбуруғларига нисбатан бактериялар миқдори анча кўпроқ бўлган; 15 ойдан кейин мицелиал ва ачитқи замбуруғларининг миқдори бошқа микроорганизмларнидан анча кўп бўлгган.

Юқорида изҳор қилинган фактлар асосида, микробиологик шикастланиш билан кураш чораларини ишлаб чиқиш жараённида заарланувчи материалларда замбуруғ ва бактерияларни ўз ичига олувчи ва ҳар хил экологик шароитларда ўзгарувчи ассоциациялар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳар доим дикқат марказида тутиш лозим.

3-БОБ

ХАШАРОТЛАР – БУЮМ ВА МАТЕРИАЛЛАР ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ. ХАШАРОТЛАРНИНГ МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Ҳашаротлар синфи турларга бой бўлсада, уларнинг оз қисми материаллар заараркунандалари ҳисобланади. МДҲ минтақаларида бундай ҳашарот - заараркунандаларнинг 8 туркумига оид атиги 200 турдан ортиқроғи қайд қилинган (Горностаев Г.Н ва бошқ., 1970) (12-жадвал).

12-жадвал

МДҲ худудларида учрайдиган материаллар заараркунанда ҳашаротларнинг турлар сони (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Туркум	Заараркунандалар			
	Биринчи даражали	Ўртача	Тасодифли	Жами
<i>Thysanura</i>	-	1	-	1
<i>Blattoptera</i>	-	-	4	4
<i>Isoptera</i>	2	2	1	5
<i>Orthoptera</i>	-	-	6	6
<i>Psocoptera</i>	-	3	1	4
<i>Coleoptera</i>	30	22	68	120
<i>Lepidoptera</i>	4	20	32	56
<i>Hymenoptera</i>	-	2	6	8
Жами	36	50	118	204

Материалларнинг хавфли заараркунандалари сифатида қўнғизларнинг 19 оиласи (13-жадвал) ўрнатилган бўлиб, бунинг устига уларнинг тўртдан бир қисми барча заараркунандаларнинг биринчи даражалиси сифатида қайд этилиб, улар *Dermestidae*, *Ptinidae*, *Anobiidae*, *Tenebrionidae*, *Cerambycidae*, *Curculionidae* оиласлари вакиллари ҳисобланади.

13-жадвал

МДҲ минтақаларида материалларда учрайдиган заараркунанда қўнғизларнинг турлар сони (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Туркум	Заараркунандалар			
	Биринчи даражали	Ўртача	Тасодифий	Жами
<i>Dermestidae</i>	16	7	5	28
<i>Lymexylonidae</i>	-	1	2	3
<i>Cleridae</i>	-	-	2	2
<i>Ostomatidae</i>	-	-	2	2
<i>Ptinidae</i>	2	1	10	13
<i>Anobiidae</i>	7	4	8	19
<i>Bostrychidae</i>	-	1	3	4
<i>Lyctidae</i>	-	1	3	4
<i>Buprestidae</i>	-	-	1	1
<i>Nitidulidae</i>	-	-	2	2

<i>Cucujidae</i>	-	-	2	2
<i>Endomychidae</i>	-	-	1	1
<i>Cisidae</i>	-	-	1	1
<i>Oedemeridae</i>	-	2	-	2
<i>Melandryidae</i>	-	-	1	1
<i>Tenebrionidae</i>	1	1	5	7
<i>Cerambycidae</i>	2	2	11	15
<i>Curculionidae</i>	2	2	6	10
<i>Scolytidae</i>	-	-	3	3
Жами	30	22	68	120

Тангачақанотлилар 14 оиласи орасида фақат *Tineidae* ва *Pyralidae* оилаларида кўп заарли турлар мавжуд, аммо озиқавий заарлаш фақат ҳақиқий куяларга хос хусусиятдир (14-жадвал).

14-жадвал

МДХ минтақаларида материалларда учрайдиган зааркунанда тангачақанотлиларнинг турлар сони (В.Д.Ильичев ва б., 1987)

Оила	Зааркунандалар			
	Биринчи даражали	Ўртacha	Тасодифий	Жами
<i>Hepialidae</i>	-	-	1	1
<i>Tineidae</i>	3	18	9	30
<i>Oenophoridae</i>	-	1	-	1
<i>Cossidae</i>	-	-	1	1
<i>Tortricidae</i>	-	-	1	1
<i>Phaloniidae</i>	-	-	1	1
<i>Momphidae</i>	-	-	1	1
<i>Gelechiidae</i>	1	1	-	2
<i>Blastobasidae</i>	-	-	1	1
<i>Pyralidae</i>	-	-	11	11
<i>Pieridae</i>	-	-	1	1
<i>Notodontidae</i>	-	-	3	3
<i>Noctuidae</i>	-	-	1	1
<i>Arctiidae</i>	-	-	1	1
Жами	4	20	32	56

Биринчи даражали зааркунандалар ўйиққанотли куялар оиласида ҳам мавжуд. Тангачақанотлилар бошқа оилалари орасида онда- сонда тасодифий турлар учраб туради.

Озиқавий заарлаш ўсимлик ва ҳайвонлар маҳсулотлари билангина чегараланиб, айниқса ўсимлик материалларининг зааркунандалари кўпроқ турли- туман бўлиб, ҳайвонот материалларини фақат *Coleoptera* ва *Lepidoptera* туркумларининг кератофаглари кучли заарлайди.

Синтетик материаллар ва буюмлар килдумлилар, термитлар, қўнғизлар личинкалари ва капалаклар қуртларига тасодифан тўқнаш келгандагина зарарланиши мумкин.

Кўпчилик холларда материалларнинг озиқавий заарланиши, материалларнинг ичидаги ёки сиртида ҳаёт кечирувчи личинкалар томонидан амалга оширилади. Бунинг ҳисобига зааркунанда ва материал орасида топик, трофик ва

фабрик алоқалар вужудга келиши мүмкін. Топик алоқада ҳашаротлар буюмларнинг бўшлиқ ва ёриқларига ўтиши учун қулайлик хусусияти билан ажралиб туриб, бундай ҳолларда буюмнинг ички қисми ифлосланиши мүмкін, айниқса бундай алоқанинг узоқ давомийлиги ҳашаротнинг биологияси ва материал ёки буюмларнинг микроиқлимига боғлиқ ҳолда аниқланади. Мабодо ҳашарот материалнинг ички бўшлиғи -унинг бирор қисмини, масалан, куя қуртлари ғилоф тўқиши учун фойдаланса, бунда топик алоқа билан бир вактда фабрик алоқа ҳам вужудга келади, натижада материал қандайдир даражада заарланиши мүмкін. Бундай ҳолларда, қачонки ҳашарот ўзи яшаб турган субстратни озиқа сифатида фойдаланса, топик алоқа, трофик алоқа билан тўлдирилади, бу ўз навбатида ҳаммадан қўра материаллари билан тўғридан тўғри трофик алоқа, асосан ксилофаг ва кератофагларда вужудга келади.

Материалларга ўрнашиб ва улар билан топик алоқага киришган организмларга гилобионтлар, трофик алоқага киришганларига эса гилофаглар дейилади. Аммо, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кўпчилик материаллар зааркунандалари табиий шароитда материаллар билан эмас балки ўсимликлар ва ҳайвонлар табиий маҳсулотлари билан озиқланиб, факат айрим ҳашарот турларигина амалда облигат гилофаглар ҳисобланади.

Ҳашаротларда озиқа режимининг алмашуви улар хулқ атворининг, озуқа қабул қилиш усули ва оғиз аппаратининг модификацияланиши ҳамда озиқа ҳазм қилиш жараёнларининг ўзгариши билан юзага келади. Шубҳасиз бундай ўзгаришлар узоқ эволюцион жараёнлар билан боғлиқ. Гилобионтларда чуқур физиологик ўзгаришлар одатда кузатилмайди. Биринчидан, барча материаллар зааркунандаларининг оғиз аппарати кемирувчи типда бўлиб, филогенетик нуктаи назардан, айниқса қадимги ҳашаротларга хосдир. Оғиз аппаратлари ихтисослашган (саншиб сўрвчи, сўрвчи, яловчи) ҳашаротлар материалларни заарлашга қодир эмаслар ва уларнинг зааркунандалари ҳам ҳисобланмайдилар. Иккинчидан, биринчи даражали зааркунандалар қаторига, асосан ксилофаглар ва кератофаглар киритилиб улар табиатда кимёвий таркиби юзасидан материалларга мос келадиган субстрат билан озиқланадилар, улар материаллар билан озиқланганда овқат ҳазм қилиш жараёнларида сезиларли даражада ўзгариш рўй бермайди. Ксилофаглар қандай, маҳсус ферментларга эга бўлиб, ичидаги озиқа ҳазм қилиши ўзга хос шароитда (кўпинча, салбий оксидлаб-тикланиш имконияти ва модда алмашинувида симбиотик микроорганизмларинг қатнашуви) амалга оширса кератофагларда ҳам шундай жараён юз беради. Бундай физиологик комплекс мосланиш бу ҳашаротларда ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларини утилизация қилиш имконини яратиб, ҳашаротлар синфининг бошқа кенг вакиллари бунга эриша олмайдилар.

Ҳашаротлар хулқ-атворий ҳаракатларининг абиотик мухитларга барқарорлиги шароитга қараб улар материалларга дуч келганда озми кўпми сезиларли маълум даражада ўзгартирилади. Ҳеч бўлмаганда бундай учрашувларни иккига ажратиш мүмкін:

- 1) Табиий биоценоз буюмларга потенциал зааркунандаларнинг бевосита яшаш мухити сифатида ўрнашиши.
- 2) Шаҳарлар иситиладиган биноларида, табиий шароитдан ажратилган потенциал зааркунандалар популяцияси.

Биринчи ҳолда ҳашаротларнинг материалларга ўтиши уларнинг ҳеч қандай физиологик ва хулқ-атворий реакциялари ўзгармаган ҳолда рўй беради. Масалан, ёғоч устунларининг, кўприкларнинг ва х. заарланиши. Иккинчи ҳолда


ҳашаротларнинг кескин экологик шароитга ва табиий шароитдаги маҳсулотлардан жиддий равишда ўзгарган материаллар билан озиқланишга маълум даражада мослашишни талаб қиласди. Бошқа сўз билан айтганда, бирмунча эволюцион жараён зарур бўлиб, натижада синантроп ҳашаротлар гилофаглар – ўта хавфли зааркунандалар сифатида шакилланади.

Барча материалларни вужудга келиши инсон фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шунинг учун ҳам табиийки гилофагларнинг эволюцияси антропоген давомийлигидан четга чиқмайди. Маълумки улар чамбарчас боғлиқ. Мабодо ибтидоий одам, қоидага асосан табиий материалларни деярли ўзgartирмаган холда бошланғич маҳсулотлар сифатида фойдаланган бўлса, технология ва машинада ишлаб чиқаришда ўсимлик ва ҳайвонот материаллари борган сари табиий маҳсулотлардан фарқ қилиб уларнинг хилма-хиллиги ўсиб борди. Инсон яшайдиган жойнинг экологик шароити ҳам ўзгарди. Фор-деярли табиий муҳит, дехқоннинг ёғоч уйи-юқори даражада алоҳида хоналар, ҳозирги замонавий кўп қаватли ғиштдан қурилиб, марказий иситиладиган хонадонлар – бу кейинги экологик поғонадир. Кўпчилик ҳашаротлар биноларда яшай олмасаларда, уларнинг озгина қисми келтирилган эволюцион турли поғоналарга силжиб, уларнинг айрим турлари чўққига эришдилар.

Кератофаг ҳашаротлар

Сочхўрлар, патхўрлар, терихўр қўнғизлар ва кератофог куяларни бирлаштирувчи ҳашаротлар гурухи кўп микдорда сутэмизувчиларнинг жун қоплами ва шоҳ ҳосил қилувчи ҳамда қушларнинг пати таркибига кирувчи ўзига хос склеропротеин-кератинларни ҳазм қилиш хусусиятига эгадирлар. Синантропик шароитларда айниқса терихўр қўнғизлар ва кератофаг куялар катта аҳамият касб этадилар.

Терихўр қўнғизлар (*Dermestidae-Coleoptera*) нисбатан унча катта бўлмаган қўнғизлар гурухини ташкил қиласада, иккисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Уларнинг таркибига кирувчи бир мунча турлар ҳайвонот ва ўсимлик, ипакчилик материаллари ва музей коллекцияларини заарловчи хавфли зааркунандалар категориясига таалуқлидир. МДҲ минтақаларида зарар келтирувчи рўйхатига 42 турдаги терихўрлар киритилган бўлиб, улар асосан *Dermestes* (28-расм, А), (*Dermestinae* кенжা оиласи), *Attagenus* (28-расм, Б) *Anthrenus* (28-расм, В) ва *Trogoderma* (*Megatominae* кенжা оиласи) авлодларига хосдир.




28-расм. Терихўр ҳашаротлар: А – *Dermestes frischii* Kug. Б – *Attagenus unicolor* (Brahm).
В- *Anthrenus scrophulariae* (L.) (В.Д.Ильичев ва б. бўйича, 1987)

Вояга етгандарни танаси тухумсимон чўзиқ, камдан-кам ҳолларда чўзинчоқ ёки деярли думалоқ. Ўлчами 1,3-11 мм, эни 0,5-5 мм. Тепаси, одатда қавариқ, ости озми-кўпми яссиланган. Кутикуласи нуктачали ва деярли кўпинча тукчалар ёки тангачалар билан қопланган. Кўпчилик турларининг мўйлаблари 11 бўғимли бўлиб 3 та бўғими тўнағичсимон. Пешонасида кўзчалари мавжуд. Олдинги елкаси кўндаланг, бир текис қавариқ. Олдинги кўкраги мўйлаб тўнағичларини жойлаштирадиган чуқурчадан иборат. Олдинги тосчалари шарсимон, бироз кўндаланг ёки конус шаклида. Орқаларидаги кўндаланг, яхши ривожланган сон қопқоғига яхши туташган. Болдир сонининг ички томонидаги тарновчага ўрнашади. Бармоқчалари 5-бўғимли.

Тухумлари озми-кўпми чўзинчоқ. Ўлчами 0,27-2,1 мм, кенглиги 0,08-0,8 мм. Устки қисми силлиқ, ранги оқдан, оч-сариққача ўзгариб туради.

Личинкаларининг танаси тухумсимон-чўзинчоқ, дунгисимон ёки яrim цилиндрисимон (29-расм). Тепаси ҳамма вақт қавариқ, пастки қисми озми-кўпми яссиланган. Ўлчами (охирги ёшида) 1,5-17 мм, кенглиги 0,5-5 мм.



29-расм. Терихўр қўнғизлар личинкалари: А – *Dermestes maculatus* Deg. Б – *Attagenus fasciolatus* Sols. (В.Д.Ильичев ва бошқ.бўйича, 1987)

Тергитлари, айримда стернитлари ҳам склеротларининг пардасимон участкалари оқ ёки сарғишсимон. Склеротларининг ранги сарғишдан, қўнғир-қорагача ўзгариб туради. Танаси оддий, қовурғасимон, найзасимон туклар ёки тангачалар билан қопланган. Бошида 6-12 кўзчалари бўлиб у гипогнатик типда. Мўйлаблари қисқа, 3 бўғимли. Оёқлари 5 та бўғимлардан иборат, бармоқлари бир-бирига тўлиқ ёпишган бўлиб, 1 тирноқли. Қорни 10 та бўғимлардан иборат. *Dermestes* авлоди личинкаларининг қорнини 9-бўғимида бир жуфт урогомфли, 10-чи тиркагичга айланган. Бошқа терихўрлар личинкаларининг қорни охирги иккита бўғими кучсиз ривожланган бўлиб, узун туклар чўткача билан таъминланган.

Ғумбаги эркин, ўлчами 1,4-12 мм, эни 0,6-6 мм. Кутикуласининг, қорин тергити ва урогомфининг унчалик катта бўлмаган қисмидан ташқари склеротизланмаган. Устки қисми оддий тукчалардан иборат. Охирги ёшида

пўстларини тўлиқ ташловчи турларининг 9-чи тергитида иккита илмоқсимон урограмфи мавжуд.

Урғочилари тирқишиларга ёки озиқа юзасига кичик порциядаги тухумларини қўяди. Тухумнинг инкубацион даври ҳароратга боғлиқ бўлиб, 2 дан 55 суткагача давом этиши мумкин.

Личинкалар тухумдан чиқишлари билан озиқланишига киришадилар. Уларнинг ривожланиш муддати ва пўст ташлаш (туллаш) лар сони озиқа ва ҳароратга боғлиқ. Оптимал шароитларда личинкалар 4-9 кун оралатиб 5-7 марта туллайдилар (урғочиларда қўпинча қўшимча туллаш юз беради). Личинкаларнинг охирги ёшида преимфал даври 2-3 ҳафтагача давом этади. *Megatominae* барча тур личинкалари ноқулай шароитда узоқ вақтгача “факультатив-диапауза” ҳолатида бўлишлари мумкин. *Dermestes* оиласи личинкалари ғумбакланишидан олдин тупорққа ёки субстратда қалин йўл (5-10 см узунликда) кемириб, охирида кичикроқ камера ясади. Бошқа териҳўларнинг личинкалари субстрат тирқиши ва бўшлиқларида ғумбакка айланиб, уларнинг ривожланиши шундай жойларда ўтади. Гумбакларнинг ривожланиши 4 дан 20 суткага қадар давом этади.

Кўпчилик териҳўлар йилига бир марта насл беради. Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида айrim турлар олачипор териҳўр (*Trogoderma versicolor G*) йилига икки марта насл бериб ривожланади. *Megatominae* кенжা оиласининг ҳам айrim турлари қулай шароитда йилига икки марта гача насл бериши мумкин. *Dermestinae* кенжা оиласининг қўнғизлари, шунинг билан бир қаторда *Dermestes* кенжা авлоди турларининг қўнғизлари барқарор диапауза хусусиятига эга. *Megatominae* кенжা оиласининг қишлиши личинка ёки имаголик даврида ўтади. Иситиладиган биноларда кўпчилик териҳўлар диапаузасиз ривожланиб, йилига 1-4 марта гача насл бериши мумкин.

Териҳўлар тундрадан ташқари барча географик минтақаларни эгаллаган, аммо уларнинг турлар сони айниқса қуруқ ва иссиқ – чўл ва ярим чўл минтақларда кўпчиликни ташкил этади.

Териҳўлар амалда ҳайвонот моддалари (маҳсулотлари) йифилган барча жойларда ривожланади. *Dermestes* авлодининг кўпчилик турлари некробионтлар ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши очиқ жойда ётган қушлар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчиларнинг мурдаларида ўтади. Бу авлод бошқа вакилларининг ривожланиши, улардан ташқари *Anthrenus* ва *Attagenus* авлодларининг кўпчилик ривожланадиган турлари қушлар уясида ясади. Охирги авлоднинг қисман турлари ботрибионтларга таълуқлидир. Уларнинг айримлари қушлар ва сут эмизувчиларнинг инларида кўпайса, бошқалари кемиравчиларнинг инларига мослашгандирлар.

Бу оиланинг жуда кўпчилик турлари ҳар ҳолда ҳашаротлар ва қисман ўргимчаклар билан боғлиқ. Каттагина гуруҳ турлари турли пардақанотсимонлар билан симбиотик алоқада бўладиганлар қаторига киритилади. Уларнинг айримлари (*Dermestes*) тукли арилар инида ривожланса, бошқалари (*Trogoderma*) асалари ва арилар инлари ва уяларида, учунчилари ихтисослашган мирмекофиллар ҳисобланади. Қисман турлар ўргимчакларнинг инларида ва бешиктерватларнинг оотекаларида тирикчилик қилишга мослашгандирлар. Бундан ташқари териҳўр ҳашаротлар орасида чўққилардаги, қоялар ёриғи, қум, дараҳтлар пўстлоғи ораси ва ковакларидаги мурда ҳашаротлар билан озиқланадиганлари ҳам учрайди. Барча териҳўлар личинкалик стадияларида оқсилга бой бўлган қуруқ ёки қуриётган ҳайвонот (камдан-кам ҳолларда –ўсимлик) субстратлари билан озиқланадилар.

Dermestes авлодининг некробионтлари умуртқали ва умуртқасизлар мурдаларининг түқималари ҳисобига ривожланадилар. Шу авлоднинг нидиколлари қуш жўжаларининг мурдаси ва қушлар уясига олиб келадиган озиқа қолдиқлари билан озиқланадилар. Бошқа нидиколлар (*Anthrenus* ва *Attagenus*) юқори ихтисослашган кератофаглар ҳисобланадилар. Уларнинг озиқаси деярли фақат таркибида кератин моддаси бўлган жунпат, терининг қотган эпидермасидан иборат. Кератофагларга шунингдек *Attagenus* авлодининг битробионтлари ҳам тегишилдири. Уларнинг барчаси личинкалик стадиясида хўжайниларининг туллаган жуни (кемиувчилик иннида) ва уларнинг озиқа қолдиқлари (йиртқичлар иннида) ҳисобига ривожланадилар. Пардасимонқанотлилар ва ўргимчаклар иннида ҳамда барча дендробионт ҳашаротларнинг ва бошқа бўғимоёқлиларнинг қуруқ мурдалари ҳисобига озиқланадилар.

Имагинал стадиясида кўпчилик териҳўрлар (*Dermestes*) уларнинг личинкалари ривожланган моддалар ҳисобига озиқланадилар, бошқалари антофаглар гуруҳига таълуқли бўлса, учинчилари афагамилардир. Охирги икки гурух бир-бирига ўтиши билан боғлиқ бўлиб, чунки бир қанча турлар факультатив афаглар сифатида қаралиши мумкин.

Dermestidae оиласининг заарли турлари қуйидаги гурухларга ажратилиши мумкин: 1. Заҳираларга тасодифан тушувчи. 2. Факультатив синантроп, заарловчилар: а) имагинал стадиясида; б) личинкалик стадияларида. 3. Облигат синантроплар: а) табиатда озиқланмайдиганлар; б) табиатда озиқланадиганлар.

Териҳўрларни синантроп шароитга ўтишларига қуйидаги экологик хусусиятлар қурайлиқ туғдиради: 1) турнинг табиатда юқори сон микдорда; 2) бинолардаги яшаш жойлар билан бевосита алоқаси бўлган; 3) юқори экологик мутаносиб (пластик) (айниқса яшаш жойи ва озиқа танлашда); 4) афагия имагоси; 5) диапауза мавжуд эмаслиги.

Териҳўрларнинг атроф-мухит нокулайликлари таъсирига барқарорлиги, қўнғизларининг юқори жинсий маҳсулдорлиги билан бир вақтда личинкалар ўлимининг паст бўлиши, уларнинг омборхоналардаги сон-микдори жуда катта тезлиқда кўпайишига, айрим ҳолларда ҳашаротларнинг ҳалокатли қўлламда кўпайишига олиб келади. Заарли териҳўр турларга қарши курашни режалаштирилганда юқорида келтирилган барча ҳолларни ҳисобга олиш зарур.

Териҳўрларнинг кўпчилик турлари ҳайвонот ва ўсимликлар материалларидан ҳосил бўлган, маҳсулотларнинг зааркунандалари ҳисобланади. Айниқса, кўпинча улар тери, тери маҳсулотлари, мўйна, пар, жун, жунли буюмлар, гўшт, гўшт маҳсулотлари, сир, қуруқ сут, қуритилган ва дудланган балиқ, клей, музей экспонатлари, зоологик ва энтомологик коллекциялар, гербариј, муқоваланган китоблар ҳамда копра (кокос ёнғонининг мағзи), дон ва айрим дон маҳсулотларини заарлайдилар. У ёки бу материалларда кўпайиб, ҳашаротлар кемириб уларда кўп сонли йўллар ва тешиклар ҳосил қиласидар, туллаган пўстлари ва тезаклари билан маҳсулотларни ифлослаб уларни яроқсиз ҳолга келтирадилар. Бундан ташқари *Dermestes* авлодининг кўпчилик личинкалари кўпинча озиқланмайдиган кўпчилик материал ва буюмларни ғумбак камераси сифатида фойдаланиш учун заарлайдилар. Личинкалар ғумбакка киришдан олдин ўзи ривожланаётган моддани ташлаб, яқинидаги ҳар қандай буюмни кемиради. Айниқса бундан кўпинча ҳайвонот маҳсулотлари ёки қайта ишланаётган (гўшт комбинатлари, колбаса фабрикаси, омборхоналар ва х.) бино деворлари ва маҳсулотларни ташувчи транспорт воситалари заар кўради. Териҳўрлар асбест, картон, пахта, пахтадан қайта

ишланган ип газлама ва синтетик газлама, зигир, пластмассалар, тамаки маҳсулотлари, телефон кабеллари ва х. заарлайдилар. Ипакчилик корхоналарида улар ипак қурти уруғини йўқотади ва ипак қуртининг пилласини кемириб тешади ва натижада бундай пиллаларчуватишга яроқсиз бўлади.

Тери-мўйнали маҳсулотларнинг айниқса хавфли зааркунадалари сифатида *Dermestes* оиласига таълукли *D.maculatus* Deg., *D.sibiricus* Er., *D.frichi* Kug., *D.lardarius* L., *Attagenus* авлодига қарашли *A.unicolor* (Brachm.), *A.simulans* Sols., *A.augustatus* Ball., *A.smirnovi* Zhant ва *Anthrenus* авлодининг *A.pimpinellae* F., *A.picturatus* Sols турларини қайд қилиш керак. Бу авлодлардан яна олти тур озрок аҳамиятга эга. Бошқа терихўрлар тери-мўйнали маҳсулотлар ғамлаб қўйилганда онда-сонда нисбатан кам миқдорда учраб ривожланади.

Жун ва жун маҳсулотларини заарлашда *Attagenus* (Brachm.), ва *Anthrenus* катта хўжалик аҳамият касб этади. Ўрта Осиёда *A.unicolor* (Brachm.), унга яқин *A.simulans* Sols., тури билан ўрин алмашган. Ундан ташқари бу минтақада қўйидаги бошқа турлар – *A.cyphonooides* Reitt., *A.augustatus* Ball. ва *Anthrenus picturatus* Sols. турлари кучли зарар етказади.

МДҲ ипакчилигига саккиз турдаги терихўрлар зарар етказади. Улардан, айниқса барча ипакчилик худудларида учрайдиган *Dermestes frichi* Kug тури катта аҳамиятга эга. Ўрта Осиёда эса *Trogoderma variabile* Ball., *T.teuston* Ball., *Attagenus lobatus* Ros., *A.simulans* Sols. ва *Anthrenus flavidus* Sols. турлари зарар етказади.

Терихўрлар музей коллекцияларига катта зарар етказадилар. Қуруқ ҳашаротлардан ташқари, қўнғизлар, шунинг билан бир қаторда кўпинча қуш ва сут эмизувчиларнинг тулумини (чучела), гербарий ва ҳайвонот маҳсулотларига таълукли экспонатларни заарлайдилар. Музейларда зааркунандалик қилувчи терихўрларнинг рўйхати 20 турдан ортиқроқдир. Айниқса зоологик музей экспонантлари асосан *Anthrenus* авлодининг саккиз ва *Attagenus* авлодининг айrim турларининг заарига дучор бўлади.

Терихўрларнинг яширин ҳаёт тарзи ва личинкаларининг серҳаракатчанлиги механик усуслар билан биноларни ва маҳсулотларни улардан тозалашни чегаралайди. Озиқали (жумладан заҳарли ем-хўракли) тузоклардан фойдаланилган ҳолда *Dermestes* авлоди қўнғизларига қарши курашиб мумкин. Айниқса жинсий феромон-аттрактант тузоклардан фойдаланилган ҳолда қўнғизларни йиғиб йўқотиш истиқболли усуслардан ҳисобланади.

Озиқ маҳсулотлари ва бошқа материалларни паст ҳароратда (12^0 паст) сақлаш, уларни терихўрлар билан заарланишдан тўлиқ асрайди. Музлатиш орқали бу зааркунандаларни йўқотиш, омборларда жанубий (айниқса тропик) турлар тарқалган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Юқори ҳароратда дезинфекциялаш эса (маҳсус камераларда) юқумсизлантириладиган буюм ва материаллар (газлама, гербарий ва б.) 1-2 соат давомида 80^0 С гача қиздирилганда бузилмайдиган тақдирда ўтказилиши мумкин.

Ҳозирги даврда тез учувчан (парчаланадиган репеллентлар кучсиз чўчиши хусусиятига эга бўлганлиги туфайли, бундай кимёвий ва физик хусусиятга эга бўлган моддаларни тураг жойларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас ва уларни ипакчилик хўжаликларида қўллашга ҳам чек қўяди. Чекланган ҳолларда айrim репеллентларни (камфора, камfen, креозот) қўллаш фақатгина зоологик коллекциялар ва гербарийларни мукаммал вентиляцияли (шамоллатиш) герметик шкафлардагина қўллашга рухсат этилади.

Ниҳоятда самарали ҳимоя тадбирларга газмол, мато ва бошқа материалларни инсон учун токсик (захарли) хусусиятга эга бўлмаган турғун моддалар билан шимдирилгандагина эришиш мумкин. Уларнинг айримлари репеллентлик хусусиятга (масалан, тетраметрин, сиртқи-фаол препаратлар) эга бўлса, бошқалари озми-кўпми кучли инсектицидлар ҳисобланади.

Терихўрларни йўқотишда турар жойлар ва омборхоналарда контакт препаратлардан фойдаланилади. Уларнинг кўплари зааркунандалар сонини кескин камайтирасада, уларни 100% қиришга олиб келмайди.

Кўпчилилк инсектицидларни самарадорлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, хаттоки бир-бирига яқин бўлган терихўр турлари маълум бир препаратларга нисбатан турлича таъсирчандирлар. Шунинг учун кураш олиб бориладиган турларга қарши, дастлаб лаборатория шароитида препаратнинг самарали концентрациясини ўрнатиш муҳимdir.

Терихўрлар барча ривожланиш фазаларини тўлиқ йўқотишда маҳсулотлар сақланадиган бинолар ёки материалларни фумигация қилиш йўли билан эришилади. Ҳозирги даврда қўлланиладиган фумигантлар орасида айниқса бром метил жуда юқори самара бериб, хаттоки диапаузага кирган капр қўнғизи личинкаларини тўлиқ қириб битиради. Камерал фумигацияда дихлорэтан, парадихлорбензол ёки карбоксид сингари моддалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кератофаг – қуялар (Tineidae, Tineinae) МДХ ҳудудларида зааркунанда сифатида: *Tinea*, *Tineola*, *Monopis*, *Trichophaga* авлодларига оид 30 турдаги қуялар рўйхатга олинган. Улар тери, жун маҳсулот захиралари, (фетрли ва наматли, пробирка қистирмалар) қадимий китобларнинг чарм муқоваларини, наматдан тайёрланган иссиқ ва товуш изоляциясини, зоологик ва этнографик коллекцияларни, кийимларни заарлайди.

Айниқса, ҳавфли ва йил давомида оммавий қўпайиш хусусияти билан ажралиб турадиган, катта иқтисодий аҳамиятга эга зааркунанда сифатида кийим қуяси (*Tineola biselliella* Hutt.) ни алоҳида кўрсатиш керак. Заарлаши жиҳатидан иккинчи ўринда ўртача иқлимли минтақалар шароитида мўйна қуяси (*Tinea pellionella* L.) қайд қилинган.

Қуяларнинг барча ёшдаги қуртлари кемириб заар беради. Қуртнинг тўла ривожланиши давомида келтирадиган заари, куя турига, материал сифатига ҳамда ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигига боғлиқ. Юпқа жунли мато кийимни қурт бир сутка давомида кемириши туфайли уни тешиб ўтади. Куя оммавий қўпайгандан, келиб чиқиши жиҳатидан кератинга оид химояланмаган материални тўлиқ йўқотиши мумкин. Қуяларнинг озиқавий заарлаши аралаш матоларда ҳам қайд этилган бўлиб, бунинг устига улар билан янада интенсивроқ озиқланиши қузатилади. Аммо, синтетик иплар қуялар томонидан яхши ўзлаштирилмагани туфайли, бундай газламаларнинг тўйимлилиги ҳам жунли матолардан паст бўлади.

Ноозика материалларнинг заарланишига қуртларнинг бундай ноозика субстратларига ўргимчак иплари ва личинка ғилофлари ўрамида унинг деворларида материалларни кемирилган бўлакчаларидан нақшга ўхшаш тўқишини ҳамда бундай заарланиш қуртлар озиқа излаганда, ғумбакланиш учун қулай шароит ёки заарланган материал қуртнинг ҳаракатига тўсқинлик қилганда ҳам рўй беради. Очиқкан қуртлар унга ноозика ҳисобланган аммо уларнинг жағлари кемира оладиган, қофоз, картон, газлама, ип, иргазлама, зигир толасидан тўқилган ва синтетик матолар, поливинилхlorид ва полиэтилен пленкалар, телефон сими изоляцияси ва бошқаларни ҳам заарлайди.

Куяларнинг капалаклари қўшимча озиқланмайдилар. Капалаклар ғира-шира коронгилик ва кечанинг биринчи ярмига қадар учадилар, ўртача 7-10 кун яшаб, бу даврда 60-120 гача тухум қўядилар.

Куяларни қуртлари ўзларига ипак ипларидан турли пана жой тўқиб яширин ҳаёт кечирадилар. Жумладан, тери куясининг (*Monopis rusticella* Hb.) қуртлари ўз атрофига озиқа колдиқлари ва тезаклари аралашган маҳсулотдан найчалар ясайди. Куртлар ўсган сари йўл тўқиши ҳам давом этиб, унинг узунлиги 10 см қадар этиши мумкин. Айримда қуртлар туллагандан сўнг янги йўл тўқиши бошлайди. Кийим куясининг қуртлари кемирилган соchlарни ипак ипларида ёпиштириши туфайли, қуртларнинг сиртини беркитувчи парда ҳосил қиласиди. Гилам куяси (*Trichophaga tapetzella* L.) материалнинг ҳамма томонига тармоқланган сершох йўллар куради. Мўйна, каптар, намат куяларининг қуртлари тухумдан чиққан захотиёқ ипак кўчма ғилоф қуради. Мўйна ва бошқа айрим куялар қуртларининг туллаши ғилоф ичидаги ўтиб, ундан кейин қуртлар янада йирикроқ – янги ғилоф ясайдилар.

Бошқа ҳолларда қуртлар ҳар бир туллашидан кейин эски ғилофни тўқиши давом эттириб, унинг иккала учи тутамини озиқа субстратига қадайди. Мабодо, курт ҳар бир туллашидан кейин унга бошқа рангли озиқа субстрати берилса, унда турли рангдаги ғилофни, яъни “халқали ўсишлар”ни кузатиш мумкин.

Мўйна ва кийим куяларининг ривожланиши учун оптималь ҳарорат $23-25^{\circ}\text{C}$, намат куяси учун – $27-28^{\circ}\text{C}$, қушлар уясида доимий яшайдиган куя (*Tinea lapella* Hb.), каптар ва бошқа куялар пастроқ ҳароратда яшайдилар. Уларнинг қуртлари салбий ҳароратда ҳам яшай олади. Аммо бундай ҳароратда кийим ва мўйна куялари тез ўладилар. Уларнинг муносабати намлика ҳам турличадир. Синантроп турлар одатда қуруқсевардирлар, иситилмайдиган биноларда яшовчи турлар эса намсевардирлар. Ўзгарувчан ҳарорат шароитида ҳаёт кечиравчи турларнинг кўпчилиги йилига икки марта насл бериб, бундай турларга уя, каптар, ин ва бошқа куяларни кўрсатиш мумкин. Намат куяси иситиладиган биноларда йилига тўрт мартағача насл берса, мўйна куяси ривожланиши бир йил давом этади, кийим куясининг ривожланиши бир неча йил давом этиши мумкин. Озиқа субстратида ёки озиқланиш жойидан олисроқда қалин ғумбакка (тери, кийим ва бошқа куя турлари) айланадиган турлар мавжуд. Масалан, мўйна куяси ғумбакка айланishiдан олдин озиқа мұхитини ташлаб, бино шифтига кўтарилиб, у ерда ғилофи осилган ҳолда курт қишлияди ва фақат баҳорда ғумбакка айланади. Ғумбакланишдан олдин намат куясининг қуртлари оҳакли сувоқни 25-30 мм гача кемириши маълум. Ғумбакларнинг ривожланиши 1-2 ҳафта давом этади. Мўйна ва гилам куялари тухум қўйиш учун эҳтиёткорлик билан озиқа субстратини танлайдилар. Кийим куясининг капалаклари эса қўпинча тухумларини ҳар қандай озиқа, айримда ноозиқа субстрат устига ҳам тўкиб кетади.

Куялар ҳамма ерда тарқалган, турли жойларда факат уларнинг тур гурухлари алмашинади. Кийим куяси инсон яшаш, жойининг облигат турига айланган. Укосмополит ва инсон ортидан ҳар қандай нокулай шароитда очик табиий ҳолда кириб бориб, қоидага биноан факат инсоннинг қурилишларида (уй-жойлари) учраб ҳароратга қараб йилига 2-7 мартағача насл беради.

Бошқа куя турлар капалаклари баҳор-ёз ойларида очик табиатга учуб чиқади ва уй-жойлар яқинида қушлар уясида бир насл бериб, кузда қайтадан биноларга кўчиб киради. Ниҳоят қатор турлар доимий равишда қушлар инида, кемирувчилар уясида, ўлимтикларда ҳаёт кечиради. Куялар табиий манбаларидан осонликча очик дераза, дарча ва эшиклар орқали, айниқса томлар, чердаклардаги қушлар уясидан

ёки заарланган материаллар билан турар жойлар ва хўжалик биноларидағи озиқа мұхитларига кириб келадилар. Күяларнинг заарли фаолияти иситиладиган биноларда йил бўйи, иситилмайдиганларида эса 15°C юқори ҳароратда давом этади. МДХ ҳудудларида 46 турдаги, күшлар уясида 32 тур нидикол-куялар қайд этилган бўлиб, уларнинг 25 тури, турли материаллар зааркунандалари дирлар.

Тери ва жунли буюмларни заарловчи ҳашаротлар орасида, айрим ҳолларда куялардан келтириладиган заар нобудгарчиликнинг ярмидан ортиқроғини ташкил қиласди. Шунинг учун куя ва бошқа зааркунандаларга қарши комплекс олдини олиш (профлактик) ва кириш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб қиласди.

Биноларда доимий равишда тозаликни таъминлаш, уларни шамоллатиш ва қуруқ ҳолда паст ҳароратда сақлаш куялар ривожланишининг олдини олади. Сақланаётган товарлар мунтазам равишда куялар заарини аниқлаш мақсадида ойига 1 марта энтомолог назоратидан ўтқазилиши керак. Деразаларга майда тўрлар ва буюм, ашёлар қалин қофоз ёки полиэтилин сингари репеллентлар жойлаштирилган қопларда сақланадиган механик тўсиқлардан иборат бўлиши керак.

Буюм ва ашёлар унчалик заарланмаган бўлса, уларни мунтазам равишда тозалаб туриш ва ҳавода қуритиш керак. Бунда куяларнинг қуртлари, тухумлари ва гилофлари териб олиниб йўқотилади. Күяларни йўқотишда юқори ёки паст ҳароратлардан фойдаланиб термик усулда курашиш ҳам самарали ҳисобланади. Паст ижобий ҳарорат куяларни ривожланишига тўскинлик қиласди. 5-10 соат давомида – 15°C дан 20°C гача музлатиш зааркунандани ҳалок бўлишига олиб келади. Яхиси бу усулни қишида очик ҳавода ёки буюмлар ва материаллар сақланадиган биноларга совук ҳавони ҳайдаш орқали амалга оширилади. Махсус музлатгич камералардан ҳам фойдаланиш мумкин. Махсус камераларда ҳароратни $70\text{-}90^{\circ}\text{C}$ кўтариб термик усул билан ишлашда куяларнинг барча ривожланиш фазаларини тўлиқ йўқотса бўлади.

Күяларга қарши замонавий ковроль, дермоль, керацид, молемор, супрамид, аэроэнтимоль сингари таблетка ва аэрозоль шаклларида ишлаб чиқарилган препаратлар жунли буюмларни нафақат майший, балки ишлаб чиқариш шароитида ҳам қўлланганда ишончли химоялайди.

Жунли буюм ва кийимларни ишончли химоя қилиш учун жун реактив гурухлари ва препаратлар орасидаги алоқани топиш ва буюм тозаланганда ёки ювилганда ҳам инсектицид унда пухта ўрнашиб олган бўлиши керак. Бундай “рангиз бўягич” махсус препарат сифатида митин-№3,4 дихлорфенил – №2 (2 – сульфо-4-хлорфенокси) – 5 – хлорфенилмочевина хизмат қилиш мумкин. Митин билан ишланганда сульфогруппа туфайли у жундаги кератин билан кимёвий боғланади, куя куртлари овқат ҳазм қилиш ферментлари таъсирида митин қисман парчаланиб токсик маҳсулотлар ажратади. Митин билан ишланган жун амалда одатдагисидан ажралиб турмайди, аммо куя қурти у билан озиқланганда нобуд бўлади. Митин билан шимдирилган буюмларни бир неча марта кайта-қайта тозалаш ва ювиш, унинг токсиклигини қатор йиллар давомида ҳам пасайтирумайди.

Жунни ҳазм қилиш физиологияси тўғрисидаги маълумотлар кератин молекуласи модификациясига асосланган яна бир химоя усулини ишлаб чиқиш имконини яратди. Ишлаб чиқариш шароитида дисульфид цистинли қўприкчалар тиклангандан кейин жун оксидланади. Бунда жуда барқарор бис-тиоэфир: R-S-(CH₂)_n-S-R вужудга келади. Олинган маҳсулотда алкиль гурухлари ўзларига 1 дан 6 гача карбонатларни бирлаштиради ва барча модификациялар етарли даражада куяларга бардошли бўлсада, аммо бундай ишлов бериш, афсуски терихўрларга нисбатан

курашда паст самаралиди. Бу гурӯх ҳашаротлар кератинни ҳазм қилиш жараёнида нозик фарқланиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Куяларга қарши курашда заарланган буюмларни, айримда эса бутун бир биноларни фумигация қилиш уларни йўқотиша юқори самарадорлигини кўрсатди. Камераларда ҳам чодирлар остида ҳам куяларга қарши кураш усули сифатида бром метил ёки этилдан фойдалинилади.

Етарли даражада гермитизацияланган ва юқори концентрацияда бу фумигантлардан фойдаланиш буюмларнинг ичига чукур сингиб кириши туфайли уларни ишончли юқумсизлантириб, куяларни ва бошқа ҳашаротлар ривожланиш фазаларини батамом йўқотишига олиб келади.

Ксилофаг ҳашаротлар

Табиатда ёғоч-тахта билан алоқадор бўлган 20 туркумларга хос ҳашарот вакиллари мавжуд. Улар орасида фақат қаттиққанотлилар ва иккиқанотлиларнинг ҳар биридан 60 тадан оила турлари зааркунанда сифатида тақсимланган. Аммо уларнинг барчаси ксилиобионтлар ҳам бўлмасдан, ксилофаглар ҳисобланади. Охиргиси ўз навбатида маълум бир стадияларда ёғоч-тахта билан озиқланадиган емирувчи комплексларга ажратиладилар. Ёғоч-тахта конструкциялари ва буюмларида кўпчилик ксилофаглар учун ноқулай шароит туғилади, жумладан кўнғизлар, фақат уларнинг бир қисмигина ниҳоятда камсувли озиқаларни истеъмол қиласиди. Тупроқ билан боғланмаган, доимий гигроскопик намлик даражасидан паст бўлган ёғоч-тахта конструкцияси ва буюмларида фақат бир қанча гурӯх кўнғизларигина: айрим мўйловдор кўнғизлар, пармаловчилар, ёғоч-тахта кемирувчилар мўйнали турларигина ривожлана олади.

Мўйловдор кўнғизлар орасида *Criocephalus rusticus* L. ва *Callidium violaceum* L. сингари турлар типик ўрмонда ҳаёт кечиравчи ёғоч-тахта бино ҳамда мебелларда яшашга мослашган синантроплар орасида қандайдир оралиқ звенони ташкил қиласидилар. Бундан ташқари айрим тик дараҳтлар ҳамда янги ходаларни (ёғоч) ҳам эгаллайди. Ёғоч-тахта контрукциялар доимий ёки вақти-вақти билан намланиб турилганда ҳам уларга бундай кўнғизлар ўтиши мумкин. Личинкалари заарланган материаллар орқали уйларга ҳам ўтиб у ерда ривожланиши якунлаши мумкин. Ҳақиқий куруқ ёғоч-тахта билан озиқланувчи личинкалар нам танқислигига шунчалик мосланганларки ёғочни узоқ вақт давомида намлатиб турилиши улар учун ноқулай ҳисобланади. Бу гуруҳдан энг хавфилари пармаловчилардир.

Пармаловчи қўнғизлар. МДХ ҳудудларида курилишларни, мебель, музей экспонатлари ва бошқа ёғоч-тахта буюмларни заарловчи пармаловчиларнинг 20 га яқин турлари маълум. Улар фақат узоқ сақланган ёғоч-тахталарни пармалаб, тешиб, бошқа материаллар учун заарли эмас, аммо уларнинг фаолияти айниқса қадимий бутлар, мебеллар ва музей экспонатлари учун ўта хавфли. Улар Кижи (ёдгорлик) сингари бебаҳо ёғоч-тахта меморчилек ёдгорлигини ҳам четлаб ўтмайдилар. Уни сақлаб қолиш учун катта куч сарфланган (Персов, 1966; Тоскина, 1966; Воронцов, 1981; Ильичев и др., 1987). Иситиладиган биноларга ҳақиқий синантроп ва гилофаг ҳисобланган мебель пармаловчиси (*Anobium ripostatum* Deg.) айниқса катта заар етқазади. Биноларда деярли ҳамма ерда тарқалган.

Унинг оммавий учиши турли минтақаларда апрел-июн ойларида кузатилиб, айрим қўнғизлари кузга қадар учрайди. Кўнғиз учишининг узоқ чўзилиши ёғоч-тахтанинг турли ҳарорат ва намлигига боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида

пармаловчининг ривожланиши турли муддатларда ўтади. Қўнғизлар учиш даврида эркак ва ургочилар жинсий қўшилиб, тезда ургочи ёғоч-тахта тўсиқлар ёриқлари, мебелларнинг бўялмаган ғадир-будур қоронғи қисмига, қўнғизлар учеб чиққан эски тешикчаларга тухум қўяди. Ургочилар тухумларини тахтанинг кўндаланг қисмига, кўпинча ўзи учеб чиққан жойига тухум қўйишини ёқтиради. Тухумни қўйилиш холати буюмнинг заарланиш чуқурлигини белгилайди, личинка одатда ёғочнинг йиллик қавати бўйлаб ҳаракат қиласди, айниқса игнабарглилар ёғочида.

Орадан 2-3 ҳафта ўтгач тухумлардан, оқ уч жуфт оёқли, сарғиш бошли личинкалар очиб чиқадилар. Личинкаларнинг шакли ёйсимон эгилган, унинг кўкрак қисми жуда шишган ва буқрига ўхшайди. Личинка озиқлана бошлаганидан кейин унинг елка қисмida кўпсонли қилчалар ҳосил бўлади ва личинка ҳаракатланишида бу қилчаларни юриш йўлакчаларининг деворига тақаб ҳаракатланади. Узуннасига кетган йўллар личинкаларнинг экскрементлари аралаш қипиклар билан жойланади. Йирик личинканинг бўйи 4 мм, эни эса 2 мм га етади. Личинканинг ривожланиш давомийлиги ёғочнинг ҳарорати ва намлигига боғлик. Гумбакланишдан олдин личинка ёғоч юзасига яқинлашиб 1 мм қалинликдаги тўсиқ қолдириб, кейин ундан бир оз орқага чекиниб овал бешакча ясад, уерда гумбакка айланади. Гумбакнинг ривожланиши 2 ҳафтагача давом этади. Тўлиқ ривожланиш даври 6 ойдан (камдан-кам) 3-4 йилгача давом этади. Шунинг учун дастлабки заарни мутахассис ҳам аниқлаши қийин бўлиб, фақат қўнғизлар учеб чиққандан кейингина ўрнатса бўлади. Личинкалар учун оптимал ҳарорат $20-22^{\circ}\text{C}$, юкори ҳалокатлиси- $28-30^{\circ}\text{C}$, 30°C ҳароратдан юқорида эса улар нобуд бўладилар. Ёғочнинг оптимал намлиги 18-20% бўлиб, одатда бундай намлик, нисбий намлиги 60% дан юқори бўлган бинолардагина ҳосил бўлади.


Ўрта ва катта ёшдаги личинкаларнинг қуи ривожланиш даражаси 50%, кичик ёшдаги личинкаларнинг эса қуи ривожланиш даражаси 60% нисбий намлик билан белгиланади. Айниқса паст намликка пармаловчининг ғумбаги чидамли бўлади. Иситиладиган хоналарда қиши фаслидаги паст намлик ёғоч-тахтани пармаловчи ҳужумидан сақлаб қолади.

Мебел пармаловчиси айниқса 5-6 ва ундан кўпроқ йил фойдаланилган ёғоч-тахталарга иштиёқ билан ўрнашади. У столлар, стуллар, кроватлар, диванлар, шкафлар, этажерка, мусиқа асбоблари, картина ромлари, турли тахта токчалари, турли буюмларнинг ёғоч ҳаттохи бухгалтерия счети рамкаларини ҳам заарлайди. Пармаловчилар полларнинг часпакгига, дераза токчаси, дераза ромлари, пол ва шифт тўсинлари, ёғоч ўйларининг деворларига жойлашиб оладилар. Бунда тўсин фақат хона томондан заарланади.

Пармаловчиларга қарши кураш личинкаларининг яширин ҳаёт кечириши туфайли жуда қийинdir. Буюмларни фумигация қилиш билангина, уларни ишончли ҳимоялаш мумкин. Яна бир маъқул усууллардан бири, қиши фаслида буюмларни 3-5 сутка давомида -20°C дан -25°C гача музлатишdir, натижада личинкалар нобуд бўлади. Кураш чоралари ниҳоят мураккаб бўлганлиги туфайли профлактик чора – тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Кўпчилик ҳолларда пармаловчилар биноларга эски ёғоч буюмлар орқали ўтишини ҳисобга олган ҳолда, бундай буюмларни биноларга киритишдан олдин яхшилаб назорат қилиш, керак бўлганда уларни маҳсус камераларда фумигациялаш лозимdir. Пармаловчилар қўнғизларининг биноларга учеб кириши иккинчи йўли очик деразалар орқали кузатилади. Бунинг олдини олиш учун деразага 1,5 мм катакли металл тўр ўрнатишdir.

Термитлар (*Isoptera*) майды ёки ўрта ўлчамли, одатда ёруғликдан ўзини олиб қочадиган ва ерда, ёғоч-тахта ёки картонсимон материаллардан уя қуриб, оила ҳосил қилиб яшовчи ҳашаротлардир. Бошқа жамоа ҳосил қилиб яшовчи ҳашаротлар сингари, уядаги жамоа түдаси бир хил эмас. Аммо жамоа ҳосил қилиб яшовчи пардасимонқанотлилар полиморфизмидан, термитлар чала ўзгариш ҳисобига ривожланадилар ва нафақат түлиқ ривожланган имаголик шаклида, балки жинсий вояга етмаган индивидлари ҳам фаоллик күрсатадилар. Шунинг учун ҳам термитларнинг табақалари чумоли табақаларига нисбатан турли-туман ва кескин ифодаланган бўлиб, ривожланиш жараёнида барча термитлар бир қанча стадия ва табақаларни ўтаб, уларнинг ҳар бири 1 ёки бир неча ёшга кирадилар. Натижада ҳар бир зот ўзига хос ихтисослашган морфологик қиёфа ва функционал хусусиятларни мужассамлаштирадилар (30-расм).



30-расм. Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobs.) нинг ривожланиш табақа ва стадиялари: А – қанотлиси, Б – “маликаси”, В – “шохи”, Г – ишчиси, Д – навкари (Г.Я. Бей-Биенко бўйича, 1971)


Тухумдан личинкалар каста дифференциацияси белгилари бўлмаган ҳолда очиб чиқадилар. Бир қанча туллашлардан кейин личинкалар нимфага айланиб, уларнинг қанот муртаклари ёшдан ёшга ўтган сари йириклишиб боради. Одатда йилига бир марта вақти-вақти билан уяда кўпсонли айрим жинсли қанотли шакллilari ҳосил бўлиб, улар уядан бир йўла учиб чиқадилар ва қисқа вақт (30-40 дақика) учгандан сўнг ерга қўниб, маҳсус елка чокларидан ўз қанотларини синдирадилар, жуфтларини излаб ва жуфтлари билан пана жой топиб, у ерда янги оиласа асос қурадилар. Бу термит асосчиларини шохона жуфтлар дейилади. Бошқа қолган личинкаларда қанот муртаклари ривожланмайди, бундай личинкалар ўсган сари ҳақиқий ишчилар ёки псевдоэргатларга айланади. Маҳсус табақа ҳосил қилган ишчи зотлари одатда бир қанча ёшга кирадилар (масалан Туркистон термити ишчи табақалари 8 ёшни ўтайдилар) ва бошқа турларда навкарларга (солдат) айланниши мумкин. Термитлардаги бундай уникал табақа дифференциацияси улар чала ўзгариш натижаси хусусиятларидан биридир.

Оиланинг асосий массасини ишчи ва личинка ташкил қилади. Ишчилар озиқа тўплаш, уни уяга етказиш, жинсий зотларни, навкар ва личинкаларни, озиқлантириш, тухумларга ғамхўрлик қилиш ва уяда ҳамда унинг ташқарисида қурилиш ишларини амалга ошириш билан банд бўлади. Ҳақиқий ишчилар – қанотсиз, эркаклик ёки урғочилик жинсий аъзолари ривожланмаган зотлардир. Улар нимфага айланмайдилар ва шунга мувофиқ, ҳеч қачон жинсий вояга етмайдилар.

Anoplotermes (*Termitidae*) авлодидан ташқари барча термитларда аскар табақаси бўлади. Айримда бир вақтнинг ўзида улар икки ёки уч кўриниш шаклида учрайди. Бу қанотсиз зотларда боши ва мандибуллари ихтисослашган бўлади. Навкарларнинг вазифаси уяни душманлардан, айниқса чумоли ва бошқа термит турлардан ҳимоя қилишидир. Ҳар хил турларда у турлича амал қилади: навкар душманни тутиб олиб, кучли мандибуллалари (жағлари) билан уни тишлиш, уяда тешиклар ҳосил бўлса, тешикни боши билан бекитиш, ёхуд пешана бези секретини душманга қарата пуркаш ва х. Ҳар бир усул улар бош тузилиши морфологиясига мос келади. (31-расм).

Уядаги кўп сонли термитлар орасидаги ўзаро боғланганлик фаолияти ва улар табақалар таркибининг бошқарилиши феромонлар ёрдамида амалга оширилади. Термитлар ёғоч-тахта, куриган ўсимлик қолдиқлари ёки гумус билан озиқланадилар. Айрим термит турлари уяларида замбуруғларни ҳам ўстирадилар.

Кўпчилик термитлар-ксилофаглардирлар. Улар ёғоч билан озиқлананишида ва озиқанинг ҳазм бўлишида замбуруғлар, бактериялар ва ихтисослашган содда ҳайвонлар иштирок этадилар. Замбуруғлар кўпчилик термитлар учун муҳим озиқа компоненти хисобланади. Бундан ташқари ёғочда қўнғир чиришини келтириб чиқарадиган кўпчилик базидиомицетлар, ёғочнинг кимёвий таркибини ўзгартириб, термитлар клечатка ва лигнинни ўзлаштиришларини бир мунча енгиллаштирадилар. Бундай ёғочлар билан термитлар бир мунча ёқтириб озиқланадилар ва бунда улар яхши ривожланадилар.



31-расм. Термитлар навкарлари бошининг шакллари: А – *Archotermopsis wroughtoni* Desneux; Б – *Procubitermes niapuensis* Emerson; В – *Angulitermes orthoceps* (Emerson); Г – *Pericapritermes urgens* Silvestri; Д – *Crptotermes verruculosus* (Emerson); Е – *Rhinoterme hispidus* Emerson; Ж – *Armitermes grandidens* Emerson; З – *Angularitermes nasutissimus* (Emerson) (Weenergan, 1969).

Озиқа билан бир қаторда термитлар анча-мунча бактерияларни ҳам ютуб юборадилар, уларнинг қўпчилиги (ҳаммадан қўра аэроб шакиллари) термитнинг ичагида нобуд бўлиб ва ўзлаштирилади. Ичакдаги лизоцима грамижобий бактериялар лизисига ёрдам беради. Анаэроблар, жумладан цеплюлозолитик ва азот молекулалари ҳосил қилувчилари ичакда доимо сақланади. Бу физиологик гурухи бактериялари орасида симбиоз юз бериши туфайли азот тўплаш ва клетчаткани гидролизлаш жадаллашади.

Тубан термитлар орка ичагининг ихтисослашган участкасида комплекс симбиотик хивчинлилар ҳаёт кечириб, улар хўжайин антогенези билан бевосита боғлиқ. Турли-туман хивчинли ксилофаг бактериялар ва осмотрофлар биргаликда маҳсус микробиоценоз ҳосил қилиб, унинг барча звенолари трофик ва метаболитик нуқтаи назардан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу микробиоценознинг доминант турларини хивчинлилар ташкил қилиб, улар бундай микропопуляцияларигагина ҳос бўлиб, одатда бошқа биотопларда учрамайди. Гарчанд улар орасида облигат ва факультатив симбионтлар ажратилсада, аммо уларнинг тур таркиби доимий бўлади.

Кўпчилик ҳашаротларга ҳос одатдаги овқат ҳазм қилиш жараёнларидан ташқари, термитларда “жамоа ҳазм қилиш”, аникрофи бир неча термит зотлари ичакларида озиқни кетма-кет ишлаш йўли билан бир-бирига стомодеал ёки протодеаль трофаллаксис ёрдамида узатилади. Термитларнинг иккинчи хусусияти цеплюлозани, йўғон ичакдаги симбионтлар ёрдамида ҳазм қилиш қобилиятидир.

Клетчаткани ўзлаштириш комплекс ферментлар томонидан амалга оширилиб, улардан С_x-цеплюлоза ва β-глюкозада ўрта ичак эпителиясида синтезланади. Натив цеплюлозага таъсир кўрсатувчи С₁-цеплюлазани хивчинли-ксилофаглар симбиотлар етқазиб бериб, лигнинни ҳазм қилишга ҳам иштирок этадилар. Термитларнинг

ичагида ундан ташқари амилаза, инвертаза ва бошқа қатор карбогидраз ҳамда айрим протеиназалар борлиги аниқланган.


Турли термитлардаги ферментларнинг миқдорий нисбати уларнинг озиқланиши хусусияти билан боғлиқдир. Қаттиқ чириган илдиз ва чириндига бой тупроқ билан озиқланган термитлар, кўпроқ протеолитик ферментлар ишлаб чиқаради. (*Amitermes rhizophagus*, *Reticulitermes lucifugus*) қуриган ўсимликлар ва ёғоч билан озиқланган термитларда кўпроқ цеплюзаза қайд этилади (*Anacanthotermes ahngerianus*, *Kalotermes flavigollis*).

Ичакнинг тузилиши озиқа ҳазм қилиш ферментларининг йиғмаси ва симбионтлар миқдори кўпчилик термитларга нафақат ёғоч ва унинг асосида тайёрланган маҳсулотларни, балки пахта толаси, деярли клечаткадан таркиб топган қофоз ва ниҳоятда озиқага саёз моддалар билан ҳам озиқланишга имкон беради.

Умуман термитлар иссиқсевар ҳашаротлардир. Туркумнинг шимолий ва жанубий тарқалиш ареал чегараси таҳминан ўртача йиллик $+ 10^0$ изотермага тўғри келади (32-расм). Шу муносабат билан термитларни кўпинча тропик ҳашаротлар деб юритилади.


Термитларнинг хаддан ташқари кўплиги тропик ўрмонлар учун хосдир. Камерунда кичик бир майдон тадқиқот қилинганда термитларнинг 43 тури, Ганада маҳсус ёғоч қирмаси қўйилганда, унда термитларнинг 32 тури, ғарбий Малайзия қўриқхоналарининг бирида экваториал тропик ўрмонинг бир гектаридан 52 турдаги термитлар йиғилган (Ильичев ба бошқ., 1987). Термитлар 30 метрли дарахтнинг тупроқдан, унинг учигача бўлган барча ярусларига жойлашиб олиб, тирик ўсимлик, қурган ёғоч, тўқилган барглар, гумус ва лишайникларни истеъмол қиласди. Бир гектар ўрмонда доминант турлар ўртача ҳар бирининг 2-5 млн. зотлари яшайди. Термитлар 20-30 %, жойларда эса 50 % гача тўқилган ўсимлик қолдикларини утилизация қилиши, уларни тропик ўрмонларда детрит озиқа занжиридаги ролини янада яққол намоён қиласди. Қуриган шоҳ ва пояларни утилизация қилишда термитлар айниқса фаоллик кўрсатадилар. Ингичка шохлар (диаметри 6 см гача) ёғочнинг нисбий утилизация тезлиги 1 дан ошади. Бу дегани бундай шохлар бир йилга етмасданоқ тўлиқ емирилади. (33-расм)

Тропик Африка ва Осиё саванналарида ҳам термитлар оз эмас. Гарчанд бу ерларда тур жиҳатдан икки мартаба камроқ учрасада тупроқдаги сони жиҳатдан тропик ўрмонлардаги тупроққа нисбатан термитларнинг сони анча юқори бўлиб, Африка саванналарида 1m^2 майдончада уларнинг сони 4000 тага етади.



32-расм. Термитлар ареали (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987):
1-шимолий ва жанубий ареал чегараси. 2-ўртача йиллик изотерма $+10^0$

Бундай ҳашаротлар оммаси, термит уяларини, ер ости йўлларини ўтказишида ва ёпиқ галереялар ҳосил қилишда минглаб тонна тупроқ заррачаларини қориштириб, ер ости йўллари тармоқларини қуриш хисобига тупроқ профилини бузади, модификациялади ва органик материалларни қайта тақсимлаб, тупроқ структураси ва сув ўтқазувчанлигини ўзгартиради. Тропик тупроқлардаги термитларнинг тутган ўрнини, ўрта иқлими тупроқларда ёмғир чувалчангларининг таъсири билан тенглаштирилади. Ҳашаротларнинг кўп сонли йирик ва майда термитниклар қуриш ишлари саваннага ўзига хос ландшафт бағишилайди, уни “термит саваннаси” деб юритилади. Бу ерларда термитлар ўсимликларнинг 50% гача барча йиллик биомасса маҳсулотини ўзлаштирадилар. Термитниклар атрофидаги ўсимликларнинг хусусияти ўзгаради. Термит уяларидаги кўпчилик ҳайвонлар ўзларига бошпана топадилар. Бу тропик биоценозларда термитларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Яна шуни ҳам алоҳида қайд қилиш ўринлики, термитлар кўпчилик ҳайвонлар, озиқа манбаи хисобланади. Жумладан, кўпчилик қушлар, судралиб юрувчилар, айниқса чумолилар.



33-расм. Ёғочнинг термитлар билан емирилиш стадиялари (Abe, 1975)

А – Бошланиш стадияси; Б – термитларни ёғочга кириши; В – термитларни ёғоч ичидаги тарқалиши; Г – бўшлиқнинг шакилланиши; Д – бўшлиқнинг кенгайиши; Е – термитлар фооллигининг пасайиши.

1- пўсти. 2 - қаттиқ ёғочли қисми. 3 - чириган ёғоч. 4 - бўшлиқ.

Термитлар тарқалишини зоогеографик нуқтаи назардан қаралса одатдан ташқари хulosага келинади (15-жадвал). Тропик ўрмонларда ва саванналарда турларга жуда бой, тараққий этажтган таксонлар жойлашганлар. Бу ерда эволюция гуркира бориб кўп янги авлодларни шакллантириб ўзига бирлаштиради. Оралиқ ареал-субтропик, арид ва мўътадил миintaқаларда термитлар кам сонли примитив қадимий, кўпинча қазилма шакллардан маълум бўлган авлодлар сифатида ифодаланган. Эволюция жараёни бу ерда ниҳоятда секинлашган ва турлар орасида ёки тур даражасида бир оз ўзгариш билан чегараланади.

15-жадвал

Термитларнинг филогенияси ва тарқалиши


Оила филогенияси ва кенжা оила	Зоogeографик авлодлар (сурат) ва турлар (маҳраж) сони областларда *					
	Голартик		Шаркий	Эфиоп	Неотропик	Австралия
	Полеар-тика	Неоарк-тика				
Nasutitermitinae		2/7	16/150	18/50	24/215	8/59
Macrotermitinae			5/109	12/178		
Termitinae	1/1		7/59	56/267	21/121	3/32
Amitermitinae	3/14	5/16	12/59	10/73		7/96
Indotermitidae			1/3			
Serritermitidae					1/1	
Stylotermitidae			1/7			
Rhinotermitinae						
Termitogetoninae			1/2			
Psammotermithinae	1/1		1/2	1/4	1/1	
Heterotermitinae	1/5	2/8	2/12	2/3	2/14	1/4
Coptotermithinae	1/1	1/2	1/23	1/6	1/5	1/12
Hodotermitidae	2/8		3/5	2/3		
Stolotermitinae				1/1		1/4
Porotermitinae				1/1	1/1	1/1
Termopsinae	1/1	1/3	2/3		1/3	
Kalotermitidae	3/7	8/19	8/72	9/57	15/107	9/60
Mastotermitidae						1/1
Умумий термитлар	13/38	20/56	61/530	114/647	71/480	34/279

* зоogeографик областлар А.Г.Воронин (1963) бўйича.

Хозирги даврда термитларнинг 2800 га яқин турлари маълум бўлиб, улардан тўртта оила (*Kalotermitidae*, *Hodotermitidae*, *Rhinotermitida*, *Termitidae*) га мансуб 7 тури МДҲ минтақаларида яшайди.

Марказий Осиёда - икки оиласага (*Hodotermitidae*, *Termitidae*) термитларнинг 4 тури, Ўзбекистонда эса *Hodotermitidae* оиласининг *Anacanthotermes* авлодига тегишли *A.turkestanicus*, *A. ahngerianus* турлари кенг тарқалган (34- расм)

Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus Jacobs.*) Марказий Осиёда одатдаги тур бўлиб, яхши аэрацияланадиган шўрланмаган ёки қучсиз шўрланган гипсли текислик ва тоғолди, соғ тупроқли худудларда тарқалган бўлиб, қоидага биноан такир, шўрланган қумли тупроқларда учрамайди.



34-расм. Термитларнинг Ўзбекистонда тарқалиши

Туркистан термитининг стацияси ўтлоқи аллювиал тупроқларга хос бўлиб, янтоқзор (*Alhagi camelorum*, *A. pseudoalhagi*), қўнғирбош (*Poa bulbosa*), ялтирибош (*Anisanthae tectorum*), гольдбахия (*Goldbachietlaeavigatae*), исириқ (*Peganum harmala*), эшакмия (*Vexibia pachycarpa*), қуёнарпа (*Hordeum leporinum*), саксаулзор (*Haloxyleta persici*), қўйтикан (*Xanthium spinosum*), темиртикан (*Thibutulus terrestris*), шўрадошлар (*Chenopodiceae*) ва оқбош (*Karelinia caspia*) каби ўсимликлар стациясида учрайди. Бу термитнинг уаси ер остида яширган, уя ер устида дўнглик хосил қилмайди. Уя қўпсонли тартибсиз жойлашган камералар хосил қилиб, ер ости йўллари орқали улар бир-бирига туташган термитларнинг эски йирик колониялар уаси, ёш колониялар уасидан камераларнинг қўпсонлиги, устки, ўрта ва остки камералари мавжудлиги, шунингдек бу камералар тупроғининг қаттиқлиги билан фарқланади. Камералар ичидаги бўшлиқ баландлиги 8-12 мм, умумий ўлчами эса 5-50 см² бўлиб, тепаси текис ва гумбазсимон бўлади. Уя марказидаги 30 см ва ундан чуқурроқдаги камералар одатда йирик бўлиб, уларнинг ўлчами 60-100 см² етади. Пасти текис, тепаси эса ўзига хос тузилишга эга, яъни уларда халқасимон чуқурлиги 1-2 см келадиган, диаметри 2-4 см ли бўлиб, тепасининг ўрта атрофи бир оз пастга осилиб турганга ўхшайди. Халқали ботик томондан яна 2-3 радиал чуқурчалар ўтади.

Камера тепасидаги чуқурчалар кўпинча бошқача шаклда бўлади, аммо ҳеч қажон бундай камераларнинг тепаси текис бўлмайди. Камера тепасининг бундай шаклда тузилиши сатҳининг кенг бўлиши ва натижада, унга бир неча юз термит жойлаштириш имконини беради.

Ҳар бир камерадан қўшни камерага туташувчи 4x6 ва 5x6 мм йўллар ўтади, айрим йўллар бундан ҳам кенгрок бўлади. Уя тепасида чиқиш туйникчалар (қанотли термитлар учиб чиқиш давридан ташқари) бўлмайди. Термитлар ер ости йўллари орқали турли томонларга тарқаладилар ва уядан бир қанча узоклашганларидан кейин ер бетига чиқадилар.

Тўлиқ ривожланган, оила барча табақаси бўлган бир неча ўн минг термит зотларидан иборат. Киш ва баҳор фаслларида Туркистан термити оиласи шохона жуфтлар (“Малика” ва “Шоҳ”) кўпдан - кўп ишчилар, навкарлар, кўпгина нимфа, қанотли имаго ва катта ёшдаги личинкалардан таркиб топади. Қишида тухум ва биринчи ёшдаги личинкалар бўлмайди, чунки йилнинг совук даврида тухум қўйиш тўхтайди.

Баҳорда, одатда илиқ ёмғирдан сўнг қанотли эркак ва урғочилар асосий уяни тарк этиб, учиб чиқадилар. Уяда янги қанотли зотлар август-сентябр ойларида нимфалар ҳисобига хосил бўладилар. Шунинг учун ҳам бутун ёз давомида термитлар уасида қанотли зотлар бўлмайдилар. Тухум қўйиш май ойидан бошланиб, кеч кузгача давом этади. Термитлар озиқа сифатида ўсимликларнинг қуриган поялари ва новдаларини истеъмол қиладилар. Бундай озиқаларни катта ёшдаги 2 см дан ошмаган бўлакчаларга бўлиб қирқадилар ва лой сувоқ ер ости йўллари орқали асосий уяга ташийдилар. Ўзлаштирилмаган ерларда термитлар сезиларли зарар етқазмасада, аммо аҳоли турар жойларида термитлар биноларнинг ёғоч қисмларини емириб озиқланадилар. Кучли заарланишда термитларнинг йўл ва камералари билан ертўла, деворлар оралиғи, иситиш манбалари атрофи, шифт тўшамалари ва маҳаллий қурилишларнинг томлари зич қопланганлиги кузатилади. Натижада бино ўзига хос термит уасига айланади. Бинодаги ва унинг атрофидаги барча термит йўллари бир-бирига туташган бўлиб, айниқса унинг йўналиши ариқларга йўналтирилган бўлади. Иситиладиган биноларда термитларнинг ривожланиши йил

бўйи давом этади. 1948 йили зилзила туфайли Туркманистон пойтахти Ашхабат шаҳрининг вайронага айланишида ҳам термитлар етказган зарап асосий сабаб бўлган (Ильичев и др., 1987). Кейинги йилларда Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқлари мутлақо ўзгарди, уларда бетон ва пишган гиштлардан янги замонавий бинолар барпо этилди. Кўчалар асфальт билан қопланди, янги хиёбонлар, истироҳат боғлари ташкил килинди. Бу барча термитларнинг турар-жой ва иншоотларга ўтиши ва ривожланишига маълум даражада тўскинлик қиласи. Аммо тупроқнинг термитлар билан кучли зааралганлиги туфайли зааркунанда вайронгарчилик-емириш фаолиятини жадал равища давом эттироқда.

Катта каспий орти термити (*Anacanthotermes ahngerianus* Jacobs), туркистон термити таркалган худудларда ҳам учраб 47-параллелдан шимолий-ғарбдан кириб бориб ундан ҳам нарида учрайди. Ареалнинг шарқий қисмида учраб ўз ўрнини туркистон термитига бўшатиб беради. Унинг катта тифиз уялари қуриган ўсимликларга бой бўлган тупроқли текисликларда учрайди. Катта каспий орти термити турли хил шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) билан сийрак қопланган тақирсимон тупроқли текистликлардан ҳамда шувоклар (*Artimesia turanicae*) янтоқзор (*Alhagi camelorum*, *A. pseudoalhagi*), юлғунзор (*Tamarix* spp.), саксовулзор (*Haloxylon persici*, *Haloxylon aphylli*), черкез (*Salsola richterii*), астрагал (*Astragalus* spp.) ва ферула (*Ferula* spp.) сингари ўсимликлар ўсадиган паст-баландликлардан иборат қумликларда ҳам учрайди.

Қанотли имаголарнинг уядан учеб чиқиши баҳорда, одатда апрел-май ойларида, ёмғирдан кейин кундузги ва кечкурунги соатларда учеб чиқиши кузатилади.

Термитларнинг учиши кучсиз бўлиб, шамол узоқга олиб кетмаса, уя атрофидан йироққа уча олмайди. Маълум вақтдан кейин термитлар ерга қўниб қанотларини синдирадилар, тез югуришиб ўз жуфтларини излай бошлайдилар.

Уяни жуфт асосчилар кура бошлаб, биринчи тартибдаги камералар ҳосил қилувчи дастлабки вертикал ёки қия инчалар қаза бошлайдилар. Оила ривожланган сари, тепа камералардан янги камерали вертикал йўллар қурилади. Чиқарилган тупроқдан жуда паст, асосининг диаметри 50 см бўлган тўғри конус ҳосил қилиб, уларда иккинчи тартибдаги ясси камералар ясайдилар, уя ичидаги янги камера ва йўллар қурилиши давом этади. Мунтазам равища ва жуда секин тепага баландликка ва диаметрига ўса бошлаб, гумбаз шаклига киради. Тепача паст бўлганда, термитлар унинг остки тепа қисмида озми қўпми бир текисда жойлашади. Ер устки тепачаси ўсган сари уя ичидаги ҳарорат режими ҳам ўзгаради, жанубий-шарқ қисми шимолий-ғарб қисмига нисбатан кучлироқ қизийди.

Баҳорда термитлар бир мунча яшайдиган камераларига йигилиб, шимолий-ғарб совукроқ камераларига экскрементларини ташийдилар. Тепача ости яшаш қисми (капсула) дан ҳар йили термитлар учеб чиққандан кейин янгидан лой пўстлоғи билан қопланиши туфайли у мунтазам равища кўтарила боради. Бу ўз навбатида термит сув ўтқазмайдиган тақир тупроқли яшаш шароитидан келиб чиққан. Ёмғир кўп ёғиб сув ер юзасидан узок туриб қолган даврда ҳам уя дўнглиги бамисоли унинг томи сифатида уни сув босишдан, емирилишдан асрайди. Шунинг билан бир қаторда, бу дўнглик уя ичидаги аэрацияни яхшилайди ва ер юзаси ёмғир сув билан қопланганда уяни тезда кислород билан тўлдиришга хизмат қиласи.

2000 - йили ноябрда Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган Бадай-тўқай қўриқхонасидағи катта каспий орти термитининг уяларидан бири 160 см чуқурликкача қазилиб, унинг қуйидаги ўлчамлари қайд этилди, уя дўнглигининг

баландлиги 60 см, дўнглик асосининг диаметри 165 см дўнгликнинг юқориги эни кичик диаметри 131 см ер ости қисмининг энг катта диаметри 370 см, уя камераларининг энг чукурлиги 157 см эканлиги қайд қилинди.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек катта каспий орти термити уя дўнглигининг ҳажми термитлар лой сувоғи ҳисобида ҳам кенгаяди. Баҳор, ёз фаслларида термитлар жағларида лой ва тупроқ бўлакчаларини сўлаклари билан хўллаб, дўнгликлар устида юпқа лой пўстлоқлари ҳосил қиласидар. Аммо бу лой пўстлоқ дўнглик устига жипс ёпишмайди ва улар орасида бир оз бўшлиқ ҳосил бўлиб қолади.

Бу бўшлиқлар камераларга ўхаш хусусиятини бажаришга мўлжалланган бўлиб, улар орқали майда тешикчалар ёрдамида уядан ташқарига чиқишини, оралиқ бўшлиқлар эса термитларнинг лой суваш даврида бемалол ҳаракатини таъминлайди.

Янги лой сувоқлар эскиларидан ўзининг намиқиб турганлиги билан ажralиб туради. Аммо биринчи ёмғирдан сўнг бу лой сувоқлар термит уя дўнглигига маҳкам ёпишиб қолиши ва натижада оралиқ бўшлиқлар ва дўнгли сиртидаги тешиклар маҳкам бекитилиши, дўнгни усти эса силлиқланиб қолиши кузатилади. Дўнглик ўтсан сари у асимметрик шаклга киради, унинг тепаси аста –секин жанубий-шарқа қараб силжийди. Шимолий –ғарб қисм узунчоқ шлейф шаклида қолиб унинг ости камералари эски чириган экскрементлар билан тўлдирилган бўлади.

Уя ташқи қисми баландлиги ва шаклига маҳаллий шароитнинг турли физик-географик хусусиятлари жумладан рельеф, тупроқ, ўсимлик қоплами ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, Бадай-тўқай кўриқхонасининг жанубий ғарбидаги тақирсимон тупроқларда ювилиб кетмайдиган, қум босмайдиган баланд уялар учраса, Қизилкум ҳудудларидаги қумли тупроқларда эса нисбатан яссироқ шаклини уялар учрайди. Бу хилдаги уя қум кўчган жойдан бир мунча баландроқ бўлади (Хамраев ва б., 2000).

Юлғун ва саксовул буталари ўтсан тупроқ остида термитлар уялари қайд қилиниб бундай уялар дўнглиги бирмунча паст бўлади.

Ривожланган катта каспий орти оила термити уясида 30 мингдан ортиқ (Ильичев и др., 1987) ҳатто 52 мингдан зиёд (Кулимбетова ва б., 2002) термит зотлари бўлиб, уларнинг асосий қисмини турли ёшдаги личинка ва ишчилар ташкил қиласиди. Турли уялардаги навкарлар сони бир биридан кескин фарқланиб бу термитлар уясининг ташқи душманлар, биринчи навбатда йиртқич чумолилар хужумига дуч келадиган ерга жойланишига боғлиқ. Оила таркиби йил фаслига қараб ўзгариб туради. Баҳор ва кузда уя асосий микдорий сонини йирик ишчилар эгаллади. Ёзда кўпчилик ишчилар озиқа йиғиш мақсадида уядан ташқаридаги ер ости йўлларида фаоллик кўрсатганларни туфайли, уяда тухумлар, турли ёшлардаги кўп сонли личинкалар ва нимфалар пайдо бўлади. Кузда, қиши фаслида қишлоқ қолувчи қанотли зотлар ҳосил бўлади. Термитларнинг асосий озиқасини ўтсимон ўсимликлар ва яримбуталарнинг қуриган шохлари ташкил қиласиди. Ишчилар озиқани, тупроқ кесакчаларини жигилдон ажратган сўлак аралашмаси ёрдамида хўллаб бир бирига ёпиштирган юпқа лой сувоқ остида тўплайдилар. Максимал лой сувоқ ўрами интенсивлиги кундузги соатларда кузатилади. Бу термитлар нафақат ягона оилаларда яшабгина қолмай, балки бутун колонияларга бирлашиб унинг чегарасида бир-бирига ўтиб ва озиқа ташийдилар. Термитларнинг коллониал тарзда яшаси ва бир мунча масофага юра олиши уларга катта масофадан озиқа тўплаш имкониятларини яратади. Амалда ёз фаслида термитлар ўзлари тарқалган ҳудуддаги қуриган ўтсимон ўсимликларни қолдиқларини тўлиқ йўқ қилишлари мумкин.

Катта касбий орти термити сахро сертупроқ биоценозининг характерли ва муҳим элементи ҳисобланади. У тупроқ структураси ва таркибини жиддий ўзгартириб ўсимлик қолдиқларини чириндига айлантиришда фаол қатнашади ва озиқа занжири звеносида муҳим хизмат қиласи. *A.ahngerianus* табиий шароитда айрим жойларда ярим бута ва қум кўчиши олдини олувчи ўсимликларни ҳолсизлантирисада, вегетация давридаги яйлов ўсимликларига сезиларли зарар етказмайди.

Катта каспий орти термити, туркистон термитига нисбатан ахоли яшаш пунктларига бир оз қийинроқ мослашади. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг айрим худудларида бу тур шаҳар ва қишлоқлардаги туар жойлар ва биноларнинг зааркунандаси сифатида жиддий талофот етказмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Бадай-туқай қўриқхонаси худуди, шу туманнинг Оқ тау поселкаси, Хоразм вилояти Шовот тумани, Бухоро вилояти Қоровулбозор шаҳри ва х. Бу зааркунанда Беруний-Нукус автомобил трассасида телеграф симёочларининг 80% жиддий шикастлаган. Бундан ташқари катта каспий орти термити термир йўл шпаллари ва гидротехник иншоатларга ҳам жиддий талофот етказиши кузатилган.

Олий термитларнинг *Amitermes rhizophagus* Bel. ва *Microcerotermes turkmenicus* Lupp. турлари Туркманистон Республикаси худудларида камдан-кам (сийрак) учраб, катта миқдорий сонга эришмайдилар, шу муносабат билан гарчанд бу турлар қурилишларни ёғоч элементлари билан озиқлансаларда, аммо сезиларли зарар етказмайдилар.

Сариқ бўйин термит (*Kalotermes flavicollis* Fabr.) Кавказ Қора дengиз соҳилида учраб, қуриган дараҳт ёғочини чиритишида ва ўрмонда санитар вазифасини бажарувчи камсонли тур ҳисобланади. Аммо кейинги йилларда курорт худудларида боғ-парк дараҳтларининг зааркунандаси сифатида қайд этилган.

Ёруғликдан қўрқувчи термит (*Reticulitermes lucifugus* Rossi) Украинанинг жануби, Озарбайжон ва Арменияда эски дараҳт тўнкалари, қуриётган дараҳтлар, ярим буталар, бутачалар ва кўп йиллик ўсимликларнинг асосларига уя қуради. Тупроқдаги яшаш камераларининг чуқурлиги 50 см дан ошмайди.

Бу термит тури Украинанинг Николаев, Одесса вилоятларида ва Измаилда кўпчилик уйларни емириши қайд этилди.


Узоқшарқ термити (*Reticulitermes speratus* Kolbe.) бундан кўп йиллар аввал Япония ва Жанубий Кореядан Владивостокка олиб келинган *R. speratus* Хитойнинг айрим худудларида ҳам қайд этилган.

Владивостокда бу термит айрим яшаш ва хизмат биноларининг деворлари, поллари, шифтлари, дераза ва эшик ромларида ўрнашиб олиб зарар бериши аниқланган.

Термитларнинг етқазаётган зарари йилдан йилган ортиб бормоқда. Термитларнинг вайронагарчилиги туфайли келтирган зарари ҳеч -бир мамлакатда аниқ ҳисоблаб чиқилмаган. Ҳаммадан кўра АҚШда батафсил ҳисоблар шуни кўрсатадики бу давлатда термитлар талофатидан 1938 йили 40 млн доллар зарар кўрилган бўлса; ўтган асрнинг 50 йиллари -100; 60 йиллари - 250 млн долларга ортган; 70 йиллари - 500; 1982 йили 1,17 млрд долларни ташкил қиласи. 2000 йиллар бошига келиб термитларга қарши ҳар йили 2 млрд. доллар сарфлансада, талафотдан келтирилган зарар 1 млрд. ошган (Хамраев ва б., 2007).

2002 маълумотига кўра (Аминова, 2002) биргина Қорақалпоғистон Республикасининг термитлардан кўрган зарари 900 млн. сўмдан ошиб кетган.

Термитларнинг вайронагарчилик фаолияти асосан ёғочдан қурилган уйлар Хитой, Вьетнам, Конго, Австралия ва Миср каби мамлакатларда ҳалокатли тус олган. Биргина Австралияда термитлар туфайли ёғочдан қурилган 3 млн дан ортиқ бинолар шикастланган. АҚШ нинг Калифорния штатида таҳминан 4 мингдан ортиқ фирмалар фаолияти бу штат хонадонларини термитлардан ҳимоя қилишга қаратилган.



35-расм. АҚШ да термитлардан қўрилган иқтисодий зарар (млн. доллар хисобида)

Марказий Осиёда термитларнинг Туркманистанга келтирган катта иқтисодий зарар маълум (Какалиев, 1983). Тожикистонда термитлар муаммоси республиканинг шимолий минтақасида кескин ва жиддий тус олди. Айниқса Хўжанд ва Конибодом шаҳарларига термитлар катта иқтисодий зарар келтирмоқда (Баева и др., 1993).

Республикамизнинг барча худудларида, айниқса Фарғона ва Зарафшон водийлари, Сурхон, Қашқа ва Хоразм воҳалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида термитлар минглаб хонадонлар, корхона, мактаб, болалар муассасалари, касалхона, меҳмонхона, омборхона, молхона ва бошқа иншоотларга жиддий зарар келтирмоқда.

Шунинг билан бир қаторда инженер ва конструкторларнинг кўпинча ҳалокатни олдини олиш мақсадида хавотирланиб уринишлари асоссизdir, чунки улар термитларнинг бир қатор физиологик ва экологик хусусиятларни ҳисобга олмайдилар. Материал ва конструкциялар зааркунандаларидан авалламбор термитларни жамоа ҳосил қилиш хусусияти билан ажратмоқ керак. Терmit оилаларининг доимий уяларда яшаши, уларнинг барча жамоа аъзоларини маълум бир жойга яшашга боғлаб қўяди. Қанотли термит зотлари йилига бир марта уядан учеб чиқади ва улар шамол ёрдамисиз уядан узокқа уча олмайди. Вояга етганлари (имаго) уядан

ташқарыда бўлган даврда озиқланмайди. Кейин термит асосочилари тупроқда уяча қазиса, уларнинг ёғоч турлари имагоси албатта ёғочни кемиради.

Шундай қилиб тупроқ-термит турлари асосчилари ҳеч қандай материалларга зарар етказмайдилар. Қанотли термитлар оммавий учган даврда турли мосламалар ва аппаратураларга кириб қолиб уларни ифлослаши мумкин. Аммо бунда уларнинг зарари ҳар қандай озиқланмайдиган бошқа ҳашаротлари зааридан ортиқ бўлмайди.

Барча термитларнинг асосий заарарлаш табақа ва ривожланиш фазалари қанотсизларидир. Озиқа материалларига тушиб қолган битта-яримта термит зотлари, қоидага биноан оз-моз бўлсада у ерда яшай олмайди ва сезиларли даражада ҳам зарар етказмайди. Термитларни қоникарли ҳаёт кечириши учун ташқи шароитдан ташқари мос равишда ҳар бир тур учун маълум даражада улар зотларининг минимал сони бўлиши керак. Аммо тубан термитларда ташқи муҳитдан изоляцияланган кичик гурухлари ҳам қўшимча жинсий зотлар ҳосил қилиши туфайли ундан янги оила ривожланиб кучли зарар беради.

Тупроқ ва қуруқ ёғоч термитларнинг ҳаёт кечиришида биозаарланиш нуқтаи назаридан жиддий тафовут мавжуд. Қуруқ ёғоч термитлари камера ва йўлларини қуриш учун фақат ёғочни кемириб улар чегарадан ташқарига чиқмайдилар. Унинг наслсиз табақалари қурилиш ва конструкцияларга фақат ёғоч элементлари ва буюмлар орқалигина ўтиши мумкин. Бу термитлар заараланган ёғочлар билан ноозиқа материаллари орасида контакт бўлгандагина уларга ўтиши мумкин.

Тупроқ термитлари озиқа излаш мақсадида уядан бир мунча масофага кетиши мумкин. Бунда улар йўлига дуч келган бир қанча ноозиқа материалларни кемирадилар. Термитлар лой-сувоқ галерия қуришда, турли бўшлиқларни лой сувоқлар билан тўлдириб қўпчилик аппарат ва асбобларни ифлослайди. Бу термитларнинг йирик оиласи бўлиб, биноларнинг барча қисмига тарқалади, қўп сонли колониялар ҳосил қилиб натижада келтирадиган зарари жиддий равишида ортиб боради.

Кўпчилик тадқиқотчилар диққат эътиборини турли материалларни термитлар билан заарарлашга қаратганлар. Бу шунинг билан асосланадики, бундай материаллардан турли-туман буюмлар тайёрланиб, уларнинг конструкциялари кўпинча тез-тез ўзгариб туради. Шунинг билан бир қаторда термитларнинг кучли заарарлаши буюмларнинг конструкциясига бевосита боғлиқ. Буюмларнинг энг юқори барқарорлиги термитларни озиқа сифатида жалб қилмайдиган материаллардан фойдаланиш. Ёғочдан ёки термитлар озиқаси материаллари асосида тайёрланган буюмларни термитлар заарига чалинишига қараб қуйидаги 5 типга гурухланади;

1. Тўлиқ изоляцияланган буюмлар. Бу типдаги буюм-ёғоч ёки бошқа озиқа материал буюмлари термитлар билан kontaktланишни олдини олиш мақсадида, улар истемол қилмайдиган ва уларни ўзига жалб қилмайдиган материаллар билан доимий изоляция қилинган бўлади. Бунга герметизация қилинган буюмлар, кабеллар ва бошқалар таълуклидир. Буюмнинг устки қавати термитларни ўтказмайдиган тўсиқдан иборат бўлса, бундай ҳолларда ҳеч қандай қўшимча ҳимояга эҳтиёж қолмайди. Бунинг мисоли сифатида қоғоз билан изоляцияланган электр қувват ўтказувчи симларнинг қанақа бўлмасин бронлаштирилган кучли ток кабелини кўрсатиш мумкин.

2. Тупроқдан изоляцияланган буюмлар. Бу гурухга термитлар тупроқдан ўта олмайдиган биноларда жойлашган замонавий қурилишларнинг бетон ва тошдан ишланган ёғоч элементлари, мебель ва бошқа предметлар киритилади. Бундай конструкцияларни фақатгина қуруқ ёғоч термитларигина зааралай олиши мумкин.

3. Күчма буюмлар. Мамлакатимиз ҳудудларидағи ғилдиракли барча буюмларни эксплуатация қилиш давомида термитлар амалда уларга эриша олмайды. Фақат алохидә ҳоллардагина уларни ҳимоялаш зарурияты туғилади.

4. Инсон турар жойдан ташқарыда тупроқ билан контактта бўладиган буюмлар. Темир йўл шпаллари, телеграф симёғоч устунлари, кўприклар ва гидротехник иншоотларнинг ёғоч қисмларини чиришдан албатта ҳимояланади. Одатда бу тадбир заводларда ёғочга тошкўмир мойи, ёки креозотни чуқур шимдириш орқали амалга оширилади. Мой шимдирилган ёғоч узок йиллар давомида термитларни чўчитиши туфайли, улар билан заарланмайди.

5. Турар жойлар ва саноат иншоотлари айниқса термитлардан кучли зарар кўради. Марказий Осиё минтақасида қайд этилган 4 турдаги термитлардан икки тури-ўроқчилар туркистон ва катта каспий орти термитлар жиддий зарар етказади. Бу иккала тур ҳам тупроқ термитларга оид бўлиб уларнинг уялари тўлиқ ёки қисман тупроқка жойлашган бўлади. Бу термитларнинг зарари улар тарқалган ареалга тўғри келади. Бинолар ва иншоотларни термитлардан ҳимоялаш мақсадида муҳим ишлар амалга оширилмоқда, маҳсус конструкциялар ишлаб чиқилган (Какалиев, 1983; Хамраев ва б., 2001, 2007) ҳимоя чора тадбирларининг асосий принципларини кўриб чиқамиз.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики биноларни термитлардан ишончли ҳимоя қилиш уни тўғри лойиҳалаш ва қуриш орқали амалга оширилади. Заараланган биноларда термитларга қарши кураш анча-мунча маблағ талаф қиласади. Ҳар қандай бинони қуришда уни тупроқ термитлар зараридан узок муддатда ҳимоялаш мақсадида икки масала (вазифа) ҳал қилинади: қурилиш амалга ошириладиган бинолар остидаги тупроқда термитларни қириб йўқотиш ва бино атрофидаги тупроқдан унга термитлар ўтишини олдини олиш.

Биринчи вазифани ҳал қилишда йирик бинолар ости пойдевор ётқизиш учун 1,5 м ва ундан чуқурроқ қазилиб тупроғи олинади ва тупроқ билан бир йўла термитлар ҳам чиқарип олинади. Қурилиш остидаги тупроқ чуқурроқ ёки умуман қазиб олинмаганда иморатлар мўлжалланган майдонларда кимёвий препаратлар билан ишлаб чиқилади, сўнгра тупроқ ағдарилиб чопиб чиқилади ва йўл ғалтакмаси билан ер зичланиб чиқилади.

Иморатлар мўлжалланган майдонларда термитларни сув бостириш йўли билан ҳам йўқотиш мумкин.


Иккинчи вазифани ҳал қилишда уйлар қурилиши амалга ошириладиган лойиҳалар комплекс тадбирларнинг моҳияти шундаки, термитлар ер ости уясидан биноларнинг ёғоч конструкциялари ва бошқа қисмларига бўлган йўлига ўтиб бўлмайдиган кучли механик тўсик-термитоизоляция ҳосил қилишdir.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган ва жаҳон амалиётида бир неча ўн йиллаб синалган қуидидаги қоидаларга амал қилиш зарур.

Ёғоч конструкцияли бинолар термитларни ўтқазмайдиган, фундамент ва таянч деворларининг пастки қалинроқ қисми баландроқ бўлган, пишган ғиштларни теришда эса юқори маркали цементдан тайёрланган мураккаб қоришка ишлатилган, темирбетон ва бошқа термитларга қарши пишиқ материаллардан дастлаб тупроғи зичланган бетон ёстиққа жойлаштирилган асосга ўрнатилиши керак, ёки иморатнинг ярим ер тўласи тамоман шу материаллардан ишланган бўлиши керак.

Иморатнинг ёғочли конструкциялари остидаги тош фундамент ва деворнинг пастки қалинроқ қисми цемент қориши (1:1) билан 3 см қалинликда ёппасига сувалиши ёки бир-бирига зич тақалган, чекаллари (ички ва ташқи) ташқарига 5 см

чиқиб турадиган (45^0 бурчак ҳосил қилиб) ва зангламайдыган металл табақа ётқазилиши, ёки пастки қават қоқ ярмигача ёппасига бетондан ишланган бўлиши керак (36-37-расмлар).




36-расм. Подвалсиз биринчи қават полини ечиш схемаси (Какалиев, 1983)

1-девор, 2-лага, 3-ёгоч рейкали пол, 4-қалин бетон қават, 5-гидроизоляция қавати, 6-юпқа бетон қавати, 7-заҳарли кимёвий моддалар билан ишланган қум қавати, 8-термитларга қарши тўсиқлар

Термитларнинг иморат девори ва бетон қавати орасидаги тирқишилари ўтишига йўл кўймаслик учун девор ички периметри бўйлаб девор таги чўкишига қарши ёпиштириладиган изоляция ўрама материаллари билан махкамланади.

Бетон полларнинг иссиқлик чохлари ва деворга тегиб турган қисмлари битум (смола) билан тўлдирилади, деворлар периметри эса 5 см радиусдан кам бўлмаган цемент билан тузатилиши керак.



37-расм. а) Термитларга қарши түсиқларнинг жойлашиш ва ички деворнинг ташқарисига бириккан схемаси: 1-ташиқи девор, 2-гидроизоляция қавати, 3-4-термитга қарши түсиқчалар, 5- бетон фундамент.

б) Ҳимоя түсиқчалари устидаги биринчи қават поли түсниларнинг жойлашиш схемаси: 1-ташиқи девор, 2-термитга қарши түсиқчалар, 3- гидроизоляция қавати, 4-бетон фундаменти, 5-шамоллатиши панжараси, 6-ёғоч түсин (Какалиев, 1983)

Иморат тагидаги тупроқ қуруқ бўлиши учун, нам жойлардаги захни қочириш (дренаж) ни таъминлаш зарур.

Ергўладан хўжалик эҳтиёжлари мақсадида фойдаланиш, айниқса ўтин ва курилиш ёғоч материалларини сақлашга чек қўйиш керак. Бундай жойлар яхши шамоллатилмоғи зарур.

Курилиш жараённада иморат остидаги ва атрофидаги барча кераксиз ёғоч буюмларни иморатдан четлаштириш керак. Иморат остидаги тупроқ ёғоч материаллардан, ўсимлик илдизи ва қолдиқларидан тозаланиши керак.

Курилиш тугатилиши биланоқ унинг атрофига 1-1,5 м кенгликда бетон ёки асфальт ётқазилиши керак.

Уй деворига турли хил бошқа курилишлар, ёғоч дарвоза, пахса деворлар ёндошиб туришига йўл қўймаслик зарур. Чунки улар орқали термитлар ёғоч конструкцияларга фундаментни четлаб ўта олиши мумкин.

Иморатнинг осон заарланадиган қисмларини тупроқдан қатъий изоляция қилиш термитларнинг унга суқулиб киришига чек қўяди. Бундан ташқари термитларга ва чиришга қарши комплекс мажбурий тадбирлар куйидаги шароитлар таъминлангандагина иморат, иншоот ёки бинонинг узоқ йил туришига кафолат беради: барча конструкцияларга куриш учун кириш йўли, айниқса ер юзига яқин бўлган пастки қисмларига: конструктив ва кимёвий ҳимоя амалини мунтазам равишда назорат қилиб туриш, эҳтиёж туғилганда бундай чораларни қайта тиклаш:

кўринган термит йўлларини ва улардаги замбуруғ қатламини ҳамда термит уясини йўқотиш.

Термитлар билан заарланган уйлар капитал таъмиранади.

Капитал таъмирлашдаа бу ерда ҳам янги иморатлар курилишида амалга оширилган ишлар деярли бажарилади.

Аммо термитлар бино ва иншоотларнинг деворлари оралиғи, дераза ва эшик ромлари, шифт бостирмалари, том қалин тупроғи оралиғи, поллар остида йирик ўзига хос уя қуриб, катта талофат етқазиши туфайли ва бундан ташқари улар ноозуқа материаллардан: хом ғишт, тупроқ, оҳак, фибролит ва арболит плиталар, синтетик материаллар (пленка ва газламалар, кабеллар, сунъий тери ва б.к), алъюминий фолгаси, кўроғошин, юпқа мис, шунингдек, кабеллар, симларнинг юпқа ўрами озоляциясини кемириши, бундан ташқари мослама ва станокларнинг ичига лой тўплаши, бундай мослами ва станокларнинг айрим линиялари иш фаолиятини ишдан чиқариши туфайли жаҳон етакчи мутахасисларининг тадқиқотлари термитларга қарши амалдаги традицион усуллардан фойдаланиш истиқболсизлигини кўрсатди.


Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси зоология институти олимлари Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 й 27 август 07/1-398 сонли “Термитларнинг тарқалиши ва зааркунандалик фаолиятига қарши қураш чоралари” мажлис баёни қарорини бажара бориб термитларга қарши қурашнинг қўйидаги истиқболли йўналишларини: 1) норепелент кимёвий бирикмалар, хитин ингибатор синтези асосида тайёрланган заҳарли ва потогенли ем-хўраклар қўллаш ҳисобига термит зотлари ва улар манбаларини йўқотиш; 2) термитларга қарши барқарор материалларни, жумладан қурилиш материалларини яратиш соҳасидаги муҳим ишларни амалга оширилар. Биринчи усул асосан термитларни тўлиқ қириб йўқотишга йўналтирилган бўлса, иккинчи усул термитлар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу институтининг Умумий энтомология ва арахнология лобораторияси кўп сонли лоборатория, дала ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари ва кузатишлар натижаларига кўра, термитларга қарши заҳарли ва патогенли ем-хўраклар тайёрлаш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқди. Заҳарли ва патогенли биологик асосдаги ем-хўракли воситалар Хива шаҳридаги Ичон-Қалъа табиий музейи, Жума масциди ва бошқа ёдгорликларда, шу шаҳар “Мевастон” маҳалласи айрим хонадонларида, Жizzах вилоятининг Фориш туманидаги 70 дан ортиқ аҳоли хонадонларида, Кашқадарё вилояти Карабий, Косон туманлари ва Қарши шаҳрида 20 дан ортиқ хонадонларда қўлланилиб, термитларга қарши қурашда юқори самарага эришилди.

Термитлар мисолида ҳашаротлар томонидан материалларни зарарлаш биомеханикаси

Ҳозирги вақтда материалларнинг ҳашаротлар зарарлашига барқарорлигини баҳолаш давомий ва сермеҳнат биологик синовлар орқали амалга оширилади. Аммо бу вазифани бошқача ечиш ҳам мумкин - кемирилишга барқарор материаллар доирасини аниқлаб, уларни оғиз аппаратининг физик-механик хусусиятлари билан таққослаб кўриш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Бундай ҳолларда материал ва жағ аппарати силликланиб механик емирилишга дучор бўладиган ҳолларда, айниқса оғиз аппаратининг барча комплекс биомеханик хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш зарур (38-расм).


Мандибулалар – ҳашаротлар кемирувчи оғиз органларининг морфологик жиҳатдан энг пластик ва энг функционал кучланган элементларидир. Ишчи термитларда мандибулалар полифункционал бўлиб, улар озиқани тайёрлаш ва қайта ишлаш, йўл очиш, ин қуриш ва уни химоя қилиш, личинкаларни озиқлантириш ва уларни ташишда иштирок қиласидилар.



38-расм. Катта қаспий орти термитининг (охирги ёшдаги ишичининг) бош капсуласи уч асосий яссиликда (шартли белгилар текстда келтирилган) (Б.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987).

Бош капсуласининг мандибулалар қўшиладиган олдинги қисми очиқ трапециясимон аркни ҳосил қиласиди. Унинг бурчакларида мандибулаларнинг бош капсуласи билан шарнир биркмаси жойлашади. Юқориги кенгайган шарнир ўйик, пасткиси эса – шарнир уркач ҳосил қиласиди. Уларнинг марказлари орасидан бирлаштирувчи ўқ ўтган бўлиб, мандибула унинг атрофида айланади. Иккала мандибулаларнинг бириктирувчи ўқлари фронтал текисликка нисбатан орқага, шунингдек бошнинг ўрта чизигига қараб эгилган.

Ишчи термитларнинг мандибулалари уч қиррали пирамидани эслатади. Улар ҳажми катта қисмининг асосини очиқ бўшлиқ ташкил қиласиди. Медиал томондан мандибула апикал ва маргинал тишлари бўлиб, инцизор қисм ва қиррали майдончаси эса қирғич ўркачга эга. Бу ҳосилалар кучли пигментланиш ва энг катта қаттиклиги билан фарқ қиласиди (39-расм). Мандибуланинг медиал томонига катта тўрт пай бириккан бўлиб, узатма мушакни махкамлаш сиртини кескин оширади. Ўнг ва чап пайлар бир-бирига параллел ҳаракатланади ва мандибулаларнинг хар қандай ҳолатида деярли буралмайдилар.



**39-расм. *Anacanthotermes ahngerianus* ишчи термитининг мандибулалари
микроқаттиқлиги, кутикула юзасининг ўлчами (А) ва шлифларда (Б)**
(Б.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Мандибулаларнинг узатма мушаклари патсимон тузилишга эга ва бош капсуласининг катта қисмини тўлдирган ҳолда жуда катта қувватга эга бўладилар. Кўшимча жуфт узатма мушак (тенториал аддуктор) тенториум учбурчак пластинкасининг пастки қисмидан чиқиб мандибула ичига ўтади ва унинг пастки томонидан маҳкамланади. У мандибулаларнинг қисқаришини янада кучайтиради.

Мандибуляр аппаратининг кесувчи асбоб сифатидаги иш характеристи мандибулаларнинг айланма ва қайтма – илгариланма ҳаракати (асбобнинг асосий ҳаракати) элементлари билан ва терmit боши амалга оширадиган кўшимча параллел равишда қўзғаладиган ҳаракатлари билан белгиланади. Шунинг учун кесиш режимини характерлашда терmit мандибулалари билан ҳаракатсиз ишланаётган нарсани олиш ҳаракати ва асосий ҳаракатни амалга оширувчи асбоблар ўртасида функционал ўхшашликни (аналогик) келтириш мумкин. Айрим мандибуланинг ишида бирор нарсани думалоқ appa, фреза, ёниш станогининг кескичи билан кесишга мос элементларни топиш мумкин, бироқ иккала мандибулаларнинг биргалиқдаги ишида техник аналогиялар йўқ.

Намунанинг шакли ва ўлчамларини унга мандибулаларни қўлланилишининг учта асосий вариантини аниқлайди: мандибулалар инцизор қисмларнинг максимал очилишидан катта бўлмагандаги тўлиқ қамраб олиш; тўлиқ бўлмаган қамраш, бунда мандибулаларнинг учлари намуна бурчаги ёки бўртиб чиқкан қисмига қўйилади;

камралмаган, бунда иккала мандибула ҳам битта текисликка ёки айланманинг етарлича катта радиусли сиртга қўйилади. Биринчи ҳолатда асосий ишни инцизор қисмлари, иккинчи ва учинчи вариантларда эса мандибулаларнинг апикал ва маргинал кесишни бажаради.

Катта каспий орти термити табиатда қуруқ ўсимликлар билан озиқланади. Озиқанинг асосий қисмини ғалласимонлиларнинг поялари, шувоқ ва турли буталарнинг нозик шоҳлари бўлиб, уларни ишчи-озиқа-хашак тайёрловчилар мандибулалари орасида қисиб кеса оладилар. Нозик шоҳларни кесишида асосий ишни айнан шу вазифага мослашган инцизор қисмлар бажаради. Улар кесиш пайтида шоҳни қисиб туришга ёрдам беридиган эгик шаклга эга бўлиб, уларнинг кесувчи тиғлари эгри чизиқ бўйлаб “чархланган”, бу эса кесишининг кучайишини бир мунча пасайтиради.

Термит мандибулаларнинг апикал ва маргинал тишларига нисбатан қурак тишларининг барча характеристи ғарблаш мумкин. Биринчи навбатда яхши ривожланган энг муҳим чети борлигини қайд қилиш лозим. У уч қиррали бурчакнинг пастки, ичкарига қараган қирраси бўлиб, унга мандибуланинг ҳар бир тишларини ўхшатиш мумкин. Юқориги камроқ ўтқирроқ бўлмаган қирра ёрдамчи кесувчи бўлиб хизмат қиласди. Асосий ва ёрдамчи кесувчилар орасида кичик узун бўртма ва асосий кесувчи бўйлаб чуқур ўйик қилувчи тарновча мавжуд. Тишнинг қолган сирти бир текис бўртма шаклда. Шунинг учун асосий ва ёрдамчи орқа сиртлар аниқ билинмайди, аста-секин бир-бирига ўтади ва маълум айланиш радиуси билан тишчанинг учиди бирлашади. Айланиш радиуси айни ёшдаги термитнинг умри билан боғлиқ, чунки вақт ўтиши билан тишчаларни учлари ейилади.

Апикал ва маргинал тишчаларнинг асосий кесувчи четлари ёйсимон қийшайган бўлади. Уларнинг дистал учлари мувофиқ тишчанинг учларига чиқади, пароксималлари эса ўзаро яқинлашади. Кесувчиларнинг четлари туллашдан кейин айникса ўтқир бўлади, аммо вақт ўтиши билан эса бирмунча ёйилади. Ёғоч бўлагини тишлаб олишдан олдин ишчи термит одатда озиқ материални мўйлаб ва пайпаслагичлари билан текширади, кейин унга максиллаларнинг апикал тишларини санчади ва боши билан босади. Шундан кейин мандибулалар ишлай бошлайди. Уларни қисган пайтда бош сал орқага сўрилади, фиксаторлар ролини ўйновчи максиллалар уни ушлаб туради.

Тишлаш пайтида термитнинг юқори лаби кўтарилиган, пасткиси эса буқланган ва қисман чўзилган бўлади. Озиқанинг тишлаб олинган бўлаклари пастки лабга тушади ва гипофаринкс уларни моляр пластинкаларга ўтказади, бу ерда озиқа майдаланади ва сўлак билан хўлланади. Чап мандибуланинг қирғич сирти ўйик, ўнгники эса бўртиб чиқсан. Озиқа эзилаётган пайтда иккала пластинка ҳам тегирмон тошга ўхшаб ҳаракатда бўлади, бунда узунроқ бўлган ўнг пластинка чапгисига қараганда кўпроқ йўл босади ва айнан шу майдалangan озиқани оғиз бўшлигига итади.


Кемириш кинематикасининг асосини доимо ўнг ва чап мандибулаларнинг қарама-қарши айланма ҳаракати ташкил қиласди. Мандибулалар қўшилганда инцизор қисмлар қия жуфт кесиш жараёнини амалга оширади, бунда материалнинг кесилиши айни пайтда бир-бирига қарама-қарши ҳаракатланаётган иккита кесувчи четлари томонидан амалга оширилади. Бу механизм қайчига ўхшашиб, лекин мандибулалар бир эмас, балки иккита мустақил ўқда айланади.

Кўпчилик ҳолларда термит пояни бир ҳаракатда кесиб ололмайди ва жағларнинг ритмик тутлалашувини қўллайди. Бунда термит бошининг максиллар

билан махкамланиб унга кесувчи қисмларни поянинг битта жойига қўйишга имкон беради, бу эса унинг тез тишлаб олинишини таъминлайди.

Махсус мослама ёрдамида мандибулаларнинг сиқилиш цикларини акс эттирувчи гнатограммалар кўринишида кемириш жараёнининг динамик тасвири қайд қилинган (40 расм). Уларда частоталари 3,1 ва 0,4 Гц бўлган учта асосий жараён ажралиб турган бўлиб, улардан кўпинча иккинчиси ёки учаласининг ҳам комбинацияси амалга ошади. Қаттиқ кемиришга чидамли объект тишланадиган ҳолатда (масалан, мисс сими) термит объектни юбормаган ҳолда бир неча минут давомида мандибулаларни шундай режимларда узлуксиз сиқиб-ёзиб туришга қодир. Мандибулаларнинг сиқилиш кучи термитларнинг тана ўлчамлари ортиши билан ошади ва энг йирик термит ишчи зотларида 1 Н га етиши мумкин. Мандибулаларнинг максимал сиқилиш кучининг ўртача қийматлари V, VI ва VII ёшдаги ишчилар учун мос равищда 0,12; 0,28; 0,48 Н ни ташкил қиласди.

Пояни кесиб олиш учун оптималь шароитларга тиф поя ўқига перпендикуляр ҳолатда бўлгандан эришилади. Пояларни тишлаб олишда термит оғиз органларини айнан шу ҳолатга тўғрилади. Ниҳоят, термитлар жағлари кемиришда қўллайдиган анча кичикроқ кесиш тезлигининг – 0,5 м/мин атрофида бўлиши ўзини оқлайди, чунки тезликнинг ошиши билан пояни кесишда зўриқишиш (кучланиш) ҳам ортади. Бошнинг ҳаракатчанлиги ва максиллалар билан кемирилувчи предметни ушлаб олиш ҳисобига термитлар тупроқ юзасидан майда чўплар ва сомончаларни олиб, осонгина майда бўлакларга қирқадилар бунда ҳар доим уларни перпендикуляр тарзда кесадилар.



40-расм. Кемиришнинг уч динамик жараёни осциллографик гнатограммаси (Б.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987). *А*-юқори частотали жараён. *Б*-ўрта частотали жараён. *В*-куйи частотали жараён. *Б₁* ва *Б₂* ўрта частотали жараённинг катталашибтирилган тезликдаги ёйилган ҳолати.

Бундай мослашганлик термитларга мандибулаларнинг инцизор бўлаклар ёрдамида турли толасимон материалларни кесишга имкон беради. Айни пайтда,

юмшоқ толасимон (пахта, ватин) пахтасимон нозик толали материалларни термит қийналиб кесади. Толаларнинг кичик қисмини асосий массадан ажратиб олиб уни мандибулалари билан узок ишқалайди. Намат типидаги зич толаларни эса бир мунча осонроқ қирқади. Бу ундей материаллар айрим толаларининг мустаҳкам туриши билан боғлиқ бўлса керак. Шу омилнинг ўзи ипларни кесишда ҳам катта таъсир кўрсатади. Маълумки, учлари қаттиқ маҳкамланган, таранг турган ип қайчи билан, бўш турган ипга қараганда, анча осон қирқилади. Бир хил тортилиб ўралмаган ипларни термит осонроқ кесади. Йўғон ва мустаҳкам ипларни муваффақиятли тишланишига термитнинг узок вақт давомида кесиш нуқтасини ўзгартирмаган ҳолда даврий равищда мандибулаларни туташтира олиш қобилияти ёрдам беради. Шу туфайли мандибулаларнинг ҳар бир туташишида инцизор бўлаклари бутун ипни кесиб бўлмагунга қадар айрим миқдордаги толаларни кесадилар. Шунинг учун ҳам термитлар мандибулалари билан ушлай оладиган ҳар қандай қалинликдаги ипларни кеса оладилар. Ингичка ва йўғон ипларнинг шикастланишдаги фарқ уларни тишлаб олиш вақтидан иборат бўлади. Тўлиқ ҳажмда олганда, бу нафақат эластик ўсимлик ёки синтетик толаларга балки қуйма шишадан кўра бир неча поғона юқори микроминесда эгилувчан узилишга мустаҳкам ва таранг бўлган шиша толаларга ҳам тегишли. Шиша ип мандибулаларнинг инцизор четлари орасида қисилгандা толалар сина бошлайди, бунинг натижада бутун ипнинг тишлаб узилишига олиб келади.

Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, термитлар табиий, сунъий, синтетик ва шиша толалардан бўлган ҳар қандай матоларни шикастлай оладилар. Бироқ турли матоларнинг шикастланиш тезлиги бир хил эмас. Уларнинг термитларга қарши турғунлигига таъсир қилувчи асосий хусусиятлар қайчи ёки штамплар билан кесишда матоларнинг мустаҳкамлигини белгиловчи хусусиятлари билан бир хил: ипларни ўраш, уларнинг ўралиш тури, материалнинг зичлиги ва қалинлиги. Масштаб омилини ҳисобга олганда, айрим иплар ёки улар тўпламининг мандибулалар билан ушлаб олишга лойиқлиги биринчи ўринда туради. Жуда зич ва сертукли пахмоқ матолар энг барқарор бўладилар. Айрим шиша мато, парусина (канопдан тўқилган пухта мато), духоба, полотна айникса секин, матонинг ўртасидан шикастланади. Бу ҳолларда, эҳтимол дастлаб кесабошлашни инцизор четлари амалга оширмай, балки мандибуллар апикал тишлари кесадилар ва қачонки иплар мустаҳкам тишлангандан кейингина инцизор бўлаклари ишга тушади.

Синтетик ва целлюлоза пленкаларни, ҳамда шафоф минерал пластинкаларни четидан ёки букилган жойидан термитлар шикастлайди. Бу материалларни кесиш принципи толаларни кесишга гарчанд ўхшасада тишлаб узиш жараёнида одатда нафақат инцизор бўлаги, балки мандибулла тишчалари ҳам иштирок этадилар. Пластик ва латек қопламали текстил матолари ҳамда мураккаб пленкали материаллар, арматурали тўқималарни ҳам термитлар жағларининг ритмик бирлаштириб уларни четидан заарлайди ва бўлакни узиб олиш учун боши ёки бутун танасини ҳаракатлантиради. Бундай материаллар одатга кўра оддий мато ва пленкаларга нисбатан секин заарлансада, аммо уларнинг орасида барқарорлари топилмаган. Термитлар қоғоз ва картонни гарчанд четидан кемирсаларда, юқорида келтирилган усул билан қоғозни четидан ҳам кемириб заарлайдилар. Бунда термит қоғозни кемириш жойига, уни ҳўллаш ва юмшатиш учун сўлагидан фойдаланади.

Газ тўлдирилган пластмассаларнинг термит мандибулалари билан емирилиши материал микроструктураси ва унинг эластиклигига боғлиқ ҳолда пленка ва юмшоқ материаллар кемириш типи бўйича амалга оширади. Пенопластларнинг ғовакли структураси одатга кўра материалга термит мандибулаларининг киритилиши ва унда

максиллаларнинг ўрнатилишига яхши шароит яратади. Материалга мандибулалар киритилганда улар кўпроқ ёки озроқ миқдорда пленка деворларини сиқадилар. Бунда пленка қисмининг кесилиши ёки емирилишсиз сиқилиши юзага келади. Оҳирги ҳолатда термит бош ёки тана ҳаракати орқали тишланган материални узиб олишга ҳаракат қиласиди. Айрим пенополиуретанлардан термит боши ҳажмидаги ва ундан йирикроқ бўлакларни узиб олишга муваффақ бўлиб, бу ўз навбатида материалга оғиз аппаратининг тез киритилишига ва материалнинг каттагина қисми кемирилишни таъминлайди. Қаттиқ пенопластлар эластикларга қараганда камроқ шикастланади, бунда материалнинг шикастланиш даражаси ва унинг зичлиги ва шартли мустахкамлик чегараси ўртасида айрим боғлиқлик мавжуд бўлади. Бу моҳиятларнинг ортиши билан материаллар барқарорроқ бўлади.

Шундай қилиб, мандибулаларнинг морфологик, инструментал ва динамик характеристикалари биологик озиқа-ҳашак тўпловчи ўроқчиларнинг хусусиятлари (максиллалар билан ушлаш ва мандибулалар билан ритмик тишлаш) билан биргаликда ҳар қандай толали, пленкали ва ғовакли материалларни тишлаб узиб олишни таъминлайди.

Кўпчилик термитлар ёғоч билан озиқланади ва қурилмаларнинг ёғоч қисмларини шикастлай оладилар. Механик хусусиятига кўра ёғочни тишлашда унинг қаттиқлиги таъсир кўрсатади. Анча олдиндан маълумки турли ёғочларнинг термитларга барқарорлиги уларнинг қаттиқлигига ва йиллик халқаларнинг кенглигига бевосита боғлиқдир.

Ёғочлиги қаттиқ бўлган баъзи турлар (гледичия, робиния) термитлар томонидан кам шикастланади. Одатда улар даражтнинг эрта ёш йиллик халқа қават қисмидан кемира бошлишади ва қаттиқ ёғочлик кейинги қатламларини қолдиришга ҳаракат қиласидилар. Қаттиқлик даражасига кўра барча даражат турлари 3 гурӯҳга бўлинади: юмшоқ (қаттиқлиги $40 \text{ Н}/\text{мм}^2$ ва ундан кам), қаттиқ (41 дан $80 \text{ Н}/\text{мм}^2$ гача) ва жуда қаттиқ ($80 \text{ Н}/\text{мм}^2$ дан ортиқ). Оҳирги гурӯҳга оқ акация, сариқ қайнин, граб, қизил, шамшод, писта, хмелеграб, зарноблар мансуб. Бу қийматлар қуруқ ёғочнинг стандарт намлиги 12% бўлганда берилган. Бундай қуруқ ёғочда термитлар амалда ҳеч қачон учрамайди. Фақат «қаттиқ ёғочли» деб номланувчи термитларгина ёғочга очиқдан-очиқ кира оладилар, лекин улар, масалан сариқ буйинли термит, жуда нам иқлими, хужайра деворларининг намлиги тўйинишига яқин бўлган шароитда яшайдилар. Бошқа термитлар ёки тупроққа тегиб турган нам ёғочни шикастлайдилар, ёки уни дастлаб тагида ҳавоси юқори намликка эга бўшлиқ хосил бўладиган қилиб лой билан чаплайдилар. Термитлари бўлган ёғоч ичидаги йўл ва камераларда тўйинишига яқин бўлган ҳаво намлиги сақлаб турилади. Бундай шароитларда ёғочнинг термитлар билан контактда бўлган қисмлари кемириш пайтида сўлак билан хўлланиш туфайли айниқса ошиб кетадиган юқори намликка эга бўлади.

Хужайра девори намликка тўйинган ёғочнинг қаттиқлиги игна баргли даражат турлари қаттиқлигига нисбатан бир мунча паст бўлади, масалан, баргли даражалар ёғочи кўндаланг кесими хўлланганда унинг қаттиқлиги тахминан 2 марта, нинабарглиларда эса 1,5 марта пасаяди. Термитлар амалда асосан шундай ёғочларни кемирадилар.

Ёғочнинг термитлар билан шикастланиш механизмини ўрганишда масштаб омилини ҳисобга олиш айниқса мухимдир. Микроскопик даражада ёғоч-ғовак материал бўлиб, ундаги ғовакларнинг сони ва ўлчамлари ўтказувчи найлар ва трахеидалар бўшликлари сони ва ўлчамлари билан аниқланади. Кесимнинг ҳар

қандай текислигига улар күп сондаги ўйықлар, каналлар ёки ғовакларни хосил қиласылар, бу эса мандибулалар кесувчи қысмларининг кириши ва максиллаларнинг махкамланишига имкон яратади. Бунинг ҳисобига термитлар деярли ҳар қандай тоза ишланган ёғоч сиртларни шикастлай оладилар.

Ёғочнинг замбуруғлар билан заарланиши унинг механик ҳусусиятларини пасайтиради ва уни термитлар заарига ўнгай қилиб қўяди.

Тўлдирилган ва тўлдирилмаган полимер пресс-материалларни лабораторияда ва табиатда синааб кўриш натижалари шуни кўрсатадики, термитлар улардан баъзиларнигина шикастлай оладилар. Шикастланувчи материалларга баъзи термо-пластилар, биринчи навбатда юқори босим полиэтилени ва пластифицирланган поливинилхлорид киради. Бироқ улар орасида ҳам барқарор маркалари мавжуд. Баъзи ҳолларда пластмассалар барқарорлигининг пластификаторлар ва бошқа компонентлар кимёвий ҳусусияти билан боғлиқлиги кузатилади, бироқ бундай материалларнинг юқори даражадаги барқарорлиги уларнинг физик-механикавий ҳусусиятлари хоссалари билан аниқланади.

Қўйма ва прессланган текис ёки термит мандибуласига нисбатан катта (радиуси, айланмаси) қінғир қийшиқ пластмассалар намуналарини термит мандибулалари билан емирилиш жараёнини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Кўпчилик пластмасса техник буюмлар айнан шундай сатҳга эга бўлади. Кўрамизки умуман термитлар ва айниқса ўроқчилар силлиқ юзага эга, ғоваксиз қаттиқ материалларни кемиришга мосланмаганлар. Аммо амалда бундай материаллар термитлар билан заарланиши мумкин, чунки улар термитларнинг қатор экологик ва морфологик ҳусусиятлардан чегараланган.

Термит мандибулалари томонидан пластмассаларнинг емирилиш жараёни учун материалнинг қаттиқлиги, зичлиги, пластиклиги ва баъзи бошқа хоссалари, шунингдек шакли ва сиртнинг тозалиги (гадир-будирлиги) тўқсинглик қилиши мумкин. Барқарорликка айниқса материалнинг қаттиқлиги кўпроқ таъсир қиласи.

Айни пайтда маълум материални кесиш жараёнининг самараси инструментал материалнинг механик комплекси ҳусусиятлари билан аниқланади. Улар орасида барқарорлик, емирилишига пишиқлилик, қайишқоқлик ва зарур ўткирликни сақлаш қобилияти олдинги ўринда турадилар. Бироқ (пишиқликдан ташқари), барча ҳусусиятлар, айниқса инструмент узоқ ишланганда таъсир кўрсатади. Ноозика қаттиқ материалларнинг заарланиши кўпчилик термит зотлари иштирокида амалга оширилиши мумкин, шунинг учун улар мандибулларининг чархланганлиги ва ўтмас бўлиб қолганлиги материалнинг емирилиш тезлигига таъсир кўрсатади, аммо у тўлиқ заарланишининг олдини ололмайди. Инструментал материалнинг механик ҳусусиятларидан, кесув имкониятини аниқлашда қаттиқликнинг ўзи биринчи ўринда туради.

Ҳашаротлар кутикуласининг қаттиқлиги тузилиш жиҳатдан мустахкам структурали хинон билан дубелланган оралиқ экзокутикуляр қатламнинг ривожланиши билан боғлиқ. Мандибулалар олд тиши четининг ташқи қабат кутикуласининг максимал қаттиқлиги $380 \text{ Н}/\text{мм}^2$ (39 расмга қаранг). Апикал тищдан моляр қисм томон йўналишда микроқаттиқлик 441 дан 314 $\text{Н}/\text{мм}^2$ гача, максимал қаттиқлик эса 980 дан 588 $\text{Н}/\text{мм}^2$ гача камаяди; энг кичик қаттиқликка ($196 \text{ Н}/\text{мм}^2$) мандибуланинг оч ранг кутикуласига эга бўлади. Кутикула қаттиқлигининг шубҳасиз пасайиши, унинг пигментацияси бора-бора кучизланишига боғлиқ ҳолда ҳамда тишларининг учидан асосига томон ҳам кузатилади.

Одатда юқори пластиклікка эга бўлган пластмассалар учун, инструмент (асбоб) каттиқлигининг минимал қиймати ишланаётган материал қаттиқлигидан камида 2 марта катта бўлиши керак. Бундан келиб чиқадики, термит мандибулаларнинг $980 \text{ Н}/\text{мм}^2$ қаттиқликка эга бўлган тишлари $490 \text{ Н}/\text{мм}^2$ тартибдаги қаттиқликка эга пластик материални заарлай оладилар.

Кўпчилик пластмассаларнинг қаттиқлиги кўрсатилган қийматдан ошмайди, аммо уларнинг кўпи термитлар томонидан заарланмайди.

Материалнинг сирти текис бўлган тақдирда, кемиришнинг аниқловчи омили сифатида мандибулаларнинг очилиш бурчаги ва у билан боғлиқ кесиш кучининг йўналиши ҳисобланади. Мандибулаларнинг максимал очилиш бурчаги йирик ва ўртача катталиқдаги термитларда $70\text{--}80^\circ$, бу дегани, термит намуна сиртига параллел равишда бош орал текислигини ориентир қилганда кесиш кучининг йўналиши (мандибула харакат траекториясига тегишли) мандибулалар туташганда, намуна сатҳидан оғади. Бошқача айтганда, мандибулаларнинг айланма харакати ўз-ўзидан кесувчи милк қиррасининг материалга киргиза олишни таъминлай олмайди.

Термит бошининг орал текислик ориентацияси намуна сиртига перпендикуляр бўлганда, мандибул тишлари сагиттал текислика нисбатан мандибул ўқи айланмасининг бир оз эгилган ҳолда ишлаши мумкин, бу вектор (микдор ва йўналишга эга бўлган катталик) кучини материал чуқурлигига йўналтиришни таъминлайди. Бу кучлардан таркиб топган, мандибулларни материал сатҳига (куч бериш, ёки меъёрдаги куч Q) сиқиши, кесиш қиррачаларини материалга киритилишини таъминлайди. Кесиш жараёнининг ўзи эса, мандибуланинг сиқиши туфайли, уринма йўналиши траекторияси кесишига қарши вужудга келиб, бунда кесиш кучи P .

Термит материалдан қиринди ажратиб олиши учун, кесиб олинаётган қириндininг минимал қалинлигидан келиб чиқсан ҳолда мандибулаларни материал сиртига кучли босиши ва мандибуллаларнинг кесувчи элементларида кесиши кучини бартараф қиласидан зўрланишини ривожлантириши керак.

Кесиш кучи (P) кесиладиган материал майдони кесим қавати (F) ва солиштирма кесиш кучи (p) билан аниқланиб, унинг ўлчами ҳаммадан кўра ишланадиган материалга: $P = Fp$ боғлиқ.

Тадқиқотларда олинган маълумотга кўра мандибуланинг максимал сиқиши кучи 1 Н ташкил қиласиди. Бундан келиб чиқсан ҳолда термитнинг максимал солиштирма кесиш кучи $294 \text{ Н}/\text{мм}^2$ етиб, яъни у етарли юқори ҳисобланади. Турли ёғочларни механик ишлашда одатда кичикрок солиштирма кесиш кучи ривожланади. Кўпчилик пластмассаларни ишлаш учун ҳам шу тартибдаги солиштирма кесиш кучи хос бўлади.

Натижада шуни айтиш мумкинки, термит томонидан ривожлантириладиган мандибулаларнинг сиқиши кучи, унинг мустахкамлиги каби кўпчилик қўйма ва прессланган синтетик материалларга зарар келтириш учун чеклов бўлолмайди.

Субстратни кемириш жараёнидаги мандибулаларнинг қарама-қарши харакатидан ташқари термит боши билан турли хил ҳаракатларни, жумладан узатиш характеристини ҳам амалга оширади. Мандибулани материалга сиқувчи узатиш кучи ҳашаротни оёқларига таяниши, максиллалар ёрдамида бошининг маҳкамланган кучи ва буйин мускулларининг таранглашиши натижасида юзага келади. Узатиш кучи одатда субстрат булакларининг узиш билан галланади ва охиргиси абсолют катталиги жиҳатидан 2-5 баробар юқоридир. Субстрат бўлакларини узуб олишда

термит 0,1 Н га яқин максимал қучланиш ҳосил қила олади ва бунда узатиш кучи атиги 0,02-0,03 Н, баъзан 0,05 Н га етади.

Термитларнинг озиқланиш хусусияти уларинг узиб олишда иштирок этувчи мушакларнинг ривожланишига сабаб бўлган. Мандибулани субстратга ёпиштирувчи мускуллар эса бирмунча кучсиздир. Охирги ҳолатда эса максиллалар актив иштирок этади.

Материал қиртишлаши назариясининг таъкидлашича, қайта ишланаётган текисликка нормал йўналган Q кучи қайта ишланаётган материални босувчи асбобнинг учи вектори материал юзасидаги асбоб учи жойлашувига қарама-қарши йўналган кесиш кучи Р катталигидан ошиқча бўлиши керак. Қиртишловчи учнинг пластик материалга таъсири жараёнида Q кучнинг ўзгариши натижасида қиртишлаш жараёнининг характеристи ўзгаради. Q кучининг кичик бирлиги фақатгина қиртишловчи учнинг материал юзаси бўйлаб сирпанишини келтириб чиқаради. Q кучининг маълум қатталикка ошиши натижасида материал юзасида дастлабки босим қипистиришда тирналиш кейин эса киринди ажратилади. Бу жудаям зарур. Кузатишлар шуни кўрсатадики, термитлар турли хил пластмассаларни қиртишлашда максиллаларини нисбатан юмшоқ бўлган материалларга, масалан поливинилхlorидли пластикат ва юқори босимли полиэтиленга (айрим маркалари) кирила олади. Нисбатан қаттиқ материалларга термитларнинг максиллалари ўтмайди ва табиийки узатиш кучида иштирок этмайди. Максиллаларнинг таянчисиз термит 0,05 Н дан кўп бўлмаган нормал кучни ҳосил қила олади ва бунинг натижасида кесувчи кисмлар қаттиқ пластмасса юзасига салгина ботади.

Башарти тадқиқотларда олинган кўрсаткичлардан икки баробар кучлироқ узатиш кучини ҳосил қила олсан материални қиртишлаб унинг кириндисини узиб олиб термит мандибуласи 0,1 Н дан ошувчи кесиш кучини енгиги ўта олмайди яъни катта кесувчи кучда уларнинг кесувчи қирралари материал юзасида сирпанади холос. Шундай қилиб, мустахкамланмаган максиллаларда термитнинг кемирувчи кучи пасяди ва термит кесилишининг солиштирма кучи $30 \text{ Н}/\text{мм}^2$ дан ошмайдиган материални емира олмайди. Бу курсаткич кўпгина сунъий материаллар учун этишмайди. Силлиқ юзага эга бўлган материалларнинг термитлар томонидан заарланиш эҳтимоли бундай юзага максиллаларнинг мустахкамланиши ва уларнинг бу ишда иштирок этиши билан боғлиқ.

Охир оқибатда барча ғоваксиз силлиқ текис юзага эга ва целялюзда тўлдирувчиларига эга бўлмаган, $98 \text{ Н}/\text{мм}^2$ ($10 \text{ кгс}/\text{мм}^2$) дан юқори зичликка эга пластмассалар термитлар заарига чидамли деб тан олинган. Бундай мустахкам материаллар орасига деярли барча фенопластлар, конструкцияли шишапластлар ва бошқа кўпгина материаллар киради.

Материалларнинг ҳашаротлар заарига барқарорлиги

Микроорганизмлардан тортиб сут эмизувчиларгача - материалларни заарловчи заракунандалар орасида ҳашаротлар ўзига хос бўлган комплекс гурухни ташкил этиб қатор ихтисослашган хусусиятлар ва умумий хоссаларга эга. Бу эса умумий тарзда уларнинг материаллар билан ўзаро боғлиқ характеристли хусусиятини қараб чиқиши тақазо қиласи, бу эса ўз навбатида материални у ёки бу даражада заарланишга барқарорлигини юзага келтиради. Конструкторлар, лойиҳачилар, материалшуносалар тўқнаш келадиган асосий савол мазкур материал ёки буюмга ҳашаротлар зарар етказадими?

Бу саволга ҳамма вакт ҳам жавоб топиб бўлмайди, чунки барқарорлик бир қатор омиллар комплексига боғлиқ.

Кўп ҳолларда материалларнинг барқарорлиги ўсимликларнига ўхшаб нисбий ҳисобланади. Бу мазкур материални унга аналогик бўлган у ёки бу даражада зарарланадиган бошқаси билан солиштириб аниқлаш мумкин. Бунда ҳашаротларнинг аниқ тури ёки гурӯхига нисбатан материалнинг абсолют ёки тўлиқ барқарорлигини айтиш мумкин. Жуда кўпчилик металлар ва улардан тайёрланган буюмлар турли ҳолатларда, ҳар хил иқлим ва экологик шароитларда ҳам ҳар қандай ҳашарот турларининг зарарига барқарорлидир.

Материал қанақа бўлмасин унинг барқарорлиги органолептик, антибиотик ва конструкцион хусусияти ва ҳашаротларнинг хулқ-атвори билан аниқланади. Ҳашаротнинг турли хил таъсирловчиларга реакциясини чуқур англаш учун зарарли ҳашарот турларининг хулқ-атворини ўрганиш ва уларнинг мураккаб табиат ёки инсон томонидан яратилган вазиятга ориентация қилиш хусусиятларини пухта ўрганишни талаб қиласи.

Материалнинг органолептик хусусиятлари ҳашаротнинг кўриш, химик ва тактил рецепторларига таъсир этади. Бундай таъсир орқали материал ҳашаротни жалб қилиши ёки ўзидан узоқлаштириши мумкин. АтTRACTANTЛИК (жалб қилиш) материалнинг шундай хусусияти, у орқали ҳашаротлар озиқни излаб топишни, тухум қўйиш, яшириниш жойини ёки бир пайтнинг ўзида бир неча мақсадни амалга оширади. Олдинги авлодлар тажрибаси асосида ҳашаротларнинг хотирасида бир қатор жалб қилувчи хусусиятларга эга бўлган озиқа манбаи хақида умумлаштирилган образ намоён бўлади. Бундай объектнинг атTRACTANTЛИК унинг ҳашаротларга визуал, химик ва тактил стимуллар воситасида келиб чиқади. Улар ҳаммаси бир пайтда ёки ҳашаротнинг объектга яқинлашишига қараб кетма-кет таъсир қилиши мумкин.

Ҳашаротлар объектнинг барча визуал (кўринадиган) характеристикасини, яъни унинг шакли, ўлчами, ранги ва ёритилганлигини идрок қила олади; бундан ташқари улар объект ва унинг қисмлари ҳаракатини сезади. Бу хусусияти уларга озуқа объектини ҳар хил масофалардан ва турли ракурслардан билиб олишга ёрдам беради.

Кўриб чамалаш мақсадга қаратилган қидирав йўналишини аниқласада, кўпинча бунга химик таъсиротлар, биринчи навбатда ҳид билиш хусусияти ёрдам бериши ва у етакчи роль уйнаши мумкин. Ҳашаротларнинг хеморецепторлари ольфактор, яъни газсимон ҳолатдаги моддани ҳидини қабул қилувчи ва контакт, яъни суюқликларнинг таъмини қабул қилувчиларга бўлинади. Ҳидга нисбатан мўлжал олиш хилма-хилдир. Яқин ва узокдан ҳид билиш ориентациялари фаркланади. Биринчи типга жинсий феромонларга нисбатан ориентация кириб, уни ҳашаротлар манбадан бир неча километр узоқда бўлгани ҳолда қабул қила олади. Айрим озуқа субстратлари (янги тезак, ҳайвонларнинг ўликлари) ҳам ҳашаротларни узоқ масофалардан ўзига жалб қилиши мумкин. Яқин ольфактор ориентацияга характерли мисол сифатида термитларнинг из феромон ҳидига қараб ҳаракатланиши ҳисобланади. “Ҳидли йўлак”нинг кенглигига 1 мм дан ошмайди ва у бўйлаб термитлар ҳеч қаёққа оғмасдан тўғри ҳаракат қиласи. Бунда термитлар қабул қиладиган ҳиднинг масофаси бир неча миллиметр ёки сантиметрдан ошмайди. Биологик жиҳатдан ориентациянинг икки типи ҳам тушунарлидир. Биринчи ҳолатда урғочини қидириш кенг ҳудудда амалга ошилса, иккинчисида эса еrosti лабиринти йўлларида манзилга қараб аниқ ҳаракатланишга ёрдам беради.

Материалнинг физик тузилиши ва унинг юзаси характерининг механик таъсирловчи реакциялар орасида асосий ўринни эгаллади. Турли хил тирқищчалар, чуқурликлар ва бошқа яшириниш жойларининг мавжудлиги ҳашаротларни ўзига жалб қилиши мумкин. Фадир-будир юза уларнинг ҳаракатланишига қулайлик туғдиради. Аксинча, силлиқ ва текис юза уларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қиласи, яъни илашиб ва ёпишиб олишга йўл қўймайди. Юзанинг ҳарорати ҳам катта аҳамиятга эга: совук предметларга ҳашаротлар ўтирамайди, иссиқлари эса ўзига жалб қиласи.

Ички стимуллар таъсири - очлик ҳиси ёки тухум қўйиш зарурати ҳашаротнинг умумий ҳаракатланиш фаолигини оширади. Шундан кейин йўналтирилмаган субстратни мос равища излаш бошланади. Учувчи имаголарда излаш мокисимон ёки айланма учишлар, личинкаларда эса тухумдан чиқсан жойдан турли томонга ўрмалаб кетиши билан намоён бўлади. Бу босқичда ҳашаротнинг у ёки бу материалга тасодифий тушиб қолиши рўй беради. Аммо одатда бу излашнинг биринчи босқичи бўлиб, бунда ҳашаротнинг барча рецепторлари фаол ишлай бошлайди ва шундан кейин иккинчи босқич бошланади. Иккинчи босқичнинг бошланишига бирор-бир ташқи сигнал – стимули сабабчи бўлади. Бундан кейинги ҳаракатлар йўналтирилган бўлади ва субстратни текшириш контакт изланиш билан тугалланади. Ҳашаротнинг якунловчи реакцияси намунани татиб кўриш ҳисобланиб, ундан сўнг мазкур материал истеъмол қилинади ёки рад этилади

Умуман олганда ҳашарот учун яшириниш, озуқа ёки тухум қўйиш жойи бўлиши мумкин бўлган субстратни излаш турли хил таъсирловчиларнинг занжир реакциясини қамраб олиб унинг тўплами ҳашарот турига, экологик мұхитга ва субстратга боғлиқдир.

Ҳар қандай ўсимлик ва ҳайвон материаллари таркибига ҳашаротларни жалб қилувчи, улар учун бефарқ ва ёқимсиз моддалар киради. Уларнинг миқдорли нисбати ҳашаротлар хулқ-атворини белгилайди. Одатда озиқа материалларида атTRACTANT моддалар ҳашаротларни жалб қилувчи ҳид ёки таъм ҳосил қиласи.

Материалларнинг органолептик хусусиятларини белгилаб берувчи икки асосий барқарорлик типи мавжуд: 1) барқарор материал юкори даражада бир ёки бир неча жалб қилувчи моддалардан маҳрум; 2) барқарор материал ёқимсиз хусусиятларга эга бўлиб, улар жалб қилувчи қўзғатувчиларни ўрнини босиб улар билан рақобатлашиши ёки уларни маскировка қилиши мумкин.

Биринчи ҳолда хом ашёга ишлов бериш жараёнида айрим моддаларни олиб ташлаш амалга оширилади, аммо одатда бундан кейин ҳам материалнинг атTRACTIVLIGI уни комплекс қабул қилиш кучига боғлиқ ҳолда нолга тушиб қолмайди. Бундан ташқари қўзғатувчилар занжиридаги узилишга қарамасдан ҳашаротда озуқа материалини тасодифий татиб кўриш ва хатолар билан боғлиқ бўлган имконият мавжуд. Изланишнинг муваффақияти маълум даражада ҳашаротлар популяциясининг зичлиги билан боғлиқ. АтTRACTANTLICKNING нолгача тушиши материални бутунлай заарланишдан сақлай қолмасдан уни тасодифий заарланивчи обьектлар қаторига киритади. Аслини олганда, барча ноозиқа материаллари ҳашаротлар учун ўта паст атTRACTANTLICKKA эга, аммо аниқ шароитда қўлланганда ҳашаротлар ҳужумига дуч келиши мумкин. Ёқимсиз хусусиятлар материалга юкори барқарорлик беради.

Кўп ҳолларда органолептик хусусиятлар ўсимликларни химоя қилишда иккинчи даражали ҳисобланиб, материалларни барқарорлигига эса, кўпчилик ҳолларда уларга афзаллик берилади.

Антибиотик хусусиятлар ҳозирги даврда барқарорликнинг энг қимматли шакли ҳисобланади. Улар ҳашаротларнинг ҳаётий фаолиятини огоҳлантириш, тўхтатиш ёки уларни йўқ қилиши мумкин.

Барқарор материалнинг ҳашаротларга антибиотик таъсири даражаси турлича бўлиши мумкин. Кўпинча барқарор материалларда ҳашаротларнинг нобуд бўлиши жуда тез, бир неча соат ёки сутка давомида рўй беради. Бу антибиотик таъсирнинг дастлабки жиҳати ҳисобланиб энг оддий ва кўп кузатиладиган ҳодиса-материалнинг токсиклиги ҳисобланади. Антибиотик хусусият таъсирнинг иккинчи жиҳати материалнинг инсектистатик таъсири ҳисобланиб, уларнинг сабаб ва фаолият шакллари турлича бўлиши мумкин. Энг кўп учрайдиган ҳодиса - материалда айrim ёки кўплаб озуқа моддаларининг – витаминлар, оксиллар ва бошқаларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Масалан, куя қуртлари тоза ювилган жунда ифлосланган жундагига нисбатан бир мунча ёмонроқ ривожланади. Мазкур ҳодиса термитларни соғлом ёғоч билан озиқланганда кузатилади, аксинча улар чириган ёғочларда анчагина яхшироқ ривожланади. Айrim материалларда маълум зааркунанда фақат қисқа вақт давомида яшаб ва кўпаймаслиги мумкин. Бошқа ҳолларда личинкалик ривожланиш стадиясининг узайиши, туллаш даврида нобуд бўлиши ошади, имаго тана ўлчамининг кичиклашиши, умрининг қисқариши, жинсий маҳсулдорлигининг озайиши, натижада зааркунанданинг материалдаги миқдорий сони камаяди. Антиметаболитлар ва бошқа моддалар маълум концентрацияларда ҳашаротларнинг муҳим ҳаётий функция ва огранизм жараёнларига таъсир этиб ва уларнинг ўсиши ва ривожланиши хамда кўпайишини тўхтатадиганларни инсектистатлар дейилади. Улар озиқланиш ва алмашинув жараёнларига таъсир қиласи, янги кутикуланинг ҳосил бўлишини тўхтатади, гормонал мувозанатни бузади, хамда рецепторларнинг таъсирчанлигини тормозлаб қўяди.

Буюмларнинг конструкциявий хусусиятлари озуқа материалларининг барқарорлигига муҳим роль ўйнаши мумкин. Бундай барқарорлик ҳашаротларнинг озуқага этиб бора олиш қобилятсизлиги, масалан, тўғри курилган уйларда, турли хил конструкциялар ҳашаротлар учун озуқа материалига ўтиб бўлмайдиган қалин лак бўёқ қопламалари билан бўялганда.

Ҳашаротларнинг ноозика материаллар билан ўзаро боғлиқлиги одатда юқорида келтирилганлардан фарқ қиласи. Камдан кам ҳолларда ноозика материаллари ҳашаротларни ўзига жалб қиласи. Масалан, айrim пенопластлар термитларни жалб қилувчи ҳисобланади. Аммо мазкур ҳолатда «жалб қилиш» нинг ўзи жиддий равишда бошқача ҳисобланади. Термитлар дастлаб бундай материални кемириб ичидаги бўшлиқ ҳосил қиласи ва кейин мослашади. Ноозика материаларининг кўпчилиги ҳашаротларни жалб қилмайди. Улар ҳашаротлар учун ё нейтрал ёки салбий таъсир кўрсатади. Охиргиси репеллент таъсир хусусиятига эга бўлади, масалан, резиналарнинг айrim маркалари, герметиклар ва айrim пластмассалар бунга мисол бўла олади. Натижада ҳашаротлар бундай материаллар билан алоқа қилишдан қочади. Ҳашаротларнинг ноозика материалларини кемиришига уруниши натижаси улар оғиз аппаратининг инструментал хусусиятлари ва материалнинг физик-механик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткичларнинг айrim критик нисбатларида материал бутунлай ҳашарот томонидан кўрсатиладиган механик таъсирларга тўлиқ барқарорли бўлади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам унга зиён етмайди. Ҳашаротлар томонидан ноозика материалларнинг заарланиши ҳамиша ҳам буюмнинг яроқлилигига ўз аксини топмайди. Барқарорлиликнинг бундай шаклида материал, кўпинча буюм маълум даражада заарланса ҳам ўз функционал

хусусиятларини йўқотмаслигига, унинг яшовчанлиги дейилади. Уни миқдорий жиҳатдан ҳам аниқлаш мумкин, яъни массасини йўқотиши ёки майдонининг қисқаришида ҳам фаолият кўрсатиш хусусияти буюмнинг асосий хусусиятлари (электрик, механик в ҳ.к) билан аниқланади.

Буюмлар конструкциясига одатда бироз заҳира тариқасида қўшимча пишиқлик киритилади, чунки унча катта бўлмаган кемиришлардан кейин ҳам буюм таъмирга эҳтиёжсиз нормал ҳолда фаолият кўрсатиши учун. Шунинг учун ҳам ноозика материаллар тасодифан заараланганда буюмнинг функционал хусусияти узоқ вақт сақланиши мумкин. Озуқа материалларининг заарланишига келсак одатда уларни тез бузилишига олиб келади. Кўп ҳолларда заарланиш шунча кучли бўладики, бунда буюмнинг ишлаш хусусиятини тиклашнинг ягона йўли – заараланган қисмларни алмаштиришдир.

Пишиқлик даражаси мухитнинг абиотик ва биотик омилларига боғлиқ бўлиб, у ҳашаротлар сонига, материалга ва заарланиш ўлчамига таъсир қиласди. Абиотик факторлар ҳашаротларнинг миқдорий сонига, материалнинг ҳолатига ва ҳар бир зотнинг келтирадиган заарлаш ўлчамига жиддий равишда ва ҳашаротнинг ҳолатига таъсир кўрсатади.

Абиотик факторлар орасида ҳарорат ва намлик асосий ўринни эгаллайди, баъзан эса ёруғлик ва атмосферанинг электромагнит ҳолати ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳарорат энг биринчи навбатда ҳашаротлар у ёки бу тури ва гуруҳларининг тарқалишига таъсир кўрсатади. Масалан, термитлар ареалининг шимолий чегараси тахминан йиллик изотерма $+10^{\circ}\text{C}$ га тўғри келади. Демакки, бир мунча совукроқ бўлган жойларда материалнинг бу ҳашаротга чидамлилиги тўғрисида эҳтиёж йўқолади, бундай ерларда термитлар бўлмайди. Ҳашаротларнинг фаоллиги ҳароратга ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳар бир тур ўзининг ҳарорат чегараси ва фаоллик оптимумига эгадир. Озиқланиш оптималь ҳарорат одатда ҳашаротларнинг ривожланиш оптимумига яқин келади, аммо у билан мос келиши шарт эмас. Агар атроф мухит ҳарорати чегарадан четга чиқса ҳашаротлар иссиқ ёки совуқдан қотиб қолиш ҳолатига тушади ва материалга заарар етказа олмайди. Ҳарорат материал хусусиятларига ва ҳимоя воситаларининг фаолият муддатига ҳам таъсир қиласди. Айрим термопластлар одатдаги ёзги ҳароратларда сезиларли даражада юмшаб қолади. Бошқа материаллар тропик иссиқ ва бошқа кўплаб омиллар таъсирида тез эскиради ва бунда заарланишга бўлган пишиқлигини йўқотади.

Ҳашаротлар мавжудлиги ва фаоллигига таъсир қилувчи иккинчи мухим омил- бу ҳаво намлиги ва субстратнинг (тупрок, материал) намлиги ҳисобланади. Ҳаддан ташқари намлик ва томчили сувнинг пайдо бўлиши кўпчилик ҳашаротларнинг нафас олишига тўскинлик қиласди. Намликнинг пастлиги янада ҳам кучли таъсир кўрсатиб ҳашарот организмининг қуриб қолишига ва унинг қурук ёки ҳалокатли зонадан чиқиб кетишига ёки ўлимига сабаб бўлади.

Ёритилганлик одатда ҳашаротларнинг фаолият ритмини аниқлайди, аммо унинг авжига кўтарилиши сутканинг маълум вақтига боғлиқ. Кўпгина яширин яшовчи ҳашаротлар бутун сутка давомида материалнинг ичидаги жойлашиб олиб (кўпгина ксилофаглар, кератофаглар) озиқланиши мумкин.

Охириги йилларда атмосферанинг электромагнит фаоллиги ҳолатининг озиқланиш интесивлигига таъсири ҳакида жуда кўп маълумотлар тўпланди. Айниқса бундай кўп маълумотлар термитлар билан боғлиқ. Биотик факторлардан биринчи навбатда бизни қизиқтирувчи материалнинг яқинидаги мавжуд бошқа озиқланиш манбаи ҳисобга олинади. Агар у мавжуд бўлмаса танлашдан маҳрум

бўлади ва ўзларига унчалик ҳам туғри келмайдиган субстратни ейишга мажбур бўлади. Аммо бундай шароитларда ҳашаротлар ноозиқа бўлган материаллар билан озиқланмайдилар. Материаллар одатда ҳашаротларнинг ўзлари учун озуқа бўлган материал билан алоқада бўлганда заарланади. Бу ҳолатда ҳашаротлар йўл-йўлакай озиқ бўлмаган материални кучли емириб ва уни ўзларининг экскрементлари билан каттиқ ифлослаши мумкин.

Пишиқликка ҳашаротларнинг “агрессивлиги” ҳам катта таъсир кўрсатади. Бундай фаоллик хусусиятга нафақат ҳашаротларнинг хилма-хил турлари боғлиқ, балки бир турнинг ҳар хил ирқлари ҳам эга бўлади. У ёки бу материални кучли заарловчи ҳашаротлар йирик ўлчамлари билан ёки материалнинг маълум бир хусусиятлари билан яқиндан мослашган бўлади. Охирги ҳолат кўпинча ҳашаротларнинг физиологик хусусиятларига ҳам тегишли бўлади. Табиий шароитларда иккала ҳолат битта популяциянинг ўзида кузатилиши мумкин. Масалан, *Reticulitermes* термитлар авлоди кўп сонли ирқлар ҳосил қиласди. Бундай ирқлар Европада *R.lucifugus*, Узок Шарқда *R.speratus* да ва Америкада *R.flavipes* да кузатилган. Ҳар бир ирқ бир-биридан экологик ҳамда физиологик хусусиятлари, хусусан ёғочни ейиш интенсивлиги билан фарқланади.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълумки, материалларнинг пишиқлиги-мураккаб ҳодисадир. Уларни тадқиқ қилиш ҳамма ҳашаротлар учун умумий бўлган жиҳатларни аниқлашга имкон беради. Шу билан бир қаторда аниқ иқлим ва экологик шароитларда маълум турнинг биологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Материаллар, буюмлар ва иншоотларни ҳашаротлар зааридан ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Материаллар, буюмлар ва иншоотларни ҳашаротлар зааридан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар комплекси ўсимлик, ҳайвон ва инсонни ҳимоя қилишга қаратилган тизимлардан фарқ қиласди. Агарда қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишдан асосий мақсад зараркунанда популяциясининг микдорини камайтириш (асосан кимёвий усул билан) ва унинг заарини иқтисодий заарлаш бўсағасидан паст даражадаги тадбирларнинг уйғунлаштирилган тизими ёрдамида тутиб туриш бўлса, иқтисодий ҳисоблашлар техникасида биологик таъсирлардан туғридан туғри йўқотишлар етарли бўлмай қолади, негаки билвосита йўқотишлар шубҳасиз кўп бўлиши мумкин. Пўлат қуиши заводларида кучланувчи электр кабелларнинг заарланиши, аэроромлардаги локаторларнинг ишдан чиқиши, тез ҳаракатланадиган темир йўлларидаги автоблокировка ҳолатлари тасвирланган бўлиб, улар йирик ҳалокатларга ва ҳаттоқи инсонларнинг ўлимига олиб келади. Тропик иқлим шариоитида бир неча бор самолётлар ва бошқа техниканинг замбуруғлар ва термитларнинг заари натижасида ишдан чиқиши кузатилган. Архитектура ёдгорликлари ва санъат асарларининг биозаарланишини қайта тиклашнинг имкони бўлмайди. Зарур ҳимоя чораларини кўриш биологик заарланиш эҳтимоли кам бўлган тақдирда ҳам амалга оширилади, мабодо ҳавфсизлик инсонлар хаёти билан боғлиқ бўлса унинг аҳамияти янада ортади.

Биологик заарланишдан ҳимоя қилиш тадбирлар тизимида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси ҳимоя воситаларини локал (маҳаллий) қўллаш ҳисобланиб, унинг натижасида ҳимояланадиган обьект сатҳи

дискрет тақсимланиши ва химоя тадбирларни қўллаганда эҳтимоли бўлган зааркунандаларнинг табиий популяцияларига сезиларли таъсир қиласлиги керак.

Ҳашаротлар томонидан озуқа материалларининг заарланишида сунъий химоя қўлланилмаган бўлса, бу қонуний ва детерминирланган жараён ҳисобланиб, зарурий экологик шароитларда ва ҳашаротнинг материал билан алоқаси муқарар равишда материалнинг кучли заарланиши ёки тўлиқ емирилиши билан тугайди, чунки у ҳашаротларни табиий шароитдаги ҳайвонот ва ўсимликлар маҳсулотларини умумий деструкциялаш жараёнида ўтадиган ҳашаротларнинг фаоллигини акс эттиради.

Ноозика материалларнинг заарланиши тасодифий ходиса бўлиб уни келтириб чиқарувчи ҳамма сабаблар бўлганда ҳам у рўй бериши шарт эмас, аммо айрим ҳоллар эҳтимолдан ҳам холи эмас. Бу эҳтимоллик хусусан материал билан алоқада ва маълум физиологик ҳолатда бўлган ҳашаротларнинг миқдорига пропорционал равишда ўсади. Демакки, биноларда, турли хил асбоб-анжомлар ичидаги ҳашаротларнинг сони улар дастлаб кўпайгандан кейин ошади, масалан, куя ва терихўрлар озиқа материалларида кўпаядилар. Бинодан ташқарида заарланиш тасодифларга тўла ҳисобланади, чунки табиатда ҳашаротларнинг хулқ-авторига таъсир жуда мураккабдир. Шунинг учун буюмларни узоқ муддатга кафолатли ҳимоя қилишда ҳашаротлар таъсирига пишиқ материаллардан ёки зааркунандага пишиқ бўлмаган материалга контакти олдини олишда конструкцион ҳимоя воситаларини қўллаш керак. Кимёвий ҳимоя воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин, аммо бу усувлар етарлича ишлаб чиқилмаган ва ноозика материалларда камдан-кам ишлатилади.

Кўриб ўтилган ҳашаротларнинг материаллар билан алоқаси схемадан келиб чиқиб уларнинг барқарорлигини ошириш усувларини яратиш мумкин. Уларнинг бир қисми техника соҳаларида ўз ечимини топмоқда, бошқалари ишлаб чиқилмоқда. Ҳашаротлардан озуқа (улар учун) материалларини асосан жун ва ёғоч материалларини ҳимоя қилиш қадим традицияга эга. Бу мақсадларда фойдаланиш учун воситалар дастлаб эмпирик тарзда бўлиб, оҳирги ўн йилликларда эса илмий асосини топди. Авваламбор бу узоқ таъсир этувчи репеллентлардир. Тарихан дастлабки репеллентлар майший шароитда заарли ҳашаротларга қарши қўллаш юзага келиб, даставвал куяларга қарши қўлланилган. Кўпгина халқчил воситалар - куруқ шувоқ, тамаки, эвкалипт ва лавр барглари, лаванда илдизлари, кейинчалик камфора, нафталин, парадихлорбензол ва бошқа кимёвий воситалар билан ўрин алмашди.

Материалларни ҳимоя қилишда давомли таъсир этадиган репеллентлар ва антифидантлардан фойдаланиб, улар материалларни тайёрлаш жараёнида уларга шимдирилади ёки тайёр маҳсулотга киритилади.

Республикамизда кенг қўлланиладиган замбуруғларга дастлабки токсик таъсири бўлган креозот, ёғоч шпаллар ва симёғчларга уларни замбуруғли заарланишидан сақлаш учун шимдирилади. Шу билан бир қаторда креозот ёғочларни заарлайдиган кўп ҳашаротлар, жумладан термитларга қарши самарали репелент сифатида муҳим аҳамият касб этди. Ҳашаротлардан ҳимоя қилишда шимдириладиган бошқа воситалар ҳам замбуруғларга токсиклиги нуқтаи назаридан бир мунча қизиқарлидир. Масалан, ёғочга мисс-хромли аралашмани шимдириш термитларга токсиклик эмас балки антифидантлик таъсир кўрсатди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда репеллент ва антифидантлар деярли қўлланилмасада, аммо материал ва буюмларни ҳимоя қилишда улар етарли

самарадорлигини намоён қилди. Ҳашаротларга контакт ва яқиндан альфакторли таъсири ва инсонга токсиклиги йўқлигини ҳисобга олиб, бу инсектицидларни саноат буюмларида ва материалларда қўллаш учун жуда афзалдир.

Бундай ҳолларда, баъзан ҳашаротлар, тупроқ термитлари, масалан, озуқа субстратларини танлаш имконияти пайдо бўлганда, кучли репеллентли ва антифидантли таъсирга эга материалларни улар сезиларли миқдорда емаслигига ва уларга узоқ муддат давомида кўникмаслиги кафолатланади.

Умуман олганда ҳашаротлар учун озуқа бўлган материаллар уларга инсектицидли таъсир кўрсатмайди. Токсиклик бериш учун уларга турли хил препаратлар киритилади. Чет элларда термитлар ва бошқа ҳашаротларнинг зараридан сақлаш учун ёғочга мышьякли, хлорорганик ва бошқа инсектицидлар шимдирилади. Жун, чарм ва бошқа материалларни ҳимоя қилишда инсектицидлардан фойдаланишдаги уринишлар мавжуд. Аммо одамлар инсектицидлар ишлов берилган буюмлар билан доимий алоқада бўлганда унинг одам организмига заҳарли таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бунга йўл қўйилмайди, шунинг учун уларни ҳимоялашда пиретрин қатори бирикмаларини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Инсектостатик эфектли токсик бўлмаган бирикмаларни қўллаш бир мунча кам хавфсиз ҳисобланади. Айнан мана шу йўналишда жунни кужа ва терихўрлардан сақлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Кератин молекуласининг модификацияси сульфит ёки бисульфит билан оксидланиб кейинчалик дигромэтилен ҳосил қилиши туфайли кужа ферментлари жунни емира олмайди. Бундай ҳимоя усули гарчанд самарали бўлсада, қимматга тушгани сабабли кам қўлланилади.

Материал зааркунданаларининг биохимик ва физиологик хусусиятларидан фойдаланишнинг бошқа йўллари ҳам мавжуд. Хусусан, ўтган асрнинг 50-йилларида ҳашаротларга қарши қурашда уларнинг организмидага алмашинув жараёнларини тўсиб қўйувчи антиметаболитларни қўллаш принципи асосланган эди. Аммо ўсимликлар ҳимоясида мазкур усул кенг қўлланилмайди чунки тирик ўсимликлар табиий маҳсулотларга бой, бундай ҳолатда уларнинг таркибидаги антиметаболитлар фаолият кўрсатмайди.

Чекланган озиқа моддалари бўлган материалларда – буткул бошқачароқ бўлади. Бундай материалларга маълум концентрациядаги антиметаболит ва бошқа моддаларни киритиш, ҳашаротларнинг муҳим яшаш функциялари ва организм жараёнларига юқори самара кўрсатиши мумкин.

Ҳашаротлар кўпчилик турларининг озиқа моддаларга бўлган талаби, уларнинг ичагидаги ёки хужайра ичи микроорганизмлари ҳисобига тўлдирилиши, симбионтицидларга самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, каприл ва айрим бошқа тармоқланган монокарбон кислоталар ичак симбионтларини қириб ташлаб термитларга таъсир этади. Аммо бу усул амалиётда кенг қўллаш даражасига етганича йўқ.

Озуқа материалларини конструкцион ҳимоя қилиш кенг ва самарали қўлланилади. У материални ҳашаротлардан изоляция қилишга йўналтирилган бўлиб, зааркунданда сикилиб кира олмайдиган маҳсус биноларни барпо этишдан, буюмларни заарланмайдиган қопламалар билан ҳимоялашгacha бўлган турли ҳар қандай шаклларни ўз ичига олади.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар шуни кўрсатадики озиқа материаллари пишиқлигини оширишнинг кўп усуллари мавжуд. Материаллар пишиқлигига билвосита таъсир қилиб самараси кам бўлмаган ташқи мухит шароитлари, жумладан

харорат ва намлик мувоффақиятли кўлланилади. Бунда, ҳаммадан қўра, харорат ва намликни зааркунанда ривожланиш бўсағасидан паст даражада ушлаб туриш материал ва буюмларни тўлиқ сақланишини таъминлайди.

Амалиётда, ўсимликларни ҳимоя қилиш каби, санаб ўтилган усууллар одатда ўз ўзидан эмас балки, ҳимояланадиган обьектларга қараб профилактик тадбирларнинг комплекс тизими сифатида олиб борилади. Бундай тизимлар маҳсус лойихалаштириш ва бино қурилишини (масалан, терmitга қарши қурилиш), гербариyllар, музейлар, омборлар учун комплекс профилактик тадбирлар тизимини олиб бориш ва ниҳоят зааркундалар пайдо бўлса уларни тўлиқ йўқ қилиш мақсадида - одатда айрим предметларни ёки бутун бинони фумигация қилиш орқали амалга оширилади.

4 БОБ

ҚУШЛАР, СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР-БИОЗАРАРЛАШ МАНБААЛАРИ

Қушлар - биозаарланиш манбаи эканлиги

Юқори умуртқали ҳайвонларни биозаарланишдаги иштирок фаолияти нұктай назаридан харakterлаганда, биз бир томондан уларни эволюцион тараққиетидаги юқори ҳолатини, биоценотик жараёнлардаги катта аҳамиятини, бошқа томондан биосферадаги алохидა ўрнини инобаттаға олишимиз зарур. Шу билан бир вактда таъкидлаш зарурки, биозаарланишлар манбаи сифатида асосий рольни қушлар синфининг шундай вакиллари бажарайптика, улар ичіда алохидә түркүм, оила ва авлод вакиллари мавжуддир. Асосий биозаарлантырувчи түрлар амалий жиҳатдан доимо оммавий, синантроп, космополит тарқалған, ўзининг миқдорий жиҳатидан эса күп сонли, прогрессив хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг билан бир қаторда уларни бирлаштириб турувчи харakterли хусусиятлари яна шундан иборатки, қушлар одатта зааралантирадиган объектларни биологик мақсадлар учун фойдаланмайдилар, шунинг учун ҳам уларнинг бу зааридан объектларни химоялашда қушларнинг феъл-авторига таъсир этувчи этология воситалардан фойдаланиш лозим.

Қушлар. Қушлар синфининг умумий харakterистикаси

Қушлар учишга мослашған юқори умуртқали ҳайвонларнинг махсус гурұхи. Улар қуйидаги асосий белгилари билан харakterланади: танаси парлар билан көпләнгән, олдинги оёқлари қанотларға айланған. Бошқа ер усти умуртқалиларидан фарқлы үларок - икки оёқли ҳайвонлардир, орқа оёқларидан қаттық субстрат бўйлаб ҳаракатланиш учун фойдаланади. Улар учун шунингдек бош мия ярим шарларининг ва сезги аъзоларининг юқори тараққий этганлиги, тана хароратининг доимий ва юқорилиги, тўрт камерали юрак ва веноз қонларининг артериал қонлардан тўлиқ ажралганлиги харakterlidir. Қушларнинг умумий ҳаётий фаолияти юқори даражали бўлиб, бу модда алмашиниш жадаллиги ва муракаблашган феъл-автор ҳисобидан келиб чиқиб, турли-туман насл учун қайғуриш шакллари ва атроф-муҳит билан мураккаб ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлади. Қушларни судралиб юрувчилардан ажралиб чиқиши, чамаси, триас даврининг охирларида юра даврининг бошларида содир бўлди.

Дунё бўйича ҳозирги вақтда қушлар синфи 27 туркум, 270 оила ва 8800 турни ўз ичига олади. Шунингдек собық иттифоқ худудида 18 туркумга, 75 оиласа ва 750 турга мансуб қушлар учрайди (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва бошқ., 1987). Ўзбекистонда 18 туркум 57 оиласа мансуб 441 турдаги қушлар яшайди.

Ер юзида тарқалған қушларнинг умумий сони 100 млрд.га яқин индивидларни ўз ичига олади. Улар ҳамма ерда учрайди, бундан фақатгина Антарктиданинг ички қисмлари истисно бўлиб, улар дунёning энг юқори тоғ тизмаларини, дengiz сатҳидан 7 минг метр баландликларда, чўл ва даштлар, ўрмон, дengиз ва океан соҳилларини эгаллаб олган.

Ўзбекистонда ҳам қушлар барча табиий ва ўзлаштирилган зоналарда кенг тарқалган бўлишига қарамасдан уларнинг сони ҳамма ерда бир хил эмас. Кушларнинг тур таркиби, миқдорий кўрсатгичлари мавсумий ўзгариб туриш хусусиятига эга.

Энг кўп қушлар тури Марказий ва Жунубий Америкада бўлиб, бу ерда уларнинг турлари – 2 мингга яқин, Марказий Америкада – 1 мингдан ортиқ, тропикадан узоқлашган сайин турлар сони камайиб боради, тайга зонасида 250 турга яқин ҳисобланган. Англияда 400 яқин тур учраб, уларнинг сони 120 млн., шу жумладан зябликлар ва қора шақ-шақлар 10 млн, чуғурчиқлар 7 млн, уй чумчуқлари 3 млн, гўнг қарғалар 2 млн га яқинни ташкил этади (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва бошқ., 1987)

Эволюция жараёнида қушлар турли хил яшаш жойларини ўзлаштириб олишга эришган ва ҳозирги вақтда улар турли-туман ландшафтларда учрайди. Масалан, дарахт-бутазорлар қушлари дарахт шохларида ва бутазорларда уя қуради ва озиқланади, баъзи бир турлар уя қуриш учун дарахт ковакларидан (мойқутлар, читтаклар, каккулар, калибрилар, қизилиштонлар, трогонлар, момотлар, рогоклювлар) фойдаланади. Ер усти-дарахт қушлари озиқани дарахт шохларидан ҳам, ер устидан ҳам теради, уяларини ер юзи ва буталарга қўяди (хурлар, каптарлар, шақшақлар, қичитқонлар, выюроклар, дехқончумчуқлар). Ер усти қушлари субстрат юзасида уя қўйишга ва ер устидан озиқланишга мослашиб олган (йилқичилар, жибилажибонлар, сирчумчуқлар, тошсиручумчуқлар, тинаму, авдоткалар, тувалоқлар, жиқтоқлар, булдуруқлар). Сув олди қушлари сув ҳавзаларининг ўсимликлар ўсган ва очиқ соҳилларини эгаллайди, бундай ерлардан озиқа топадилар ва уя қўядилар (балчиқчилар, қарқаралар, пастушоклар, фламинго). Сув қушлари озиқани сузиб ва шўнғиб овлайди, ўзларининг уяларини денгиз, океан, ички сув ҳавзалари соҳилларига қўяди (пингвинлар, гагаралар, қўнғирлар, коравойлар, чистиклар). Учиб ов қиласидан қушлар учун қанотларининг узун ва ўткир бўлиши характерли бўлиб, бу сув узра манёвр қилиб ва узоқ парвоз учиш қобилиятини яратади (балиқчилар, чигиртчилар, фрегатлар, поморниклар, куракоёқлилар) ёки аксинча, кенг қанотли бургутлар, тасқаралар ва бошқа парвоз учувчи қушлар шулар жумласидандир.

Баъзи бир турлар, масалан сипуха, скопа, оқёқа, қишлоқ қалдирғочлари, ер юзида ниҳоятда кенг тарқалган бўлиб, деярли барча қитъаларда учрайди, бошқа турлар ареали континентларни ёки уларнинг маълум қисминигина қамраб олган. Жумладан, қизил томоқ казарка фақатгина Таймир ва Ямалда, курак бурун балчиқчи Чукоткада уя қуради. Айрим турлар турли-туман сабабларга, шу жумладан, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган сабабларга кўра, ўз ареалларини кескин кенгайтирмоқда, бунга қумри, канарейкали выюрок, майнани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга бошқа турлар ареали кескин қисқармоқда, сони эса камаймоқда. Агар зябликнинг сони 200 млн дан ошиб кетса, кайралар – 60 млн га яқин, калифорния кондорлари ҳаммаси 60 индивид, америка турналари – 50, оқ елкали альбатрослар – 30 та ҳисобланган. Ҳозирги вақтда 181 тур ва 77 кенжада тур Халқаро Қизил китобга нодир ва йўқолиб кетиш арафасида турган қушлар мақомига эга ҳисобланади. Собиқ иттифоқ худудида бундай турлар 80 та ҳисобланган. Ўзбекистон Қизил китобига эса қушларнинг 48 тури ва кенжада турни ҳар хил мақомлар билан киритилган.

Кейинги 350-400 йил давомида ер шаридан 94 тур қуш бутунлай йуқолиб кетди. Бу ҳолат қушларнинг биозаарланишдаги фаолиятини оддини олиш бўйича амалий тадбир ишлаб чиқиши табиат муҳофазаси тамойилларига зид келмаслиги,

мухофазага олинган турларга салбий таъсир қилиши мумкин эмаслиги тўлиқ бартараф қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Қушларнинг биологик хусусиятлари ичida, уларни биозаарланиш вазиятини яратишдаги ролини аниқлашда, энг кўп аҳамиятлиси уларни ҳар хил масофаларга миграция қила олиши, бевосита муҳим хўжалик обьектлари яқинида оммавий концентрациялана олиш қобилияти ҳисобланади. Модомики, ҳамма миграциялар ҳолати ва шу ҳисобдан концентрациялашувнинг ошиши даврий ва мавсумий характерга эга экан ва фазовий ҳаракатланишларнинг кўпчилик қисми номунтазам содир этилар экан, унда қушлар томонидан юзага келтириладиган биошикастланишлар вазиятлари жараёнини ҳар доим ҳам олдиндан айтиш мумкин эмас.

Қушларнинг бошқа биологик хусусиятлари, улар томонидан келтириб чиқариладиган биозаарланишлар нуқтаи назаридан юқори ривожланган ориентацион қобилиятлари, янги ориентирларга ўрганиш имкониятлари ва уларнинг фазодаги ҳаракат йўналишларини ўзгартира олишлари, ўз популяциялари ва биоценотик шерикларига юзага келган вазиятни ва ушбу шароитларда феъл-атворни оптималь стратегиясини сигналлар орқали етказиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Инсон ва унинг фаолияти натижалари билан чамбарчас алоқаларни таъминловчи қушлар синантропизми катта аҳамиятга эга бўлиб, антропоген келиб чиқишга эга бўлган янги обьектлар ва материалларга фаол муносабат билдириш имкониятларини беради ва қушлар улардан ўзининг экологик мақсадлари учун фойдаланади.

Қушларнинг 2/3 қисмга яқини давомли мавсумий миграция қилишда иштирок этади. Улар мавсумий учеб ўтиш даврида катта масофаларни босиб ўтиш қобилиятига эгадир, масалан, қутб чигиртчилари бир неча ҳафта ичida 15 минг км масофани учеб ўта олади, уя жойларидан (Осиё, Европанинг шимолий соҳилларидан ва Шимолий Амеракагача) қишлиш ҳудудларигача, Тинч, Атлантика, Ҳинд океанларининг жанубий сувларигача бўлган масофани ўз ичига олади. Майда қушлар ўртacha 300 км масофани учеб ўтади, шу билан бирга улар дам олмасдан 6 соатга яқин уча олади. 2 суткалик миграциядан сўнг 2-3 сутка тўхтаб дам олади ва озиқланади. Кўпчилик қушлар мавсумий миграциялар вақтларида 1,5-2 минг метр баландликда ҳаракатланади, гарчи йирик қушларни учиш баландлиги 6 минг метр ва ундан ҳам ошади. Миграция қилувчи қушларнинг максимал учиш тезлигигиagini қуидагича қиёслаш мумкин, қирғий 11,5 м/с, зяблик 14,6 м/с, чуғурчиқ 20,6 м/с гача тезликда уча олиши қайд этилган.

Қушларнинг миграциялар аро фазовий ҳаракатланишлари гарчи, одатда, даврий бўлсада, камроқ давомий ва масштаблидир. Кўпгина қушлар турларида овқатланиш жойларига суткалак мунтазам учеб бориш хусусиятлари мавжуд бўлади. Қишлоғчи қушлар тез-тез ва мунтазам бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга учеб кўчиш хусусиятларни содир этади, тунаш учун қулай жойларида кўп минг сонли галалар тўпланади. Кўпайиш даври тугагандан кейин уяни тарқ этган ёш қушлар баъзан анча узоқ масофаларга кўчишлар содир этади. Ёзнинг кейинги ойларида кузги миграцияга тайёрланаётган сувда сузувлари қушлар хилват жойларга тўпланади, бу ерларда улар жадал туллайди, натижада вақтинчалик учиш қобилиятларини йўқотади.

Очиқ ҳаёт тарзи, доимий ҳаракатланишлар қушларда мукаммал ориентация, сигнализация ва мулоқот қобилиятларини ривожланишига олиб келади. Қушлар фазода ўз жойлашган жойлари ҳолатини аниқлашда таянч ориентирлар сифатида қуёш ва юлдузлардан, магнит майдонларидан, барик градиентлардан, қутбланган ёруғликдан, инфратовушли нурланишдан, ландшафтли теварак атрофдан, тур бўйича

шерикларидан ва биоценоздан фойдаланади. Бу ориентирлар түғрисида ахборотларни қушлар мукаммаллашган сезги органлари туфайли қабул қиласы, улар ичида күриш уникал бўлиб, кўп ҳолларда ҳайвонот дунёсида мисли кўрилмаган даражада ривожланган бўлади. Кушларнинг эшитиши гарчи сут эмизувчилар умумий қабул қилиши диапазонига (кўрашапалаклар, дельфинлар) нисбатан пастроқ бўлса ҳам, бироқ мураккаб товуш образларини пайқаб олиш ва деталларини ҳис этиш, кодлаштирилган биологик муҳим информациини қабул қилиш қобиляти улардан устунлик қиласы. Олинган янги маълумотлар қушларни ҳидлар бўйича ориентациялана олиш мумкинлигидан гувоҳлик бермоқда. Шундай қилиб, Пизан университети олимлари, почта капитарлари шаҳарнинг бир қисмидаги ўзларининг капитархоналарини қаерда жойлашганлигини “ҳидидан” топиш қобилятига эга эканликларини таъкидлади.

Фазо түғрисида муҳим ахборот манбаи популяцияли ва биоценотик шерикларнинг сигналлари (бавоситали ориентация) бўлиб ҳисобланади. Кушлар оптик ва акустик сигналлари ёрдамида, ахборот манбаалари ўзларидан ва теварак муҳитнинг фазовий характеристикаларига таалуқли анчагина катта ҳажмли ахборотни етказади ва қабул қилиб олади.

Мукаммал ориентация қушларга кенг доирадаги экологик вазифаларни муваффақиятли ечишга ва шу жумладан мунтазам ва номунтазам миграцияларни, душманлардан қутилиш, ҳаракатланаётган ўлжани топиб олиш, полапонларини тарбиялаш, ақлий фаолият элементларидан фойдаланилган юқори даражали мураккаб феъл-атвор актларини амалга ошириш имконини беради.

Ҳисоблаш ва микдорий баҳолаш қобиляти, табиий ориентларнинг фазовий ҳаракатланишлари экстраполяцияси бошқа ҳайвонлар синфи олдида уларга анча кўп афзалликлар берадилар. Юқори ривожланган коммуникатив қобилятилари билан бирга қушлар синфининг ортирилган муҳим хусусиятлари - гурӯхнинг феъл-атвори, жамоалик, гала ҳаёт тарзи, уларга душманлардан химояланиш, озиқани топиш ва овлаш каби қўшимча афзалликлари билан таъминлангандир. Кушларнинг тўпланишларида ўрганиб олишлик ва тажрибани етказиш туфайли фазода яхшироқ ориентация қилиш учун қулай шароитлар яратилади (ориентациянинг гурӯхли самараси), гурӯх тажрибасини ва гурӯх хотирасини тўхтовсиз тўлдириб бориш, ёш индивидларни ўргатиб бориш ҳисобидан уни биологик мақсадга мувофиқлигини реализация қилишдан иборат бўлади.

Кушлар тақсимотини мураккаб мозаикасида тобора борган сари инсон фаол араласиб, планета сайқалини ўзгартириб ва табиий худудларни ўзлаштириб, қушлар учун янги яшаш жойлари ландшафтлар ва биотоплар яратмоқда. Шаҳар худудлари, қишлоқ хўжалик экинлари майдони, транспорт магистраллари, аэрородромлар ва х., йириклишиб, уларнинг майдонлари кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда ер шарининг 130 дан ортиқ шаҳарларида млн. дан ортиқ аҳоли яшайди, ер юзи қуруқлигини 30% ни қишлоқ хўжалиги ерлари эгаллаб олган. Ҳар йили 10 минг гектар ер юзаси асфальт билан қопланади. Кушлар бундай кучли ўзгаришларга турлича муносабатда бўлади. Айрим турларни сони кескин камайса, бошқаларининг сони эса ошади ва улар янги яратилган яшаш жойларида яшайди. Янги юзага келган экологик шароитларда янги уюшмалар, инсон томонидан яратилган айрим қурилмалар ва иншоотлар биозаарланиш обьекти сифатида қушларнинг таъсирига дучор бўлади. Учиш аппаратлари, энергетик қурилмалар, саноат иншоотлари, маданият ёдгорликлари, обидалар тез-тез қушлар томонидан шикастланувчи обьектлар ҳисобланиб, уларнинг - айримлари қушлар учун экологик томонлари билан фойдали

бўлсалар, бошқалари - тасодифий, ҳаддан ташқари номаъкул қарама-қарши оқибатларга олиб келади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам юзага келган вазиятларни эътиборга олиб, қушлар синантропизацияси мавжудлигини диққат марказида ўрни борлигини ҳисобга олишимиз лозимдир. Синантроп қушлар инсон билан ёнма-ён яшаб, ўзларининг биоритмларини, феъл-авторларини, репродуктив циклларини, озиқланишини ва бошқа экологик хусусиятларини ўзгартиришга мажбур бўлмоқда.

Қушларнинг экологик мутаносибликлари (пластикликлари), уларнинг фазога нисбаттан “эркин” муносабати, қушларни инсон билан контакт зоналарини кенгайтиради, бу ўз навбвтида контактлар кўп хиллигини оширади. Мослашиш жараёнининг бошланишида контактлар мажбурийдек туйилса ҳам, кейинчалик қушлар ўзларини инсонга нисбаттан экологик экспонционист сифатида тутади, инсон яратган муҳит улар учун қулай ва кейинчалик турлар зарурӣ муҳит сифатида фойдаланади. Натижада инсон томонидан яратилган техник қурилмалар ва иншоотлар тобора, борган сари қушлар учун янги муҳим экологик муҳит компонентларга айланади.

Умуман қушларнинг заарлантриувчилик фаолиятини намоён бўлишига олиб келувчи биологик хусусиятлар рўйхати ва ушбу синф вакилларига хос хусусиятлар, турли хил гуруҳларда бир хилда намоён бўлмайди. 270 та қушлар оиласидан, балиқчилар, каптарлар, қарғалар, чуғурчиқлар ва тўқимачилар оиласидан вакилларидан энг кўп ва тез-тез заарланишлар манбалари шаклланиб, уларнинг заарлари кўзга ташланади. Шу вақтнинг ўзида санаб ўтилган оиласидан вакилларининг ҳаммасини заарлантриишда қатнашиш даражаси турлича бўлиб, кўп сонли бўлмаган турлар биозаарлантриувчи агент сифатида ўзларини намоён этиб туради. Бу гуруҳ жумласига собиқ Иттифоқ ҳудудларида учрайдиган дарё, кулранг балиқчиқушлари, кумушсимон балиқчилар, кўк каптар, гўнг қарға ва олақарғалар, чуғурчик, уй чумчуғи каби турлар киради. Ўзбекистон шароитида биозаарланишлар жараёнида фаол иштирок этувчи қушлар таркибига қўйидагилар: қоравойлар, лайлаклар, ржанкалар, балиқчи қушлар, каптарлар, узунқанотлар, куркунаклар, чуғурчиқлар ва чумчуклар кирадилар. Уларнинг барчаси кенг майдонларда йирик концентрациялар ташкил этиш қобилятига эга эканлиги билан характерланади. Инсон фаолияти натижаларига нисбатан чидамлилиги (кўпчилиги - облигат синантроп), гуруҳли ҳаёт кечириш тарзи билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги вақтда уларнинг сони нисбатан анча кўп, баъзи бир турларнинг сони эса тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бу турлар билан ўзаро муносабатлар инсон экологиясининг жиддий омилларидан бирига айланди.

Биозарар етказувчи қуш гуруҳларнинг систематик статуси

Ер қуррасида учрайдиган қушларнинг 8800 туридан тахминан 1%, яъни 100 яқин тури биозаарлантриувчилар ҳисобланади. Улар хом ашёга, материалларга, техника ва иншоотларга зарар етказади. Бир хил турлар мунтазам суръатда самолётлар билан тўқнашади, бошқалари электр узатиш линиялари устунларидан уя қуриш ва кўпайиш даврининг кейинги палладарида, ҳамда дам олиш учун фойдаланиш давомида энерготармоқларда авариялар келтириб чиқаради, учинчилари ахлатлари билан хиёбонлар, кўчалар, ёдгорликлар, бинолар, ишлаб чиқариш корхоналарини ифлослантиради, металллар коррозиясини кучайишини тезлаштиради. Республикаиз ҳудудларида биозаарлантриувчи турларга

коравойлар, қарқаралар, лайлаклар, күл балиқчиси, кулранг балиқчи қуш, кумушсимон балиқчилар, күк каптарлар, қумрилар, ғурраклар, куркунаклар, қалдирғочлар, чуғурчиқлар, қарғалар, чумчуқлар кирадилар. Улар куракоёқлилар, лайлаксимонлар, ржанкасимонлар, каптарсимонлар, узунқанотлар, күкқарғасимонлар, чумчуқсимонлар туркумларининг вакиллари.

Куракоёқлилар туркуми – *Pelecaniformes*

Экологияси ва ташқи қиёфаси жуда хилма-хил ўрта ва йирик катталиқдаги сув қушлари бўлиб, массаси 4000 г дан 10-14 кг гача етади. Антарктидан ташқари, бутун ер шарининг денгиз қирғоқларида ва деярли барча йирик чучук сув ҳавзаларида тарқалган. Ареалида тарқоқ ҳолда яшайди. Учиб ўтувчи ёки кўчиб юрувчи қуш, тропик минтақада баъзи бир турлари ўтрок яшайди.

Тумшуғи хилма-хил шаклда: ўткирчекли, конус шаклида, узунчоқ, охирида катта илмокли, жуда узун, кучли зичланган. Дум усти бези яхши ривожланган. Парлари қалин ва зич. Моногам. Одатда йирик колониялар ҳосил қилиб денгиз қирғоқлари ёки ички сув ҳавзаларида уя қуради. Уяси ахлати билан цементланган шохлардан, қамиш поялари, ўсимлик, баъзан сув ўтлари увадасидан иборат бўлиб, уяларини ерда, қирғоқларда эса тик жар камарларида, эгилиб синиб ётган қамишларда, дарахтлар ва буталарнинг шохларида қуради. Тухуми нисбатан кичик, ташқи оҳакли қавати анча ғовак, бир хил рангда, фаэтонда тухумлар миқдори 1 дан 4-6 тагача бўлади, камдан-кам ҳолларда кўп бўлиш мумкин. Тухум босиш биринчи тухумдан бошланади ва 4-7 ҳафта давом этади. Тухум босишда иккала жинсдаги қушлар иштирок этади. Полапонлари тухумдан чиққандай қўзлари юмуқ ва танаси яланғоч бўлади. Кўзлари 3-5 кунлари очилади, 6-10 кунда танаси қуюқ қисқа пат билан қопланади. Уяда ва унинг атрофларида полапонлари 6-15 ҳафтагача, тўлиқ патлар билан қопланиб мустақил уча олмагунча қолади. Нари ва модаси полапонларига ярим ҳазм бўлган овқатни қайтариб беради; катта ёшдаги полапонларига эса ўлжани тумшуғида олиб келади. Ҳаво жуда иссиқ кунлари, тумшуғи ва қизилўнгачида сув олиб келиб полапонларига беради. 3-4 йилда тўлиқ вояга етади. Озиқанинг таркиби ҳайвонлардан асосан балиқлардан, камроқ даражада ҳар хил сув умуртқасизларидан иборат.

Туркумда 5 кенжада туркум мавжуд, улар 12 оиласа бирлашган, шундан 6 оила қазилма ҳолда аниқланган, 6 оиласи ҳозир яшаётган 7-8 авлоддан иборат, бу авлодларлар таркибига 50-52 тур киради.

Лайлаксимонлар туркуми – *Ciconiiformes*

Ўлчами жиҳатидан турли-туман (массаси 100 г дан 6 кг гача; бўйи 1,5 м гача боради), одатда тумшуғи, бўйни ва оёқлари узун, лайлак, қарқара ёки ибис қиёфали сув олди қушлари ҳисобланади. Деярли бутун ер шаридан тарқалган, Арктика ва Антарктидадан ташқари, сув ҳавзалари қирғоқлари ва ботқоқлик жойларида яшашга лаёқатланган. Тропик минтақаларда ўтрок ёки кўчиб юрувчи, ўртача кенгликларда учуб ўтувчи қуш ҳисобланади.

Бурун тешиклари ёриқсимон. Патлари нисбатан юмшоқ. Югани ёки кўз атрофи териси у ёки буниси яланғоч, парсиз. Биринчи тартибдаги қоқув патлари 10-12, дум патлари 8-12 та бўлади. Жинсий диморфизм ҳамма турларга хам хос эмас, баъзан уларни рангли безаб турган патлар тараққий этган. Моногам. Колониал,

камдан-кам ҳолларда якка тартибда уя қуради. Уяси қўпол, чала-чулпа кўринишда қурилган, қамиш, бута ва дараҳтларда, камроқ ўтда, ерда жойлашган бўлади. Одатда нари уя материали олиб келади, модаси қуради. Тухумларининг сони 2-8 тадан иборат. Тухум босиш биринчи ёки иккинчи тухум қўйилгандан кейин бошланади ва 2,5 (кичик турларида) дан 4,5-5 ҳафтагача давом этади. Полапонларини иккала қуш ҳам боқади. Кўпгина турларида полапонларига ота-она қушлар сув олиб келади. Қанотга кўтарилигунча (4-10 ҳафталик ёшида марабу лайлакларида 16-17 ҳафта) полапонлари уяда қолади (лайлаклар), ёки уя атрофида юради.

Озиқаси учун турли-туман жонворлардан фойдаланади. Ҳар хил оиласлар вакилларида озиқа ўлжасини қўлга киритиш усули билан фарқ қиласди. Учиши се-кин, фаол ва парвоз уча олади. Баъзилари спорт ови объекти ҳисобланади. Айрим тур қарқаралар аёллар безаклари учун кўплаб овланиши оқибатида сони камайиб бормоқда. Ҳозир кўпгина мамлакатларда уларнинг патлари билан савдо қилиш ман этилган. Айрим жойларда, баъзи бир турлар балиқ кўпайтириладиган кўлларида маълум даражада зарар етказиши мумкин. Бироқ кўпчилик турлари ўсимлик зарар-кунандалари ҳисобланган ҳашаротларни кириб, катта фойда келтиради, шунингдек саноат аҳамиятига эга бўлмаган балиқлар сонини табиий бошқарилишида роли катта бўлиши мумкин.

Туркум 4 та кенжада туркумга бўлинади, у 11 оиласи ўз ичига олади (шундан 4 таси қазилма формалари). Ҳозирги вақтда яшовчи лайлаксимонлар 49 та авлодга бўлинади ва 118 турни бирлаштиради.

Ўзбекистонда икки кенжада туркумга ва учта оиласи мансуб 13 турлари яшайди.

Ржанкасимонлар туркуми – *Charadriiformes*

Кичик ва ўртача ўлчамдаги қушлар бўлиб (массаси 20 г - 3 кг) ўзига хос лойхўрак, балиқчи, чистик қиёфали қушлар ҳисобланади. Туркум вакилларининг кўпинчалиги суволди ёки сувда ҳаёт кечиради. Тумшуқлари жуда ҳам хилма-хил шаклда бўлади. Цевкаси ва болдирилган кейинги уни парсиз. Ҳамма гурухларида, якандан ташқари, орка бармоғи кучли редукцияланган, айрим турларида тўлиқ йўқолиб кетган. Рангининг жинсий диморфизми кўп турлар учун хос эмас; кўпчилик турларида ранги ёшига ва мавсумга қараб ўзгариб туради.

Аксарият турлари моногам. Тухумларининг пўчоғи одатда бўялган ва озми-кўпми хол-хол, олачипорлиги аниқ кўриниб туради. Полапонлари жўжа типида, аммо кўпгина турларида нари ва мода қушлар томонидан улар қанотга кўтарилигунча боқиласди. Ер юзининг деярли барча қисмларида тарқалган.

Ржанкасимонлар туркуми ўз ичига 3 та кенжада туркум, 17 оиласи олади, 287-285 турни бирлаштиради, булар 87-113 та авлодга мансубдир.

Ўзбекистон шароитида 2 кенжада туркум, 8 оиласи мансуб 73 тур қуш учраши қайд этилган.

Каптарсимонлар туркуми – *Columbiformes*

Асосан майда ва ўртача ўлчамдаги ўсимликхўр қушлар бўлиб, камдан-кам иирик қушлар бўлишлари мумкин (массаси 30 г дан 1 кг гача, камроқ 3 кг. бўлади), ўзига хос каптарсимон ёки булдуруқсимон қиёфали қушлар. Жифилдони яхши ривожланган. Патлари зич. Қанотлари узунчоқ, ўткирлашган. Биринчи тартибдаги

қоқув патлари 10-11, дум патлари 12-30. Одатда нарлари модаларига қараганда йирикроқ ва бир гурух турларида уларнинг ранглари равшанроқ. Ёши ва йил мавсумларига қараб рангининг ўзгариши аниқ ва равshan эмас. Моногам. Полапонлари жўжа ёки жиш типда бўлади. Ер куррасининг барча тропик ва мўйтадил кенгликларида тарқалган.

Каптарсимонлар туркуми икки кенжак туркумга бўлинади: булдуруқлар ва каптарлар. Туркумда ҳаммаси 310 тур бўлиб, 49 та авлодга мансуб. Собиқ Иттифоқда 5 авлодга мансуб 16 тур учрайди, аниқ уя қурувчилари 14 турга мансуб.

Ўзбекистон ҳудудиларида булдуруқлар оиласининг 3 тури, каптарлар оиласининг эса 9 тури учрайди.

Чумчуқсимонлар туркуми – *Passeritormes*

Ташқи қиёфаси жуда хилма-хил, майда ва ўртача ўлчамдаги (массаси 4 г дан 1,5 кг гача) қушлар. Деярли бутун ер шари бўйлаб тарқалган, Антарктида ва бу қитъадан анча узоқлашган баъзи бир кичик океан ороллари бундан истисно. Чумчуқсимонларнинг турлар таркиби айниқса тропик ўрмонларда турли-тумандир.

Тури хил гурухларида тумшуғининг шакли ниҳоятда кучли жузъий ўзгаришларга учраган. Оёқларининг барча тўртта бармоқлари нисбатан узунроқ бўлиб, ўтқир чангали; учта бармоғи олдига йўналтирилган, биттаси (биринчиси) – орқага йўналган. Тили яхши ривожланган. Буқоғи йўқ. Мускулли ошқозони унча катта эмас, аммо анча кучли мускулли девордан иборат. Кўр ичак одатдаrudиментар бўлади. Аксарият турларда ўт пуфаги мавжуд бўлади. Дум усти бези пат билан қопланмаган. Ҳар хил гурухларида овоз мускулларининг сони жузъий ўзгаришларга учраб 1 дан 6-7 жуфтгacha бўлиши мумкин. Фақатгина чап уйқу артерияси яхши ривожланган.

Парлари баданига анча зич ёпишиб турари ёки юмшоқ бўлади. Контур патининг тивит қисми одатда яхши ривожланган, қўшимча ўзаги кичик ёки тўлиқ редукцияланган. Момик тивити сийрак, фақатгина аптерийлар бўйлаб жойлашган бўлади. Биринчи тартибдаги қоқув патлари 9-11; кўпгина гурухларида биринчи қоқув пати кичик ёки умуман редукцияланган. Иккинчи тартибдаги қоқув патлари одатда 9 та. Дум патлари кўпроқ 10-12, баъзан- 6-16 та бўлади. Ранги хилма-хил: оддий ва кўримсиз рангдан жуда равshan, баъзан металли товланишгача бориши мумкин. Кўпгина турларда жинсий ва ёшига боғлиқ бўлган морфизм ранги озми-кўпми аниқ намоён бўлади, турларини айрим қисмida - мавсумий характерда бўлади. Одатда нарлари модасига нисбатан йирикроқ бўлади.

Катта миқдордаги турлари хилма-хил дарахтзор ва бутазорларда яшайдилар; уларнинг бир қисмлари очиқ ландшафтларга кириб борадилар. Кам миқдордаги турлари фақатгина очиқ ландшафтларни эгаллайди ва ер юзида ҳаёт кечиради. Кўплари баланд тоғларга кўтарилиб боради, баъзилари барча оролларни эгаллайди. Озиқланиши жуда хилма хил. Ҳашаротлар ва бошқа умуртқасизлар, ўсимлик уруғлари, мевалари билан, баъзи турлари деярли чангчилар, нектар билан озиқланади. Ундан ташқари жониворлар, ўсимликлар билан озиқланадиган формалари ҳам бор. Бир гурух турлари ўтрок ёки баланд кенгликларда кўчиб юрувчилар, бошқалари учиб келиб, учиб кетувчилар ҳисобланади.

Одатда улар моногамдир: иккала қуш жинслари ҳам у ёки бу даражада тухум босиш ва полапонларини бокишда иштирок этади. Аммо типик полигамия ҳоллари ҳам учраб турари. Уяси ерда ёки шохларда, дарахт ковакларида ва қоя ёрикларида,

баъзан қушларнинг эски инларда бўлади. Баъзи турлари ёпиштирма - уялар ясадилар. Уядаги тухумлар миқдори жуда жузъий ўзгаришларга эга бўлади. Уяда 15-16 тагача тухум бўлиши мумкин, кўпгина турларида тухум миқдори 4-8 тани ташкил этади. Полапонларини ривожланиши жиши типи бўйича амалга ошади: полапонларини танаси яланғоч ёки жуда кам тивитли, кузлари юмуқ бўлади. Уяда катта ёш даражасига етмагунча ва парлар билан қопланмагунча қолади. Нар ва мода қушлар полапонларига озиқа олиб келиб оғзига жойлаштиради, оч ҳолдаги полапонлари оғизларини жуда кенг очиб, озиқа талаб қиласидилар. Кўпгина турлар полапонларининг оғиз бўшлиғи ниҳоят даражада равшан рангда бўлади, бу ўз навбатида нару-мода қушларда полапонларини боқиш инстинктини кучайтириш учун хизмат қиласиди. Одатда ҳар-хил турларда полапонлари уяни тарк этганларидан сўнг, бир неча кундан то бир неча ҳафаталаргача нару-мода қушлар билан бирга бўладилар. Ёш қушлар бир йилда вояга этиб, келгуси баҳор ва ёзларида кўпайишда иштирок этади.

Чумчуқсимонлар туркуми ҳозирги вақтда яшовчи қушларнинг ярмидан кўпини ўзига бирлаштиради. Унинг таркибига 5100 тур (5035-5309) мансуб бўлиб, 1080-1343 авлод ва 52-72 оила (шундан 2 таси фақат қазилма турлар) қушлар ва 4 кенжак туркуми мавжуд. Собиқ Иттифоқда 317-329 тур чумчуқсимон қушлар учраб, фақат битта кенжак туркумга, сайроқи чумчуқсимонларга мансубдир.

Ўзбекистонда чумчуқсимонларнинг 23 оиласига мансуб 212 тури учрайди.

Қушлар зааралантирадиган объектлар

Материаллар, техник қурилмалар, меъморчилик ва саноат иншоотлари, ёдгорликлар, обидалар, ва ниҳоят хом ашё ресурслари етишириш, сақлаш, уларни транспортировка қилиш, қайта ишлов бериш босқичларида қушлар томонидан зааралантириш каби қатор амалий жаҳатдан салбий муаммоларни қамраб олган. Куйида шуларнинг энг муҳимларига тўхталиб ўтамиш.

Мўйнали ҳайвонлар фермалари шароитида қушларнинг зарари

Қушлар тери - мўйна буюмларини билвосита зааралантиришда иштирок этиб, уларни сифатини пасайтиради. Чорва фермаларида ҳайвонларга тегишили озиқанинг бир қисмини еб, жиддий зарар келтиришини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Бу зарар асосан ола қарғалар, майналар, чумчуқлар томонидан етказилади. Негаки, мўйна фермаларида айниқса қиши фаслида озиқа миқдорининг мўл-кўл бўлишилиги қишиловчи қушлар популяциясини бундай объектлар ўзига кўпроқ жалб этади. Чорва фермалари шароитида уларни чўчитиб ҳайдаш жуда қийин, бутунлай йўқотиш эса ундан ҳам қийинроқ кечади. Қанчалик даражада самарали чўчитиб ҳайдаш усуллари кўлланилмасин қушлар бундай жойларга тез-тез галалашиб туради ва мўйнали ҳайвонлар учун бериладиган озиқага шерик бўлади. Лекин, қушларнинг (қарғалар) бир қисмини тутиш ва отиш йўли билан сонини қисқартириш катта самара бермайди, чунки қушлар сони атрофда яшаётган популяция ҳисобидан тезда тикланади. Гарчанд бу етказилаётган заараларни миқдорий кўрсаткичларини ҳозирча баҳолаш қийин бўлса ҳам, унинг анча юқори эканлигига шубҳа йўқ. Чорва фермалари шароитида ҳозиргача қушлар зарарини камайтиришнинг самарали чора

тадбирлари мавжуд эмас. Бу борада бирдан бир энг истиқболли усуллардан бири ўргатилган йирткич қушлардан фойдаланиш мумкин.

Қушларнинг энергетик қурилмалардаги зиёни

Кейинги 10 йилларда гўнг қарғалар, лайлаклар ва бошқа қушлар электр узатиш линияларининг устунларига, металли конструкцияларига уя қуришга мослашган. Бу ҳолларда улар уя қуриш учун, одатдаги уя материаллари билан биргаликда устунлар атрофида тўпланиб қолган сим бўлакларидан фойдаланади. Қушлар томонидан электр линияларида қисқа тўқнашувлар содир этилиши аварияли ҳолатларни келтириб чиқаради. Натижада ишлаб чиқариш корхоналари, коммуникация хизматлари, соғлиқни сақлаш тармоқлари, аҳоли пунктлари ва бошқалар энергия таъминотидан маҳрум бўлади. Лайлаклар ўзларининг оғир уяларини темир йўл станцияларига ўрнатиб темир йўл транспорти харакатига жиддий халақит бермоқда. А.М.Болотников ва унинг ходимлари (1981) маълумотларига кўра, гўнг қарғаларнинг электр узатиш линиялари устунларida жойлашган уялари (бир устунда 55 тагача уя борлиги саналган), энергия тармоғида аварияли ҳолатларни келтириб чиқаради (ҳар олти устунда уя қуриш мавсумида 15 тагача авриялар қайд этилган). Оқибатда жойларда иқтисодий заарлар ҳажми ошиб бормоқда.

Ўзбекистон шароитида оқ лайлакларнинг юқори кучланишли электр устунларига уя қўйишлари Фаргона водийси электр тармоқлари ишига жуда катта заар етказмоқда. Масалан, фақатгина Наманган электр тармоқлари корхонасида 1994 йилда оқ лайлакларнинг уя қўйишлари туфайли 92 маротаба қисқа туташувлар содир этилган. Шундан 40 таси оқ лайлакларнинг суюқ ахлатлари орқали, 52 таси эса бевосита оқ лайлакларнинг ўзлари орқали юзага келган. 1995 йилнинг январ, феврал, март ва апрел ойлари ичida 4 маротаба ана шундай қисқа туташувлар қайд этилган. 1995 йил 25 майда Наманган вилоятининг Поп тумани худудигаги “Оби ҳаёт” станциясидаги оқ лайлаклар томонидан етказилган моддий заар бир неча ўн минг сўмни ташкил этди (Жабборов, Мамашукуроев, 1997).

Қушларни уя қўйиш фаолиятлари билан биргаликда энергия тармоқлари устунларидан дам олиш ва тунаш жойлари сифатида фойдаланиши ҳам юқорида қайд этилган сингари жиддий заар келтирмоқда. Бундай ҳолларда авариялар манбаи суюқ ахлатлари бўлмоқда, унинг оқими ўтказгич бўлиб, қисқа туташувларни келтириб чиқармоқда, қушлар эса ҳалокатга учрамоқда, бир вақтнинг ўзида электр энергияси узатишда узилиш рўй бермоқда.Faқатгина Қалмикияда ҳар 30 км линияда электр токи туфайли 70 тагача ўлган қушлар топилган, булар асосан бургутлар (Б.М.Звонов, Г.А.Кривоносов, 1981).

Катта ола қизилиштонлар томонидан келтирилиб чиқарилаётган заар нисбатан яқинда пайдо бўлди ва у етарли даражада ошиб бормоқда. Катта ола қизилиштонлар энергия тармоғи ёғоч устунларни юқори қисмини шикастламоқда. Қизилиштонлар устунларни изоляторлар яқинидаги бош қисмларини тешиб ташлаши туфайли заар етказади, бунда чуқур ёриқлар пайдо бўлади, натижада у ерларда замбуруғлар флораси ривожланади. Устуннинг чўқиси чирийди, изоляторлар турган жойлар кўпроқ шикастланади, баъзи ҳолларда тушиб ҳам кетади. Шундай қилиб, қизилиштонлар томонидан электр узатишдан ёғоч устунларни шикастланишлари мамлакат масштабида анча катта заар келтириши амалийтчиларни диққат эътиборини ўзига тортмоқда.

Маданий ёдгорликлар, мейморчилик ва саноат ишшоотларининг заарланиши

Узок тарихни қамраб олган кўп сонли ёдгорликларга, катта маданий қимматга эга бўлган йирик шаҳарларда бўлганимизда ночор ахволга келиб қолганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳайкаллар ва биноларда зич қўниб турган кўк каптарларни, уларнинг ахлатлари билан булғангандигини, юзасини мисли зич оқ панцир билан қопланганлиги, аллақачон кучли металл коррозияси ҳосил бўлган излар кўриниб туради. Санъатшунослар ва мутахассислар қушлардан ғишти иморатларни ва ҳайкалларни, металли ёдгорликларни, бино томларини бундай ифлосланишларни олдини олиш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, бу масалани ҳал этиш ўзининг долзарблигини саклаб келмоқда. Балиқчи қушлар Ғарбий Европа шаҳарлари биноларининг ясси томига ўз уяларини қўйиб, фаол ҳаракатдаги қичқириқ овозлари билан аҳолини безовталашибирмоқда. Қарғалар ва загчалар, ибодатхоналар пештоқларидаги гумбазларга қўнишга интилиб олтин билан юритилган қопламаларни тирнаш, мавжуд металлар коррозияни кучайишига олиб келиш билан катта моддий зарар етказмоқда (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва б., 1987).

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда XIV-XV асрларга оид бир қатор қадимги тарихий обидалар, мейморчилик ёдгорликлари, мақбаралар, мадраса ва масжидлар мавжуд бўлиб, ўтмиш халқлари маданияти, санъати, фанининг нақадар юксак даражада бўлганигини намоён этади. Бу қадимги тарихий обидалар, ёдгорликлар мақбара ва мадрасалар аждодлардан авлодларга мерос бўлиб, улар республикамизда Конунда белгиланиб қўйилганидек, Давлат муҳофазасига олинган. ЮНЕСКО ва қатор нуфузли Халқаро ташкилотлар томонидан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари Ўрта Осиёнинг йирик туризм хорижий меҳмонларининг қадамжолари, зиёрат қиласиган шаҳарлари рўйхатидан муносиб ўрин олганлиги, уларнинг нақадар қадри қиммати юқорилигини кўрсатади.

Қушларнинг қадимги тарихий мейморчилик ёдгорликлари, мақбара, мадрасалар, масжидлар билан экологик алоқаларини атрофлича ўрганиш муҳим назарий ва катта амалий аҳамиятга эгадир. 2750 йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳри мейморчилик ёдгорликлари, мақбаралари билан қушларнинг экологик алоқаларини, биологияси, экологияси ва уларнинг аҳамиятини Самарқанд Давлат университети олимлари ўрганган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мейморчилик ёдгорликларида, мақбаралarda каптарсимонлар, узунқанотлар ва чумчуқсимонлар туркумларига мансуб ўндан зиёд тур қушлар: кўк каптар халқали мусича, кичик мусича, қора узунқанот, ҳаккалар, загчалар, гўнгқарғалар, ола қарғалар, ҳинд чуғурчиғи ёки майналар ва дала чумчуқлари қайд этилди. Қушларнинг сони айниқса Регистон майдонидаги Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасалари ва Гўри-Амир мақбарасида юқорилиги аниқланди. Масалан, Регистон майдонида қишида жами - 3558, баҳорда - 2050, ёзда - 2070, кузда - 3548, Гўри-Амир мақбарасида қишида - 3380, баҳорда - 1848, ёзда - 1833, кузда - 3212 қуш борлиги кунлик ҳисоблар асосида аниқланди. Қушлар учун тарихий ёдгорликлар қулай уя қўйиш, дам олиш ва тунаш жойлари бўлиб ҳисобланади. Каптарсимонлар ва чумчуқсимонлар туркумлари вакилларининг ахлатлари билан обидалар гумбазларида, пештоқларга ҳар-хил ғалласимон ва бошқа ўсимликларни уруғлари тушиб ва ўсиши туфайли, шунингдек ахлатлари билан мейморчилик ёдгорликларини заарланишларига сабаб бўлмоқда (Сагитов, Джабборов, Байтураев, 1987,

Джабборов, 1987, 1996; Алибекова, Джабборов, 2002; Шерназаров, Лановенко, Аюпов, Жабборов, Бақоев, 2006; Жабборов, Фундукчиев, 2006).

Транспорт воситаларининг заарланиши

Самолётлар ва вертолётларнинг қушлар билан тўқнашувлари оқибатида келтириладиган моддий заар, энг аввало авиаация техникаси қийматининг юқорилиги учун ҳам анча каттадир.

Ўтган аср бошларида самолётлар билан қушларнинг биринчи тўқнашувлари рўйхатга олинган эди, баъзан бу тўқнашувлар жиддий аварияларни келтириб чиқаради (1912 йилда АҚШ да самолёт билан күшни тўқнашуви оқибатида синовчи - учувчи ҳалок бўлди), ҳозирги вақтга келиб бундай тўқнашувлар сони 4000 дан ошиб кетди, бунинг устига уларнинг ҳар ўнинчиси оғир талафотларга олиб келди. Швейцариянинг ҳарбий ҳаво кучларида, ҳар қайси 10000 соатлик учишларига 9,7 марта самолётлар билан қушлар тўқнашуви тўғри келади.

Шундай қилиб, 1946 йилдан 1963 йилгача Англияда 145 та фуқаролар самолётлари қушлар билан тўқнашган, айрим авиакомпанияларнинг кўрадиган заар миқдори 100 минг фунт стерлингни ташкил этади. АҚШ да 1961 йилдан 1963 йилгача 430 та балиқчи қушлар, ўрдаклар ва чумчуксимонлар билан тўқнашувлари қайд этилган. Агарда ўртacha заар қиймати, бир марта тўқнашув натижасида ўша йилларда 6,5 минг фунт стерлингга етган бўлса, ҳозирги кунга келиб у янада ўсди, чунки самолётлар нархи кўп марта ошди, экспериментал машиналар учун келтириладиган заар юз млн. долларга етади. Бундан ташқари, самолётларнинг учиш тезлигини ошишига мувофиқ равишда тўқнашувлар хавфини ва уларнинг оғир оқибатларини янада оширеди. Самолётларнинг тезлиги ошиши билан қушларнинг тўқнашувларидан қочишлари бир мунча қийинлашди. Самолёт 2000 км/с тезлик билан учайтганда қуш танасининг самолётга урилиш кучи 30 000 кг га етиши қайд қилинган.

Фуқаролар самолётлари билан қушлар тўқнашувларнинг 39,4 % двигателга, 32,4 % текис жойларига, 16% кабина ойналарига, 7% фюзеляжнинг олдинги қисмига тўғри келади. Албатта, бундай тўқнашувларнинг оқибатларини ўрганиб конструкторлар учувчи транспортларнинг тегишли қисмларини мустаҳкамлайди, материалларни қушлар урилишига чидамлилигини оширади. Бироқ конструкторларнинг ҳам самолётларни қушлардан ҳимоялашдаги имкониятлари чегараланган, чунки самолётлар қисмларини қушларга чидамлилигини ошириш муқаррар равишда уларни оғирлашишига ва двигателларнинг қувватини тушириб юборишга олиб келиши мумкин.

Техника хавфсизлигини олдини олишда технологик воситалар билан биргаликда бошқа амалий йўллардан ҳам фойдаланилади. Авиация метеорологлари радиолокаторлар ёрдамида қушларнинг оммавий тўпланиб ҳаракатланишларини, айниқса миграция йўлларини авиалиниялар трассалари кесишадиган жойларини кузатиб боради. Оммавий миграциялар вақтида ҳаво коридорлари, қушлар билан тўлган пайтда ҳаво лайнерларининг ҳаракати тўхтатилади. Шундай қилиб, Швейцария авиакомпанияларидан бири бир йилда 60 марта самолётларни қушлар билан тўқнаши туфайли 324 минггача Швейцария франки миқдорида заар кўради (ҳар ўн минг соат учишда 3,2-7,6 тўқнашиш қайд этилган). Қушларнинг оммавий тўпланиш жойларида кузатишларни йўлга қўйилганлиги, учайтган ва қўнаётган самолётларнинг трассасини ўзгартириш ҳисобига, тўқнашиш статистикасини 48 %

гача яхшилади. Унга қадар 90% тұқнашишлар учиш ва қўнишда содир этиларди, бунга асосан балиқчи қушлар (30%), қалдирғочлар ва узунқанотлар (20%), йиртқич қушлар (15-20%) сабаб бўлган. Модомики, катта қисм (60% ва кўпроқ) фуқаро самолётлари билан қушлар тұқнашувлари учиш ёки қўнишда содир бўлган экан, аэродром худудида самолётларни қушлардан муҳофаза қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги замон аэродром худудлари 10 км² гача бўлган майдонни эгаллайди, унинг атрофидаги ерлар қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилади. Гарчанд қушлар жойлардаги ишлаётган двигателлар шовқинидан анча қаршиликга дуч келса ҳам, аэродром худудида яхши озиқа шароитлари мавжудлиги, турли ва қўп сонли ҳашаротлар, кемирувчилар, бегона ва маданий ўсимликлар уруғлари, ташландик озиқалар (аэродром шаҳарчасидаги ахлатлар ва ахлат қутилар), дам олиш, тунаш ва уя қуриш учун қулай жойлар бўлганлиги туфайли уларни жалб қиласи. Учиш қўниш майдончаси яқинида сув ҳавзаларининг мавжудлиги сув ва сув олди қушларининг уя қуриб кўпайишига, озиқланиш, дам олиш мақсадида тўхташ, ҳамда тўпланишига имкон беради. Ангарлар ва маъмурий бинолар томларида кўк каптарлар ва бошқа турлар йил давомида тўпланади, шунингдек баланд бўйли дараҳтларда гўнг қарғаларни колониялари жойлашишига олиб келади.

Ёш қушларнинг мавсумий миграциялари ва кўчиш ҳаракатланишлари вақтида, ёзнинг охирларида уларнинг концентрациялашуви айниқса аэродромда ошади бу ўз навбатида самолётлар билан қушлар тұқнашуви хавфини оширади. Асосан ёш ва тажрибасиз, яқинда уяни тарк этган, маҳаллий шароитни билмайдиган қушлар ҳисобига хавф ўсиши ортади. Аэродром худудининг экологик шароити, маданий биоценози маълум тур қушларни жалб қиласи, улар фаол ва энг оммавий иштирокчилар бўлиб қолади. Шундай қилиб, Уилтшир аэродромида (Англия) 43 тур қуш яшайди, шу жумладан авиация учун хавфли яъни самолётлар билан тез-тез тұқнашиб турадиган қушлар жумласига балиқчи қушлар, қизқушлар, каптарлар, гўнг қарғалар, чуғурчиқ кабилар киради.

Аэродромда яшаётган ёки унинг худудидан учиб ўтаётган миграция қилувчи турларнинг ҳаммаси ҳам самолётлар учун хавфли деб бўлмайди. Аэродром фаунасиниг вакиллари ҳаёт тарзига, феъл-атворига ва бошқа экологик омилларга боғлиқ ҳолда самолётлар билан асосан тұқнашадиган турлар географик худудлар бўйича ўзгариб туради. Шунинг билан бир вақтда тасодифий тұқнашиш содир этган категорияга киравчи турлар сони анчагина бўлиб, самолётлар билан уларнинг тұқнашишларини башорат қилишни мураккаблаштиради. Англияда 2850 қушдан 1541 таси самолётлар билан 1966-1977 йилларда тұқнашган (20% тұқнашишлар учиш-қўниш майдончасида содир этилган), асосий массани оддий ва кулранг балиқчилар (41,2%), қизқушлар (14%), узунқанотлар (5,6%),.gov каптар (5,3%), чуғурчиқлар (3,7%) ва қарғалар (1,9%) ташкил этган. Барча қайд этилган бошқа турлар тасодифий категорияга ва якка ҳолларда тұқнашувчиларга киради.

Орнитологлар қушларнинг самолётлар билан тұқнашувлар статистикасини ўрганиб, уларни сутка давомида учиш баландлиги ва характеристига, тезлигига ва ҳоказоларга боғлиқлигини аниқлайди (Якоби, 1974). А.И.Рогачев ва В.И.Харченколарнинг (1981) маълумотларига кўра, собиқ Иттифоқда 1970 йилдан 1979 йилгача фуқаролар самолётлари билан қушлар тұқнашуви 1500 тага етган, аксарият тұқнашувлар (28%) август ва сентябр ойларида содир бўлган, сутканинг ёруғ соатларида (67%), 100 м гача баландлиқда (46%), самолётнинг учиш тезлиги 101-300 км/с (71%), қўниш вақтида (40%) кузатилган.

Самолётларни қушлар билан тўқнашувларидан муҳофаза қилишнинг амалий тадбирлари ичida мухим ўринни, орнитологик ҳолатни йил мавсуми, сутка вақти, метеошароитлар ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда башорат қилиш мухим аҳамияга эга.

Аэрором фаунасини ўрганиб ва уни аэрором ҳудудидаги самолётлар билан тўқнашувлар статистикасига таққослаб, орнитологлар қушларни жалб қилувчи экологик омилларни бартараф этиш, аэрором фаунасини бошқариш, самолётлар билан тез-тез тўқнашаётган турлар сонини камайтириш тўғрисидаги ишларни амалга оширадилар. Бунинг учун пиротехник ва акустик қурилмаларга асосланган, қушларни оғат сигналларини имитация қилувчи, ов милтиғидан отиш овози билан пиротехник самара бериб олиб бориладиган чўчитиш воситаларидан кенг фойдаланилади. Агар фуқаролар самолётлари учиш ва қўнишда қушлар билан тўқнашиб шикастланаётган бўлса, ҳарбий авиация самолётлари паст баландликларда учиб миграция қилувчи қушлар коридорларига кириб қолади. Кўпгина давлатларнинг ҳарбий-денгиз авиациясида тўқнашувлар 300 м гача баландликларда, асосан март-май ва сентябр-ноябрларда, эрталабки соатларда содир бўлган. Фуқаролар самолётларининг двигателлари заарланиш ҳолати 45% ташкил қалади.

Қушлар билан самолётларнинг жиддий заарланиши, самолётлар очиқ тураг жойларида ва уларни ангарлар томи остида таъмирлаш пайтида юзага келади. Бунда ола қаргалар самолётларнинг дум қанотлари қисмига озиқа қолдиқларини қўйишлари, вертолётларнинг брезентли чехолларини чўқишилари, чумчуқлар, жибилажибонлар ва катта читтаклар элерон тортмалари тешикларига уя қўйишлари кузатилган. Вақтингчалик аэроромларда жойлашган қишлоқ хўжалик авиацияси самолётлари ва вертолётларидан қушлар уя қуриш обьекти сифатида фойдаланилганлиги ҳам маълум (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва бошқ., 1987).

Ўзбекистон Ҳаво йўллари Миллий авиакомпаниясининг Тошкент аэропортида самолётлар билан қушларнинг тўқнашувлари йил давомида мавсумий ўзгариб туради: баҳорда - 32,4%, ёзда - 17,5, кузда - 46,5 ва қишида - 3,6% ни ташкил этди. Аэропорт ҳудудида умумий тўқнашувлар сони баҳор ойларида юқори, аммо кузда айнан самолётларнинг учиш трассасида тўқнашувлар кўпроқ қайд этилди. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики тўқнашувларнинг кўпчилиги (66,6-78,9%) баҳор ҳам куз ойларида қушларнинг миграция давларига тўғри келади. Бундан ташқари ёзги даврда кўпинчалик турларнинг полапонларини учирма бўлиши, тажрибасиз ёшлар ҳисобига қушлар миқдорининг ошиши натижасида тўқнашувлар бўйича содир этиладиган кўрсатгич ҳам ўсади. Шундай қилиб, ёзги даврида тўқнашувлар сони августда сезиларли даражада ошади, уялаш давридан кейинги қушларнинг кўчиб юришлари ва айрим турларнинг кузги миграциясининг бошланиши орнитологик вазиятни анча мураккаблаштиради (Остапенко, Шерназаров, Аюпов, Гончаров, 1984).

Қайд этилган умумий тўқнашувларнинг 64,3 % сутканинг ёруғ соатларига ва 35,7% тунги соатларга тўғри келади.

Тўқнашувларнинг каттагина қисми (77,7%) 1000 м гача баландликларда содир бўлади. Шу билан биргаликда 3000 м баландликларда ҳам тўқнашувлар қайд этилган. Тошкент аэропортида самолётларга урилган қушлар 21 турга мансублиги аниқланган. Урилган қушлар миқдори бўйича биринчи ўринни қора узунқанот, иккинчи - қишлоқ қалдирғочи ва тог қалдирғочилари эгаллайди (Остапенко, Шерназаров, Аюпов, Гончаров, 1984).

Ўзбекистон Ҳаво йўллари Миллий авиакомпаниясининг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро аэропортлари шароитларида майналар, оддий чуғурчиқлар, чумчуқлар, капитарлар, мусичалар, қарғалар, узунқанотлар, қалдирғочлар томонидан самолётлар, аэрором техник қурилмалари, турли-туман бинолар ва иншоотларга уя куриш, дам олиш ва тунаш жойлари сифатида доимий фойдаланилиб келинмоқда. Масалан, Самарқанд ва Бухоро аэропортлари шароитларида майнани “АН-24” самолётининг дум қанотлари қисмида уя қўйғанлигини, ёки эндигина Москва - Самарқанд рейсини тугатиб, самолёт турар жойида двигателлари ҳаракатдан тўхтагандан кейин бир жуфт майна уя материаллари билан ҳаво лайнериининг дум қаноти қисмида уя куриш учун жой қидирғанлигини кузатилган. Узоқ вақт ангарда таъмирлаш учун туриб қолган самолётларда капитар ва кичик мусичаларни уя қурғанликларини бир неча марта қайд этилган. Самарқанд аэроромининг қўндириш радиолокаторларининг (ПРЛ) бевосита ўзида, кўриниш узоқлигини қайд этувчи қурилма (РДВ) минорасида икки жуфт майналар уя қуриб, полапонларини учирешга мувофиқ бўлган (Джабборов 1989; Сагитов ва бошқ., 1991).

Қушларнинг қишлоқ хўжалигидаги роли

Ўзбекистонда қушларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғидаги роли ечимини топиш зарур бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда турли-туман экинларни экилиши (эрта баҳор, ёз ва куз мавсумларида) қушларни ўзига деярли бутун йил бўйи жалб қиласи ва қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказиши мумкин бўлган қуш турлари таркибини турли-туманлиги, улар томонидан келтирилаётган зарар даражаси ва ҳажми сезиларли эканлиги билан характерланади. Масалан, А.К.Сагитов ва С.Б.Бакаевларнинг (1980) маълумотларига кўра, гўнгқарғаларнинг қишлоқ хўжалигига келтираётган ғоят катта фойдасидан ташқари баъзи бир ҳолларда зарар етказишлари мумкинлиги ҳам кузатилган. Кузги ва баҳорги буғдой экиш даврида гўнгқарғалар ердан уруғларни чўқилаб чиқариб ташлайди. Октябрь ойида ғалла экилган далада 5 гўнгқарға ошқозони текширилиб кўрилганда, уларнинг ҳар бири 228 буғдой дони бўлганлиги аниқланган (Сагитов, 1959). Экин майдонларида гўнгқарғалар хуш кўриб оқ жўхори ва маккажўхори донлари ва майсалари билан озиқланади. Баъзан улар ғўзанинг ёш майсаларини ердан суғириб олиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Самарқанд вилояти Каттақўргон тумани ғўза майдонларида овланган бир гўнгқарғанинг ошқозонидан 25 дона чигит топилган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида академик Р.Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд филиали далаларининг бирига кўчат етиштириш учун 3 га майдонга юонон ёнғоги экилган майдон яқинида гўнгқарғаларнинг унча катта бўлмаган колониясидан учиб келган қушлар кун бўйи ёнғоқ уруғларини “усталик” билан ковлаб олиб озиқланиши натижада экилган уруғлик тўла еб тугатилган.

Академик Н.И.Вавилов номидаги собиқ Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ўсимлиқшунослик институтининг Ўрта Осиё филилали (САФВНИИР) тажриба майдончаларида селекционер-олимларнинг кўп йиллик меҳнатлари эвазига етиштирилган, қимматбахо сифатли уруғликлар дала, ҳинд ва испан чумчуқлари, ёввойи кўккаптарлар томонидан еб кетилиши кузатилган.

Ўзбекистонда дала ва ҳинд чумчуқлари томонидан оқ жўхори рўвакларининг 80%, кузги буғдойнинг 7,6-8,3%, шолининг эса 2,1-3,4% заарланганлиги қайд этилган

(Джаббиров, 1996; Джаббиров, Фундукчиев, Мамашукров, 1999; Джаббиров, Фундукчиев, 2006).

Э. Шерназаровнинг (1996) маълумоти бўйича Айдар-Арнасой кўллари тизимида 32 тур балиқхўр қушлар учрайди. Шулардан қисман балиқхўрлар 16 турни, асосий балиқхўрлар 11 турни ва хақиқий балиқхўрлар ёки ихтиофаглар 5 турни ташкил этади. Муаллиф ҳисоб-китобига кўра 1993 йил мартаңдан ноябргача катта қоравойлар “Балиқчи” балиқ хўжалиги кўлларидан 84730 кг балиқ билан озиқланган (баҳорда - 37065 кг; ёзда - 12015, кузда - 35650), кулранг қарқаралар февралдан ноябргача мос равишда 24554 кг (февралда - 1850; баҳорда - 7047, ёзда - 1485, кузда - 14172), катта оқ қарқаралар 12728 кг (февралда - 768 кг, баҳорда - 10788, кузда - 1940), катта қўнғирлар - 9000 кг га яқин (баҳорда ва кузда 4500 кг дан) ўстирилган балиқларни тутган.

Шундай қилиб, оммавий тур ихтиофаг-қушлар “Балиқчи” балиқчилик хўжалиги кўлларидан 122 тоннадан зиёд балиқ билан озиқланниб, хўжалик иқтисодига маълум даражадаги зиёни келтирган. Фориш балиқчилик хўжалиги кўлларида фақатгина қоравойлар 17,7 тонна балиқ билан озиқланади (Шерназаров, 1996).

Фарғона водийси шароитида туркистон оқ лайлакларининг бир қисм популацияси қишилаб қолади. Андижон балиқчилик хўжалигининг балиқ кўпайтириладиган кўлларида маълумотларга кўра бир кун давомида 2100 та оқ лайлаклар тўпланиши мумкин, ҳар бир лайлак рационида ўртacha 800 г гача балиқ бўлади. Бир кун давомида лайлаклар 1 680 кг балиқни тутиши аниқланган (Жабборов, Мамашукров, 1998). Шунингдек, оқ ва кулранг қарқаралар ва бошқа балиқ билан озиқланадиган турлар ҳар хил миқдорда доимий равишда учраб туради.

Куркунакларнинг асаларичиликдаги заарли фаолияти қадимдан маълум. Лекин Ўзбекистонда курсунакларнинг асаларичиликка етказаётган зарари ва уни олдини олиш чоралари атрофлича ўрганилмаган ва таҳлил этилмаган.

Т.З.Зоҳидов ва Р.Н. Мекленбурцев (1969) ларнинг маълумотларига кўра, тилла ранг курсунаклар кузда асаларичилик хўжаликлирида тўпланишиб асосий озуқалари ишчи асаларилар бўлганилиги туфайли, асаларичилар бу қушларни жуда заарли деб ҳисоблайди. Кузда учиб кетаётган тилла ранг курсунакларнинг ҳужумидан асалариларни сақлаб қолиш мақсадида асаларичилар ов қуролларидан фойдаланадилар. Бу турнинг миграция олди ҳаракатлари бошланганида қўлланилган тадбир кутилган натижани бермайди.

Курсунаклардан Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти далаларидағи асаларичилар айниқса катта заар кўрадилар. Олиб борилган ҳисобларга кўра, бир соат давомида бир курсунак ўртacha 30-40 дона, бир кунда эса бир неча юзлаб ишчи асалариларни ейиши аниқланган (Жабборов, Фундукчиев, 2003).

Қушлар томонидан содир этилаётган биозараарланишлардан ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари

Ҳимояланиш воситаларини уларни организмларга таъсир этиш нуқтаи назаридан баҳолаб, содир этилаётган заарланишларни олдини олиш учун қўлланадиган тадбирларни уч категорияга бўлиш мумкин. Биринчи категорияга обьектга шикаст етказишдаги уриниш ёки у билан оддий контактда бўлишда организмни ҳалок бўлишига олиб келадиган (биоцид) воситалар киради. Иккинчи категория организмларни физиологик ҳолатини ёмонлашишига олиб келадиган -

қайтарилиувчан ва фақат бевосита объект яқинидаги ҳудудда олиб бориладиган воситалар киради. Нихоят, учинчи категория этологик деб номланган воситалар, организнинг феъл-авторига таъсир этиш қобилятига эга бўлиб, уларда объектдан фаол қочиш реакцияларини уйғотадиган тадбирлар.

Барча учала категориялар ҳар хил даражада микроорганизмларга, ўсимликларга, умуртқасизларга ва умуртқалиларга қарши курашда фойдаланилади. Агарда микроорганизмлар учун асосан биоцидлардан фойдаланилса, унда юқори тарқкий этган ҳайвонлар, жумладан қушлар учун-кўпроқ даражада этологик воситалардан фойдаланилади. Этологик воситалардан организмларга қарши курашда фойдаланишнинг афзаликлари, эволюция нарвонининг юқори даражасини эгаллаган организмлар, биринчи навбатда, фазовий ориентация ва сигнализацияларини юқори ривожланганлик қобиляти, табиий ориентирлар ва сигналларни иммитацияси йўли имкониятлари билан улар феъл-авторини инсон учун керакли йўналишларга бошқаришдан иборатdir. Гарчанд биозарланишлардан ҳимояланиш амалиётида барча воситалар етарли даражада тез такомиллашиб борсада, юксак ҳайвонларнинг феъл-авторини бошқаришда биоцидлардан фойдаланишдан кўра этологик, яъни ҳайвонларнинг феъл-авторини инсон ўзининг мақсадларига мувофиқ бошқариш, экология ва табиат муҳофазаси талабларига мос келадиган воситалар томон аниқ силжишлар кўриниб турибди, қайси бирлариди тобора катта амалий аҳамиятга эга бўлса.

Бу воситалар ҳайвонларни объектидан чўчитади ёки чалғитади, унинг ҳарактланиш йўналишларини инсон учун қулай томонларга стимуллайди. Бунинг устига ҳайвонни ҳалок бўлиши хавфи йўқолади ва бу ҳолат шундай вақтларда катта аҳамиятга эга бўладики, қачонки биозарланишларни содир этувчи турлар, катта илмий, хўжалик ва маданий қимматга эга бўлса, шунда уларни тўғридан-тўғри қириб ташлаш билан боғлиқ бўлган воситалардан фойдаланишни чеклайди.

Айниқса элиминацияларга (кириб ташлаш йўллари) асосланган воситалардан фойдаланиш, ҳаддан ташқари мақсадга мувофиқ эмаслиги шундан иборатки, уларни биоценоздан ажralиб қолишлиги биоценоз учун энг кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Қириб ташлаш усули ҳамма вақт ҳам яхши самара бермайди, қириб ташлаш оқибатида бўшаб қолган жойлар бошқа популяциялар ҳисобидан қайтадан яна тикланиб боради.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, этологик воситалар, қандай афзаликларга эга? Бошқа биозарланишлардан ҳимояланиш воситаларига нисбатан улар иқтисодий арzon, тежамли, самарали, ишончли, муаммони ечишда бирдан бир долзарб йўналиш ҳисобланади. Ва нихоят, этологик воситалар биосфера мониторингининг таркибий қисми сифатида ҳимояланиш чора-тадбирлари тизимиға жуда яхши қўшилиб кетади.

Орнитологлар ўтган асрнинг 50-йилларида илк бор репеллент сигналларини ўрганиб қушлардан аэродромларни ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ҳимоя қилиш учун амалда қўллаб кўрдилар. Кейинчалик этология билан қишлоқ хўжалиги ва аваиция чорраҳаларида яхлит илмий амалий йўналиш - “қушлар феъл-авторини бошқариш” борасида тадқиқотлар олиб борилди.

Хозирги вақтдаги қушларнинг биозарланиш фаолиятидан ҳимояланиш мақсадида акустик, оптик, кимёвий, механик (ҳимояланувчи - изоляциялар) ва экологик, комбинацияланган воситалардан фойдаланишга асосланган кенг қўланилаётган усуллар жумласига киради. Кўриб турганимиздек, бундай воситаларни классификациялаш негизида таъсирот таъсирот кучининг бошланиши ва

қисман уни қушларга таъсир этиш самараси ётади (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва бошқ., 1987).

Акустик воситалардан фойдаланиш тўғрисидаги дастлабки гувоҳликларни эрамиздан 3000 йил олдин яратилган мисрликларнинг XVIII династияси фрескаларида (деворий расмларида) учратамиз. Маълум фрескаларнинг бирида овчи акс эттирилган бўлиб, ов қушларини (қарқара, ўрдак ва бошқа сув қушларини, қамишзорда яшириниб қўрқитаётганлиги кўрсатилган) оёғидан ушлаб турган ва қичкираётган қуш ёрдамида (тумшуқ ости ва тумшуқ усти ҳолатига қараб) уларни қўрқитаётганлиги тасвиirlанган. Модомики, оёғидан ушланган қуш қичқирса, демак бу ҳозирги вақт иборасида “мушкул ҳолат” сигналлариdir. Қадимги Мисрда бу сигналлар тўғрисида, уларни олиш усуllари ва қушларни феъл-авторига таъсир қилишини аллақачон билганингига асос бор. “Тирик” магнитофонлардан фойдаланиб мисрликлар керакли самарани олган. Ҳозирги вақтда биозарарланишларни олдини олиш борасида мутахассислар магнитофон тасмаларига, электрон дискларга қушларнинг овозини ёзиб, олинган сигналларни техника ёрдамида қайта қўйиш амалга ошириб келинмоқда.

“Мушкул ҳолат” сигналларининг репеллент таъсирини 1954 йилда Америкалик тадқиқотчи Г. Фрингс томонидан чуғурчиқлар ва балиқчи қушлар мисолида ўрганилган. Ҳозирги вақтда оғат сигналлари ва бошқа хавф-хатар ва огоҳлантирувчи сигналлардан қушларни ёзги-кузги кўчишлар, миграция ёки қишлиш худудларидан, уларни жалб қилувчи аэроромлардан, ғалла экинлари майдонларидан, узумзорлардан, боғлардан, одамлар яшайдиган массивлардан чўчитиб ҳайдаш бўйича асосий восита сифатида фойдаланилади.

Магнит тасмасига ёзилган паст частотали шовқин сигналлари ҳам ҳайвонларда салбий ҳиссиёт ўйғотади.

Одатда овоз ёзувларини трансляция қилиш давомийлиги 20-50 секундли қиска эмиссий шаклида, 2-4 минутлик интервалли (30 эмиссиягача 10-15 сеансда) бўлади. Овоз ёзувларини трансляция қилишда, оператор қушларнинг феъл-авторига эътибор беради, жавоб реакцияси кучсиз бўлган тақдирда қўшимча зарурий чора кўришга аҳамият берилади. Овоз ёзувларини бир неча марта такрорланган тақдирда қушларда адаптив реакция «ўрганиб қолишлик» юзага келиши ҳам кузатилади. Боғларда ва узумзорларда харакатланувчи ёки стационар акустик курилмалар амалда фойдаланиб келинмоқда.

Акустик усууллардан нафақат мева ҳосилини сақлашда, архитектура ёдгорликларига етказиладиган салбий ҳолатларни бирмунча чеклашда, ишхоналарда тунаш учун тўпланган қушларни жойлардан бездиришда ҳам қўл келади.

Оптик воситалар анчадан бери қушларни экин майдонларидан, полиздан ва боғлардан чўчитиб ҳайдаш учун қўлланилиб келинмоқда. Афтидан, бизнинг эрамиздан анча олдин одам фигураси ёрдамида қушларни чўчитиб ҳайдаш амалда ўз ўрнини топган. Ҳар хил чучело шаклидаги имитантлар, силуэтлар, устки кийимли оддий ёғочли каркасларнинг шамолдан ҳилпираб туриши боғлар ва полизларда ҳозиргача қўлланилиб келинмоқда. Худди шундай узоқ ўтмишдан бизга чўчитиб ҳайдаш воситалари, масалан, тебранувчи гирляндлар ва байроқчалар, осма шокилалар кириб келди.


Ҳозирги вақтда оптик воситаларни қўлланлишини уч категорияга бўлинади. Биринчисига табиий соф, асл қўзғовчи – одам, қушларнинг биоценотик шериги киради, улар учун ҳавфли ва яхши таниш бўлиб ҳисобланади. Қушларни аэроромлар ва муҳим хўжалик объектларидан чўчитиб ҳайдаш учун милтиқли одамдан ташқари,

юқори самарали бўлган репеллентлар, қўлда ўргатилган лочинлар ва қирғийлардан, баъзи мамлакатларда итлардан кенг фойдаланилади.

Иккинчи категорияяга оптик воситаларга қушлар учун хавфли биоценотик шерикларнинг имитантлари киради. Қушларни аэроромлардан чўчитиб ҳайдаш учун, пластикадан тайёрланган, миниатюрали бензинли моторли ва радиобошқаришга мослашган лочиннинг катта макети муваффақиятли қўлланилади. Радиобошқариладиган самолёт моделларига йиртқич қуш силуэти туширилади ва булар ҳам чўчитиб ҳайдаш таъсирига эгадирлар. Балиқ кўпайтириладиган сув ҳавзаларидан қарқаралар бургутларнинг ясси силуэтларини осиб қўйиш билан чўчитилади. Йиртқичлар контурини ойнали экранларига қора ранг билан туширилса, учиб ўтувчи қушларнинг урилишидан сақлайди.

Учинчи категория чўчитиб ҳайдаш воситаларининг фойдаланилиши қўзговчиларни кўриш тизимига таъсир этиб ёқимсиз ҳиссиётни келтириб чиқариш йўли билан сенсор дискомфортни юзага келтиришига асосланган. Буларга ойнали ёки қўзгули шарлар киради, улар субъектга осма ҳолда ўрнатилади, мослама қуёш нурини акс эттириш хусусияти билан турли равshan нурлар қушлар кўзининг тўр пардасига кучли таъсир этади, кўзини қамаштириш орқали чўчитади. Агар биз қушларнинг кўриш органларини одамларнинг кўзларга нисбатан 8 марта ўткирлигини ҳисобга олсак (Авилова, 1980) ушбу воситаларни қушларга нақадар кучли репеллент таъсир этишини тасаввур этишимиз мумкин. Агарда одам кўзининг 1 mm^2 тўр пардасида 200000 рецепторлар бўлса, йиртқич қушлар кўзи тўр пардасининг 1 mm^2 да эса 1 000 000 рецепторлар борлиги аниқланган, демак рецепторлар сони беш марта юқори бўлади (Большая иллюстрированная энциклопедия животных и природы, Москва, «Махаон», 2006 г.).

Оптик қурилма репеллентдан иборат бўлиб, шар шаклида пенопластдан ёки резинадан тайёрланилади, сиртига қўзгули пластинкалар ёки қўзгу бўлаклари ёпиштирилади. Шарга парраклар ўрнатилиб, улар ёруғликни яхши қайтарадиган материаллардан, масалан, фольга ёки лавсан плёнкалар тайёрланади. Тайёрланган шар боғлаш мосламаси ёрдамида тиргакка бирлаштириб боғланади (41-расм).



41-расм. Қүшларни чўчишиб ҳайдаш учун қурилма (оригинал):

1-шар; 2-кўзгули пластинкалар; 3-парраклар; 4-боғлаш мосламаси; 5-эластик бойлама; 6-тиргак.

Қурилмани ишлатиш учун тиргак маҳсус таянчга ёки дарахт шохига мустаҳкам боғланади. Агарда узумзорлар ёки бошоқли экинлар ҳосилини сақлаш кўзда тутилса оптик репеллентларни экинлар устига, 0,3-0,7 м баландликда жойлаштирилиши кифоя. Дарахтлар мевасини кўриқлашда оптик репеллентларни дарахт тепа шохлари устидан, ҳамда шохлари тагидан бир хил масофада жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Аэроромлардан қушларни ҳайдашда оптик репеллентлар учиб-қўниш йўлакларига туташ ва яқин жойларга ўрнатилади. Бунда албатта самолётларни учиб-қўниш техника хавфсизлиги инобатга олинади.

Шарлардаги парраклар ва эластик бойламанинг бўлишлиги оптик репеллентлар кучсиз ҳаво оқимлари таъсирида ҳар хил томонларга қараб айланавериш имконини беради. Қўёш нурининг тушиши ёки бошқа исталган ёруғлик манбаидан, масалан, прожектор нури кўзгули пластинкалардан кўп карра қайтиб, кучли ёруғлик оқимларини ҳосил қиласди. Нурларнинг равшанлик даражаси ҳар хил бўлишлиги ва йўналишларининг доимий ўзгариб туришлиги, репеллентларга қушларни ўрганиб қолишга йўл қўймайди.

Таклиф қилинган қурилма экологик тоза бўлиб ҳисобланади. Ундан фойдаланиш боғлар, узумзорлар ва донли экинлар пишган ҳосилининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради. Боғларда ва узумзорларда қурилманинг қўлланилиши юкори самарали эканлигини кўрсатди, амалиётчилар учун ўзининг ясалиши ва қўлланилиши нуқтаи назаридан жуда оддийлиги, арzonлиги билан шунингдек, экологик “тоза” усул эканлиги билан алоҳида ажралиб туради ва локал майдонларда кенг қўланиш имкониятларини беради (Джабборов, Тихонов, 1985, 1986).

Курилманинг кейинги ўн йилда (1996-2006) оқ жўхори ва гречиха тажриба майдончаларида қўлланилиши дала чумчуқлари зарарни камайтирга олиб келди. Ушбу тажрибаларни олиб бориш жараёнида курилманинг дала чумчуқларига янгича репеллент таъсир кўрсатишида кўзгу пластинкаларидан қайтган нурларнинг (зайчикларнинг) деворда хаотик, тартибсиз харакатланишларининг роли аниқланди. Девордаги нурларнинг (зайчикларнинг) кутимаганда, гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан пайдо бўлиши, уларнинг харакатлари, “Экран самараси” репеллент таъсир кучини юзага келтириб дала чумчуқларидан кучли репеллент реакциясини ўйғатади. Дарҳакиқат доимо харакатланиб турган жисмлар, кўп ҳолларда кушларни ориентирили изланиш (англаш) реакциясини ўйғотади (Ильичев, Вилкс, 1978).

Россия Фанлар академияси Н.А.Северцов номидаги эволюция ва экология муаммолари институти ходими, биология фанлари номзоди Б.М.Звонов қўк рангнинг хусусиятлари ва қушларнинг юкори сезувчанлигидан фойдаланиб, электр узатиш линиялари устунларидан қушларни чўчитиб ҳайдашда қўк шарларни қўллади.

Кимёвий воситалар қушларда талвасага тушиш, қусиш ва ҳоказо шакллардаги дискомфорт феъл-авторни келтириб чиқариш зарурати туғилса фойдаланиш мумкин. Чунки ночор аҳволга тушган қушни бошқаларига намойиш этилиши, индивидларни четдан кузатишлари, уларга кучли репеллент таъсир кўрсатади. Альфа-хлоралаза препаратининг унча катта бўлмаган дозаси қучли репеллент самара беради. Шунингдек хорижда кенг тарқалган авитроль – 100 ва авитроль – 200 ҳам қушларга танлаб таъсир этади

Қушларнинг феъл-авторига таъсир этувчи кимёвий воситалар ҳозирги вақтда бошқарувчи стимуллар арсеналида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Улар ичидан энг кўп фойдаланиладигани 4-аминопиридин, метиокарб, полибутилин, линдон, эндрин, фентион, тиурам ва бошқалар. Улардан айримлари озиқа таркибига киритилиб қўлланилади, бошқалари эритма шаклида пуркалади, учинчилари ёпишқоқ қопламалар таркибиға киритилади. Репеллент самарасининг содир бўлиши зааралangan қуш конвульсия холатига тушиши, қичқириши ёки ғайритабиий позада кўриниши, бошқа қушлар кўз олдида ўлиши, уларда жойларда, қўриқланаётган обьектга нисбатан салбий рефлексни келтириб чиқаради (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва б., 1987).

Механик (химояланган-изоляцияли) воситалардан кўпроқ маълум бўлганлари ёпишқоқ ленталар ва қопламалар, металли ва пластикли симчўтка ва пластик чўтка шаклидаги мосламалар, майда уяли осма тўрлар ва б. Уларнинг барчаси нафақат бирламчи репеллент таъсир этишга, балки иккиламчи кучли таъсирга ҳам эга. Биноларнинг карнизи бўйлаб тортилган симлар у ерда каптарларни чўчитади, қўл балиқчилик хўжаликларида сувнинг саёз жойларида – қарқаралар, лайлаклар ва бошқа балиқхўр қушларга қарши яхши самарали таъсир этади. Ҳозирги вақтда саноат миқёсида кенг ассортиментли елим ва елим қопламаларини турлитуман мақсадлар учун ишлаб чиқарилади, уларнинг қўпчилигидан қушларни чўчитиб ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилиши мумкин. «Қуш елими» ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, бу репеллент қуш оёкларини елимланиб қолишига асосланган. Қуш елимини тайёрлаш технологияси (қайнаб турган кунгабоқар мойида канифоль эритилади) қийин эмас (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва б., 1987).

Экологик воситалардан фойдаланиш қушларнинг муҳим ҳаётий омилларига, экологияси, биологияси, аҳамияти, жумладан зарар келитиравчи турлар фаолиятини чеклашда уя қуриш, дам олиш жойлари, озиқа таркиби ва бошқаларни

инобатга олишга, асосланган. Бошқача қилиб айтганда объектлар қушларни ўзига жалб қилмасликларга замин яратиш лозим бўлади. Бундай мақсадлар учун аэрором ихтиёридаги худудларда ва айниқса учиш-кўниш майдончаси яқинида сув ва сув олди қушларни жалб қилмаслиги учун сувли биотоплар қуритилади. Ўрмон ва бутазорлар қуш турларининг сонини камайтириш мақсадида дараҳтлар ва буталар камайтирилади, керак бўлган тақдирда бутунлай улардан воз кечилади. Далаларда қушларни жалб этувчи майдонлар, ўтлоқлар ўзлаштирилиб, бутунлай ёт экинлар экишга ихтослаштирилади ёки бошқа мақсадларда фойдаланишга йўналатирилади. Масалан, баъзи бир мамлакатларда аэроромнинг самолётлар учиш қўниш майдончаси атрофларига майда қора қарағай ўтқазилади, натижада қушлар уларни хуш кўрмаганлигидан ҳудудни тарқ этади. Аэрором биноларининг деразалари ва чердак тешиклари тўр билан беркитилиши каптарлар ва зоғчаларни безишига олиб келади. Аэрором атрофидаги жойларда ахлатхоналарни йўқотиш, юзлаб, минглаб балиқчи қушлар, қарғалар, чумчуксизонлар ва бошқа қушларнинг тўпланишини чеклайди. Учиш-кўниш майдончасига ер остидан ёмғирчувалчанглари ўрмалаб чиқишилари ва турли хил ҳашаротлар йиғилишиб қушларни ўзларига жалб қиласидилар, бундай жойларга инсектицидлар ёрдамида ишлов берилиши керак. Аэрором ҳудудини соғломлаштирилишига қаратилган комплекс тадбирлар, ўз ичига қушларни учиш-кўниш майдончасидан чалғитувчи воситалардан фойдаланишни талаб қиласиди (Ильичев, Бочаров, Анисимов ва б., 1987).

Комбинацияланган ёки уйғуналаштирилган воситалар турли модалликка эга, масалан, оптик-акустик, оптик ва механик ва ҳоказо турли биологик аҳамиятга эга бўлган воситалардан фойдаланишга йўналтирилган. Уларни репеллент мажмууга бирлашиши принципал сигналли ва экологик муҳим компонентларнинг бирикувчи омили ҳисобланади. Бу принципдан фойдаланиб (сигнал ва экологик мустаҳкамланиш), репеллент воситаларнинг таъсирини сезиларли даражада кучайтирилишига, уларни биозаарланишга қарши кураш тадбирларидан фойланиш муддатини узайтиришга, самарадор бўлишларига эришилади. Комбинацияланган репеллент воситаларини яратиш – этологик воситалар ёрдамида биозаарланишлардан ҳимояланиш муаммоси очимиши топишда истиқболли йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Узоқ давом этиб келаётган анъаналар, ўтмишдаги тўпланган катта тажрибалар, қушлар билан умумий алоқалар, уларнинг феъл-авторини бошқаришдаги ҳаракатлар, ориентация, сигнализация ва мулоқотларни ўрганиш бўйича фаннинг юқори даражадаги янги ютуқлари биозаарланишлардан ҳимояланиш воситаларни ишлаб чиқишига имкон берди.

Сут эмизувчилар

Сут эмизувчилар - умуртқалиларнинг олий синфидир. Сут эмизувчиларда барча органлар ва системалар, аниқ бош мия ва унинг пўстлоғи жуда мукаммал ривожланган. Шунинг учун ҳам, улар ер юзида кенг тарқалганлар, турли-туман мухит ва шароитларга мослашганлар, мураккаб инстинктлар ҳосил қилганлар.

Бош мия нихоят даражада яхши ривожланган. Кўпчилигидаги бош мия ярим шарлари, ўрта мия, оралиқ мия, мияча ва узунчоқ миялар иккиламчи мия пардаси - неопаллиум (кулранг модда) билан қопланган.

Ҳидлов рецепторлари жуда яхши ривожланган. Эшитиш, кўриш органлари ҳам яхши тараққий этган.

Психик жараёнининг мураккаблашганлиги туфайли, олдинги мия яrim шарлари жуда йириклишган, орқа мияси ҳам анча йирик ва такоммиллашган.

Сезги органлари орасида ҳид билиш органлари мукаммал тараққий этган бўлиб, сутэмизувчилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ҳид билиш органлари ёрдамида улар душманларини танийдилар, ўлжалари ва жинсий жуфтларини излайдилар, ўз ҳудудларини чегаралайдилар ва ҳ.

Тараққий этганлиги ва такоммиллашганлиги жиҳатдан эшитиш органлари ҳид билиш органларидан қолишмайди. Иссиққонли, аралашмаган қон айланиши, газ алмашувининг кучайганлиги, иссиқликни тартибга солиб туриш мосламалари (жун коплами ва тери безларининг ривожланганлиги).

Сут эмизувчиларнинг тез тараққий этишига уларнинг тирик туғиши ва болаларини сут билан боқиши ҳам сабаб бўлади.

Сут эмизувчилар ҳамма ерда тарқалганлар, барча муҳитларни, тупроқ, сув ҳавзалари, атмосфера ер қаватини қўшиб ҳисоблагандан, эгаллаганлар. Деярли барча биоценозларда асосий роль ўйнайди. Барча гурухлари инсон учун муҳим аҳамият касб этади.


Сут эмизувчилар орасида қишлоқ хўжалик чорва моллари, овланадиган, инсон ва уй ҳайвонларининг касалликларини сақловчи, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, материал ва иншоотларнинг зааркунандалари мавжуд. Турли обьект ва иншоотларга айниқса кемирувчилар катта заар етқазадилар. Кемирувчилардан ташқари материалларни қуёnlар ва қўшоёқлилар ҳам заарлайдилар.

Биозарланиш гурухларининг систематик статуси

Товушқонсимонлар (*Lagomorpha*) туркуми.

Майда ёки ўртача ўлчамдаги ҳайвонлар бўлиб, думлари қисқа, қулоқлари узун кемирувчилардан танглай суюгининг олдинги тиш қаторлари орасида энсиз кўндаланги ва жағларида икки жуфт курак тишларининг бўлиши билан ажralиб туради (42-расм). Иккинчи жуфт курак тишлари бироз кучсиз ривожланган бўлиб асосий қирқувчи тишлар орқасига жойлашган. Товушқонсимонларда қозиктишлар бўлмасдан, уларнинг ўрнига оралиқ-диастема мавжуд. Туркумда иккита оила (60 га яқин турлар) бор.

Пишуҳалар (*Ochontonidae*) оиласи унча катта (тана узунлик ўлчами 12-25 см) бўлмаган, қисқақулоқ ва қисқапанжали ҳайвонларни бирлаштириб бу жониворлар Осиё ва Европанинг Жанубий-Шарқидаги тоғли ва тоғ олди текистикларида тарқалган. Piшуҳаларнинг шимолий ареали қутб доираларигача етиб боради. Колониялари ҳосил қилиш учун ўт-ўланларни қуритади ва ғарамчаларга тўплайди ёки тошлар орасига бекитади. Яйлов ўсимликларини заарлаб қишлоқ хўжалигига зиён етказиши мумкин.



**42-расм. Суяк танглайнинг тузилиши (Б.Д.Ильичёв ва бошқ. бўйича, 1987):
А-тovушқонсимонларда (тишукалар). Б-кемирувчиларда (сурка)**

Товушқонсимонлар (*Leporidae*) оиласи танасининг ўлчами 30 дан 60 см гача қадар бўлган йирикроқ ҳайвонларни ўз ичига олади. Қулоқлари узун орқа оёқлари олдингиларига нисбатан бир мунча узун, аммо думи калта бўлсада ташқаридан яхши кўринади. Турли туман табиий минтақаларга-тундрадан-саҳротга эгаллаб, тоғларда Альп ўтлоқларига қадар кўтарилиб боради. Мўйнали овчилик турлари боғларда мевали ва ўрмон кўчатларини заарлайди. Ер юзасидан ўтқазилган линиялар воситаларини товушқонлар томонидан заарлаш ҳоллари маълум. МДХ мамлакатлари фаунасида товушқонларнинг тўрт тури (оқ-товушқон, рус-товушқон, толай-товушқон ва манъҷжурия товушқони) ва қуён учрайди. Охиргиси Украинадан олиб келиниб Айдар кўл атрофида иқлимлаштирилган. Товушқонлардан фарқ қилиб, қўённинг болалари жунсиз яланғоч ва кўр туғилади.

Жуфттуёқлилар (*Artiodactyla*) туркуми йирик ва ўртacha ўлчамдаги, оёқлари узун, тез чопишга қодир ҳайвонларни бирлаштирган. Оёқлари тўртбармоқли, III, IV бармоқлари йирик (узун), кучли ривожланган бўлиб, таянч вазифасини бажаради. Иккинчи ва бешинчи бармоқлари бир мунча майда, ўмров суюги бўлмайди. Бармоқнинг уни шоҳсимон туёқ билан қопланган. Ошқозони мураккаб тузилган, ўсимликхўр. Асосан тўда ҳосил қилувчи ҳайвонлар бўлиб, айримда тўда минглаб бош зотлардан иборат бўлади. Кўчманчи ҳаёт кечиради, кўпчилик турлари мунтазам равишда мавсумий кўчиб юрадилар.

Туркум кавш қайтармовчилар ва кавш қайтарувчилар кенжа туркумларига бўлинадилар.


Кавш қайтармовчилар (*Nonruminantia*) кенжа туркумига кенг тарқалган тўнғиз таълуқлидир. Унинг яшаш жойлари турли-туман бўлиб, ёқтириб яшайдиган жойлари – қалин қамишзорлар ва қўпинча кўллар, дарёлар қирғоқлари ва тоғ ёнбағирлардаги ўтиб бўлмайдиган ярим бутазорлардир. Ҳаммаҳўр ҳайвон, жойларда

кишлоқ хўжалигига сезиларли зарар етқазади. Анча чуқурликка ётқазилган кабелларни ҳам ковлаши мумкин.

Кавш қайтарувчилар (*Ruminantia*) кенжа туркумiga шимол буғуси, лось, ҳақиқий буғилар кириб улар мавсумий миграция ва қўчиб юрадилар. Жумладан шимол буғисининг миграцияси юзлаб километрларга етади. Буғилар миграцияси вақтида улар ер усти кабелларни шикастлаши мумкин. Бундай ҳолларни қорамолларни ўтлатишда ҳам кузатиш мумкин.

Кемиравчилар (*Rodentia*) туркуми вакиллари биозарарлаш манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бутун ер шарига кенг тарқалган ва улар 2800 турни ташкил қиласди. МДҲ мамлакатлари минтақаларининг барча худудларини ишғол қилиб, Ўрта Осиё чўлларидан Тундрагача ва Шимолий муз океани ороллари, тоғларнинг денгиз сатҳидан 4,5 минг метр баландлигига қадар қўтарилиб боради. Туркумнинг номи кемиравчилар жағ аппарати тузилиши ўзига хослигини акс эттиради: кесувчи тишлари жуда ривожланиб мунтазам ўсиб бориш хусусиятига эга. Уларнинг ташқи юзаси қаттиқ эмалдан, қолган тиш қисмлари ғовак дентиндан ҳосил бўлган (43-расм). Бу қисмларнинг сийқаланиш ҳаракат тезлигидаги фарқ мунтазам равишда тиш қирқиши четларининг ўткирланишини таъминлайди. Қозиктишлари йўқ ва уларнинг ўрнига диастема оралиғи мавжуд. Озиқ олди ва озиқ тишларнинг бир бирига қараган сиртида эмал сиртмоқлар кўндаланг уч бўлакчали шаклларни ҳосил қиласди. Курак тишларнинг тубидаги эни (ҳаммаси биргаликда) бурун суюкларининг энидан ошмайди. Овқат ҳазм қилиш тракти узун, одатда йирик қўричак бўлади. Майда кемиравчилар эртароқ жинсий вояга етиши ва юқори жинсий маҳсулдорлиги билан ажралиб туради.

3



43-расм. Кемиравчилар қурак тишининг тузилиши

(Б.Д.Ильичёв ва бошқ. бўйича, 1987).

1-эмал. 2-дентин. 3-тиши бўшилиги. 4 –курак тиши охиридаги бўшилиг канали. 5-чархлаш юзаси.


Кемиравчиларнинг жағ аппарати қучли ва ҳаддан ташқари ихтисослашган. Курак тиш эмалининг қаттиқлиги 5,0-5,5 Моос бирлиги билан белгиланган. Мушакларининг (массетер) қучли ривожланганлиги, кемиравчи кемирганда ва чайнаганда остки жағларини ҳам ҳаракатга келтиради.

Ўтказилган ўлчашлар шуни кўрсатадики, қаттиқ буюларни кемиришда қурак тишларининг кесувчи четининг кучланиши ривожланиши кулранг калламушда $940 \text{ кг}/\text{см}^2$, олмахонда эса $1500 \text{ кг}/\text{см}^2$ етади. Кемиравчиларнинг барчасида кемириш специфик хусусиятли мушак фаолиятида амалга оширилади. Эволюция жараёнида қаттиқ озиқа ўсимлиги билан озиқланиш вужудга келиши муносабати билан,

кейинчалик кемириш хусусияти маълум даражада мустақил аҳамият қасб этди. Кемирувчиларнинг кемириш фаолиятида озиқани бевосита кемириши ва ноозиқа материалларни кемириш ўзига хос заарланишнинг кўп функцияли кемириш хусусияти юзага келди. Ноозиқа кемириш жумладан, ин ва макон ясаш, уя қазиш ва курак тишларини қайраш билан боғлиқдир. Бундан ташқари ноозиқа кемириш тахминий-текшириш хулқ атвори-“Танишиш хулқи” шаклида ҳам ифодаланади. Тажрибалар шуни қўрсатганки, кемирувчилар озиқланиш бошида курак тишлари ёрдамида озиқа объектини татиб кўради. Бундай татиб кўриш, ҳидлашдан ташқари ҳайвончаларнинг танишсиз буюмларга тегиниб кўриш ҳоллари ҳам қайд этилган.

Кемириш фаолиятининг интенсивлиги, турли кемирувчиларнинг биологияси, озиқланиш хусусияти, ин ва пана типлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Энг юқори кемириш фаоллиги мураккаб уя қазувчи (айниқса заранг ерга), пухта пўстли уруғлар ёки ўсимликни қаттиқ қисмлари билан озиқланувчи турлар (сув қундузи, ондатра, пластинка тишли каламуш, кумсичқон, кўрсичқон) да кузатилган. Табиий ҳаётда ва халқ хўжалигига кемирувчиларнинг тутган ўрни турли-туман ва бениҳоядир. Улар айниқса Арктика (лемминглар), Тайга (олмахонлар), кенг баргли ўрмонлар (даласичқонлар, сичқонлар, сонялар ва б.), чўл, ярим сахро ва сахролар (сугурлар, юмонқозиқлар, кумсичқонлар, олмахонлар ва б.) биоценозларининг эътиборли аъзоларидан бири ҳисобланади (44-расм). Чўлларда, ярим сахро ва сахроларда уларнинг қазиш фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида мухим аҳамият қасб этиб, эрозиянинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Тупроқни юмшатиш, еrostи тупроқ қатламларини ер бетига чиқариш, кемирувчилар яшаш жойларида кўпинча ўсимликларни ёппасига еб қўйиши ўтлоқли, чўл ва сахро ўсимликлари ассоциация хилма-хиллигига ҳам таъсир кўрсатиб, бегона ўсимликларни тарқалишига олиб келади. Майда сичқонсимон кемирувчилар, собол, сувсар, коракузан, тулки сингари қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларнинг қундузги йиртқич қушлар ва бойўғлиларнинг озиқаси сифатида хизмат қиласиди. Бобр, олмахон, ондатра, суғурлар-мўйнали ҳайвонлар мухим овчилик объектлари ҳисобланади. Кўпчилик сичқонсимонлар кемирувчилар ўлат, туляремия, энцефалит, лептоспориоз, риккетсиоз ва бошқа касалликларни ўзларида сақлаб бундай хавфли касалликларни инсон ва уй ҳайвонларига юқтирадилар. Кемирувчилар қишлоқ ва ўрмон хўжаликларига катта зарар келтиради. Озиқа заҳираларига, идишлар, турли материал, буюмлар ва иншоотларни зарарлайди.



44-расм. Кемирувчилар (Б.Д.Ильичёв ва бошқ. бўйича, 1987).

A-кулранг каламуш. *B*- қора каламуш. *C*- уй сичқони. *D*-дала сичқони. *E*- оддий оғмахон. *F*-юмонқозиқ. *G*-катта қум сичқон. *H*-оддий кўрсичқон. *I*-ондатра

Энг кўп заарловчи турлар сичқонлар ва олмахонсимонлар оиласига таълуқлидир. Олмахонлар оиласидан юмонқозиқлар жиддий зарар келтиради. Булар асосан майда ва ўрта ўлчамдаги кемирувчилардир. Уларнинг барчаси ўсимликхўр бўлсаларда, аммо сичқонлар, олмахонлар, қумсичқонларнинг озиқа рационининг маълум бир қисмини ҳашаротлар ташкил этади. Кулранг каламуш ҳаммахўрdir.

Сичқонлар (*Muridae*) оиласига уй сичқони ва кулранг каламуш хамда инсон иншоотларини азалдан ишғол қилган қора сичқон киради. Улар (айниқса, уй сичқон ва кулранг каламуш) инсон фаолияти туфайли кенг тарқалган, инсон изидан транспорт орқали шимолда қутб доирасигача, жанубда эса сахробга қадар кириб борди. Бу кемирувчилар фақат шимолда йил давомида инсон биноларида яшайди. Ўрта минтақа ва жанубда йилнинг иссиқ даврларида одатда очик биотопларга кўчадилар. Ўрта Осиёда пластиинка тишли ва Туркистон каламушлари, инсон

биноларида яшаб, кулранг каламуши сингарилар маҳсулотларни бузиб, буюмлар ва бошқаларни шикаслайдилар. Пластишка тишли каламуш экинларни заарлашдан ташқари ариқларнинг четига, иншоотлар шахобчаларига ҳам зиён етқазади. Омборхоналарга кириб олиб озиқ-овқат маҳсулотларини ейди, материал ва буюмларга Туркистон каламуши сингари зарар етқазади, пахса деворлар тагини ўяди. Сичқонлардан, дала сичқон, сариқтомуқ ва ўрмон сичқонлари кенг тарқалган. Узок Шарқ ва Шарқий Сибирда анча йирик бўлган Осиё ўрмон сичқони учрайди. Ҳайвончалар қишлоқ хўжалиги ва ўрмонларни қайта тиклашга зарар етқазади. Қора кемирувчилар цитрус ўсимликларининг ҳосилига, Туркистон каламуши эса ёнфоқларга зарар беради.

Синантроп кемирувчилар озиқ-овқат маҳсулотларини, ем-ҳашакларни йўқ қилиб ифлослайди, қоғоз, мато, кабел ва бошқаларни заарлайди. Шу нуқтаи назардан айниқса кулранг каламуш кейинги йилларда олдин учрамаган худудларга интенсив тарқалиб катта хавф туғдирди, жумладан ривожланган суғориладиган дехқончилик ва чорвачиликда.

Оғмахонсимонлар (*Cricetidae*) оиласига ғалла экинлари, ўтлоқ, яйлов, ўрмон дараҳтларни заарловчи турлар киритилади. Оиланинг кўпчилик вакиллари очик ландшафтларда, баъзилари ўрмонларда хаёт кечиради. Оғмасимонлар оиласи учта кенжадан: оғмалар, даласичқонлар, қумсичқонлардан таркиб топган.

Оғмахонлар асосан, чўл ва сахроларнинг очик ландшафтларида хаёт кечиради. Оддий оғма ва кулранг оғмача ўрмончўл минтақасида тарқалган. МДҲ мамлакатларининг Жанубий Европа қисми, Кавказ, Заволжье, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Ғарбий Сибирь, Тува ва Приморье ўлкасини эгаллаган. Оғмахонлар ўзлаштирилган ерларни, уваталар, далалар ва хайдалмаган участкаларни эгаллайдилар. Айрим турлари аҳоли пунктларининг томорқа ва яшаш хоналарида учрайди. Озиқа заҳирасини сақлаш учун камерали мураккаб уялар қазийдилар. Ўсимликларнинг яшил қисми, уруғи, илдизмеваси ва ҳашаротлар билан озиқланадилар. Қишига катта озиқа (оддий оғмахон- 20 кг қадар) заҳираси тўплайди. Оғмалар, айниқса оддий оғма жуда серпушт бўлиб, йилига уч марта бир вақтнинг ўзида 10 тадан (максимал 15-20) бола туғадилар. Бошқа турлар 2-3 тадан туғиб, улар болаларининг сони 4 тадан 9 гача бўлади. Қишлоқ хўжалигига, жойларда ўрмон қайта тиклашда оддий, Доғистон ва Кавказ орти оғмахонлари айниқса катта зарар етқазади. Кулранг ва даур оғмахончалари яшаш бинолари ва омборхоналарни зарарлайдилар.

Қумсичқонлар Шимолий Африка, Олд ва Кичик Осиё, Кавказ ва Шимолий шарқ кавказ ортидан жанубий Қозоғистонгача, Забайкалье, Монголия ва Хитойнинг қуруқ чўллари, яримсаҳро ва сахро текисликлари, тоғ олди ва қисман тоғли минтақаларига тарқалган. Одатда ўзлаштирилмаган ерларни эгаллайдилар. Аммо, қизил думли, кичикосиё, тароқчали ва монгол қумсичқонлари поселкаларга яқин суғориладиган участкаларни ёқтириб ўрнашадилар. Монгол қумсичқонининг уяси томорқаларда ҳам кузатилади. Йилнинг иссиқ даврида кўпаядилар ва мавсум давомида 2-3 марта бола туғадилар. Бир йўла 2 тадан 7-8 тага қадар болачалар туғадилар. Уларда қишки уйқу бўлмасада, айрим турлари қишига ёввойи ўсимликлар ва маданий ғалла экинлари уруғларидан озиқа заҳираларини айримда анча-мунчада тўплайдилар. Кичикосиё ва Форс қумсичқонлари мураккаб ин қазимайдилар, бошқа турлари эса турли мураккабдаги инлар ясадилар. Катта қумсичқонларнинг ини энг мураккаб ва чуқурликка етади.

Қум күчишини олдини оладиган, яйлов ўсимликларини, ғалла, экинларини, пахтани заарлайдилар. Бундан ташқари катта қумсичқон ўрмон саксаулларига зиён келтиради. Қумсичқонларнинг актив қазиш фаолияти туфайли суғориш каналарининг қирғоқлари, темир йўл кўтармалар емирилади ва ҳ.

Даласичқонлар амалда МДҲ мамлакатларининг барча худудларига тарқалган. Улар орасида ер остида ҳаёт кечириб ва ер юзига онда-сонда чиқадиган кемирувчилар (кўрсичқон ва б.) ҳам мавжуд. Ондатра ва сувсичқонлар сув ҳавзалари ва каналларнинг қирғоқларига ўрнишиб олиб ярим сув шароитида ҳаёт кечиради. Кўпчилик даласичқонлар хилма-хил яшаш жойларини эгаллайдилар. Турли даражадаги мураккаблашган инлар қурадилар. Барча даласичқонлар ўсимликхўр, озиқа сифатида уларнинг яшил қисми билан озиқланиш устинлик қиласи. Улар жуда серпушт йилига 2-3 марта кўпайиб, ҳар бирида 5-6 тадан бола туғади. Бошқа кемирувчиларга нисбатан олдинроқ жинсий вояга етиш хусусиятига эга, жумладан урғочилари уч ойлигидәёқ кўпайишга киришиши мумкин. Эркаклари эса 1-1,5 ойлик ёшида жинсий вояга етади. Қулай шароитда улар йил давомида кўпаяди. Бу хусусият кенжা оила кўпчилик турларини бирданига катта миқдорда оммавий кўпайишига олиб келади.

Кўпчилик турлари: оддий ва жамоа бўлиб яшовчи даласичқонлари, чўл чипорчаси, Брандт даласичқони, сув сичқони ва б., қишлоқ хўжалигининг жиддий заараркунандалари ҳисобланади. Ўрмон хўжалигига Европа малласи ва Сибирь қизил сичқонлари зарар келтиради. Ондатра ирригация иншоотларини заарлайди.

Олмахонлар (*Sciuridae*) оиласига мансуб юмронқозиклар МДҲ мамлакатларининг жанубий ярим қисми ва шарқда Ўрта Осиё сахро ва тоғларидан тортиб Якутия чўллари ва Сибирь Шимолий-Шарқий тундрирасигача тарқалган. Ўрмончўл, чўл ва ярим сахроларнинг очик ландшафтларини эгаллайди. Ўтлоқлар, яйловлар, уватлар, даланинг хайдалмаган участкаларида тарқалади. Асосан ўт-ўланлар серсув новдалар, илдизпоя, донлар (хусусан доннинг эрта ривожланиш стадияларида) озиқланади. Қишига заҳира йифмайди. Йилига баҳорда бир марта кўпаяди. 2 дан 15 тага қадар болачалар туғади. Барча юмронқозиклар қишки уйқуга киради. Сахро турларида ўт-ўланларнинг куриши, озиқа базасининг ёмонлашуви туфайли ёзги уйқу ҳам мавжуд. Одатда ёзги уйқу узилишсиз қишки уйқуга ўтади. Колониялар тариқасида жойлашади, инлари чуқур (2 метргача) ва узун мураккаб тузилишга эга, айниқса чўл ва сахро турларида. Қишлоқ хўжалик экинларининг, яйлов, ўтқазилган дараҳтларнинг муҳим заараркунандалари ҳисобланади.


Сув қундузлар (*Castoridae*) оиласи- замонавий кемирувчиларнинг энг йириги (узунлиги 1 метрга қадар етади), музлайдиган кўлларнинг ярим сув шароитда ҳаёт кечиришга мослашган. Олдинроқ қундузлар шимолий яримшарнинг ўрмон худудларини кенг эгаллаган эдилар. Аммо қимматбаҳо мўйнали териси туфайли жуда кириб юборилган. Ҳозирги даврда ўтқазилган чора-тадбирлар туфайли айrim минтақаларда уларнинг сони қайта тикланаяпти. Ўрмон секин оқувчи дарёлари эски ўзан ва кўлларнинг қирғоқларини эгаллайди. Кенг ва тез оқувчи дарёлардан ўзини четга олади. Якка-якка ёки оила бўлиб ўрнашади. Асосий макон типи ин ва кулба. Охиргисини қирғоқларнинг паст ботқоқ ва саёз жойларда баландлиги 1-3 м, диаметри 10 м бўлган лойқа ёпиширилган шоҳ-шаббалардан ясади. Сув сатҳи ўзгариб турадиган ҳавзаларда лойқа қум ва чим ёпиширилган дараҳтлар поялари, шоҳлари ва шоҳ-шаббалардан тўғонлар ясади. Дараҳтлардан тўғон қуриш учун қундуз дараҳтининг поя асоси яқин жойидан кемиради. Унинг курак тишлари бу ишни бажаришга имкон беради. Диаметри 10-12 см бўлган дараҳтни бир кечадаёқ

киркиб уни бўлакларга бўлиб ташлайди. Кундузларнинг озиқаси сифатида дараҳтларнинг пўстлоғи ва ингичка новдалари ҳамда сув ўт-ўланлари хизмат қиласди.

Сут эмизувчиларнинг ҳаёт тарзи, феъл-атвори

Кўпчилик кемиувчилар қуруқликда ҳаёт кечириб ўсимликларнинг вегетатив қисмлари, уруглари ва мевалари билан озиқланадилар. Жуда кўпчилик кемиувчилар турли даражада мураккаблашган ва узунликдаги, айримда мураккаб системадаги бир қанча камерали инлар куради. Бундай инлар майда сичқонсимонлар, кемиувчилар, олмахонлар, қумсичқонлар, юмонқозиқлар, қўшоёқлилар ва бошқаларга хосдир. Кўпчилик даласичқонлар, олачипорлар ер ости йўлларидан ташқари инни озиқланадиган жойлар билан боғлаш учун ер юзи сўқмоқчалари ҳосил қиласди. Бу ҳайвончаларни ўз ҳудудида тез ҳаракатланиш имконини беради. Ўрмон малла даласичқонлари, ўрмон ва сариқтомоқ сичқонлари ер усти сўқмоқчаларини синган дараҳтлар томирида, айримда ердан бир оз баландроқ дараҳт кавакларида куради. Бу кемиувчилар анчагина яхши чирмашиб ҳаракатланадилар.

Олмахонлар, суғурлар, катта қумсичқонларнинг инлари жуда мураккаб даражада қурилади. Уларнинг чўқурлиги 2 метрга қадар етади. Энг такомиллашган қазувчи-бу катта қумсичқон. Одатда унинг ини кемиувчи бир неча авлодининг кўп йиллик фаолиятидир. Йўллари 2-3 қаватда жойлашиб, ин камераларидан ташқари тармоқланган йўллари ҳам мавжуд. Кўпинча катта қумсичқон колонияларига якка-якка ҳаёт кечиравчи кемиувчилар (масалан, яримкун қумсичқон) келиб ўрнашадилар. Бу ерга қўёшнинг жазирама иссиғидан ҳимоя топиш учун судралиб юрувчилар (чўл тошбақаси, калтакесаклар, илонлар), толай-товушқон ва ҳаттоқи қушлар ҳам бошпанга топадилар (45- расм).



45-расм. Катта қумсичқон колониясининг схемаси (Н.П.Наумов бўйича, 1979)
А-катта қумсичқон. Б-яримкун қумсичқони. В-қўшиоёқ. Г-толай товушқони. Д-тулки. Е-калтакесак .Ж-қалқонтумишуқ. З-чўл тошбақаси.

Олмахон, летяга, сони сингари айрим кемирувчилар - типик дараҳтда яшовчи жониворлардир. Улар новдаларда яхши ҳаракатланадилар, бир дараҳтдан иккинчисига енгилгина сакраб ўтадилар (летягалар аста-секин пастваб учадилар), уларнинг бошпаналари дараҳтларда, кўпинча дараҳт ковакларида жойлашади. Олмахоннинг уялари чуғурчуқлар инида ва одамлар турар жойларида ҳам қайд этилган.

Айрим кемирувчилар турларининг тарқалиши бевосита сув хавзалари билан боғлиқ. Улар сув муҳитида яшаши туфайли қатор морфолик (сузиш пардалари, жун қоплами ва х) мосламаларга эга. Булар қаторига сув сичқон, ондатра, нутрия ва сув қундузлари киради. Бу кемирувчиларнинг инлари сув хавзасининг тикка қирғогига (одатда сув остидан чиқади), ёхуд оролчаларда ва оқизмаларда қурилади. Сув қундузлар бундан ташқари кулба (“хата”) куради.

Ер остида ҳаёт кечириб, энг яхши ер қазувчи кемирувчилар турларига кўрсичқон, слепушонка, цокоры слепыши, кўшоёқ, чўл ва саҳро даласичқонларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, уларнинг жағ аппаратидаги ер юмшатадиган курак тишлиари кучайган. Улар оғиз бўшлиғидан туртиб чиқиб туради, унинг қиялик бурчаги бош суюгига нисбатан катталашган. Оғиз бўшлиғи тупроқ заррачалари тушишидан жунли тери қатламлари билан ҳимояланган, қатламлар диастегмага букулади ва курак тишлиар оғиз бўшлиғидан ажralиб туради.

Ер остида ҳақиқий ҳаёт кечиравчи кемирувчилар, амалда ер юзига чиқмасдан бутун умр инларида яшайдилар. Слепышиларда кўзи ривожланмаган. Уларда қазиш типи бирмунча қизиқ: кўшоёқлилардан фарқланиб, ҳайвончалар курак тишлиари билан тупроқни кемирганга ўхшаб ин қазиса, бешпанжали қўшоёқлилар курак тишлиари билан болғага ўхшаш тупроқни тез-тез уриб юмшатади.

Кемирувчиларни тарқалишини турли типдаги тупроқлар билан боғлаш мумкин. Жумладан, оддий кўрсичқон, цокор, доғли юмонқозиқлар қоратуроқларда учрайди. Саҳро гил тупроқлари учун сарғиш юмонқозиқ, бешпанжали қўшоёқлилар характерлидир. Чўл қумоқ тупроқларининг кемирувчилари (катта қумсичқон, яримкун қумсичқон, ингичкабармоқ юмонқозиқ ва б.) қумда ҳаракатланишга ва юмшоқ қумда уя қуришга мослашган: Оёқ кафтларидағи қалин жунлар ривожланган.

Намлиқ кемирувчиларнинг тарқалишига таъсир этувчи муҳим омил хисобланиб, кўпинча бошқа, жумладан ўсимликлар тарқалиши хусусиятлари билан биргалиқда таъсир этади. Аммо айримларининг ўз тарқалишлари нам иқлим билан боғлиқ (масалан, ўрмон минтақасида), чунки бу ерда кемирувчилар ўрмон ва дала сичқонлари кўпчилик дала сичқонлари озиқланадиган ўсимликлар ўсади. Кўпчилигининг тарқалиши дарё ўзанларига тўғри келади. (Гарчанд улар бошқа биотопларда учраши ҳам мумкин). Масалан, ўрмон сичқони ўрмон ўзанлари орқали ўрмон чўл ва чўл минтақасига кириб боради. Суғориладиган дәҳқончиликнинг ривожланиши намсевар турларни қуриқ минтақаларга кириб боришига имкон яратади.


Кемирувчиларни ўсимликларга боғлиқлиги ҳам ниҳоятда юқори. Айрим турларининг тарқалиши тўғридан –тўғри у айрим ўсимликлар ёки улар тўдаларининг тарқалиши билан боғлиқ. Масалан, оласичқон (бурундуқ) нинг ареали, айрим иғнабаргли турлари ареалига, соняниг (олмахонга ўхшаш жонивор) ареали кенгбаргли ўсимлик турларининг ареалига тўғри келади. Бундай боғлиқлик айниқса чўчқаёнғоқ, ёнғоқ, нинабаргли ва кенгбаргли дараҳтлар уруғи билан озиқланадиган стенофаг турларда кескин ифодаланган.

Кемирувчилар турли-туман шароитларда яшашга мослаша оладилар ва барча-саҳрдан тортиб, тундрагача ва Шимолий муз океани оролларигача бўлган барча минтақаларда жойлашадилар. Қишида фаол ҳаёт кечиравчи кемирувчиларнинг мавсумий тери қоплами мўйнасининг ўзгариши, токоферал ва ёғнинг йифилиши ва кимёвий термогуляция интенсивлигининг пастлиги яхши ифодаланган. Айримлари совук тушиши билан уйқуга кетиб, давомли донг қотиб қолади. Буларга суркалар, юмонқозиқлар, мишовкалар, таълуқлидир. Уйқуга кетишдан олдин организмда кўпчилик физиолог, биокимёвий жараёнларда ўзгаришлар юзага келади, ёғларни аскорбин кислотаси ва Е витаминини, тўпаланиши, организмда сув микдорининг камайишига олиб келади. Табиатда уйқуга кириш ташқи муҳит омиллари таъсирида: ҳароратнинг пасайиши, ёруғлик режимиининг ўзгариши, озиқада химизм ва сув микдорининг ўзгариши туфайли юзага келади. Айрим чўл турларида озиқа базасининг ёмонлашуви ва ўсимликларнинг қуриши натижасида ёзги уйқу ҳам кузатилади. Уларнинг кўпчилигига ёзги уйқу узилишсиз қишки уйқуга ўтади.


Оғмахонлар, сонялар, олмахонлар, айрим қумсичқонлар йил фаслининг совук даврида қисқа муддатли ва қисқа уйқуга ёки ноқулай об-ҳавода улар фаоллигига қисқа муддатли узулиш рўй беради. Бундай кемирувчилар қишиқи озиқа заҳираси тўплаб, уларни ёхуд маҳсус камераларга (оғмахонлар, қумсичқонлар), ёхуд дараҳт ковакларига (олмахонлар, оласичқонлар), илдиз осталари ва бошқа яширин жойларда сақлайдилар. Олмахонлар ҳам замбуруғларни йиғиб дараҳтлар шоҳларига илиб қўядилар. Қўрғонча сичқонлар озиқасини тупроқ билан беркитиб қўрғонча ҳосил қиласидилар. Совук даврда ҳам фаоллигини сақлаб қоладиган сичқон ва дала сичқонлар ҳам қишиқи озиқа заҳирасини яратадилар. Улар ўсимликларнинг меваси ва уриғини, илдизмева, илдизпоя, вегетатив қисмларни ғамлайдилар. Ноқулай об-ҳаво шароитида улар фаоллигининг сусайиши кузатилган.

Муҳит билан нормал иссиқлик алмашиш сутка фаоллиги давомида амалга ошириладиган; масалан, катта қумсичқонлар қишида ўз инларига нисбатан очиқ ва илиқ кунлари қисқа муддатга ташқарига чиқадилар. Баҳор ва кузда улар кунинг барча ёруғ даврида, айниқса кунинг ўртасида (10-16 соатларда) фаолдирлар. Ёзда уларнинг максимал фаоллиги эрталабки ва кечки соатларга тўғри келади. (46-расм). Ҳавонинг иссиқ соатларида инларида ўтирадилар.

Қизилдумли кемирувчилар ёзда қатъий тунги жоноворлар бўлиб, йилнинг қолган фаслларида кундизи ўз уйларидан тез-тез чиқиб турадилар. Совуқдан ва иссиқдан кемирувчиларни инлари ҳимоя қиласиди. Сичқонлар ва даласичқонлар қишида иссиқ инлар қурадилар. Қалин қорда даласичқонлар ер юзасидаги қор остида йўл очадилар, қор ости қишиқи инни ясадилар, кузда ҳаво ва тупроқ ҳароратиниг пасайиши туфайли сичқон ва даласичқонлар оммавий равища аҳоли пунктларига, гарамларга, похол уюмларига ва кўпийиллик ўтларга кўчиб ўтадилар (47-расм).



46-расм. Катта құмсичқон-
сүткалик фаолиятининг
мавсумий ўзгариши
(М.В.Шеханов бўйича, 1962)



47-расм. Уй сичқонинг кузда даладан ахоли
пунктларига қўчиши (Н.В.Тупикова бўйича, 1947)
1-тупроқ юзасининг максимал ҳарорати.
2-сичқонларни уйда тутши.

Шундай қилиб, ҳарорат мухити кемирувчиларнинг ҳаракати муддатиларини йўналтиришда ва бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Сут эмизувчиларнинг қўпайиши, худудий муносабатлари, миқдорий сони

Кемирувчилар қўпайиш муддатларининг бошланиши эмбирион тараққиётининг давомийлигига боғлиқ бўлиб, одатда болаларининг туғилиши озиқа мўл-кўллиги ва ривожланиш қулай шароити даврига тўғри келади. Майда сичқонсимон кермирувчилар (сичқонлар, даласичқонлар, оғмахонлар) тез ўсиб ва эрта жинсий вояга етадилар (айримда бир ойлик ёшида) бундай кемирувчилар сифатли озиқа, у айниқса ўсимлик уруғлари билан озиқланганда бу ҳол яққол қузатилади. Бундай ҳолада улар қисқа муддат ичидаги (35-45 кун) беҳисоб болалар туғади.

Озиқа етишмовчилигига ҳайвонлар секин ўсадилар қўпайиш кескин қисқаради ёки умуман тўхтайди. Озиқа қийинчилик йилларида баҳорда туғилган кемирувчилар болалари кузда ҳам балоғат ёшига етмасдан факатгина келаси йил баҳоридагина қўпайишга киришади. Кузда озиқа мўл-кўллигининг камайиши ва унинг сифати пасайиши туфайли кеч ёзда ва кузда туғилган болаларга таъсир қиласи, яъни улар секин ривожланадилар ва етилмаган ҳолда қишлошга кетадилар. Куз илиқ келиб, янги уруғ ҳосиллари ўсабошласа, витаминларга бой озиқа (айниқса Е витамины), ҳаттоқи (кеч туғилган кемирувчи, болаларини ҳам балоғатга етишини

тезлаштиради), улар бутун қиши давомида ҳам кўпая берадилар (Фармозов, 1937; Наумов, 1948).

Қиши об-ҳавосига қарамасдан даласичқонлар, айрим сичқонларнинг пичан ғарамларида, похол тўдаларида, янчилмаган ғарамларда кўпайиши давом этади. Бундай мухитдаги оддий даласичқонлар танасининг ҳарорати далада ва инларда яшовчи зотлар тана ҳароратига нисбатан $1-2,5^{\circ}\text{C}$ юқори бўлиши аниқланган (Стерильников, 1940; Кучерук, 1953).

Чўл ва кўпчилик саҳро кемирувчиларининг (кўшоёқлилар, қумсичқонлар, даласичқонлар) кўпайиши қуруқ ва иссиқ ҳаво даврида тўхтаб, кузда ҳарорат пасайиши билан қайта тикланади. Оптимал ҳароратнинг оғиши, одатда оддий ва жамоа ҳосил қилувчи даласичқонларнинг жинсий маҳсулдорлигини қисқаришига ёки умуман тўхташига олиб келади.

Алоҳида зот яхлит турнинг ажралмас қисмидир. Улар табиий бирлашган популяцияни ҳосил қилади. Популяция таркиби ҳайвонларнинг алоқалари давомида вужудга келади ва уларнинг тур ҳамда индивидуал хусусиятларини ифодалайди. Популяция таркибини ҳосил қилишнинг асосий гуруҳда турли ўринни эгалловчи зотларнинг муайян қоида асосида бирлашишларини ташкил қилади.

Популяциянинг структураси, зотларнинг ва улар гуруҳларининг маълум ландшафт элементлари маконида қонуниятга мувофиқ жойлашиш ва бундай худудлардан фойдаланишда шу тур типига хос хусусиятларни акс эттиришдир.

Зотларнинг яшаш маконида қонуний тақсимланиши - популяциянинг барча хаётин меъёр формаларининг асосидир. Бу айниқса мухит ресурсларидан озиқа, ҳимоя, микроиқлим ва х. дан самарали фойдаланишни белгилайди. Популяция маконий структураланишининг иккинчи биологик моҳияти – тур ичида (популяция ичида) зотлар орасидаги зарурий барқарор алоқаларини таъминлаш асосидир.

У ёки бу популяцияга таълуқли зотлар алоҳида яшаб якка ҳаёт кечиради ёки гурухга ёки колонияга бирлашиб гурухлаб ҳаёт кечиради. Кемирувчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли озиқа микдори (улар заҳирасининг қайта тикланиши керак), бошпанга ва кулай микроиқлимли худуд керак.

Худудга ва улар ҳаёт тарзи эҳтиёжини қондириш усуслари турнинг морбофизиологик ва экологик хусусиятларини белгилайди. Озиқланиш, зотлар ва улар гурухлар ичидағи рақобатлик муносабатлари, бошқа турлар билан ўзаро муносабатлар, кўпайиш ва бошпанага эҳтиёж асосий аҳамият касб этади. Иккита типдаги асосий ҳаёт кечириш мавжуд: (кўпайиш мавсумида кўпинча якка-оилавий) ва гурухли.

Алоҳида ҳаёт кечиришда ҳар бир ҳайвон индивидуал участкага (худудга) эга бўлади. Индивидуал ёки оилавий участкалар кўпчилик кемирувчиларга хос, масалан, қишида ҳам оилавий участкаларни сақлаб қолувчи олмаҳонларга ҳар бир ўтрок ҳолда яшовчи сичқонлар маълум худудда яшайди, аммо, алоҳида зотнинг участкаси доимий бўлсада, лекин ажратилмаган (изоляцияланмаган) ва кўпинча бир-бирини тўсиб қўяди. Сичқонларнинг ҳаракатчанлиги қишки – баҳорги даврда ва ёзнинг бошида сустроқ ва индивидуал участкалари ўнлаб ёки юзлаб метр квадрат билан чегараланади. Асосан ҳосил уруғларининг етилиши биланоқ уларнинг майдони 2-3 минг метр квадратга қадар кенгаяди. Малла дала сичқоннинг изоляцияланган участкаларида ҳам урчидиган урғочилари бўлади. Ёш ва вояга етган эркак дала сичқонларнинг индивидуал участкалари билан кўшилиб кетади. Жинсий вояга етган эркак кемирувчиларнинг урчиш масумида участкалари айниқса йирик (ўртача 1000-4500-27000 m^2), урчидиган урғочи участкасининг хажми 600 m^2 (100-1100)

эгаллайди. Урчиш мавсуми тугагандан кейин эркак ва урғочилар эгаллаган участкалар хажми орасидаги фарқ йўқолади ва улар тахминан бир хил хажмни эгаллайди.


Кўпинча кемиувчиларнинг эгалланган участкалари бир-биридан кескин изоляцияланмаган, аммо уяларга яқин инлар қатъий ҳимояланган бўлади. Оддий даласичқон уяларини оиласидар ёки алоҳида ҳайвончалари бир оз муддатга эгаллаб, кейин улар бўш қўшни инларга ўтадилар ёки янгиларини қазийдилар. Бўшаган инларни бир оз вақт ўтгач янги яшовчилар эгаллайдилар. Шундай қилиб, ҳар бир оила вақти-вақти билан маълум участкалар доирасида ўз бошпаналарини алмаштириб турадилар. Шунга ўхшаш ердан фойдаланиш типи катта қумсичқонда ҳам кузатилган. Индан инга кўчиб ўтадиган ҳайвонлар ёш, ҳаттоқи ҳали қўзи очилмаган ва яланғоч болачаларини ҳам ташийдилар. Кўпинча ва мунтазам равишда бошпаналарни алмаштириб туриш олмахонларда, юмонқозиқларда, бошқа қумсичқон, даласичқон, сичқон ва оғмахонларда кузатилган (Ильичев и др., 1987). Бу инда кўп миқдордаги эктопаразитларнинг йигилиши ва иннинг экскрементлари билан ифлосланганлиги билан боғлиқ.

Бошпана кўп холларда ҳайвон ўрнашиши ва унинг уядаги сонини лимитлайди. Алоҳида ҳаёт кечиривчи зотларда ин эгалланган қисмини белгилаш эҳтиёжи туғилади. Сут эмизувчиларда бу мақсадда уларнинг ўткир хид таркатувчи безлари ёрдам беради.

Алоҳида ёки индивидуал ҳаёт кечиришнинг умум-биологик моҳияти шундан иборатки, ҳайвончаларнинг алоҳида худудларни эгаллаши аниқ бошпана, ёш кемиувчиларни боқиш ва уларни нокулай мавсумлардан муҳофазалаш билан боғлиқдир. Яшаш жойидан бундай фойдаланиш усули, ҳаракатланиш қобилияти чегаралангандай, аммо озиқа заҳираси мўл-кўл бўлиб, нисбатан бир текис тақсимланган турларда кузатилади.

Алоҳида яшаш билан бир қаторда гурухлаб ҳаёт кечириш ҳам мавжуд. Ҳайвонларни гурухларга бирлаштириш уларга муҳитни тўлиқ ўзлаштиришларида бир қанча афзалликлар ва қобилият беради.


Бундай типдаги ҳайвонлар гурухий бирлашишлари сийрак ўсимликли чўл ва саҳро юмонқозиқлари, суркалари, катта қумсичқонлари ва айрим даласичқонларига хос хусусиятдир. Бундай манзилгоҳлар етарли миқдорда озиқаси бўлган жойларда кузатилиб ва кемиувчилар йиртқичларини (айнинса қушлар) ҳам ҳаммадан қўра яхшироқ кузатиш имконини беради. Яқиндан яшашлари ва доимий қўшничилик алокаларида бундан ҳайвонлар маълум манзилгоҳ доирасида индивидуал ёки оилавий участкаларга эга бўладилар. Алоҳида озиқа майдончаларидан кўпинча улар биргалиқда фойдаланадилар. Бундай колонияларга, якка ҳаёт кечиривчи турлар ҳам ўрнашиб оладилар (48-расм).



48-расм. Кичик юмронқозиқларнинг индивидуал участкалари
(А.Н.Солдатова бўйича, 1962).

1-урғочилар индивидуал участкаларнинг чегараси. 2-шунингдек эркаклариники. 3-эркаклар уя тешиклари. 4-урғочиларнинг чиқши инлари. Ҳар бир ҳайвончаларнинг мақул кўрган озиқланиши ўринлари.


Кўпчилик кемирувчиларнинг миқдорий сони ўзгариб туради. Бу уларнинг сонига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳамда турлар орасидаги ва тур ичидағи муносабатларга боғлиқ. Ташқи муҳит шароитлари кўпинча ҳайвончаларнинг ўзига бевосита таъсир кўрсатмайди. Уларнинг таъсири популяциянинг ўзига хослиги ва механизмлари орқали ифодаланади. Аммо айрим ҳолларда иқлим омиллари кемирувчилар хулқ атвorigа тўғридан тўғри таъсир қилиб уларни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Жумладан, жала ёмғир туфайли инларни сув босиши даласичқонларни оммавий кирилишига олиб келади. Анча серҳаракат ва яхши ўрмоловчи сичқонлар, кўпинча ҳалокатдан кутилиб қоладилар. Кемирувчиларнинг оммавий қирғини қор ёки муз эриши туфайли сув тошқини даврида ҳам кузатилади. Бундай ҳолда тирмашиб ва сузиш қобилиятига эга бўлган кемирувчилар турлари ҳам омон қоладилар. Шуниси қизиқки суздалъ сичқони сув тошқинлари даврида кўпайишдан тўхтайди. (49-расм.)



49-расм. Волга делтасида сув даласичқон популяцияси урғочисининг ҳомила фоизининг ўзгариши (Г.А.Кондрашкин бўйича, 1946)

Ташки ҳарорат муҳити тўғри таъсир қўрсатиши мумкин. Уларнинг оммавий ўлиши юпқа қорли қаҳратон қишида, ер чуқур музлагандан ва баҳорда кунлар исиши билан инларни сув босиши туфайли кузатилади.

Майда кемирувчилар сонининг кескин кўпайиш ҳоллари камдан - кам хусусиятга эга бўлиб, айримда у ёки бу тур соннинг тасодифан жуда кескин ошишига олиб келади. Бундай йирик кўпайиш олдиндан бир қатор унча катта бўлмаган кўтарилишлар, камайиш билан алмашиниб туради. Ўрта иқлими худудларда кемирувчилар сонининг энг юқори миқдорда кўпайиши 10-11 йилда бир марта кузатилади (50-расм). Кемирувчилар сонининг ошишига метереологик қулай келган йиллари, озиқанинг сероблиги, уларни оммавий кўпайишига олиб келади.



50-расм. Кандалакш қўриқхонасида майда сут эмизувчиларнинг динамик миқдорий сони (И.С.Бойко бўйича, 1984): 1-оролларнинг популяцияси. 2-қирғоқларнинг популяцияси.

Динамика сонининг муҳим шароитлари сифатида популяция қалинлиги ва унинг структураси ҳисобланиб, унга боғлиқ ҳолда кемирувчилар сони кўтарилади ёки пасаяди. Кемирувчилар сонининг ошиши улар орасида бошпана ракобатлигини кучайишига, озиқа этишмовчилиги хавфига, йиртқичларнинг қиравчи фаолиятининг кучайишига олиб келиб, кўпайиши чегараловчи, харакатчанликни кучайтирувчи механизmlар таъсир қила бошлайди. Булар хаммаси табиатда кемирувчилар сонининг муқаррар равишда қисқаришига олиб келади. Сони ошган сари,

индивидуал участкалар қисқаради, зотларнинг ўлчами кичраяди, худудни биргаликда фойдаланиш кенгаяди ва одатда жинсий махсулдорлиги қисқаради. Сонининг юқори бўлиши кемирувчиларнинг оммавий кўчиш ва бостириб бориш хусусиятга эга бўлади.

Майда кемирувчилар сонининг юқори миқдорда кўтарилиши одатда унинг пасайиши, айримда узоқ муддатли ва чуқур депрессия билан тугайди.

Сонининг жуда юқорига кўтарилиши ва популяция қалинлигининг ошиши, озиқанинг ёмонлашиб бориши, бошпана етишмаслиги, ўсиш суратининг пасайишига (анча майдароқ зотлар), майда кемирувчиларнинг жинсий вояга етишини кечиктириади. Кўпайиш интенсивлигини пасайтиради, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бундай ҳолат рефлекторлик хусусиятига эга бўлади: аниқ ифодаланган индивидуал участкага эга бўлган турларда популяция қалинлиги юқори бўлиб, ўзи бўш худуд топа олмаса, кўпайишга киришмайди.

Кемирувчилар сони камайиб кетганда тескари ҳол юзага келади- ўсиши ривожланиши тезлашади ва кўпайиши кучаяди. Популяцияда урғочилар қисми кўпаяди.

Кемирувчилар сони кескин камайиб кетганда, уларни кўпинча тарқоқ якка нокулай шароитда сақланиб қолганлари кўчишни кучайтириб, оптималь стациялар яшаш стацияларида йиғиладилар.

Кемирувчилар билан материал ва иншоотлар заарланиши

Инсон томонидан атроф-муҳитни турли мақсадларда: янги худудларни ўзлаштириш йўл ва суғориш тармоқларини, турли хўжалик обьектларини қуриш кемирувчиларнинг материаллар, буюмлар ва иншоотларни заарлаш фаолиятини шакллантиради. Заарланиши фаоллаштиришда ҳалқ хўжалигига катта миқдордаги синтетик материаллардан кенг фойдаланиш ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Материалларни заарлашда, тирик организмлар орасида, кемирувчилар алоҳида ўрин тутиб, асосан заарлаш ноозуقا хусусиятга эга ва бу уларнинг кемириш фаоллиги билан боғлиқ. Кемирувчилар орасида материалларни заарарлайдиган ихтисослашган турлари йўқ. Амалда уларнинг барчаси потенциал заарарлидирлар.

Инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли синантроп турларнинг тарқалиши, яшаш шароитининг ўзгариши, уларнинг инсон билан боғлиқлигининг ва уни ўраб турган муҳит билан ишлаб чиқариши кучайиши кемирувчиларни янги биотопларини эгаллашига олиб келди. Жумладан, яшаш шароитининг ўзгариши, маҳаллий турлар томонидан инсон иншоотларини эгаллаб шартли ёки қисман синантропга айланишига олиб келади. Масалан, кулранг оғмахон жанубда Ашхабат, Бишкек, Ереван сингари шаҳарларда одамларнинг хонадон ва хўжалик биноларида учрайди, ҳаттоқи уй сичқонлари билан кўп қавватли биноларга ҳам ўрнашиб, айримда уларнинг сони сичқонлар сонидан ошиб кетади.

Тураг жой ва хўжалик биноларига бошқа турларни: ўрмон ва даласичқонлари, оддий ва малла сичқонлари, қизилдум ва қиррал құмсичқонлар ва бошқаларни ўрнашиб олганлиги ҳам қайд қилинган. Канналар қурилиши ва суғориладиган дәхқончиликнинг ривожланиши қурғоқчилик худудларидан намсевар турларни: оддий ва сув даласичқонлари, даласичқонлар, ондатралар ва кулранг каламушни суғориладиган ҳудудларга кириб келишига имкон туғдиради. Охирги вақтларда чорвачилик комплекслари, юқ тушириш ва ортиш базалари ва х.

курилиши қулранг қаламуш ареалининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келди.

Кемиувчилар озиқага қадар етиб боргунча маҳсулот жойланган тара ва упаковакларни заарлайди, омборхона, склад, дон сақланадиган, чорвачилик биноларининг пол ва деворларини кемиради. Озиқа маҳсулотларидан ташқари кемиувчилар складлардаги мато, тери, оёқ кийимлари, платмасса, мебель ва бошқаларни ишдан чиқаради. Кемиувчилар томонидан водопровод қўрғошин трубалари ва алъюмин буюмларни заарланиш ҳоллари ҳам кузатилган. Туар жойларда ва бошқа биноларда кемиувчилар ин қуриш учун қофоз, латта, пенопласт, изоляция материаллари, резина ва х. лардан фойдаланадилар. Кемиувчилар кабеллар ва электр ўтқазгич симларни заарлаши натижасида ҳалокатга, алоқани ва поездлар ҳаракатини издан чиқаришга, ёнгин ва одамларни қурбон бўлиши сингари катта талофотларга олиб келади. Д.Драммонднинг (1971) фикрича кемиувчилар кабелларни заарлаши туфайли АҚШ да 20% ёнгинларга сабаб бўлади. Кабелларни кемиувчилар билан заарланиш сабаблари тўғрисида унчалик маълумот йўқ. Кабеллар ётқазишда ерни қазиш ёки улар тишини қайраш мақсадида кабелларни заарлаш эҳтимоли бўлса керак деб тахмин қилинади. Ундан ташқари кемиувчиларнинг ҳаракатланишига кабель тўскинлик қилгани учун ҳам уни кемириши мукин.

Заарлашдан ташқари кемиувчилар жунли буюмларни, материал ва маҳсулотларни экскремент ва сийдиги билан ифлослайди. Қаламушлар қурилиш материалларини, жумладан металл қопламали панелларни ва пенополирентлар иситкичларини заарлаши туфайли уларнинг теплоизоляциялаш хусусиятини йўқотишига олиб келади. Кемиувчилар пенопластнинг 30-40% хажмига қадар теплоизоляция қаватини кемиради.

Кемириш кўпинча ҳайвоннинг ковлаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Каналлар қирғокларидаги қоплама плиталар орқасига, тўғон ва дамбаларга кемиувчилар ўрнашиб олиб, тепаликларга ин ковлади, кўпинча сув сатҳидан пастрокда йўллар қуради. Бу ўз навбатида сувнинг сизишини кучайтиради, тупроқ уюмларини емирилишига, тўғонларни ўпирилишига ва ҳатто тошқинларга олиб келиши мумкин. Ғарбий Европада ирригация иншоотларига ондатра жиддий заар келтиради. Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда суғориш шахобчаларига пластинка тишли қаламуш ва қумсичқонлар зарар берадилар.


Айрим ҳолларда заарлаш билвосита ҳам бўлиши мумкин. Масалан, кемиувчилар складларда сақланаётган омборлар сиртидаги герметик пленкаларни заарлаши туфайли уларни ишдан чиқишига сабаб бўлади. Озиқа маҳсулотлари упаковкасини бузмоқ, маҳсулотни йўқ қилиш билан бирга уни ифлослашга ва бузилишига олиб келади. Қаламушлар чорвачилик биноларига ўрнашиб деворлар ва полни кемириб кўпдан-кўп туйнуклар очади. Бундай биноларда чорва молларининг оёқлари пол тешикларига тушиши натижасида уларнинг оёқлари синади. Бу билвосита заарни ҳамма вақт ҳам пул билан баҳолаб бўлмайди. Заарланиш ўрнини боса олмайдиган алоҳида ўткир қўшимча муаммо келиб чиқади.

Табиий шароитда материалларнинг заарланиши турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин (51-расм).

Кемиувчилар уларни озиқа йўлига, сувга, бошпана ёки ин ковлашда ғов бўлганда заарлаши мумкин. Бундай заарланишларга таралар, водопровод қўрғошин трубаси, қурилишда қўлланадиган плинтуслар, ер остига ётқазилган ёки бинодаги кабелларни кўрсатиш мукин. Ин қуришда фойдаланиладиган турли-туман

материаллар ҳам заарланишга сабаб бўлиши мумкин. Кемиувчилар ин қуриш учун, одатда яқинида бўлган қоғоз, мато, намат, пленка ва б. фойдаланиши мумкин.

Каламуш ўрнашиб олган темир йўл кўтармалари очиб кўрилганда, уларнинг инида ўсимлик материаларидан ташқари қоғоз, ахлатдан йигилган папирос ва гугурт қутиси, латта парчалари қайд қилинган (Ильичев и др., 1987). Эксперимент шароитларда каламуш ин қуришда одатдан ташқари материаллардан фойдаланади. Жумладан, гўшт сақланган совутгичда жойлаша олган каламушлар нимталанмаган гўштнинг пайидан ва гўшт пардасидан ин ясаган.



51-расм. Кемииш фаолиятининг қўрсаткич шакллари
(В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Тажрибада кемиувчилар ин қуриш материаллари сифатида қоғоз ва матодан ташқари сим изоляциялари, резина, турли пенопластлар, ингички симдан фойдаланганлар. Ин қуриш билан боғлиқ бўлган табиий заарланиш материаллари етишмаганда ёки бўлмаганда кемириш кучаяди, айниқса урғочиларнинг урчиши даврида, худди шундай ҳолат ҳомилали урғочиларда ҳам, яъни уларнинг кемииш фаолиятининг кучайиши кузатилади.

Текшириш феъл-автори ҳам материалларни заарлашга олиб келиши мумкин. Маълумки қафасда ёки кемирувилар тўпланган табиий биотопларда янги обьектлар пайдо бўлганда уларни текшириш фаолиятини кучайтириб, обьектни заарлашга олиб келиши мумкин. Бирор-бир буюмни худди шундай, бирорта кемирувчи зоти кемира бошласа, бошқаларининг ҳам кемириш фаолиятини кучайтиради.

Атроф муҳит билан фаол танишган ёш ҳайвончалар тарқалиш даврида, уларнинг кемириш хусусияти кескин кучаяди. Озиқа захираси йиғиш даврида барча кемирувчиларда шундай умумий фаоллик кучаяди. Бундай даврда турли обьектларнинг заарланиши ошади.

Шунингдек ташқи муҳит таъсирида ҳам кемирувчиларнинг кемириш хусусияти кучайиши мумкин. Бундай ҳолда материал ва обьектларнинг заарланиши уларнинг аралаш феъл-автори туфайли юзага келади. Бундай агрессив вазият, айниқса кемирувчилар сонининг кескин кўтарилиши натижасида популациялар структурасининг бузилиши ва озиқа ҳамда бошпана конкурентлиги кучайганда кузатиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатганки ҳайвончаларни бир қафасдан иккинчисига, кенг қафасдан бир мунча тор қафасга, мос жуфтларини бир-биридан ажратиб ва унинг ўрнига таниш бўлмаган бошқасини кўйиш уларни танишиш феъл-авторини фаоллаштириб ва кемириш фаолиятини кескин ўсишига ҳам олиб келади (Ильичев и др., 1987).

Ноозиқа буюмларни заарлашнинг яна бир сабабларидан бири - курак тишларининг доимий равища чархлаб туриш эҳтиёжидир. Г.Ветцел (1927) маълумотига кўра бир хафта ичida кулранг каламушнинг юқори кесувчи курак тишлари 2,4 мм, осткилари-3,45 мм ўсади. Ҳайвончаларда тишларнинг бундай интенсив ўсиши курак тишларни чархлаб туриш эҳтиёжини туғидиради.

Кемирувчилар томонидан турли материал ва иншоотлар заарланишининг асосини юқорида санаб ўтилган сабабларнинг биргаликдаги йиғиндиси ташкил қиласи. Уларнинг қайси бири асосий эканлигини айтиш қийин.

Материаллар барқарорлигини кемирувчилар заарига синаш

Кемирувчилар заарининг турли обьект ва иншоотларга жиддий оқибатини ҳисобга олган ҳолда турли материалларни кемирувчилар заарига барқарорлигини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш эҳтиёжи туғилади.

Материалларни кемирувчилар жағ аппарати таъсирига барқарорлигини аниқлашда айниқса ишончли натижалар олиш учун синовлар “мажбур қилиш” усули билан амалга оширилади. Бу усул шундан иборатки, синаладиган материал пластинаси кемирувчилар озиқаси йўлига тўсиқ қилиб қўйилади. Тажриба ўтқазиладиган қафас тўсиқ билан тенг иккига бўлинган бўлиб, унинг остки қисмига туйниги бўлади. Қафаснинг биринчи ярмига ин, сувдон ва ҳайвонча жойлаштирилиб, иккинчи ярмида озиқа бўлади. Синаладиган материал пластинаси билан тўсиқдаги туйнук бекитилиб унинг остидан кемирувчилар учун баландлиги 15 мм тирқиши ва сичқонлар ҳамда даласичқонлар учун эса 6-8 мм тирқиши қолдирилади. Тажриба давомийлиги 24 соат. Тажриба бошланишидан 24 соат олдин кемирувчиларга озиқа берилади. Улар хоҳлаганларича сув истеъмол қилишлари мумкин. Тажриба 48 соатдан кейин такрорланади, шу муддат ичida мободо синаладиган материал барқарор (чидамли) бўлса, кемирувчилар очиқиши туфайли бир сутка давомида 20% массасини ёқотади. Тез-тез тажрибалар амалга оширилганда улар нобуд бўлади.

Янада аниқроқ натижа олиш учун ҳар бир материал қайта-қайта уч марта синалади.

Кеми्रувчилар заарламаган материалларни ўша бир ҳайвончага синаш учун қайта-қайта синалмайди, чунки улар бу материалларни биринчи синашдаёқ эслаб қоладилар ва унга бошқа тегинмайдилар. Қаттиқ материаллар синалганда, албаттa кеми्रувчилар енгил заарлайдиган материаллар билан алмашлаб турилади, акс ҳолда улар тўсинни кемирмай қўядилар, чунки уларда сусткаш-химояланиш реакцияси ҳосил бўлади.

Тажрибаларни бошлашдан бир оз (2-3 кун) олдинроқ, мослашиб олиши учун кеми्रувчилар қафасга жойлаштирилади. Тажрибалардан олдин кеми्रувчилар ўргатилмоғи, яъни дастлаб тўсиқлар осон кемириладиган қоғоз, картон, пенопласт сингари материаллардан қўйилиши керак.

Тажрибалар натижаси баллар билан баҳоланади: 0-материал заарланмаган; 1-пластина юзасида кемирувчининг андак тиш тирнаган излари; 2-сири заарланган; 3-пластина анча заарланган бўлсада, аммо у тешилмаган; 4- пластина тешилган.

Тажрибаларни яхлит усулда амалга ошириш материалларни кемирувчилар зарарига чидамсизлигини ўрнатишга имкон беради, уларни заарланиш даражасини аниқлашга ва ҳар бир, шунингдек материаллар гурухи бўйича нисбатан натижалар олишга ёрдам беради.

“Мажбур қилиш” усулидан кўпчилик тадқиқотчилар фойдаланадилар. Материалларни заарланишга барқарорлигини аниқлашнинг бошқа усуулари (материаллар намуналарини қафас ёки вольлерларга эркин қўйиш, бундай намуналарни кемирувчилар инига қўмиш, намуналарни сиртга кемирувчилар ини олдига ёки йўлига қўйиш) натижа олиш учун, узоқ муддатли экспозиция талаб қилсада, “мажбур қилиш” яхлит усулига ўхшаш бир хил натижа бермайди. Бир қисм материалларга кемирувчилар умуман тегинмайди ёки янги ин қуришда уларни қўмиб ташлайди ва ҳ. Бундай тажрибаларни ўтказишида материалларни кемирувчилар билан заарланиш шароитларини аниқлаш учун маълумотлар олинади. Шундай қилиб материалларнинг ҳақиқий барқарорлигини аниқлашни қийинлаштиради. 16 жадвалда материалларнинг барқарорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Синовлар кўрсатадики, кемирувчилар ёғоч, қоғоз ва картон; нотўқима материаллар, натурал, сунъий ва синтетик толали газламалар сингари кўпчилик материалларни заарлайдилар. Бундай тўқималарга моддалар сингдрилиши ёки қопланиши заарланишга тўсқинлик қилмади. Турли толалардан тўқилган иплар, арқонлар, канатлар осонгина заарланади. Натурал ва сунъий терилар, синтетик пленка ва қувур, асбест материаллари, резиналар ва газ тўлдиригич пластмассалар ҳам кемирувчилар зарарига чидамсизлигини кўрсатди. Бир турдаги қуйма ва прессланган материаллар гурухи синалганда, пушти оргстеклодан ташқари материаллар кемирувчилар зарарига чидамсизлигини кўрсатди, пушти рангли оргстеклолар эса майда кемирувчилар томонидан сал-пал заарлаган. Еттига синалган намуналардан (электроизоляция материали) иккитаси (ЭД-5 ва асосига смола қуйилган компаунд ЭД-20) барқарорлиги маълум бўлди. ЭЗК-6 компаундинини сичқонлар заарламади, бошқа кемирувчилар уни заарлади.

“Пластмассага тўлдирилган” гурухга оид кўпчилик материаллар юқори каттиқликка эга бўлиб, кемирувчилар уларни заарламайдилар. Тажрибаларда қисман материаллар заарланган бўлиб, натижада бундай заарланиш 2 дан 4

баллгача баҳоланган. Айниқса ФК-36-65, ФКПМ-15, АГ-4 С фенопластлар интенсив зарарланган (Ильичев и др., 1987).

Текстолитлардан айниқса эпоксид смолалар асосидаги стеклотекстолитлар зарарга айниқса барқарор, улар юқори қаттиқликка әгадирлар.

Кимёвий таркибидан қатъий назар кеми्रувчилар резиналарни зарарлайдылар. Намунанинг қалинлиги ва уларнинг бошқа физика-механик хусусиятлари интенсив зарарлашга сезиларли таъсир кўрсатмайди.

16-жадвал

Материалларнинг кеми्रувчилар заарига барқарорлиги
(лаборатория синови маълумотлари бўйича) (В.Д.Ильичев ва бошк. бўйича, 1987)


Материал	Материаллар сони		Кемириувчилар билан заарланиш даражаси, балл	
	Синал-ган	Кемириувчилар билан заарланган	Йирик	Майда
		Йирик		
1	2	3	4	5
Табиий, елимланган ёки прессланган ёғоч	8	8	8	3-4
Қоғоз, картон	8	8	8	4
Нотўқима материаллар; қайта ишланган пахта, шиша пахта, шиша тўқима	8	8	8	4 ¹
Эшилган ип, аркон, пахтадан тўқилган канат, зигирдан, ипакдан, синтетикадан, шишадан	20	20	20	4 ¹
Газмол: пахтадан қайта ишланган, зигирдан, ипакдан, жундан, синтетикадан шишадан (натурал, қопланган ёки шимдирилган.)	53	53	53	4 ¹
Пахтадан қайта ишланган текстил лента ва тасмалари	5	5	5	4
Натурал тери	4	4	4	4
Қайта ишланган пахта асосидаги сунъий тери ёки синтетик газмол	14	14	14	4
Синтетик пленкалар ва қувурлар	24	24	24	4
Асбестли материаллар	6	6	6	4 ¹
Бир хилдаги қўйилган, прессланган материаллар, жумладан: юқори ва паст босимли полиэтиленлар, полипропиленлар, поливинилхлоридлар, фторопластлар, полиакрилатлар ва б. эпоксидли смола ва компаундлар	39 32		3-4	2-4
	7	5	3	2-3
Газтўлдиригич пластмассалар	42	42	42	4
Резиналар: юмшоқ қўйма, ғовакли ва булутсимон қаттиқ	59 1	59 1	59 1	4 4
Герметик (пастасимон резиналар)	8	8	8	4
Қоғозқаватли пластиклар	4	4	4	3-4
Резинали техник буюмлар	4	4	4	4
Тўлдирилган пластмассалар	41	17	9	2-4

Текстолитлар:	47				
Қайта ишланган пахтадан ва синтетик түкималар	9	9	7	2-4	1-3
Шишатекстолитлар	38	8	2	2-3	1-2
Лак-бүёкли қопламалар:	62				
ёғочга	3	3	3	4	3-4
пүлат асосга	14	6	4	3-4	1-2
алюминий куймасига	24	11	9	2-4	1-4
пенопластга	6	6	6	4	4
шиша түкимага	6	6	6	4	4
пластмассага	4	2	1	2-3	2
текстолитларга	5	3	1	2-3	1

4¹- кеми्रувчилар ин қуришда фойдаланғанлар.

Газтүлдиргич пластмассаларни кимёвий таркибидан қатый назар кеми्रувчилар заарлайды. СПМ ва ЭДС-б микроструктураси (фенолли ва шиши) таркибиде синтактли пена (пенопласт хили) бўлиши заарланиш интенсивлигига бир оз таъсир кўрсатади. Бу материалларни каламушлар кучсиз, майда кемирувчилар эса андаккина (1 балл) заарлайдилар. Шу билан бирга, пенопласт материаллар орасида кемирилишга жалб қиласидиганлари ҳам мавжуд. Бу пенополиуретанлар (қаттиқ ва бир мунча эластик), ПСБ пенополистрол, ФРП-1 пенофенопласт ва б. Тажрибаларда кемирувчилар пластин бошлангич массасини 40-50% кемириб, кўпинча пластиналарни ҳамма томонларидан кемириб, ёки майда бўлакларга бўлиб уяларига ташиб кетганлар (Ильичев и др., 1987). Пенопластларда интенсив заарланиш материалларнинг зичлигига боғлиқлиги ҳолда аниқланган. Зичлиги қанча паст бўлса, шунчалик масса йўқотилган. Бундай аниқ боғлиқлик майда кемирувчиларда кузатилади (52-расм).


Лаборатория тажрибалари кабел ва симларнинг кемирувчиларга барқарорлиги, материал сиртки қоплами, диаметри, ундаги брон мавжудлигига ҳамда заарлайдиган кемирувчилар турига боғлиқлигини кўрсатди. Сирти ўралган пўлат симни (ПСО типида) майда кемирувчилар заарламайдилар, кемирувчилар диаметри унчалик қалин бўлмаган кабелларни кемирадилар. Кабел ва симларнинг сирти пластмасса ва резина қобигидан ёки толали изоляциядан иборат бўлса кемирувчилар заарлаган. Каламушлар диаметри 17 мм бўлган кабелларни ҳам заарлаган. Диаметри 24-29 мм кабелларни ҳам сезиларли заарланиши кузатилган (Ильичев и др., 1987). Шунингдек диаметри 60 мм (резина қопламли) КШВГ-6 кабелнинг ҳам жиддий шикастланганлиги ўрнатилган. Майда кемирувчилар диаметри 6 мм бўлган сим ва кабелларни кемирадилар ва диаметри 15 мм гача бўлган материаллар сиртқи қоплами, изоляциясини кемириб, симни ялонғочлаб катта зарар етқазадилар. Кабеллар диаметри 15 мм ортиқ бўлса заарланиш бир мунча камроқ, 20 мм ортиқроқ бўлса амалда зарар етқаза олмайдилар.



52-расм. Кемирувчилар пенопластларни зааррлаши интенсивлиги, уларнинг қалинлиги кўриниши билан боғлиқлиги (1- каламушлар. 2-сичқонлар ва дала сичқонлар) (И.А.Емельянова бўйича, 1978).

Лакқопламаларини синаш шуни кўрсатдики, уларнинг барқарорлиги икки хил фактор билан аниқланади: остига солинган материалнинг барқарорлиги ва бўяладиган сиртнинг ўз ёпишқоқ қопламасига. Бардошсиз солинмани (пенопласт, ёғоч ва x) кемирувчилар қоплама билан қўшиб зааррлайдилар. Ёпишқоқ ёмон бўлган тақдирда улар лак бўёқли қопламани зааррлаб, солинмаларни яланғочлаб қўядилар.

Материалларнинг кемирувчилар билан зааррланиш эҳтимоли улар сиртининг хусусияти (силлиқ ёки ғадир-будир), қаттиқлиги ва структураси (зич, ғовак, қайишқоқ ва x) га боғлиқ. Қафаснинг ин ва озиқа оралигини ажратиб турадиган ойна тўсиқ бекитилганда кемирувчилар пенопластларни осонгина заарладилар, чунки материалнинг ғовак сирти кемириш курак тишлар учун таянч ҳисобланади. Ўша пенопласт эпоксид билан бўялганда, унинг сирти силлиқ бўлгани туфайли кемирувчилар уни кемира олмайдилар, чунки курак тишлар силлиқ сиртга сирғанади (53-расм). Бундай пластинкага 5 мм туйнук очилгандан кейингина у заарранган. X. Хук ва Я. Ла Брэйн (1959) поливинхlorид пленкасини синаганларида худди шундай натижага эришдилар, яъни каламушлар пленкага тадқиқотчилаар диаметри 2 мм туйнук очмаганларига қадар уни зааррлай олмайдилар. Материалда тиркиш бўртиқ, тешик бўлганда унга заарр етказилади.



53-расм. Кемирувчилар томонидан ФК-40 пенопластилининг зааррланиши (24 соатлик тажрибада йўқотилган масса фоиз ҳисобида) (И.А.Емельянова бўйича, 1978) 1-бекитилмаган. 2-эпоксид билан бекитилган.

54-расм. ППУ-ЗН пенопластилининг зааррланиши интенсивлиги. Пластишка тишлар каламуш (2). Кулранг каламуш (1) (24 соатлик тажрибада) (И.А.Емельянова бўйича, 1978).

В.Нейгаузнинг (1957) кўрсатишича каламушлар пластмасса қўшувчи муфталарни унинг чет кириш йўлини топа олмагунларига қадар заарламаганлар.

Материалларнинг барқарорлигига физика-кимёвий хусусиятлардан уларнинг каттиқлиги таъсир қилади. Г. Лавуайе ва Д. Ж. Глен (1976) уч хилдаги упаковка материалларини (винилдан, ацетатдан ва поликарбонатдан) текшириб кўриб, каламушларнинг заарлаш ҳажмининг катта кичикилиги, каттиқлик билан боғлиқлиги мумкинлигини кўрсатдилар. Ҳаммадан кўра қаттиқ (поликарбонатдан) материал энг кам заарланган.

Заарланиш характери ва унинг ҳажми кўп жиҳатдан зарар етказадиган кемирувчиларнинг турига боғлиқ. Модомики, барча кемирувчилар курак тишларининг эмал қаттиқлиги бир хил экан, уларнинг заарлаш эҳтимоли ва заарлаш ўлчами турли хил шароитларда кемирувчиларнинг катта кичикилигига боғлиқ бўлади ва мос равишда жағ аппаратининг кучланишига, яъни кемирувчининг тана ўлчами қанчалик йирик бўлса, улар шунчалик кўп миқдордаги материалларни заарлайдилар ва уларнинг зарари шунча катта бўлади. Ўлчами бир мунча майда кемирувчилар: сичқонлар, даласичқонлар, майда қумсичқонлар ўша материалларни заарласада, аммо жадалсизроқ заарлайди. Кемирувчиларнинг биологияси ҳам анчагина аҳамиятга эга. Кемирувчиларнинг кемириш жадаллик фаолияти, улар турларининг ҳаёт кечиришига, озиқланиш характери ва бошқа муҳитларга боғлиқ (54-расм). Энг юқори даражадаги жадаллик қаттиқ пўстли уруғлар ёки ўсимликнинг қаттиқ қисми билан озиқланадиган ёки мураккаб ин қазувчи турларда ифодаланган.


Кемирувчилар сонини назорат қилиш ва материалларни кемирувчилар зааридан ҳимоялаш

Материалларни кемирувчилар зааридан бевосита ҳимоя қилиш етарли даражада ишлаб чиқилмаган, чунки кемирувчиларнинг заарлаш фаолияти турли-тумандир. Мавжуд кураш усуллари кемирувчилар умумий сонини ва уларнинг зарарини камайтиришга мўлжалланган бўлиб, бу ўз навбатида материал ва иншоотларни заарланиш эҳтимолини камайтиради. Бу бўлимда кемирувчиларга қарши замонавий дератизацияда қабул қилинган кураш тизими ва кураш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Кемирувчиларга қарши курашдан асосий мақсад-маълум бир обьектларда, иншоотларда, аҳоли пунктларида ва ҳ. уларнинг сонини қисқартириш ёки зааркунандаларни тўлиқ кириб йўқотишдан иборатdir. Тадбирлар икки йўналишда амалга оширилади: кемирувчилар ўтишини олдини олишни таъминлайдиган умумий профлактик чоралар ва кимёвий, механик ва биологик кураш усулларини қўллаб, кириш чораларини амалга ошириш. Юқори натижа олиш учун барча тадбирлар систематик равишда ўтқазилиши керак. Кураш ютуғи ушбу шароитда юқори самарали воситаларни танлаш ва ундан тўғри фойдаланишга бевосита боғлиқ. Ишни дастлаб кемирувчиларни бошпанадан, озиқдан ва обьектга ёки бинога суқилиб киришдан маҳрум қиласидиган профлактик тадбирлардан бошлаш керак. Шахар ва бошқа аҳоли пунктларида бунга мос равишда кемирувчиларни биноларга (айниқса складларга) суқулиб қишини олдини оладиган санитарпрофлактик тадбирларни амалга ошириш, аҳоли пунктларида санитария ҳолатини яхшилашга олиб келади. Атроф муҳитнинг бундай ўзгариши кемирувчиларни обьектларга жойлашиб олинишларига ва у ерда доимий яшашига тўскىнлик қилади.

Кишлоқ хұжалигіда кеми्रувчиларнинг заарини камайтиришда, агротехника қоидаларига қатый амал қилиш, ҳосилни ўз вақтида йиғишириб олиш, дон, сабзавот сақланадиган биноларнинг ҳолатини яхши тутиш, яғни буларнинг барчаси кеми्रувчилар яшаш ва озиқланиш шароитини ёмонлаштиради. Шароитнинг ёмонлашуви кеми्रувчилар күпайиш интенсивлигини пасайтиришга ва улар сонининг қисқаришига олиб келади. Кеми्रувчиларга қарши ўз вақтида кураш чораларини ўтказиш мақсадида, уларнинг сонини ҳисобға олиш ва башорат қилиш усуулари ишлаб чиқылған бўлиб, бу усуулар кеми्रувчилар эҳтимоли бўлган сонини ва яқин мавсум ёки йил давомида қишлоқ хұжалик экинларига эҳтимоли бўлган зарарни аниқлашга ёрдам беради.

Кураш чораларини тўғри ташкил қилиш учун зааркунанда турларининг стационал тарқалиш қонунлари ва улар динамик сонини кураш ўтқазиладиган муддат ва жойларни аниқлаш мухимdir. Шунақаларга кеми्रувчиларнинг яшаш стацияси –ландафт участкаси, яғни турнинг нормал ҳаёт кечириш шароити ҳисобланади. Турғунлик йиллари кеми्रувчилар фақат яшаш стацияларидагина сақланиб, шу ердан атрофдаги қулай шароитга тарқаладилар. Шуни ҳисобға олган ҳолда, кеми्रувчилар сонининг пастлиги ва улар яшаш стациясида йиғилган даврда, айниқса эрта баҳорда, күпайювчи зотларнинг миқдори кам бўлганда кураш чораларини амалга ошириш мақсадга мувофиқdir. Бундай ишларни, кеми्रувчилар сонини мунтазам равишда назорат қила бориб, системали равишда олиб бориш талаб этилади. Бундай шароитда кеми्रувчилар “манзилгоҳларини” ва улардан “яшаш стацияларни” алоҳида ажратиб картография қилинади. Шу асосда профлактика чораларини ўтказиш кеми्रувчилар сонини паст миқдорда сақлаб туриш имконини беради (55-расм).



55-расм. Объектларни кемирувчилардан ҳимоя қилиш юзасидан үтказиладиган тадбирлар тизими

Қишлоқ ва шаҳарларда синантроп кемирувчиларга қарши кураш шу принципда тузилиши керак. Ёппасига ишловлардан кейин, кемирувчилар сони камайиши билан, уларга қарши курашни системали равишда мунтазам давом эттириш зарур, акс ҳолда кемирувчилардан тозаланган объектларга, улар қайта ўрнашиб олиши мумкин.

Хозирги даврда кемирувчиларга қарши етакчи кураш воситаси сифатида кимёвий воситалар қўлланиб, улар ўз навбатида юқори самаралидирлар. Кемирувчиларга қарши қўлланилаётган заҳарлар таъсир этиш хусусиятига кўра ўткир ва кумулятив препарартларга бўлинади. Ўткир таъсир этувчи заҳарлардан, айниқса таркибида фторли бирикмалар (фторацетат натрий, фторацетамид, фонофторин ва б.) ва фосфорганик бирикмалар (фосфид цинк, глифтор) кенг қўлланилади. Кумулятив таъсиридаги заҳарлардан –антиоагулянтлар-кумарин (варфарин, зоокумарин) ва индодион (ратиндан, фентолацин ва б.) асосида яратилгандирлар. Антиоагулянтларнинг пайдо бўлиши кемирувчиларга қарши қириб йўқотиш самарадорлигини ошириди. Мутахассисларнинг фикрича бундай препаратлар бутун шаҳарлар, ҳатто вилоят микёсида кемирувчиларни (жумладан, каламушларни) бартараф қилиши мумкин. Кемирувчилар бу заҳарларни ем хўракдан фарқлай олмайди ва уни бажонидил истеъмол қиласди. Шу билан бир қаторда маълум бўлишича турли мамлакатларда кемирувчиларнинг антиоагулянтларга барқарор популациялари мавжудлиги қайд қилинган. Варфаринга нисбатан кулранг ва қора каламушларнинг, уй сичқонлари ва бошқа турларнинг резистентлик ҳосил қилганлиги аниқланган. Бундай ҳодиса генетик факторлар билан боғлиқ.

Ўткир заҳарлар асосида тайёрланган ем-хўраклардан фойдаланилганда кемирувчиларда эҳтиёткорлик ҳосил бўлиб ва улар заҳарли (хар қандай) ем-хўракларни истеъмол қилишдан бош тортади. Ем-хўраклар тайёрлашда сублетал дозада заҳар қўлланилганда бу ҳол юз беради. Шунингдек бошқа айrim заҳарлар (крисид, фторацетамид) га ҳам ўрганиш юзага келади ва кемирувчиларнинг организми бундай препаратларга сезувчанлиги пасаяди.

Кемирувчилардан холи бўлган объектларни узоқ муддатли заҳарлаш точкаларидан-фторацетат натрийли ёки фосфид цинкли антиоагулятлар асосида тайёрланган куруқ озиқали заҳарли ем-хўраклар жойланган яшиклардан фойдаланиш объектларни яхши ҳимоя қиласди. Қириб йўқотишдан кейин узоқ муддатли заҳарлаш точкаларидан фойдаланиш Германиянинг 450 аҳоли пунктларида кулранг каламушни амалда йўқотишга мувоффақ бўлинди. Рига, Саратов, Тула шаҳарларида ҳам бир мунча мувоффақиятга эришилди. Узоқ муддатли заҳарли точкалардан турли мақсаддаги складларда, сабзавот ва дон сақланадиган омборхоналарда, чорвачилик комплексларида фойдаланиш ҳам яхши натижга беради.

Изоляцияланган склад биноларида, денгиз ва дарё кемаларидан, темир йўл вагонларида ва алоҳида ҳолларда, самолётларда кемирувчиларни қириб йўқотиш учун газсимон моддалардан: олtingугурт диоксида, оксид ва карбон оксид, хлорпикрин, цианид кислотаси ва метил бромид препаратларидан фойдаланилади. Юмонқозиқлар ва қумсичқонларга қарши уларнинг инлари хлорпикрин, метил бромид, цианплав, чиқинди газлар билан ишланади.

Кемиувчиларнинг генератив системасига таъсир қилиб, улар популяцияларида кўпайиш суръатини пасайтирадиган хемостериллятлар-моддалардан фойдаланиш истиқболидир.

Кўпчилик мамлакатларда ҳимояланадиган обьектларни кемиувчилардан чўчиши мақсадида репеллентлар-моддаларни излашда жиддий эътибор қаратилган. Тадқиқотларга кўра бу мақсад учун катта микдордаги, турли классга тегишли бирикмалар: хлордан, диэлдин, алдин, диметилдитиокарбамин кислоталар тузлари, қалай ва қўрғошин органик бирикмалар таклиф этилган. Аммо бу воситаларнинг кўпчилиги репеллентлик хусусиятга эга бўлмаганлиги ёки кучли токсик таъсири туфайли амалда қўллашга ярамайди. Булар орасидан қалай органик бирикма истиқболли восита сифатида АҚШда бўёқлар таркибига, картон идишлар тайёрланадиган қофоз массасига, ўсимликларни ҳимоя қилишда, уларни бўяш учун тавсия этилган (мевали дараҳтларни).

Репеллентларни излаш- мураккаб вазифадир. Репеллентлар сифатида тавсия этиладиган моддалар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: токсик таъсирга эга бўлмаслиги, материалларга шимдирилганда чўчитадиган хусусиятларини йўқотмаслиги, материалнинг хусусиятини ўзгартирмаслиги ва ташқи муҳит шароитида ўзгармаслиги керак. Репеллентларнинг таъсир этиши етарлича ўрганилмаган. Бу эса ўз навбатида янги моддалар изланишини қийинлаштириб, кимёгарлар, технологлар ва биологларни биргаликда комплекс иш олиб боришларини талаб қиласи.

Кейинги вактларда кўпчилик чет эл мамлакатларида юқори частотали (ЮЧ) товуш ва ультратовишлардан фойдаланган холда физик усуллар ёрдамидан иншоотларни кемиувчилардан ҳимоя қилишда кенг реклама қилинмоқда. Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатадики қисқа муддатли ижобий самарадан кейин кемиувчиларнинг бу усулларга мослашуви ва уларни чўчиши самараси ўқолишини кўрсатади.

Муаммонинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда кабелларни кемиувчилардан ҳимоя қилиш масаласи устида бир оз тўхталишга тўғри келади. Чунки барча мамлакатларда бу масалага жиддий эътибор берилади. Кимёвий ҳимоялаш кабеллар ёки улар қопламалари таркибига (пластмасса ёки резина) чўчитувчи таъсир этувчи моддалар сингдириш билан амалга оширилади. Бу соҳада Bio Met 12 ва R – 55 (третбутилсульфенилдиметил дитикарбомат) қалай органик бирикмасидан фойдаланиш ижобий натижга берган. Бу репеллентларни кабель қобиги сиртига киритиш ҳам тупроқни R-55 репеллентли сувэмульсион эритмаси билан ишлаш кабелни узоқ муддатда (тажрибада 2,5 йил) заарланишдан сақлаган (Ильичев и др., 1987).

Механик ҳимояда бронланган кабелнинг сирти пўлат ёки мис лента билан қопланади ва руҳланган пўлат сим тўрдан фойдаланилади. Кабелни ётқизишида тиркишларга кемиувчиларни киришга йўл қўймаслик учун кабел ётқизувчилар кабел усти тупроғини зичловчи мосламадан фойдаланадилар.

Трасса ётқизиладиган ҳудудларда кемиувчиларнинг тарқалиши, уларнинг микдорий сони тур таркиби ва б. ҳисобига олиш муҳимдир. Кўпчилик кемиувчиларнинг хаёт кечиравчи ўрмончўл, чўл, ярим-саҳро ва сахроларда кабелларни 0,7-1,2 м чуқурлиқда ётқизиши потенциал хавфли ҳисобланади (Туров, Шилова, 1973).

Материалларни кемирудчилар зааридан ҳимоя қилиш масаласини ҳал қилиш комплекс тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилиб, натижада турли объект ва иншоотларни ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқышни тақозо қилади.

5-БОБ

СУВ МУХИТИДА БИОЦЕНОЗЛАРНИ ЗАРАРЛАНТИРУВЧИ БИОҚОПЛАМАЛАР ЁКИ БИОЗАРАРЛАНТИРУВЧИЛАР

Биоқопламалар – бу қаттиқ субстратда ёки мұхитда яшовчи жониворлар ва үсімликларнинг йиғиндисидир. Күпинча унга ёпишган организмлар яшайды, улар орасида ҳаракатланувчилари ҳам бўлиб, ушбу организмлардан озиқа ва яширинувчи мұхит сифатида фойдаланади. Антропоген биоқопламалар табиий биоқопламалардан деярли фарқ қиласиди. Тўғри, кемалар остида мўйловдор қисқичбақаларнинг бир неча янги турларини олимлар қайд қиласиди. Бироқ, ушбу гурух тропик районларда суст ўрганилганлигидан дарак беради. Бу турлар табиий мұхит субстратлари орасида ўз аждодларига эга. Инсон сув мұхитини жуда яқинда ўзлаштира бошлади ва шу сабабли антропоген субстратларда 1-2 аср орасида янги турлар ҳосил бўлмайди.

Биоқопламалар барча сув типларида ҳам дengiz ва ҳамда чучук сув мұхитида, ҳар қандай чуқурликларда қаттиқ субстрат мұхити бўлган турли-туман биотопларда учрайди. Аммо сувнинг таркиби, унинг ҳаракат тезлигиги, ёргулиги, ифлосланиши ва бошқа омиллар қопламаларнинг турлар таркибига таъсир этади. Dengизлар, шўр, шўрроқ ва чучук сув биоқоплама организмлари кўп ҳолларда турли-тумандир. Озиқанинг микдори – биринчидан биоқоплама организмларнинг таркибига қараганда, уларнинг сероблигига кўпроқ таъсир этади.

Биоқоплама – биозарловчилар инсониятга катта зарап келтиради, улар кемаларнинг юриш тезлигини 50% гача камайтириши мумкин, сувдаги металлар коррозиясини – занглашини ва бетонларнинг емирилишини кучайтиради. Корхоналарда сув ўтказувчи оралиқ қувурлар ички ҳажмини кичрайтиради. Кемалар тўхтайдиган эстакада ва қозиқоёқ арқонларида биоқопламалар ўсиши улар диаметрини 10-20 см ошириши мумкин, натижада уларнинг ҳажмини кенгайтиришга ва ғоят катта микдордаги ортиқча металл ва бетон сарфлашга олиб келади.

Мина, буя ва бошқа сузувлари обьектларда биоқопламалар ўсиши туфайли уларнинг массаси шунчалик катталашадики, улар чуқур сувга чўкиб, ўз ҳаракатларини тўхтатади. Сувда узок муддатда кўйилган асбобларда ҳам биоқопламалар ўсиши туфайли уларнинг ишига таъсир кўрсатади.


Балиқчиларнинг тўрлари хафталааб ёки бир кунда биоқоплагичлар билан шундай оғирлашиши мумкинки, натижада тўрларни кўтариш оғирлашади ёки уларни бутунлай чўқтиради, балиқчилар тўрларни кўтаришда оғир ахволга тушадилар, айрим ҳолларда қисқичбақалар балянусларнинг ўткир қисмига тегиб, ҳатто қўлларини жароҳатлашлари ҳам мумкин.

Бизнинг худудда дengизлар йўқлиги (ҳозирги кунда Орол дengизида қатновчи кемалар мавжуд эмас) сабабли биоқопловчи организмлар хусусида маълумот йўқ.


Бироқ ушбуни айтиш ўринлики, бизда шўрроқ ва чучук сувларда Сирдарё ва Амударёнинг секин оқар Орол олди худудларида биоқопламачилар учрайди. Хусусан Орол олди худудларидаги дельталардаги қўллар, дарёларнинг сувларида ва Орол сувининг чуқур бўлмаган районларида икки паллали моллюскларнинг дрейссенидлар – *Dreisseniidae* оиласи кенжа турлари яшайди. Улар куйидагилар – *Dreissena polymorpha aralensis*, *D. p. obtusicarinata* (Старобогатов, 1974; Иззатуллаев, 1987) (56-расм). Бу икки паллали моллюсклар тўп-тўп бўлиб, биоқопламалар ҳосил

қиласи (57-расм). Айрим вақтларда бу тұдаларда чиганоқларнинг сони юз донадан ошиши мүмкін. В.И. Жадиннинг (1952) таъкидлашича, бундай катта тұдаларда моллюсклар орасыда тур ичидә ёрдам кузатилади.

Бу моллюскларнинг Орол олди ҳудудларида қурилған тұғонларда биоқопламалар ҳосил килиши кузатилади ва шу сабабли, улар тұғонларга сезиларли даражада зарап келтириши мүмкін. Чучук сув қопламачилариға дрейссенидлардан ташқары пайпаслагичлар типига мансуб мшанкалар (улар бизнинг ҳудудда палеозой эрасыда күп бўлған), содда ҳайвонлар, булултар, сув ўтлари, замбуруғлар ва бошқа турли-туман организмлар гурӯхи – олигохеталар, хирономидлар ва булоқчиларнинг личинкалари учрайди. Дрейссеналардан ҳосил бўлған биоқопламалар, айримда ўн ва $50-60 \text{ г}/\text{м}^2$ етиши аниқланган.



**56-расм. *Dreissena polymorpha aralensis* (Я.И.Старобогатов бўйича, 1974):
а ва б – ён томондан, в ва г – қорин томондан, д ва е – чўқиси томондан кўриниши**



**57-расм. Дрейссеналарнинг турли хил ёшдаги тұпламлар ҳосил қилиши
(В.И. Жадин бўйича, 1946)**

Асосий биоқопловчилар – ўтрок организмлар, иккиламчилари – ҳаракатланувчилардир. Турли шароитларда хилма-хил турлар ва уларнинг гурухлари устунлик қиласи. Қопловчилар ҳайвонот оламининг барча типларида ва қатор сув ўтлари типларидан ҳам учрайди. Макроқопловчиларининг антропоген субстратда турлари аниқланган. Ҳозирги кунда уларнинг 3000 дан ортиқ турлари

маълум, табиатда эса уларнинг жами сони 20000 дан ортиқ деб тахмин қилинади. Қопловчилардан кўпинча эврибионт, яъни турли туман шароитларда яшовчилари хавфли ҳисобланади. Чунки, улар жуда кенг тарқалган, одатда катта биомасса ҳосил қиласи ва биоқопловчилардан ҳимоя қилишда чидамлидир.

Асосий қопламачилар

Қопламачиликда кўплаб организмларнинг қуидаги гурухлари учрайди.

Бактериялар барча жойдаги қопламачиликда учрайди. Улар сувларга қўйилган биринчи предметларнинг тоза қисмида пайдо бўлади. Асосан бактериал плёнка тубан сув ўтлари билан биргаликда дастлабки биоқоплама ҳосил қилишда катта роль ўйнайди. Чунки, айрим макроқопламалар личинкаларнинг жойлашиши учун кичик қопламаларга бирламчи плёнканинг бўлиши лозим, бошқалари учун бунинг аҳамияти йўқ. Бактериялар ва сув ўтларидан ташкил топган шилимшиқ бирламчи плёнка ўзида заҳар йигади.

Микроорганизмлар лак-бўёқлар қопламанинг мойли асосини озиқа сифатида фойдаланиши, метаболитлари ёрдамида бу бўёқли қопламаларни емириши, токсинлар ишлаб чиқариш орқали деворга яқин сув қатлами фаоллигини ўзгартириши, предмет билан макроқопламалар орасида токсин қавати ҳосил қилиши мумкин.

Замбуруғлар (Mycota) нафақат қуруқлик, балки чучук сув, денгиз ва океанлар муҳитида яшовчилари ҳам қопламачиликда иштирок этади. Улар орасида шундайлари ҳам борки, қопламачиликнинг ривожланишида тўскинлик ҳам қиласи, бу гурухга - мўйловли қисқичбақалар, мидиялар, устрицалар, булутлар ва бошқа организмларнинг комменсаллари ва паразитлари киради. Копламачилар орасида сув ўтлари ва ўсимликларнинг паразитлари (застера) учрайди. Айрим замбуруғ турлари дараҳтларни емиради ва айримлари дараҳт пармаловчилари учун озиқа ҳисобланади. Замбуруғлар металл конструкцияларда ўсиб, уларни занглашга олиб келган ҳоллар ҳам кузатилган. Замбуруғлар ҳатто лак-бўёқли, қоплама мойлайдиган ёғларни ҳам бузган. Улар нефтни ва нефть маҳсулотларини парчалаб, бактериялар учун озуқа субстрат тайёрлаб беради. Шу йўл билан сувнинг ифлосланишини камайтиради.

Шундай қилиб, замбуруғлар сув биоценозларида биоқопловчилар сифатида асосий ўринни эгалламасада, чучук ва денгиз суви биоценозларида кўпқиррали аҳамият касб этади.


Сув ўтлари – етарли ёруғлик мавжудлигига чучук ва денгиз суви биоқопламаларида доим учрайди. Чунки турли сув ўтларнинг мавжудлиги ва улар турли гурухининг мўл-кўллиги ёруғлик микдорига боғлик бўлади. Масалан, диатом, яшил ва кўк сув ўтлари унча чуқур бўлмаган жойларда устунлик қиласа, қизил ва хусусан қўнғир сув ўтлари эса анча чуқурроқ, ўнлаб метр чуқурликларда ўсади. Сув ўтларининг чуқурликларга етиб бориши қуёш нурларининг ёритиш имкониятларига боғлик, аммо бунга сувнинг ифлосланиши тўскинилик қиласи. Умуман сув ўтлари аниқ чегаралараро пояслар билан қаттиқ жисмларда тарқалади. Уларнинг кўпчилиги қоплама ҳайвонларнинг тарқалишига халақит беради.

Булутлар (Spongia) тоза сувларнинг антропоген субстратларда энг муҳим қопламаларидан ҳисобланиб, кўплаб қозиқоёқларда ва сув ўтказгичларда учрайди. Аммо денгиз океан антропоген субстратларида қопламалар сифатида кам ҳолларда асосий роль ўйнаши мумкин.

Ковакичлилар (*Hydroidea*) кўпинча биоқопламаларда учраса-да, уларнинг биомассаси кам ҳолларда йирик бўлиши мумкин. Гидроидлар субстратга ўрнашгандан сўнг бир неча кун ёки ҳафтадан кейин тез ўсиб, биомассаси бошқа биоқопламалар биомассасидан юқори бўлади. Улар асосан денгиз совуқ ва ўрта ҳароратли сувларида тарқалган ва кўпинча кема ва сув ўтказувчи мосламалар тубида ўсади.

Полихетлар (*Polychaeta*) денгиз қопламалари сифатида, айниқса ўтроқлари (*Sedentaria*) муҳим аҳамият касб этади. Дайди полихетлар (*Errantia*) бошқа ҳаракатдан олигохотчувалчанглар, турбеляриялар, нематодалар сингари ўрнашган қопламаларда учраса-да, уларга нисбатан сезиларли роль ўйнамайди. Чучук сувларда олигохетлар, нематодалар маҳкамланган қопламалар орасида яшайди. Улар сув электр турбиналар винтларида учрайди. Ушбу жониворлар козикоёқларда, сув ўтказгичларда ва бошқа гидротехник қурилмаларда ҳам жойлашишади.

Мшанкалар (*Bryozoa*) денгиз сувлари каби чучук сувларнинг қопламаларида ҳам учраб туради (58-расм). Чучук сувларда улардан *Plumatella*, *Fridicellaria*, *Victorella* каби уруғларнинг турлари, юмшоқ ёстиқчалар ёки бутачалар ҳосил қиласди. Денгизларда асосан оҳак мшанкалар (*Membraniporidae* ва б.) учраб, бошқа қопламалар устида ўсади. Мшанкалар кам ҳолларда йирик биомасса ҳосил қилас-да, денгиз қопламалари орасида тез-тез учрайдиган гуруҳлардан ҳисобланади. Антропоген қопламаларда уларнинг 300 тури маълум. Мшанкалар кўпинча кемаларда ва сув ўтказгичлар ичида учрайди. Тез сув оқими уларга ижобий таъсир кўрсатади. Битта личинкадан катта тўда ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса мшанкалар очиқ океандаги сузиш нефть юмалоқларида ва айрим кемаларда тез-тез учрашини таъминлайди ва улар гидроэлектростанциялар трубаларини қоплаб олади.



58-расм. Мшанка (В.Д.Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Моллюсклар (*Mollusca*) доимо денгиз ва чучук сув қопламаларида учрайди, биринчидан бу икки паллали (*Bivalvia*) моллюсклар синфи турларидир. Бошқа гуруҳлар, масалан қориноёқлилар (*Gastropoda*) синфи турлари ҳам айрим вақтда қопламалар орасида учрайди.

Икки паллали моллюсклардан копламалар ҳосил килишда барча моллюсклар қатнаша олмайди, фақат жисмларга ёпиша оладиганларигина қатнаша олади.

Марказий Осиёда ва хусусан Ўзбекистоннинг шимолида бундай икки паллали моллюскларга дрейссеналар (*Dreissenidae* оиласи) турлари мисол бўла олади.


Икки паллали моллюсклар билан қопламалар ҳосил бўлиши тез ривожланувчи (сув ўтлари, гидроидлар, мшанкалар ва б.) организмлардан сўнг бошланади, яъни моллюсклар уларнинг устига ёпишади. Моллюсклар кўп йиллик қопламалар орасида мавжуд бўлади. У вактда қалинлиги 10 см гача ва ундан ортиқ қопламалар ҳосил бўлади, улар $80\text{-}90 \text{ kg/m}^2$ га қадар биомасса бериши мумкин.

Биссус иплари билан ёпишувчи моллюсклар, сувнинг жуда тез оқимли жойларини эгаллай олмайди, шу сабабли улар турбиналарнинг орқароқ қисмида жойлашади.

Икки паллали чучук сув моллюсклари (масалан, *Dreissena*) ривожланишида оддий сувда қалқиб юрувчи личинка палласида велигер поғонасини ўтайди.

Личинкалар айрим вақт сувда қалқиб юради, сўнгра яссироқ субстратга – хайвон ёки ўсимлик организмлари ўрнашган туб нарсага ёпишади. Икки паллали моллюсклар жуда секин ўсади. Шу сабабли қопламаларнинг охирги палласида кўп бўлади. Чунки икки паллали моллюскларнинг личинкалари жуда ҳаётчан ва шунинг учун ҳам бир хил колониялар ҳосил қиласди.

Ўрта Осиё ва хусусан Ўзбекистон ҳудуди сувларида, денгиз сатҳидан 60 метрдан баланд Сирдарёнинг Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон майдонларидан оқиб ўтадиган жойларида қурилган гидроэлектростанцияларнинг: Фарҳод, Чорвоқ, Тожикистондаги-Қайроқкум (Ўзбекистонда юкоридагилардан ташқари Андижон, Ангрен, Кўргон, Иртиш, Янги Ангрен, Чирчик-Бўзсув каскади (59- ва 60-расмлар) сув омборлари мавжуд). (Musaev, Musaev, 2006) электротурбиналарда икки паллали моллюскларнинг корбикулидлар (*Corbiculidae*) оиласи турларидан *Corbiculina ferghanensis* ва *C. tibetensis* учрайди. Биринчи тур сон жиҳатидан анча кўпроқдир. Бу икки тур тухум кўйиб кўпаяди (Иzzatullaev, 1980, 1987).




59-расм. Ўзбекистондаги электростанциялар (P.Musaev, J.Musayevdan, 2006)

Сирдарёning Орол денгизига қўйилиш жойида ва Орол денгизида *Dreissenidae* оиласининг *Dreissena polymorpha aralensis*, *D.p. obtusicarinata* турлари учрайди. Бу ерда ҳам биринчи кенжадан иккинчисидан кўпдир.




60-расм. Чирчиқ – Бўзсув гидроэнергетика каскади
(Р.Musayev, J.Musayevdan, 2006)

Амударёning қўйи окимида Туямўйин ГЭС турбиналарида эса корбикулилардан *Corbicula cor*, *C. purpurea* (61- ва 62-расмлар) учрайди, охирги тур сони жиҳатидан бироз ортиқдир. Бу моллюсклар тирик туғувчилар, яъни тухум ичида болали бўлиб, сўнгра уни сувга ташлайди (Иzzatullaev, 2003). Мабодо дрейссеналар турбиналарга биссус иплари билан ёпишиб қопламалар ҳосил қилсалар, корбикулилар турбиналар ичдаги лойларда сақланади ва уларнинг ишига ҳалақит беради.



61-расм. Юрак саватчаси -
Corbicula cor: устки кўриниши
(З.И.Иzzatullaevdan, 2003, 2006).



62-расм. Дарё саватчаси - *Corbicula fluminalis*: устки кўриниши
(З.И.Иzzatullaevdan, 2003, 2006).

Қисқичбақасимонлар (*Crustacea*) деярли ҳамиша денгиз қопламаларида учрайди. Чучук сувлардаги ҳаракатчан қисқичбақалар – *Amphipoda*, *Ostracoda* ва бошқалар кам бўлса-да турбиналардаги қопламалар орасида учраб туради.

Ҳашаротлар (*Insecta*) асосан чучук сув ва чегараланган ҳолда шўрроқ сувлар қопламаларида учрайдилар. Буларга хирономидлар, эфемерид, симулид, булоқчилар личинкалари мансубдир. Ушбу ҳашаротларнинг сони жуда кўп бўлиши мумкин, аммо қопламаларнинг асосий қисмини сув ўтлари ташкил этади. Бироқ сувларга чўккан дараҳтлар пўстлоғи остида хирономидларнинг биомассаси умумий эпифауна (ўсимликлар танасида яшовчилар) биомассасининг 99 % гача етиши мумкин (Ильичев и др., 1987).

Игнатанлилар (*Echinodermata*) фақат океан ва денгизларнинг стационар курилмаларида учраб қалин қопламалар ҳосил қиласди. Бу асосан денгиз юлдузлари (*Asteridae*) бўлиб, бу синфнинг бошқа вакиллари сийрак учрайди. Игнатанлилар бошқа қопламаларнинг миқдорини камайтириб, бу жиҳатдан ҳатто фойдали ҳисобланади. Жумладан денгиз юлдузлари икки паллали моллюсклар, денгиз типратикани эса сув ўтлари билан озиқланадилар.

Қобиқлилар (*Tunicata*) кўпинча яримшўр сувларда учраб, стационар объектларда қоплама ҳосил қилиб, камдан-кам ҳолларда денгиз ва океан кемаларида қопламалар ҳосил қиласди.

Жамоалар ичида организмларнинг муносабати. Қопламачилар механизми

Биз юқорида кўриб ўтган қопламачиларнинг таркиби муҳит шароитига қараб ўзгариб турса-да, унинг ривожланиши аниқ қонунларга бўйсинади. Дастреб бактериялар ва тубан сув ўтларидан тузилган бирламчи парда ҳосил бўлади.

Бирламчи парда ривожланиши 2 босқичда рўй беради: олдин **бактериялар** жойлашади, у вақтда диатом сув ўтларининг сони кам бўлади, сўнгра ушбу сув ўтларидан парда юзага келади.

Ю.А.Горбенконинг (1977) маълумотларига асосан бактерияларнинг сони тирик ва ўлик диатомли планктонлар, чиринди қолдиқлари ва уларнинг метаболитлар билан озиқланишига боғлиқ, шунинг билан бир қаторда сувни ўраб турган органик моддаларнинг эриган миқдорига ҳам боғлиқдир.

Тажрибалар шуни кўрсатганки кўпчилик қопламачилар (балянуслар, спирорбислар ва б.) парда билан қопланган сатҳга чўкишни афзал кўради. Фақат айримлари кўпинча пардасиз сатҳга чўкиб ўрнашади. Айрим ҳолларда органик пардалар шиша ва пластинка устида ўрнашишга бир хилда таъсир кўрсатмайди.

Пленка орқали заҳар қоплама ўсишини ҳимоялаш масаласига келсак, юпқа шилимшиқ парда заҳарни ўзига тўплаб, макроқопламаларнинг ўрнашишига тўсқинлик қиласди, бу ҳолда қалин парда заҳарлар сингиб киришига тўсқинлик қиласди ва уларнинг ўсишига қаршилик кўрсатади.

Умуман қопламалар жамоалари орасида организмларнинг муносабати жуда мураккаб. Ҳатто ўнга яқин қоплама ҳосил қилувчи турлар орасида 40 дан ортиқ топик ва трофиқ алоқалар кузатилади. Масалан, гидроидлар учун тўғридан-тўғри диатом планктонларининг ўлик қолдиқлари ва сувнинг нордонлиги pH, карбонатларнинг O₂ таркиби, ҳароратга ва сувдаги CO₂ ва унинг акси, органик моддаларнинг эриганлиги ва сувдаги CO₂ бевосита боғлиқ (Горбенко и др., 1977). Яна шундай ҳолатлар маълумки, қаттиқ грунтда ўрин учун курашда колониал турлар якка турларни сиқиб чиқаради, чунки уларнинг кўпайиши субстратда эгаллаган майдонни кенгайтиради ва бундан ташқари, улар эпифионтга нисбатан кам чидамлидир.

Турлар орасидаги конкуренциядан ташқари йиртқичлик катта аҳамиятга эга. Қопламаларнинг кўп ҳаракатланувчи организмлари ўтроқлари билан озиқланади ва шу билан жамоанинг ривожланишига ўзгаришлар киритади.

Чучук сувлар – кўлларда дарёларнинг қайрлари бўйларида ҳам қопламалар билан озиқланувчи тўда-тўда балиқларни учратиш мумкин. Улар кўпинча ҳаракатланувчи турларни – қисқичбақалар, полихетлар, гаммаридлар билан, бошқалари айrim ўтроқ турлар билан ҳам озиқланади. Шундай килиб, улар нафақат қопламаларнинг кўплаб сонини камайтиради, балки сукцессия жараёнини ҳам ўзгартиради.

Қоплама тўдасининг қариш жараёни билан турлар сони камаяди.

П.Дигертнинг (P.Dygert, 1981) таъкидлашича ривожланиш стадия индекси ва жамоанинг етилишига нафас олишнинг биомассага (R/B) муносабати мисол бўла олади. Аммо сукцессия жараёнида индекснинг ўзгариш тезлиги пасаяди ва 8 ойдан сўнг қопламанинг ривожланиш жараёнини кўрсатмайди.

Қопламаларнинг биринчи ривожланиш фазалари абитаик, кейинги фазалари эса биотик омиллар билан бошқарилади. Бу ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Одатда климакс камдан-кам ҳоллардагина узоқ давом этади. Кўпинча тўлқинлар, инсон таъсири, йиртқичлар ва бошқа омиллар қопламаларни бутунлай ёки қисман емиради ва қайта тикланиш дастлабки ёки оралиқ фазалардан бошланади.

Қопламаларда доминантлик учун курашнинг афзалликлари ва турли-туман хусусиятлари тўғрисида Дж. Сатерленд (1976), К.Ангер (1978), Дж.Осман (1977) ва бошқалар турли организмлар мисолида далиллар келтирганлар.

Қопламалар ривожланишида тирик субстратнинг роли ҳам аҳамият касб этади. Масалан, сув ўтларини айrim мшанкалар, полихетлар, моллюсклардан планорбидлар (*Planorbidae-Armiger*, *Anisis* авлодлари турлари), лимнейидлар (*Lymnaeidae- Lymnaea bactriana L. subdisjuncta*) эгаллайди, аммо бошқа турлар - *L. auricularia*, *Planorbis tanitarensis* кабилар бўлмайди (Иzzатуллаев, 1987). Бу эса сув ўтлари томонидан экторинларнинг ажратиб чиқариши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас, чунки бу моддалар сув ўтларига маҳсус мослашган айrim турларигагина хос, бошқаларига қаршилик кўрсатади.

Кўплаб қопламачилар учун ускунани, масалан, гидростанция насосларини ишлатиш амалий аҳамиятга эга. Агар гидростанция насослари қанча кўп ишлаган бўлса, яъни улар қурилганидан 40-50 йил ўтган бўлса, улар қопламалар билан кўп қопланади ва унинг акси, насослар қанча янги бўлса қопламалар шунча кам бўлади.

Ўтроқ организмлар кўплаб қопламалар ҳосил қилиши уларнинг тўдалар ҳосил қилишига боғлиқ. Бу организмлар, масалан, *Dreissena* лар (Ўзбекистон мисолида) олдин қопламага ёпишган катта чифоноклари устига майдалари ёпишади (58 расм). Бу жуда катта аҳамиятга эга, чунки улар орасида жуфтлашиш имконияти туғилади. Бунинг механизми шундаки, биринчи ёпишиш чифоноклар организмидан личинкалар учун “тўдани йиғиши маддаси” ажралиб чиқилса ажаб эмас.

В. Д. Ильичев ва бошқаларнинг (1987) фикрича қисқичбақалар тўқималарининг кутикула протеинлари артроподин ажратиб чиқаради. Личинкалар улар ёрдамида мўйлабоёқ қисқичбақаларнинг катта ўшдагиларини топиб олиб тўдага қўшилади. Тўда-тўда бўлиб йиғилиш сув организмларига кенг майдонларни эгаллашга ёрдам беради, бу эса гидротехник қурилмаларда қопламалар ҳосил қилишини тезлаштиради.

Қопламаларнинг экологияси ва тақсимланиши

Биоценозлардаги қопламалар турларининг устунлиги асосан қуйидаги сабабларга боғлик: 1) экологик шароитлар; 2) субстратнинг сувда туриш муддати; 3) субстрат хусусиятлари; 4) эксплуатацион омил.

Экологик шароитлар қоплама ҳосил құлмайдыган жониворларга қараганда асосий қопловчилар учун кам ахамиятлиdir, чунки күп қопламачилар эврибионтлардир. Улар ҳар қандай ҳарорат, шүрланиш, ифлосланишларга барқарорроқ, шүрликка ва ифлосланишга бардош беради, денгиз ва океанларнинг турли шароитларида учрайди. Қопламаларнig асосий эврибиотлигига, масалан балянуслар айрим турларининг бутун дунё океани буйича кенг тарқалишга имкон беради ва қопламаларга қарши турли услуллар билан (сувни иситиш, захарли ранглар каби) курашилганда қаршилик күрсатади. Улар микроорганизмлардан бошқа, бундай моддаларга барқарордир. Шу сабабли мүйлабли қисқичбакаларга қарши кураш бошқа күплаб организмларга қарши курашга нисбатан мураккаброқдир.

Қопламаларнинг сукцессиялари субстратнинг қанча муддат давомида сувда бўлишга боғлик. Биоценозларнинг ривожланиш тезлиги ва йўналиши, маҳсус қопламалар личинкаларининг доминантлиги, уларнинг турли стадияларида абитаик омилларнинг таъсирига боғлик.

Аммо сукцессия қўпол схемасининг кўриниши қуйидагича: I-фаза бирламчи плёнка (бактериялар + диатом сув ўтлари + содда ҳайвонлар) давомийлиги бир неча кундан 2-3 ҳафтагача; II-фаза тез ўсуви, кўпинча колониал қопламалар (мўйлабли гидроидлар, мшанкалар, полихетлар ва б.); III-фаза аста-секин ўсуви умуртқасизлар (мидиялар, устрицалар ва б.) (Ильичев и др, 1987). Ўзбекистон шароитида бу гурухга дрейссеналар ва корбикулидларни киритиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий Осиё ҳудудини қопловчилар тақсимланиши бўйича шартли икки районга ажратиш мумкин. Улар нафақат фаунаси ва флораси, балки биомассаси билан ҳам фарқ қиласи. Бундай тақсимланиш текисликлардаги чучук сув ҳавзаларида куриладиган гидроэлектростанцияларда уларга қарши оз бўлса ҳам кураш чораларини кўришга ва бундай чораларни фасллар бўйича қўллашга имкон яратади.

1. Сирдарёнинг ўрта оқим қисми. Бу ердаги гидроэлектростанцияларда фақат корбикулидлар оиласи турлари яшайди ва улар турбиналар ичидаги лойқа босган жойларда учрайди.

2. Сирдарё ва Амударё дельтаси. Бу ерда корбикулидлар ва дрейссениидлар турлари тарқалган. Охиргилари турбиналарга ўзларининг биссус иплари билан ёпишиб тўдалар ҳосил қиласи. Бу мавзу келгусида чукурроқ ўрганишни талаб этади.

Денгиз пармаловчилари – ёғоч қуртлари

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида пармаловчилар ва ёғоч қуртлари учрамайди, бироқ Марказий Осиё ғарбида жойлашган Каспий денгизининг Красноводск (ҳозирги Туркманбоши) вилоятида, яъни Туркманистонга қарашли сувларда ушбу организмлар кириб келиши эҳтимолини инобатга олиб, қуйида улар хусусида қисқача маълумотлар келтирамиз.

Ёғоч қуртлари юкори кенгликлардан ташқари, деярли барча денгиз ва океанларда учрайди. Уларнинг бир оз турлари, масалан, *Nausitora* Австралиянинг

чучук сувларида яшайды. Иссиқ денгизларда улар ҳақиқий оғатдир, АҚШда улар ҳар йили 200 000 000 доллардан ортиқ заарал көлтирадилар.

Умуман ёғоч қуртлари зарари хусусида жуда қадим замонлардан бери маълумотлар мавжуд. Масалан, Марко Поло даврида араблар ёғоч қуртидан қутилиш учун кемаларнинг остини устма-уст бир неча қатор тахталар билан қоплашган. 1200 йилда крестоносцелар флотининг кемалар тўдаси «кема қурти» – тередо билан қаттиқ шикастланганлиги маълум. Кейинги даврларда ёғоч пармаловчиларнинг, жумладан рус денгизларидаги ҳам зарари тўғрисида юзлаб эслатмалар учрайди. Қадимги тередони “денгиз сувчиларининг ваҳимаси” деб юритилган. Шундай бўлсада улар баъзан ижобий роль ўйнаган. Масалан, француздар ва инглизлар 1854-1855 йилларда Севастополни қамал қилгандаги, уларнинг кемалари ёғоч қуртидан қаттиқ заараланган.

Адабиётларда келтирилишича (Ильичев и др., 1987) Россияда номаълум муаллиф бундан қаридир 270 йил олдин ёғоч қуртлари хусусида маълумот берган. Бу иш «Денгизчувалчанглари хусусида» деб аталган ва унда тередонинг расми ва таърифи, зарари ва унга қарши кураш чоралари келтирилган. Кейинчалик у хусусида 1752 йилда М. В. Ломоносов “Денгизчувалчанглари лойиҳаси тўғрисида ахборот” нашр қилган ва бу соҳада С. Паллас (1775, 1801) ва бошқа олимлар иш олиб борган.


Бу борада режали ишлар ўтган асрнинг 30 йилларида А. Зенкевич (1934) раҳбарлигига олиб борилди.

Г. А. Булатов (1932, 1941), П. К. Божич (1939), П. И. Рябчиков (1957) ва унинг ҳамкаслари Р. К. Пастернак (1957, 1960) лар ёғоч қуртлари хусусида кўп ишларни бажарган.

Денгиз пармаловчиларига биринчи ўринда денгизларнинг турли районларида яшовчи икки паллали моллюскларнинг *Teredinidae* ва *Pholadidae* оиласаларининг турлари мансубдир (63-расм, А, Б). Улар асосан тропик вилоятларда кўпроқ учрайди.


Teredinidae оиласи энг хавфли ёғоч қуртидан иборат бўлиб, уларга *Teredininae* ва *Bankiinae* кенжаси оиласаларининг 15 авлод турлари киради.

Биз қуйида тередонинг бир тури хусусида ҳар томонлама маълумот келтирамиз.



63-расм. Ёғоч қуртлари: А – тередо моллюскаси, Б – тередонинг ёғочда пайдо қилган йўллари, В – хелюра қисқичбақаси, Г-Д – лимнория қисқичбақаси (В.Д.Ильичев ва бошқ., 1987).

Тередо бир турининг шакличувалчангсизмон формада, кичик чиганоққа эга ва у қуртнинг олдинги қисмида жойлашган. Икки палласи боғлагичлар билан боғланган. Олдиндаги паллалари орасида оёғи жойлашган, у таянч ва сузишга хизмат қиласи. Бундан ташқари у пармалашда ҳам иштирок этади ва моллюскни аниқ ҳолатда маҳкамлайди. Чиганоқ тишчалар билан қопланган. Олдинги тишчалари каттароқ, пона шаклли, ёнига ва орқага қаратилган. Орқага тортиловчи мушакларининг қисқариши натижасида чифоноқнинг олдинги четлари очилади ва дараҳтни емиради. Бир минутда 8-12 марта харакатланади. Олдинги тишлари йўл арралайди, орқасидагилар уни кенгайтиради. Қириндилар қизилўнгачга тушади. Олдинги ошқозон кўп сонли бўртмалар билан қопланган бўлиб, бу безлар цеплюлатик ферментларни сақлайди (цеплюлаза ва цепллобиаза), улар ёғочни ҳазм қиласи. Танасида кирувчи ва чиқувчи сифонлари ҳамда оҳакли тузилмалар мавжуд, улар ёғочга кириш жойини ёпади. Тередолардаprotoандрик гермофродитизм мавжуд, яъни олдин улар эркакдай, сўнг урғочидек функцияни бажаради. Уруғланиш ташқи ёки ички муҳитда амалга ошади. Тухумдан трохофора, ундан сўнг бошқа икки паллали моллюсклар сингари велигер личинкаси ривожланади. Айрим турлар жуда кўп вақт давомида ёшларини кўтариб юради. Личинкалар 2-3 хафта сувда сузуб ва аста-секин кичик чиганоққа – великонхга айланади ва ёғоч ичига ўрнашиб олади. Личинкалар кимёвий рецепторларга эга бўлса керак, шунинг учун ҳам ёғоч экстрактлари личинкалар ўрнашиб олиши учун уларни ўзига жалб қиласи. *Teredo navalis* нинг бир зоти личинкаларининг сони 0,5-1,5 млн га этади, улар иссиқ денгизларда бир йилда 3-4 марта кўпаяди. Шундай қилиб бир зотдан бир йилда 6 млн. личинка чиқади, улар қирғоқларда тарқалади, ҳатто океанлардан ҳам ошиб кетади. Дараҳтларга ўтиб, личинка ғилоф билан қопланади, унинг химоясида дараҳтга буралиб кираверади. Кириш туйниги 0,3 мм. Моллюскларнинг ўсиши сувнинг тури ва ҳароратига боғлиқ, аммо ҳар доим юқори. Масалан, Қора денгизда *T. navalis* 4 ойдан сўнг 12-14 см узунликка етса, бир йилдан кейин 35 см гача ўсади (64-расм).



64-расм. А-*Teredo navalis* дараҳт бўлаги ичида. Б-Тередо танасининг олдинги қисми. В-Тередо чигнаноги ичида. Г- *Teredo navalis* нинг паллеталари, 1-чиганоги, 2-офиз тешиги, 3-оёги, 4-пеллагиали, 5-сифонлари (В.А.Яшнов бўйича, 1952)

Хуллас, ёғочқурт-пармаловчилар турли-туман бўлиб, кўплаб денгиз ва океанларнинг чуқур бўлмаган жойларидан тортиб, то батиал 5000-6000 м ва аббисал 7000 м чуқурликларгача яшashi аниқланган. Ксилофаглар, ёғочлардан асосан субстрат мақсадда фойдаланиб, озиқланиш учун фойдаланмайди. Бу моллюсклар бамбук ва кокос ёнғоқларида ҳам учрайди. Улар ҳатто сувости кабелларида қайд қилинган, кабелларни ҳам заарлаши мумкин. Бу икки паллали моллюсклар *Pholadidae* оиласига мансубдир. Яна шуниси муҳимки, ушбу моллюскларнинг турлари фақат ёғоч пармаловчи бўлибина қолмай, балки тошларни ҳам тешади.

Бу хусусда келгуси бўлимда тўхталиб ўтамиз.

Денгизларда ёғоч пармаловчиларига яна айрим қисқичбақа-симонлилар *Isopoda* туркумидан -*Limnoriidae*, *Shaeromiidae*, *Corallanidae*; *Amphipoda* туркумидан эса – *Cheluridae* оилалар турлари киради (63-расм, В,Г,Д). Ҳозирги даврда *Limnoria* авлодининг 20 дан ортиқ турлари ва кенжা турлари ва *Paralimnoria* авлоднинг тури бутун дунё денгиз ва океан сувларида кенг тарқалган. Улар ёғоч сатҳига кўплаб паралел кичик йўллар ҳосил қиласидилар. Моллюскага қарагандан улар ёғочларни астасекин емирадилар, айрим вақтда емириш сезиларли даражада бўлади, қозикоёқнинг диаметри 1 йилда 1,5 см га қисқариши мумкин. МДҲ ҳудудларида ёғоч қуртларидан зарар кўпроқ Қора ва Япон денгизларида кузатилади. Қуйида биз Қора денгизи пармаловчилари хусусида мисоллар келтирамиз.

Қора денгизида *Teredo* нинг уч тури - *T. navalis* (айниқса кўп сонли тур), *T. utriculus* ва *Lirodus pedicellata* хаёт кечиради. Бу ерда қисқичбақасимонлардан *Limnoria tripunctata* ва *Chelura terebrans* турлари ҳам учрайди, аммо тередо бўлган жойда лимнория ва хелюра биргаликда, тередо алоҳида жойда яшагандан нисбатан ёғоч камроқ емирилади, чунки қисқичбақаларнинг йўллари терединидлар жойлашишга йўл қўймайди.

Ёғоч қуртлари асосан Қора денгизнинг Кавказ кирғоқларида жуда күп. Бу ерда улар ёзги уч ойда кемаларнинг ёғоч қопламаларини, 1-2 йилда қозықоёқларни илма-тешик қилиб таштайди. Чунки ушбу худудда тередонинг сони ёзги даврда 1 см² да 70 донадан ортиқ бўлади. Аммо Крим қирғоғида 1 см² да уларнинг сони ёзда 15 донага етмайди, бу сувнинг шўрлик даражаси ва ҳароратнинг пастлиги билан боғлиқдир.

Терединидлар яшаш шароити учун Қора денгиз бошқа кўпчилик денгизларга қараганда анча қулайдир.

Азов денгизи ёғоч пармаловчилардан ҳоли эди. Бу денгизда сувининг шўрланиш даражаси пастлиги сабабли (кўп йиллик ўртача маълумотларга кўра 10,5%) пармаловчи кузатилмаган. Дон оқимининг тартибга солиниши билан гидрогеологик шароитлар ўзгарди. Денгиз сувининг шўрланиш даражаси 14% кўтарилди. Натижада 1958-1959 йй. П.И.Рябчиков ва унинг ходимлари Азов денгизи жанубий қирғоқларида *T. navalis* тури билан ўтказган тадқиқотларда, тередо шўрлиги 12% бўлган сувда яшаши мумкинлигини аниқлашди. Бу денгизда терединидларнинг 2 тури қайд қилинди. Кейинчалик *T. navalis* тури денгиз шимолий қирғоқларига ҳам кенг тарқалиб, причал, вишка ва бошқа гидротехник иншоотларни ҳалокатли равишда емирилишига олиб келди.

Кейинчалик (Солдатова и др., 1967) Азов денгизида тередо сони Қора денгизга нисбатан анча юқори эканлигини, бунга сабаб Азов денгизида моллюска озиқаси ҳисобланган планктонлар миқдори бир мунча юқорилигини кўрсатди.

Баренц денгизи кенг тарқалган *Limnoria lignorum* ва *L. borealis* қисқибакаҷаларидан истисно, бошқа ёғоч пармаловчилардан ҳоли деб ҳисобланарди. Аммо 1963 й. Дальнезеленицкий кўрфазида солни *Psiloteredo megotara* денгиз чувалчангি илма-тешик қилиб еганлиги қайд қилинган. Бу ҳол 1961-1962 йиллар давомида охирги 10 йилга нисбатан денгиз суви ҳароратининг 0,8-1,8°C кўтарилиши билан боғлиқдир.

Япон денгизи Шимолий бурунида *Bankia setacea*, буруннинг жанубий бурилишида эса *Teredo navalis* ёғочни қаттиқ заарлайди. Буерда *Bankia* нинг йирик формалари учраб, уларнинг узунлиги 70-80 см га етади.

Япон денгизи сув ўти илдизида ҳаёт кечиравчи моллюскнинг *Teredinidae* оиласига мансуб *Zachisia* авлоди қайд қилинган. Япон ва Охота денгизлари чуқурлигига моллюскнинг *Xylophaga dorsalis* тури ёғочни пармалайди, аммо денгиз остида ётқизилган кабелларни шикастлай олмайди.

В. Д. Ильичев ва бошқаларнинг (1987) маълумотларига кўра Каспий денгизи ҳозирги кунда ёғоч қуртларидан ҳоли, аммо бу ерда Р. К. Пастернакнинг (1971) маълумотига асосан сувнинг шўрлик даражаси ва ҳарорати уларнинг яшаши учун мавжуд. Волга-Дон каналининг очилиш муносабати билан бу ерда терединидларнинг пайдо бўлиши аниқ бўлиб қолди. Унинг тадқиқотларига асосан тередо чучук сувда ҳам яшаши мумкин. Шу сабабли Волго-Дон канали очилиши терединидларнинг реал тарқалиши хавфини туғдиради. Бу борада биологлар томонидан тахтадан ясалган кемалар учун бу денгизда карантин жорий қилиш таклиф этилган эди. Ҳозирда кемаларни Каспий денгизига ўтказиш учун улар 1 ой давомида чучук сувда сакланадилар. Карантин ўзини оклаган ва тередо Каспийга ўтгани йўқ.

Тош қурилмалари ва бетон тош тешувчилари билан заарланиши

Тош тешувчиларга айрим бактериялар, сув ўтлари, булутлар, мўйлабоёқли қисқичбақалар, полихетлар, мшанкалар, моллюсклар, денгиз кирпилари киради (65-расм). Пармаловчилар полеозой эрасидан маълум. Ўзбекистон ҳудудида ушбу эрадан қолган Ҳисор тизма тоғининг денгиз сатҳидан 2600 м баландликлардаги тошларда ҳам уларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган тешикларни кузатиш мумкин. Чунки ўша даврда Марказий Осиё ерлари Тетис денгизининг ости бўлган ва ушбу даврда пармаловчилар яшаганлигидан дарак беради.

Пармаловчиларнинг айримлари юмшоқ жинсларни тешса, бошқалари қаттиқ тошларни ҳам пармалаши мумкин. Айрим моллюскларнинг чиганоқларини мўйлабоёқли қисқичбақалар бузади, бошқалари бетонни ва пластик материалларни (винил, полистирен, поликарбонат ва б.) тешади. Масалан, Панама каналида бетон массивлари тош тешувчилари зарапидан вайронага айлантирилган.

Италияда Неаполдаги Серапис ибодатхона устунлари тоштешувчилар билан илма-тешик қилинган. Қачонлардир бу ерда ер чўкиши юз бериб, ибодатхона сув остида қолган, янгидан ер кўтарилиб ибодатхонани яна қуруқликка кўтарди, аммо барча устунлар тоштешувчилар билан заарлангаан эди.


Икки паллали моллюсклардан *Pholas*, *Martesia*, *Xylophaga* лар сув ости кабелларнинг ўрамларига ёпишиб, уларни емиради (65-расм, А). Унинг натижасида электр токи ташқари оқими юзага келади. Бу айниқса чукур сув ости кабеллари учун хавфли, чунки, уларни таъмирлаш жуда қийин. Тирик маржонларни, моллюскларни, мўйлабоёқли қисқичбақаларни емириши туфайли, уларнинг фаунасини камайтиради. Устрица моллюскларни тоштешувчилар пармалаб, катта зарап келтиради. Бу зааркуннадаларга қарши қурашда устрицаларни чучук сувга ботирилади. Қирғоқлар бузилишида асосий ўринни моллюсклар ва айрим ҳолларда мўйлабоёқ қисқичбақалар, сув ўтлари, булутлар ва бошқа организмлар эгаллайди. Қирғоқларнинг биоэрозияси бир йилда 2-12 мм гача бўлган қалинликлардаги қирғоқларни яроқсиз ҳолга келтиради. Буларга Севастопол қирғоқларидағи зангори кўрфазда сув ўтлари, Геленджик атрофидаги пармаловчи моллюсклар, асосан *Petricola* ларнинг ўрнашиб олганлиги билан боғлиқидир (65-расм, Б).

Механик пармаловчи жониворлар ҳар қандай субстратда, кимёвий пармаловчилар эса фақат оҳактошда учрайди.

Пармаловчилар уч хил бўлади: механик, кимёвий ва химико-механик. Масалан, *Botula* авлоди моллюсклари соғ механик пармаловчилар ҳисобланади. Улар юмшоқ, оҳаксиз жинсларда яшайди.

Кимёвий пармалаш хусусида маълумотлар кам. У кўпинча механик усул билан бирга амалага ошади. Булут *Clione* оҳакли субстратни амебоцитлар ёрдамида емиради. Улар ўзларидан кальций ангидридни емирувчи модда ажратиб чиқаради. Чукурчаларга дастлаб хужайраларнинг ўсимталари, сўнгра тўлиқ хужайралар кираади. Булутлар чиғоноқларни пармалайди ҳамда оҳакли субстратларни ва уларнинг устини емиради.

Мшанкалар *Penetrantia* фосфор кислотасини ажратиб чиқаради. Сув ўтлари ҳам оҳакларни эритиш учун фосфор кислотасини ишлаб чиқиб, оҳакни ишқорга айлантиради.



65-расм. Тош тешувчилар: А – фолас моллюскаси, Б – петрикола моллюскаси, В – кислофага моллюскаси, Г – полидора полихети (В.Д. Ильичев ва бошқ. бўйича, 1987)

Pholas, *Zirphaea*, *Petricola* моллюсклар авлодлари тишчалар билан қопланган бўлиб, инларида айланганда, улар ёрдамида деворни пармалайди. *Pholas* личинкалари субстрат танлаш хусусиятига эга, бундан ташқари унга жойлашганда ўз тур зотларининг ўрнашишига ижобий таъсир кўрсатади. Фоладидларнинг чиганоқлари мустахкам, мураккаб скульптурали, тишчали қовурғалар билан қопланган. Чиганоқларининг охирги мушаклари қайчи мушаклари билан маҳсус ички ўсимта – апофизга бириклирлган. Олдинги мушак орқасидагига нисбатан перпендикуляр қисқаради, бу ўз навбатида чиганоқларнинг мураккаб ҳаракатланишига имкон яратиб, моллюсклар жинсни пармалашига йўл кўяди. Иш давомида моллюска оёқларини уясига маҳкамлайди.

Айрим фоладидлар, масалан, Қора денгизда хаёт кечиравчи *P. dactylus* нур сочади.

Мўйлабоёқли қисқибчақалар *Lithothyra* авлоди турларининг бошча табличкалари ва тангачаларида тишчалар мавжуд. Балки шу тишчалар ёрдамида улар юмшоқ жинсларда йўл ясади.

Радулалар ёрдамида механик пармалаш саккизоёққа (*Octopus vulgaris*) хос бўлиб, гастроподлар чиганоғини пармалаб, туйнук очади.

Кимёвий пармалаш тўғрисида маълумотлар оз. Кўпинча улар механик пармаловчилар билан бирга учрайди.

Миранка *Penetrantia* фосфор кислотаси ажратиб чиқаради. Сув ўтлари оҳактошни эритиб, оҳак карбонат ангиридиини икки углекислига айлантирувчи фосфор кислотаси ажратиб чиқаради.

Сипункуидлар (*Themiste*, *Phascolosoma*, *Closiphon* ва б.) ўлик маржонлар, оҳактошлар, мангрларни пармалайди. Қаттиқ жисмлар эпидермал бези ажратган суюқлик билан юмшатилиди. Кейин кристаллар механик ишланади, уларнинг парчалари маржон деворлари орасига жойлаштирилиб, ётқизма йўл ҳосил қиласди.

Полихета *Polydora* кислота ишлаб чиқаради, бу эса алмашиниш маҳсули бўлса керак (65-расм, Г).

Денгиз финиклари - моллюсклар авлоди (*Lithophaga*) – кислоталардан ҳимояловчи нозик пўст билан қопланган. Улар фақат оҳактошли жисмларда яшайди. *Lithophaga* айрим турлари айланмасдан пармалайди, бошқалари пармалаш учун айланади. Пармалаш тезлиги 1 ойда 1 мм.

Икки паллади *Penitella* моллюскаси қориноёқли *Haliotis* чиғаноғини каллусдаги тишчалари ҳамда кимёвий услуг билан пармалайди.

Айрим денгиз типратиканлари (*Echinoidae*) тош ва қояларни механик емиради. Личинкалари кичик чуқурчаларга жойлашиб, метоморфоздан сўнг типратикан уясида денгиз тўлқини айлантириши туфайли, ниналари ин деворларини қиради ва ин ҳажмини кенгайтиради ва жонивор ўсишини таъминлайди. Бошқалари (*Echinometra lucunter*) игна ва тишлари ёрдамида инларини ковлади.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб қўйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Пармаловчи организмлар барча денгиз ва океанларда кенг тарқалиши ва барча гурухлар орасида пармаловчиларнинг мавжудлиги шундан дарак берадики, пармалаш – бу ҳимоя қилиш учун энг яхши мосланишдир.

Ҳайвонлар нафақат ўз уйларида яширинади, балки уяларидан авлодини муҳофаза қилишда ҳам фойдаланади. Улар жинсий маҳсулдорлиги паст бўлган тақдирда ҳам популяциясини сақлаб қолади. Литорал зонада пармаловчилар уялари денгиз тўлқинларидан ва қуришдан сақланади. Бироқ пармалашнинг салбий томони ҳам мавжуд: эркин ҳаракатланишдан маҳрумлиги муносиб субстратларни топиш мураккаблиги, йўлларининг сув ўтлари ва ҳайвонлар билан қопланиши хавфи мавжуд.

6 БОБ

МИКРООРГАНИЗМЛАР ҚҰЗҒАТАДИГАН ЗАРАРЛАНИШЛАРНИНГ БИОКИМЁВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

МИЦЕЛИАЛ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ АГРЕССИВ МЕТАБОЛИТЛАРИ – ФЕРМЕНТЛАР ВА ОРГАНИК КИСЛОТАЛАР

Мицелий тез ўса олиши ҳамда табиий ва сунъий синтез воситасида яратылған хилма-хил материалларни ўзлаштиришга имкон берувчи бой, құватли ва лабил фермент системаси мавжудлиги туфайли, ҳар хил материаллар ва буюмларни заарловчи микроорганизмлар орасида биринчі замбуруғлар жойлашади.

Хозирги пайтларда замбуруғлар учун ҳар хил саноат материаллари (металл, бетон, пластмассалар, резина, тери, ёнилғи, лак ва бүёклар, қофоз ва ҳ.) ўзига хос экологик “токча” (ниша) ролини ййнамоқда. Сапротроф замбуруғлар бу материалларга жойлашиши натижасида технофил замбуруғларнинг ўзига хос терма экологик гурухи шаклланмоқда. Материал ва буюмларнинг мөгор замбуруғлари билан заарланиши ўсаётган мицелий уларни механик парчалаши, биоифлосланиш ва асосан фермент ва органик кислоталар таъсири натижасида амалга ошади.

Ферментлар

Материаллар ферментлар таъсирида парчаланиши ҳар хил реакциялар – оксидланиш, тикланиш, декарбоксилланиш, этерификация, гидролиз ва бошқалар натижасида амалга ошади. Мицелиал замбуруғларда халқаро классификацияда мавжуд бўлган барча 6 та синфга мансуб ферментлар борлиги аниқланган. Аммо материалларнинг кўпчилиги замбуруғларнинг оксиредуктаза, гидролаза ва лиаза ферментлари таъсирида фаол емирилади. Биозаарланиш пайдо бўлишида ҳужайра ичидаги ферментлар – эндоферментлар эмас, балки атроф-мухитга ажратиладиган ферментлар – экзоферментлар катта роль ййнайди. Хозирги тасаввурларга кўра, микроорганизмлар ДНК сида синтез қилинаётган ферментга ҳужайрадан ажralиб чиқиши қобилиятини берувчи сигнал кодонларининг универсал бирин-кетинликлари мавжуд. Улар инициация кодонининг ўнг томонида жойлашган ва мРНК ҳосил бўлишида транскрибиция қилинади.

Микроорганизмлар таъсирида кўп материаллар парчаланишида оксиредуктаза ферментларидан оксигеназалар алоҳида роль ййнайди. Бу биринчі навбатда карбонводородлар каби гидрофоб ва нополяр моддалар ва циклик бирикмалардан ҳосил бўлган материалларга тааллуқлидир. Кислород оксидланаётган субстратга бевосита ёпишишини катализ қилувчи оксигеназалар мавжуд. Бундай реакциялар кўп ёт моддаларни тирик ҳужайра томонидан метаболизацияция қилинишининг биринчি бочқичидир. Агар бу жараёнда кислород молекуласининг ҳар 2 атоми субстрат молекуласига киритилса, бундай ферментлар диоксигеназалар кенжа гурухига мансуб бўлади. Кўп диоксигеназаларнинг фаол компоненти гем ёки таркибида гем бўлмаган темир элементидир; улардан баъзиларининг фаолияти учун α-кетоглутарат мавжуд бўлиши талаб қилинади. Кўпинча диоксигеназалар ароматик халқанинг алоқалари узилишини катализлайди. Масалан, *Pseudomonas* туркумига

мансуб бактерияларнинг индол халқаси – катехин узилишини катализловчи диоксигеназаси фаол. Бошқа ҳолларда субстратга кислороднинг бир атоми киритилади ва у гидроксид гурухи ҳосил қиласи, иккинчи атоми эса сувгача тикланади. Бу кенжә гурух ферментлари *монооксигеназа* ёки *гидроксилаза* ферментларидир. Замбуруғ ва бактерияларнинг монооксигеназалари, хусусан, фенол ҳосилаларини гидрооксидлайди ва карбонводородларнинг охирги метил гурухларини оксидлайди.

Биодеструкция жараёнларида оксиредуктазаларнинг бошқа бир синфига мансуб ферментлар – *дегидрогеназа* ва *оксидазалар* катта аҳамиятга эга. Дегидрогеназалар водородни бир бирикмадан иккинчисига ўтказиш реакцияларини катализлайди. Водород акцептори бевосита кислород бўлган ҳолларда “оксидаза” терминини қўллашади. Моно- ва *o*-дифеноллар, полифенол ва ошловчи моддаларни оксидловчи полифенолоксидаза уларнинг мисоли бўла олади. У купропротеид, яъни таркибида мис бўлган ферментдир. Дегидрогеназалар гидроксил гурухларини альдегидларгача, сўнгра карбоксилгача оксидлашни ҳамда чекланган бирикмалардан тўйинмаганларини ҳосил қилишни катализлайди.

Оксиредуктазалар синфидан пероксидаза ва каталазанинг ўзига хос таъсир қилиш хусусиятлари бор. *Пероксидаза* водород пероксида воситасида ҳар хил органик – фенол, амин ва гетероцикллик – бирикмалар оксидланишини катализлайди. У темирпротеидлар гурухига мансуб, простетик қисмида порфирин темири молекулалари мавжуд. Пероксидазанинг темири З валентли. Мицелиал замбуруғлардан *Penicillium*, *Aspergillus*, *Verticillium*, *Fusarium*, *Alternaria*, *Cladosporium*, *Helminthosporium* ва *Geotrichum* туркумлари намояндадан анча катта пероксидаза фаоллигига эга.

Каталаза водород пероксида сув ва молекуляр кислородга парчаланишини, ҳамда кучсиз равиша, ҳар хил спиртлар пероксидлари воситасида бошқа бирикмалар ҳам оксидланишини катализ қиласи. Баъзи *Penicillium* турлари каталазаларнинг фаол продуцентидир.

Aspergillus niger, *A. flavus*, *Penicillium cyclopium*, *P. chrysogenum*, *Paecilomyces varioti* ва *Trichoderma viride* ларнинг каталаза, пероксидаза, полифенолоксидаза ва умумлаштирилган дегидрогеназалар фаоллигини тадқиқ қилганда *A. niger* ва *Trichoderma viride* турлари шу ферментларнинг максимал фаоллигига эга эканлиги аниқланган.

Саноат материаллари биоемирилишида гидролазалар синфи ферментлари мухим, чунки уларнинг кўпчилиги экзоферментлар бўлиб, озуқа субстратини парчалашга ва ўзлаштиришга ҳозирлайди. Гидролазалар мураккаб бирикмаларни оддийроқларига парчалаш ва айни вактда уларга сув бириктириш реакцияларини катализ қиласи. Биозарланиш билан боғлиқ муаммоларда гидролазаларнинг *эстераза* кенжә синфи алоҳида дикқатга сазовордир. Улар ҳар хил бирикмалардаги эфир алоқаларини гидролитик усуlda узилишини катализлайди, танлаб таъсир қилиш (специфика) қобилияти кам. Шу сабабдан улар ҳар хил, жумладан нотабиий эфирлар парчаланишини ҳам катализ қила олади. Масалан, карбон кислоталари эфирларини гидролизловчи *карбоксилэстераза* ферментлари таркибида ҳар хил кислота ($\text{CH}_3\text{CO}-$, $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{CO}-$, $\text{C}_9\text{H}_{19}\text{CO}-$ ва б.) ва спирт ($\text{CH}_3\text{O}-$, $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{O}-$, $\text{C}_8\text{H}_{17}\text{O}$ ва б.) гурухлари мавжуд бўлган субстратларга таъсир қиласи. Ҳатто ҳайвонларда тор биологик вазифа – нерв системасида қўзғалишларни ўтказувчи нейромедиатор ацетилхолинни гидролиз қилиш вазифасини бажаришга мўлжалланган ацетилхолинэстераза бир қатор бошқа эфирларни ҳам анча тезлик

билин гидролизлаши мумкин. Масалан, бу ферментнинг ацетилхолин, бутирилхолин, фенилацетат, 4-метоксифенилацетат ва 4-нитрофенилацетатни парчалаш фаоллиги 1:0,01:2,4:0,85:0,1 нисбатлари билан ифодаланади.

Aspergillus niger ва *Rhizopus acclimar* турларининг культурал суюқлигидан ажратилган эстеразалар специфилги аслида фақат бир белги – субстратда мураккаб эфир алоқалари мавжудлиги билан ифодаланади. Улар триацетин, трибутирин, твин ва спенларни гидролизлаш қобилиятига эга. Липазалар ҳам нафақат ўзларининг асосий табиий субстратлари – мойларни, балки синтетик ацилглицеринларни ҳам парчалайди. Бу айниқса мицелиал замбуруғлар липазаларига тааллуқли. Шу билан бирга тадқиқотлардан маълум бўлишича, замбуруғлар липазалари нисбатан кам специфик бўлиб қўриниши, кўп ҳолларда замбуруғнинг липолитик комплекси алоҳида специфик липазаларга ажратилмаганлигининг натижасидир. Демак, гап кўпроқ алоҳида замбуруғ турлари липаза комплексларининг кенг специфилги ва кам танлаб олиш қобилияти мавжудлиги ҳақида юритилиши лозим. Мицелиал замбуруғларнинг липазалари кўпинча атроф-мухитга ажратиладиган экзоферментлар эканлиги муҳим фактдир. Юқори липаза фаоллиги *Aspergillus*, *Penicillium* ҳамда *Rhizopus*, *Fusarium*, *Cladosporium* ва бошқа туркумлар турларида мавжудлиги аниқланган.

Aspergillus, *Penicillium* ва *Trichoderma* туркумларига кирувчи мицелиал замбуруғлар эстераза кенжасинфига мансуб, фосфор кислотаси эфирларини анча фаол гидролизловчи *фосфатаза* ферментларига эга. Фосфатазалар ҳар хил тузилишдаги субстратлар, жумладан алифатик (мисол учун, глицероль-1-фосфат) ва ароматик (3-нитрофенилфосфат) бирикмаларда фаолият кўрсатади. Ишқорли фосфатаза полифосфатларни ва тиофосфор кислотасининг S-алмашган моноэфирларини, нордон фосфатаза эса ўша кислотанинг O-алмашган моноэфирларини гидролизлаши мумкин. Нордон фосфатазалар баъзи полимерлар коррозиясига сабабчи бўлиши мумкинлиги хабар қилинган. *A. niger* замбуруғининг ишқорли фосфатазалари моносахаридларнинг фосфорли эфирлари ва глицерин билан бир қаторда барча монофосфатнуклеотидларни (циклеклари мустасно) фаол гидролизлади.

Таркибида целлюлоза ва бошқа карбонсувлар ҳамда уларнинг ҳосилалари бўлган саноат материалларини парчалашда *гликозидазалар* (эски номи *карбогидразалар*) гурухи ферментлари фаол иштирок этади. Целлюлоза парчаланишини *целлюлаза* ферментлари комплекси катализ қилади. Уларнинг асосини целлюлоза молекуласидаги глюкоза қолдиқлари ораларидағи алоқаларни целлобиоза ва глюкоза ҳосил қилиб гидролизловчи эндоглюканаза ва экзоглюканаза ферментлари (C_x -ферментлар) ташкил этади. Бу жараёндан олдин целлюлоза молекулалари бўртади ва целлюлазалар комплексининг C_1 -ферменти таъсирида уларнинг зич тузилиши ғоваклашади.

Alternaria, *Myrothecium*, *Chaetomium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Cladosporium* ва бошқа туркумларга мансуб бўлган микроскопик замбуруғлар целлюлолитик ферментларни синтез қилишда кучли қобилиятига эга. Целлюлоза парчаловчи замбуруғларнинг ҳар хил турлари фақат муайян ҳароратда, одатда 28-30°C да ўсиши ва целлюлаза ҳосил қилиши мумкин.

Замбуруғлар тахта-ёғоч материалларини емиришида целлюлазалардан ташқари пектин моддаларини парчаловчи гликозидазалар аҳамиятли роль ўйнайди. Уларнинг фаолиятини протопектиндаги метоксилланган полигалактурон кислотаси (Эрувчан пектин) ва у билан боғлиқ бўлган арабан ва галактан ораларидағи

алоқаларни гидролизловчи *протопектиназа* бошлаб беради. Бунинг натижасида ҳосил бўладиган эркин эрувчан пектинни (гликозид бўлмаган) *пектинэстераза* ферменти метил спирти ва полигалактурон кислотагача гидролизлайди. Полигалактуроназа (пектиназа) ферменти метоксил гурухи бўлмаган галактурон кислотаси қолдиқлари ораларидағи глюкозид алоқалари гидролизини катализ қиласи. Юқорида келтирилган ферментлар тахта ва ёғочни мацерация қиласи (бўтқасимон ҳолга келтиради) ва, балки, улар тахта ва ёғоч юмшоқ чириши пайдо бўлишининг асосий сабабчиларидир. Тахта ва ёғоч таркибида анча катта микдорларда гемицеллюзоза мавжуд. Уни маҳсус гемицеллюзазалар парчалайди. Мисол учун *A. niger* замбуруғининг ксиланларни гидролизловчи фаол ксиланазалари мавжуд.

Гидролазалар синфига киравчи *протеиназа* ферментлари гурухи алоҳида дикқатга сазовордир. Уларнинг асосий фаолияти – оқсилларни амид (пептид) алоқаларидан парчалашдир. Аммо баъзи протеиназалар анча кенг субстрат специфилги (яъни кам танлаш хусусиятига) эга. Бу эса микроорганизмлар протеиназалари, биринчи навбатда таркибида амид ва эфир алоқалари бўлган полимерларни – мочевиноформальдегидли, акриламидли полимерлар, полиамидалар (капрон, найлон) ва полиуретанларни (поролон) парчалашда маълум даражада иштирок этиши мумкинлиги фараз қилинади. Япон тадқиқотчилари замбуруғлар протеиназалари фаоллиги билан кислота ҳосил бўлиши орасида корреляция мавжудлигини аниқлашган. Кислота ҳосил қилмайдиган замбуруғлар катта микдорда ишқорли ва жуда кам микдорда нордон ва нейтрал протеиназалар синтез қиласи. Жуда кўп кислота ҳосил қилувчи замбуруғлар фақат нордон протеиназа синтез қиласи.

Алкиллардан галоген атомларини узуб олишни “галоидалкил – галоидгидролаза” (КФ 3.8.1) гурухига киравчи гидролазалар амалга оширади.

Лиазалар синфига мансуб ферментлар моддалар қўш алоқалар ҳосил қилиши (ёки гурухлар қўш алоқа жойларидан бирикиши) билан тугалланувчи ногидролитик парчалашни катализ қиласи. Бунда –C–C, –C–O, –C–N– алоқалари узилади ва сув, CO₂, амиак ва бошқа гурухлар узуб олинади. Бу гурух ферментлари юқори даражада специфик ва субстратга нисбатан кучли танлаб олиш хусусиятига эга. Шундай бўлса ҳам, уларнинг фаолияти моддаларни парчалашга қаратилгани улар синтетик материалларни емиришда иштирок этишини фараз қилишга асос бўла олади. Масалан, таркибида галоид бўлган материаллар парчаланиши “карбон – галоид – лиаза” (ЛФ 4.5) кенжә синфи ферментлари иштирокида ўтади. Могор замбуруғлари ва бактериялар ферментларининг агресив фаолияти, биринчи навбатда шу ферментлар фаоллигига боғлиқ. Ўз навбатида, ферментлар фаоллиги кучли даражада ҳарорат, муҳит реакцияси ва бошқа атроф-муҳит шароитларига боғлиқ.

Ҳар қандай кимёвий реакция тезлиги ҳарорат ошганида тезлашади (ҳарорат 10°C га кўтарилиганда тахминан 2 марта). Ферментатив реакциялар бу қонуниятга фақат ҳарорат 40-50°C га етгунича бўйсунади. Кимёвий тузилиши оқсил бўлгани учун, 45°C дан юқори ҳароратгача қиздирилган ферментлар денатурацияга учрайди, молекуласининг структураси ўзгаради, натижада уларнинг каталитик фаоллиги камаяди. 100°C да барча ферментлар фаоллигини бутунлай йўқотади. Ферментларнинг кўпчилиги учун оптималь ҳарорат 35-50°C. Масалан, *Aspergillus awamori* нинг липазалари учун 37°C, нордон протеиназалари учун 50°C, *Actinomyces rimosus* нинг протеолитик ферментлари комплекси учун 40-45°C. Шу билан бирга

баъзи, одатда юкори ҳарорат шароитида яшовчи бактериялар (термофиллар) нинг ферментлари ғайриоддий юкори термобарқарорликка эга. Уларнинг баъзилари 90-100°C да бир соат қиздирилгандан сўнг ҳаётчанлигини 80-90% га сақлаб қола олади. Паст ҳароратда (0°C ва пастрок) ферментлар одатда денатурацияга учрамайди ва парчаланмайди, аммо фаоллиги нолгача пасаяди. Ферментлар термобарқарорлигига муҳит реакцияси ва субстрат концентрацияси кучли таъсир қиласи.

Ферментатив фаолликнинг муҳитдаги pH га боғлиқлиги ҳам бир чўққили эгри чизик билан ифодаланади, бунда кўп ферментларнинг максимал фаоллиги сал нордон муҳитда (pH 6,0-6,9) кузатилади. Аммо умуман pH оптимум кўрсаткичларининг тебраниши кўп ҳолларда анча кенг (2 дан 10 гача). Айни шу сабабдан ферментларни “нордон”, “ишқор” ва “нейтрал” фосфатазалар, протеиназалар ва ҳоказо гурухларига бўлишади. Могор замбуруғлари пероксидазаларининг pH оптимуми 5,0-6,3; целлюлолитик ва гемицеллюлолитик ферментлариники *Aspergillus terreus* учун pH 6,5-7,0, *Actinomyces diastaticus* учун эса pH 4,5-5,5. Аммо баъзи замбуруғлар целлюлозани анча нордон муҳитда ҳам парчалай олади. Мисол учун, *Fusarium oxysporum* ва *Trichoderma koningi* целлюлозада pH 1,8-2,0 бўлганида ҳам ўсишни давом эттиради. *A. niger* замбуругининг липаза ферменти учун оптимал pH 5,6. Могор замбуруғларининг “нордон фосфатазалари” pH 4,0-4,5 да, “ишқорли фосфатазалари” эса pH 8,0-8,5 диапазонида фаол. Ҳар хил қора тусли аспергилларнинг (*A. awamori*, *A. saitoi*, *A. usamii*) асосий протеолитик ферменти “нордон протеиназа” дир. Бу ферментнинг катта микдорларини *Rhizopus* ва *Penicillium* туркумларининг турлари ҳам синтез қиласи, айни пайтда оддий шароитда ўсган *Aspergillus oryzae* фаол “ишқорли протеиназа” ҳосил қиласи. Карбонсувга бой (демак, pH ни пасайтирувчи) муҳитда айни шу замбуруғ асосан “нордон протеиназа” синтез қиласи.

Замбуруғ мицелийсида ферментлар синтез қилинишига озуқа муҳитидаги азот ва карбон манбаалари, микроэлементлар ва бошқа минерал тузлар мавжудлиги, кислород билан таъминланиш даражаси ва бошқа факторлар ҳам таъсир қиласи. Масалан, *A. awamori* турининг яхши ўсишини K⁺, Na⁺ ва NH₄⁺ нитратлари таъминлайди, аммо улар нордон протеиназа синтезига салбий таъсир кўрсатади. Бу фермент ҳосил бўлишига (ва замбуруғ биомассаси яхши ўсишига) азот тузларидан NH₄Cl энг қулай шароит түғдиради. Аммо бу замбуруғнинг нордон протеиназа биосинтези учун органик бирикмалар (казеин, пептон, аминокислоталар аралашмаси) оптимал азот манбаидир. Замбуруғ культурал суюқлиги аэрацияси тартибини ўзгартириш воситасида протеиназа синтези тезлигини 4 марта гача ошириш ёки камайтириш мумкин. Хабарга кўра, ҳужайра ташқарисига чиқариладиган протеиназалар синтезини бошқариш учун *Aspergillus* туркуми намояндадарида бевосита адаптация механизми мавжуд (Егоров ва б., 1982). Муҳитда N, P ва S ўзлаштирилишининг қулай манбаалари мавжудлигида экзопротеиназалар синтези камаяди. Бу элементлардан бирортасининг микдори жуда оз даражагача камайса ва замбуруғ ўсишини камайтираса, протеиназалар синтези қайта тикланади ва синтез муҳитда ушбу субстратлардан бирининг танқислиги ўйқолгунича давом этади.

Озуқа муҳитига натрий нитрат ўрнига аммоний фосфат қўшганда *A. awamori* замбуруғи липаза ферменти синтезини 50% га кўпайтиради. Бу фермент ҳосил бўлишини карбонсувлар (крахмал, глюкоза) жуда камайтиради, муҳитда липидлар мавжудлиги эса кучайтиради. Айниқса муҳитда солод таркибидаги ўстирувчи моддалар мавжудлигида липаза синтези кескин фаоллашади.

Оғир металлар (қўрғошин, кумуш, симоб ва б.) катионлари $10^{-3} - 10^{-5}$ концентрацияларида деярли барча ферментлар фаолиятини тўхтатади, қўрсатилган концентрациялардаги калий, аммоний ва магний тузлари эса уларнинг кўпчилигини фаоллаширади.

Айрим саноат материалларини ферментлар таъсирида емирилиши


Заарланадиган материал тури билан деструкция қўзғатувчиларнинг ферментатив хусусиятлари орасида аниқ мувофиқлик мавжуд. Қўзғатувчиларда муайян материалдаги асосий алоқаларни парчалашда ферментлар айниқса фаол бўлади. Умуман олганда, материаллар емирилишида уларда биоценоз ҳосил қилган бир нечта замбуруғ ва бактерия турларининг қўп ферментлари иштирок этади ва бу жараённинг биокимёси мураккаб. Мисол учун, молекулаларида амид ва мураккаб эфир алоқалари бўлган полимерлар (*полиамид, полиуретан, поликарбонат, мочевинаформальдегид смолалари, диоллар асосидаги полиэфирлар*) биодеструкцияси фаол эстераза ва протеолитик ферментлар синтез қилувчи замбуруғлар билан заарланиши натижасида амалга ошиши мумкин. Мураккаб эфир алоқали полиуретанларга нисбатан оддий эфир алоқали полиуретанлар замбуруғлар билан кучлироқ заарланиши аниқланган. Оддий эфир алоқалари замбуруғ полимерни парчалаши ва сўнгра уни ўзлаштиришини осонлаштиради. Уретан алоқалари ораларида узун карбон занжирчалари бўлган бирикмалар осон парчаланади. Бир-бирига яқин жойлашган учта метил гуруҳ мавжудлиги ҳам уретанлар заарланишини кучайтиради. Полиуретан тупроқ микромицетлари томонидан парчаланиши қуидаги тартибда ўтади: қолдиқ эркин изоцианатлар → мочевина ва амид гурухлари → уретан гурухлари → изоциан-сийдик кислотасининг халқалари.

Кўп полимерлар (*ПВХ, резина, мойлагичлар ва ҳ.*) таркибига мураккаб эфир пластификаторлари киради. Улардан баъзилари, масалан, адипин ва себацин кислоталар асосидаги пластификаторлар моғор замбуруғлари учун қулай озуқа мухитидир. Бу бирикмаларнинг эфир алоқаларини парчаловчи эстеразаларни ҳосил қилувчи замбуруғлар бундай пластификаторларни емиради. Аммо пластификаторлар емирилишининг иккинчи механизми ҳам мавжуд, унда α -кетокислоталарни оксидловчи ферментлар асосий роль ўйнайди. Бунда ҳосил бўладиган қаҳрабо ва шовул кислоталари сўнгра Кребс циклига тортилади. Тоза ва пластификаторланган ПВХ-материаллардаги пластификаторларнинг микробиологик емирилиш тезлиги ва даражаси ҳар хил; бу тезлик ва даража микроорганизмлар таъсирига материал алоқалари бардош бера олиши ҳамда пластификаторлар материал ҳажмидан унинг устки қисмига диффузиясининг тезлиги билан аниқланади. Пластификаторларнинг миграция қилиш қобилияти қанча кучли бўлса, биозарланиш натижасида улар йўқотилиши ҳам шунча кўп. Масалан, тоза ҳолида яхшироқ ўзлаштирилишига қарамасдан, полимер пардалардаги паст молекуляр пластификаторларга кўра полиэфир пластификаторларни микроорганизмлар кам ўзлаштиради. Бу полиэфир пластификаторларнинг миграция қилиш қобилияти камлиги билан боғлиқ.

Ёғоч ва целлюлозадан тайёрланган материалларни (*қоғоз, картон, архив ва қурилиши материаллари ва ҳ.*) емирувчилар, целлюлозани глюкозагача гидролизловчи целлюлаза ферментлари комплекси (бу комплекснинг фаолияти юқорида келтирилган) продуктентларидир. Ёғочда фенол табиатли модданинг уч ўлчовли полимери бўлган лигнин целлюлоза толалари ораларида инкрустация

қилинган. Кимёвий нүктаи назардан лигнин жуда турғун. Жуда кам микроорганизмлар уни емира олади, унда ҳам бу жараён жуда секин ўтади. Ёғочда лигнин мавжудлиги целлюлазалар фаолиятига тұсқынлик қиласы. Лигниннинг ўзи эса оксиредуктазалар – пероксидаза, полифенолоксидаза ва лакказалардан – ташкил топган “лигниназа” ферментлари комплекси фаолиятида парчаланади. Бу комплекс баъзи ёғочни заарловчи замбуруғларда жуда фаол. Ундан ташқари, лигнинни емиришда, *целлобиозо: хиноксидоредуктаза* иштирок этади. Бу фермент фенолларни тикланган ҳолатда сақлашни таъминлайди, бу эса кейинроқ ароматик ядрони парчалаш учун лозим бўлади. Демак, лигнин деструкциясининг асоси оксидланувчи парчаланишдир. Аммо бу парчаланиш бошқа ферментатив жараёнлар мавжудлиги билан мураккаблашади. Микроорганизмлар фаолияти натижасида лигнин мономерлари орасидаги β -арил-эфир алоқалари узилади. Бунда метоксил гурухлар микдори ўзгаради, фенол гидроксил гурухлари концентрацияси ошади, баъзан полимолекуланинг асосий элементи – ароматик ҳалқа парчаланади. *Moraxella* ва *Penicillium* туркумлари намояндалари лигнинсимон бирикма бўлган поли(3-метокси-4-оксистирол) ни биопарчалаши жараёнида ванилин кислотасининг метил эфири ҳосил бўлади ва у кейинчалик малеат ва оксалатгача парчаланади.

Замбуруғлар учун $R-CH_3$; $R-CH_2-R'$ каби алоқалар ўзлаштирилиши қийин; $R=CH_2$ ва



$R-CO-R'$ кабилар микроорганизмлар учун ўзлаштирилиши мумкин бўлган бирикмалардир (Рудакова А.К.).

Карбонводородларни ягона карбон манбаи сифатида ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган моғор замбуруғлари билан ўтказилган тадқиқотларда *Aspergillus flavus* тридеканларни парчалаб, 2-, 3-, 4-, 5- ва 6-тридеканонлар ҳосил қилиши аниқланган. Барча кетонларнинг асосий қисми – 97 фоизини – охирги учта тридеканон ташкил қилган. Тридеканонлар оксидланишининг охирги бирикмалари сифатида 2-, 3-, 4-, 5- ва 6-тридеканоллар ҳосил бўлади.

Чекланмаган (непредельные) карбонводородлар ферментатив оксидланишида спиртлар, альдегидлар, кето- ва оксикислоталар, улардан эса иккиасосли кислоталар ҳосил бўлади; сўнгра улар β -оксидланади. Микроорганизмлар бутадиенни ацетатлар ҳосил қилиш билан ўзлаштиради. Бутадиен парчаланишида оралиқ маҳсулот сифатидаmonoэпоксид, β ва γ -тўйинмаган α -кислота, акрилат, лактат ва пируват ҳосил бўлади.

Замбуруғлар ароматик карбонсувларни парчалашида феноллар ҳосил бўлади, сўнгра улар иккиасосли кислоталаргача оксидланади. Алкилланган ароматик карбонводородлар оксидланиши сўнгидә чекланмаган иккиасосли кето- ва оксикислоталар ҳосил бўлади. Микроорганизмлар полициклик ароматик карбонводородларни оксидлашида диоксигеназа иштирок этади ва оралиқ модда сифатида диокситантан ҳосил бўлади; 2 протон ва 2 электрон қўшилгач, у диолга айланади.

Таркибида алкилбензосильфонатлар бўлган полимерларни замбуруғлар сульфитцитохром, с-оксидаза, ацил-Ко-синтетаза, ацил-Ко-дегидрогеназа, β -оксиацил-КоА-дегидрогеназа ферментлари иштирокида карбон ва олтингугурт манбаи сифатида қўллади.


Алкил занжирчасида биттадан учтагача карбон атоми бўлган, алкилбензосульфонатга ўхшаш сирт фаол моддалар биодеструкцияси сульфонат гуруҳидан, атомлар сони кўпроқларида эса – ён томонидаги занжирчалардан бошланади.

Резина ва битумларни емирувчилар асосан эстераза продуцентларидир. Табиий каучукдан тайёрланган, вулканизация қилинган резинани тупроқда яшовчи микроорганизмлар емириши эластомер бирламчи структура берувчи тўри ва эластомер + тўлдирувчи модда алоқалари ферментлар ва замбуруғларнинг бошқа метаболитлари таъсирида парчаланишдан иборатdir. Бу билан бирга табиий каучук биоемиришида карбоксил, гидроксил ва иккиласмчи амин гурухлари ҳосил бўлади.

Таркибида минерал моддалар бўлган материалларда органик кислоталарни ҳамда оксидловчи ферментларни синтез қилувчи замбуруғ турлари кўпроқ учрайди.


Органик кислоталар

Мицелиал замбуруғларнинг жуда кучли агрессив метаболитлари органик кислоталардир. Улар органик ва анорганик саноат материалларида, жумладан металларда ҳам, тез ривожланадиган ва субстрат ичкарисига чукур тарқаладиган деструкция қўзғатади. Могор замбуруғлари культураларидан 40 тадан кўп органик кислоталар ажратилган. *Penicillium* турлари асосан лимон ва глюкон, *Aspergillus* spp. – лимон, глюкон ва шовул, *Mucor* spp. – қаҳрабо, фумар ва шовул кислоталарини синтез қилади. Муайян шароитда замбуруғлар ўзлаштирган қандларнинг 90-100 фоизини лимон кислотаси ҳосил қилиш учун сарфлагани аниқланган (В.С. Буткевич). Одатда айни бир турга мансуб замбуруғ бир қанча бир-бирига яқин бўлган органик кислоталар ҳосил қила олади. Синтез қилинадиган кислота миқдорига асосланиб замбуруғларни уч гурухга ажратиш мумкин: 1) муҳитга органик кислоталарнинг нисбатан катта миқдорини ажратувчи турлар (*P. chrysogenum*, *A. niger*, *A. oryzae*); 2) кислоталарнинг унча кўп бўлмаган миқдорларини ажратувчи турлар (замбуруғларнинг кўпчилиги); 3) муҳитга кислоталарни жуда оз миқдорда ажратувчи турлар (*Mucor* sp., *Alternaria alternata*). Могор замбуруғлари кўп ҳолларда ва катта миқдорларда ҳосил қиладиган кислоталар лимон, глюкон, шовул, сут, фумар, қаҳрабо ва олма кислоталаридир.



153°C – карбонсувларнинг тўла бўлмаган оксидланиши маҳсулотидир). Лимон кислотаси синтезининг асосий йўли – трикарбон кислоталар циклида (ТКЦ) шовулсирак кислотасининг ацетил-коэнзим воситасида конденсация қилинишидир. ТКЦ да айни вақтда ҳосил бўладиган ва улар ҳам 4 карбон атомига эга бўлган қаҳрабо, фумар ва олма кислоталари ҳам ШСК орқали лимон кислотасига айланиши мумкин. Лимон кислотаси синтези учун энг қулай карбон манбаи қандлардир. Лимон кислотасини тўплаш карбон манбаи битгунича давом этади, сўнгра замбуруғ

тўпланган кислотани парчалashi мумкин. Замбуруғлар ҳаёт кечириши учун лозим бўладиган микроэлементлар (Zn , Mn ва б.) баъзи турларда лимон кислотаси синтезини кучайтириши, бошқаларида эса камайтириши мумкин. Дезаминлаш жараённида карбон манбай сифатида ўзлаштирилиши учун, барча аминокислоталар лимон кислотаси синтезини кучайтиради. Лимон кислотасининг энг яхши продуценти бўлган *Aspergillus niger* шу кислотани саноатда ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Лимон кислотасининг анча катта миқдорларини *Aspergillus glaucus*, *A. clavatus*, *A. fumaricus*, *A. awamori*, *A. aureus*, *Penicillium glaucum*, *P. arenarium* турлари ҳам синтез қиласди.



Глюкозооксидаза ферменти таъсирида глюкозанинг альдегид гурухи бевосита карбоксил гурухга оксидланиши натижасида ҳосил бўлади. Бу кислота синтези жараённида водород пероксида ажралиб чиқади. Глюкон кислотаси ҳосил бўлиши учун pH 5,0 атрофида ва яхши аэрация мавжудлиги энг қулай. Бу кислотани кўп замбуруғлар ҳосил қиласди, улардан энг фаоллари *A. niger* (ҳар хил штаммлари), *A. oryzae*, *P. glaucum*, *P. purpurogenum*, *P. rubrisclerotium*, *P. chrysogenum* ва *P. crustaceum*.

Сут кислотаси. $\text{CH}_3-\text{CH(OH)-COOH}$ ($M = 90,08$; $T_{\text{эриш}} = 25^{\circ}\text{C}$). Пироузум кислотаси тикланиши натижасида ҳосил бўлади. Сут кислотасининг энг фаол продуцентлари – *Rhizopus* туркуми намояндадаридир.


Фумар кислотаси. COOH-CH=CH-COOH ($M = 116,07$; $T_{\text{эриш}} = 287^{\circ}\text{C}$). ТКЦ да ҳосил бўлади. Қахрабо кислотаси орқали сирка кислотасидан ҳамда этил спирти ацетатальдегид ва сўнгра сирка кислотасигача оксидланиши натижасида ҳам синтез қилиниши мумкин. Фумар кислотаси карбонсувларни ўзлаштирувчи замбуруғларнинг кўпчилигига топилган. Унинг катта миқдорларда ҳосил бўлиши мукор замбуруғлари, айниқса *Rhizopus* туркумига мансуб турлар учун характерли. Аммо оз миқдорда бўлса ҳам, фумар кислотаси мукор бўлмаган замбуруғлар, хусусан *Penicillium griseofullvum* ва *Aspergillus flavus* турларидан ҳам олинган. Бошқа органик кислоталар каби, фумар кислотаси синтезида карбонсувлар миқдори (ҳамда мухитдаги C:N нисбати) асосий роль ўйнайди. Синтез қилинаётган фумар кислотасининг умумий миқдори ва ҳосил бўлиш тезлигини цинк ионлари кескин камайтиради.

Қахрабо кислотаси. $\text{COOH-CH}_2-\text{CH}_2-\text{COOH}$ ($M = 118,09$; $T_{\text{эриш}} = 183^{\circ}\text{C}$). Бу кислотани ҳам мөгор замбуруғлари ТКЦ да ҳосил қиласди. Қахрабо кислотаси таркибида карбонсувлар бўлган мухитда ўстирилган замбуруғларнинг кўпчилигининг культурали суюклигига мавжуд бўлади. Бу кислотанинг нисбатан катта миқдорларини *Fusarium* ва *Rhizopus* ҳамда баъзи *Aspergillus* ва *Penicillium* турлари ҳосил қиласди.

Олма кислотаси. $\text{COOH-CH}_2-\text{CH(OH)-COOH}$ ($M = 134,09$; $T_{\text{эриш}} = 100^{\circ}\text{C}$). Бу кислотани мөгор замбуруғлари бир неча йўл билан синтез қилиши мумкин: 1) ТКЦ да фумарат-гидратаза ферменти таъсирида фумар кислотасига сув бирикиши натижасида; 2) олма кислотаси синтетазаси таъсирида глиоксал кислотаси ва ацетил-КоА конденсацияси натижасида; 3) пируват карбоксилланиши ва сўнгра тикланиши

натижасида. Олма кислотаси *A. niger*, *A. flavus*, *P. corymbiterium* ва *Rhizopus spp.* турларида топилган ва оз микдорларда уларнинг культураларидан ажратилган. Замбуруғларда у одатда бошқа кислоталар билан аралашма ҳолида учрайди. Аммо С₄-дикарбон кислоталарнинг ўзаро бир-бирига айланиши натижасида олма кислотаси кам ҳолларда замбуруғлар метаболизмининг асосий бирикмаси бўлади ва сезиларли микдорларда синтез қилинади.

Шовул кислотаси. COOH – COOH ($M = 90,04$; $T_{\text{триш}} = 189,5^{\circ}\text{C}$). Могор замбуруғлари шовул кислотасини ҳосил қилишида ҳал қилувчи рольни сирка кислотаси ўйнайди; уларнинг мухитдаги ацетатнинг 90-100 фоизини шовул кислотасига айлантириш қобилияти ҳам бундан далолат беради. Тахминан, ацетат глиоксил кислотасигача, у эса шовул кислотасигача оксидланади:



Сирка кислотасининг 2 молекуласи конденсацияси натижасида қаҳрабо кислотаси пайдо бўлиши ва у кетма-кет фумар, олма, шовулсирка кислоталарига айланиши эҳтимолдан холи эмас. ШСК гидролизлангач, шовул ва сирка кислоталари ҳосил бўлади. Могор замбуруғларини чумоли кислотали мухитда ўстирганда шовул кислотаси синтезининг учинчи усули кузатилади: бунда чумоли кислотасининг 2 молекуласи конденсация қилинади ва айни пайтда формиатдегидрогеназа ферменти водородни узиб олади. Могор замбуруғларининг шовул кислотасини ҳосил қилишидаги характерли хусусияти – синтез учун улар хилма-хил бошланғич моддаларни, жумладан карбонсув, аминокислота, глицерин ва ҳар хил органик кислоталарни ўзлаштира олишидир. Шовул кислотаси тўпланиши учун асосий шарт – мухитда шу кислотани нейтралловчи асослар мавжуд бўлишидир.

Алоҳида саноат материаллари органик кислоталар томонидан деструкция қилинишининг аниқ механизмлари кўп ҳолларда етарли ўрганилмаган. Аммо шубҳасиз органик кислоталар емирувчи таъсирининг асосий усули улар ҳар хил парчаланиш реакцияларини катализ қилишидир. Полимер материалларнинг бъзи хиллари органик кислоталарга чидамлилиги билан ажралиб туради. Энг чидамлилар қаторига полиэтилен, полипропилен, полизобутилен, полтстирол, фенопластлар ва фуран смолалари киради, поливинилхлорид, полиметилакрилат ва полиамид смолалари камроқ даражада турғун. 20-30°С ҳароратда қаҳрабо, шовул, сут, адипин, лимон ва вино кислоталарига кўп термопластлар (полиэтилен, полтстирол, ПВХ, полтметилакрилат, фторопластлар ва полиамиллар), реактопластлар (фенопластлар, эпоксид смолалари, полиуретанлар ва б.) ҳамда каучукдан тайёrlанган резина чидамли. Аммо истиснолар мавжуд: полиуретанлар шовул кислотасига чидамсиз, эпоксид смолалари эса сут кислотасига нисбатан чидамли. ПС маркали резина (тиокол) лимон ва сут кислоталари чидамсиз. 20%-ли сирка кислотасига барча термопластлар ва реактопластлар (полиуретанлар истисно) ва СКЭБ, БК ва ХСПЭ маркали резиналар чидамли (СКФ чидамсиз). Муз сирка кислотасига кам сонли пластмассалар – полипропилен, фторопластлар, фенолформальдегид ва фуран смолалари, СКТ ва БК маркали резиналар чидамли. Пластмассаларда ёрдамчи материал сифатида органик моддалар мавжуд бўлса, улар могор замбуруғлари учун яхши озуқа бўлади, замбуруғлар органик кислоталарни фаол ҳосил қиласи ва натижада пластмассаларни емиради.

Лак ва бўёкли қопламалар парчаланишида органик кислоталар етакчи роль ўйнайди. Лимон, вино ва фумар кислоталарининг шикастловчи таъсири уларнинг анча паст концентрацияларида (0,09-0,4%) юзага чиқади. Пироузум, глюкон, сирка ва шовул кислоталари лак-бўёқ қопламаларини фаол парчалайди. Таркибида целлюлоза бўлган ҳар хил материаллар, жумладан электроизоляция учун ишлатиладиган бўёқ композицияларини барча органик кислоталар кучли равишда емиради.

Органик кислоталар таъсирида металлар коррозияси алоҳида дикқатга сазовор. Баъзи ҳолларда уларнинг коррозия қўзғатиши қобилияти анорганик кислоталарнидан ҳам кучлироқ. Нефть маҳсулотлари сақланадиган идишлар коррозияси, нефть маҳсулотлари микроорганизмлар таъсирида парчаланиши жараённида ҳосил бўлган органик кислоталарининг алюминий қотишмаларини емириши натижаси бўлиши мумкин. Кислота ва металл контактда бўлган вақт ўтиши билан коррозия ҳам кучайиши аниқланган.

МИЦЕЛИАЛ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ АГРЕССИВ МЕТАБОЛИТЛАРИ ТАЪСИРИДА САНОАТ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ, ДИЭЛЕКТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Моғор замбуруғлари ажратадиган органик кислоталар, ферментлар, пигментлар ва баъзи бошқа метаболитлар материалларнинг физико-механик, диэлектрик ва бошқа хусусиятларини ўзгартиради ва технологик параметрларини кескин ёмонлаштиради. Моғор таъсирида пластмассалар эскириши жуда тезлашади. Бунда узилишга мустаҳкамлик ва нисбий узайиш каби кўрсаткичлари жиддий равишида ўзгаради. Замбуруғлар билан заарланган полиуретан 30°C да нам камерада 12 ҳафта давомида инкубация қилингандан сўнг амортизация қилиш қобилияти ва эластиклигини йўқотади, босим остида ва чўзганда дарҳол ёрилиб кетади. Микромицетлар таъсирида кремнийорганик химоя қопламаларнинг ҳўлланиш хусусияти (гидрофиллик коэффициенти) ошади (Коваль, 1982).

Замбуруғлар метаболитлари таъсирида, ≥90% ҳаво нисбий намлиги ва 29°C ҳароратда, АК-070 грунтовкаси устига берилган ЭП-525 ва ЭП-567 маркали эмаль қопламалари эркин пардаларининг тортишга кучланиши (σ_p), узилишдаги нисбий узайиши (E_p), тортилгандаги эластиклик модули (E) камаяди. Моғор таъсирида полизэфир қопламалар рангини йўқотади, мўрт бўлиб қолади ва зах ҳиди чиқаради. Замбуруғлар таъсирида винил ва метилан поливинилспирт толаларининг структураси шикастланади, тола мустаҳкамлиги ва диаметри камаяди, узилиш узунлиги кучаяди. Микроорганизмлар таъсирида баъзи шишапластикларнинг мустаҳкамлиги 20-30% га пасаяди.

Оптик системаларда моғор ўсганда уларнинг нур ўтказиш ва нур тарқатиш коэффициенти ўзгаради. Ҳатто моғор замбуруғлари кам даражада ривожланганида ҳам, 21 кундан сўнг нур ўтказиш коэффициенти 28% га камаяди, нур тарқатиш коэффициенти эса 5 марта кўпаяди. Моғор замбуруғларнинг кўпчилиги материалларнинг очик туслаги устки томонида ҳар хил ранг берувчи пигментлар ҳосил қиласади. Масалан, замбуруғлар нордон (рН 3,5-6,8) мухитда ўсиши натижасида очик рангли ПВХ-пластиклар устида сариқ, қизил ва қўнғир тусли пигмент доғлари

пайдо бўлади. Полиэтиленда моғор ўсганда унинг усти ғадир-будур бўлиб қолади ва мозаик қора-қўнғир доғлар билан қопланади.

Электроизоляция материаларида моғор замбуруғлари ривожланиши уларнинг диэлектриклик хусусиятларини бузади. Материаллар устида моғор пайдо бўлиши, замбуруғ хужайраси сувга бойлиги (90% гача) туфайли, ток ўтказувчи қисмларнинг устлари туташувига олиб келади. Замбуруғларнинг катта ўтказувчанликка эга бўлган органик кислоталари ва баъзи бошқа метаболитлари диэлектриклик хусусиятлари, жумладан солиштирма ҳажм қаршилиги (ρ_v) ва солиштирма устки қаршилик (ρ_s), тешилиш қуввати, диэлектрик йўқотишлар тангенси бузилишининг асосий сабаби бўлиши мумкин. Моғор билан заарланган материал устининг қисман емирилиши ҳам электрик кўрсаткичларга таъсир қилиши мумкин. Масалан, бунда эпоксид бирикмаларнинг диэлектрик йўқотишлар бурчак тангенси ошади, мустаҳкамлиги камаяди, усти тиниқлигини йўқотади ва нотекис бўлиб қолади.

Пресс-материалларда (АГ-4С, К-18-2, АГС, ЛСК ва бошқа маркалар) намуналар тешилиш қувватининг максимал даражада ўзгариши айнан моғор замбуруғлари билан кучли заарланган жойларида кузатилади. Баъзи ҳолларда замбуруғлар таъсирида тешилиш қуввати 3-5 марта камаяди. Мицелий тез ўса бошлиши ва материаллар моғор билан қопланиши бошланишининг дастлабки 48-72 соатлари орасида материалларнинг устки солиштирма ва ҳажм қаршиликлари кескин пасая бошлайди. Бу қонуният кўп полимер материалларида, жумладан полиэтилен, полтстирол, фторопластлар, полифенилоксид, фенопластлар ва бошқаларда мавжудлиги аниқланган. Полимер материалларни замбуруғ моғор қатлами ва намлиқдан тозалаш ва сўнгра уларни нормал шароитларда конденсация қилиш, ρ_v ва ρ_s кўрсаткичларини кўп ҳолларда дастлабки ҳолигача тиклайди. Масалан, 12 ой давомида 97% ҳаво намлигига моғор таъсирида бўлган фторопласт Ф-4М, фенопласт К-114-35 нинг ρ_v кўрсаткичи деярли ўзгармаган, фторопласт 8-2М, фенопласт BX4-08-34 ларники 10 марта, полиэтилен 158-10, полтстирол УП-1Э ва фенопласт Э6-014-30 ларники 100 марта камайган (И.С. Филатов, 1983).

Нефть маҳсулотлари микроорганизмлар билан уларни ишлатиш, сақлаш ва ташиш пайтларида кучли заарланади. Натижада ёнилғи, мой, мойловчи ва бошқа нефтни қайта ишлаб олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари кескин бузилади. Замбуруғлар метаболитлари, хусусан органик кислоталар, сульфидлар, пероксидлар, водород сульфид ва бошқалар, улар билан контактдаги металларнинг устки қисмларини коррозия қиласи, ҳосил бўлган гелсимон (шилимшиқ) моддалари эса ўтказгич трубалар, ёнилғи фильтрлари, ёнилғи ҳажми ўзгаришини ўлчаш тармоклари ва бошқаларнинг ичини тўлдириб, ишдан чиқаради. Самолётлар ёнилғи ситеталари (кессон-баклари) нинг анча кучли коррозияга учраши, герметиклар емирилиши ва сўнгра конструкцияларнинг куч элементлари коррозияси жуда тез-тез учрайдиган ҳоллардир. Бор-йўғи 4 ой орасида самолётлар қанотлари ичидаги ёнилғи идишлари ичларининг коррозияси 30% ни, коррозия чуқурлиги эса 0,3 мм ни ташкил этган. Ёнилғи нордонлиги ошган ва унинг таркибидаги смолалар миқдори кўпайган. Авиаёнилғини парчаловчи микроорганизмлардан энг кенг тарқалгани *Cladosporium resinae* – керосин замбуруғидир. Инглиз тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, бу замбуруғ бир нечта авиакатастрофанинг сабаби бўлган, чунки у ва бошқа баъзи микроорганизмлар дистиллят ёнилғилар ва сув ёстикларида ривожланиши пайтида кўп миқдорда ҳосил

бўладиган шилимшиқ эмульсия ёнилғи фильтрлари тиқилиб қолиши, двигатель фаолияти бузилиши ва ишдан чикишига олиб келган.

Металларга ишлов беришда қўлланиладиган мойловчи-совутувчи суюқликлар (МСС) карбонводородларнинг сувли эмульсияларидир. Шу сабабдан атроф-мухитнинг маълум бир шароитларида (t^o , намлик, рН) МСС лар карбонводород оксидловчи бактерялар ва кўп замбуруғлар (*Aspergillus*, *Penicillium*, *Cladosporium*, *Trichoderma*) турлари учун яхши озуқа муҳитидир. Улар ривожланиши МСС нинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларига, жумладан ҳиди, тузи, ёпишқоқлиги, мойлаш хусусияти, металлар коррозиясига бардоши ва кўпик ҳосил қилиш қобилиятига таъсир қиласди. Масалан, микроорганизмлар модда алмашинуvida ҳосил бўладиган кўп қўшимча маҳсулотлар ўта бадбўйдир (аминлар, водород сульфид). Натижада эмульсиянинг санитар-гигиеник хусусиятлари бузилада ва саноат шароитида МСС ни қўллаш қийинлашади. Микроорганизмлар таъсирида МСС рангини ўзгартиради: сульфаттиковчи бактериялар ўсиши пайтида ҳосил бўладиган металл сульфидлари МСС га тўқ, ҳатто қора тус беради. Сульфидлар ускуна ва ишлов берилаётган металларда ҳам қора доғлар пайдо қилиши мумкин. Микроорганизмлар модда алмашинуvida ҳосил бўладиган кўп қўшимча маҳсулотлар (органик кислоталар, сульфидлар) темир, никель, мис, молибден, алюминий ва бошқа металларда ҳар хил тусли доғлар пайдо қиласди. Микроорганизмлар кўп миқдорда бўлиши МСС нинг ёпишқоқлигини оширади, бактерия ва замбуруғларнинг биомассалари насос, ўтказгич трубаларга тиқилиб қолиши ва идишларда чўқмалар ҳосил бўлишига олиб келади, булар ишда ортиқча қийинчиликлар туғдиради.

МСС таркибида ҳар хил минерал мойлар, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари ҳамда инструментларни мойлаш ва ҳўллаш учун қўлланиладиган реагентлар, деталларга ишлов беришда лозим бўладиган қириндилар мавжуд. Микроорганизмлар уларни парчалай олади, натижада ишқалиш кўпаяди, деталлар усти сайқалланиш сифати пасаяди ва инструментлар хизмат қилиш муддати қисқаради. МСС да ҳосил бўлган метаболизм маҳсулотлари, хусусан, органик кислоталар, водород сульфид ва пероксидлар ускуна ва ишлов берилаётган деталларда коррозия кўзғатади. Микробиологик коррозияга учраган МСС лар станокдаги ишчиларда дерматитлар ва ошқозон-ичак касалликлари кўзғатади, чунки заарланган мойлагичлар патоген бактерялар ривожланиши учун қулай субстрат хисобланади.

Моғор замбуруғлари билан заарланган резина усти хиралашади, унда пигмент доғлари ва бадбўй хид пайдо бўлади. Изоляцион резинада ўсаётган моғор толалари устки электр қаршилигини камайтиради. Моғор зичловчи резина деталларида ҳосил бўлиши конструкция герметикигини йўқотишига, бойловчи (ёки ўтказувчи) трубка (шланг) ларда ўсиши эса ёнилғи ёки кислород етказиб берилишини тўхташига, булар эса аварияга олиб келиши мумкин. Бир қанча ҳолларда моғор замбуруғлар резинанинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари ўзгаришига сабаб бўлади. Ундан ташқари, резинада моғор пайдо бўлиши, у билан контактдаги материалларнинг оптик ва антикоррозион хусусиятлари ёмонлашишининг сабаби бўлиши мумкин. Хомашё ва тайёр толали материалларни шикастловчи микроорганизмлар катта иқтисодий зарар етказади. Айниқса табиий толалар – пахта, зигир ва жун кўп биозаарланади. Микроорганизмлар ривожланишида бу толалар қисман ёки бутунлай парчаланади, узилиш мустаҳкамлиги пасаяди, тузи ўзгаради ва йигирилиш хусусиятлари бузилади.

Күп замбуруғлар маданият ёдгорликлари, рассомчилик асарлари, тери, сұяқ, керамика ва ёғочдан тайёрланган бадиий буюмларни емиради. Улар шикастланиши механик бўлиши – гифалар рангли қатламлар ҳосил қилиб, тасвирни бузиши, ёки кимёвий бўлиши – ферментлар таъсирида расмнинг компонентлари парчаланиши, пардаси заифлашиши ёки кўчиб кетиши мумкин. Ундан ташқари, санъат асарларини заарловчи замбуруғларнинг органик кислоталари, пигментлари ва бошқа метаболитлари ҳам шикастловчи факторлардир. Тўқимачилик матоларида тайёрланган рассомчилик асарларидан микроорганизмлар пайдо қилган доғларни амалда ҳеч кетказиб бўлмайди, чунки замбуруғ пигментлари, рангли мицелий ва унинг парчаланишида ҳосил бўлган маҳсулотлар газлама толалари орасига чукур киради.

Металлар замбуруғлар билан заарланиши энг кам ўрганилган соҳа, чунки яқингача металлар биозараарланишини фақат бактериялар қўзғатади, деб ҳисобланар эди. Аммо маълум бўлишича, металларда замбуруғлар коррозия қўзғатади ва уларнинг саноатга зарари бактерияларнидан кам эмас. Металлар устида намликни сақлаб ва органик кислоталар ҳосил қилиб, замбуруғлар жез, мис, пўлат, алюминий ва уларнинг қотишмаларида коррозия қўзғатади. Микробиологик коррозия маҳсулотлари ва замбуруғ мицелийси ускуналарнинг металлардан ясалган контактлари орасида кўприклар, контактлар устида электролитлар ҳосил қиласи ва электрик занжирлар туташишига ёки ускунанинг электрик параметрлари бузилишига олиб келади. *A. niger* замбуруғи В95А-Т1-0 маркали қотишмада кучли питтинг коррозияси қўзғатади ва кўргошин қотишмаси намунасини 15 кунда бутунлай эритади. Тажрибада 12 кун давомида *A. niger* иштирокида ўтказилган синовда коррозия туфайли йўқотишлар алюминийда $4 \text{ г}/\text{м}^2$, мисда $18 \text{ г}/\text{м}^2$ ва темирда $33 \text{ г}/\text{м}^2$ ни ташкил этган; бу назоратдаги коррозия туфайли йўқотишлардан ҳар бир металл тури учун 4 баравар кўп бўлган. Замбуруғлар иштирокида металлар коррозияси қўзғатилишидаги асосий фактор – метаболизм жараёнда мухитнинг физик-кимёвий хусусиятлари, жумладан pH, мухитнинг оксидловчи-тикловчи потенциали, металларнинг стационар потенциали ва б. ўзгаришидир. Замбуруғлар бўлган мухитда кўргошин қотишмаларининг электрокимёвий хусусиятлари ўзгариши анод эриши тезлиги анча кучайиши билан изохланади. Бундай мухитда алюминий қотишмасида питтинг ҳосил қилиш потенциали салбий томонга сурлади.

Ҳар хил қиздириб бириктириш (спечка) ва юмшатиш (отжиг) шароитларида олинган электролитик мис пластинкаларини тузли мухитда, устига замбуруғлар конидиялари суспензияси пуркаб ёки уларни *A. niger* ва *A. flavus* ўсган мухитининг культурал суюқлигига ботириб ўтказилган синовларнинг барча вариантларида замбуруғлар ўсиши ва пластинкалар шикастланиши кузатилган. Тропик иқлимда ҳамда тажрибада замбуруғлар баъзи кукусимон материаллар ва биметалл симларни заарлаган. Шикастлашнинг бирламчи механизми сифатида замбуруғ гифалари намуна устки қисмининг маълум жойларига кириши, иккиламчи механизми сифатида эса замбуруғ метаболизм маҳсулотларини ажратиб чиқариши тахмин қилинади.


Замбуруғлардан ажратилган айрим метаболитларнинг саноат материаллариға таъсири кўп тадқиқ қилинмаган, аммо баъзи диққатга сазовор маълумотлар тўпландган. Эпоксид компаундлари билан ўтказилган тажрибада диэлектрик йўқотишлар тангенси ($\text{tg}\delta$) олма, шовулсирка ва шовул кислоталари таъсирида анча кўпайган (0,028 дан 0,037 гача). Лимон, фумар, қаҳрабо ва α-кетоглутар кислоталар $\text{tg}\delta$ га камроқ таъсир кўрсатган. Диэлектрик сўрилувчанлик кўрсаткичи (ε) фақат

шовулсирка ва қаҳрабо кислоталари таъсирида ёмонлашиши аниқланган, бошқа органик кислоталар бу күрсаткич характеристикаларини деярли ўзгартирган. Солиштирма ҳажм ва устки қаршиликларга (ρ_v ва ρ_s) барча органик кислоталар сезиларли таъсир қилмаган.


Ю.П. Нюкша ходимлари билан целяназа ферменти 1%-ли препарatinинг таркибида целяноза бўлган материаллар (қофоз, мато) нинг физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилишган. Целяназа таъсирида қофоз синишига ва мато йиртилишга чидамлилиги ҳамда целянозанинг полимерланиш даражаси камайиши аниқланган. Шовул, сут, қаҳрабо, олма ва лимон кислоталарининг тенг қисмларидан тайёрланган, 30 г/л концентрацияли эритмаси ҳам қофознинг синишига чидамлилигини пасайтирган.

МЕТАЛЛАР БАКТЕРИАЛ КОРРОЗИЯСИННИГ БИОКИМЁВИЙ ВА КИМЁВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ


Сульфаттиковчи (сульфатредукция қилувчи, десульфатловчи) бактериялар (СТБ, ДСБ). Олтингугурт манбаи сифатида микроорганизмларнинг аксарияти сульфатларни ўзлаштиради ва уларни сульфидларгача тиклаш учун керак бўлган фермент системалари мавжуд. Бу жараён *ассимиляторлик сульфатредукцияси*, деб аталади ва унинг биокоррозияга бевосита алоқаси йўқ. Факат юқори даражада махсуслашган, облигат анаэроб СТБ биокоррозия қўзғатувчилариридир ва улар электронларнинг охирга акцептори сифатида сульфатларни қўллаши ва катта микдорда водород сульфид ҳосил қилиши мумкин (*диссимилаторлик сульфатредукцияси*). Бу бактериялар энергия ҳосил қилувчи реакция ўтказади:




Ассимиляторлик ва диссимилаторлик сульфатредукцияларнинг фарқи шундаки, биринчисига бир молекулани фаоллаштириш учун 2 АТФ молекуласи, иккинчисига эса 1 молекуласи талаб этилади ва факат “диссимилаторларда” аденоzinфосфосульфатни сульфит ва АМФ гача тикловчи аденоzin-5'-фосфосульфатредуктаза ферменти бор. Бу жараён кўп босқичли. Олдин сульфат АТФ томонидан фаоллаштирилади:




Кейин АФС сульфитгача тикланади:



Ундан кейин сульфит сульфидгача тикланади:



СТБ хемолитогетеротрофлар, карбонат ангидридни автотроф шаклида ассимиляция қила олмайди ва ўсиши учун тайёр органик моддаларга эҳтиёжи бор. Электрон ва водород донорлари сифатида улар бошқа хил ачишларнинг охирги маҳсулотларини (лактат, малат, этанол, пируват) ҳамда формиат, холин, кўп бирламчи спиртлар, аминокислоталар ва карбонсувларни қўллайди. Бунда лактат, малат ва этанол ацетат ва CO_2 гача оксидланади:



Десульфатловчи бактериялар таркибида flavопротеидлар, ферредоксин ва цитохромлари бўлган, электрон ўтказишнинг ривожланган занжири мавжудлиги аниқланган. Электрон ўтказиша уларнинг бирин-кетинлиги аниқланмаган, аммо оксидловчи фосфорлаш ва у билан туташган ташувчилар системаси воситасида сульфатга электронлар ўтказиш СТБ учун энергия манбаи эканлиги шубҳасиздир. Нефть микробиологиясида асосий саволлардан бири бўлса ҳам, нефтнинг карбонводородларини ўзлаштирилиши ҳозирликча ўрганилмаган. Баъзи сульфатредукция қилувчи бактериялар энергия манбаи сифатида молекуляр водородни ўзлаштира олади, аммо карбон манбаи сифатида органик моддаларни талаб қиласди.


СТБ таъсирида пўлат, темир ва алюминийнинг анаэроб коррозиясининг механизми ҳақида бир нечта гипотеза мавжуд. Улардан иккитаси дикқатга сазовордир: а) катод деполяризацияси гипотезаси – бактериялар полярлашган водородни истеъмол қилиши натижасида коррозия остидаги металлининг катод қисми стимуляция қилиниши; б) катод деполяризацияси стимуляция қилиниши гипотезаси – бактериялар сульфатни тиклашининг охирги маҳсулотлари бўлган темир ионлари ва сульфид ионларининг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган қаттиқ темир сульфидлари томонидан катод деполяризацияси стимуляция қилиниши. Сульфатредукция қилувчи бактерияларнинг катодни деполяризация қилиш қобилияти улар метаболизм жараёнида элементар водородни ўзлаштира олишига, яъни гидрогеназа ферменти фаоллигига боғликлиги аниқланган. Микроорганизм штаммida бу фермент фаоллиги қанча юксак бўлса, коррозия шунча кучли бўлади, бу эса биринчи гипотезани тасдиқлади. Аммо муҳитда темир сульфидининг катта миқдори мавжуд бўлса, ҳатто гидрогеназа фаоллиги кам бўлган штаммлар ҳам ўта кучли катод деполяризациясини қўзғатади. Шу сабабдан иккинчи гипотеза яратилган: муҳитда темир сульфидининг катта миқдори мавжудлигига у темир билан гальваник жуфтлик ҳосил қиласди, бунда сульфид катод ролини бажаради, темир эса коррозияланади. Темир сульфида вакт ўтиши билан атомар водородни бойлаши натижасида унинг катодлик фаолияти камаяди. Бактериялар гидрогеназаси фаоллиги натижасида водород кетади ва темир сульфиднинг катодлик функцияси тикланади. Шундай қилиб, иккинчи гипотеза гидрогеназа фаоллигининг аҳамиятини ҳам изоҳлайди.

Тион бактериялари. Булар сульфидлар ва олtingугуртнинг бошқа тикланган бирикмаларини сульфатларгача оксидлади. Бактерияларнинг сульфидларни оксидлаш тезлиги кимёвий оксидлашдан миллионлаб марта тезроқдир. Натижада


сульфат кислотанинг катта микдорлари қисқа вақт ичида ҳосил бўлади ва коррозион муҳит яратилади. Киев метрополитенини қуриш жараёнида, тоннелнинг баъзи қисмларидан ўтадиган нейтрал сувости сувлар бир неча ойда сульфат кислотанинг 0,1 н эритмасига айланган, натижада тоннелнинг пўлат қозикоёклари 40% га коррозияга учраган. Шу билан бирга, тион бактерияларининг биокоррозия қўзғатувчилар сифатидаги роли фақат сульфат кислота ҳосил қилишдан иборат эмас. *Thiobacillus ferrooxidans* темирнинг олтингугурт чала оксидини фаол оксидловчи бўлгани учун металл иншоотларига нисбатан жуда агрессив бўлган темир оксидигача оксидлайди. Темир оксид пўлат ёки темир устидан электронларни қабул қилиб олади ва темир чала оксидигача тикланади, сўнгра бактериялар томонидан яна темир оксидигача оксидланади ва х. Натижада ҳамиша темир оксида ҳосил бўлади ва металл емирилади.

Тион бактериялари ҳосил қиласидиган сульфат кислота тош ва бетон иншоотларини емириши мумкин. Бетон канализацион трубалар емирилишида бактериялар таъсири кимёвий таъсир билан қўшилиб кетиши мумкин. Ҳаво кислороди оқава сувларнинг водород сульфидини тиосульфат ва политионатгача оксидлайди, бу ҳосилалар оқава сувларнинг ишқорлигини pH 9-12 дан pH 7,7 гача пасайтиради. Бу шароитда *Thiobacillus thioparus* фаолияти орқали элементар олтингугурт ҳосил бўлади ва pH яна 5,0 гача тушади. *Thiobacillus ferrooxidans* ва *Thiobacillus concretivorus* олтингугуртни сульфат кислотагача оксидлайди (pH 1,0 гача пасаяди) ва бетон коррозияси бошланади.

Нитрификаторлар аммиакни нитратларгача оксидлайди: $\text{NH}_4^+ \rightarrow \text{NO}_2^- \rightarrow \text{NO}_3^-$. Ҳосил бўладиган азот кислотаси материаллар ва конструкцияларда коррозия қўзғатади. Нитрификаторлар ғовак структурали қурилиш материаллари – тош, ғишт, алебастр ва бетонни биозарарлайди. Ҳавода ва ёмғир сувида тез-тез учрайдиган аммиакни азот кислотасигача оксидлаб, улар юқорида келтирилган материалларнинг асосий компоненти – эримайдиган кальций карбонатни эрувчан кальций нитрат шаклига ўтказади. CaNO_3 материаллардан ювилиб, осон чиқиб кетади, натижада материал емирилади. Аммиак нитратларгача оксидланиши мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, унинг баъзи этаплари ноаниқ. *Nitrosomonas europea* билан ўтказилган тажрибаларда аниқланишича, аммоний ўзлаштирилиши мисга-боғлиқ-транслоказа иштирокида ўтади. Аммоний, ёки, эҳтимол, аммиак оксидланишини монооксигеназа катализ қиласи:



Кислороднинг бир атоми аммиакни оксидлайди, иккинчиси эса водородга бирикади ва сув ҳосил бўлади; тажриба шароитида водороднинг донорлари НАДН ёки гидроксиламин бўлиши мумкин. Тирик организмларда бу жараёнда цитохром *c554* иштирок этиши эҳтимолдан холи эмас. Аммиак оксидланишига ацетилен, метан ва карбонат ангидрид тўсқинлик қиласи. Аммиакдан ҳосил бўлган гидроксиламин аэроб шароитда нитритгача оксидланади:





Бу реакцияни гидроксиламинредуктаза катализ қиласы. Бу реакциянинг оралиқ ҳосиласи нитроксил (NOH) бўлиши тахмин қилинади, аммо у ҳали аниқланмаган:



Ёрдамчи маҳсулотлар сифатида азот чала оксида ва азот оксида ҳосил бўлиши мумкин.

Реакциянинг иккинчи босқичи (нитритлар нитратларгача оксидланиши) қуйидаги йўл билан амалга ошишининг эҳтимоли катта:




натижада: $\text{NO}_2^- + 0,5\text{O}_2 \rightarrow \text{NO}_3^-$.

Е.Н. Кондратьевага (1983) кўра, нитрификаторлар аммиакни нитратларгача оксидлаши жараёни қуйидаги схема бўйича ўтади:



Квадрат қавс ичидаги ҳали аниқланмаган ва нитрификациядаги иштироқи тахмин қилинган бирикмалар келтирилган.

Темир бактериялар. *Thiobacillus ferrooxidans* темирни оксидлаши қуйидаги йўл билан амалга ошади:




Бу реакция эркин энергия сал камайиши билан ўтади, шу сабабдан хужайра ўзини энергия билан таъминлаши учун темирни кўп қайта ишлаши лозим. Темир чала оксида олдин фосфат билан комплекс ҳосил қилиши, кейин бу комплексдаги электронлар убихинон ёки цитохром даражасида электрон транспорти занжирига кириши тахмин қилинади (М.В. Гусев, Л.А. Минеева, 1978):





Тикловчи (НАД·Н) ҳосил бўлиши электронларни тескари ҳаракатлантириш воситасида, электронларни АТФ Fe^{2+} дан O_2 га ўтказишда синтез қилинадиган АТФ ни қўллаб, амалга оширилади.

Темир бактериялар металларнинг сувга тегиб турадиган устки қисмини (мисол учун сув ўтказувчи трубаларни) коррозия қиласи. Бунда коррозиялананаётган

устки қисмда ҳар хил даражада аэрация қилинадиган “уялар” ҳосил бўлиши мухимдир. Бу жараён трубаларнинг пайванд қилинган жойларидағи чоклар ва бошқа нотекисликлар устида темир бактерияларнинг сув билан ювилиб кетмайдиган шилимшиқ тўдалари ҳосил бўлишидан бошланиши мумкин. Уларнинг остида сув тегмайдиган, демак аэрацияси кам, пастроқ потенциалга эга бўлган ва анод сифатида фаолият кўрсатадиган қисмлари пайдо бўлади. Трубанинг сув яхши тегадиган, аэрацияси яхши ва потенциали юқорироқ қисмлари катодга айланади. Анод қисмида темир металли эрийди – коррозия бўлади:



Озод бўлган электронлар O_2 ёки H_2O ни тиклайди. Fe^{2+} ионлари анодда $\text{Fe}(\text{OH})_2$ ҳосил қиласи ва у кейин $\text{Fe}(\text{OH})_3$ гача оксидланади. $\text{Fe}(\text{OH})_3$ анодга чўкади, потенциаллар фарқини кўпайтиради ва коррозияни тезлаштиради. Темир бактериялар мухитни нордонлаштириш орқали ҳам коррозияга имкон яратади:



ФУНГИЦИД ВА БАКТЕРИЦИДЛАРНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТАЪСИР ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Биомембраналар ва хужайра деворчаларининг тузилиши. Биоцидларни бактерия ва замбуруғлар хужайраларига кириши. Ҳар қандай моддалар, жумладан антисептиклар, тирик организмлар хужайраларига фақат уларнинг ташқи плазматик мембраналари орқали кириши мумкин. Шу сабадан биоцидлар синтези ва қўлланилиши хужайра мембраналари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши шарт. Мембраналар тирик қисмларини атрофидаги тирик бўлмаганидан ажратади, хужайрага молекула ва ионлар кириши ва улар ташқарига чиқишини бошқаради.

Бактерия, замбуруғ ва ўсимликлар хужайраларининг аксарияти қалин, мустаҳкам ва ноэластик қобиқ – *хужайра деворчаси* билан ўралган. Замбуруғлар хужайра деворчасининг таркибига полисахаридлар (глюканлар, хитин, маннан), липидлар ва оқсиллар киради. Мукор замбуруғларининг хужайра деворчаларида хитин фибрилляр мағиз (остов) ҳосил қиласи, матрикс асосини эса нейтрал қандлардан ва урон кислоталаридан иборат бўлган гетерополисахарид ташкил этади. Хитин молекулалари узунасига жойлашган ва β -1,4 гликозид алоқалари билан боғланган N-ацетилглюкозамин қолдиқларидан ташкил топган. Шунинг учун хитинни, цељлюозанинг ҳар бир глюкоза қолдиғидаги гидроксил ацетиламиногурӯҳ билан алмашган аналоги деб ҳисоблаш мумкин. Хитин жуда мустаҳкамлиги, кимёвий реагентлар, юқори ҳарорат ва бошқа факторларга турғунлиги билан характерланади. *Aspergillus niger* нинг хитини яхши ўрганилган. Амалда у оқсиллар, анорганик тузлар, липидлар билан боғланган ва ҳеч қачон эркин ҳолда учрамайди. Мицелиал замбуруғлар ўсув даврида хитин микдори ортиб боради.

Одатда бактерияларнинг хужайра деворчаси плазматик мемранадан тор периплазматик бўшлиқ билан ажратилган. Хужайра деворчасининг энг ички қатлами *пептидогликан* (*муреин*) дан ташкил топган. Пептидогликаннинг асоси β -1,4 алоқалари билан боғланган N-ацетил-глюкозамин ва N-ацетилмурам кислотасининг қолдиқларидан иборат бўлган полимердир. Бу гетерополисахарид занжирчалари хужайра деворчасида горизонтал йўналишда жойлашган ва кесасига бир-бири билан калта олигопептид кўппричалар билан боғланган. Бактерия хужайра деворчасида пептидогликандан ташқари ёрдамчи бирикмалар – полисахаридлар, оқсиллар, липидлар ва липосахаридлар мавжуд.

Плазматик мемраналар асосан уч синфга мансуб моддалар – липидлар (кўпинча фосфолипидлар), оқсиллар ва қандлардан ташкил топган; қандларнинг қолдиқлари ёки липидлар ёхуд оқсиллар билан кимёвий боғланган. Маълумотларга кўра мемраналар мозаик структурага эга. Уларнинг асосини липид молекулаларининг икки қаватли қатлами ташкил этади, бу қатламда молекулаларнинг гидрофил “бошчалари” ички томонга, гидрофоб “думлари” (мой кислоталарининг қолдиқлари) эса ташқарига қараб жойлашган. Бу липид асос ичида у ер-бу ерда оқсиллар жойлашган (“липид денгизида оқсил айсберглари”). ЭПР методи билан аниқланишича, ичак таёқчаси (*Escherichia coli*) мемранаси устининг ярмидан кўпроқ майдони оқсиллар билан қопланган, қолган майдонда эса липидларнинг поляр бошчалари чиқиб туради. Мембрана оқсилларининг 2 хили мавжуд: 1) мембранинг ташки қисмларига электростатик кучлар воситасида бириккан *периферик* оқсиллар, 2) бир қисми билан атрофдаги сув муҳитида, иккинчи қисми билан липид асосда жойлашган ва мемрананинг у бошидан бу бошигача етадиган *интеграл* оқсиллар. Ҳам липид, ҳам оқсил молекулалари мемранада латерал йўналишда (ён томонга) ҳаракатлана олади.

Биомемраналар орқали моддалар ўтказилишининг механизмлари. Ҳар қандай модда мемранадан ўтишида учта аспект мавжуд бўлади: 1) модда қандай қилиб гидрофоб липид барьердан ўтади; 2) модданинг хужайра ичидаги ва ташқарисидаги концентрациялари қанча; 3) агар модда концентрация градиентига қарши йўналишда ҳаракатланаётган бўлса, у ниманинг ҳисобига ҳаракатланаяпти? Одатда мемранадан ўтказишнинг уч турини ажратишади: а) пассив диффузия, б) енгиллаштирилган диффузия (мембрана ўтказувчилари воситасида) в) фаол, энергияга боғлиқ диффузия.

Пассив диффузияда концентрация градиентига биноан, модда миқдори кўпроқ муҳитдан унинг миқдори камроқ муҳитга пассив шаклда ўтказилади ва бунда энергия сарфланмайди. Бу жараён биомемраналарнинг асосий моддаси бўлган липидларда эрийдиган моддалар учун оддий диффузия қонунларига бўйсунади: модда диффузиясининг тезлиги унинг мемранада эрий олиши, хужайра ичида ва ташқарисидаги миқдорларининг фарқи ва диффузия коэффициенти билан белгиланади. Сувда эрувчан моддаларнинг пассив диффузияси камроқ ўрганилган. Тахмин қилинишича, липидларнинг гидрофоб карбонводород занжирчалари мемранада доим тўлғаниб, тўлқинланиб ва вақти-вақти билан бўшликлар ҳосил қилиб туради, улар орқали эса сув ва унда эриган моддаларнинг катта бўлмаган ва зарядланмаган молекулалари киради. Аммо “вақтинча ҳосил бўладиган тешиклар” теорияси мемранадан катта ҳажмли гидрофил молекулалар қандай қилиб ўтишини тушунтира олмайди. Бунда плазматик мемранада етарлича кўп сонли доимий тешиклар мавжудлиги ҳақидаги тушунчалар кўпроқ фойдали. Грамсалбий бактерияларнинг ташки мемраналаридан, уларни қандлар ва бошқа сувда эрувчан

метаболитлар учун ўтказувчан қилувчи махсус оқсиллар ажратилган. Ҳозирликча ҳар хил номлар (порин, матрица оқсиллари, колицин) билан аталган бу оқсиллар мемрананинг ҳар бир қисмida массаси 600-900 гача бўлган молекулаларни ўтказувчи, аммо макромолекулаларни тутиб қолувчи тешиклар ва каналлар ҳосил қиласди. Пассив транспортга дефектив бўлган ичак таёқчасининг мутантларида матрица оқсиллари йўқ. Мемранадаги канал (тешик) лар сони шу оқсил миқдорига мутаносибидир.

Мемранадан ионлар пассив ўтиши нафақат концентрациялар фарки, балки электрик потенциал ҳар хил бўлишига ҳам боғлиқ. Анион ва катионлар учун каналлар оқсиллари ажратилган.

Моддаларнинг хужайрага пассив транспортининг баъзи аниқ хусусиятлари маълум. Ноэлектролитларнинг хужайрага диффузия тезлиги қалинлиги ўшанча бўлган сувдан ўтишидан 100-10 000 марта секин. Тирик хужайрага ноэлектролитларнинг массаси 70 ва диаметри 0,5 нм дан каттароқ молекулалари диффузиясининг тезлиги молекуляр массасининг квадрат илдизига тескари пропорционал ва липидларда эрувчанлигига бевосита мутаносиб. Фенол ва бензохинонлар мисолида биоцидларнинг липофиллиги ва токсиклиги орасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Маълумотларга кўра, тетрагидрохинолиннинг мононитроҳосилларига нисбатан унинг динитроҳосиллари анча кам фунгитоксикликка ва айни пайтда камроқ (30-50 марта) мойда эрувчанликка эга (И.В. Злочевская). Тетрагидронрафталиннинг гидрофоблигини алкиллаш орқали кучайтирганда унинг биоцидлик хусусияти ҳам кескин кучайиши аниқланган. Чуқурроқ ўрганилганда модданинг фақат липидларда эрувчанлиги эмас, балки “мой – сув” тақсимланиш коэффициентлари, яъни сувда ва мойда эрувчанликлари орасидаги нисбатлари аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлган. Афтидан бу биоцид хужайрага киришида ҳам гидрофоб липид, ҳам гидрофил оқсил қатламларидан ўтиши, демак, ҳар иккисида ҳам эрувчан бўлиши лозимлиги билан изоҳланади. Тузилиши бир-бирига яқин бўлган моддалар гурухининг тақсимланиш коэффициенти бир хил бўлганида ўтказувчанлик одатда молекула ҳажмига тескари пропорционал. Массаси 70 дан кам бўлган молекулалар уларнинг мойда эрувчанлигига кўра эмас, балки анча тезроқ, афтидан тешиклар орқали, ўтади. Бактерия хужайрасига цитоплазматик мемранадан пассив диффузия воситасида триметоприм, нитрофуранлар, оксолин кислотаси ва сульфаниламилар каби бактерицидлар ва бир қанча сувда эрувчан антибиотиклар (рифамицин, макролидлар, линкомицин) ўтади. Уларнинг диффузияси жуда секин ўтса ҳам, антибиотиклар хужайра структуралари томонидан боғланиши туфайли диффузия барча хужайра рецепторлари тўйингунича давом этади.

Енгиллаштирилган диффузия махсус моддалар – молекула ва ионлар ўтказувчилари воситасида амалга ошади. Улар ўтказилиши лозим бўлган ва ўзлари мемранада эримайдиган моддалар билан бирикади ва бу моддаларни мемраналардан “судраб” олиб ўтади. Бунда ҳаракатланиш одатдаги каби концентрация градиентига кўра, аммо анча катта тезликда амалга оширилади. Енгиллаштирилган диффузия кўпинча сувда эрувчан моддалар учун характерли. Агар ҳаммаси бўлмаса, мембрана ўтказувчиларининг аксарияти оқсиллардир. Мембрана ўтказувчиларининг енгиллаштирилган диффузиядаги фаолиятининг механизми етарлича ўрганилмаган. Тахмин қилинишича, улар модда ўтказишни мемранада мокисимон ёки айланма ҳаракатлар қилиш ёрдамида амалга оширади. Баъзи маълумотларга кўра, ўтказилиши лозим бўлган моддалар билан контакт

кузатилганды, ўтказувчи оқсиллар ўз шаклини ўзгартирады, натижада мембранада “дарвозалар”, ёки каналлар очилады. Енгиллаштирилган диффузия катта тезлиги ва, ўтказувчининг куввати билан боғлиқ бўлган, ўтказилаётган модда концентрацияси ошганида тўйинтириш қобилияти мавжудлиги билан оддий диффузиядан фарқланади. Диффузиянинг бу тури ҳам ингибиторлар воситасида тўхтатилиши мумкин. Баъзан ўтказувчи воситасидаги модда транспорти бошқа биримани ўша йўналишда ўтказилиши билан бир вақтда амалга оширилади. Бу ҳодисага “симпорт” номи берилган. Масалан, қандлар ва аминокислоталар ҳужайра мембранасидан ўтиши натрий ўтказилиши билан бир вақтда содир бўлади. Агар биронта модда транспорти бошқа модданинг тескари йўналишда ўтказилиши билан бир вақтда содир бўлса, бу ҳодисани “антипорт” деб атасади. Аэроб бактерияларда енгиллаштирилган диффузия катта роль ўйнамаслиги тахмин қилинади. Анаэробларда афтидан бу жараён улар бир қатор бирималарни “ютишида” ва ачитиш махсулотларини ҳужайрадан чиқаришида иштирок этади. Бактериялар ҳужайраларига баъзи антибиотиклар енгиллаштирилган диффузия орқали киритилади. Бунда антибиотиклар учун структураси ўхшаш бўлган озуқа моддаларнинг, жумладан D-циклюсерин учун D-аланиннинг, сидеромицин учун сидераминларнинг, фосфомицин учун глицерофосфат ва гексозо-6-фосфатнинг ўтказувчилари қўлланилади.

Бактерия ва замбуруғларда майда пептиidlар учун кам специфик бўлган ўтказувчилар қашф этилиши ҳужайрага тез кириш қобилияти бўлган биоцидлар биосинтезининг янги йўлини ишлаб чиқишига имкон берди. Шу максадда аминокислоталарнинг токсик аналоглари баъзи моддаларни майда пептиidlарга биректириш орқали ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, алафосфин биоциди – аланиннинг битта қолдигининг карбоксили фосфон кислота билан алмаштирилган аланин-аланин дипептидидир.

Фаол транспорт. Биомембраналар факат пассив ўтказиш хусусиятига эга бўлиб қолмасдан, балки насосга ўхшаб, моддаларни бир – уларнинг концентрацияси пастрок бўлган – томондан иккинчи – уларнинг микдори кўпроқ бўлган томонга ўтказиши мумкин. Бу ҳодиса фаол транспорт номини олган. Фаол транспорт учун қуйидаги белгилар характерли: 1) субстратга специфилги – мембрана сиртида “ўтказувчи-субстрат” комплекси ҳосил бўлади; 2) метаболик энергияга эҳтиёжи борлиги; ўтказувчи мембрананинг ташқари томонига қараб жойлашганда субстрат билан жуда ўхшашлик, ичкари томонига қараб жойлашганда эса кам ўхшашлик алломатларини намоён этади. Энергия ўтказувчининг айни шу ўзгаришларига сарфланади.

Эримайдиган қаттиқ моддалар тирик организмга кичик, қаттиқ заррачалар ёки томчилар шаклида кириши мумкин. Бу жараён бундай заррачаларни ҳужайранинг ташқи мембранаси ўраб олиши ва ҳужайра ичига итариб киритиши билан изоҳланади. Моддалар ҳужайрага бу усулда киритилишига *эндоцитоз* (ёки қаттиқ заррачалар “ютилишига фагоцитоз, томчилар ютилишига эса *пиноцитоз*) номи берилган.

Пиноцитоз вакуолалари ҳосил бўлиши ҳужайра сиртига шишиб чиқадиган калта ва юпқа қобиқли ўсимталар ҳосил бўлиши ва улар ҳужайра мембранасига теккан суюқлик томчиларини уларнинг ичига мавжуд бўлган моддалар билан бирга ўраб олишидан иборат. Сўнгра ўраб олинган жой (вакуоль) цитоплазма ичига инвагинация қилинади (ютилади). Вакуолнинг ҳужайра ичига ҳосил бўлган деворчаси қалинлиги ва тузилиши бўйича плазматик мембранадан фарқ қилмайди.

Пиноцитозга қобилияти бўлган барча ҳужайралар плазматик мембраналарининг сирти полисахарид қатлами билан ўралган, шу сабабдан уларнинг усти характерли толали шаклга эга. Бу полисахаридлар ўзига пиноцитозни индукция қилувчи моддаларни бойлаб олиши эҳтимол қилинади. Афтидан, моддалар киришидан олдин уларнинг заррачалари ҳужайра мембранаси томонидан тортилади ва унинг устига адсорбция қилинади. Улар ҳужайра мембранасидан ферментлар ёрдамида узилади. Адсорбциянинг фаол иштирокчилари гликопротеидлар ва липидлар бўлиши гумон қилинади. Ҳар хил моддаларнинг пиноцитозни индукция қилувчи зарядланган заррачалари адсорбция қилингач, плазмолемма ғижимланади ва унда бурушиқлар ҳосил бўлади. Бу ҳужайра мембранасининг устки таранглиги камайганининг белгисидир. Натижада ҳужайра мембранаси ва унинг ёнидаги цитоплазманинг гелсимон қатлами орасидаги алоқа кучаяди, шу сабабдан мембрана йиртилмайди, балки, пиноцитоз каналлари ҳосил қилиб ҳужайра ичига тортилади. Шундай қилиб, пиноцитознинг роли ҳужайра ичига юқори молекуляр бирикма ва нисбатан катта ҳажмли заррачаларни киритишдир. ДНК молекулалари ҳужайри ичига, масалан трансформация пайтида, осон кириб олади. Кўп ферментлар ҳам фаоллигини йўқотмасдан мембранадан ўтказилиши мумкин.

Замбуруғ мицелийси ҳужайралари ичига ионлар ва фунгицидлар киритилишининг хусусиятлари ва унга ҳарорат ва pH нинг таъсири. Қандай усул билан – диффузиями ёки фаол йўл биланми, ионлар ҳужайрага киритилиши доим маълум қийинчиликлар билан кечади, чунки ион сув фазасидан липид фазасига ўтиши лозим. Бу қийинчиликлардан энг муҳими ионни, баъзи маҳсус ҳоллардан ташқари, деярли ҳар доим ўраб турадиган ва унинг ҳажмини анча кўпайтирадиган гидратациян сув мавжудлиги билан боғлиқдир.

Сувли эритмалардаги сув молекулалари ионлар атрофида атом ядросининг зарядланган заррачаларини таъминлайдиган электростатик кучлар билан ушлаб турилади. Сув молекулалари зарядланган атом ядроларига қанча яқин келса, улар шунча мустаҳкамроқ бойланади. Бир валентли катионларнинг гидратланмаган ҳолатдаги радиуси литийдан цезийгача кўпаювчи қатор ҳосил қиласи: $\text{Li}^+ < \text{Na}^+ < \text{K}^+ < \text{Rb}^+ < \text{Cs}^+$.

Ишқор ҳосил қиласидиган металларнинг гидратланган ва гидратланмаган катионлар радиуси ораларида тескари боғлиқлик мавжуд, демак юқорида келтирилган қаторда катионлар радиуси узунлиги тескари йўналишга айланади, яъни Li^+ нинг радиус узунлиги Na^+ никидан узунроқ ва х. Бир валентлиларга нисбатан поливалент катионлар анча кўп сувни ушлаб турса олади.

Гидратланган ионларнинг ҳажми катталиги улар мембраннынг липид фазасидан ўтишини қийинлаштиради, шу сабабдан кўпинча ионларнинг заряди қанча катта бўлса, электролитлар ўтиш қобилияти шунча кам бўлади. Одатда туз диссоциацияси қанча кам бўлса, анионларнинг ўтиш қобилияти шунча кўп. Гидратланган ионлар липид мембранасидан ўтиши учун улар ёки боғланган сувдан озод бўлиши керак, ёхуд бошқа қандайдир гидрофил йўлдан ўтиши керак. Мембранадан ўтишнинг иккинчи механизми эҳтимоли кўпроқ эканлиги маълум, аммо унинг муайян деталлари ҳали аниқланмаган.

Муҳит шароитлари (ҳарорат, pH) микроорганизмлар ҳужайраларининг мембраналаридан моддалар, жумладан биоцидлар ўтишига кучли таъсир қиласи. Мисол учун, ҳарорат 20°C дан 30°C гача кўтарилганда *Candida utilis* ҳужайраларига фаол киритиладиган Cu^{2+} ионларининг микдори 3 мартадан кўпроқقا ошган. Ҳароратнинг янада 42°C гача ошиши сўрилиш жараёнини тўхтатган. Кумуш

ионларига нисбатан ўша замбуруғда бошқа қонуният – қандай ҳароратда инкубация қилинишидан қатъий назар, *C. utilis* Ag⁺ ионларининг барчасини боғлаши кузатилган, чунки кумуш сўрилиши адсорбция усули билан амалга ошади.

Мис ионлари сўрилиши инкубацион мухитнинг pH қўрсаткичига ҳам боғлиқ. *C. utilis* ҳужайралари мисни сўришида pH нинг нордон ва ишқорли реакциялари камаяди ёки кузатилмайди. Микроорганизм ҳужайралари устида зарядлар бўлиши pH нордон ёки ишқорли бўлганида икки қаватли электрик қатлам ҳосил бўлишига олиб келади ва ундан ионлар диффузияси қийинлашади. Нордон мухитларда *Penicillium nigricans* нинг мицелийси оғир металлар тузлари таъсирига нисбатан чидамли, аммо нейтрал мухитда уларга замбуруғнинг сезгирилиги ошади.

Резиналар замбуруғларга чидамлилигига pH таъсири жуда мухимлиги аниқланган (Г.И. Рубан). Резинадан ажратилган ва таркибида 5 мг/л натрий пентахлорфенолят бўлган озуқа мухитига экилган *Aspergillus flavus* замбуруғининг ўсиши pH 3,0-6,0 да 100% га тўхтаган, аммо pH 8,0 да фақат 30% га камайган. Гексахлорфен фунгициди эса pH 7,0 бўлганида замбуруғ ўсишига фаол тўскинлик қилган, pH 5,0 да эса ўсишига таъсир қилмаган.

Аниқланишича мис оксихлориди ва гексаметилендиаминларнинг 10⁻³ концентрациясида мицелиал замбуруғлар конидиялари ўсишини pH 5,0 да 90% га камайтирган. Ишқорли мухитда (pH 8,0) мис оксихлоридининг фунгицидлик таъсири қучайган (споралар ўсиши 100% га тўхтаган), гексаметилендиаминники эса камайган (споралар ўсиши 35% га камайган). Фунгицидлар фаоллиги мухит реакциясига боғлиқлиги аксарият ҳолларда pH фунгицидлар диссоциациясига таъсири билан изохланади, бу эса фунгицидларнинг ҳужайрага киришига кучли таъсир қилади. Мухитнинг pH реакцияси ҳужайра мембраннынг структура ва хусусиятларига кучли таъсир қилади, чунки улар фунгицид ҳужайрага кириши тезлигини белгилайди. *Aspergillus niger* турининг мицелийси нордон мухитда (pH 1,0-4,0) аммоний бихроматнинг максимал микдорларини сўради, ишқорли мухитда (pH 10,0) эса сўриш тезлиги тахминан 3 марта камаяди. Нордон реакция мавжудлигига хром ионлари ҳужайранинг барча структуралари (цитоплазма, ҳужайра деворчаси, вакуолалар ва органеллалар) да топилади. Мухит реакцияси ишқорлик томонга силжиса хром ионлари органеллаларда қайд этилиши анча камаяди.

Мухит факторлари таъсирида нафақат антисептиклар, балки цитоплазма компонентлари сўрилиши ҳам ўзгаради. Масалан, *Aspergillus ustus* турига фунгицидлик таъсир кўрсатувчи аммонийнинг тўртламчи бирикмалари 0,1% ли концентрацияда аминокислоталар ва карбонсувлар ҳужайрадан эритмага ўтишига олиб келади. Моддаларнинг *A. ustus* ҳужайрасига нормал сўрилиши бузилишида ҳарорат ҳам катта роль ўйнайди: атроф-мухит ҳарорати, ҳужайра хаётчаглигини сақлай оладиган чегараларда ошиши моддалар ҳужайрадан чиқишини кучайтиради.

Бактериялар ҳужайра деворчаси ва цитоплазматик мембраннынг хусусиятлари. Бир қатор бактерицидлар фақат грамижобий бактерияларга нисбатан фаоллик кўрсатади. Бу афтидан, грамсалбий турларникига кўра грамижобий турларнинг ҳужайра деворчалари оддийроқ тузилганлиги билан боғлиқdir. Грамсалбий бактерияларга, бактерицидларга сезувчанликни анча оширувчи, хелат ҳосил қилувчи агент – этилендиаминтетрасирка кислотаси (ЭДТА) билан ишлов бериш тажрибалари ҳам юқорида айтилганларни тасдиқлаган. Ишлов беришда, ҳужайра деворчасини баркарорлик билан таъминловчи кальций ва магний катионлари боғланиши

натижасида, хужайра деворчасиинг 30-50% липополисахаридлари озод бўлади. ЭДТА билан ишлов берилганда цитоплазматик мембрана ва пептидогликанлар ўзгариши эҳтимоли камлиги учун, кўп бактерицидлар (жумладан антибиотиклар ҳам) хужайрага кириши хужайра деворчаси липополисахаридлари билан кучли даражада боғлиқдир. Липополисахаридлари ўзгартирилган *Escherichia coli* ва *Salmonella minnesota* бактериялари мутантлари билан ўтказилган тажрибалар ҳам юкорида айтилганларни тасдиқлаган. Антибиотик ва бошқа бактерицидларга ўта сезувчан мутантларнинг липополисахаридларида баъзи структура берувчи моносахаридлар йўқлиги аниқланган.

Грамсалбий бактерияларнинг хужайра деворчаларида енгиллашган диффузия воситасида транспорт қилиш қобилияти йўқ. Аммо деворча ташқи мембраннынг оқсил матриксида липид қатламлардан ҳам ўтувчи тешиклар ҳосил бўлади. Улар ташқи мембранныдан молекуляр массаси 600-700 дан юксак бўлмаган гидрофил бирикмалар осон ва анча юкори тезлик билан ўтишини таъминлайди. Бу ўтказиш хусусияти носпецифик хусусиятдир. Хужайра матриксидаги оқсиллар структурасига таъсир қилувчи мутациялар бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанигини камайтиради.

Липидда эрувчан бирикмалар пассив диффузия воситасида хужайра ташқи мембраннынг икки қатламидан ўтади.

Грамсалбий бактерияларнинг ташқи мембраннынг ҳам молекуляр, ўрни босилмайдиган озука моддалари (масалан, В₁₂ витамини) нинг специфик рецепторлари мавжуд. Структураси уларга яқин бактерицидлар бу рецепторлар воситасида мембранныдан ўтиши мумкин.

Биоцидлар учун цитоплазматик мембрана ҳам маълум даражадаги барьерлик функциясида эга. Хужайра қобиги бу барьер ҳажмини анча кўпайтиради. Бу икки структура бир қатор грамсалбий бактериялар (масалан, *Pseudomonas aeruginosa*) нинг антибиотикларга юкори чидамлилигини таъминловчи асосий фактордир.

ФУНГИЦИД ВА БАКТЕРИЦИДЛАР – БИОКИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР ИНГИБИТОРЛАРИ

Фунгицид ва бактерицидлар ҳамда микроорганизм хужайрасининг муҳим моддалари орасидаги муносабатлар механизми. Фунгицид ва бактерицидлар микроорганизм хужайрасидаги моддаларнинг анча кичик функционал гурӯҳи билан ўзаро муносабатга киради, аммо бу гурӯҳ метаболизм ва хужайра структуралари ҳосил бўлишида ўта муҳим роль ўйнайди. Энг кўп хужум қилинадиган гурӯх *тиол* (сульфигидрил) гурӯхидир. Оқсил молекулалари структураси, демак уларнинг биологик (жумладан ферментатив) фаоллиги, кўп ҳолларда тиол гурӯхлари мавжудлиги ва уларнинг молекулада жойлашишига боғлиқ. Кофермент А, липо кислотаси, цистеин ва глутатионларнинг фаолияти асосан бу гурӯхлар орқали амалга ошади.

Тиол гурӯхлари билан таркибида оғир металлар катионлари ёки хинонлар бўлган биоцидлар, молекуласида кетогурӯхлар бўлган фунгицидлар, дитиокарбаматлар, метилизотиоцианат, каптан ва бошқа, R – SCl₃ шаклидаги бирикмалар ўзаро таъсир қиласи.

Хужайрадаги аминогурӯхлар биоцидларнинг яна бир муҳим акцепторларидир. Тиол гурӯхлари билан бирга улар оқсилларнинг структураси ва биологик фаоллигини аниқлайди. Дирен (2,4-дихлор-6 симмтриазин) ва унинг

томологлари аминогурухлар билан реакцияга кирувчи фунгицилар мисоли бўла олади. Фунгицид ва бактерицилар ҳужайрадаги молекуласида карбоксил, альдегид ва спирт гурухлари бўлган моддалар билан ҳам реакцияга киради. Юқорида келтирилган гурухлар ва биоцилар орасидаги реакциялар ҳар хил – нуклеофил ўрнини алмаштирувчи, оксидловчи-тикловчи, хелат ҳосил қилувчи ва бошқа хил бўлиши мумкин. Биронта метаболит таркибида водород протонини алмаштирувчи нуклеофил ўрнини алмаштириш реакцияси анча кўп учрайди. Фунгицид ёки унинг функционал гурухи ёхуд ҳатто эритувчининг тузилиши билан боғлиқ ҳолда ўрин алмаштиришнинг механизми мономолекуляр ёки бимолекуляр бўлиши мумкин.

Мономолекуляр нуклеофил ўрин алмаштиришда биоцид олдин фаол – ион ёки радикал шаклини олади ва кейин ҳужайра метаболити билан реакцияга киради. Масалан, таркибида хлор бўлган биоцилар карбон ионларини ҳосил қила олади. Тахмин қилинишича, ҳужайра компонентлари билан этилен оксид ва элементар олтингугурт эркин радикал шаклида реакцияга киради. Ҳужайрада сув кўп бўлган шароитда таркибида олтингугурт бўлган фунгицилар ва бактерицилар эркин радикал ҳосил қила олиши ҳозиргача аниқланмаган.

Бимолекуляр нуклеофил ўрин алмаштириш реакциясида биоцид функционал гурух, масалан, тиол гурухи билан оралиқ бирикма ҳосил қиласи:



Фунгицид ва бактерицилар ҳужайра метаболитлари билан оксидловчи-тикловчи шаклли реакцияларини озон, гипохлорид, водород сульфид, сульфитлар ва карбон сульфид каби токсикантлар мисолида кўрсатиш мумкин. Бу бирикмалар нафақат метаболитларнинг функционал гурухларини парчалайди, уларнинг таъсири ортиқча электронларни чиқариш ёки электронларни ҳужайрага киритиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар бу жараёнда ҳосил бўладиган электрон зичликнинг кескин ўзгаришлари глютатион ва ҳужайранинг бошқа оксидловчи-тикловчи буфер системалари томонидан тенглаштирилмаса, метаболизм бузилади. Тахминга кўра, олтингугурт фунгитоксиклик таъсирининг эҳтимол қилинган механизми протопластдан электронларни чиқаришидир. Олтингугуртга сезгир замбуруғлар уни тезда водород сульфидгача тиклайди. Бунда ўзлаштириладиган протонлар манбай, афтидан, нафас олиш системасини дегидрогенизация қиласи. Протонлар этишмаслигига бу системаларнинг фаолияти тўхтатиши мумкин. Айни йўл билан терминал оксидазаларнинг протонлари учун олтингугурт кислород билан рақобат қилиши ва оксидловчи фосфорланишни тўхтатиши мумкин.

Кўп металлар катионлари ёки бир қанча ферментлар таркибида киради ёхуд уларни фаоллаштиради ҳамда бошқа метаболик жараёнларда ҳам иштирок этади. 8-гидрохинолин шаклли фунгицид ва бактерицилар металларни боғлаб, улар иштирок этадиган реакцияларни тўхтатади.

Юқорида келтирилган биоцилар ва ҳужайра метаболитлари орасидаги таъсиirlар механизmlари биоциларнинг ҳужайрага хилма-хил таъсири қилиш усулларининг барчасини қопламайди. Анча торроқ, танлаб таъсирили ва айrim ферментлар, оксиллар ва нуклеин кислоталарининг специфик ингибиторлари сифатида маълум бўлган фунгициларнинг аҳамияти жуда катта.

Улар қаторида ҳужайра мембранныни емирувчи бирикмалар ҳам диққатга сазовордир.

Ферментлар фаолиятини тұхтатилиши ёки кескин камайтирилиши. Ҳар қандай тирик мавжудот каби, микроорганизмлар ҳаёт кечиришида ферментларнинг роли ўта мұхимдір. Метаболизм жараёнлари, биосинтез қилиш фаолиятининг йүллари, энергияни тұплаш ва ўтказиш, күп моддаларнинг ҳаракатчанлиги ва хужайрадан хужайрага ўтказилиши – буларнинг ҳаммаси оқибатда ферментларга боғлиқдір. Биоцидлар аксариятининг тирик организмлар учун токсиклиги уларнинг айнан ферментлар фаолиятига тұсқынлик қилиши, яғни уларнинг фаоллигини йүқотиши билан изохланади. Мұхим метаболик жараёнда қатнашаётган ферментлардан ҳатто биттасининг фаолияти бузилғанда бутун жараён тұхтаб қолиши ёки ҳатто организм ҳалок бўлиши мумкин. Ферментлар фаоллигини йүқотишининг бир нечта йўли мавжуд: 1) катализ бўладиган жойнинг фаолиятини бузиш; 2) субстрат бойланиш жойига бевосита таъсир қилиш; 3) кофактор бойланиш жойига таъсир қилиш. Специфик ингибиторлар битта фермент ёки тузилиши ва хусусиятлари бўйича яқин бўлган ферментлар гурухи фаоллигига танлаб таъсир қилиш воситасида тұсқынлик қиласи. Специфик ингибиторлар қаторига фосфатазалар фаолиятини тұхтатувчи натрий фтор, таркибида металл бўлган ферментларининг ингибитори фенатролин, SH-ферментларга тұсқынлик қилувчи *p*-хлормеркурибензоат ва серин ферментларининг ингибитори дизопропилфторфосфат (ДДФ) киради. *Ферментлар фаолияты тұхтатилишининг орқага қайтарилиши ("ферментлар согайиши")* мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Бундай гурухларга бўлиш анча шартли равишида қабул қилиниши лозим, чунки орқага қайтиши мумкин бўлган күп ингибиторларнинг тузилиши ферментларникига жуда яқин. Ферментлар фаоллигини камайтирадиган хужайра метаболитлари ва уларнинг структураси бўйича аналоглари бундай ингибиторлар мисоли бўла олади. Ферментлар фаолиятининг орқага қайтарилиши мумкин бўлган тұхтатилиши иккى – рақобатли ва рақобатсиз хилларга бўлинади.

Рақобатли тұхтатилишда субстратнинг кимёвий аналоги ферментнинг фаол маркази билан комплекс ҳосил қилиши мумкин. Агар бу комплекс нисбатан барқарор бўлса, аналог фермент ва субстрат орасидаги контактни йўқотади ёки камайтиради ва фермент фаолияти рақобатли тұхтатилади. Сукцинатоксиреуктазага натрий малонатнинг таъсири рақобатли тұхтатилишининг яққол мисолидир. Этиониннинг фитофторага фунгицидлик таъсири у метионин аминокислотасининг структура бўйича аналоги эканлиги ва унинг ушбу аминокислота ўрнига метилтрансферазалар билан боғланишига, натижада ушбу ферментлар таъсирини йўқотишига ва жуда мұхим жараён – метил гурухлари ўтказилиши тұхтатилишига асосланган. Гликоль кислотасининг рақобатчиси 2,4-дихлорфеноксисирка кислотаси гликолатоксидаза ферментининг фаолиятини тұхтатади. НАД билан ракобат қилиб, аммонийнинг алкил-тўртламчи тузлари НАД га боғлиқ дегидрогеназаларга боғланади ва уларнинг фаолиятини тұхтатади.

Рақобатсиз ингибитор фермент билан унинг фаол марказидан ташқарыда боғланади, шу сабабдан субстрат ва ингибитор орасида рақобат муносабатлари йўқ; тұхтатилиш даражаси фақат ингибитор микдори билан аниқланади. Фермент билан алоқага кирган рақобатсиз ингибитор ферментнинг тузилишида ва фаол марказнинг структурасида мұхим ўзгаришлар кўзғатади, натижада фермент субстратни тұғри шаклда боғлай олмайди. Баъзи ҳолларда биоцидларнинг ферментларга нисбатан ингибиторлик хусусияти ферментларнинг активаторлари ёки кофакторларининг фаолияти тұхтатилиши билан боғлиқ. Масалан, амин ва тиоллар билан реакцияга кирадиган биоцидлар улар билан боғлиқ бўлган ферментлар фаолиятини тұхтатади.

Бир қатор фунгицид ва бактерицидлар коферментлар билан реакцияга киради, уларнинг фаоллигини йўқотади ва ферментлар фаолиятини тўхтатади. Масалан, капитан ва дихлон *Neurospora* sp. замбуруғида пируват А ацетилкоэнзимга айланишини тўхтатади, А ацетилкоэнзим инактивацияси натижасида трикарбон кислоталар цикли бутунлай амалга ошмайди. Фунгитоксик хелатловчи агентлар металл-кофакторларни боғлаб, металларга боғлиқ ферментлар фаолиятини тўхтатади. Масалан, набам, манеб, цирам, мис дитиокарбамати каби хелатловчи фунгицидлар ТКЦ нинг темирга боғлиқ аконитаза ферменти фаолиятини тўхтатади. Хелат агенти, аммо темир тузи бўлган фербам аконитазага нисбатан ингибиторлик хусусияти кўрсатмайди.

Биоцидлар субстратлар билан реакцияга кириб, уларни ферментлар билан реакцияга кира олиш қобилиятидан маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Масалан, ип газламаларга пардоз беришда ишлатиладиган метилол-меламин целлюлоза толалари билан реакцияга кириб, уларни целлюлаза ферменти таъсиридан химоя қиласди, натижада газламаларга замбуруғларга чидамлилик хусусияти берилади. Фенилгидразинлар ва уларнинг ҳосилалари замбуруғлар спора ҳосил қилишига тўскىнлик қиласди. Бунинг сабаби, фенилгидразинлар α -кетокислоталар, жумладан глиоксиль кислота билан фаол реакцияга киради, натижада глиоксиль кислота замбуруғ спора ҳосил қилиши учун керак бўлган реакцияга кира олмайди.

Яна бир нарсани назарда тутмоқ керакки, биоцидлар барча ферментлар фаолиятига тўскىнлик қилмайди ва уларни баъзи ҳолларда фаоллаштиради. Масалан, кўп анорганик тузларнинг юқори концентрациялари ферментларга ингибиторлик кўрсатса, паст концентрациялари фаоллаштиради. Бу айниқса биоцидлар тозаланган фермент билан эмас, балки тирик ҳужайра билан реакцияга кирганида кузатилади. Биоцид таъсирида микроорганизм ҳужайраси ҳалок бўлиши цитоплазмадаги кўп моддалар парчаланиши, гидролазалар ва нафас олиш ферментлари фаоллашиши туфайли “патологик нафас олиш” натижасида кузатилади.

Бактериялар учун ферментлар синтезининг субстрат индукцияси характерли. Масалан, пенициллиннинг етарлича оз концентрацияси ушбу антибиотикни парчаловчи пенициллиназа ферменти синтезини индукция қиласди. Бундай ҳолларда биоцид ферментларни индукция қилиши бактерияларнинг ўзларини химоя қилиш реакциясидир.

Каптан, α -фенилфенол ва мис сульфат фунгицидларининг сублетал микдорлари *Sclerotinia* sp. замбуруғининг бир қатор ферментлари (тексокиназа, альдолаза ва цитохромоксидазалар) нинг фаоллигини оширади. Бу ҳодисанинг механизми яхши ўрганилмаган ва юқорида кўрсатилган фунгицидлар ферментларнинг ўзларига эмас, балки ферментларнинг ҳужайра ичидаги ингибиторларига таъсири қилиши эҳтимоли мавжуд.

Биоцидлар мембраналарнинг структураси ва хусусиятларига таъсири. Кўп биоцидлар (антибиотиклар, сирт фаол моддалар, симоб-органик бирикмалар ва феноллар), биомембраналар ва ҳужайра деворчаларининг структураси ва фаолиятини бузиши натижасида микроорганизмлар ҳаёт кечиришига тўскىнлик қиласди. Полиоксин гурухига мансуб антибиотикларнинг фунгицидлик таъсири ацетилглюкозаминдан хитин ҳосил бўлишини рақобатли тўхтатишидир. Полиоксинлар ачитки замбуруғларига нисбатан мицелиал замбуруғларга фаолроқ. Микроорганизмларнинг цитоплазматик мембраналари икки хил вазифани бажаради, улар 1) кичик молекулаларнинг эркин диффузияси йўлида осмотик барьер ҳосил

қилади; 2) махсус ўтказиш механизмлари воситасида метаболитларнинг хужайра ичидағи концентрацияларини назорат қилади. Бу фаолиятлардан биттаси бузилса, хужайра самарали метаболик бирлиги сифатида фаолият кўрсата олмайди. Мембраналарнинг барьерлик хусусияти уни ташкил қилувчи липопротеид қатламларнинг махсус тузилишига асосланган. Мембраналарнинг бутунлиги асосан липидлар ва оқсилларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Липопротеид структураларнинг бузилиши ёки диссоциацияси мембранадан метаболизм махсулотлари чиқиб кетишига ва танлаб ўтказиши қобилияти йўқотилишига олиб келади. Шу сабабдан липидлар ва оқсилларнинг ўзаро муносабатларига таъсир қилувчи ҳар қандай модда микроорганизмларга қарши таъсирга эга бўлади. Хужайра фаолияти ва фаоллиги учун мембраналар орқали ионлар ўтказилиши ўта мухим, бунда ионлар концентрациясининг градиенти хужайрада танланган ионлар концентрациясини таъминлашга қаратилган харакатланиш кучини таъминлайди. Агар мембрана ионлар учун ўтказувчи килинса ёки уларнинг транслокацияси билан бошқа моддалар транспорти орасидаги алоқани бузилса, бундай транспорт механизми фаоллигини йўқотиши мумкин. Ҳозирги кунда цитоплазматик мембраналарга таъсир қилувчи препаратларни уч синфга бўлиш мумкин: 1) мембрана структурасини бузувчи моддалар; 2) мембрана билан боғлиқ бўлган ва транспорт жараёнида иштирок этувчи оқсил фаолиятини тўхтатувчи моддалар; 3) айрим ионлар учун мембранинг ўтказувчанлик хусусиятини махсус шаклда ўзгартирувчи моддалар.

БИОЦИДЛАР АСОСИЙ ГУРУХЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ҳозирги даврда кимёвий бирикмаларнинг ҳар хил синфларига мансуб бўлган бир неча минг биоцидлар рўйхатга олинган.

Анорганик биоцидлар. Тирик организмларга бир қанча катионлар, биринчи навбатда оғир металларнинг катионлари токсик таъсир кўрсатади. Мисол учун, *Aspergillus* турлари учун Ag^+ , Cd^{2+} , Hg^{2+} , Tl^+ катионларининг токсик концентрациялари $10^{-4} - 10^{-6}$ моль. Pb^{2+} , Zn^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Co^{2+} , Al^{3+} , Cr^{2+} катионларига (10^{-3} моль) ҳамда ишқор ҳосил қиласидиган ва ишқор-ер металларига ($10^{-1} - 10^{-2}$ моль) бу замбуруғлар камроқ сезгир. Анионлардан токсиклиги энг юқорилари HAsO_4^{-2} (10^{-3} моль) ва CrO_4^{-2} (10^{-4} моль). Металлар фунгитоксиклиги ва уларнинг периодик системадаги ўрни орасида бироз корреляция бор: битта гурух ичida атом массаси кўпайиши билан биоцидлик хусусияти ҳам ортади. Фунгицидлик даражасига биноан металларни уч гурухга бўлиш мумкин: энг токсик – кумуш, симоб, мис; ўртача даражада заҳарли – кадмий, хром, қўрғошин, кобальт, цинк; энг кам заҳарли – темир, кальций. Токсиклик даражаси юқоридаги металларнинг электроманфийлиги ва, мутаносиб равища, улар хелатларининг барқарорлиги ва сульфидларининг эрувчан эмаслиги билан корреляция қилиши аниқланган. Оқсилларнинг ҳар хил функционал гурухлари билан ионлар специфик ва носпецифик шаклда реакцияга киради, натижада оқсилларнинг структураси ва фаолияти бузилади. Симоб ва кумуш катионлари сульфигидрил гурухларга анча ўхшаш. Бу катионлар тиол ферментлари фаол марказининг сульфигидрил гурухларига бирикиб, ферментларни қайтариб бўлмайдиган даражада инактивация қиласи ва хужайранинг модда алмашинувини бузади. Fe^{3+} ионлари, РНК-аза ферментига рақобатчи ингибитор бўлгани учун, дрожжа РНК-азасининг фаол маркази билан реакцияга киради. Бир қатор катионлар (Hg^{2+} , Cd^{2+} , As^{3+} , Cr^{6+} , Ag^+ ва б.) ДНК ни парчалайди ва хужайра ўсишини тўхтатади.

Тузлар ишлаши мұхиттінің фаол реакциясга боғлиқ. Масалан, *Penicillium nigricans* замбуруғининг мицелийсі мұхиттінің реакцияси нордонлигіда оғир металлар (Fe^{3+} , Co^{2+} , Ni^{2+}) тузларига чидамли, нейтрал реакциясида эса сезгір. Афтидан бу рН нінг оқсиллар диссоциацияси ва мембраналарнинг ўтказувчанлигига таъсири билан боғлиқ.

Қалайорганик бирикмалар. Триалкилқалайхлоридлар микроорганизмларға қарши юқори фаолликка эга. Улар мицелиал замбуруғларға әнг кучли, бактерия ва дрожжаларға камрок таъсир қиласы. Бу типдаги бирикмаларнинг токсиклигі занжирларда карбон атомлари күпайиши билан ошиб боради. Бу триметил-, триэтил-, трипропил- ва трибутилқалайхлоридлар мисолида күрсатылған; триалкилқалайхлоридларнинг антимикроб самарасини ЭДТА күчайтиради. Полимер қалайорганик бирикмалар ҳам биоцидлик хусусиятларига эга. Улар паст молекуляр бирикмаларға күра атроф-мухит учун анча кам хавфли. Бутилметакрилат ва малеин ангидрид асосида ишлаб чиқылған ва биоцид қалайорганик гурухлари киритилген сополимерлар, *n*-триорганостаннилимидалар ва R_3SnX типдаги бирикмаларнинг (R – алкил ёки арил радикали, X – электроманфий груп) биологик фаоллиги күрсатылған.

Қалайорганик бирикмалар, хусусан трифенилбутилқалайнинг токсиклигі улар оксидловчи фосфорлаш жараёнида электрон транспортини тұхтатиши билан боғлиқлигі аниқланған. Бу күрсатылған бирикмаларнинг мембрана билан боғлиқ бүлған АТФазалар компонентларига таъсири натижасидір. Ундан ташқары, трифенилбутилқалай ионофор бүлгани учун анионлар орасида алмашинувни ҳам таъминлайды. Баъзи хабарларға күра қалайнинг бирикмалари мицелиал замбуруғларнинг хужайра деворчаси синтезига ҳам салбий таъсир күрсатади.

Симоборганик бирикмаларнинг организмлар метаболизмiga таъсир қилиш механизми хилма-хил. Таркибида оғир метал катиони мавжудлигі учун улар ферментларнинг тиол гурухларини блокировка қиласы ва оқсилларни айнитади. Масалан, симоборфенил ҳар хил оқсиллар билан боғланиб, нафас олишни ҳамда оқсил, РНК ва ДНК синтезини тұхтатади. Фенилмеркурацетат хужайраннинг мембрана системасига таъсир қиласы ва бир қанча цитологик ўзгаришлар күзгатади. Меланин ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлған ферментатив жараёнлар ҳам тұхтатилиши тахмин қилинади. Қалайнинг органик бирикмалари таъсирида оқсиллар учун цитоплазматик мембранның ўтказувчанлигига камаяди. Мертиолат *A. niger* замбуруғи мицелийсіда оқсил биосинтезига тұсқынлик қиласы (А.А. Анисимов, В.Ф. Смирнова). Мертиолат трансляция жараёнига таъсир қилишининг әхтимоли жуда юқори. Мертиолат Кребс цикли реакцияларини катализ қилувчи дегидрогеназалар (МДГ, СДГ, ИДГ) фаоллигини анча пасайтиради, натижада *A. niger* замбуруғининг культурал суюқлигига органик кислоталар жуда камайиб кетиши ва уларнинг сифат таркиби ўзгариши кузатылади. Мертиолат нафас олишнинг бошқа ферментлари – терминал оксиредуктазалар (каталаза, пероксидаза, цитохромоксидазалар) фаоллигига ҳам тұсқынлик қиласы.

Хлорорганик бирикмалар. Нафас олиш жарёнига таъсири туфайли күп хлорорганик бирикмалар токсик эффект намоён қиласы. *A. niger* замбуруғининг культурал суюқлигига моноклорацетаминоканифоль ёки 4,5,6-трихлорбензоксазолинон (4,5,6-ТХБ) киритилганида нафас олиш жараёниннинг фаоллиги пасайған. Моноклорацетаминоканифоль гликолиз ферментларидан бири – альдолазани ва пентоза йүлиннинг әнг мұхим ферменти – глюкозо-б-фосфатдегидрогеназаның фаолиятини тұхтатиши исботланған. Полифункционал

хлорорганик бирикма – 1,4-дихлор-2-5-диметоксибензол кислород ўзлаштирилишини ва цитохромоксидаза фаоллигини камайтиради. Гексахлорциклогексан мицелиал замбуруғларга таъсир қылганида озуқа моддалар ўзлаштирилишида иштирок этадиган гидролитик ферментлар (целлюлазалар, амилазалар) фаоллиги пасайган. Дихлорпропион кислота оқсил синтезини қайта аминлаш жараёни бузилиши натижасида аминокислоталар синтезини, аминокислоталар оқсилларга киритилишини ва натижада оқсил синтезини түхтатади. 4,5,6-ТХБ таъсирида *A. niger* замбуруғи мицелийсида оқсил миқдори камайган. Бу фунгицид таъсир этадиган “нишон” пуромицин антибиотигиникига яқинлиги таҳмин қилинганд; бу антибиотик структураси тузилиши бўйича аминоацил-т-РНК нинг охирги АМФ қисмига ўхшашлиги натижасида полипептид занжири ўсишини бузади. Аммо оқсил синтезининг ўша босқичида 4,5,6-ТХБ нинг аниқ таъсир механизми пуромициннидан бошқача, чунки 4,5,6-ТХБ нинг тРНК га ўхшашлиги йўқ.

Таркибида хлор ва бром бўлган, ҳатто полигалоген карбонводородлар 0,001-1,0% концентрацияда антимикроб таъсир намоён этмайди. Улардан энг фаоли – 0,01-0,001% концентрацияда замбуруғ ва бактериялар ўсишига тўсқинлик қилувчи 1,2-дибромгексахлоргексан. Таркибида ҳам хлор, ҳам бром бўлган карбонводородлар таркибида улардан фақат биттаси бўлганларидан фаолроқ. Чекланган карбонводородлар микромицетларга кўра бактерияларга фаолроқ. Галогеналканлардан галогеналкенларга ўтишда биоцидлик кучаяди. Айниска туташган жуфт алоқали полигалобутадиенларнинг самарали антисептик хусусиятлари мавжуд. Қўшимча сифатида нитрогурух киритилса, антимикроблик хусусияти кучаяди. Материалларни моғор замбуруғлари билан заарланишдан ҳимоялашда бу бирикмаларни пентахлорфенол ёки мис оксихинолятидан 10-100 марта камроқ концентрацияларда қўллаш мумкин. Чекланмаган хлор- ва бромкарбонводородлар микромицетлар нафас олиши ва улардаги оқсил биосинтезига тўсқинлик қилади, мемброналар ўтказувчанлигига таъсир қилади. Бу бирикмаларга замбуруғлар чидамлилиги жуда секин пайдо бўлади.

Фторорганик бирикмалар. Бу бирикмаларнинг антисептик хусусиятлари фтор кўп ферментлар фаолиятини тўхтатиши билан изоҳланади. Бу таъсирга ҳам фторнинг минерал тузлари анионлари, ҳам фторорганик бирикмалар эга. Фтор (таркибида мустаҳкам боғланган металл иони бўлган) металлферментларга ва металл томонидан фаоллашадиган (каталитик фаолият максимал даражада фаол бўлиши учун металл ионлари мавжуд бўлишига эҳтиёжи бўлган) ферментларга айниска кучли таъсир қилади. Бундай ҳолларда ингибиция механизми фтор металлар билан мустаҳкам комплекс ҳосил қилиши ва натижада металлар катализ жараёнидан чиқарилишидир. Фтор энг мустаҳкам комплексларни магний, бироз камроқ даражада – темир ва марганец катионлари билан ҳосил қилади. Шу сабабдан магнийга боғлиқ ферментлар фторга жуда сезгир. Поливалентли органик анионлар (мисол учун аминокислоталар) ферментларни фтор таъсиридан ҳимоя қилади.

Трикарбон кислоталар циклини аконитатгидратаза босқичида блокировка қилувчи фторцитрат ўта токсиклик намоён этади.

Таркибида фтор бўлган фунгицидларга ПВА-материаллар, тери ва бошқа материалларни ҳимоялашда ишлатиладиган фтординитробензоллар мисол бўла олади. Фторли натрий, калий ва аммоний ҳам фунгицидлик хусусиятига эга.

Тўртламчи аммоний бирикмалари (катапин, этоний, цетримид-цетилтриметиламмоний бромид ва б.). Асосан оқсилни денатурация қилувчи ва

хужайра мембраналари бутунлигини бузувчи ПАВ (сирт фаол модда) сифатида фаолият күрсатади. ПАВ таъсирида мицелиал замбуруғларнинг цитоплазматик мембраналари структураси ўзгариши “спин тамғаси” (спиновая метка) методи ёрдамида күрсатилган. Мембраналарда структур ўтиш натижасида кузатиладиган хужайра осмотик мувозанати силжиши қайд этилган.

^{32}P билан ўтказилган тажрибаларда, цетримид концентрацияси аста-секин күтарилганда хужайралар ҳалок бўлиши ва улардан радиоактив материал чиқиб кетиши орасида корреляция мавжудлиги аниқланган. Бу цетримиднинг мембрана структурасини бузиш орқали таъсир қилиш механизми мавжудлигини тасдиқлайди. Бошқа сирт фаол биоцид – хлоргексидин билан ҳам ўхшашиб натижалар олинган.


Феноллар. Фенол структурали бирикмаларнинг токсик таъсири механизмларидан бири – фермент системаларининг электрон ўтказиш занжири фаолиятини бузиши ва натижада нафас олиш тезлиги камайишидир. Хусусан бу галлоид- ва нитроалмашган феноллар (мисол учун, 2,4-динитрофенол) биомембраналарда протон ўтказувчилари (“протонофорлар”) сифатида фаолият күрсатиши, натижада нафас олиш ва фосфорлашни бир-биридан ажратиши мумкин. Масалан, моғор замбуруғларида пентахлорфенол нафас олиш тезлигини ва гексахлорофен пиридин дегидрогеназалар фаоллигини камайтириши аниқланган. Аммо бу мисолларда эффектни фенол ва хлор гурухларидан қайси бири күрсатгани аниқланмаган. *Staphylococcus aureus* бактериясига гексахлорфененнинг нисбатан паст концентрациялари таъсирида дарҳол O_2 ўзлаштирилиши тўхтайди. Демак, гексахлорфененнинг нафас олишни тўхтатиши унинг бирламчи таъсир қилиш механизмларидан биттаси деб ҳисоблаш мумкин. Юқорироқ концентрацияда гексахлорфен плазматик мембрана ўтказувчанлигини бузади ва гликолизни тўхтатади. Феноллар ҳам хужайра деворчаси полисахаридлари билан эрувчан бўлмаган комплекслар ҳосил қилиши ва унинг фаолиятини бузиши мумкин.

Хинонлар биоцидлигини уларнинг реакцияга киришга юқори қобилияти билан боғлашади. Хужайра метаболитлари билан ўзаро таъсир натижасида хинонлар уларни блокировка қилишади ва алмашинув жараёнларидан чиқариб юборади. Уларнинг таъсирини асосий нишонлари, афтидан амин гурухлари ва тиоллардир. Таркибида тиол ва амин бўлган ферментларни фаол бўлмаган ҳолга келтириб, хинонлар биринчи навбатда нафас олиш системаларини бузади, оксидловчи фосфорлашни ажратади ва А коэнзимни инактивация қиласи. Кетогуруҳлар ёнидаги ўрин босувчилар, агар улар ушбу хинон хужайра қобигидан сўрилишини (мисол учун, алкиллар каби) секинлаштирмаса, биоцидликни кучайтиради. Хинон ядроси ўзгаришига биноан, фунгитоксиклик қуйидаги тартибда камаяди: нафтохинон>фенантрахинон>бензохинон>антрахинон. Галоидлаш биоцидликни қуйидаги кетма-кетликда камайтиради: $\text{J} < \text{Br} < \text{Cl}$.

Дитиокарбаматлар кенг тарқалган ва самарали фунгицидлардир. Уларнинг иккита қатори мавжуд: диалкил- ва моноалкилдитиокарбаматлар. Улар карбон занжири узунлиги билан боғлиқ бўлган биологик фаоллиги билан фарқланади. Диметилҳосилалар максимал токсикликка эга, алкил гурухлари занжири узайиши билан токсиклик камая боради. Дитиокарбамин кислота эфирларига кўра металлар сульфидлари ва тузларининг фунгитоксиклиги юқорироқ. Тахминга кўра, дитиокарбаматлар хужайрага киришига улар мис хелат ҳосил қилиши имконият яратади. Бу гурух фунгицидлари (цирам, фербам, ТМТД – тетраметилтиурамдисульфид) металлар билан комплекс ҳосил қиласи ва шу сабабдан таркибида металл бўлган ферментларнинг кучли ингибиторларидир.

Дитиокарбаматлар нафас олиш ферментларининг сульфигидриль гурухлари фаолиятини ҳам тўхтатади; бундай типдаги бирикмаларнинг токсиклиги нафақат дитиокарбаматлар, балки улар парчаланишида мицелийда ҳосил бўладиган маҳсулотлар – иккимасли аминлар ва этилмочевиналар таъсири билан ҳам боғлиқди.

Фталимидалар (каптан, фталан). Каптанинг таъсири этувчи моддаси – N-трихлорметилтиотетрагидрофталамид:



Каптанинг фунгицидлик таъсири таркибида сульфигидриль гурухи бўлган ферментлар фаолиятини тўхтатиши билан изоҳланади. Каптанинг токсиклигини унинг таркибидаги – S-CCl₃- гурухи таъминлаши аниқланган. Бу гуруҳ нафақат каптан ҳужайрага киришини, балки у ҳужайранинг ҳаётий муҳим бўлган компонентлариги ҳужум қилишини ҳам таъминлайди. Каптан ферментлар ва бошқа оксилларнинг сульфигидриль гурухлари билан реакцияга киради ва натижада кучли токсин – тиофосген ҳосил бўлади. Ферментлар фаолиятини тўхтатиб, каптан модда алмашинув жараёнини, хусусан, замбуруғлар спораларининг эндоген нафас олишини тўхтатади.

Антибиотикларни биозарланишдан ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўллашга уринишган. Лак ва бўёқ қопламаларга нистатин ва гризофульвинни ва эпоксид компаундига стрептомицинни киритганда ижобий натижалар олинган. Ҳар хил антибиотиклар таъсири қилишининг молекуляр механизмлари ҳар хил. Улар энергетик алмашинув, мемброналар фаолияти, оксил синтези, нуклеин кислоталар алмашинуви, микроорганизмлар ҳужайра деворчаларининг пептидогликанлари синтезини тўхтатиши ва сирт фаол моддалар сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Стрептомициннинг биоцидлиллик таъсири рибосомаларнинг кичик субзаррачалари билан реакцияга кириши ва аминоцил-РНК самарали боғланишига тўскىнлик қилиши натижасида оксил синтезини тўхтатиши билан изоҳланади. Аминогликозидларнинг аксарияти (жумладан стрептомицин) синтез кодини хато билан ўқишга ва оксил биосинтези жараёни бузилишига олиб келади. Гризофульвин ДНК-матрицада иРНК синтезини тўхтатади; полиен антибиотиклар (жумладан нистатин) дрожжалар ва мицелиал замбуруғларнинг таркибида стероллар бўлган ҳужайра мемброналарнинг ўтказувчанилигини бузади.

Азостероидлар. Гидроксимин ва метоксимин мемброналар структурасини бузади, оксил ва нуклеин кислоталари (тимидин, уридин, лейцин) каби макромолекулалар синтези учун талаб қилинадиган моддаларнинг ҳужайрага транспортига тўскىнлик қиласи. Азостероидларнинг синтетик аналоглари глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа ферменти фаолиятини ва глутамат осидланишини тўхтатади. Азостероидлар электрон транспорти системасига бевосита ёки мемброналарга бавосита таъсири қилиб, электрон транспорти жараёнини бузади.

Хлорамфеникол, актиномицин D, полимиксин, циркулином ва ванкомицин каби бир қатор антибиотиклар азостероидларнинг антимикроб таъсирини кучайтиради, аммо пенициллин ва эритромицин синергетик самара бермайди. Азостероид ва антибиотик молекуляр комплекс ҳосил қилиши ва у азостероидларнинг биологик фаоллигини ошириши тахмин қилинади.

Бошқа органик биоцидлар. N-тридецил-2,6-диметилморфолин хитинсинтетаза ферментининг фаоллигини ва бу орқали хитинга “тамғаланган” УДФ-ацетилглюкозамин киритишини тўхтатади, натижада замбуруғлар ҳужайра деворчаси полисахарида – хитин синтезига тўқсинглик қиласи. Ундан ташқари биоцид замбуруғлар нафас олишини тўхтатади, целлюлаза ва полигалактуроназаларнинг фаоллигини пасайтиради. Имазалил фунгицидининг бирламчи таъсири эргостерин биосинтезини тўхтатишидир. Таркибида азот бўлган гетероциклик фунгицидлар (жумладан трифорин ва диклобутразол) нинг биоцидлик таъсирининг механизми микромицетлар мембраналарининг муҳим компоненти бўлган стероллар синтезини тўхтатиши билан боғлиқдир. Ферментларнинг сульфигидриль гурухлари билан реакцияга кириши натижасида малеимидлар нафас олиш занжири фаолияти тўхташига олиб келади. Мочевина ҳосиллари ҳужайранинг ирсият аппаратига таъсир қилиши аниқланган. Масалан, фенилдиалкилмочевина пирамидин изоплитлари учрашини ўзгартириши билан айни пайтда гекса-, пента- ва юқори пирамидин олигонуклеотидлар миқдорини камайтиради.

Бензимидазол фунгицидлари мицелиал замбуруғларда бета-тубулин синтезини ва ҳужайраларнинг митоз бўлинишини тўхтатади, замбуруғлар ўсиши ва ривожланишига кучли даражада тўқсинглик қиласи. Бензимидазол мавжудлигида дрожжа замбуруғларининг ўсиши тўхтатилиши фосфорибозилпрофосфат учун рақобат ва бу орқали пурин ва пирамидинларнинг *de novo* синтези блокада қилиниши билан изоҳланади. Фенилиндол мембраналардаги фосфолипидлар ва мой кислоталари миқдорига таъсир қиласи.

Асосан ўсимликлар касалликлари билан курашда ишлатиладиган фуралаксан, металаксил ва оффурейс фунгицидлари нафас олиш, мицелий ҳужайралари деворчалари синтези ва мембраналарнинг ўтказувчанилигига таъсир қилмайди, аммо ядро бўлиниши, оқсил синтези ва айниқса РНК ҳосил бўлишини тўхтатади. Охирги фаолияти бу фунгицидларнинг бирламчи механизми ҳисобланади.

Кейинги йилларда ўсимликтар касалликларига қарши триазол фунгицидлари (бромуконазол, диниконазол, дифеноконазол, пенконазол, пропиконазол, тебуконазол, триадименол, триадимефон, тритиконазол, флутриафол, ципроконазол, эпоконазол ва б.) жуда кенг ишлатилмоқда. Уларнинг таъсир қилиш механизми ҳужайра мембранасида стероидлар деметиллашини (эргостерол биосинтезини) тўхтатишидир, натижада замбуруғ ҳужайраси коллапсга учрайди ва мицелий гифалари ўсишдан тўхтайди. Пропиконазол ([2-(2,4-дихлорфенил)-4-пропил-1,3-диоксолан-2-илиетил]-1,2,4-триазол) *Ustilago* туркумига мансуб замбуруғларнинг нафас олиши, нуклеин кислоталари, оқсиллар ва липидлар синтезини тўхтатади. Бу фунгицидга стерол ва унинг ҳосиллари синтези ўта сезувчан.

Карбон кислоталарининг, ҳатто уларнинг таркибида галогенлар, нитро- ва аминогурухлар киритилганда ҳам, микроорганизмларга қарши фаоллиги оз. Улардан трихлоркротон кислота нисбатан фаол. Тегишли кислоталарга кўра уларнинг мураккаб эфирларининг биоцидлик хусусиятлари кучлироқ. Спирт радикалларининг сони кўпайиши ва уларнинг изо-тузилиши мураккаб эфирларнинг антимикроблик кучи камайишига олиб келади. Таркибида галоген бўлган кислоталар эфирлари

галоген бўлмаганларига кўра фаолроқ. Улардан энг фаоллари трихлоркротон ва нитрохлоркротон кислоталарининг метил ва этил эфирлари ҳамда моно- ва дигроммаллон кислоталарнинг эфирларидир. Бу бирикмалар 0,001-0,0001% концентрацияда кенг антимикроблик спектрига эга.

Метаболитларнинг аналоглари ҳам ўзига хос биоцидлардир. Улар қаторига сульфаниламиidlар ва кўп антибиотиклар (оксамицин, пуромицин ва б.), структураси гуанин ва ксантин билан яқин бўлган 2-гептодецил-2-имидазолин фунгициди киради. Фунгицидлик хусусияти бўлган бაъзи бензимидазол ҳосилалари биотиннинг антагонистларидир. Улар метаболик жараёнларга жуда специфик тарзда таъсир қиласи. Метаболитлар аналогларининг структуралари ҳақиқий метаболитлар билан ўхшашлиги микроорганизмлар модда алмашинувида реакциялар занжирига метаболит ўрнига аналог киришига олиб келади. Аммо метаболитлар ва аналоглар орасидаги фарқлари реакциялар охирига етишига йўл қўймайди, натижада реакция занжири узилади ва микроорганизм ҳалок бўлади.

Охирга пайтларда янги фунгицид ва бактерицидлар излашда ва уларнинг синтезида математик башорат ва “нотажрибавий” биологик синовлар ўтказиш (“хисоб-китоб скрининги”) кенг қўлланмоқда. Бунинг сабаби – ҳар йил ўн минглаб янги бирикмалар синтез қилинишидир. Улар барчасининг ҳар хил биологик самарадорликларини синаш иқтисодий нуқтаи назардан манфаатсиз ва умуман кам фойдали бўлиб қолди. Нотажрибавий метод истиқболи кам бирикмаларни синовдан олдиноқ чиқаришга ва биологик фаолларини ҳали уларнинг синтезигача танлаб олишга имкон беради. Бунинг учун синтез қилиниши режалаштирилган бирикма структураси компьютер хотирасида сақланган маълум биоцидлар структуралари билан солиширилади. Ундан ташқари, биоцидлик даражасига ушбу бирикма қаторидаги ҳар хил ўринбосар моддаларнинг ҳиссалари аниқланади, биологик фаолликнинг миқдори ва ўринбосарлар параметрларининг физик-кимёвий ҳоссалари ва структуралари хисоб-китоб қилинади. Бу муаммоларни ечишда айниқса квант кимёси индексларининг истиқболи жуда катта. Структура ва биологик фаоллик орасидаги муносабатларни ифодаловчи тенгламаларда ўзгарувчан миқдорлар сифатида ва биоцидларнинг афзалроқ конформацияларини хисоб-китоб қилишда тўғридан-тўғри квант-кимёвий индексларини қўллаш мумкин. Биоцид кичик молекулалари ва рецепторлар ораларидаги муносабатларни квант-кимёвий моделлаш ҳам диққатга сазовордир.

7-БОБ

МИКРООРГАНИЗМЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНДИГАН МАТЕРИАЛ ВА БҮЮМЛАР

Тирик организмлар емирмайдыган ёки камида уларнинг хусусиятлари ва ташки кўринишини ўзгартирмайдыган материаллар йўқ. Биозараарланиш классификациясида материаллар морфологик белгилари ва хусусиятлари ўзгаришига қараб бўлинади.

Биозараарланиш намоён бўлишининг морфологик белгилари қуйидагилардир:

- Материаллар усти замбуруғ мицелийси билан қопланиши, рангли доғлар пайдо бўлиши;
- Материаллар устида яра, тешик ва чатнашлар пайдо бўлиши;
- Материаллар (масалан, кемирувчилар, термитлар ва куя билан) заарланиши туфайли

унинг бир қисми йўқотилиши;

- Материаллар структураси ёки аҳволи ўзгариши, масалан, бактериялар таъсирида сув-мойли

эмульсиялар қатламларга бўлиниши, ёнилғилар шилимшиқланиши;

- Микроорганизмлар таъсирида толали материаллар – толалар, газлама, масалан, жун фибрилляцияси.

Биозараарланиш намоён бўлишининг материаллар хусусиятларини ўзгартириш белгилари қуйидагилардир:

- Микроорганизмлар ёки уларнинг метаболитлари таъсирида материалларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўзгариши, масалан, ёғоч-тахта, резина ва пластиклар мустахкамлигини йўқотиши; резина шишиши, лак-бўёқ қопламалар адгезивлигини (ёпишиш қобилиятини) йўқотиши;
- Материалларнинг электрофизик хусусиятлари, масалан, уларнинг электр изоляция қилиш қобилияти ёмонлашиши;
- Материалларнинг оптик хусусиятлари ўзгариши, масалан, замбуруғлар метаболитлари таъсирида оптик жиҳозлар шишаларининг опалесценцияси ва тинклигигини йўқотиши;
- Оксидланиш ёки гидролиз натижасида пластиклардаги пластификаторлар ёки ёғочдаги целлюлоззанинг кимёвий хусусиятлари ўзгариши;
- Материалларнинг органолептик хусусиятлари ўзгариши, масалан, мойловчи-совутувчи суюқликлар (МСС) ва бошқа материаллар чиришида бадбўй ҳид чиқариши, қаттиқ нарсалар устида шилимшиқ пайдо бўлиши ва х.

Материаллар биочидамлилигини ва кимёвий бирикмаларнинг биоцидлик фаоллигини синаш учун бир қанча методлар кўлланилади. Уларнинг аксарияти бир нечта методларнинг модификацияси бўлиб, ҳимоя қилиш қобилиятига қараб уларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухда, биозараарловчи агентлар таъсиридаги материалларнинг физик-кимёвий хусусиятларини сақлаш қобилияти, иккинчи гурухда эса қаттиқ муҳитда (биоцид таъсири натижасида зона ҳосил бўлиши) ёки эритмада (суюқ муҳитда) микроорганизмлар ўсишини камайтириш ёки тўхтатиши даражалари баҳоланади.

Тұқимачилик материаллари, пластиклар, резина ва бошқа нометалл материалларни синашнинг ишончли методларидан бири тупроқ методидир. Собиқ иттифоқнинг стандартында күра (ГОСТ 9.060-75), бу метод лаборатория шароитида газламалар биочидамлигини синаш учун ишлаб чиқилған, аммо уни бироз үзгартыриб бошқа материалларни синаш учун ҳам құллаш мүмкін.

Тупроқ синови учун қуидаги аралашма тайёрланади: құм, от гүнги, боя тупроғи 1:1:1 нисбаттарда, pH 6,0-7,5 бўлиши лозим. Эталон ёрдамида аниқланган тупроқ биологик фаоллиги (a) 0,65-1,5 бўлиши керак. Массаси 100-150 г/м² бўлган ҳўлланмаган ип газлама намунасининг мустаҳкамлиги 120 соат синов вактидан сўнг 50% га камайиши этalon фаоллик ҳисобланади. Биологик фаолликни қуидаги формула бўйича ҳисоблашади: $a = T_a/T_0$, бу ерда T_a – ип газламанинг узилиш кучи (нагрузкаси) 50% га камайишини таъминлайдиган синовдаги тупроқ билан контактда бўлган вақт, T_0 – ип газламанинг узилиш кучи 50% га камайишини таъминлайдиган этalon тупроқ билан контактда бўлган вақт (юкоридаги ҳолда 120 соат).

Намлик камерасида синовдаги материал намунаси устига намлиги 28% ли тайёр тупроқни 25 см қалинликда солинади ва маълум бир вақт давомида 24-26°C ҳароратда инкубация қилинади. Сўнгра узилиш мустаҳкамлиги аниқланади.

Стандарт тупроқ методининг бошқа, синов учун 2 ҳафтадан бир неча ойгача вақт талаб қилувчи методлардан афзалларни мавжуд. Аммо бу метод натижалари жуда үзгарувчан ва кўпинча синовни такрорлашда айни натижалар олинмайди, шу сабабдан аниқ натижа олиш учун ёки бошқа тадқиқотчилар синовларида олинган натижалар билан солиштириш учун стандарт метод қўллаш лозим.

Биочидамлилик ёки биоцидликни *суюқ озуқа муҳитида* аниқлаш учун микроорганизмлар стандарт тўплами ёки уларнинг заарланган материаллардан маҳсус ажратилган штаммлари ишлатилади. Пробирка ичида 0,5 млн конидиялари бўлган 1 мл суспензия солинади. Озуқа муҳити сифатида 1% глюкоза қўшилган ва pH 6,8 га келтирилган гўшт-пептон бульони ишлатилади. Сўнгра пробиркага синаладиган намуна қўйилади ва термостатда 28°C ҳароратда инкубация қилинади. 48 соатдан кейин фунгистатик ва/ёки фунгицидлик таъсири мавжудлиги қайд этилади.

Синовни зич (қаттиқ) озуқа муҳитида ўтказиш учун Петри ликопчасига сусло-агар қўйилади, муҳит қотгач, унда думалоқ чуқурча (лунка) қилинади ва унга синовдаги материал намунаси қўйилади. Муҳит устига ичида тест-микроорганизмнинг 2 млн хужайраси бўлган яна бир катлам сусло-агар қўйилади. Термостатда 4 сутка ўстирилгандан сўнг тест-микроорганизм ўсишини тўхтатиш зонаси ўлчанади.

Зигир ипидан тайёрланган газламаларнинг биочидамлилиги суюқ озуқа муҳитида, целлюлоза парчаловчи термофил бактерияларнинг бойитилган культурасини қўллаб синалади. Шиша аквариум ичида тагига, шиша ромчага ўрнатилган 25x7 см лик мато намунаси қўйилади ва термофил бактерияларнинг бойитилган культураси киритилади. 37±1°C ҳароратда 18 соат, сўнгра 60°C да 48-72 соат давомида инкубация қилинади. Назорат намуналар бу шароитда бутунлай парчаланади. Суюқ муҳитда 96 соат давомида синаш тупроқда 15 сутка синашга тенг.

Моғор замбуруғларига чидамлиликка синаш ГОСТ 9.048-75 да баён этилган. Стерил Петри ликопчаларига озуқа муҳит қуюлади, қотгач, устига синовдаги намуна қўйилади ва тест-замбуруғ ёки бир неча тест-замбуруғлар тўпламининг конидиялари

суспензияси пуркалади, термостатда $29\pm1^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 14 сутка тутилади. Синов натижалари амалда 6 кундан сўнг қайд этилади. Бунда намуналар кўз билан текширилади ва замбуруғга чидамлилик балл системасида аниқланади: 0 балл – замбуруғ ўсиши йўқ, 5 балл – оддий кўз билан қараганда намуна устининг 25 фоизи мицелий билан қопланган.

Турмушда ишлатиладиган матоларнинг антисептик хусусиятларини синашда тест-организмлар сифатида *Staphylacoccus aureus*, *Escherichia coli* ва *Bacillus subtilis* бактериялари ҳамда *Aspergillus niger* замбуруғи кўлланилади. Матонинг катталиги 2x2 см келадиган намуналари Петри ликопчаларига қўйилади ва ҳарорати 45°C бўлган ва ичига микроорганизмлар киритилган озуқа мухити 1-2 мм қалинликда қуюлади. Мухит қотгач, ликопчалар тескари томонига айлантирилади ва термостатда замбуруғ учун $22\text{-}25^{\circ}\text{C}$, бактериялар учун $32\text{-}37^{\circ}\text{C}$ ҳароратда тутилади. Бактериялар ўсиши тезлиги 3, замбуруғ – 6 суткадан сўнг қайд этилади. Микроорганизмлар ўсиши балларда ўлчанади: 1 балл – намуна устида ва атрофида ўсиши тезлиги бир хил; 2 балл – намуна устида алоҳида колониялар мавжуд; 3 балл – намуна устида ўсиши бутунлай йўқ; 4 балл – намуна атрофида 2 мм дан кенг бўлмаган, микроорганизмлардан ҳоли зона мавжуд; 5 балл – намуна атрофидаги стерил зона кенглиги 2 мм дан ортиқ.

ПЛАСТИКЛАР

Пластиклар синтетик полимерлардан ташкил топган материаллар бўлиб, одатда улар микроорганизмларнинг экзоферментлари ва бошқа метаболитлари томонидан емирилишга нисбатан чидамли. Замбуруғлар ва бактериялар бевосита ўзлаштириши учун синтетик юқори молекуляр бирикмалар макромолекулаларининг занжирлари жуда катта ва мустаҳкам. Шу сабабдан кўпинча пластиклар ва бошқа синтетик юқори молекуляр бирикмалар асосида тайёрланган материаллар микробиологик шикастланишга табиий юқори молекуляр бирикмаларга – ёғочтахтанинг асоси целлюлоза ва лигнин ҳамда табиий терининг асоси коллагенга ва бошқа табиий материалларга нисбатан анча чидамлироқ.

Пластиклар таркибига уларнинг асоси – боғловчи полимер бирикмалардан ташқари паст молекуляр кўшимишчалар – пластификаторлар, тўлдирувчилар, стабилизаторлар ва бошқалар киради. Бу кўшимишчалар орасида микробиологик чидамлилиги ҳар хил бўлганлари учрайди. Бу кўшимишчалар туфайли материал биочидамлилиги камаяди. Натижада техниканинг ҳар хил соҳалари ва инсон турмушида ишлатиладиган полимер пластиклар микроорганизмлар билан тез-тез заарланади. Шикастланган материалларнинг ранги, мустаҳкамлиги, электрофизик ва бошқа хусусиятлари ўзгаради. Кўп пластиклар микроорганизмлар томонидан бутунлай парчаланмаса ҳам, уларнинг эксплуатациян ва товарлик хусусиятлари бузилиши ва амалий қиймати йўқотилиши мумкин.

Одатдаги эксплуатация шароитларида пластикларни заарловчи микроорганизмлар микроскопик замбуруғлардир. Пластиклар, улар устида замбуруғ колониялари ўсиши, мицелий микрочатновлар орқали материал ичига кириши ҳамда пластикларнинг айрим қисмларига замбуруғларнинг ферментлари ва метаболитларининг агрессив таъсири натижасида заарланади. Радиоэлектрон ва бошқа асбобларнинг пластикдан ясалган деталлари устида мицелий массаси хосил бўлиши, узелларда намлик ва электрик қаршилик ўзгариши асбобнинг фаолиятини бутунлай бузиши мумкин.

Бактериялар пластикларни камроқ заарлайды, аммо уларнинг таъсири яширин бўлиши мумкин. Баъзан уларнинг заари, масалан, еrostи ва сувости қурилмалар заарланганида, оддий кўзга кўринмайди. Заарланиш мавжудлигини begona ҳид ёки тус, шилимшиқ ва ҳоказолар пайдо бўлишидан билиш мумкин.

Пластиклар устида сув ўтлари юқори намлик шароитида ёки сув билан бевосита контакт мавжудлигида (сузиш ҳовузлари, дengiz ва дарё кемаларининг сувости қисмларидаги пластмасса корпуслари ва деталлари, сувости кабеллари, трослари, буйлар ва x.) пайдо бўлади. Улар пластикларни парчаламайди, аммо ташки кўринишини бузади, халақит беради, пластикларнинг пластификаторлари ва бошқа ингредиентларини емирувчи замбуруғлар ва бактериялар ривожланиши учун яхши субстрат сифатида хизмат қилади.

Ҳашаротлар ва кемирувчилар пластиклардан тайёрланган айрим деталлар, химояловчи қопламалар ва ўраш учун ишлатиладиган материалларни бевосита механик шикастлайди. Ҳашаротлар ва кемирувчилар пластмассанинг устки қисмини бузиши, асбоб ва механизмларнинг ички, одам кўриши қийин бўлган қисмларида жойлашиши ва кўпайиши мумкин; бу жойлар улар учун ўзига хос, хавфсиз экологик ниша бўлиши мумкин. Ҳайвонлар ва уларнинг метаболитлари электрик асбобларнинг муҳим қисмларида тўпланиб қолиши кўп марталаб тулашув ва бошқа носозликларга олиб келган.

Бошқа материаллар каби пластикларнинг биозаарланиши ҳам улар атроф-мухитнинг физик ва кимёвий факторлари (ультрабинафша нурлар, харорат ўзгаришлари ва x.) таъсирида эскириши билан бирга кечади. Бу икки жараён – биозаарланиш ва эскириш – бир-бирини тўлдиради ва кучайтиради.

Пластиклар асосий компонентларининг биозаарланиши. Пластикларнинг асосини полимер боғловчилар – полимер смолалар ташкил этади. Полимер смола хилига қараб пластикларнинг ўзларини ҳам – термореактив ёки термопластик (материал олинаётганда унинг қотиш усули асосида), полиэтилен, поливинилхlorид, полиамид ва б. (полимернинг кимёвий структураси асосида) пластиклар деб аташади.

Макромолекулаларнинг кимёвий структураси, полимер занжирининг узунлиги, ён томонга шохланишлари ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда полимер смолаларининг биочидамлилиги ҳар хил. Макромолекулалар занжири узайиши билан полимерларнинг микробиологик шикастланишга чидамлилиги ортиб бориши умумий қонуниятдир. Бошқа факторлар бир хиллигида шохланган (гетерозанжирли) ларга кўра карбозанжирчи чизиксимон бўлган полимерлар камроқ биочидамли.

Моғор замбуруғлари билан заарланишга чидамлироқ полимер смолалар қаторига полиэтилен, полипропилен, полистирол, (қаттиқ) поливинилхlorид, полиамид ва полиэтилентерефталат киради; поливинилацетат, поливинил спирти, хлорсульфидланган полиэтилен ва баъзи бошқалари замбуруғларга камроқ чидамли.

Полимер смолалардан кейин пластиклар таркибидаги иккинчи муҳим компонент пластификаторлардир. Уларнинг аксарияти дикарбон ва поликарбон алифатик ва ароматик кислоталарининг мураккаб эфирларидир. Пластик таркибидаги пластификаторнинг микдори пластик массасининг 30-50 фоизини ташкил этиши мумкин, шу сабабдан бутун материалнинг биочидамлилиги пластификаторнинг биочидамлилигига боғлиқ. Энг кўп ишлатиладиган пластификаторлар – фтал ва адипин кислоталарининг моғор замбуруғлар билан заарланишга чидамлилигини солиштирганда ароматик фтал кислотасининг

Эфирлари алифатик адипин кислотасиникига кўра чидамлироқ эканлиги аниқланган. Яна бир алифатик – себацин кислотасининг эфирлари замбуруғларга чидамсизлиги кўрсатилган.

Пластикларнинг учинчи компоненти тўлдирувчилар бўлиб, улар композицияни мустаҳкам қилиш учун қўшилади. Тўлдирувчи сифатида кўлланиладиган табиий органик моддалар микробиологик чидамсиз. Уларнинг қаторига ёғоч уни, қоғоз, толалар ва матолар киради. Айни пайтда шишатола ва асбест каби биочидамли тўлдирувчилар шишапластик ва асбопластикларнинг чидамлигини камайтирмаса ҳам, уларни чидамлироқ қilmайди.

Айрим пластикларнинг биозарарланиши. Пластиклар биозарарланишини кўпинча *Aspergillus*, *Trichoderma*, *Penicillium*, *Cladosporium*, *Fusarium* турлари ва баъзи бошқа замбуруғлар қўзғатади. Уларнинг аксарияти оч тусли пластикларда ҳар хил рангли пигментлар пайдо қиласи ёки уларни рангсизлантиради (окартиради), хиралаштиради, камроқ ҳолларда устида яралар ҳосил қиласи. Баъзан заарланиш пластик устидаги осон тозаланадиган мицелийдан иборат бўлиши мумкин, бунда мицелийдан тозаланган материал ва ундан тайёрланган буюмларнинг иш характеристикалари сезиларли бузилмайди. Бошқа ҳолларда биозарарланиш чуқурроқ бўлиши, материалларнинг ташки кўриниши билан бирга уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва бошқа хоссалари – ёпишқоқлиги, мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, электр изоляция қилиш қобилияти ва бошқа хусусиятлари ўзгариши мумкин.

Пластификаторлар кўшилган поливинилхлорид пластиклар биозарарланишининг характеристи уларнинг таркиби ва уларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш усуllibарига боғлиқ. Қаттиқ ПВХ замбуруғлар ва бактериялар билан қопланиш ва шикастланишга чидамлироқ. Қаттиқ ПВХ дан тайёрланган трубалар моғор замбуруғлари билан қопланса ҳам, еости шароитида 10 йилдан кўпроқ вақт давомида ҳам мустаҳкамлигини йўқотмайди.

Юқори намлик ва ҳарорат шароитида кўлланишга мўлжалланган, мато асосли ПВХ пластикдан тайёрланган сунъий терилар фунгицидлар билан химояланиши лозим. Бу тропик минтақаларга таалуқли; тропикларда, масалан, сунъий тери билан қопланган амтомобиль кабиналарининг ичи ва ўтиргичлари, агар уларга антисептиклар билан ишлов берилмаса ёки пластик рецептураси ёхуд мато асосига фунгицид қўшилмаган бўлса, улар микроорганизмлар билан заарланади.

Полиэтилен пластиклардан тайёрланган труба, парда, пресс-материаллар ва буюмлар одатда юкори биочидамли; молекуляр массаси 25 000 дан паст бўлган полиэтилен бундан истисно. Паствмолекуляр полиэтилендан ясалган буюмлар бир неча ой давомида ишлатилгандан сўнг, айниқса тупроқда, моғор замбуруғлар билан қопланиши ва механик шикастланиши мумкин. Зичлиги ўртача ёки юкори полиэтилендан тайёрланган труба ва пардаларнинг биочидамлилиги ҳатто тупроқ ва денгиз сувида ҳам барқарор.

Полиамид пластиклар, нейлон, капрон ва бошқалар одатда микробиологик заарланишга чидамли. Уларнинг усти органик моддалар билан ифлосланиши моғор замбуруғлар билан қопланишга олиб келиши мумкин, аммо бу деталлар ва буюмлар (втулка, шестерня, оралиқ материаллари) нинг иш қобилиятини бузмайди.

Полистирол, поликарбонат ва баъзи бошқа пластикларнинг микробиологик чидамлилиги полиамилларники билан бир хил. Полиуретан пластиклар ва химоя қопламаларининг биочидамлилиги камроқ. Самолётларнинг алюминийдан ясалган ёнилғи бакларининг полиуретандан тайёрланган химоя

қопламаларини күчіб кетгандар холлари ҳам маълум. Денгиз сувида ишлатилғанда ҳам полиуретан буюмлар ва қопламалар шикастланишга ва микроорганизмлар билан қопланишга чидамсиз.

Пластикларни биозаарланишдан ҳимоя қилишда ҳар хил усуулар күлланилади – синтетик пластиклар композициясининг рецептураларига юқори табиий биочидамлиликка эга бўлган компонентларни киритиш; пластик композицияларга биоцид қўшимчаларни киритиш; материаллар устига биоцид препаратлар билан ишлов бериш; заарсизлантиришнинг физик усуулари – ультрабинафша, ультратовуш, термоишлов, гамма-нурларини кўллаш ва б.

Пластиклар учун бир қатор биоцидлар, жумладан салициленид, мис 8-оксихиноляти, 2-оксидифенил, 4-нитрофенол, натрий пентахлофенолят, кейинги йилларда эса трилан (4,5-трихлорбензоксазолинон), цимид (дихлормалеин кислотанинг циклогексилимиди), баъзи таркибида маргимуш- ва қалайорганик бўлган бирикмалар кўлланилади.

Тропик мамлакатларга юбориладиган буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган ПВХ пардаси ва техник сунъий териларга трилан, цимид ва эпоксар (таркибида маргимуш бўлган препарат) биоцидлари билан ишлов бериш яхши натижа берган. Масалан, сунъий тери пардасига 1-2% цимид қўшиш энг оғир шароитларда ҳам парда мустаҳкамлиги узоқ сақланиши, яхши ташқи кўриниши ва бошқа хусусиятлари ҳам йўқотилмаслигини таъминлайди. Айни шароитларда трилан билан ҳимояланмаган материалнинг мустаҳкамлиги 3 ойда 15-30% га пасайган.

Эпоксарнинг афзаллиги шундаки, у биоцидлик хусусиятлари билан бирга полимер материалларнинг ёруғлик ва иссиқликка ҳам чидамлилигини оширади, яъни у универсал стабилизатордир.

Антисептик қўшилган полимерларни кўллаш мураккаб техник муаммоларни оригинал усулда ечишни таъминлайди. Таркибида биоцид бўлган полимер пардалар каналлар, бассейнлар ва бошқа гидрокурилмалар остига “тўшашда” муваффакият билан кўлланилади. Бундай ҳимояловчи қопламалар устида микроорганизмлар ва сув ўтлари ўсмайди, узоқроқ вақт давомида хизмат қиласди, сув оқиб чиқиб кетмайди ва, маълум даражада, сув микроорганизмлар ва сув ўтлари билан ифлосланишидан ҳимоя қиласди.

Пластиклар таркибида биоцидлар қўшиш нафақат уларни биозаарланишдан ҳимоя қиласди, балки санитар-гигиеник вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, бир қатор даволаш муассаларида таркибида биоцидлар қўшилган пластиклардан ясалган пластмасса эшик тутқичлари, унитаз ўтиргичлари, баъзи медицина жиҳозларининг деталлари, парда буюмлар, чақалоқлар коляскаларига тўшаладиган антисептик тўшаклар ва ҳоказолар ўзларини ижобий томондан кўрсатган.

Таркибида 1-2% гексахлорофен киритилган полиэтилен ва урилишга чидамли полистиролдан тайёрланган санитар-гигиеник буюмлар ўзларининг антисептик хоссаларини касалхоналарда 1 йилдан кўпроқ вақт давомида сақлади, айни шароитда биоцидлар билан ҳимояланмаган материаллар инфекцион касалликлар манбаи бўлиши мумкин.

РЕЗИНАЛАР

Асоси эластомерлар – эгилувчан, молекулалари чизиқсимон қаторда жойлашган полимерлар бўлган резиналар, резино-техник буюмлар, зичловчи-оралиқ

ва бошқа материалларни микроорганизмлар, ҳашаротлар ва кемирувчилар заарлаши мүмкін.

Одатда микробиологик шикастланиш резиналар атмосфера, тупроқ ва бошқа ташқи мұхит факторлари таъсирида эскириши билан бирга ривожланади. Микробиологик шикастланиш ҳоллари сув ўтказгичлар ва бошқа ўтказувчи трубалар қурилмаларида, жумладан оқава сувлар тармоқларида құлланған резина оралиқ моддалари ва зичлагичларда кузатилған. Ўтказгич трубалар ҳам ички томонидан, ҳам ташқаридан тупроқ ва ҳаво билан контактта бўлған жойларидан шикастланған.

Юқори диэлектрик хусусиятлари туфайли резина электр симлари ва кабеллар ҳамда электротехника саноатининг бошқа жиҳозлари учун электроизоляцион материал сифатида кенг құлланади. Бу жиҳозлар учун микробиологик заарланиш катта хавф туғдиради. Электроизоляция бутунлигининг бузилиши электродвигатель, динамомашина, трансформатор ва бошқа жиҳозлар ишдан чиқиши сабабли саноатнинг бу соҳасида материаллар биозаарланиши бўйича ишлар бошқа соҳаларга кўра анча эртароқ бошланған. Еости кабеллари учун кемирувчилар, баъзан термитлар ва бошқа организмлар хавф туғдиради.

Каучукларнинг биологик чидамлилиги. Табиий каучук цис-1,4-изопреннинг чизиқсимон полимери бўлиб, уни каучук ҳосил қилувчи ўсимликларнинг латекси (шираси) дан олинади. Табиий каучукнинг латекси сувдаги дисперсия шаклидаги, катталиги 0,15-0,5 мкм бўлған карбонводородлардир. Уларнинг латексдаги миқдори 30-35%. Йиғиб олинган латексга 10-12 соат орасида аммиак, формалин ёки бошқа бир антисептик билан ишлов берилади, акс ҳолда ҳаводан тушадиган бактерия ва дрожжалар таъсирида у коагуляцияга учрайди ва хусусиятларини камайтиради ёки йўқотади. Устида замбуруғлар, бактериялар ва актиномицетлар ўсиб кетишдан асраш учун табиий каучук хомашёсини ортиқча намланишдан саклаш лозим. Биозаарланиш бошланиши – каучук пластинкаларида ҳар хил рангли доғлар пайдо бўлишидир.

Табиий каучук кўпроқ бактериялар, масалан *Acetobacter* турлари ва *Streptomyces* ҳамда *Actinomyces* туркумларига мансуб актиномицетлар билан биозаарлланади. Табиий каучукнинг вулканизатларини микроорганизмлар заарлаш ҳоллари табиий каучукдан тайёрланған резина воситасида изоляция қилинған еости электрик кабелларини ишлатишда, тупроқ, денгиз суви, сув ўтказгичларнинг чучук суви ва оқава сувлар билан контактта бўладиган зичловчи материалларда кузатилади. Устки қисм дефектлари ва ранг ўзгаришлари айниқса очиқ тусли тўлдирувчилари бўлған вулканизатларда яққол кўринади. Улар резина тупроқда бўлишининг 4-нчи куни пайдо бўлиши мүмкін. Табиий каучук вулканизатларидан ажратилған микроорганизмлар орасида кўпинча *Pseudomonas* туркуми бактериялари, *Streptomyces* туркумiga кирувчи актиномицетлар, *Fusarium* ва *Aspergillus* туркумларига мансуб замбуруғлар учрайди. Табиий каучук вулканизатларининг биочидамлилиги нафакат эластомер ўзининг, балки пластификатор, вулканизация қилувчи агент, тўлдирувчи ва бошқа компонентларнинг хусусиятларига ҳам боғлик.

Синтетик каучуклар бир-биридан кимёвий таркиби ва биочидамлилиги билан фарқланувчи эластомерларнинг катта гурухидир. Буларда макромолекула узунлиги кўпайиши билан бирга уларнинг биочидамлилиги ҳам ошиб боради. Микроорганизмлар каучукларнинг паст молекуляр компонентларини осонроқ ўзлаштиради.

Кимёвий тузилишига кўра изопрен синтетик каучуклари табиий каучукка энг яқин. Табиий каучук каби улар ҳам микроорганизмлар билан шикастланишга кам

чидамли. Лаборатория шароитида СКИ-3 маркали синтетик каучук замбуруғларга чидамсиз эканлиги аниқланди; бу ишлаб-чиқаришдаги синовларда ҳам тасдиқланди.

Полимеризация жараёнида қўлланилган катализаторлар ва эскиришга қарши қўшилган моддалар билан боғлиқ ҳолда синтетик бутадиен (дивинил) каучуги у ёки бу даражада биочидамли. Бу хоссаси бўйича у синтетик изопрен каучугига яқин. Бутадиен-стирол каучуги очиқ ҳавода замбуруғлар ва денгиз сувидаги сув ўтлари билан қопланади.

СКН маркали бутадиен-акрилонитрил каучугининг биочидамлилиги анча юқорироқ. Солиштирма синовларда у юқорида келтирилган барча каучуклардан анча кейин замбуруғлар билан қопланган ва ҳатто фунгицидлик хусусиятларини намоён этган.

2-хлорбутадиен-1,3 бирикмасини полимерлаш воситасида олинадиган хлоропрен каучуклари, мономер молекуласида хлор атоми мавжудлиги туфайли юқори микробиологик чидамлилика эга. Лаборатория ва ишлаб-чиқариш шароитида ўтказилган синовларда бу каучуклар мицелий билан жуда секин қопланган ва синов бошида тупроқ замбуруғларига нисбатан бироз фунгицидлик хусусиятини намоён этган. Собиқ иттифоқда яратилган наирит А ва наирит Б маркали каучуклар замбуруғ ва бактериялар билан шикастланишга энг чидамлиларидан ҳисобланади.

Синтетик каучуклар орасида фторкаучук ва бутилкаучук чидамли, (СКЭП маркали) этиленпропилен каучуги эса камроқ чидамли ҳисобланади.

Гетерозанжирли макромолекулалардан ташкил топган полимерлар гурухига мансуб силикон каучукларининг микроорганизмларга юқори чидамлилиги йўқ. Тупроқ синовларида улар 15 кунда замбуруғлар билан қопланди ва эксплуатацион хусусиятлари камайди. Силикон каучукларини биозаарловчи агентлар асосан актиномицетлардир.

Резина аралашмалари рецептураларининг ёрдамчи компонентлари. Биочидамлилиги (замбуруғлар билан заарланишга чидамлилиги мисолида) бўйича резина аралашмаларининг тўлдирувчилари чидамли, ўртача чидамли ва чидамсизларга бўлинади. Биринчи гурухга асбест, цинк оксид, бўр, тальк ва шаффоф минерал (слюда), иккинчи гурухга оқ қурум ва каолин, учинчи гурухга аэросил ва магний оксид киради. Тўлдирувчи сифатида қўлланиладиган қурумлар замбуруғларга чидамлилиги билан фарқланади. Улардан ўчоқ мойли ва яримфаол термик қурумлар чидамлироқ, форсунка ва антрацен қурумлари чидамсиз.

Вулканизацияни тезлаштирувчилар орасида энг диккатга сазовори тирам (=тиурам, ТМТД) – тетраметилтиурамдисульфид ҳисобланади. Унинг афзаллиги – вулканизацияловчи агент бўлиши билан бир қаторда, ТМТД фунгицид, бактерцид, инсектицид ва родентицидлик хусусиятларига эга бўлган кучли биоцидdir. Ҳам вулканизацияни сифатли, ҳамда резинани юқори даражада биочидамли қилиш учун кўпинча рецептурага тирамнинг 1,5 оғирлик қисмини қўшиш етарли. Бу хусусиятлар 2-меркаптобензотиазол (каптакс) ва фталангидрида камроқ.

Пластификаторлар ва резинага юмшоқлик хусусиятини берувчи бирикмалар одатда замбуруғларга етарлича чидамли эмас. Деярли барча юмшатувчилар – зигир ёғи, парафин, вазелин ёғи, канифоль, пластификаторлар – дибутифтарат, диоктилсебацинат ва вулканизацияни фаоллаштирувчилар – стеарин ва мумлар мотор замбуруғлари билан кучли заарланади.

Каучукларнинг вулканизатлари ва резина буюмлар. Асбоцемент ичимлик сув ўтказгич трубаларида резина зичлагич ва оралиқ материаллари микробиологик

заарланиши кўп учрайди. Кузатувларда илк ишлатиш йиллари давомида улар бироз гадир-будурлашган, сўнgra тупроққа қараган томонида шилимшиқ парда пайдо бўлган ва сувга қараган томони пўк бўлиб қолган. Устида эса резина тўлдирувчиси (бу синовда – курум) нинг сийпалаганда осон кетадиган қатлами ҳосил бўлган. Микроорганизмлар билан кучли заарланган жойларда оралиқ материалларнинг диаметри бўйича ярмидан кўпи емирилган. Ғовак резинадан тайёрланган оралиқ материалларнинг кучли заарланишини *Streptomyces* туркумига мансуб актиномицетлар кўзғатган.

Электр ва телекоммуникацион кабелларнинг резина изоляциялари тупроқда ўнлаб йиллар давомида биочидамлилигини сақлаши талаб этилади. Синалган кўп электроизоляцион резиналардан 8 йил давомида тупроқ синовларида энг биочидамлилари хлоропропен каучуги вулканизати ва олтингугурт билан вулканизация қилинган бутадиен-акрилонитрил резиналари бўлиб чиқди. Шахталарда қўлланиладиган тоғ симлари ва кабеллари *Penicillium* ва *Aspergillus* туркумларига киравчи замбуруғлар билан кўп заарланади. Замбуруғлар изоляция эскиришини тезлаштиради, устки ва ёрилишга қаршиликларини камайтиради ва натижада электр занжирлари бузилади.

Каучук вулканизатлари ва резина буюмларни микроорганизмлардан ташқари ҳайвонлар – термитлар ва кемиравчилар ҳам механик шикастлаб, заарлайди – озуқа, сув излаб ёки инига ўтишда йўлидаги буюмларни тешади, жиҳозлар бутунлигини бузади ва ҳ. Қаттиқ монолит резинадан тайёрланган буюмлар термит ва кемиравчилар билан заарланишга чидамлироқ. Юмшоқ ва ғовак резинадан тайёрланган, усти ғадир-будур резиналарнинг чидамлилиги камроқ. Агар резина ёғоч билан контактда бўлса, термитлар билан заарланиши кучаяди. Уретан ва сульфид каучукларининг вулканизатлари табиий, бутадиен-стирол, нитрил, силикон ва хлорпропен каучуклари вулканизатларига нисбатан чидамлироқ.

Резиналарни микробиологик шикастланишдан химоя қилиш ҳар хил усуллар, жумладан рецептурага киритиш учун биочидамлилиги юқорироқ бўлган компонентларни (каучуклар, тўлдирувчилар, пластификаторлар ва ҳ.) танлаш; микроорганизмлар осон ўзлаштирадиган моддаларни композициядан чиқариш (ёки композицияга киритмаслик); ёрдамчи компонентлар сифатида композицияга маҳсус қўшимчалар – биоцидларни киритиш орқали амалга оширилади.

Умумий талаблар билан бирга, резина учун ишлатиладиган биоцидларга бир катор маҳсус талаблар қўйилади, яъни улар резина вулканизация қилинадиган ҳароратларда ($135\text{--}175^{\circ}\text{C}$) термобарқарор бўлиши, материал ичидан сиртига диффузия қилмаслиги, резина аралашмаларининг бошқа компонентларига таъсир қилмаслиги керак ва ҳ.

Тўқимачилик материаллари ва пластикларга нисбатан резиналарга қўшиш мумкин бўлган биоцидларнинг сони кўпроқ чегараланган. Масалан, мис бирикмалари каби кенг ишлатиладиган биоцидларни қўллаб бўлмайди, чунки улар резина эскиришини катализ қиласи, бошқалари эса одатда термобарқарор эмас.

Резиналар учун энг мос келадиган биоцидлар тирам ва меркаптобензотиазол. Бу моддалар бъязи резиналарни ишлаб чиқаришда илгаридан вулканизацияни тезлатувчилар сифатида қўлланиб келинган, шунинг учун улар технолог ва рецептура тайёрловчиларга яхши таниш. Ҳар икки модда фунгицидлик хусусиятига эга, тирам эса айни пайтда инсектицид ва родентициддир.

Денгиз сувида ишлатиладиган асбоблар учун маҳсус биочидамли резиналар яратилган. Микроорганизмлар, сув ўтлари ва моллюсклар билан қопланишга қарши

бундай резиналар таркибиغا 10-15% гача трибутилқалайакрилат қўшилади. Биоцид материал сиртига суткасига 10 мг/м² тезлигидан чиқиб туради ва резинани биоқопланишдан бир неча йил давомида ҳимоя қиласи.

ЛАК ВА БҮЁҚЛИ ҚОПЛАМАЛАР

Лак ва бўёқли қопламалар микробиологик заарланиши – тез-тез учрайдиган ҳодиса. Унинг характерли белгилари – бўялган материалларнинг устида, намлиги юқори бўлган жойларида замбуруғларнинг кулранг-яшил, кўнгир, тўқ рангли ва бошқа тусли доғлар ва қатламлар, бактерияларнинг шилимшиқлари, бурушиқлар ва шишлар ҳосил бўлиши, қопламалар чатнаши, кўчиб кетиши ва б.

Лак ва бўёқли қопламалар биозараарланиши атмосферанинг бошқа факторлари – ичида агрессив кимёвий моддалар эриган намлик (ёмғир, шабнам ва х.), қуёш нурлари, юқори ҳарорат ва бошқаларнинг шикастлаши билан бирга қузатилади. Биозараарланиш атмосфера таъсирида эскириш жараёнидан олдин, бирга ёки кейин қузатилиши мумкин. Эскириш ва биозараарланиш бирга учраши уларни ўрганишни ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва кўллашни қийинлаштиради, бунинг учун биологлар ва кимёгарлар ҳамкорликда ишлаши керак.

Лак ва бўёқли қопламалар микробиологик заарланишининг асосий қўзғатувчилари моғор замбуруғларидир. Бактериал заарланиш кам учрайди ва рангиз ёки рангли шилимшиқ қатlam ҳосил бўлиши билан характерланади. Бўёқ қатлами тагида замбуруғлар ва бактериялардан ташкил топган мураккаб биоценозлар учрайди. Лак ва бўёқли қопламаларни заарлайдиган микроорганизмлардан кўп учрайдиганлари *Aspergillus*, *Penicillium*, *Fusarium*, *Trichoderma*, *Alternaria*, *Cephalosporium*, *Aureobasidium* туркумларига мансуб замбуруғлар ва *Pseudomonas*, *Flavobacterium* туркумларига киравчи бактериялардир. Замбуруғлар қопламаларни заарлаши ёки қоплама таркибидаги моддалар ҳисобига, ёхуд қопламалар устига тушадиган ҳар хил ифлослантирувчи моддалар ҳисобига амалга ошади; иккинчи ҳолда қопламаларни ифлослантирувчи моддалар ҳисобига ўсаётган замбуруғ мицелийсидан чиқсан метаболитлари емиради. Лак ва бўёқли қопламаларни заарловчи замбуруғларнинг тур таркиби ҳар бир тупроқ-иқлим зонаси учун ўзига хос, ва ўша зона тупроқларида учрайдиган турлар тўдаларидан ташкил топади. Замбуруғнинг битта тури таркиби ҳар хил бўлган қопламаларни заарлаши мумкин.

Лак ва бўёқли қопламалар заарланиши кўпроқ юқори намлик ва ҳарорат мавжуд бўлган тропик ва субтропик иқлимда ҳамда иншоотлар ва биноларда (гўшт-сугут ва консерва ишлаб чиқарувчи корхоналар, чорва фермалари, бассейнлар, ҳаммоллар ва б.) учрайди ва жуда катта зарап келтиради. Аммо мўътадил иқлимли минтақаларда ҳам, камроқ даражаларда бўлса ҳам (айниқса иш қоидалари бузилган ҳолларда – сув оқиб кетиши, нам ҳаво туриб қолиши ва х. қузатилганда), қопламалар замбуруғлар билан заарланади. Куруқ иқлимли минтақаларда улар жуда кам ҳолларда қузатилади.

Лак ва бўёқли қопламалар заарланиши лак ва бўёқларнинг (парда ҳосил қилувчи ва пигментларнинг) таркиби ва хусусиятларига ҳамда қисман ишлов бериладиган материалга (асосга) боғлиқ. Масалан, қопламалар ёғоч-тахтада яхшироқ, металл ва силикатдан тайёрланган қурилиш материалларида ёмонроқ сақланади. Рангли металларга кўра қора металларда уларнинг биочидамлилиги камроқ.

Грунт, антикоррозион химояловчи-декоратив ёки микроорганизмлар ўсишига қарши қопламаларни түгри танлаш лозим. Кўпинча лак ва бўёкли материал компонентларини, уларни қўллаш системасини ва асоснинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри танлаш, маҳсус, фунгицид қўшилган материалларни ишлатмасдан ҳам талаб қилинган биочидамлиликни таъминлашга имкон беради.

Парда ҳосил қилувчи моддалар. Лак ва бўёкли қопламаларнинг биочидамлилигига парда ҳосил қилувчи полимернинг кимёвий хусусиятлари ва ундан олинган парда қопламасининг физик хусусиятлари (шишиш қобилияти, қаттиқлиги, ғоваклиги, гидрофоблиги ва х.) ҳал қилувчи роль йўнайди.

Синтетик парда ҳосил қилувчи термопластик ва термореактив полимерлар табиийларига нисбатан микроорганизмлар билан камроқ заарланади. Полимерларнинг биочидамлилиги қўйидаги тартибда камайиб боради: эпоксидлар, полиуретанлар, меламиноалкидлар, кремнийорганик, пентафтал бирикмалар. Парда ҳосил қилувчи модданинг қотиш тезлигини ошириш, парда нам шимиши, усти ғадир-будурлиги ва ғоваклигини камайтириш замбуруғларга чидамлиликни оширади. Силлиқ, ялтироқ ва текис пардалар биочидамлироқ, чунки уларнинг устига замбуруғлар споралари қўйинчилик билан адсорбция қилинади ва улар камроқ ифлосланади.

Табиий парда ҳосил қилувчилардан энг кенг тарқалганлари ўсимлик (зифир, пахта, наша, кунгабоқар, талл) ёғларидир. Улар барчасининг замбуруғларга чидамлилиги кам. Ўсимлик ёғларининг биочидамлилигини ошириш мақсадида улардан сув, оқсил маҳсулотлари ва бошқа қўшимча моддалар рафинлаш воситасида чиқарилади. Ўсимлик ёғлари микроорганизмлар билан заарланишининг характеристи белгилари – уларнинг ёпишқоқлиги камайиши, нордонлиги ошиши ва полимерланиш қобилияти пасайишидир. Табиий лак ва бўёкларнинг биочидамли парда ҳосил қилувчиларидан бири канифолдир. Канифолнинг биочидамлилиги унинг таркибида фунгицидлик хусусиятлари бўлган терпенлар мавжудлиги ва парда ҳосил бўлиши жараёнида нордон моддалар пайдо бўлиши билан боғланади.

Парда ҳосил қилувчилар сифатида қўлланиладиган битумнинг биочидамлилиги етарли эмас. Битум лаклари ва битум химоя қопламаларининг биочидамлигини ошириш мақсадида уларга фенол, малеин ва бошқа синтетик смолалар қўшишади.

Тез қурийдиган лак ва микроорганизмлар билан қопланмайдиган лак ва бўёкли қопламалар ишлаб чиқишида қўлланиладиган, хлорланган каучук, стирол ва бутадиеннинг ҳамда винилхlorид билан винилацетатнинг сополимерлари юқори даражада биочидамлилиги билан характерланади.

Поливинилацетат дисперсияси кенг тарқалган полимер бойловчисидир. Унинг асосида тайёрланадиган бўёклар, қопламалар, мастикалар, грунтовкалар ва бошқа материаллар замбуруғларга чидамсиз. Пластификаторлар билан ишлов берилмаган дисперсиялар замбуруғлар билан ишлов берилганларидан кучлироқ заарланади. Нафакат поливинилацетат бўёкларнинг қопламалари, балки суюқ бўёкларнинг ўзлари ҳам сақлаш пайтида замбуруғлар ва бактериялар билан заарланади, бунда уларнинг ёпишқоқлиги камаяди, газ ҳосил бўлади ва х.

Иссиқ ва совуқ ҳолда қотириладиган лак ва эмаллар таркибига киритиладиган термореактив синтетик смолалар (глифтал, пентафтал, мочевинаформальдегид, эпоксид, силикон ва б.) юқори биочидамлиликка эга ҳамда улардан баъзилари фунгицидлик хусусиятларини намоён этади. Улардан тайёрланган қопламаларнинг қаттиқлиги, силлиқлиги ва оз ўтказувчанлиги биочидамлилик ортишига олиб келади.

Сувда эрувчан, парда ҳосил қилувчи моддалар, жумладан целлюлоза ҳосиллари ва оқсил бирикмалари (декстрин, камедь, желатин, альбумин, казеин ва б.) моғор замбуруғлари билан заарланади. Органик моддалар асосида тайёрланган, сувда эрувчан, парда ҳосил қилувчиларнинг биочидамлилигининг пастлиги уларда гигроскопиклик ва шишиш хусусияти мавжудлиги билан боғлиқ. Нам шароитда казеин, декстрин ва бошқа сувэмульсион елимли бўёқлар замбуруғлар билан кўп заарланади.

Сувда эрувчан органик парда ҳосил қилувчиларга нисбатан анорганик парда ҳосил қилувчилар юқори биочидамли. Уларнинг мисоли – суюқ шиша.

Пигментлар. Лак-бўёқ қопламаларнинг биочидамлилигига таъсир қиладиган иккинчи компонент пигментdir. Пигментлар бўёқка ранг ва қоплаш қобилиятини беради, ёпишқоқликни тартибга солади, күёш радиациясига ва сувга чидамлилигини таъминлайди. Анча қаттиқлиги учун, пигментларнинг заррачалар замбуруғ ўсиши ва ривожланишига механик тўсқинлик қиласди. Улар моғор замбуруғлари ва бошқа микроорганизмларга токсик таъсир қилиши ҳам мумкин.

Цинк оксид, мис оксид (I), барий метаборат ва баъзи бошқа пигментлар фунгицидлик хусусиятига эга, шу сабабдан таркибида ушбу пигментлар бўлган лак-бўёқ қопламалар ҳам биочидамли бўлади. Шу билан бирга, бўр, сариқ крон, титан қўшокси迪, алюминий кукуни, хром оксид, қурум каби пигментларнинг биоцидлик хусусиятлари йўқ, аммо улар асосида тайёрланган мойли бўёқлар замбуруғларга жуда чидамли. Суръма ва қўроғшин оксидлари ва литопонли мойли бўёқларнинг замбуруғларга чидамлилиги камроқ. Баъзи анорганик пигментлар ва тўлдирувчилар, масалан, тальқ, графит ва слюда-мусковит замбуруғлар билан заарланишга чидамлиликни камайтиради.

Лак ва бўёқли қопламаларни биозарланишдан ҳимоя қилиш учун биринчи навбатда, эксплуатация қилиш шароитлари ва бўяладиган объектнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қоплама системалари танланади ва биоцид қўшилган маҳсус бўёқлар ишлатмасдан амалга оширилади. Микробиологик заарланиш хавфи катта бўлсагина таркибида биоцид бўлган бўёқларни ишлатиш тавсия қилинади.

Биоцид қўшилган ҳимояловчи-декоратив ва электроизоляцион лак-бўёқ қопламаларини баъзи, айниқса тропик иқлими мамлакатларга жўнатиладиган радиоэлектрон аппаратлар, оптико-механик ва бошқа асбоблар учун қўллаш тавсия қилинган. Антисептикли бўёқлар намлиги ва ҳарорати юқори бўлган биноларни (бассейнлар, ҳаммоллар, озиқ-овқат саноатининг баъзи корхоналари ва б.) бўяш учун тавсия қилинган.

Ташқарида ва ичкарида ишлатиладиган оммабоп лак-бўёқ қопламаларига куйидаги биоцидларни қўшиш мумкин: 1) анорганик пигментлар – цинк оксид (I), барий метаборат ва б.; 2) органик фунгицидлар – мис 8-оксихиноляти (сариқ-яшилдан қўнғир тусгача ранг берадиган бўёқ, кам токсиклиги учун озиқ-овқат саноатида қўлланилиши мумкин), салициланилид, бромтан, *n*-нитрофенол, тетра- ва пентахлорфенол, фталан (трихлорметилтиофталиmid) ва б.; 3) металлорганик фунгицидлар – қалайорганик (гексабутилдистанноксан, трибутилқалайакрилат), маргимушорганик (хлорфеноксарсин), симборганик (фенилмеркурольеат ва б.); жуда учувчанлиги ва инсонларга заҳарлилиги сабабли буларнинг ишлатилиши чегараланган.

Сувли муҳитда устки ўсишдан ҳимояловчи лак-бўёқ қопламалар. Материаллар устида организмлар биоқоплама ҳосил қилишидан ҳимоялашнинг

асосий усули ҳимоя қилиниши керак бўлган материаларнинг устини биоқопламага қарши (биоқоплама ҳосил қилдирмайдиган) лак-бўёқ қопламалари билан бўяшдир. Бундай қопламаларни ажратиб турувчи хусусият – уларнинг таркибида гидробионт-биоқопловчиларга нисбатан токсик моддалар – биоцидлар (альгицидлар, моллюскоцидлар) мавжудлигидир. Денгиз суви таъсирида бу биоцидлар аста-секин қопламалардан ювилиб чиқади, гидробионт-биоқопламалар ҳосил қилувчи организмларни заҳарлайди ва кема корпусида биоқопламалар пайдо бўлишидан ҳимоя қиласди.

Биоқопламаларга қарши таркибида биоцидлар бўлган қопламаларни қўллашнинг афзаликлари билан бирга камчиликлари ҳам бор. Масалан, портларда кўп денгиз кемалари тўпланиб қолган ҳолларда уларнинг қопламаларидан ювилиб чиқсан токсик моддалар сувни ифлослантириши мумкин. Шу сабабдан бундай қопламаларга қаттиқ экологик талаблар қўйилади. Биринчи навбатда таркибида симоб, қўрғошин ва хлор бўлган энг токсик ва денгиз сувига чидамли органик бирикмаларни ишлатиш ман этилган ёки жуда чегараланганди.

Биоқопламаларга қарши ишлатиладиган қопламаларда мис оксид (I) энг кўп ишлатилади. Бу препаратнинг таъсир қилиш спектри анча кенг, денгиз сувида эрувчанлиги ўртача, денгиз сувини ифлослантирувчи сифатида катта хавф туғдирмайди.

Қалайорганик (гексабутилдистанноксан ёки бистри-бутилқалайоксид) ва маргимушорганик (бисдигидрофенарсазиноксид ёки *n*-оксид) бирикмалар самарали биоцидлардир. Бу препаратлар, “контакт” таъсирили биоқопламаларга қарши ишлатиладиган, парда ҳосил қилувчилар сифатида перхлорвинил смоласи ёки винилацетат билан винилхлориднинг сополимери асосида олинган лак-бўёқларга қўшилади.

Контакт қопламаларнинг таъсир қилиш механизми қўйидагича: қоплама устидаги биоцид чегара қатламда эрийди, улар эриган сари биоциднинг янги заррачалари диффузия воситасида қопламанинг ички қатламларидан аста-секин сиртига чиқади.

Эксплуатация жараёнида биоцид захираси камайиши туфайли чегара қатламга биоцид кам тезликларда диффузия қиласди. Натижада қопламанинг ичидаги биоцид ҳали тўла сарфланмаган бўлса ҳам, сиртига ҳимояни таъминлай олмайдиган микдорларда чиқарилади. Бу камчиликни енгишнинг бир усули – қоплама таркибида сувда эрувчан модда, хусусан, канифоль қўшишдир. Канифолнинг аста-секин эриши натижасида қопламада микротешниклар пайдо бўлади ва улар орқали сиртга биоцид диффузияси енгиллашади.

Биоқопламаларга қарши ишлатиладиган қопламаларнинг яна бир тури макромолекуласида биоцид хусусиятли ён гурухлари бўлган, сувда эрувчан полимер парда ҳосил қилувчилардир. Бундай полимер ўзида икки хусусиятни – боғловчи ва биоцидлик хусусиятларини мужассамлаштиради. Трибутилқалайакрилат билан малеинатнинг сополимери бу тур парда ҳосил қилувчиларнинг мисоли бўла олади.

Денгиз сувида гидролиз туфайли трибутилқалайнинг ён гурухлари полимер макромолекуласидан узиб олинади ва биоқоплама ҳосил бўлишидан ҳимоя қиласди. Колган полимернинг сувда эрувчанлиги ошади ва у эритмага ўтади, натижада макромолекуласида биоцид гурухлари мавжуд бўлган янги қатлам очилади. Шундай қилиб, полимер боғловчисининг макромолекулалари эриши натижасида денгиз сувининг чегара қатламида биоциднинг бир маромда эриши таъминланади. Бундай

қопламанинг хизмат қилиш муддати қоплама қалинлиги ва эриш тезлиги билан аниқланади.

Эриш тезлиги ойига 8-10 мкм бўлган замонавий эрувчан қопламалар 200-300 мкм қалинликда суртилади, демак улар 2-3 йил давомида ишончли ҳимояни таъминлайди. Эрувчан полимер боғловчилари асосли қопламаларнинг афзаллиги – эриш жараёнида кеманинг бўялган сиртки қисмидаги ғадир-будурликлар силлиқланади, буни қоплама “ўз-ўзини силлиқлаши (полировкаси)” деб аталади. Бундай қопламалар “ўз-ўзини силлиқловчи қопламалар” (ЎСҚ) номини олган.

ЎСҚ типидаги қопламаларнинг яна бир афзаллиги – кема корпуси ўз-ўзини силлиқлаши натижасида кема ҳаракатига сувнинг гидродинамик қаршилиги камаяди. Натижада биоқопланиш фаолиятига тескари жараён – кема доимий тезлигини сақлагандан ёнилғи сарфи камайиши ёки тезлик ошганда ёнилғи доимий сарфланиши (двигатель қуввати сақланиши) таъминланади.

ЁНИЛГИЛАР ВА МОЙЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР

Ёнилғи ва мойловчи материаллар заарланиши уларнинг сифати ёмонлашиши ва резервуарлар, двигателларнинг ёнилғи ва мойловчи системалари ҳамда бошқалар коррозияга учраши, микроорганизмлар заарлаган нефть маҳсулотлари билан ишловчи одамларда тери, аллергик ва бошқа касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Авиаёнилғилар биозарарланиши. Ҳар хил нефть ёнилғиларидан энг биочидамлилари енгил дистиллят ёнилғилар, кам чидамлилири – керосинлардир. Ёнилғи сифатида керосин қўлланиладиган реактив авиация ривожланиши билан авиаёнилғилар заарланиши ҳоллари ҳам кўпаймоқда.

Ёнилғи ва ёнилғи системалари ҳамда ер устидаги резервуарлар – нефть маҳсулотлари омборлари заарланади. Бунда биозарарланишнинг қуйидаги белгилари кузатилади: 1) ёнилғи баклари ва резервуарлар тагида шлам – ифлосланган сув ва бактерияларнинг шилимшиқлари тўпланиши; 2) ёнилғи сифати бузилиши, жумладан, мойда сув типидаги барқарор эмульсиялар пайдо бўлиши, нордонлик ошиши, ёнилғининг ҳиди ва ранги ўзгариши, ёнилғи ичи осилган ҳолда жойлашган мицелий ва шилимшиқ заррачалари билан ифлосланиши; 3) ёнилғи системалари ва резервуарларнинг ички деворларида мицелий ва бактериялар колонияларининг қолдиқлари чўқмалар ҳосил қилиши ва ўтказувчи трубалар ва фильтрлар тикилиб қолиши; 4) идишларнинг тагида, шлам йигилиб қолган жойларида, айниқса ёнилғи ўтказувчининг бўлиниш чегараларида ва бошқа жойларда металлар коррозияга учраши; 5) микроорганизмлар колониялари остида ҳимояловчи қопламалар емирилиши ёки кўчиб кетиши, метаболитлар таъсирида зичловчи-оралиқ материаллар парчаланиши ва б.

Ёнилғиларда асосий биозарарланиш қўзғатувчилари *Cladosporium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Alternaria* туркумига мансуб замбуруғлар ва *Pseudomonas*, *Nitrococcus*, *Mycobacterium* туркумларига кирувчи бактериялардир. Улардан нефть маҳсулотларида энг қўп учрайдиганлари *Cladosporium resinae* “керосин замбуруғи” ва *Pseudomonas aeruginosa* бактериясидир.

Ёнилғилар биозарарланиши карбонводородлар ферментатив оксидланиши ва сирт-фаоллик ва эмульсиялаш хусусиятларига эга бўлган органик кислоталар ҳосил бўлиши билан боғлиқдир.

Ёнилғида микроорганизмлар ривожланишининг асосий шарти – унда минерал тузларнинг “из міқдорлари” бўлган сув ва қулай ҳарорат мавжудлигидир. Абсолют даражада куруқ бўлган ёнилғида микроорганизмлар ривожланмайди. Аммо ёнилғиларни ишлатиш ва сақлашнинг реал шароитларида намлики бутунлай йўқ бўлишини таъминлаб бўлмайди, унда 0,01-0,02% ёки ундан ҳам кам (“из концентрацияларда”) сув бўлиши микроорганизмлар ўса бошлиши учун етарли бўлади.

Микробиологик оксидланишининг тезлиги ва чукурлиги нефть маҳсулотларининг таркиби билан боғлиқ. Молекулалари чизиқсимон бўлган карбонводородлар уларнинг шохланган изомерларига кўра тезроқ емирилади. Ароматик карбонводородларга кўра алифатик (парафин) карбонводородлар камроқ чидамли. Шу сабабдан таркибида асосан парафин карбонводородлари бўлган ёнилғилар катта міқдорларда ароматик бирикмалари бўлган ёнилғиларга нисбатан микроорганизмлар томонидан тезроқ парчаланади.

Авиаёнилғиларни биозарланишдан ҳимоялаш биринчи навбатда уларга сув тушишидан асраш, уларни ўз вақтида қуритиш ва резервуарни тагидаги сувдан тозалаш, санитар-гигиеник қоидаларга риоя қилиш ва микроорганизмларга қарши биоцидларни киритиш билан изохланади.

Ёнилғиларни намланишдан асраш учун иложи борича улар, айниқса нам ҳаво билан контакт қиласылгани таъминлаш, силикагелга ўхшаш маҳсус қуритувчи препаратлар ва фильтрлаш системаларини қўллаш тавсия қилинади. Ёнилғиларни тозалаш ва заарсизлантиришда ўта майда фильтрларни қўллаш, термик ва радиацион стерилаш (пастеризация) яхши натижа беради. Аммо бу усуллар мураккаб ва қиммат. Кимёвий ҳимоя воситалари – антимикроб қўшимчалар ёнилғи ёниши ва унинг энергетик характеристикаларини бузмаслиги талаб қилинади. Шу сабабдан полимер ва бошқа материалларни биозарланишдан ҳимоялашда қўлланиладиган биоцидлар ёнилғини ҳимоялашда ишлатишга яроқсиз.

Биоцид сифатида синалган кўп бирикмалар орасида этиленгликолга унинг монометил эфири қўшилган комплекс энг яхши натижа берган. Бу комплекс илгаридан ёнилғиларда қўлланилган, музлашга қарши кўп эксплуатацион синовлардан ўтган ва кейинроқ аниқланишича, 0,1% концентрацияда яхши бактерицидлик хусусиятлар намоён этган. Яна бир антимикроб қўшимча – тўртламчи аммоний бирикмалари синфига кирувчи, сирт фаоллик хусусиятига эга бўлган диметилалкилбензиламмоний хлориддир (алкил С₁₇₋₂₀). Бу препаратни ёнилғи тамом бўлгандан сўнг ёнилғи системалари ва омборларини заарсизлантириш учун қўллаш мумкин.

Дизель ёнилғилари биозарланиши. Кема двигателлари ва тепловозлар, энергетик қурилмалар ва хоказоларда ишлатиладиган оғир дистиллят дизель ёнилғилари сув мавжудлигida авиаёнилғи (керосин) заарланаидиган шароитларда ва айни микроорганизмлар билан заарланаади. Дизель ёнилғиларни микробиологик заарланишдан ҳимоялашнинг асосий усуллари ҳам авиакеросиннни ҳимоялашдаги каби – уларни қуритиш, сув тушиши ва ифлосланишдан асраш ва х.

Мой ва мойловчилар биозарланиши. Авиа-, авто-, денгиз ва бошқа техникалар билан ўтказилган кенг кузатувларда кўп ҳолларда мой ва мойловчиларда микроорганизмлар мавжудлиги аниқланган. Аммо бунда кўпинча двигателлар ишлаши ёмонлашиши ёки мой ва мойловчилар ўзгариши кузатилмаган. Бу биринчи навбатда циркуляцион ёпиқ типдаги мойлаш системали двигателларга таалуқли.

Бундай изоляцияланган системаларнинг баъзи қисмларида мой 120-180°С гача қизади ва бу орқали заарсизланади.

Очиқ мойлаш системали двигатель ва механизмларнинг мой ва мойловчиларида *Pseudomonas* туркумига мансуб бактериялар, *Cladosporium resinae* ҳамда *Aspergillus*, *Penicillium* ва *Chaetomium* туркумларига киравчи замбуруғлар ривожланиши мумкин.

Энг кўп микроорганизмлар билан ҳимояловчи (консервацияловчи) мой ва мойловчилар тропик ва субтропик иқлимда заарланади. Микроорганизмлар бундай материалларнинг ҳимоялаш хусусиятларини камайтиради, уларнинг метаболитлари эса атроф-мухитнинг агрессив факторлари билан бирга металлар коррозиясини кучайтириши мумкин. Ҳимояловчи мой ва мойловчилар таркибига антимикроб қўшимчалар – биоцидларни киритиш коррозияни камайтиради.

Таркибида биоцид бўлмаган ҳимояловчи карбонводород мойловчилардан техник вазелин, церезин, ЦИАТИМ-201 типидаги совун мойловчилари ва баъзи бошқалар биозаарланишга камрок чидамли.

Мойловчи-совутувчи суюқликлар (МСС) мойловчи материалларнинг бир хили бўлиб, улар ҳам мойловчилик, ҳам совутувчилик функцияларини бажаради. МСС – эмульгаторлар ва ёрдамчи моддалар қўшилган карбонводород мойиннинг сувдаги 1:20-40 нисбатларидаги эмульсиясидир. Улар айланиш тезлиги юқори бўлган металларга ишлов бериш дастгоҳлари ва механизмларда, металл ёйиш станлари ва ҳоказоларда қўлланилади.

МСС саноатда энг кўп ишлатиладиган материаллардан биридир. АҚШ да ҳар йил 0,5 млн м³ МСС сарфланади, 1 млн дастгоҳ ишчилари ва усталари ўз ишида МСС ларни қўллайди.

Юқорида келтирилган ёпиқ типдаги, атроф-мухит билан чегараланган даражада контактда бўладиган ва шу сабабдан манбаи ташқарида бўлган микроорганизмлар билан заарланиш ва ёнилғи ва мойларнинг биозаарланиш эҳтимоли кам бўлган замонавий двигателларнинг ёнилғи ва мойлаш системаларидан фарқли ўлароқ, ишчи узеллардаги МСС атмосфера билан доим kontaktда бўлгани сабабли, аэроб микроорганизмлар билан заарланиш эҳтимоли юқори бўлади, уларнинг резервуарларида эса анаэроб микроорганизмлар ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Шунинг учун саноатнинг замонавий металлсозлик соҳаларидағи муаммолар орасида МСС ни ҳимоялаш энг долзарбларидан биридир.

МСС заарланишининг белгилари – бегона, чириган нарса ва водород сульфид хиди келиши, рангининг ўзгариши, ёпишқоқлигининг камайиши, нордонлигининг ошиши, коррозион фаоллиги пайдо бўлиши ва б.

МСС заарланишининг ўзига хос хусусияти – улар билан ишлаганда санитар-гигиеник ҳолат ёмонлашишидир. Ишчилар заарланган МСС билан kontaktда бўлиши ёки уларнинг заррачалари ҳаво билан ўпкага тушиши профессионал касалликлар пайдо килади. Станок ишчиларининг дерматитларининг 25 фоизи улар патоген микроорганизмлар заарлаган МСС билан kontaktда бўлишига боғлиқ. Инфекцияси бўлмаган МСС дерматитларни сезиларли даражада кам қўзғатади.

Микроорганизмлар турлари таркиби билан боғлиқ ҳолда уларнинг МСС да мавжуд бўлишига йўл қўйиладиган микдори 15-50 млн ҳужайра/мл. Биоцид қўшилмаган оддий рецептураларда микроорганизмлар бу микдоргача бир ҳафтада кўпаяди. Бундан кейин ишлатишга ярамайдиган МСС сув билан 40-50 марта сюлтирилади ва оқава сувларга тўкиб юборилади. Шундай қилиб, МСС ларни

биозарланишдан ҳимоялаш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш, муҳим атроф-муҳит муҳофазаси экологик аспект ҳам касб этади.

МСС нинг биоценозларининг таркиби мураккаб ва унда грамсалбий бактериялар, коли- формалар, псевдомонадалар ва анаэроб сульфаттиловчи бактериялар (СТБ) доминантдир. Сувэмульсион МСС ларда биозарланиш қўзғатувчи микроорганизмларнинг асосийлари *Desulfovibrio*, *Pseudomonas* туркумларига кирувчи бактериялар, *Fusarium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Cladosporium* туркумларига мансуб замбуруғлар ва дрожжалардир. Патоген шакллар орасида *Escherichia coli*, *Staphylococcus* ва *Pseudomonas* туркумига кирувчи бактериялар мавжуд.

Эксплуатация жараёнида биозарлган МСС ларнинг тузи опал-кўқдан қора рангача ўзгаради ва буни темир сульфид ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Ўзига хос чириган модда ва анча кучли водород сульфид ҳиди пайдо бўлишини эса *Pseudomonas* гетеротроф ва *Desulfovibrio* анаэроб СТБ ларнинг бирга кўрсатган таъсирига боғланади. Микроорганизмлар фаолияти аэрация ва ёруғлик йўқлигига ва циркуляцион системалар ишламаган пайтларда кучаяди.

Одатда МСС биозарланиши бир неча босқични ўтади. Олдин аэроб шароитда бактериялар МСС нинг СТБ учун токсик бўлган компонентларини оксидлайди, сўнgra анаэроб зоналарда СТБ ривожланиши учун қулагай шароит яратилади.

МСС ларни биозарланишдан ҳимоялаш ўз ичига бир қатор санитар-гиеник (иш жойларида ва биноларда тозаликни сақлаш), технологик (юмшоқ сув ишлатиш, pH 9-9,5 бўлган ишқорли муҳитни сақлаш, вақти-вақти билан термик стерилизация – пастеризация ўтказиш), конструктив ва ташкилий (тузилмаларда анаэроб шароит яратилишига йўл қўймаслик, белгиланган вақтларда аэрация ўтказиб туриш, жиҳозлар ишлатилмасдан туриш вақтларини қисқартириш ва б.) ҳамда МСС таркибига антимикроб бирикмалар – биоцидлар киритиш ишларини олади.

МСС лар учун самарали биоцидларни аниқлаш учун синовлар ўтказилмоқда. Собиқ иттифоқда МСС учун ишлаб чиқилган азин, вазин, формацид серияларига мансуб ва бошқа биоцидлар 30-50 кун ва кўпроқ хизмат муддатларини таъминлайди.

Бошқа мамлакатларда кенг қўлланиладиган биоцидлар қаторига симтриазин ҳосиллари, масалан гексагидро-1,3,5-триэтил-сим-триазин ва гексагидро-1,3,5-трис(2-оксиэтил)-сим-триазин киради. Эксплуатация пайтида кучли бактерицид бўлган формальдегид моддасини ажратиб чиқарувчи “формальдегид донорлари” гурухига кирувчи бирикмалар ҳам диққатга сазовордир. Улардан гексаметилентетрамин (уротропин) ва трис(оксиметил)нитрометанни кўрсатиш мумкин. Биоцид сифатида илгари 2,4,5-трихлорфенол ва натрий этилмеркурсалицилатнинг ҳосиллари кенг қўлланилган. Инсонлар соғлигига хавфи катталиги учун улар ҳозир ишлатилмайди.

МЕТАЛЛ ВА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Металлар, металл тузилмалар ва буюмлар биозарланишини биокоррозия ёки металларнинг микробиологик коррозияси, деб аталади. Қўзғатувчи турига қараб яна “замбуруғ коррозияси” ва “бактерия коррозиясни” ажратилади. Адабиётда “биокоррозия” атамаси металл бўлмаган материаллар учун ҳам ишлатилади.

Техникада ва кундалик ҳаётда металлар биокоррозияси нометалл материаллар биозаарланишига нисбатан кам учрайди. Бунинг сабаблари – металлар аслида биочидамлироқ, баъзилари ҳатто биоцидлик хусусиятларига эга. Машина, асбоб ва бошқа техник буюмлар одатда ҳар хил химояловчи ва декоратив лак-бўёқ ва бошқа материаллар билан қопланади; улар биозаарловчи агентларнинг ҳужумини биринчи бўлиб қабул килиб олади ва металларни биокоррозиядан сақлайди. Ташки белгиларига қараб биокоррозияни оддий атмосферада кузатиладиган металл коррозияси (занглаши) дан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳатто коррозия бўйича мутахассислар ҳам ҳар доим биокоррозияни аниқлай олмайди ва коррозиянинг биологик табиатини исботлаш учун микробиологлар ёрдамига муҳтож бўлади.

Масалан, Киев метрополитени қурилишида металл тузилмаларига катта хавф туғдирган коррозион емирилишларнинг микробиологик табиати аниқланган. Кессон усулида метрополитен куриш жараёнида бир неча ой ичида тоннел айланасидаги тюбингларни қотириш учун қўлланилган пўлат болтларнинг ярмидан кўпи коррозияланган. Авария юз бермаслиги учун шошилинч тадбирлар кўрилган, аммо коррозиянинг сабаблари номаълум бўлган.

Микробиологлар аниқлашича, биринчидан, грунт намуналарида таркибига олtingугурт киравчи минераллар, мисол учун, темир дисульфиддан иборат бўлган пирит мавжуд бўлган, иккинчидан, бу намуналарда тион (олtingугурт оксидловчи) бактериялар топилган, уччинчидан, тоннел қурилишида атмосфера шароитлари ўзгарганлиги маълум бўлган. Тоннел қурилиши бошланмасдан олдин ўтказилган бирламчи синовлар асосида грунт намлиги, шароитлар анаэроблиги ва тион бактериялари хавф туғдирмаслиги ҳақида хулоса қилинган. Тоннелни кессон усулида тешиб тайёрлаш забойга босими 3 атм ча бўлган сиқилган ҳаво бериш билан боғлиқ. Учинчи фактор – ҳаво кислороди пайдо бўлиши билан қулай шароит яратилган ва тион бактериялари шиддатли равишда ўсиб ва ривожлана бошлаган; тажрибада оз кунлар ичида уларнинг микдори 1 г тупроқда бир неча миллионгача етиши аниқланган. Аэроп шароитда бу бактериялар сульфидларни тез оксидлайди ва сульфат кислота ҳосил қиласи, у эса коррозия қўзгата олади.

Қурувчиларга микробиологлар забойга ҳаво киритмаслик ва кессон усули ўрнига тоннелни тешиб қуришнинг бошқа методларидан бирини ишлатишни тавсия қилган. Натижада коррозия дарҳол тўхтаган ва авариянинг олди олинган.

Бу ҳодиса кенг оммага маълум бўлган ва ерости иншоотларини қурувчилар микробиологик хавфга диққат қилишини таъминлаган. Тупроқ ва грунтнинг коррозион фаолигини бирламчи таҳлил қилишда микробиологлар албатта қатнашиши ва қурилиш жараёнида ва ундан кейин ҳосил бўлиши мумкин бўлган экологик шароитларни чуқурроқ ҳисобга олиши шарт қилиб қўйилган.

Микробиологик коррозия алоҳида учраши ёки тупроқ, атмосфера ва денгиз шароитларида юз берадиган электрохимик коррозия билан бирга кузатилиши мумкин.

Микроорганизмларнинг металларга таъсири ҳар хил бўлиши мумкин. Биринчи навбатда металлар коррозиясини микроорганизмларнинг экзометаболитлари – минерал ва органик кислоталар ва асослар, ферментлар ва ҳоказолар қўзғатиши мумкин. Улар коррозион-фаол шароит яратади ва сув мавжудлигига коррозия электрохимиянинг оддий қонуниятларига биноан кечади.

Металлар устида микроорганизмларнинг колониялари шишлар, мицелий ва шилимшиқ моддадан ташкил топган пардалар ҳосил қилиши, уларнинг остидадаги ҳар хил жойларда электр потенциаллари ҳар хил бўлиши ва микроорганизмларнинг


ўзлари металл ионларини асимиляция қилиши натижасида ярали (питтинг) коррозияси ривожланиши мумкин.

Металлар биокоррозиясини ҳар хил микроорганизмлар кўзғатиши мумкин. Металларни коррозияга учратувчи литотроф бактериялардан энг кўп учрайдиганлари қаторига *Desulfovibrio* ва *Desulfotomaculum* туркумларига мансуб бўлган сульфаттиковчи бактериялар (СТБ); олtingугуртни ва унинг бирикмаларини оксидловчи *Thiobacillus* туркумига киравчи тион бактериялар; темир чала оксидини оксидгача оксидловчи *Callionella* ва *Sphaerotilus* туркумларига мансуб темир бактериялар киради.

Металлар ва металл қурилмаларининг СТБ таъсирида коррозия қилиниши техникада бошқа биокоррозияларга нисбатан жуда кўп учрайди. Коррозия бу хилининг характерли белгилари – жараён анаэроб шароитда кечиши ва унинг асосий қўзғатувчилари иккита – *Desulfovibrio* ва *Desulfotomaculum* туркумларига мансублигиdir.

Анаэроб коррозия зич соғ тупроқлар ва грунтларнинг сувли қатламларида жойлашган еости иншоотлари ва қурилмалари (нефть қазиб олиш ускуналари, ўтказувчи трубалар, нефть омборхоналари ва х.) учун характерлиди.

СТБ қўзғатадиган металлар коррозияси асосан сульфат тиклаш натижасида водород сульфид ва сульфидлар хосил бўлиши билан боғлиқ:



Металл устидан водород олиниши темир сульфида ва гидроксида хосил бўлишига олиб келади:



СТБ таъсирида темир ва пўлат коррозияси одатда ерли ва ярали коррозиялар характеристига эга. Коррозия материаллари қора тусли, водород сульфид ҳидли, металл устига кам ёпишган, улар остидаги металлнинг усти ялтироқ. Айниқса чўян коррозияси СТБ таъсирида тез ўтади, карбон заррачаларининг қолган оролчалари сал текканда ҳам тўкилиб кетади.

Соз тупроқларнинг анаэроб шароитда қалинлиги 6 мм бўлган сув ўтказувчи трубалар 3-4 йил ичидаги емирилган. Тупроқда темирнинг эркин ионлари мавжуд бўлса коррозия тезлашади.

СТБ таъсирида биокоррозиянинг механизми жуда мураккаб, чунки бир неча кўп босқичли жараёнлар параллел ҳолда кечади. Одатда сульфатлар тикланиши билан бирга фосфатлар тикланиши ҳам кузатилади.

Нефть саноатида биокоррозия соҳасида тадқиқотлар ўтказиш кейинги йилларда ўта долзарблиқ қасб этмоқда. Нефть конларининг самарадорлигини ошириш (улардан нефтни максимал микдорларда қазиб олиш) мақсадида нефть қатламлари тагига сув киритиш усули ишлаб чиқилган ва кенг миқёсда амалиётга киритилган. Бу усулнинг моҳияти – периметри бўйлаб кон тагига босим остида сув йўлланади, сув грунтдан ўзининг устидаги нефтни юқорига сиқиб чиқаради. Бу усул ёрдамида қазиб олинадиган нефть микдорлари, айниқса унинг заҳиралари ва қазиб олиниши камайган конларда кескин ошган.

Бу усул амалиётта киритилгач коррозия туфайли нефть конларида юз берадиган авариялар сони, жумладан нефть қазиб олиш ускуналари тез ишдан чиқиши ва ўтказувчи трубалар емирилиши ҳоллари күпайган. Күп тажрибаларда коррозиянинг биологик табиати ва у биринчи навбатда СТБ билан боғлиқлиги аниқланди.

Тагига босим остида сув йўлланган конларда биокоррозия учрашининг асосий сабаби йўлланган ариқ ва қўллардан олинган сувларда махсус сульфатлардан тозалаш жараёни ўтказилмаганидир. Ер остидаги харорат, кимёвий ва умуман экологик шароитлар СТБ тез ўсиши ва ривожланиши учун қулайлик туғдиран.

Биокоррозия биринчи навбатда қудукларда қўлланиладиган еости ва ерусти ускуналар ва ўтказувчи трубаларни шикастлаган, чунки қазиб олинган нефть билан чиқадиган сув таркибида водород сульфид бўлган, шу сабабдан сув коррозион фаол бўлган. Нефтдан ажратиб олинган сув дарҳол яна қудукка қайта йўлланган, натижада қатламда агресив компонент миқдори яна ошган. Насослар ва пармаланган қудук ускуналари ишдан чиқишлиари, ўтказувчи трубалар тешилиши туфайли кўп учрайдиган авариялар – буларнинг ҳаммаси СТБ кўзгатган биокоррозия натижаларирид.

Нефть маҳсулотлари сақланадиган пўлат резервуарлар СТБ ва улар билан боғлиқ бўлган микроорганизмлар таъсирида коррозияга учраши биокоррозиянинг яна бир мисолидир. Резервуарлар ички томонидан коррозияга учраш ҳоллари аниқланган. Улар ҳатто резервуарнинг деворини бутунлай тешадиган яралар ҳосил қилган. Коррозион яралар асосан резервуарнинг тагида жойлашган.

Тажрибалар кўрсатишича, омборхоналардаги таги коррозияга учраган нефть резервуарларининг остки қисмларида шлам ва сув мавжуд бўлган. Нефть маҳсулотларига сув уларни сақлаш ва ташиш жараёнларида тушади ва ўз вақтида чиқарилмаса, резервуар тагида тўпланади. Унда коррозион-фаол тузлар ва микроорганизмлар йиғилади. Коррозия кўзғатишда СТБ дан ташқари бошқа микроорганизмлар, жумладан *Pseudomonas aeruginosa* қатнашади, улар шламда йиғилади ва коррозия кўзғатади.

Нефть омборлари коррозиясининг биологик табиатини уларни санитар-гигиеник тадбирлар билан бирга қўлланиладиган бактерицидлар самарали ҳимоя қила олиши ҳам кўрсатади.

Бактериялар рангли металларни, жумладан алюминий қотишмаларини, масалан, авиаацияда реактив самолётларнинг ёнилғи бакларини заарлагани маълум. Таркибида озроқ сув бўлган авиаенилғи СТБ, *Pseudomonas* spp. ва бошқа бактериялар учун қулай муҳитдир.

Микроскопик замбуруғлар қўзғатадиган биокоррозия. Қора ва рангли металларда микроскопик замбуруғларнинг метаболитлари коррозия кўзғатади. Замбуруғлар биокоррозияси атмосфера ва тупроқ учун характерли. Ҳаво алмашинуви кам бўлган жойларда замбуруғлар учун қулай харорат ва намлик шароитлари пайдо бўлади ва металлар устига тушган замбуруғ споралари ифлосланишлар мавжудлигига металларда коррозия кўзғатади. Ифлосланишлар устида ўсиб чиқкан замбуруғ мицелийси атроф-муҳитда ҳаво нисбий намлиги 60% ва пастроқ бўлганида ҳам ўзида намлик ушлаб тура олади. Ўша жойларда мицелий туфайли намлик ошиши коррозия ривожланиши учун қўшимча қулайлик туғдиради.

Металлар биокоррозияси ҳавфи айниқса нам тропик ва субтропик иқлиmlарда катта. Мутьадил иқлиmdа металлар коррозияси техникани ишлатиш ва сақлаш шароитлари бузилганда кузатилади.

Ҳар хил иқлим зоналарида биокоррозия қўзғатувчи замбуруғларнинг типик намояндалари *Aspergillus*, *Fusarium*, *Penicillium*, *Cladosporium* ва бальзи бошқа туркумларга мансуб турлардир. Бу замбуруғларнинг коллекцион штаммлари лабораторияда ўтказиладиган металлар биокоррозияси синовларида тест-культуралар сифатида қўлланилади. Одатда коллекцион штаммлар замбуруғлар билан заарланган материаллардан янгидан ажратиб олингандарига кўра камроқ агрессив бўлади. Табиий микоценозларда юқорида келтирилганлардан бошқа турлар ҳам доминантлар қаторига кириши мумкин.

Гетеротроф бўлганлиги учун замбуруғлар тоза, усти ифлосланмаган ва органик моддалар билан, масалан, мойловчилар, полимер пардалар, бўёқлар ва ҳоказолар билан контактда бўлмаган металларда ривожлана олмайди. Олдин замбуруғлар металлар билан контактдаги органик материалларда ривожланади, кейин мицелий металл устида ўсади, тарқалади ва метаболитлари – кислоталари ва ферментлари билан коррозия қўзғатади.

Биокоррозия мойловчилар билан ҳимояланмаган ёки бўялмаган металлдан ясалган деталларда – резьба билан бириктириладиган қисмларда, электр контактларида ва ҳоказоларда қайд этилган. Бундай заарланиш радиоэлектрон ва оптик асбоблар (телефизор, стереотруба, микроскоплар ва х.) учун характерли. Бир қанча ҳолларда электр контактлар устида мицелий пайдо бўлиши, электр занжири туташиши натижасида бутун асбобнинг ишини бузгани ёки материал устида коррозия туфайли шишлар пайдо бўлиши натижасида электр занжири туташуви узилиб қолиши ҳоллари аниқланган.

Металларни биокоррозиядан ҳимоя қилиш усуслари кимёвий моддалар – фунгицидлар ва бактерицидларни қўллаш ҳамда қурилмаларнинг техник ускуналарида мақсадга мувофиқ биочидамли материалларни танлаш ва ишлатишга асосланган. Иш жараёнида ва техникани қўллаш пайтида санитар-гигиеник қоидаларга риоя қилишнинг аҳамияти жуда катта. Еости иншоотлари биокоррозиясининг олдини олишда улар қурилиши ва ишлатилиши режалаштирилган тупроқ ва грунтнинг биокоррозия хавфлилигини башорат қилиш жуда муҳим.

Бактериал коррозия хавфи бўлган ҳолларда қуйидаги тадбирлар ўтказилиши керак: 1) СТБ қўзғатадиган коррозиянинг олдини олиш мақсадида, ўтказувчи трубаларни ўрнатишда анаэроб шароит яратилмаслиги лозим. СТБ хавфи катта бўлган ботқоқли участкалар аэрация ва дренаж қилиниши ҳамда шағал билан кўмилиши даркор. Агар хавф тион бактериялардан бўлса, кучли аэрация бўлмаслигини таъминлаш лозим; 2) СТБ ўсиши ва ривожланишини ишқорли реагентлар тўхтатади. Шунинг учун ўтказувчи трубалар кўмиладиган хавфли даражада нордон тупроқларга оҳак ёки бўр киритиш керак; 3) маҳсус биочидамли ҳимояловчи қопламалар ёки материаллар, масалан, керамик ёки биочидамли полимер трубалар ишлатиш лозим; 4) сувни хавфли микроорганизмлар ва тузлардан тозалаш даркор. Сувга узок вакт давомида 0,0001% ли фаол хлор ёки унинг ўлдирувчи дозаси билан ишлов бериш СТБ ва бошқа бактериялардан самарали дезинфекция қиласи.

Тюмень нефтчилари электрокимёвий ва кимёвий усулини бирга қўллаб, нефть конларининг еости ускуналарини коррозиядан электролитик хлорлаш воситасида ҳимоялаш усулини ишлаб чиқишиган. Бунда сувда эритилган хлоридлар электролизланади ва бактерицид таъсирли хлор ажралиб чиқади.

Ўтказувчи трубаларни коррозиядан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган битум қопламалари кўпинча микроорганизмлар ривожланиши учун қулай субстрат бўлиб, коррозия ҳосил бўлишига олиб келади. Тошкарбон пек ва эпоксид-тошкарбон қопламаларнинг самараси каттароқдир.

Нефть маҳсулотлари резервуарларининг ички томонларини ҳимоя қилиш учун нефть маҳсулотларига биоцид қўшилади ёки ҳимояловчи қопламалар ишлатилади. Пўлат резервуарларини ҳимоялаш учун энг самаралилари эпоксид қопламалардир. Улар резервуарнинг тагида, “нефть маҳсулоти – сув” чегарасидаги энг кучли коррозион шароитларга ҳам бардош бера олади.

Нефть қазиб олиш саноати ускуналарини СТБ дан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган кимёвий бирикмалардан самаралиси ва арзони формальдегид (формалин) бўлиб чиқди. Уни қудуқларга киритиладиган сувга 10-20 мг/л концентрациясида қўшиш биокоррозия кескин камайишини таъминлади.

Бошқа кўп биоцидлар ҳам тавсия қилинган, аммо улар қимматлиги туфайли кам ишлатилади.

Металларни замбуруғлар коррозиясидан ҳимоялаш учун, нометалл материаллар зарарланишига қарши ишлатиладиган фунгицидлар қўлланилади. Уларга қўйиладиган шарт – замбуруғларга қарши биологик фаоллик ва металларга нисбатан агрессивлик йўқлиги, чунки баъзи фунгицидлар металларга коррозион хавфлилиги маълум. Коррозия ингибиторлари сифатида қўлланиладиган баъзи органик бирикмаларда фунгицидлик хусусият мавжудлиги аниқланган.

ТАХТА ВА ЁФОЧ

Одамлар энг кенг миқёсда қўллайдиган материалларга металлар ва силикатлар (бетон, ғишт) билан бир қаторда ёғоч ҳам киради. Курилишда тахта йиғма темирбетонлардан 2 баравар кўп сарфланади. Аммо металл ва силикатлардан фарқли ўлароқ, ёғоч – табиий органик материал ва уни кўп тирик организмлар карбон манбаи сифатида ўзлаштиради. Ёғочни ўзлаштирувчи организмлар ишга яроқли тахта, тахтадан қурилган иншоотлар, уй жиҳозлари ва бошқа ёғоч буюмларда биозараарланиш қўзғатади. Ҳеч бир тахтадан қурилган бино биологик агентлар билан заарланмай қолмайди.

Ёғоч биозараарланишини қўзғатадиган асосий организмлар ёғочда яшовчи замбуруғлар, баъзи ҳашаротлар ва гидробионтлардир. Мутьадил иқлимда ёғоч ва тахтанинг барча биозараарланишиниг 90 фоизини замбуруғлар қўзғатади. Ёғоч биозараарланиши – замбуруғлар ва ҳашаротлар ёғочнинг целялюзоза, лигнин ва бошқа компонентларини озуқа манбаи сифатида ўзлаштиришининг натижасидир. Ёғоч толаларини бевосита парчалайдиган замбуруғлар ва ҳашаротларга нисбатан бактериялар кам ва билвосита зарар келтиради.

Ёғочда яшовчи замбуруғлар биосферанинг карбон циклида муҳим роль ўйнайди. Улар ёғочнинг юз миллионлаб тонна карбонсув ва бошқа бирикмаларини ўзлаштириб, карбонат ангидрид ва сув ҳосил қиласи. Шу билан бирга ёғочда яшовчи замбуруғлар тирик дараҳтларни заарлаши ва тахта материаллари ва улардан тайёрланган буюмларни парчалаши туфайли фойдали ҳисобланмайди ва улардан ҳимоя қилиш талаб этилади.

Ҳар хил дараҳт турларидан тайёрланган ёғоч ва тахталарнинг кимёвий таркиби, структураси, мустаҳкамлиги, зичлиги ва бошқа хусусиятлари турли хил ва улар биочидамлиликка таъсир қиласи. Ёғоч турларини биочидамли, ўртача чидамли,

кам чидамли ва биочидамсизларга бўлинади. Биочидамлиларга қарағай (сосна), шумтол (ясень), тилоғоч (лиственница) ва эман (дуб) ядроси; ўртача чидамлиларга қорақарағай (ель), кедр, оққарағай (пихта), тилоғочнинг уски қисмлари (заболонлари) ва қайнин ядроси; кам чидамлиларга қайрағоч, қайнин ва эманнинг устки қисмлари; чидамсизларга тоғтерак (осина), жўка (липа) ва зирк дарахти (ольха) киради. Табиий биочидамлилик қанча кучли бўлса, қўшимча кимёвий ҳимоя шунчалик кам талаб қилинади.

Ёғоч биозаарланиши одатда об-ҳаво факторлари, механик ва бошқа эксплуатацион таъсиrlар натижасида ёғоч эскириши билан бирга кузатилади. Вакти-вақти билан намланиш, ҳарорат алмашинуви, қуёш нурлари ва бошқа факторлар таъсирида ёғочнинг устки қатламидаги толалар ғоваклашади ва туклилиги ошади (мацерация). У ерда нам ва чанг тўпланади ва ўртача даражада чириш қўзғатувчи замбуруғларнинг споралари ўсиши учун шароит туғилади. Вакт ўтиши билан замбуруғлар ёғочнинг ичкарироқ қисмларига ўтади. Чириш билан заарланган ёғоч сувни осонроқ шимади, устида пайдо бўлган чатновлар кенгаяди. Чатновлар ичida музлаган сув емирилишни кучайтиради, ёғочнинг устки қисмларига тешиклар ва синган жойлар пайдо бўлади, ёғоч ядроси заарланиши осонлашади.

Эксплуатация характери ва шароитларига қараб ёғоч биозаарланишини секин (сурункали) ва тез (ўткир) кечадиган типларга бўлинади. Сурункали типга атмосфера (уйларнинг томи ва деворлари, платформалар ва х.) ва тупрок (таянч симёғочлари, қозикоёқлар, уйларнинг пастки чорчўплари ва х.) билан контактда бўлган ёғоч биозаарланиши киради. Конструктив хатоларсиз қурилган ва тўғри фойдаланилган ҳолларда бу заарланишлар ўнлаб йиллар давом этиши мумкин. Ўткир заарланиш конструктив хатолар билан қурилган ва нотўғри фойдаланилган, масалан, грунт сувидан яхши изоляция қилинмаган, пол тагида етарли вентиляция бўлмаган, сув оқиб кетишида носозликлар бўлган, том устидан сув оқадиган ва бошқа ҳолларда кузатилади.

Ёғоч биозаарланишининг манбаалари. Ёғочни биозаарловчи замбуруғларни уч гурухга - устки моғорлар, ёғочга ранг берувчилар ва ёғочни парчаловчиларга ажратилади.

Устки моғор замбуруғлари нам ғўлалар, арраланган тахталар ва ҳар хил ифлосланган ёғоч материалларига тушади ва ривожланади. Ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар устида моғор пайдо бўлиши уларни сақлаш ёки ишлатиш қоидалари бузилганидан далолат беради. Устки моғорлар одатда ёғоч устки қисмининг паренхима тўқималарини парчалайди. *Trichoderma*, *Cladosporium* ва *Penicillium* туркумларининг намояндлари ҳар хил оҳангли яшилроқ тусли, бошқалари – *Aspergillus*, *Alternaria* – қора тусли доғлар пайдо қиласди.

Ёғочга ранг берувчи замбуруғлар ёғоч секин қуритилганда ривожланади. Улар арраланган ёғоч, қурилмалар, тара ва бошқаларга ҳар хил ранг беради. Кўпинча улар кўк, баъзан сарик, апельсин, кўнғир ва бошқа тус беради. Ёғочга ранг берувчи ва устки моғор замбуруғлари кўп тарафдан бир-бирига яқин. Улар ёғочда биринчи бўлиб ўсадиган ва ривожланадиган сапротрофлар бўлиб, кўпроқ ёғочнинг захира моддаларини ўзлаштиради, аммо унинг механик хусусиятларини таъминловчи структура элементларини ишлатмайди. Моғор замбуруғларидан фарқли ўлароқ, ёғочга ранг берувчилар ёғочнинг устки қисмларига чуқур киради, кирган чуқурликкача гифаларининг пигментлари ва метаболитлари билан ранг беради.

Кўпчилиги базидиомицетлар бўлган ёғочни парчаловчи замбуруғлар энг кўп шикаст келтиради. Уларнинг қаторига *Serpula*, *Coniophora*, *Coriolus* ва бошқа

туркумларга мансуб уй замбуруғлари, *Gloeophyllum* ва *Fomitopsis* туркумларига киругчи, споралари ҳаводан тушадиган турлар ҳамда пропагулалари ҳаводан ва сувдан тушувчи *Chaetomium*, *Coniothecium*, *Ceratocystis* ва бошқа туркумлар намояндалари киради. Ёғочни парчаловчи замбуруғлар структурали компонентларни – ҳужайра деворчаларини парчалайди. Улар тирик дараҳтларни, нам ёғоч материалларини ва улардан тайёрланган буюмларни заарлайди. Уларнинг орасида целлюлозани ва ҳам целлюзона, ҳам лигнин, ҳам гемицеллюлозани ўзлаштирувчи турлар мавжуд.

Уй замбуруғлари иситиладиган биноларнинг поллари тагида шамол юрмайдиган жойлар, тепадан сув оқадиган жойлар ва ҳоказоларда тез ривожланади. Тупроқда сақланадиган ёғочни парчалайдиган замбуруғлар узоқ вақт давомида юқори намлик шароитида бўладиган телеграф таянч симёғочлари ва бошқа устунлар, кўприкларнинг қозиқоёқлари ва устунлари, шпалалар, ердаги ёғоч қурилмаларини заарлайди. Споралари ҳаво ва сувдан тушадиган замбуруғлар доим сув билан контактда бўладиган ёғоч қурилмалар ва иншоотларни, масалан, градирнялар ва томларни заарлайди.

Заарланган жойларнинг ранги ўзгариши ва характеристига қараб ёғоч емирувчи замбуруғлар қўзғатадиган чиришларни уч гурухга, оқ, қўнғир ва юмшоқ (ўртacha) чиришга бўлинади. Оқ чириш қўзғатувчилари, ёғочнинг целлюлоза ва қаттиқ жойларини қолдириб, биринчи навбатда лигнинни заарлайди. Қўнғир чириш қўзғатувчилари целлюлозани заарлайди, заарланган ёғоч қўнғир тус олади ва текканда уваланиб кетади. Қўнғир чириш туфайли ёғочдан қурилган иншоотлар ва бинолар емирилади. Юмшоқ чиришни аскомицетлар ва дейтеромицетлар қўзғатади.

Биозарланишнинг яна бир тури – гиламсимон чириш бўлиб, бунда кесасига кесилган ёғочнинг ҳар хил жойларида, гиламдаги каби кулранг, қўкиш, қўнғирроқ ва сарик доғлар ёғочга чипор тус беради. Бундай ёғоч узоқ ёмғир ёққанида бутунлай намланади.

Ёғочни замбуруғлардан ташқари ҳашаротлар ҳам заарлайди. Уларнинг зарари замбуруғларнидан кам бўлса ҳам, баъзи ҳолларда ва жойларда қўнғизлар ва айниқса термитлар катта хавф туғдиради ва маҳсус химоя усуслари қўллашни талаб этади.

Ёғоч ва ёғоч материалларини биозарланишдан ҳимоя қилишга ёғочни намланишдан асраб (вентиляция, самарали гидроизоляция), биозарланишни профилактика қилиш, ёғоч турларини танлаб ишлатиш ва оптималь конструктив ечимлар ишлаб чиқиши асосида уларни табии ҳимоя хусусиятларидан рационал фойдаланиш ва, ниҳоят, кимёвий ҳимоя воситалари - биоцидларни (ёғочни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган биоцидлар антисептиклар деб аталади) қўллаб, ҳимояни комплекс тарзда ташкил қилиш киради.

Ёғоч-тахта материаллари энг ноқулай, масалан, тупроқ, нам ҳаво ёки сув билан доимо ёки вақти-вақти билан контакт бўлиб турадиган шароитларда биозарланишдан кимёвий ҳимояланади. Собиқ иттифоқда саноатда ва қурилишда сарфланадиган барча ёғоч ва тахтанинг 5-10 фоизига биоцидлар билан ишлов берилар эди. Натижада иншоот ва буюмларнинг хизмат қилиш муддати бир неча марта қўпайган. Масалан, ёғочга тўғри танлаб олинган ва тўғри усул воситасида антисептиклар билан ишлов берилганда стандарт ёғоч уйларнинг хизмат қилиш муддати ўртacha 15 йилдан 50 йилгача, шпалаларники 10-25, электр ўтказувчи ва алока таянч симёғочлари ва устунлариники 12-50, ёғоч кўприк ва

гидроиншоотларники 10-40, автомобиль кузовлари ва темир йўл вагонларининг хизмат муддати 5-20 йилгача кўпаяди.

Ёғочни биозараарланишдан ҳимоялаш унга суюқ антисептиклар ёки уларнинг эритмасини шимдиришдан иборат. Шимдиришнинг кўп усуллари мавжуд ва уларни 2 гурухга бўлиш мумкин – ёғочни эритмага ботириб шимдириш ёки устки қисмига пуркаш ёхуд чўтка билан суриш ва х.

Ёғочни суюқ антисептикка ёки қаттиқ антисептикнинг эритмасига ботирганда улар тешик ва чатновларга киради. Устида жуда майда тешикчалари бўлган зич ёғоч антисептикни яхши шимиши учун унинг устини ишлов беришдан олдин маҳсус станоклар воситасида тешишади. Шимдириш учун антисептик билан тўлдирилган ванналарга ёғочни белгиланган вақт (бир неча дақиқадан бир неча суткагача) давомида ботириб қўйилади. Чукур шимдириш учун ёғоч олдин жуда иссиқ эритувчига, сўнгра антисептикнинг совуқ эритмасига ботирилади. Иссиқ эритувчи таъсирида ёғочнинг тешик ва чатновларидағи ҳаво кенгаяди ва қисман чиқади, совуқда ҳаво сиқилиши таъсирида ҳосил бўлган вакуумга антисептик эритмаси кириб олади.

Антисептиклар билан чукур ишлов бериш мақсадида ёғочни маҳсус автоклавларга солиб, у ерда вакуум яратилади. Сўнгра автоклавга босим остида антисептикнинг совуқ ёки иссиқ эритмаси киритилади. Жараён мураккаблиги ва ускунани ишлатиш қимматлигига қарамасдан бу усул саноат масштабларида кенг қўлланилади.

Ускуналар мавжуд эмаслигига ёки дала ва бошқа шароитларда ёғочга антисептик билан ишлов беришнинг оддийроқ усуллари қўлланилади. Эритма чўтка билан суртилади ёки пульверизатор ёрдамида пуркалади ёхуд ёғочга эритма шимдирилган ғовак модда воситасида ишлов берилади ва х. Ёғочдан ясалган тарихий ёдгорликларни чиришдан ҳимоя қилиш мисолида бу оддийлаштирилган усулларнинг самараси кўрсатилган.

Сувда эрувчан антисептиклар қаттиқ қуқунлар бўлиб, уларни сувли эритма, суспензия ва пасталар шаклида қўлланади. Бу гурухнинг асосий антисептиклари – одатда мис сульфат билан бирга ишлатиладиган натрий (ёки калий) бихромат, натрий ёки аммоний фторид ёхуд кремнефторид ва натрий пентахлорфенолят. Баъзи мамлакатларда мис оксиди ва хром ангидриди асосида тайёрланган селькур препаратини қўлланади. Бу препарат шимдирилган ёғоч толалари устида сувда яхши эримайдиган нордон мис хромат қатлами ҳосил бўлади, бу билан эксплуатация жараённида антисептик ёғочдан ювилиб чиқиб кетмаслиги таъминланади. Сувда эрувчан антисептикларнинг камчилиги – қўшимча операция – ёғочни қуритиш талаб қилишdir. Ундан ташқари бу жараёнда ёғоч устида чатновлар пайдо бўлади. Баъзи сувда эрувчан антисептиклар сув билан ёғочдан нисбатан осон ювилиб чиқиб кетади, шу сабабдан улар билан ишлов берилган ёғоч факат ёпиқ шароитда қўлланилиши мумкин.

Одатда ёғоч бир вақтда ҳам биозараарланишдан, ҳам ёнғиндан ҳимоя қилинади. Бу мақсадда, таркибига ҳам антисептиклар, ҳам антипренлар – цинк хлорид, бура, натрий карбонат ва аммоний сульфат – киритилган маҳсус препаратлар қўлланилади. Баъзи антипренлар антисептикларнинг биоцидлик хусусиятларини кучайтиради.

Органик эритувчиларда эрийдиган биоцидларнинг мисоллари пентахлорфенол ва мис нафтенатидир.

Ёғочдан тайёрланган баъзи материаллар – фанера, ёғоч-толали ва ёғоч-кириндили плиткалар ва бошқаларга ҳам антисептиклар билан ишлов берилади. Бунда антисептик ёки шпонларни ёпишириш учун қўлланиладиган елимга қўшилади, ёхуд биоцид тайёр материалга шимдирилади. Бу мақсадда, масалан, материалга таркибида 4% салициланилид ва 0,4% натрий пентахлорфенолят бўлган препарат шимдирилади.

Антисептикларга эҳтиёж катталиги учун кимё саноати корхоналарининг чиқиндилари асосида арzon ва самарали препаратларни излаб топиш учун синовлар ўtkазилади. Бу мақсадда баъзи металлургия, нефть кимёси ва бошқа заводларнинг оқава сувлари яхши самара билан қўлланилган.

ҚОҒОЗ ВА КИТОБЛАР

Таркибида целлюлоза бўлган бошқа материаллар каби қоғоз ва китоблар ҳам уларни тайёрлаш ва ишлатишнинг ҳар хил босқичларида микроорганизмлар билан зарарланади.

Целлюлоза-қоғоз заводларида ёғоч парчаларидан 70-80°C ҳароратда қоғоз массаси тайёрлашнинг илк босқичларида ёк термофил бактериялар тез ривожланади ва технологик жараён бузилишига олиб келади. Уларга қарши курашда қоғоз массасига натрий пентахлорфенолят ва бура қўшилади. Қоғоз тайёрлашда ҳосил бўладиган қоғоз пульпасида ҳар хил микроорганизмларнинг мураккаб тўдалари ривожланади. Бу босқичда биозарарланиш қуюқ парчалар ёки шилимшиқ пайдо бўлиши билан ифодаланади, натижада кейинги босқичларда қоғознинг сифати кескин пасаяди. Шилимшиқ ҳосил бўлишига қарши кальций диметилдитиокарбамат, катапин ва бошқа биоцидлар самара беради.

Қоғоз ишлаб чиқаришнинг охириги босқичларида қоғоз массаси сувсизлантирилади ва қоғоз полотноси 120°C да қуритилади. Бу босқичда қоғоз микроорганизмлардан стерилланади. Қоғоз машиналаридан чиқадиган қоғозда микроорганизмлар деярли йўқ. Микроорганизмлар қоғозга тушиши ишлаб чиқаришдан кейин – қоғозни ўраш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш пайтларида рўй беради.

Одатда янги, ҳали ишлатилмаган китоблар устида микроорганизмлар жуда оз бўлади. Аммо бироз вақт ишлатилгач, замбуруғ конидияларининг миқдори кескин ошади. Китобда конидиялар ўсиши ва замбуруғлар ривожланиши қоғоз таркибида 8-10% ёки кўпроқ сув бўлганида кузатилади. Бу бинодаги ҳаво нисбий намлиги 65% бўлганига tengdir. Ўсиш жараёнида замбуруғлар сувнинг қўшимча миқдорлари ва метаболитлар ажратиб чиқаради. Замбуруғлар метаболизми маҳсулотлари орасида энг агрессив, қоғозни кучли емирувчи ва парчаловчи кимёвий бирикмалар целлюлолитик ферментлардир.

Қоғоз ва китобларда ривожланадиган замбуруғ турлари таркибини кўп йиллар мобайнида тадқиқот қилиш натижасида қўйидаги асосий гурухлар ажратилган: 1) қоғозда доим учрайдиган, толаларга ўтиб, қоғозни емирувчи замбуруғлар – *Alternaria alternata*, *Aspergillus fumigatus*, *A. terreus*, *Chaetomium globosum*, *Cladosporium herbarum*, *Penicillium* spp. (ҳаммаси бўлиб 25 тадан кўпроқ турлар); 2) қоғозда доим учрайдиган ва унинг устида айрим устки заарланишлар қўзғатувчи замбуруғлар – *Aspergillus candidus*, *A. clavatus*, *A. flavus*, *A. niger*, *Chaetomium elatum*, *Penicillium canescens*, *Trichoderma roseum* ва б. (20 тадан кўпроқ турлар); 3) қоғознинг ёрдамчи материалларини (целлофан, канифоль, мум, парафин

ва б.) ўзлаштирувчи замбуруғлар – компонентларнинг кимёвий таркиби билан боғлиқ ҳолда, *Botryotrichum piluliferum*, *Oidium dioxamii*, *O. rubiginosum* ва б.; 4) замбуруғларнинг муайян минтақа ёки биотоп учун характерли бўлган маҳсус турлари. Бу гурухга мансуб турлар микоценозда кўпчиликни ташкил этиши мумкин, масалан, *Mucor spinosus*, *Penicillium comtissimum*, *P. psittacinum* ва бошқа турлар.

Замбуруғлар қофозни биошикастлаши факат у ёки бу турнинг целлюполитик ферментларининг целлюлозага субстрат сифатида агрессивлигига боғлиқ эмас. Конидиялар ўсиши босқичида биринчи навбатда қофознинг физик ва структура хусусиятлари, жумладан, гидрофиллиги ва ўзига сув олиш хусусиятлари ҳар хил бўлган капилляр-тешикли система эканлиги муҳим.

Қофозга гидрофоблик хусусиятлари бўлган полимер смолалар, масалан, полиэтилен билан ишлов бериш қофозни замбуруғлар заарлашидан фунгицидлардан ҳам самаралироқ ҳимоя қиласди.

Қофоз ва китобларни биозарланишдан ҳимоя қилиш чораларига китоблар сақланадиган ва ишлатиладиган биноларда китоблар намланишига йўл қўймаслик учун, ҳавони кондициялаш орқали оптималь ҳарорат ва намлик режимини таъминлаш; ҳавони чангдан тоза тутиш, керак бўлса, уни фильтрлаш ёки ультрабинафша нурлар билан заарсизлантириш; бошқа санитар-гигиеник тадбирлар қўллаш ёрдамида китоб ва қофозлар ифлосланиши ва заарланишига йўл қўймаслик, қофозлар ёки заарланган китоблар устига биоцидлар билан ишлов бериш ёхуд антисептик билан ишлов берилган қофоз ишлатиш киради. Бу мақсадда биоцидлардан салициланилид, натрий пентахлорфенолят, полигексаметиленгуанидин ва полиэтиленимин ишлатилади. Биоцидлар факат бошқа санитар-гигиеник тадбирлар ёрдамида биозарланишдан сақлаш мумкин бўлмаган шароитларда, масалан, иссиқ ва нам тропик иқлимда қўлланилади.

Китоблар ва архив ҳужжатларини реставрация қилишда фунгицидлар, мисол учун, нипагин (*n*-оксибензой кислотасининг метил эфири), *n*-оксидифенилметан, *n*-хлор-*m*-креозол, трилан ва гексабутилдистанноксан ҳам қўлланилади.

ТЎҚИМАЧИЛИК ТОЛАСИ ВА МАҲСУЛОТЛАРИ

Тўқимачилик материаллари қаторига тола ва иплардан тайёрланадиган ва тўқилмаган материаллар, трикотаж, намат, тўрлар, арқонлар ва бошқалар киради. Тўқимачиликда ишлатиладиган толалар табиий (целлюлоза ва оқсилдан ташкил топган), кимёвий (сунъий ва синтетик) ва минерал (асбест, базальт, шиша) толаларга бўлинади.

Тўқимачилик материаллари ва толаларни микроорганизмлар, ҳашаротлар, кемиравчилар ва бошқа биозарланиш қўзгатувчилари шикастлайди. Уларнинг биозарланишга чидамлилиги биринчи навбатда уларни тайёрлашда ишлатилган толаларнинг кимёвий таркибига боғлиқ. Кўпинча табиий толалар (пахта ипи, зигир толаси ва б.) асосида тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари биоген модда алмашинуvida сапротроф хаёт кечиравчи ва уларни ўзлаштирувчи микроорганизмлар билан заарланади. Кимёвий, айниқса синтетик тўқимачилик маҳсулотлари кўпроқ биочидамли, аммо биодеструктор микроорганизмлар уларни ўзлаштиришга ҳам адаптация қиласди.

Юқори намлик ва ҳарорат мавжуд бўлган ва ҳаво алмашинуви етарли бўлмаган шароитларда микроорганизмлар тола, маҳсулот ва буюмларни уларни тайёрлаш ва ишлатишнинг барча босқичларида, жумладан толани бирламчи қайта

ишлиш – йигириш, газлама тўқиши, безаш, сақлаш, ташиш ва ишлатиш жараёнларида зарарлайди. Тола ва маҳсулотлар биозаарланиши тезлиги ва ривожланиши тупроқ ва сув билан контакт бўлганида, айниқса иссиқ ва нам иқлимда кучаяди.

Микроорганизмларга чидамсиз пахта толалари ва ип-газламалар биозаарланишдан ҳимоя қилиниши зарур. Биринчи навбатда техник тўқимачилик маҳсулотлари – брезентлар, чодир (палатка) лар, соябон (тент) лар, елканлар, балиқчилар тўрлари, арқонлар ва буюмларни ўрашда ишлатиладиган материаллар ҳимояланиши даркор.

Тўқимачилик маҳсулотлари бактериялар, актиномицетлар ва микроскопик замбуруғлар билан заарланади. Масалан, *Achromobacter* sp., *Cellulomonas* sp., *Cellulobacillus mitogenes*, *Cellvibrio fulvus* ва бошқа бактериялар толалар, ип-газлама ва тўқилмаган маҳсулотларни, айниқса тупроқда заарлайди. Тупроқда ва ҳавода материалларни актиномицетлардан *Micromonospora*, *Micropolyspora*, *Actinobifinda* туркумлари намаяндалари заарлайди. Тупроқда ва ҳавода тўқимачилик маҳсулотларини заарлайдиган замбуруғлар қаторида

Aspergillus, *Penicillium*, *Alternaria*, *Chaetomium*, *Cladosporium*, *Fusarium*, *Trichoderma* туркумларига кирувчи ва бошқа турлар учрайди.

Тўқимачилик маҳсулотлари замбуруғлар билан заарланишининг характеристи белгиси – газлама тури ва замбуруғ синтез қиласидаган пигментнинг ранги билан боғлиқ ҳолда сариқ-апельсин, қизил-бинафша, яшил-қўнғир ва бошқа тусли доғлар пайдо бўлишидир. Замбуруғлар пигментлари газлама бўёқлари билан ўзаро таъсири натижасида хосил бўлган ҳар хил тусли ва оҳангли доғлар материалларни ювганда ёки водород пероксиди билан оксидлаганда кетмайди. Уларни баъзан натрий гидросульфити ёрдамида кетказиши мумкин. Тўқимачилик маҳсулотларида доғлар пайдо бўлишида одатда кучли айниган ҳид ҳам сезилади.

Тўқимачилик маҳсулотлари биозаарланишида доғлар ва зах ҳиди пайдо бўлишидан ташқари, микроорганизмларнинг экзоген метаболитлари – ферментлари ва органик кислоталари таъсирида тола парчаланиши туфайли уларнинг механик мустаҳкамлиги ва оғирлиги камаяди.

Табиий целлюлоза толалари ва маҳсулотлари. Таркибида табиий целлюлоза толалари бўлган материалларга пахта ип газламалари, жут ва баъзи бошқа ўсимликлар толалари киради. Целлюлозага энг бой толалар – пахта толаларидир. Унинг таркибида оғирлиги бўйича 90% ча, луб – зигир ва наша толалари таркибида 70% ча целлюлоза бор. Уларнинг таркибидаги бошқа компонентларнинг баъзилари тола биочидамлилитини оширади.

Чигитли пахта микроорганизмлар билан уни териб олиш ва сақлаш пайтларида ёқ заарланади. Тупроқ билан контактдаги ва намлиги ошган пахта тезроқ заарланади. Уни қуритиш самарали ҳимоя қиласиди; таркибида 8% дан кам сув бўлган пахтада микроорганизмлар ўсмайди.

Зигир, наша ва бошқа луб толалари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар таркибида целлюлозадан ташқари 10% ча лигнин ҳамда бироз мум ва антибиотикларнинг микромикдорлари мавжуд. Бу компонентлар целлюлозадан анча чидамли ва одатда луб толалари чидамлилигини ҳам оширади. Умуман олганда луб ва пахта толаларининг чидамлилиги бир хил ҳисобланади.

Целлюлоза толаларининг биочидамлилигига уларни таркибида крахмал, ун, желатин, смолалар ва бошқа моддалар бўлган тўқимачилик маҳсулотларига механик, булканишга ва оловга чидамлилик билан таъминловчи маҳсус эритмалар – шлихта ва аппретлар билан пардозлаш кучли таъсир қиласиди. Бу моддаларнинг кўпчилиги

микроорганизмлар ўсиши учун яхши субстрат ҳисобланади, шу сабабдан толаларни сайқаллаш ва аппретлаш боскичларида улар заарланмаслигини таъминловчи санитария-гигиена ва технология тадбирлариға қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Табиий оқсил толалари ва материаллар қаторига казеин – жун толалари ва фибройн толалари – табиий ипак асоси киради. Казеин толаларига кўра фибройн толалари биочидамлироқ, шунинг учун ипак жун матоларга нисбатан камроқ биозараарланади. Жун матолари учун микроорганизмлардан ташқари кератофаг ҳашаротлар, айниқса күя катта хавф туғдиради.

Казеин толалари ҳосил қилувчи кератиннинг микробиологик парчаланиши протеолитик ферментлар, асосан трипсин таъсирида кечади. Кератин пептид алоқалари бўйича аминокислоталаргача парчаланиши мумкин.

Жунга микроорганизмлар уни ҳали молдан қирқиб олишдан олдин тушади. Бу микроорганизмлардан баъзилари ип ишлаб чиқариш технологик жараёнидаги операцияларда хаётчанлигини сақлабгина қолмасдан, тайёрланган жун матолари ва тайёр маҳсулотларда ҳам ўзининг емирувчилик фаолиятини давом эттиради.

Жун ва жун маҳсулотлари микробиологик заарланиши тола ғоваклашиши ва бўлиниб кетиши, рангли доғлар ва чириган ҳид чиқиши билан ифодаланади. Юқори намлик ва тупроқ билан контакт ҳам биозараарланишга олиб келади. Жун яхши қуритилмагани микроорганизмлар билан кучли заарланиш хавфини оширади. Жун тўпларини сақлаш ва ташиш жараёнида термофил бактериялар фаол ривожланиши, катта миқдорда иссиқлик чиқариши ва ҳатто ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин.

Жун матолар ва улардан тайёрланган буюмлар ифлосланиши бактериялар ва замбурууглар билан заарланишнинг ва кейинчалик юз берадиган биошикастланишнинг бирламчи манбаидир. Жун буюмларни ювиш ва тозалаш уларни микробиологик заарланишдан асрашнинг муҳим шартидир.

Сунъий тола ва газламалар табиий целлюлоза ва баъзан оқсил толаларига кимёвий ишлов бериш орқали ишлаб чиқарилади. Целлюлоза асосида тайёрланган сунъий толаларга кенг тарқалган вискоза, ацетат ва бошқа толалар киради. Оқсил казеин толаларининг ишлатилиши анча чегараланганди.

Вискоза толалари – ёғоч ва бошқа манбаалардан олинган целлюлозаларга кимёвий ишлов бериб тайёрланган гидратцеллюлозанинг йўналтирилган толаларидир. Кимёвий структураси ва микробиологик чидамлилиги бўйича улар оддий целлюлозали пахта толаларига яқин. Вискоза толаларидан тайёрланган сунъий вискоза ипаги, штапель, корд тасмаси ва бошқа материаллар, айниқса тупроқ билан контакт бўлганида кам чидамли. Масалан, тупроқ тестида 8 кундан сўнг вискоза штапелининг мустаҳкамлиги 30-35% га, вискоза ипагиники эса 12-нчи куни 30-40% га камаяди.

Ацетат толалари ацетилцеллюлозадан – целлюлозани (пахта туклари ва ёғоч целлюлозасини) сирка ангидрид билан этерификация қилиб олинади. Улар микроскопик замбурууглар ва бактериялар целлюлолитик ферментлари таъсирига анча чидамлироқ, чунки макромолекулаларида латерал гидроксил гурухлари бўлган оддий целлюлоза толаларидан фарқли ўлароқ, ацетат толаларининг макромолекулаларида, улар целлюлолитик ферментлар билан ўзаро таъсиrlари бўлишига тўскىнлик қилувчи латерал ацетат гурухлари мавжуд.

Синтетик тола ва газламалар кимёвий структуралари бўйича табиий толалар ва целлюлозадан олинган сунъий кимёвий толалардан кескин фарқ қиласи, ва, микроорганизмлар учун бегона субстрат бўлиши туфайли, улар билан қийинроқ шикастланади. Илгари, синтетик тўқимачилик маҳсулотлари биринчи марта пайдо

бўлганида улар “абадий” материаллар ва микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилмайди, деб фараз қилинган. Вақт ўтиши билан, биринчидан, микроорганизмлар секин бўлса ҳам, ривожланиш жараёнида синтетик тўқима маҳсулотларининг карбон моддасини ўзлаштириши ва натижада уларни биошикастлаши ҳамда бу тўқималар орасида у ёки бу даражада биочидамлилари мавжудлиги аниқланган. Микробиологик заарланишга чидамлироқ синтетикалар қаторига карбозанжир асосли полимерлар – полиолефинлар (полиэтиленлардан политен ва полипропиленлардан моплен), полихлорвинил (хлорин, саран), полифторвинил (фторлон), полиакрилонитрил (нитрон, орлон) ва поливинил спирт (винилон) киради. Гетерозанжирли полимерлар - полиамид (нейлон, капрон), полиефир (лавсан, терилен) ва полиуретан (перлон) ларнинг чидамлилиги камроқ.

Сунъий ва синтетик толалар биочидамлигини аниқлаш бўйича солиштирма тупроқ синовларида аниқланишича вискоза толаси 17-нчи куни бутунлай парчаланганд, лавсанда замбуруғ ва бактерия колониялари 20-нчи куни пайдо бўлган ва нейлон замбуруғлар мицелийси билан 30- нчи куни қопланган. Хлорин ва фторлон энг биочидамлилари бўлиб, уларда биозараарланишнинг бошланғич белгилари З ойдан кейин кўринган.

Синтетик толаларни заарловчи замбуруғлар орасида олдин мойловчилар ва аппретлар ҳисобига ўсуви ва кейинроқ толаларни заарловчи, уларни мицелий билан қоплаб, тўқимачилик маҳсулотлари мустаҳкамлигини пасайтирувчи *Trichoderma lignorum* тури ҳам аниқланган.

Нитрон, лавсан ва капрон тўқимачилик маҳсулотларининг биочидамлигини аниқлаш бўйича ўтказилган синовларда тупроқ замбуруғлари ва бактериялар уларнинг характеристикаларига тахминан бир хил таъсир қилиши, тола 20-25% га шишишини, мустаҳкамлиги 10-15% га ва узайишга камайиш нисбати 15- 20% га пасайиши кўрсатилган. Лавсан ва капронга нисбатан нитрон биочидамлироқ эканлиги аниқланган.

Синтетик тўқимачилик маҳсулотлари ва толалар денгиз сувидаги микроорганизмлар таъсирига чидамли. Улардан баъзилари мустаҳкамлигини 3-4 йилгача сақлади, шунинг учун улардан балиқчилар тўрлари ва арқонлар тайёрланади.

Минерал толалар юқори биочидамлиликка эга.

Тола ва тўқимачилик маҳсулотларини биозараарланишдан ҳимоя қилиши.

Тола ва тўқимачилик маҳсулотларини биозараарланишдан ҳимоя қилишнинг бир неча гурухлари мавжуд. Улардан бирига тўқимачилик маҳсулотларига биоцидлар (фунгицид ва бактерицидлар) билан ишлов бериш, иккинчисига эса биоцид ишлатмасдан, балки толаларни хавфли микроорганизмлар билан контактдан асраш мақсадида уларни кимёвий модификация қилиш ва уларга ҳимояловчи қопламалар бериш киради.

Биоцидлар билан ҳимоялаш анъанавий ва самараси вақт билан исботланган метод, аммо биоцидлар инсон ва атроф-муҳит учун заҳарли бўлиши мумкин ва бундай ҳимоя узоқ вақтгача сақланмайди. Кимёвий модификация қилиш ва ҳимояловчи қопламалар ишлатиш инсон ва атроф-муҳит учун анча хавфсиз усуллардир. Целлюлоза толаларини кимёвий модификация қилишнинг энг самарали усулларидан бири уларга сирка ангидриди билан ишлов беришдир. Олинган тола бироз сунъий ацетат толасига ўхшайди, аммо ундан ацетат гурухлари фақат тола

устида жойлашиши билан фарқланади. Солиширма тажрибада тупроқда ацетатланган тола узилишга тўла мустаҳкамлигини б ой давомида сақлаган, ишлов берилмаган оддий пахтанинг цеплюлоза толаси эса бир ҳафтада тўла парчаланган.

Таркибида мис бўлган биоцидлар кенг тарқалган. Ип газламаларга 2-3% ли мис-аммиак эритмаси билан ишлов бериш уларни микроорганизмларга чидамли қиласди. Тола шишиши ва унинг устки қисми эриши туфайли мис толага шимилади ва уни узоқ вақтгача ҳимоя қиласди. Мис толага янада мустаҳкамроқ ёпишиши учун унга цирконий тузлари билан ишлов берилади. Бундай толалардан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари энг оғир шароитларда ҳам тупроқ микроорганизмлари томонидан емирилмайди.

Чодир материаллари, брезент ва бошқа техник тўқимачилик маҳсулотларининг биочидамлилигини ошириш учун уларга мис-хром-танид препарати билан ишлов берилади. Олдин тўқималарга таркибида 30-50% танид бўлган эман ёки қорақарағай экстракти, сўнгра мис сульфати ва калий бихромат аралашмаси шимдирилади. Тўқимачилик маҳсулоти таркибида 1% мис ва 0,3-0,8% хром бўлиши уни микроорганизмлардан ҳимоя қилиши билан бир қаторда нурланиш ва намлика чидамлилигини ҳам оширади.

Мис тузлари ва органик кислоталар орасида энг яхши биоцидлар мис стеарат (мис совун) ва мис нафтенатдир. Бу препаратлар тўқимачилик маҳсулотини ювганда ювилиб кетмайди. Уларнинг камчилиги – тўқимачилик маҳсулотларини кўк-яшил тусга бўяб қўйиши ва қуёш нурларига цеплюлоза толаларининг чидамлилигини пасайтиришидир.

Мис 8-оксихинолят ҳам самарали фунгицидлик ва бактерицидлик хусусиятларига эга. Бу бирикма тўқимачилик маҳсулотларини сарғиш-яшил тусга бўяб қўяди, бу тус қуёшда қўнғир ранггача тўқлашади.

Симоб бирикмалари, масалан симоб фенилацетати илгари кенг қўлланилган, аммо симоб заҳарлилиги учун кейин қўлланишдан чиқарилган.

Кейинги пайтларда қалайорганик биоцидлар қизиқиш қўзғатмоқда. Техник тўқимачилик маҳсулотларини 0,1% лик гексабутилдистанноксан юқори самара билан ҳимоя қиласди.

Толалар ва тўқимачилик маҳсулотларини ҳимоя қилувчи биоцидларнинг катта гурӯхини хлорланган феноллар ва уларнинг ҳосилалари – натрий пентахлорфенолят, пентахлорфенол ва лаурин кислотасининг эфири ташкил этади. Бу препаратларнинг иккаласи ҳам, айниқса иккинчиси, тўқимачилик маҳсулотларини ҳимоя қилишда кенг ишлатилади. Пентахлорфениллаурат (петокс К-70) билан ишлов берилган ип газламалар тупроқ синовларида беш ҳафта давомида тўла мустаҳкамлигини сақлаган, айни синовда силициланилид ва мис 8-оксихинолят билан ишлов берилганлари уч ҳафтада парчаланиб кетган.

Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш учун яхши антимикроб препаратлардан бири салициланилид (ширлан) дир. У анча самарали фунгицидлик ва бактерицидлик хусусиятларига эга, хиди йўқ, газламаларга ранг чиқармайди ва ишлашда хавфсиз. Хизмат қилиш муддатини узайтириш учун материалларни гидрофоблаш лозим, бунда салициланилиднинг газламаларга мустаҳкам ёпишиши таъминланади. Зигир толасидан тайёрланган матоларни биозарарланишдан ҳимоя қилиш учун уларга мис-хром-танид препарати билан ишлов бериш (ёруғликка чидамли хакикомбинацияланган шимдириш) керак. Жун матоларини микроорганизмлар билан зарарланишдан ҳимоя қилиш учун уларга ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг илк босқичларида тадбирлар қўллаш талаб этилади. Жун

матоларига ишлов бериш учун ишлатиладиган биоцидлар қаторига натрий фторид, натрий кремнефторид, салициланилид ва бета-нафтол киради. Нам тропикларда жун адёлларни моғордан ҳимоялаш учун уларга калий бихроматнинг 1% ли эритмаси билан ишлов берилади. Жун матоларига ишлатиладиган замонавий биоцидлардан фунгицид бўёқлар – қизил ва нордон сариқ фунгицидли бўёқларни келтириш мумкин.

ТАБИЙ ТЕРИ ВА ТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Маълумки, табии тери кийим, оёқ кийими, кундалик ҳаётда қўлланиладиган ва техник буюмлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Ошланмаган хом тери атроф-муҳит шароитлари, биринчи навбатда, биологик факторлар таъсирида тез парчаланади. Тери тирик табиатга тегишли маҳсулот бўлгани учун уни моғор замбуруғлари, бактериялар, ҳашаротлар ва бошқа организмлар субстрат (озуқа манбаи) сифатида ўзлаштиради ва тери биоген моддалар айланиши жараёнiga киритилади. Ошлангандан ва реагентлар билан кўп босқичли кимёвий ишлов берилгандан сўнггина тери товарлик сифатига эга бўлади. Айни жараёнда унинг биочидамлилиги ошади.

Биозарланиш хавфи катта бўлган (тропик ва субтропик иқлиmlарда, баъзи маҳсус ишлаб-чиқариш) шароитларда оддий ишловлар тери ва теридан тайёрланган маҳсулотларга талаб қилинадиган биочидамлиликни таъминлай олмайди. Бундай ҳолларда биозарланишга қарши тери ва теридан тайёрланган маҳсулотларга қўшимча ишлов берилади.

Тери хомашёси ва уни қайти ишлаш. Тери хомашёси – тери қопламаси (тери тўқимаси) ва жун қопламасидан ташкил топган, сўйилган ҳайвон гўштидан ажратиб олинган терисидир. Янги чиқариб олинган терининг ички (тери ости-ёғ) томони стерил бўлади. Жун томонида эса ҳар 1 см² да 5 тадан 500 млн гача микроорганизмлар бўлиши мумкин.

Терининг ички, энг биочидамсиз, томони микроорганизмлар билан заарланишига йўл қўймаслик учун, чиқариб олинган терини дархол консервация қилиш лозим. Агар бу тери гўштдан ажратиб олингандан сўнг 2 соат ичидаги қилинмаса, тери товарлик сифатини йўқотади.

Ўз вақтида консервация қилинмагани ёки нотўғри консервация қилиниши туфайли микроорганизмлар билан заарланган тери “бактериал” тери деб аталади. Бактериал терининг териости клетчаткаси томони шилимшиқ билан қопланади, эпидермис қўчиб, туклари тушиб кетади, ранги ўзгаради, нохуш ҳид чиқаради ва механик мустаҳкамлиги камаяди ёки тери бутунлай парчаланади.

Чиришга қарши янги олинган тери уч усуlda консервация қилиниши мумкин: пресс-қуруқ, қуруқ-тузли ва нам-тузли. Консервациянинг пресс-қуруқ ва қуруқ-тузли усуллари хомашё намлигини қуруқ натрий хлорид (ош тузи) ва натрий кремнефторид билан ишлов бериш воситасида 18-20% гача тушириш, натижада бактериялар ҳаётчанлиги ва уларнинг протеолитик ферментларининг фаоллигини тўхтатишга асосланган. Нам-тузли консервация усулида тери ёйиб қўйилади ва у ички (мездра) томонидан ош тузи билан тузланади ёки ош тузининг тўйинган эритмаси билан ишланади ва кейин тахланган штабелларда яна қўшимча туз берилади. Нам-тузли усул қўлланганида спора хосил қилмайдиган бактерияларнинг кўпчилиги ҳалок бўлади, қолганлари эса ўсиш ва ривожланишдан кескин тўхтайди.

Қуруқ тузлашда натрий хлориднинг консервация қилиш таъсири унинг терига сувсизлантириш таъсирига, нам тузлашда эса – ҳужайраларга натрий хлорид диффузияси ва осмос сўрилиши натижасида ҳужайра ичи жараёнлари тўхтатилишига асосланган. Аммо натрий хлорид микроорганизмлардан тўла ҳимоя қила олмайди ва ҳатто ўзи *Actirobacter galophilum*, *Flavobacterium galophilum* каби галофил (тузни севадиган) ва *Bacillus subtilis*, *B. mesentericus* каби туз таъсирига чидамли бактериялар ривожланиши учун субстрат бўлиши мумкин. Бу бактериялар протеолитик фаолликка эга. Улардан ҳимоя қилиш учун терини тузлашда бактерицид сифатида натрий метабисульфат қўшиш тавсия қилинади.

Консервация қилинган териларни нам хоналарда сақлаганда улар моғор замбуруғлари билан шикастланиши, мустаҳкамлигини йўқотиши ва уларнинг устида оқ ёки яшилроқ мицелий қатлами пайдо бўлиши мумкин. Нам тери патоген микроорганизмлар билан заарланган бўлиши мумкин. Бундай материалларни заарсизлантириш учун уларга натрий фторид ва натрий кремнефторид билан ишлов берилади.

Тери заводларида фунгицид сифатида парадихлорбензол ва натрий кремнефторид кенг ишлатилади. Омборда сақланаётган тери ва мўйна хомашёсини ҳашаротлардан (куя, терихўр қўнғизлар) ҳимоя қилиш учун инсектицидлардан неопинамин, гардона, иодфенфос ва фоксим (аэроантимоль препарати) қўлланилади. Парадихлорбензол ва натрий пентахлорфенолят ҳам инсектицидлик фаоллигига эга.

Тери хомашёсидан тайёр тери маҳсулотини олиш кўп босқичли жараёндир ва алоҳида босқичлар бир неча этапдан ташкил топиши мумкин. Ҳар хил этапларда микроорганизмлар терида ўсиши учун қулай шароитлар пайдо бўлиши мумкин. Тери бактериялар билан заарланиш хавфи илк намлантириш (отмоки) босқичидаёқ, терида туз миқдори кескин камайганда ва терига бактериялар тушиб, ўса бошлаганда пайдо бўлади. Бунда заарланиш терининг юз томонидан бошланади. Бу босқичда ажратилган 10 тур бактерияларнинг ярмидан кўпи протеолитик ферментлар чиқарган. Бу босқичда бактерицид сифатида натрий кремнефторид қўлланади.

Кейинги оҳак сувида ошлаш (золение) босқичида тери, толалар орасидаги оқсил моддаларини чиқариб ташлаш ва дерманинг толали структурасини ғоваклаш учун, сўндирилган оҳак билан ишланади. Янгидан тайёрланган оҳак ваннасида спорасиз бактериялар ҳалок бўлади, споралилари эса ўсиш ва кўпайишдан тўхтайди.

Сўнгра устида туклари бўлмаган мол терилари ошлашдан олдин кулсизлантирилади (обеззоливание) ва юмшатилади. Бу босқичда бактериялар ўсиши учун қулай шароитлар ($36\text{--}38^{\circ}\text{C}$, pH 8) пайдо бўлади, шу сабабдан, биозараарланишдан сақлаш учун жараёнга кетадиган вақт керагидан чўзилиб кетмаслигини таъминлаш лозим. Юмшатувчи суюқлик таркибига боғлиқ ҳолда, бактерияларнинг *Staphilococcus*, *Sarcina*, *Pseudomonas*, *Flavobacterium*, *Serratia* ва *Bacillus* туркumlари турлари ажратилган.

Тери тайёрлашнинг кейинги – ошлаш босқичида биозараарланиш хавфи камаяди, чунки уннинг биринчи этапи – пикеллашда (сульфат кислотаси ва натрий хлорид эритмаси билан ишлов беришда) нордонлик кескин – pH 1-2 гача тушади. Пикеллаш хомашёни юмшатади ва букилувчанлик беради ҳамда терини қисқа давр ичида сақлаш ва ташишга имконият яратади. Кейинги жараён – хромнинг асос сульфати воситасида хромли ошлаш ҳам микроорганизмлар фаолияти учун ноқулай бўлган (pH 2-3) шароитда кечади. Аммо тери яримфабрикатини ошлаш ва ундан кейинги этапларда микроорганизмлар билан заарланиш хавфи умуман йўқ деб бўлмайди. Ошловчи суюқликлар ва яримфабрикат устидан *Leuconostac mesenteroides*,

L. dextranicum, *B. mesentericus* бактериялари ва *Aspergillus niger*, *A. flavus*, *A. uniguis*, *A. terreus*, *Penicillium chrysogenum*, *P. cyclopium* замбуруғлари ажратилган. Бу босқичда биоцид сифатида натрий пентахлорфенолят ва хлорамин Б ишлатилиши мүмкин.

Кейинги – ўсимлик ошловчилари билан ошлаш ва мойлаш босқичларида тери моғор замбуруғлари билан заарланиши кучаяди. Ўсимлик ошловчилари билан ошлаш табиий ўсимлик танниллари ва синтетик ошловчилар – синтанлар ёрдамида бажарилади. Танниллар фенолларнинг ҳосиласи бўлиб, бироз бактерицидлик хусусиятига эга. Аммо баъзи моғор замбуруғлари эстеротаннилларни гидролиз ва седиментация қилиши мүмкин, натижада ўсимлик ошловчилари билан ошлаш жараёни ва тери сифати бузилади.

Синтанлар икки хил бўлади – таннид ўрнини босувчилар ва ёрдамчилар. Биринчи хил синтанлар фенол хомашёсидан олинади, уларда ошлаш ва терини биозаарланишдан бироз ҳимоя қилиш хусусиятлари бор. Иккинчи хил синтанлар карбонводород хомашёсидан олинади ва уларда биоцидлик хусусиятлари йўқ. Тери ишлаб чиқариш саноатида ўсимлик ошловчилари ва карбонводородлардан олинган синтанлар билан ошлашдан сўнг яримфабрикатлар моғор замбуруғлари билан кучли заарлланган ҳоллари маълум.

Хром-ўсимлик ошловчилари билан ошлашни қўллаб оёқ кийимларининг тагчарми, саррожлик-эгар ва булғори чарм ишлаб чиқариш технологияси бўйича ошлашда яримфабрикат оғирлигининг 26-34 фоизи микдорича келадиган ўсимлик ошловчилари сарфланади. Бу босқичда моғор замбуруғлари билан заарланиш кузатилса яримфабрикатга фунгицид билан ишлов берилиши шарт. Акс ҳолда ташиш, сақлаш ва ишлатиш жараёнларда, моғор замбуруғлар фаолияти натижасида тери ва тери буюмларининг товарлик ва эксплуатацион сифатлари пасайиб кетади.

Терига юмшоқлик, эластиклик ва айниқса сувга чидамлилик сифатларини бериш учун ошлашдан кейин у ҳайвон, ўсимлик ёғлари ва синтетик мойлар билан мойланади. Агар тери хомашёси ёки полуфабрикатларнинг биочидамлилиги кам бўлса ёки маҳсулот тропик минтақаларга жўнатилиш учун тайёрланаётган бўлса ёхуд юкори намлик шароитларида ишлатиш мобайнида хизмат муддатини узайтириш талаб қилинганида худди шу босқичда уларнинг таркибига биоцидлар киритилади.

Юқорида ташхис қилинган ҳолларда хомашё ёки яримфабрикатларни биозаарланишдан ҳимоя қилиш ҳақида гап юритилган эди. Булар биозаарланишга қарши технологик операциялар ораликларидағи ҳимоя чораларини ўз ичига олар эди, мойлаш босқичида терига биоцид киритиш эса маҳсулотни ишлатиш даврида ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Тери хомашёсини қайта ишлашнинг охирги босқичи – маҳсулотни безашдир. Тери яримфабрикатига мойлашдан кейин қўйиладиган безовчи қопламалар бир нечта қатламдан ташкил топади. Уларнинг таркибига оқсиллар (казеин, қон альбумини), полиакрилатлар, нитроцеллюлоза асосли лаклар ва бошқа компонентлар киради. Мойлаш босқичида 2-оксидифенил билан ишлов берилган сарожлик-эгар, булғори чарм ва хром териларининг биочидамлигини синагандан, безак қопламада моғорлар пайдо бўлиши аниқланган. Бунинг сабаблари ҳам 2-оксидифенил фунгицидининг самараси камлиги, ҳам безак қопламаларининг замбуруғларга чидамсизлигидир.

Тери ва тери буюмларини биозаарланишдан ҳимоя қилиш. Терини моғор замбуруғлардан ҳимоя қилиш учун мойлашнинг дерма босқичида фунгицид киритилади.

Чет элда терини биозаарланишдан ҳимоя қилиш учун фунгицид сифатида *n*-нитрофенол, *n*-хлор-*m*-креозол, пентахлорфенол ва унинг баъзи ҳосилалари, 2-оксидифенил, салициланилид, бета-нафтол, бета-оксинафтальдегид ва айрим бошқа бирикмалар ишлатилади.

АҚШ да тропиклар ва мұттадил иқлимда армияда хизмат қилувчи солдатларнинг теридан тайёрланган оёқ кийимларини биозаарланишдан ҳимоя қилиш учун *n*-нитрофенол (0,3 масс.%) ишлатилади.

Терини ҳимоя қилиш учун *n*-хлор-*m*-креозол фунгициди бир неча ўнлаб йиллар давомида ишлатилмоқда. Унинг сотувдаги номи “превентол СКМ”.

Терини ҳимояловчи фунгицид сифатида 2-оксидифенил ўтган асрнинг 40-нчи йилларидан бери маълум. Унинг бир қатор технологик афзалликлари мавжуд бўлгани учун тери ишлаб чиқиш саноатида кўп йиллар давомида кўлланилган.

Тери моғор замбуруғлари билан заарланишига қарши синаб кўрилган, нисбатан янги биоцидлардан 4,5,6-трихлорбензоксазолинон-2 диққатга сазовор.

Армияда ишлатилган оёқ кийимларини қайта ишлатиш учун уларга навбатмаввабат олдин формалин, сўнгра совун эритмаси ва кейин гексахлорофен ёки пентахлорфенон қўшилган мой суртиш тавсия қилинган. Оёқ кийимининг ташқарисига 0,8% ли *n*-хлор-*m*-ксиленон ёки 0,8% ли *n*-нитрофенол қўшилган мой суркалади.

МУРАККАБ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР, УСКУНАЛАР ВА БЮОМЛАРНИ БИОЗААРЛАНИШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Юқори намлик шароитида радиоэлектрон, оптик ва бошқа ускуна ва жиҳозларнинг чидамли бўлмаган деталлари замбуруғлар билан шикастланиши ёки ифлосланиши мумкин.

Радиоэлектрон ускуналарнинг устида моғор замбуруғларининг мицелийлари ҳосил бўлиши нафақат бу материаллар шикастланиши ва уларнинг электрофизик хусусиятлари ёмонлашиши, балки мицелий ўзидан сув чиқариши натижасида бу ускуналарда намлик ошиши ва контактлар туташувига олиб келиши мумкин.

Ҳашаротларнинг катта тўдалари ҳам қисқа туташувлар ва ускуналарнинг бошқа қисмлари бузилишига олиб келиши мумкин. Сувараклар жойлашиб олиши натижасида авария сигнализациялари, катта электрон ва ҳисобловчи машиналар ва ҳар хил электр ускуналар ва жиҳозлар ишдан чиқиш ҳоллари кўп учрайди.

Оптик ускуналар учун биозаарланишнинг бошқа турлари хавф туғдиради. Силикат шишелар замбуруғлар учун озуқа субстрати бўлмаса ҳам, уларнинг устига оптик ускуналарнинг бошқа қисмларида (теридан бўлган ғилоф, резина оралиқ деталлари, органик мойловчилар ва елимлар, бўялган деталлар ва б.) ривожланган мицелий тушиши ва ифлослаши мумкин.

Ускуналар биозаарланишдан конструкцион, санитар-гигиеник ва кимёвий методлар билан ҳимоя қилинади. Конструкцион усул ускуналар тузилишини режалаштириш босқичида материалларни тўғри танлаш, ичига нам тушишига қарши ускунани герметизациялаш, ичига ҳашаротлар ва бошқа организмлар киришига йўл қўймаслик учун ускуна тешикларига тўр ва тикинлар қўйиш ва ҳоказолар талаб

этилади. Ҳаво намлигига қарши баъзан махсус, таркибида силикагель бўлган нам ютич фильтрлар ва қуритувчи патронлар қўйилади.

Турли хил материаллардан ташкил топган мураккаб тузилмалар ичига учувчан фунгицидлар киритилиши мумкин. Улар таблетка ёки қуқун шаклини ҳайдаладиган (буғланадиган) қаттиқ материаллар ёки ғовак ёхуд толали ташувчиларга (қофоз, поролон, силикагель ва х.) шимдирилган суюқ учувчан материаллар бўлиши мумкин.

Учувчан фунгицидлар ускуналарниг факат герметик ички ҳажмларига ёки ускуна герметик ғилоф ичига қўйилганда ишлатилади. Бундай ёпиқ ҳажм ичида учувчан модда буғланади, ускунанинг барча қисмларига киради, уларнинг устига адсорбция қиласи. Учувчан фунгицид сифатида натрий этилтиомеркурсалацилат (мертиолат) ва метакреазилацетат (крезатин) ўзларини яхши кўрсатган. Уларнинг камчилиги – алюминий (мертиолат) ва мис (крезатин) қотишмаларига нисбатан коррозия қўзғатиши хусусияти мавжудлигидир.

Консервация қилиб сақлаш ва ташиб даврларида техник буюмларни ҳам коррозия, ҳам биозарланишдан комплекс ҳимоя қилиш мақсадида учувчан фунгицидларни учувчан коррозия ингибиторлари билан бирга қўллаш мумкин. Бу мақсадда учувчан фунгицидлар ва коррозия ингибиторлари шимдирилган тара ҳам ишлатиш мумкин. Учувчан коррозия ингибиторлари орасида фунгицидлик хусусияти бўлган бирикмалар ҳам бор, масалан, дициклогексиламин нитрит, гексаметиленамин метанитробензоат.

8 БОБ

БИОЦИДЛАР – БИОЗАРАРЛАНИШДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Материалларни биозаарланишдан ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири биоцидлик таъсирга эга бўлган бирикмалар – биоцидларни қўллашдир.

Тўқимачилик маҳсулотлари, табиий тери, қофоз, елим ва бошқа материалларни биозаарланишдан ҳимоя қила оладиган биоцидларни излаш XX асрнинг 20-нчи йилларидан бошланган. Табиий бойликлар заҳиралари камайиши ва айни пайтда турли хил материал ва буюмларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш микдори ошиши, материаллар, техник ускуна ва буюмларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтириш ва кўп танқис материалларни тежашни талаб этади; бу мақсадда материалларни биозаарланишдан ҳимоялаш учун самарали воситаларни излаш ўта долзарб муаммога айланди.

Материаллар биозаарланиши билан кураш системасида кимёвий воситалар етакчи ўрин эгаллайди. Биоцид моддаларни ишлатиш юқори самара беради ва турли хил усуллар билан амалга оширилади: бирикмалар бевосита ҳимоя қилинадиган материалга киритилиши, устида қоплама ҳосил қилиб ишлатилиши, шимдирилувчи моддаларга ва консервация қилувчи-мойловчи бирикмаларга қўшилиши, ҳаво ёки сув муҳитларининг компоненти сифатида қўлланилиши ва ҳоказолар мумкин. Бундай бирикмалар ва композицияларнинг бир неча минги мавжуд.

БИОЦИДЛАРНИ ҚЎЛЛАЩДАГИ ТАЛАБЛАР ВА ТОКСИКОЛОГИК НАЗОРАТ

Ҳар қандай замонавий биоцидга қўйиладиган талаб – заарли биологик факторларга нисбатан юқори самара, у билан ишлайдиган ишчиларга нисбатан хавфсизлик ва атроф-муҳитга нисбатан салбий таъсир мавжуд бўлмаслигидир. Биоцидлар қўлланилиши билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳимояланган материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ва тайёр маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўлиши мумкин.

Биоцидлар топилиши осон ва баҳоси нисбатан арzon бўлиши лозим ва улар билан ишлов берилган материаллар жуда қимматлашиб кетмаслиги керак. Ундан ташқари, биоцидни қўллаш материалнинг физик-кимёвий, физик-механик ва бошқа хусусиятларига салбий таъсир қилмаслиги, эскиришини тезлаштирумаслиги, коррозия қўзғатмаслиги, материал ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларини мураккаблаштирумаслиги лозим.

Бу умумий талаблардан ташқари ҳимояланиши керак бўлган материалнинг муайян хусусиятлари, уни ишлаб чиқариш технологияси ва техник материалдан фойдаланиш шароитлари билан боғлиқ ҳолда биоцидларга маҳсус талаблар ҳам қўйилади. Масалан, полимер ва лак-бўёқ материалларини ҳимоялаш учун қўллашга режалаштирилган ва уларнинг таркибига киритиб қўлланиладиган биоцидлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: органик эритувчиларда яхши эриши, материалнинг бошқа компонентлари билан яхши араласиши ёки уларнинг ичидаги равон тарқалиши ва улар билан турғун эмульсия ҳосил қилиши;

материалнинг электрофизик хусусиятларига махсус талаб мавжуд бўлса, бирикма поляр бўлмаслиги; ҳимояланадиган материал ёки унинг таркибий қисмлари билан реакцияга кирмаслиги даркор.

Ёғочни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган биоцидларга (антисептиклар) махсус талаблар қўйилади. Улар ёғочга осон кириши ва, қисман кимёвий реакция ҳисобига, унга мустаҳкам ёпишиши даркор.

Биоцидларга қўйидаги гигиеник талаблар қўйилади: 1) препаратлар иссиққонли ҳайвонлар, одамлар ва фойдали тирик организмлар учун кам заҳарли бўлиши лозим; 2) кучли кумулятив ҳамда канцерогенлик, мутагенлик, эмбриозаҳарлилик ва аллергенлик хусусиятлари бўлмаслиги керак; 3) атроф-мухитни ифлослантирумаслиги зарур.

БИОЦИДЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Биозаарланишдан кимёвий ҳимоя воситалари биологик таъсири, қайси объектда ва нимага қарши ишлатилиши ҳамда кимёвий таркибига кўра тасниф қилинади. Кимёвий ҳимоя воситалари биологик таъсирига кўра қўйидагиларга: 1) фунгицидлар – материаллар ва буюмларни (асосан могор) замбуруғлардан ҳимоя қилиш учун; 2) бактерицидлар – чиришни қўзғатувчи, шилимшиқ ёки кислота ҳосил қилувчи ва бошқа бактериялардан ҳимоя қилиш учун; 3) альгицидлар ва моллюскоцидлар – денгиз кемалари, гидротехник иншоотлар, саноат суви билан таъминлаш ва мелиорация системалари сув ўтлари ва моллюсклар билан қопланишига қарши; 4) инсектицидлар – ёғоч, полимер, тўқимачилик ва бошқа материалларни термитлар, ёғоч кемирувчи ва бошқа ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун; 5) гербицидлар – бинолар, иншоотлар, айниқса архитектура ёдгорликлари, шаҳар территориялари, курилиш майдонлари, автомобиль йўллари четлари ва темир йўл қўтмаралари, аэродромларнинг кўтарилиш-қўниш йўлларини бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун; 6) зооцидлар – зарарли умуртқали ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун, жумладан родентицидлар – каламушлар, сичқонлар ва бошқа кемирувчиларга қарши, авицидлар – шаҳарларда, айниқса аэродромларда зарар келтирадиган қушлардан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган препаратларга бўлинади.

Техник кўрсатмалари ва ишлатилишига кўра биоцидлар қўйидаги зарарланадиган материаллар гурухларига таснифланади: 1) ёғочлар, қофоз, картон ва бошқа ёғоч асосли материаллар; 2) синтетик материаллар (пластиклар, резиналар, пардалар, компаундлар, сунъий терилар ва х.); 3) тўқимачилик материаллари; 4) табиий тери ва ундан тайёрланган материаллар; 5) нефть маҳсулотлари (ёнилғилар, мойлар, мойлагичлар); 6) лак-бўёқ материаллари ва копламалари (жумладан усти микроорганизмлар билан қопланмайдиган лак-бўёқлар) ва х.

Бу таснифни анча шартли равишда қабул қилиш лозим, чунки кўп биоцидлар комплекс биоцидлик ва физик-кимёвий таъсири мавжудлиги туфайли бир неча гурухга мансуб материалларни ҳимоя қилиш учун қўлланилиши мумкин.

Биоцидларнинг кимёвий таркибига биноан таснифида улар қўйидаги гурухларга бўлинади: 1) анорганик бирикмалар; 2) карбонводородлар, галогенкарбонводородлар ва нитробирикмалар; 3) спиртлар, феноллар ва уларнинг ҳосилалари; 4) альдегидлар, кетонлар, органик кислоталар ва уларнинг ҳосилалари; 5) аминлар, амин тузлари ва тўртламчи аммоний бирикмалари; 6) элементорганик бирикмалар; 7) гетероциклик бирикмалар.

Молекуласида бир нечта функционал гурухлар ёки реакцион марказлари бўлган биоцидларни кимёвий таркиби бўйича таснифлашда уларнинг биоцидлик таъсирини таъминловчи гурухи эътиборга олинади.

Амалда баъзи ҳолларда биоцидлар алоҳида бирикмалардан эмас, балки бир неча моддалар аралашмаси ёки техник моддалардан ташкил топади. Бундай препаратлар, уларни биоцидлик хусусияти билан таъминловчи асосий компоненти асосида, у ёки бу гурухга киритилади.

БИОЦИДЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Материаллар ва буюмларни биозараарланишдан ҳимоя қилишда қўллаш учун синтез қилинаётган кимёвий моддаларнинг биоцидлик хусусиятларини ва материаллар таркибида уларнинг самарадорлигини синаш талаб этилади. Муаммо оддий эмаслиги ва шароитлар ҳар хиллиги учун биоцидларнинг самарсини аниқлаш жуда мураккаб. Биоцидларни синашнинг усуллари кўп. Уларнинг айrim хусусиятларини синаш учун нисбатан тез ўтказиладиган лаборатория методлари қўлланилади, умумий ҳимоя қилиш қобилияти ва ҳимоя муддатини аниқлаш учун эса биоцидлар ҳам лаборатория, ҳам табиий шароитда синалади.

Биозараарланиш пайдо қиласидиган катта муаммолардан бири – могор замбуруғлари қўзғатадиган заарланишларга қарши самарали воситалар ишлаб чиқишидир. Шу сабабдан янги бирикмаларнинг энг кўп қисми техник фунгицидлик хусусияти мавжудлигига синалади.

Фунгицидлик хусусиятларини баҳолашнинг бир қатор усуллари бор. Улардан энг кенг қўлланиладиганлари – замбуруғни ичига у ёки бу усул билан антисептик киритилган агарли қаттиқ муҳиттага (масалан, 2% ли Чапек-Докс агарли муҳитига) экишdir. Ундан кейин синовдаги модда замбуруғ ўсишига тўскинлик қилиши ёки қилмаслиги қайд этилади.

Биоцидлар муҳитга қуйидаги усуллар воситасида киритилади:

1. Петри ликопчаларидағи муҳит устига металл цилиндрлар қўйилади ва уларнинг ичига модданинг томчилари киритилади. Цилиндр атрофида замбуруғ ўсиши бўлмаган зонанинг кенглигига асосланиб моддада фунгицидлик фаоллиги мавжудлиги ёки йўқлиги аниқланади.

2. Биоциднинг сув ёки органик эритма билан аралашмасининг муайян микдори фильтр қофознинг дисклариға шимдирилади ва бу дисклар Петри ликопчаларида замбуруғ экилган муҳит устига қўйилади. Модда фаоллиги олдинги усулдагидай аниқланади.

3. Модда эритилган озуқа муҳитига киритилади, у қотгандан сўнг унинг устидаги икки нуқтага замбуруғ экилади ва 72 соат давомида инкубация қилинади. Модданинг фунгицидлик фаоллиги унинг замбуруғ ўсишига тўскинлик қилиши ($R\%$) асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = (d_0 - d_1) \cdot 100/d_0,$$

Буерда d_0 – назоратдаги колония диаметри, d_1 – тажрибадаги колония диаметри.

Модда фаоллигини аниқроқ ўлчаш учун қуйидаги усул қўлланилади. Колба ичидаги синовдаги модданинг муайян микдори эритилган Чапек-Докс муҳитига

замбуруғ споралари суспензияси экилади. Колба тебратгичда 28°С ҳароратда 5 сутка ўстирилади. Модданинг фунгицидлик фаоллиги ичида биоцид бўлган ва бўлмаган мухитларда ўсан мицелийнинг қуруқ биомассаларини солиштириш асосида аниқланади.

Материаллар замбуруғларга чидамлилигини лаборатория шароитида синаш усуллари ҳам турли хил. Уларнинг синов ўтказиш методикалари ва замбуруғларга чидамлилик қритерийлари хилма хиллиги туфайли олинган натижаларни бир бири билан солиштириб бўлмайди. Материаллар замбуруғларга чидамлилигини синаш методларини стандартлаштириш мақсадида Халқаро электротехник комиссия 1954 йилда ҳар хил нометалл материалларни синашнинг қўйидаги умумий методини ишлаб чиқкан: материал ва буюмлар *Chaetomium globosum*, *Aspergillus niger*, *A. amstelodami*, *Penicillium cyclopium*, *P. brevi-compactum*, *Paecilomyces varioti* ва *Stachybotrys atra* замбуруғларининг споралари аралашмаси билан заарланади ва замбуруғлар ўсиши учун оптималь шароитларда (28-30°С ҳарорат, 98-100% намлик) 28 сутка давомида инкубация қилинади. Фунгицид қўшилган материалларнинг синаш муддати 80-90 суткагача узайтиради.

Янги фунгициднинг самарадорлиги ва унинг материалдаги концентрациясини танлаш ҳақидаги узил-кесил қарор табиий шароитда материалнинг замбуруғларга чидамлилиги синагандан сўнг берилади; собиқ иттифоқда бу синов ГОСТ 9.053.-75 “ЕСЗКС. Материалы полимерные. Методы испытаний в природных условиях в атмосфере на микробиологическую стойкость” га биноан ўтказилар эди. Бу усулда материалларнинг намуналари микроорганизмлар (замбуруғлар, бактериялар, актиномицетлар) билан табиий заарланиш шароитларида инкубация қилинади ва микроорганизмлар ўсиши даражаси ва материалларнинг физик-механик хусусиятлари ўзгариши асосида уларнинг микробиологик чидамлилиги аниқланади.

Сувда эксплуатация қилинадиган ва устида организмлар ўсиш ҳавфи катта бўлган материалларнинг лак-бўёқ қопламалари таркибидаги бу организмлардан ҳимоя қилиш учун қўшиладиган биоцидларни табиий шароитда синаш ҳам юқорида кўрсатилган методларга биноан ўтказилади. Бунинг учун устига тажрибадаги лак-бўёқ сурилган металл пластинкалар чучук сув ҳавзасида 3 метргача бўлган чуқурлиқда қолдирилади ва вақти-вақти билан устида организмлар ўсиши ва қопламаларининг қалинлиги ёки сидириб олиш воситасида уларнинг муайян юзадаги оғирлиги аниқланади.

ФУНГИЦИДЛАР

Қишлоқ хўжалик экинлари ва нометалл материалларни замбуруғлардан ҳимояловчи кимёвий моддалар фунгицидлар деб аталади. Фунгицидларнинг анчasi бактерицидлик хусусиятига эга.

Биоцидларнинг, жумладан фунгицидларнинг хусусиятларини уларнинг кимёвий таркиби ва тузилиши бўйича таснифларга асосланган гурухларда мұхокама қилмоқ қулади.

Анорганик бирикмалар. Анорганик фунгицидларнинг аксарияти асосида цеплюзоза бўлган материаллар – ёғоч, қоғоз, таркибida ёғоч қатламлари бўлган пластиклар, ип-газлама ва зигир толаларини ҳимоялашда қўлланилади. Улар қаторига кўпинча бор, фторводород ва кремнийфторводород кислоталарининг тузлари, мис сульфат ва натрий дихромат киради. Бу тузлар кўпинча бир-бири билан

ёки органик бирикмалар билан аралашма сифатида, кам ҳолларда алоҳида ишлатилади.

Натрий кремнефторид Na_2SiF_6 . Рангсиз кукун, 20°C да сувда эрувчанлиги 0,66%. Сувли эритмаларда у қисман гидролизланади, шу сабабдан у ва ишқорлар бир-бираига зид, айниқса оҳак билан реакцияга кириб, сувда эримайдиган ва биоцидлик хусусияти бўлмаган кальций фторид ҳосил қиласди:



Қиздирилганда натрий кремнефторид натрий фторид ва кремний фторидга парчаланади:



Булар юқори токсик бирикмалардир (ЛД₅₀ сичқонлар учун 50 мг/кг ва каламушлар учун 158 мг/кг).

Ёғоч материалларини ҳимоя қилишда натрий кремнефторид 3,5-4% миқдорда, ёки ХМК антисептик препарати таркибида 20% гача миқдорда қўлланилади. Аммоний кремнефторид каби, у ҳам очиқ ҳавода ёғочдан ювилиб чиқиб кетади ва ёғочга биочидамлилик бермайди, аммо ёпиқ бино ичида ҳимоялаш хусусиятини сақлайди. Натрий кремнефторид ГКЖ-11 маркали натрий алкилсоликонат асосидаги гидрофобизатор билан бирга қоғоз қатламли пластикларни ҳимоя қилиш учун ҳам ишлатилади.

Натрий кремнефторид тери ишлаб чиқариш саноатида қуруқ консервация қилингинг хомашёни узоқ вақт намлаш жараёнида 0,75% г/л миқдорида бактерицид сифатида қўлланилади. Бу бирикма (латекс ва парда ҳолидаги) лак-бўёқ материалларини фаол ҳимоя қила олиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Натрий кремнефторид суперфосфат ишлаб чиқаришда ажралиб чиқадиган, таркибида фтор бўлган учувчан моддаларни ўзлаштириш жараёнида олинади. Бу газлар сув билан ушланади, натижада кремнийфторводород кислотаси ҳосил бўлади ва у натрий хлорид билан реакцияга кириб, сувда эрувчан туз ҳосил қиласди.

Натрий фторид NaF. Рангсиз, гигроскопик кристаллар. 100 г сувда 20°C да 4,3 г натрий фторид эрийди. Бу юқори токсик бирикма (ЛД₅₀ 100-750 мг/кг).

У асосан ёғоч учун антисептик сифатида қўлланилади. Натрий фторид ёғочни ҳимоялаш учун ишлатиладиган кўп препаратларнинг таркибида киради: ФН-П пастаси (таркибида 44% NaF мавжуд), ПАЛ-Ф пастаси (46%), ПАВ-ПВА пастаси (46%), ХМФ препарати (20-30%). Фунгицид сифатида қоғоз-бакелит пластикларини ҳимоялашга ҳам ишлатилиши мумкин. Натрий фторид 3-5% ли концентрацияда КД-4 ва КДЦ маркали эпоксид компаундларида, уларнинг техник хусусиятларини сақлаган ҳолда, чидамлилик беради.

Натрий фторид техник плавик кислотани сода билан нейтраллаш ёки плавик шпатини сода ва кремний тупроғи билан эритиб қотиштириш ва сўнгра сувда эритиш ва ажратиш воситасида олинади.

Натрий дихромат $\text{Na}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$. Оддий шароитда дигидрат $\text{Na}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 \cdot \text{H}_2\text{O}$ шаклида учрайди, апельсин-қизил тусли кристалл, сувда яхши эрийди (0°C да 100 мл сувда 238 г). Сувсиз тузи 320°C да эрийди.

Инсон ва ҳайвонлар учун ўта заҳарли (сичқонлар учун ЛД₅₀ 7-8 мг/кг), шу сабабдан бу модда билан ишлаганда жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Иш бинолари ҳавосида максимал рухсат бериладиган концентрацияси 0,1 мг/м³.

Натрий дихромат ёғочни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган, сувда эрувчан антисептикларнинг таркибига киради: ХМББ (8-24%), ХХЦ (20%), ХМ-11 (50%), ХМХЦ (20%), ХМК (40-46%), ХМФ (40-50%).

Бу бирикмалар хромли темирни сода ва оҳак билан пишириб ва олинган Na₂CrO₄ га сульфат кислота билан ишлов бериб олинади.

Мис сульфат (мис купороси) CuSO₄·5H₂O. Ҳаворанг кристалл. Сувда 15°C да эрувчанлиги 16%, метил спиртда эрувчанлиги ҳам шунга яқин, этил спиртда камроқ эриди. Сувсиз тузи – оқ, жуда гигроскопик кристалл.

Ишлаб чиқариладиган техник бирикмада 98,5% асосий модда бор.


Иссикқонли ҳайвонлар учун заҳарли (ЛД₅₀ сичқонлар учун 43 мг/кг ва каламушлар учун 520 мг/кг). Бу бирикманинг сувли концентрат эритмалари шилимшиқ пардани яллиғлантиради, шу сабабдан препарат терига ва айниқса кўзга тушишидан эҳтиёт бўлиш керак, тушган тақдирда дарҳол катта микдордаги сув билан ювив ташлаш лозим.

Мис сульфат ёғочни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган биоцидларнинг таркибига киради: ХМББ (8-25%), ХМ-11 (50%), ХМХЦ (10%), ХМК (40-46%), ХМФ (30-40%).

Фунгицидлик таъсири билан бирга бир қатор сув ўтларини ҳам ўлдиради.

Карбонводородлар, галогенкарбонводородлар ва нитробирикмалар.

Буларга дифенил



киради. Кристалл модда, Т_{эриш} 70,5°C, сувда деярли эримайди, органик эритувчиларнинг аксариятида эриди. (ЛД₅₀ каламушлар учун 3280 мг/кг).

Дифенил замбуруғлар ўсишини тўхтата олади ва айни пайтда иссиқконли организмлар учун кам заҳарли, шунинг учун у сақланишга қўйиладиган цитрус меваларини ўрашда қўлланиладиган қоғозга шимдириш учун қўлланилади. Бунда 1 кг қоғозга иситиб суюлтирилган 30 г дифенил ва парафин (1:1) аралашмаси сарфланади. Дифенилни асосан бензолни пиролиз қилиб олишади.

Карбонводородлар қаторига тошкўмир смоласининг турли хил фракциялари – кокслаш жараёнида тошкўмирни қуруқ ҳайдаш орқали олинадиган дистиллят киради.

Бу типдаги энг муҳим препаратлардан бири – *креозот* – мойга ўхшаш суюқлик, туси тўқ-қўнғир ёки қора, ўзига хос ҳиди бор, Т_{кайнаш} 240°C дан юқори. Бензол, толуол ва бошқа ароматик карбонводород эритувчилари билан ҳар қандай нисбатда яхши аралашади.

Креозот таркибининг асоси – ароматик карбонводородлар, жумладан нафталин, аценафтен, фенатрен, антрацен ва флюрен. Улардан ташқари кислота типли бирикмалар – фенол, креозол, ксиленоллар ва нафтоллар ҳамда гетероцикллик азотли асослар – пиридинлар, хиноллар ва акридинлар мавжуд. Бу гурухларнинг ҳар бирида биоцидлик хусусиятлари бўлган моддалар бор.

Креозот очиқда жойлашган ёғоч қурилмалар – электр ўтказувчи, телефон ва телеграф линияларининг устунлари, кўприклар, ёғочоёқлар, эстакадалар, темир йўл

шпалалари, градирялар ва бошқа гидротехник иншоотларнинг деталларини микроорганизмлар парчалашидан ҳимоялашда қўлланилади.

Ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши бўйича креозот фақат ёғоч антисептиклари эмас, балки барча биоцидлар орасида олдинги ўринни эгаллади.

Материалларнинг замбуруғларга чидамлилигини оширадиган ўрни алмаштирилмаган карбонводородлар билан солиштирганда галоген- ва галогеннитрат ҳосилалари бўлган карбонводородларнинг хиллари кўпроқ ва кенгрок.


Галогеннитраткарбонводородлар орасида 1,3-бутадиеннинг ҳосилаларидан иккитаси: 2-нитропентахлорбута-1,3-диен ва 2-нитро-1,1-3,4-тетрахлор-4-брому-1,3-диен маълум даражада диккатга сазовор, улар 0,001-0,0001% концентрацияларда моғор замбуруғларнинг ўсишини тўхтатади.

Спиртлар, феноллар ва уларнинг ҳосилалари анча кенг биоцидлик таъсир спектрига эга. Улар орасида самарали фунгицидлар ва бактерицидлар топилган ва уларнинг аксарияти техник биоцидлар сифатида қўлланилади.

Гомологик спиртлар ва феноллар қаторида микроорганизмларга нисбатан фаоллик карбонводород радикал узунлиги кўпайиши билан ошади, аммо узунлик маълум даражага етгач, камая бошлайди. Масалан, ўрни алмашмаган спиртлардан ундецил ва додецил спиртлар энг фаол фунгицидлардир. Алкилфенолларда максимал биоцидлик фаоллигини амил- ва гексилфеноллар намоён қиласди.

Галогеналмашган спиртлар ва фенолларнинг фаоллиги юқори, бунда алмашган феноллар учун пара-ҳолатдаги галогенлар орто- ёки мета-ҳолатларда жойлашганларига нисбатан самаралироқ. Галоген атомлари сони кўпайиши фаоллик ошишини таъминлайди. Нитролаш ҳам фаолликни оширади.

Феноллар гурухида кўпроқ **2-оксидифенил** номи билан юритиладиган **2-фенилфенол** типик техник фунгициддир:




Тоза 2-оксидифенил оқ кристалл модда, Т_{эриш} 57°C. Сувда 25°C да 0,7 г/л микдорда эрийди, ароматик карбонводородларда яхши эрийди. Техник модда таркибида 15% гача 2-оксидифенил бўлиб, у оч кулранг ёки оч сариқ тусли донадор модда, Т_{эриш} 60-80°C.

Табиий териларга мойлаш босқичида 1,5-2,5% микдорда киритиш ва кабелларни ўраш учун қўлланиладиган ип газлама толаларига шимдириш орқали уларни моғор замбуруғларидан ҳимоялашда ишлатилади.

2-Оксидифенилнинг кам токсиклиги (каламушлар учун ЛД₅₀ 2700 мг/кг), хидсизлиги ва яллиғлантириш хусусияти йўқлиги уни озиқ-овқат молларини сақлашда ишлатишга имкон яратади. Сақлашга кўйиладиган мева ва сабзавотлар тозалиги юқори даражада бўлган препарат шимдирилган қоғозга ўралади.


2-Оксидифенил феноллар учун характерли бўлган барча реакцияларни беради. Уларга ишқорлар таъсирида мутаносиб фенолятлар ҳосил бўлади:



2-Оксидифенилнинг натрийли тузи ёғочнинг сувда эрувчан антисептиги сифатида қўлланилади.

Фенолнинг нитро- ва галогенхосилалари биоцидлик хусусиятларига эга ва улар ўтган асрнинг 30 йилларидан бери пестицидлар сифатида қўлланилган. Бирикмаларнинг бу синфиға мансуб бўлган, кейинги пайтларда материалларни биозараарланишдан ҳимоялашда ишлатиладиган фунгицидларнинг тавсифи қўйида келтирилади.


4-Нитрофенол (пара-нитрофенол) – оч сариқ кристалл, Т_{эриш} 113°C. Сувда ёмон, органик эритувчиларда яхшироқ эрийди:




4-Нитрофенол – токсиклиги юқори модда (мушуклар учун ЛД₅₀ 150-200 мг/кг).

Бу табиий терини (0,3-0,75% миқдорда) ва каучукни микроорганизмлар парчалашига қарши энг самарали препарат. Баъзи лак-бўёқ материаллар, масалан хлорвинил эмаллар таркибиға 4-нитрофенолнинг 5% гача бўлган миқдорлари киритилади.


Препарат 4-нитрохлорбензолни юқори ҳароратда ишқорли гидролизлаш орқали олинади:




2,2-Диокси-5,5-дихлордифенилметан (дихлорфен, Г-4) – оқ кристалл модда. Т_{эриш} 177-178°C. Техник модда 164°C да эрийди. Сувда 25°C да эрувчанилиги 0,003% га яқин. Токсиклиги кам (турли хил экспериментал ҳайвонлар учун ЛД₅₀ 1000-2000 мг/кг):




Дихлорфен 4-хлорфенолни сульфат кислота мавжудлигида формальдегид билан конденсациялаш воситасида олинади:




Целлюлоза материаллари учун фунгицид сифатида *пентахлорфенол* кенг тарқалган. У кристалл модда, Т_{эриш} 190-191°C. Метанолда яхши, этанолда ёмонроқ, түйинган карбонводородларда ёмон эрийди. Сувда 27°C да эрувчанлиги 1,8 мг. Юқори нафас олиш йўлларининг шилимшиқ пардаларини яллиғлантиради (ЛД₅₀ 210 мг/кг):



Чиқиши 95-97% ли пентахлорфенол бевосита фенол ва унинг ҳосилаларини юқори хароратда катализатор (алюминий, суръма ва уларнинг хлоридлари) иштирокида хлорлаш воситасида:



ёки гексахлорбензолни сувда, метанолда ёхуд ҳар хил эритувчилик аралашмасида ишқорли гидролизлаш орқали олинади:



Пентахлорфенолнинг биоцид сифатида ишлатилиши асосан ёғоч ва ёғочли материалларни ҳимоялашdir. Бу мақсадда кўпинча пентахлорфенолнинг сувда эрувчан натрийли тузи ишлатилади. “Пентахлор” – таркибида натрий пентахлорфенолятнинг энг катта – 92% дан кам бўлмаган миқдори мавжуд бўлган препаратdir. Бошқа препаратларда унинг миқдори 1% ва 50% орасида. Бу препаратлар ёрдамида ёғочни ҳам микроорганизмлар, ҳам ҳашаротлардан ҳимоялаш мумкин.

Пентахлорфенол лак-бўёқ материалларига фунгицид қўшимчаси сифатида ишлатилиши мумкин. Масалан, 5-10% концентрацияда препарат перхлорвинил ва меламин-алкид асосли лак-бўёқ қопламалар системаларини мөгор замбуруғлардан ҳимоялади. Узоқ сақлашга ёки ташишга тайёрланаётган табиий тери яримфабрикатларини ҳам бу препаратни тери оғирлигининг 1% миқдорида киритиш ёрдамида ҳимоялаш учун қўлланади.


Пентахлорфенолятнинг юқори самарали хусусиятларини ишлатиш учун изланишлар асосида янги самарали биоцид – *пентахлорфениллаурат* яратилди; бу

препаратнинг самараси пентахлорфенолники билан бир хил, аммо унинг ён салбий хусусиятлари йўқ. Кенг тажрибалар ўтказилгандан кейин бу препарат қўп Европа мамлакатларининг тери ишлаб чиқариш саноатида бошқа барча биоцидларни сиқиб чиқарди ва олдинги ўринни эгаллади.

Ип газламаларни безаш ва ишлатишда бу бирикма амалий жиҳатдан тўқимачилик матоларининг рангини ўзгартирмайди, ювилиб чиқиб кетишга чидамли ва токсиклиги кам. Пентахлорфениллаурат асосида бир қатор “Мистокс” фунгицид препаратлари ишлаб чиқилган ва улар чодир ва брезент маҳсулотлари безакларини замбуруғларга чидамлилик билан таъминлаш учун қўлланилади.

Альдегидлар, кетонлар, карбон, карбамин кислоталари ва уларнинг ҳосилалари. Бу гурухга мансуб бирикмаларнинг биоцидлик хусусиятлари хилмажил ва деярли ҳар қандай биологик таъсирга эга. Улар орасида самарали фунгицидлар, бактерицидлар, родентицидлар, авирепеллентлар ва ўсимлик ўсишини бошқарувчи бирикмалар мавжуд. Уларнинг аксарияти техник пестицидлар сифатида қўлланилади ва бундай пестицидларнинг сони доим ўсиб бораётпи.


Келгусида нометалл маҳсулотларни химояловчи фунгицидлар сифатида қўлланилиши мумкин бўлган карбонил кислота ҳосилаларидан хлорланган *циклик дикетонлар* диккатга сазовордир:



Бу қаторга кирувчи бирикмалар орасида энг юқори даражадаги фунгицидлик фаоллигини 4-анилин- ва 4-(4-хлорфениламин)-2,2,5-трихлорциклопент-4-ен-1,3-дион лар намоён этади.

Карбон кислоталари ҳосилаларидан техник фунгицидлар сифатида чекланмаган ва ароматик икки асосли кислоталарнинг N-алмашган имидлари кенг тарқалган.


N-(Трихлометилтио)фталимид (фталан):



Оқ кристаал модда, Т_{эриш} 177°C. Амалда сувда эримайди, органик эритувчиларда ёмон эрийди. Бу бирикма маълум бўлган биоцидлар орасида энг кам заҳарлиларидан биридир (каламушларга ЛД₅₀ 10000 мг/кг).

Фунгицид сифатида фталан 0,25-1,0% ли концентрацияда ҳар хил поливинилхлорид ва бошқа пластиклар, резина ва лак-бўёқ қопламалар таркибида киритилади. Унинг камчилиги – винил пластикларининг термотурғунлигини пасайтиради ва ҳар доим талаб этилган чидамлилик билан таъминламайди.


Фталан сувли-ишқорли муҳитда, тўхтамасдан кучли аралаштириб туриш шароитида ва иложи борича паст ҳароратда (ҳосил бўлаётган фталан ва дастлабки трихлорметилсуль-фенилхлорид гидролизланмаслиги учун) фталимид ва трихлорметилсульфенилхлорид орасидаги реакция воситасида олинади:



Тозалиги етарли бўлган трихлорметилсульфенилхлорид ишлатилса ва жараён қоидаларига амал қилинса фталан чиқиши 90% га етади.

Бошқа бир фунгицид – каптан ҳам яқин тузилишга эга.

N-(Трихлорметилтио)-1,2,3,6-тетрагидрофталимиd (каптан):




Оқ кристалл модда, деярли ҳидсиз, Т_{эриш} 172°C. Техник модда кулранг ёки сариқ тусли, ўзига хос ҳидли, Т_{эриш} 164°C. Сувда эrimайди, органик эритувчиларнинг аксариятида ёмон эрийди. Токсиклиги кам (каламушларга LD₅₀ 9000 мг/кг).

Каптан антисептик сифатида пластиклар (0,4-1,8%), лак-бўёқ қопламалари (0,2-1,0%), резиналар (0,3-1,0%), қофозлар (0,3%) ва дистиллят ёнилғиларга (0,02%) қўшилади. Дистиллят ёнилғиларга у нитропропандиол (0,1-0,25%) билан бирга қўшилади.

Кейинги пайтларда дихлормалеин кислотасининг имидлари орасида самарали фунгицидлар топилган. Ўнлаб синалган бирикмалардан комплекс биоцидлик хусусиятига эга бўлгани ва энг истиқболли кўринадигани дихлормалеин кислотасининг циклогексилимидиdir.


Дихлормалеин кислотасининг циклогексилимиди (цимид):



Кристалл модда, Т_{эриш} 137-138°C. Сувда эrimайди, органик эритувчилар (ацетон, хлороформ) да эрийди. Тери ва шилимшиқ пардаларга тушса уларда яллиғланиш қўзгатади (LD₅₀ сичқонлар учун 5200 мг/кг ва каламушлар учун 7500 мг/кг).


Цимид техник парда (плёнка) материаллари ва терини микробиологик заарланишдан ҳимоя қилиш учун ишлатишга жуда қулай. Уни поливинилхлорид композицияларига пластификаторлар билан аралашма сифатида оғирлигининг 1-5 фоизи микдорида киритишиади.

Дихлормалеин кислотасининг циклогексилимиди унинг ангидриди билан циклогексиламин муз сирка кислотаси муҳитида 110°C ҳароратда кечадиган реакция ёрдамида олинади:



Карбон кислоталари ҳосилалари гурухига муҳим ва ҳаммага маълум бўлган фунгицид –салицил кислотанинг анилиди киради.


Салицил кислотанинг анилиди (салициланилид, ишрлан):



Оқ кристалл модда, Т_{эриш} 135°C, 150°C дан юқори ҳароратгача қиздирилганда парчаланади. Сувда эрувчанлиги 55 мг/л атрофида, хлорланган карбонлар ва бошқа органик эритувчиларда яхши эрийди. ЛД₅₀ 5000 мг/кг дан юқорироқ.

Салициланилид 2,5% гача микдорда қўшиш орқали ўраш учун ишлатиладиган қоғоз ва картонни ва ҳар хил толали тўқувчилик маҳсулотларини биочидамлилик билан таъминлайди. Бу материаллар билан ўтказилган лаборатория синовларида салициланилид юқори самарали восита эканлиги аниқланган, аммо амалда табиий шароитларда унинг ҳимоя қилиш қобилияти у даражада юқори бўлмаган, чунки очик ҳавода у қуёш нурларига турғун эмаслиги ва ювилиб чиқиб кетиши кўрсатилган. Салициланилид баъзи перхлорвинил, эпоксид эмаллари (5-7%) ва резиналарнинг (2-3%) таркибида киритилади.

Салициланилиддан ташқари биоцид сифатида оксибензой кислоталар ҳосилаларидан амалда *4-оксибензой кислотанинг метил эфири (нипагин-М)* ишлатилади:



Бу оқ кристалл модда, Т_{эриш} 131°C. Сувда эрувчанлиги 0,25%, тубан спиртлар, эфирлар ва ацетонда эрийди.

Токсиклиги кам бўлиши, кимёвий инертилиги ва яхши антисептиклик таъсири мавжудлиги туфайли бу препарат косметика воситаларини (0,1%) ҳамда реставрация қилишда қоғоз ва ундан тайёрланган елимни биохимоялашда ишлатилади.

Нафтен кислотанинг мисли тузи бўлган *мис нафтенат* кучли фунгицидлик ҳусусиятларига эга. Мис нафтенат ҳозир ишлатиладиган биоцидлар орасида энг эскиларидан бири. Бу препарат ҳали биринчи жаҳон урушидан олдин Россия ва Германияда ишлатилган.

Мис нафтенат – қуюқ, мойсимон, тўқ-яшил тусли паста. Сувда амалда эримайди, нефть маҳсулотлари ва бир қатор органик эритувчиларда яхши эрийди. Шилимшиқ пардаларни яллиғлантиради (ЛД₅₀ 1100 мг/кг).

Мис нафтенат ёғоч, ҳар хил ип газламалар, жут ва бошқа толали техник материалларга, одатда уларнинг оғирлигининг 0,3-2,0% микдорида шимдирилиб, биозараарланишдан ҳимоялаш учун тавсия қилинган. Бошқа мис препаратлари каби, мис нафтенат ҳам, айниқса қуёш нурлари таъсирида, тўқимачилик материалларининг мустаҳкамлигини пасайтиради. Бу препаратни резина буюмларга


тегиб туралдан материалларнинг ҳимоя қопламалари таркибида ишлатиш мумкин эмас, чунки улар резина оксидланишини катализ қиласади.

Мис нафтен кислотанинг ишқорли тузларига сувли муҳитда мис сульфат билан ишлов бериди олинади.

Функцийд сифатида диметилдитиокарбамин кислотаси тузларининг аҳамияти жуда катта. Ҳозиргача ҳар хил мамлакатларда уларнинг ўн минглаб тонналари ишлаб чиқарилади. Айниқса диметилдитиокарбамин кислотасининг Са- ва Zn-тузлари ва ТМТД –тетраметилтиурамдисульфид каби препаратлар кенг қўлланилади.

Цинк диметилдитиокарбамат (цимат, цирам) $[(\text{CH}_3)_2\text{NCSS}]_2\text{Zn}$. Кристалл модда, Т_{эриш} 240-246°C, айни ҳароратларда парчаланади. Узоқ вақт давомида 170-180°C да иситилганда ҳам парчаланади. Сувда 25°C да эрувчанилиги 0,065 г/л, органик эритувчиликнинг аксариятида ёмон эрийди. ЛД₅₀ 1400 мг/кг.

Цимат асосан резина вулканизациясини тезлаштириш учун, резина таркибида оғирлигининг 2 фоизи микдорида киритиб, резина функцийди сифатида қўлланилади. Цимат ва 2-меркаптобензотиазол цинкли тузининг аралашмасини латекс бўёқлари таркибида киритишади. Цимат олтингугурткарбон, цинк оксид ва диметиламиннинг 30-40°C да ўтадиган реакцияси ёрдамида:



ёки аммоний диметилдитиокарбаматга цинк сульфат ёхуд цинкнинг бошқа бирор сувда яхши эрувчан тузи билан ишлов бериш натижасида олинади.

Тетраметилтиурамдисульфид (ТМТД, тирам, тиурам)



Оқ ёки крем тусли кристалл модда, Т_{эриш} 155-156°C. Сувда амалда эримайди, хлороформ ва ацетонда яхши, этанолда ёмонроқ эрийди. ТМТД кукуни терига ва шилимшиқ пардаларга тушса уларни яллиғлантириши мумкин (ЛД₅₀ 780 мг/кг).

ТМТД резина буюмлари ишлаб чиқаришда вулканизацияни тезлатувчи сифатида қўлланилади. Резинада 1-3% ТМТД бўлиши резина моғор замбуруғлар билан қопланишига қарши энг яхши ҳимоядир. ПВХ композицияларини замбуруғларга чидамли қилиш учун уларнинг таркибида оғирлиги бўйича 0,5% қўшишади.

ТМТД олиш учун ишқорли металлар диметилдитиокарбаматларини водород пероксид ёки бошқа оксидловчилярдан бири (мисол учун натрий нитрат) билан оксидлашади.

Аминлар, уларнинг тузлари ва тўртламчи аммоний бирикмалари. Янги биоцидларни излашда аминлар ва уларнинг тузлари биологик фаол бирикмаларнинг муҳим гуруҳидир.


Алифатик аминларнинг функцийдлик ва бактерицидлик фаоллиги аминнинг молекуляр массаси ошиши ҳамда эркин аминлар уларнинг ҳар хил анорганик ва органик кислоталар билан тузларига ўтиши билан ошиб боради.

Учламчи аминларни кватернизациялашда биологик фаолликнинг ундан ҳам кучлироқ “сакраши” кузатилади. Масалан, узунзанжирли аминлар ёки пиридин ва

бошқа гетероциклик аминларни узун карбонводород радикалли галоид алкиллари билан кватернизациялаганда жуда кучли антисептик таъсирга эга бўлган, сувда ва мойда эрувчан сирт фаол моддалар ҳосил бўлади.

Биоцидларнинг бу гурухнинг типик намояндлари циклогексиламин хромат, дициклогексиламин нитрит ва гексаметиленимид *m*-нитробензоатлардир.

Циклогексиламин хромат (ХЦА)




Равшан сариқ тусли кукун, Т_{эриш} 127°C. Сувда эрувчанлиги 4%, этанолда – 1%, бензол ва ацетонда эримайди.

Таркибида хром кислотанинг қолдиқлари мавжудлиги бу препаратга металлар коррозиясини тўхтатиш хусусиятини беради. Айни пайтда амин тузи бўлгани учун 0,02% дан юқоририк концентрацияларда препарат юқори фунгистатик ва фуницидлик хусусиятларига эга.

ХЦА оптик ускуналар ва бошқа мураккаб система ва механизmlарни химоялашда учувчан ингибитор-фуницид сифатида ишлатилади. Препаратни қўллаш усуллари – таъсир этувчи модданинг 16-20 г/м² микдорида қофозга шимдириш, химояловчи мойловчи таркибиға киритиш ёки буюмларга сувли эритма билан ишлов беришdir.

*Гексаметилинин *m*-нитробензоат (Г-2)*



Сарғиш оҳангли оқ кристалл модда. Т_{эриш} 132-133°C. Сувда эрувчанлиги 2% атрофида, этанолда яхши эрийди (ЛД₅₀ 1360 мг/кг).

Г-2 ғовак ташувчига 50-300 г/м² микдорида шимдириладиган учувчан ингибитор-фуницид сифатида ҳамда техник мақсадларда ўраш учун ишлатиладиган қофозлар тайёрлашда ишлатилади.

Тўртламчи аммоний бирикмалари амалда асосан кучли бактерицидлар сифатида энг катта қизиқиш қўзғатади (“Бактерицидлар” бўлимига қаранг).


Элементорганик бирикмалар. Симоб, маргимуш ва бошқа унсурлар анерганик бирикмаларнинг биоцидлик хусусиятлари эски замонлардан бери фармакология, ветеринария ва қишлоқ хўжалигига ишлатилиб келинган. Бу кучли заҳарли моддалар ишлатилиши пайтида токсик ён таъсир ҳосил бўлиши ва шу сабабдан инсон, ҳайвон ва ўсимликлар учун шубҳасиз хавф туғдириши маълум. Аммо ўрнини боса оладиган воситалар бўлмаганлиги сабабли улар билан ён заҳарланишларга чидашга тўғри келган. Органик кимё элементорганик, масалан, металлорганик бирикмаларнинг янги, хавфсизроқ препаратларини излаш ва топишга имкон яратди. Бу бирикмаларда металл ёки бошқа элемент органик радикал

таркибидаги бир ёки күпроқ карбон атомлари билан боғлиқ бўлади. Симоб, қалай, кўрғошин ва маргимушнинг органик бирикмаларини тадқиқ қилиш натижасида шундай моддалар кашф этилдики, улар иссиққонли организмларга кам токсиклиги билан бирга фунгицидлик ва бактерицидлик хусусиятлари бўйича ушбу элементларнинг анорганик бирикмаларидан анча кучлилиги билан ажralиб туради.

Фосфорорганиклардан бошқа элементорганик биоцидларнинг токсиклиги асосан элементлар хужайрадаги ҳаёт учун муҳим бўлган компонентларнинг сульфигидрил гурухлари билан ковалент алоқалар ҳосил қилиши билан боғлиқ; элементлар бу хужайра компонентларига кириши эса элемент атомини ўраб турувчи органик радикаллар томонидан тартибга солинади. Фосфорорганик биоцидларнинг таъсир механизми бошқа – ҳайвон организмидаги улар эстеразаларни фосфорлайди ва бу билан уларнинг нормал фаолиятини бузади.

Симоб органик бирикмалар орасида энг кўп маълум бўлган биоцидлар қаторига мертиолат, фенилмеркурацетат ва этилмеркурфосфат киради.

Этилмеркуртиосалицил кислота, Na-тузи (мертиолат)



Сув ва этанолда эрувчан оқ ёки сарғиш кристалл модда. Кучли таъсирли заҳарли моддалар гурухига мансуб ($ЛД_{50}$ каламушларга 44 мг/кг).

Мертиолат оптик, радиоэлектрон ва бошқа ускуналарни микробиологик зарарланишдан вақтингчалик ҳимоя қилиш учун учувчан фунгицид сифатида ишлатишга тавсия қилинган. Одатда қофоз ёки бўздан тайёрланган халтача (пакет) ларга 5-10 граммдан солинган таблетка ёки куқун ҳолида, баъзан препарат шимдирилган ғовак ташувчи (қофоз, поролон) лар воситасида ишлатилади. Буюмлар устига мертиолат 10 г/м^3 ёки $0,2\text{-}0,5 \text{ г/м}^2$ микдорда сарфланади. Мертиолат алюминий қотишмаларига нисбатан агрессив эканлигини эсда тутиш лозим. Шу сабабдан уни алюминий қотишмаларидан тайёрланган деталлари бўлган жиҳозларда кўлламаслик керак.

Этилмеркурфосфат ($C_2H_5Hg)_2PO_4$ – оқ кристалл модда, $T_{\text{криш}} 178\text{-}179^\circ\text{C}$. Сув ва спиртларда яхши эрийди. Терига тушса куйдиради ($ЛД_{50}$ сичқонлар учун 26 мг/кг, каламушлар учун 30 мг/кг). Сувда максимал ижозатланган дозаси (ПДК) $0,005 \text{ мг/м}^3$.

Бу кучли фунгицид ва бактерицид (бактерицидлиги бўйича сулемадан 10 марта фаолроқ), ёғоч ва оқсил елимларида антисептик сифатида ва қофоз ишлаб чиқариш саноатида шилимшиқ ҳосил бўлишига қарши ишлатилиши мумкин.

Этилмеркурфосфат диэтилсимоб ва симоб фосфат аралашмасининг эквимоль микдорларини бироз сув иштирокида $100\text{-}115^\circ\text{C}$ да қиздириш ёрдамида олинади.

Қалай органик бирикмалар техника ва қишлоқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларида кўлланилади. ПВХ ва пестицидларни турғунлаштирувчи (стабилизатор) модда сифатида қўлланилиши туфайли бу бирикмаларнинг саноатда ишлаб чиқарилиши кенгаймокда. Қалайорганик бирикмаларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги учун аҳамияти шунчалик катта бўлгани учун, улар, қалай нисбатан қиммат ва танқис бўлишига қарамасдан чет эл мамлакатларида ўн минглаб тонна микдорларида ишлаб чиқарилади.

Пестицид сифатида асосан триалкил- ва триарилқалай бирикмалари ишлатилади. Улар алоҳида ва бошқа ҳар хил моддалар билан аралашма сифатида ўсимликлар касалликлари билан курашда, қофоз ишлаб чиқариш саноатида шилимшиқ ҳосил бўлишига қарши, нометалл материалларда антисептик сифатида ва кемалар сувости қисмларида организмлар ўсишига қарши ишлаб чиқарилган бўёқлар таркибиға қўшиб қўлланилади.

Мис, симоб ва маргимушларнинг органик бирикмаларига нисбатан қалайорганик биоцидларнинг қуйидаги муҳим афзаликлари мавжуд: 1) биоцидлик таъсир спектри кенг (замбуруғлар, бактериялар, ҳашаротлар ва кемаларни биоқопловчи ўсимлик ва ҳайвонлар); 2) ҳар хил материалларни (пластиклар, лак-бўёқ, ёғоч, қофоз, тўқимачилик маҳсулотлари, бетон ва х.) биозаарланишдан ҳимоялайди ва металлар билан контактда уларда коррозия қўзғатмайди; 3) юқори ҳароратда барқарор, алоҳида ёки композиция таркибида сақланганида турғун; 4) симоб-, қўроғшин- ва маргимушорганик бирикмаларга нисбатан иссиқонли организмларга (кўпинча) кам токсик ва улардан фарқли ўлароқ, атроф-муҳитда астасекин токсик бўлмаган қалай диоксидгача парчаланади.

Триалкилқалай R_3SnX ҳосилалари (R -алкил, X -ОН, Cl, $OCOCH_3$ ва б.) қаторида алкил радикалларининг барча карбон атомларининг сони 12 та бўлган бирикмалар максимал фунгицид фунгистатик эга (17-жадвал).

17-жадвал

Триалкилстаннилацетатларнинг фунгицидлик фаоллиги (Ильичев ва бошк., 1987)

Бирикма	Алкил радикалларида барча карбон атомларининг сони	Минимал концентрация, мг/л	
		Фунгицидлик	Фунгистатик
$(CH_3)_3SnOCOCH_3$	3	200	200
$(C_2H_5)_3SnOCOCH_3$	6	2	2
$(C_3H_7)_3SnOCOCH_3$	9	1	0,1
$(C_4H_9)_3SnOCOCH_3$	12	0,5	0,1
$(C_5H_{11})_3SnOCOCH_3$	15	5	5
$(C_8H_{17})_3SnOCOCH_3$	24	100	100

Битта молекуласида ҳар хил карбонводородли радикаллар бўлган бирикмалар фунгицидлик таъсирининг тур спецификлигига эга, бир радикалли бирикмалар эса эга эмас. Айни қаторда бирикма молекуласидаги карбон атомлари сони ошиши билан уларнинг иссиқонлилар учун токсиклиги камайиб боради. Масалан, триэтил-, трибутил- ва триоктилхлорстаннаннинг оқ қаламушларга LD_{50} кўрсаткичи, мутаносиб равишда, 2, 8, 220 ва 7400 мг/кг га teng. Аммо октил ҳосилалари кам токсик бўлса ҳам, биозаарланиш қўзғатувчи моғор замбуруғларига етарли даражада фаол эмас, шу сабабдан улар биоцид сифатида ишлатишга тавсия қилинмайди. Токсиклиги туфайли триэтилстаннан гурухи бирикмалари ҳам бу мақсадда ишлатишга ярамайди. Улардан ҳозирликча мойлар ва мойловчилар таркибиға антисептик сифатида (0,5-1,0% миқдорда) киритиш ва амалда қўллаш учун факат алкилфенокситриэтилстаннан (афотас) тавсия қилинган.

Биоцид сифатида қалайнинг трибутил ҳосилалари, биринчи навбатда гексабутилдистанноксан энг кенг тарқалган; ундан ташқари трибутилстаннилацетат, трифенилгидроксистаннан ва баъзи бошқаларининг ҳам фаоллиги аниқланган.

Гексабутилдистанноксан (бис[трибутилқалай]оксид, ТБТО) ($(C_4H_9)_3SnOSn(C_4H_9)_3$) – рангиз мойсимон суюқлик, $T_{\text{кайнаш}}$ 187°/3 мм, зичлиги 1,14 г/см³, органик еритувчиларда яхши эрийди, сувда эрувчанлиги $5 \cdot 10^{-3}$ %.

ТБТО ўртача токсик модда (ЛД₅₀ каламушларга 250 мг/кг). Терига тушса дерматит күзғатади ва шилимшиқ пардаларни яллиғлантиради. ПДК 0,01 мг/кг.

ТБТО кўп организмлар, жумладан, замбуруғлар, бактериялар, моллюсклар ва бошқаларга нисбатан юқори фаолликка эга. Айниқса замбуруғлар сезгир, минимал фунгицидлик концентрацияси 0,1 мг/л.

Техник фунгицид сифатида ТБТО ёғоч, ип газламалар ва целлюлоза асосли бошқа материалларга ҳимояловчи ишлов бериш учун ҳамда замбуруғларга чидамли сув-эмультсия бўёқлари ва полимер материаллар ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия қилинган.

ТБТО билан ишлов берилган ёғоч ишлатиш амалиёти кўрсатишича ТБТО тупроқда ҳимоя қилиш қобилиятини тез йўқотади, аммо ҳавода материал узоқ сақланишини таъминлайди. Шунинг учун ТБТО асосан қурилмалардаги ёғоч-тахталарни ҳимоялаш учун қўлланилади. Бу соҳада унинг пентахлорфенол каби кенг қўлланиладиган ёғоч антисептика нисбатан афзаликлари мавжуд: камроқ яллиғлантирувчи таъсири, енгил нефть еритувчиларида яхшироқ эриши (бу эса биоцид ёғочга яхшироқ ёпишишини таъминлаш учун маҳсус қўшимча моддалар ишлатиш эҳтиёжидан озод қиласи). ТБТО шимдирилган ёғоч-тахта бўёқни осонроқ олади. ТБТО нинг тавсия қилинган меъёри – 1 м³ тахтага 0,6-0,7 кг.

ТБТО тўқимачилик материалларини ҳимоя қилиш учун ҳам энг самарали препаратлардан биридир. ТБТО ва стандарт биоцид – пентахлорфениллаурат билан ишлов берилган ҳар хил тўқимачилик маҳсулотларини солиштирма тажрибаларда синаганда аниқланишича, нормал иқлим шароитларида ҳавода маҳсулотга 0,1% ТБТО қўшилиши 2% пентахлорфениллаурат қўшилганига тенг бўлган. Тупроқ синовида ТБТО 0,5% концентрацияда тенг натижа кўрсатган. Бунда ТБТО билан ишлов берилган маҳсулотларнинг чидамлигига ТБТО ва УБ нурланиш салбий таъсир кўрсатмаган.

ТБТО трибутилхлорстаннанни ишқорли гидролизлаш воситасида олинади. Саноатда ишлаб чиқариладиган ТБТО нинг анча қисми бошқа қалайорганик биоцидларни синтез қилиш учун сарфланади.

Трифенилгидроксистаннан (трифенилқалайгидроксид) ($(C_6H_5)_3SnOH$ – оқ кристалл модда, $T_{\text{эриш}}$ 120°C. Сувда амалда эримайди, метанолда 20%, бензолда 4% ва ацетонда 5% га эрийди. Тери билан бевосита контактда уни яллиғлантиради (ЛД₅₀ каламушларга 500-600 мг/кг).

Трифенилгидроксистаннан ёғоч, пахта ва жунни микроорганизм ва ҳашаротлар билан зарарланишдан ҳимоя қилиш ва материал усти биоқопланишига қарши бўёқларга қўшиладиган биоцидларнинг таркибиға киритиш учун қўлланилиши мумкин.

Ҳар хил материал ва буюмларни микроорганизмлар билан шикастланишдан ҳимоялашга тавсия қилинган қалайорганик фунгицидлар орасида кисқартирилган АБП ва АГС номлари билан юритиладиган бир қатор препаратлар мавжуд.

АБП-10 ва АБП-40 латекс биоциidlари трибутилстаннилакрилатни акрил ва метакрил кислоталарнинг эфирлари билан эмульсион сополимеризация қилиш жараёнининг маҳсулоти бўлиб, улар ҳар хил сув-дисперсион парда хосил қилувчи материал таркибиға киритилади. Бу препаратлар саноатда қўлланиладиган поливинилацетат ва полиакрилат сув-дисперсион елим ва бўёқлар билан яхши


аралашади ва уларнинг таркибига 1-2% микдорида қўшилади ва бу материалларни микробиологик заарланишдан ишончли ҳимоя қиласди. Ундан ташқари, АБП-10 ва АБП-40 латекслари ёғоч, қоғоз, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа шу каби ғовак ҳамда толали материалларга шимдириладиган биоцидлар сифатида синовдан муваффақият билан ўтган.

Куқунсимон АБП-10-П ва АБП-40-П препаратлари пресс-материалларнинг биоцидлари ва айни пайтда ПВХ нинг стабилизаторлари сифатида ишлатилади.

АГС-4 биоцид лаки трибутилстанилакрилат ва метакрил кислота эфирлари орасидаги, органик эритувчи иштирокида ҳосил бўладиган полимеридир. У юқори намлик ёки тропик иқлимда эксплуатация қилинадиган, ҳар хил материаллардан тайёрланадиган техник жиҳоз ва буюмларни моғор замбуруғларидан ҳимоялаш учун қўлланилади. Уни ҳар қандай усул билан қўллаш мумкин, у тез қурийди ва электр изоляция хусусиятларига эга.

М а р г и м у ш о р г а н и к б и р и к м а л а р. Биоцидлар сифатида маргимушнинг деярли фақат гетероциклик бирикмалари – 5,10-дигидрофенарсазин ва феноксарсинларнинг ҳосиллари ишлатилади. Бу бирикмалар кенг биоцидлик спектрига ва юқори биологик фаолликка эга; фунгицидлик хусусиятлари бўйича улар симоборганик бирикмаларга яқин, денгиз сувларидаги иншоот ва кемалар, айниқса сув ўтлари билан қопланишига қарши самараси қалайорганик бирикмаларнидан юқори. Шунинг учун маргимушорганик биоцидлар полимер ва тўқимачилик материаллари, қоғоз ва териларни биочидамлилик ва биоцидлик хусусиятлари билан таъминлайди, кемаларнинг ости қопланишидан икки йилдан кўп вақт давомида ҳимоя қиласди. Уларнинг яна бир афзаллиги – нисбатан қиммат эмаслиги ва хомашё билан таъминланганидир.

Бис(феноксарсин-10-ил)оксид (оксофин):



Оқ кристалл модда, Т_{эриш} 181-182°C. Сувда эрувчанлиги 0,01 г/л, спирт, ароматик карбонводородлар ва диметилформамиdda эрувчанлиги чегараланган. Юқори даражада токсик (ЛД₅₀ 54 мг/кг).


ОксоФИН газ ва нефть ўтказгичларни изоляция қилиш учун ишлатиладиган битум-полимер материалларини (5% гача микдорда) ва сув билан таъминлашнинг тескари системалари биоқопланишига қарши ҳимоялашда синалган. Бу бирикма акрил эмульсион ва мойли бўёқлар (0,5-3,0%) ҳамда поливинилацетат дисперсиялари (0,025%) таркибида самарали. Эмульсион бўёқлар сақланиши пайтида улар оксофиннинг 0,1% микдори билан ҳимояланади.

ОксоФИН асосида чет элда “Эстабекс АБФ” (“Винизен БП-5”) препарати ишлаб чиқарилади; у эпоксидланган соя ёғидаги 1% ли оксофин эритмаси бўлиб,


ПВХ дан тайёрланган парда материалларни ҳимоялаш учун маҳсус қўлланилади. Препарат одамлар ва ҳайвонларга кам токсик (ЛД₅₀ каламушлар учун 1750 мг/кг). Терига яллиғлантирувчи таъсир қилмайди, таркибида 3-5% (оптималь миқдор) препарат бўлган парда аллергия қўзғатмайди.

Пластификация қилинган поливинилхлоридни қайта ишлашда оксофиннинг кўрсатилган препаратларини ишлатиш бу мақсадда ишлатиладиган бошқа биоцидлардан, жумладан қалай- ва симборганик бирикмалар, пентахлорфениллаурат ва капитандан афзалликлари кўп. Оксифин ПВХ пластификатининг рангини ўзгартирмайди, термо- ва УБ нурланишга чидамлилигини пасайтирмайди, аммо унинг асосий афзаллиги – тажрибаларда материаллар эскиришидан сўнг ҳам оксофин фаоллигини йўқотмайди. Арzonлиги ва юқори самараси юқорида кўрсатилган афзалликлари билан бирга оксофинни ПВХ материаллари учун энг аъло сифатли фунгицидлар қаторига киритади.

Оксифин 10-хлорфеноксарсан гидролизида ҳосил бўлади:



10-Хлорфеноксарсан (хлофин)




Кулранг тусли кристалл модда, Т_{эриш} 123-124°C. Сувда 20°C да эрувчанлиги 0,005-0,01 г/л, баъзи органик эритувчиларда эрийди. Юқори даражада токсик (ЛД₅₀ 53 мг/кг).

Хлофиннинг биоцидлик спектри оксофиннига яқин, фаоллиги эса, баъзи ҳолларда унидан юқорироқ. Хлофин денгиз кемалари биоқопланишига қарши 3-15% концентрацияда бўёқлар компоненти сифатида, изоляцион битум-полимер мастикалар (1%) ва ПВХ пардаларни (0,01%) микробиологик заарланишидан ва сув билан таъминлашнинг тескари системаларини биоқопланишлардан ҳимоялашда (0,5 мг/л) ишлатилади.

Россияга чет элдан олиб келинадиган Эстабекс АБФ препаратининг ўрнини босиши учун хлофиннинг Татарстанда Қозон кимё-технологик институтида ишлаб чиқарилган “Эпоксар” препаратив шаклининг асосини унинг эпоксидланган соя ёғидаги эритмаси ташкил этади. Эпоксар кам токсик (ЛД₅₀ ҳар хил экспериментал


ҳайвонлар учун 4420-5100 мг/кг). У 2-6% ли фунгицид қўшимча сифатида ПВХ ва бошқа, таркибида хлор бўлган, полимерлар композицияларига киритиш учун мўлжалланган. Айни пайтда Эпоксар ёруғликка ва иссиқликка турғунлик берувчи стабилизатор вазифасини ҳам бажаради. У материални замбуруғларга чидамли қиласди, бу чидамлилик ёруғлик ва иссиқлик таъсирида эскирган материалларда ҳам сақланади.

Хлофин дифенил эфири трихлормаргимуш билан сувсиз алюминий хлорид мавжудлигига узоқ вақт давомида қиздириш ва конденсациялаш жараёнида олинади:



Гетероциклик бирикмалар қаторига кирадиган фунгицидлардан 8-оксихинолин ва унинг мис билан бирикмаси кўпчиликка маълум.

8-оксихинолин (оксин)



Оқ кристалл модда, Т_{эриш} 76°C. Сувда ёмон эрийди, кислота ва ишқор эритмаларида мутаносиб эрувчан тузлар ҳосил қиласи.


8-Оксихинолиннинг ароматик ядросидаги гидроксил гурухи уни кимёвий нуқтаи назардан фенолларга ўхшаш қиласди. У 5 ва 7 ҳолатларда осон галогенлашади ва нитролашади, ациллашади ва булар унинг фунгицидлик хусусиятларини кучайтиради

8-Оксихинолин кам токсик (ЛД₅₀ ҳар хил иссиққонли ҳайвонлар учун 1000-1200 мг/кг). Шу сабабдан у озиқ-овқат саноатида биочидамли эмаллар таркибида (0,025-0,1%) күлланилади.

8-Оксихинолин нефть маҳсулотларидан мотор ёнилғиларига қўшилади ва 0,1% концентрацияда тест-организмлар, жумладан замбуруғлар ўсишини 93% га, бактериялар ўсишини 80% га камайтиради. Айни пайтда унинг материалдаги микдори нормадагидан 5 марта кўп бўлиши ҳам ёнилғининг эксплуатацион хусусиятларига салбий таъсир қилмайди ва узоқ вақт давомида химоялайди.

8-Оксихинолиннинг антимикроб таъсири унинг оғир металлар билан турғун комплекс ҳосил қилиш хусусияти билан изоҳланади. 8-Оксихинолиннинг ўзи микроорганизмларга нисбатан заҳарли бўлмаса ҳам, у металлар ҳужайра мембранасидан ўтиши ва ҳужайрада одатдагидан катта микдорларда тўпланишига олиб келади. Масалан, у замбуруғларнинг мицелийларини фақат Cu^{2+} катионлари мавжудлигига шикастлайди. Шу сабабдан фунгицид сифатида одатда 8-оксихинолиннинг мис билан хелат комплекси кўлланилади.

Мис 8-оксихинолят (купроцин)



Яшилроқ-сарық кристалл модда, сувда (0,8 қисм/млн) ва органик эритувчиларнинг кўпчилигига кам эрийди. Сақлаш пайтида барқарор, 150-160°C ҳароратга қиздирганда ҳам парчаланмайди. ЛД₅₀ 1000 мг/кг.


Купроцин биочидамли ёғоч-тахта ва қоғоз (материаллардаги препарат микдори 1-5%) ишлаб чиқаришда, баъзи резина (1-4%) ва лак-бўёқ қопламаларини (1-10%) ҳимоя қилиш учун ишлатилади. У пластиклар, асосан ПВХ учун қўлланиладиган фунгицид эканлиги маълум. Эрувчан ҳолатга келтирилган купроцин пластификатордаги (2-этилгексилфталат, октилсебацинат, трикрезилфосат ва б.) дисперсия шаклида ПВХ-композициясига 2-10% концентрациясида киритилади. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, мис 8-оксихинолят ПВХ нинг термо- ва ёруғликка чидамлилигини пасайтиради ва унга сарық-яшил тус беради. Бу бирикма билан ҳимояланган ПВХ-пластикатлар сим ва кабелларнинг қопламаларини ва тўқимачилик матоларининг дубликатларини тайёрлашда ишлатилади. АҚШ да у ҳарбий асбоб-анжомлар ишлаб чиқаришда пластиклар таркибига киритилади.

Купроциннинг нисбатан кам токсиклиги уни озиқ-овқат саноатида тара, бинолар ва ускуналарни заарсизлантиришда ишлатишга имкон яратади. Препарат озиқ-овқат маҳсулотларини ўраш учун қўлланиладиган материалларда ишлатиладиган казеин елимларига қўшилади.

Мис 8-оксихинолят 8-оксихинолин ва мис тузларининг сувли эритмаларини аралаштириш орқали олинади.


Иккита гетероатомли гетероцикллик бирикмалардан ўрни алмаштирилган бензоксазолинонлар ва тиазоллар диққатга сазовордир. Бензоксазолинон ва унинг ҳосилаларидан баъзилари бойланган шаклда ўсимликларда учрайди ва уларнинг замбуруғ касалликларига мавжуд бўлган табиий чидамлилигини таъминлайди.

Бензоксазолинон *o*-аминофенолни мочевина билан қиздириш йўли билан олинади:



Бензоксазолиноннинг хлорҳосилаларининг фунгицидлик таъсири унинг ўзиникидан ҳам ёрқинроқ ифодаланган.

4,5,6 Трихлорбензоксазолинон (трилан)




Оқ кристалл, ҳидсиз модда, Т_{эриш} 240°С. Сувда деярли эримайди, ацетон, диметилформамид ва баъзи бошқа органик эритувчиларда эрийди. Техник модда очсариқ ёки пушти рангли бўлиши мумкин. Трилан 180°С гача юқори ҳарорат, намлик ва нурланишга чидамли. Аммо ёруғлик таъсирида вақт ўтиши билан препарат сарғаяди ва биоцидлик фаоллигини қисман йўқотади, шу сабабдан унинг имкони чегараланганди. ЛД₅₀ сичқонлар учун 1315 мг/кг.

Триланнинг ҳар хил нометалл материалларни микробиологик заарланишдан ҳимоя қилиши кенг синовларда исботланган. У биочидамли қоғоз (3%) ва картон (1,5%) ишлаб чиқаришда ва ҳужжатларни биошикастланишдан ҳимоялашда, ип газлама ва зигир толасидан тайёрланган маҳсулот (1-1,5%), табиий терилар (0,5-1,0%), резина, парда материаллар ва техник мақсадлар учун тайёрланган сунъий териларни ҳимоя қилишда ишлатилиши мумкин. Охирги ҳолларда трилан 0,5-2,0% микдорда пластификатор билан бирга ПВХ композициясига киритилади.


Трилан истиқболли техник фунгициддир. Унинг камчиликлари – полимер материалнинг сиртига миграция кучлироқлиги ва ёруғликка чидамлилиги етарли эмаслигидир.

Трилан бензоксазолинонни бевосита хлорлаш орқали олинади:



Тиазолнинг хосилалари орасида биоцид сифатида энг муҳими 2-меркаптобензотиазол (*каптакс*) дир:

,



Оч-сариқ, ўзига хос ҳидли кукун, Т_{эриш} 180°С. Кўп органик эритувчиларда эрийди, иссиқ сувда эриши чегараланганди. Ишкор эритмаларида хам эрийди ва мутаносиб тузларни хосил қиласди. Тоxиклиги кам.

Каптакс диен типли табиий ва сунъий каучуклар асосли хом резиналар аралашмаларининг вулканизациясини тезлаштирувчи бирикма сифатида кенг қўлланилади. 0,5-2,0% концентрацияда у резинанинг замбуруғларга чидамлилигини оширмайди, аммо табиий тери ва тўқимачилик маҳсулотларини қониқарли ҳимоя қиласди.

Каптакснинг натрийли тузлари билан диметилдитиокарбамин кислотасининг сувли эритмалари (“Ванцид 51” препарати) сувли мойловчи-совутувчи суюқликларга фунгицид-бактерицид сифатида қўшилади. Биоцид мойловчи-совутувчи суюқликларнинг концентратига (1-3%) ёки ишчи эритмасига (0,05-0,1%) киритилади.

БАКТЕРИЦИДЛАР

Юқорида тавсифланган бирикмалар одатда комплекс микробиологик (замбуруғларга ва бактерияларга қарши) таъсирга эга ва фақат баъзи сабабларга (физик-кимёвий хусусиятлари, қўллаш технологиялари, фунгицидлик хусусиятлари яққол ифодалангани ва б.) кўра асосан фунгицид сифатида ишлатилади.

Бу бўлимда материал ва буюмларни бактериялар қўзғатадиган заарланишлардан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган микробиоцидларнинг хусусиятлари келтирилади.

Анорганик бирикмалар орасида техник бактерицидлар кам. Маълум бўлган бир нечтасидан натрий метасиликат ва хлорни кўрсатиш мумкин.

Натрий метасиликат $\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O}$ – оқ кукун, $T_{\text{триш}} = 40-48^{\circ}\text{C}$, сувда эрувчанлиги 37% гача. Сувли эритмаларда гидролизланади ва NaOH билан SiO_2 ҳосил қиласди. Натрий метасиликатнинг 1,0-3,0% ли эримасининг pH кўрсаткичи 12 га тенг. ЛД₅₀ каламушлар учун 3000 мг/кг дан юқориоро.

Бу бирикма метал тузилмаларни биокоррозиядан ҳимояловчи коррозиянинг бактерицид-ингибиторидир. У анча кўп ювиш ва дезинфекциялаш композицияларининг таркибига 20% дан 30% гача миқдорда киритилади. Бактерицидлик таъсирини барча ҳолатларда метасиликат гидролизида ҳосил бўладиган натрий гидроксид таъминлайди.

Натрий метасиликат лойтупроқ ишлаб чиқаришда ён маҳсулот сифатида ҳосил бўлади.


Хлор Cl_2 – яшилроқ-сариқ тусли газ, $T_{\text{кайнаш}} = 34^{\circ}\text{C}$, зичлиги 3,21 г/л (20°C , 760 мм симоб устуни). Айни шу шароитда 1 ҳажм сувда 2,3 ҳажм хлор эрийди. Хлорнинг сувли эритмасида (хлорли сувда) хлордан ташқари хлорроқ кислота ва хлорид кислота ҳосил бўлади: $\text{Cl}_2 + \text{H}_2\text{O} = \text{HOCl} + \text{HCl}$. ПДК 1 мг/м³.

Фаол, яъни газсимон хлор ва элементар хлорнинг бирикмалари кўп вақтдан бўён қоғоз пульпасини стериллашда қўлланилади.

Хлорлаш айланма сув таъминлаш системаларини биоқопланишдан ҳимоялаш учун самарали ва қулай усуслидир. Бу усуслнинг бошқа варианти – денгиз сувини электролиз ёрдамида хлорлаш бўлиб, у денгиз иншоотлари ҳайвон ва сув ўтлари билан биоқопланишидан ишончли ҳимоя қиласди.

Фенол типидаги бирикмалар орасида фунгицидлик хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган техник бактерицид сифатида гексахлорофен кенг тарқалган; у ҳар хил материалларни замбуруғларга чидамлилик билан таъминлайдиган препарат сифатида муваффакият билан қўлланилиши мумкин.


2,2-Диокси-3,3,5,5,6-гексахлордифенилметан (гексахлорофен)



Оқ кристалл модда, $T_{\text{кайнаш}} = 164\text{-}165^{\circ}\text{C}$. Сувда амалда эримайды, органик эритувчиларда эрувчанлиги ўртача. $\text{LD}_{50} = 320 \text{ мг/кг}$.

Косметик воситаларга қўшиш ва металл қайта ишлаш саноатида мойловчи-совутувчи суюқликларни (0,01-0,02%) бактериал заарланишлардан ҳимоялаш учун ишлатилади. Медицина ва бошқа жамоат ташкилотларида ўз-ўзини стерилловчи материалларга (0,25-5,0%) қўшиш учун қўлланилади.

Гексахлорофен 2,4,5-трихлорфенолни формальдегид билан кислота иштироқида конденсациялаш орқали олинади:



Техник бактерицидларнинг муҳим гурухи тўртламчи аммоний бирикмалари. Улардан алкилтриметиламмоний хлорид, алкилбензилдиметиламмоний хлорид, алкилбензилпиридиний хлорид ва баъзи бошқалари кенг қўлланилади.

Алкилтриметиламмоний хлорид (АТМ-хлорид) $[(\text{C}_{12}\text{H}_{25}\text{-C}_{20}\text{H}_{41})\text{N}(\text{CH}_3)_3]^+\text{Cl}^-$.

Одатда АТМ-хлорид алкил радикалида 12 тадан 20 тагача карбон атомлари бўлган бирикмалар аралашмасидан ташкил топади, аммо баъзилари алоҳида препаратлардир, масалан, АҚШ да ишлаб чиқариладиган “Баркват СТ-29” цетилтриметиламмоний хлориддир. АТМ-хлорид сувда ўртача даражада, органик эритувчиларда яхши эрийди. Токсиклиги ўртача даражада ($\text{LD}_{50} = 870\text{-}900 \text{ мг/кг}$).

АТМ-хлорид кўп дезинфекцияловчи композициялар, жумладан, ниртан, дезан ва бошқаларнинг биоцид асоси сифатида қўлланилади. Ниртан препарати (АТМ-хлорид, Na_3PO_4 , Na_2CO_3 ва $\text{Na}_4\text{P}_2\text{O}_7$ нинг аралашмаси) соғликни сақлаш обьектлари ва қишлоқ хўжалик моллари комплексларини дезинфекция қилувчи бирикма сифатида синалган. Ундан ташқари ниртан нефть қазиб олишда ишлатиладиган металл ускуналарни микробиологик коррозиядан ҳимоялашда синалган – 25 мг/л концентрацияда сульфатикловчи бактериялар ўсишини бутунлай тўхтатган ҳамда коррозия тезлигини 25% га камайтирган.

Катионат-10 препарати шаклидаги АТМ-хлорид кадим рус девор рассомчилик асарларини реставрация қилишда бўёқ қопламларига антисептик ишлов бериш ва балиқ елими ҳамда бўр грунтини ҳимоялашда қўлланилган; ишлатилган концентрацияда (2% гача) рассомчилик асарларининг компонентларига таъсир қilmagan.

АТМ-хлориднинг бошқа тўртламчи аммоний бирикмалари билан аралашмалари нефть дистиллят ёнилғиларини микроорганизмлар билан

зарарланишдан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган. Ёнилғида бактерициднинг самарали концентрацияси 0,05-0,1%.

Алкилбензилдиметиламмоний хлорид (АБДМ-хлорид)




Олдинги препарат каби, АБДМ-хлорид ҳам гомологик бирикмалар аралашмасидир. Сувда ва поляр органик эритувчиларда яхши эрийди. Токсиклиги кам (ЛД₅₀ қаламушлар учун 3630 мг/кг).

АБДМ-хлорид ва унинг ионоген бўлмаган сирт фаол моддалар билан композициялари тўқимачилик маҳсулотлари, металл ва ёғоч қисмларни дезинфекциялашда ишлатилади ҳамда ёнилғиларга биоцид сифатида қўшилади. Ёнилғиларни ҳимоялашда АБДМ-хлорид АТМ-хлориддан самаралироқ эканлиги аниқланган.

АБДМ-хлориднинг Катамин АБ маркали препарати рассомчиликда ва музейларда реставрация ишларида ҳамда санъат асарларида ўсадиган микроорганизмлардан ҳимоялашда қўллаш учун тавсия қилинган. Ундан ташқари, препарат темирбетон иншоотларга биоқопланмаслик хусусиятлари бериш учун қўлланилади. Масалан, цемент таркиби АБДМ-хлориднинг 57%-ли эритмаси 0,2% микдорда қўшилганда бетон устида 2 йил давомида биоқопламалар ривожланмайди.

Тўртламчи аммоний бирикмалари озиқ-овқат корхоналари, савдо-сотиқ ва медицина ташкилотларида ҳар хил буюмлар ва устки сатҳларни заарсизлантириш учун кўп қўлланилади. Нефть қазиб олиш корхоналарида улар ўзларини сульфаттиковчи бактерияларга қарши самарали кураш воситалари сифатида кўрсатган (18-жадвал).

Тўртламчи аммоний бирикмаларини олишнинг умумий методи – учламчи аминлар юқори ҳароратда галогенкарбонводородлар билан реакцияга киришидир:



Бунинг учун реакцияга кириш қобилияти камроқ, аммо арzonрок ва танқис бўлмаган хлорҳосилалари ишлатилади.

18-жадвал

Нефть қазиб олиш корхоналарида сульфаттиковчи бактериялар билин курашиш учун бактерицид сифатида тавсия қилинган тўртламчи аммоний бирикмалари асосидаги препаратлар

(Ильичев ва бошқ., 1987)

Бакте- рицид	Таркиби*	T _{музлаш} , °C	Эри- тувчи	Токсиклиги, ЛД ₅₀ мг/кг	Реагент конcenтра- цияси, г/л	1 ишловга сафи, т	Химоя қилиш самараси, %
Бактирам С-85	1	-1	Сув, спиртлар, карбонво- дородлар	0,22	2	0,5-0,7	10-84
ДОН-52	2	-10		1000	0,05	0,05	95
АБДМ- АТМ	3	Кукун		-	0,05	0,05	98
Ниртан	4	Кукун	Сув, спиртлар	4000	-	-	-

* 1 – диалкилметилбензиламмоний хлорид;

2 – алкилтриметиламмоний хлорид асосидаги композиция;


- 3 – алкилбензилдиметил- ва алкилтриметиламмоний хлоридлари аралашмаси;
 4 - алкилтриметиламмоний хлорид асосидаги композиция.

Бактерицидлик хусусияти мавжуд бўлган карбонил бирикмалар ва уларнинг ҳосилаларининг энг ёрқин намояндаси формальдегиддир.

Формальдегид CH_2O – рангсиз, ўзига хос ҳидли, кўз ёши оқизувчи газ. Сувда эрувчанлиги 40 фоизча, спирт ва бир қатор органик эритувчиларда ҳам эрийди. Токсиклиги ўртacha даражада (LD_{50} 385-424 мг/кг).

Унинг 2% ли сувли эритмаси омборхоналар бинолари, тара ва бошқа материалларни дезинфекция қилиш учун ишлатилади. Нефть қазиб олиш саноатида формальдегид сульфаттикловчи бактериялар билан заарланишга қарши қудуклар ёнига босим остида киритиладиган сувга бир марталаб ёки доимий равищда, 0,5-5,0 г/л миқдорда қўшилади. Бир марта ишлов бериш учун 1 тоннадан 600 тоннагача препарат сарфланади, ҳимоя самараси 70-95%. Микробиологик заарланишга қарши формальдегиддининг “Укринол-1” маркали ва бошқа 0,1% ли препаратлари мойловчи-совутувчи суюқликларга қўшилади.


Карбонил бирикмалар ҳосилалари бўлган ва кенг ишлатиладиган бактерицид препаратларнинг яна бири – *фурацилин* (5-нитрофуранкарбальдегиддининг семикарабазиди):



Медицинада антисептик сифатида кенг ишлатиладиган бу бирикма мойловчи-совутувчи суюқликларни ҳимоялаш учун ҳам тавсия қилинган. Бу мақсадда фурацилин формальдегидга нисбатан анча фаолроқdir. Юқорида кўрсатилган Укринол-1 эмульсиясига 0,01% фурацилин кўшилса, мойловчи-совутувчи суюқликлар 30 кун ишлатилиши давомида биочидамлилигини сақлайди. Этилендиаминтетрасирка кислотаси (ЭДТА) тузларининг кўшимчалари иштирокида фурацилиннинг антимикроб фаоллиги жуда кучяди. Жумладан, фурацилин билан ЭДТА натрий тузи аралашмаси 0,01% концентрацияда 80 кун давомида ҳимоя қиласи.

Фурацилинни мойловчи-совутувчи суюқликларни ҳимоялаш воситаси сифатида ишлатиш пайтида эмульсия билан қўл териси орасида узоқ вақт давомида контакт бўлса препарат аллергия кўзгатиш хусусиятига эга эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Бу гурухга мансуб яна бир бирикма – *β-(5-нитрофур-2-ил) акролеин*:




Бу модда поливинил-спирт толаси ва ундан “Летилан” маркали махсус, микробиологик заарланишга юқори чидамли ва контакт бактерицид таъсирга эга бўлган тола олиш учун ишлатилади. Таркибига 30% дан кам бўлмаган миқдорда летилан қўшилган бошқа тўқимачилик композициялари ҳам бактерицидлик хусусиятига эга бўлади. Летиланнинг қўлланиш соҳалари кўп. У тўқилган, тўқилмаган ва бошқа тўқимачилик материалларини биочидамли қилиш учун; оптик

жихозлар, музей экспонатлари ва буюмлари ҳамда китобларни биозаарланишдан ҳимоя қилиш учун; озиқ-овқат ва медицина буюмлари ҳамда ётоқхона чойшаб-жилдлари, ички ва устки кийимларни ўраш учун ишлатиладиган материалларги (тарага) антисептиклик хусусияти бериш учун; газ ва суюқликларни тозалашда лозим бўладиган антимикроб фильтрларни ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

Гетероциклик бактерицидлардан “Вазин” препарати диққатга сазовор.

Вазин. Таъсир қилувчи моддаси 1,3,5-три(2-гидроксиэтил) пергидро-1,3,5-триазин:




Сарик тусли, ўзига хос кучсиз ҳидли суюқлик. Сувда яхши, органик эритувчиларда ёмон эрийди. Сувли эритмалари ишқор реакцияли (0,15%-ли эритманинг pH кўрсаткичи 10,2-10,5). Токсиклиги кам, яллифлантирувчи ва сенсибилизацияловчи таъсирлари йўқ.

МДҲ мамлакатларида вазин металлургия саноатида мойловчи-совутувчи суюқликларга биоцид қўшимчаси сифатида қўлланилади. Тавсия қилинган 0,1-0,15% концентрацияси ишлатилганда вазин 40 кунча ҳимоялаш қобилиятига эга.

Чет элларда қўлланиладиган “Ванцид ТН” препаратининг кимёвий тузилиши вазинникага яқин.


Ванцид ТН. Таъсир қилувчи моддаси 1,3,5-триэтилпергидро-1,3,5-триазин (этиламин ва формальдегидни конденсациялаб олинган ҳосила):



Сарғиш суюқлик, $T_{\text{кайнаш}} = 205-210^{\circ}\text{C}$. Сувда, этанолда, ацетонда ва қисман карбонводородларда эрийди. Сувли эритмаларда фақат ишқор реакциясида ($\text{pH} > 7,5$) турғун, pH нинг 6,3 дан паст кўрсаткичларида 1,3,5-триэтилпергидро-1,3,5-триазин этиламин ва формальдегидга парчаланади.

Вазин каби ванцид ТН ҳам мойловчи-совутувчи суюқликларга биоцид сифатида қўшилади; оптимал концентрацияси 0,04-0,15%.

Алкилдитиокарбамин кислоталари ёки уларнинг тузларини формальдегид ва бирламчи аминлар билан конденсациялаш усули билан олинадиган тетрагидротиадиазиннинг ҳосилалари юқори бактерицидликка эга. Бу бирикмалар қаторининг намояндаси *3,5-диметилтетрагидро-1,3,5-тиадиазин-2-тион* бирикмасидир:



Үртача даражада токсик (ЛД₅₀ каламушлар учун 608 мг/кг). АҚШ да қоғоз пульпаси ва қоғозга антисептиклик хусусияти бериш учун қўлланилади. Ундан ташқари мойловчи-совутувчи суюқликларни микробиологик заарланишдан ҳимоя қилиш учун яхши восита – 0,1% концентрацияда уларни 100 кундан кўпроқ вақт давомида ҳимоя қиласи. МДҲ мамлакатларида “Тиазон” препарати таркибида тупроқни стериллаш учун қўлланилади.

МОЛЛЮСКОЦИДЛАР ВА БИОҚОПЛАМА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИЛАРГА ҚАРШИ БОШҚА ВОСИТАЛАР

Бу воситаларнинг биозаарланишдан ҳимоя қилишдаги асосий фаолияти – кемалар корпуслари, гидротехник иншоотлар ва сув муҳитида эксплуатация қилинадиган бошқа ускуна ва жиҳозларнинг остиқ қисмлари сувда яшовчи организмлар – моллюсклар, қисқичбақасимонлар, сув ўтлари ва ҳоказолар билан биоқопланишдан ҳимоя қилишдир. Бу мақсадда ишлатиладиган биоцидларнинг (сув ўтларига қарши қўлланилайдиган альгицидлар билан бирга) умумий номи биоқопланишга қарши воситалар деб аталади.

Бу гурӯхга мансуб бўлган биоцидларни ишлатишнинг энг кўп тарқалган усули уларни лак-бўёқ материалларига қўшиш ва уларни биоқопланишга чидамли қилишдир; камроқ тарқалган усувлар – биоцидларни тайёр буюмларга (балиқчилар тўрлари, ёғоч оёқлар ва х.) шимдириш ёки уларни материалларга (сувости иншоотларининг бетон қисмлари ва б.) киритишдир.

Биоқопланишларга қарши ишлатиладиган биоцидларнинг компонентлари қаторига мис, қўргошин, маргимуш ва қалайнинг бирикмалари киради.

Мис бирикмалари. Миснинг кўп бирикмалари биоқопланишларга қарши лак-бўёқ материаллари таркибида ишлатиш учун талаб қилинган биоцидлик хусусиятлари комплекси ва етарли даражада биологик фаолликка эга. Амалда эса факат мис оксиди (I) ишлатилади. Бошқа бирикмалардан биттаси ҳам биоқопланишларга қарши воситаларга қўйилган талабларга, жумладан, ё сувда эрувчанлиги, ёки лак-бўёқ компонентлари билан бир-бирига тўғри келиши, ёхуд кимёвий инертлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича жавоб бермайди.

Мис оксид (I) CuO₂. Кристалл модда, препарат тозалиги ва дисперслиги билан боғлиқ ҳолда туси сарикдан тўқ-қизилгача, зичлиги 5,8-6,0 г/см³. Денгиз сувидаги pH 8,1 да эрувчанлиги 5,4 мг/л, аммиакнинг сувли эритмасида ва минерал кислоталарда яхши эрийди. Органик эритувчиларда деярли эримайди. Техник модда таркибида 94-96% мис оксид (I) мавжуд. Бу биоқопланишларга қарши лак-бўёқлар таркибига киритиладиган биоцидлар ичидаги энг кам захарли бирикмадир (ЛД₅₀ каламушлар учун 470 мг/кг, қуёнлар учун 500 мг/кг). ПДК_{р.з.} 0,1 мг/м³, ПДК_{сув} 0,1 мг/л.

Мис оксид кемаларнинг остиқи – сувдаги қисмлари биоқопланишига қарши бўёқлар таркибида қўлланилади. Винил асосли бўёқларнинг таркибига 30-50% мис оксид қўшилади.

Мис оксид икки валентли мис тузларини анорганик тикловчилар томонидан сирт фаол моддалар иштироқида тиклаш ёрдамида олинади.

Қўргошиннинг органик бирикмалари мис, маргимуш ва қалайнинг бирикмаларига нисбатан кам ишлатилади. Кўпинча ди- ва триалкил (арил) қўргошиннинг галогенидлар ва ацетатлари моллюскоцид сифатида қўлланилади. Бу бирикмалар одатда органик эритувчиларда эрувчан ва сувда жуда кам эрийдиган

кристалл моддалардир. Иссиқконли ҳайвонларга ўта заҳарлилиги учун уларнинг чекланган миқдорлари ишлатилади.

Маргимушнинг органик бирикмалари. Юқоридаги бўлимларда таъкидланганидай баъзи гетероциклик маргимушорганик бирикмалар кўп тирик организмларга нисбатан биоцидлик хусусиятига эга. Масалан, 10-хлорфеноксарсин ва бис (феноксарсин-10-ил) оксид полимер материалларда антисептик сифатида қўлланилади. Айни бирикмалар жуда кучли альгицид ва моллюскоцид таъсирга эга. Шу сабабдан улар денгиз кемалари биоқопланишига қарши бўёқлар таркибига, куруқ қопламанинг 3-15% миқдорида, киритилиши истиқболли ҳисобланади. Шунга яқин биоцидлик хусусиятлар 10-хлор-5,10-дигидрофенарсазин ва бис(5,10-дигидрофенарсазин-10-ил) оксидга ҳам мансуб.

Қалайорганик бирикмалар биоқопловчиларга қарши истиқболли, кенг биоцидлик таъсир спектрига эга, паст концентрацияларда самарали ва ишлатишда нисбатан хавфсиз. Улар қаторига гексабутилдистанноксан (ёки бистрибутилқалайоксид, ТБТО), трифенилгидроксистаннан, трибутил- ва трифенилфторстаннан ҳамда трибутил- ва трифенилқалайнинг хосилалари киради. Дастраси икки бирикма ҳақида маълумот қалайорганик фунгицидлар хусусиятларини изоҳлаганда келтирилган.

Таркибида қалайнинг тубан молекулали бирикмалари бўлган лак-бўёқлар одатда икки йил давомида ҳимоя қилувчи таъсирини сақлайди. Қалайорганик бирикмаларнинг полимер шаклларини – политриалкилстанилакрилатлар ва метакрилатларни ва уларнинг макромолекулаларининг асосий занжирида токсофор триалкилстанил ён гурухлари мавжуд бўлган бошқа органик мономерлар билан сополимерларини қўллаш воситасида бу муддатни узайтиришга эришилди.

Қалайорганик полимер бирикмаларнинг биоқопланишига қарши таъсир механизмини тадқиқ қилганда аниқланишича, денгиз суви билан гидролизланиш натижасида қалайорганик ён – триалкилгидроксистаннан гурухлари узиб олинади ва айни пайтда бирикма устида қолган полимер матрица эрийди, натижада қалайорганик полимернинг янги молекуляр қатлами очилади. Шундай қилиб, биоцид бир текис ажralиб чиқаверади ва чегара қатламда унинг бир хил концентрацияси сақланади. Бўёқ полимер пардасининг эриш тезлиги кўп факторларга боғлиқ ва 12-15 узел кема тезлигига ойига 7-9 мкм га teng. Агар қопланишга қарши парданинг қалинлиги 300 мкм бўлса, ҳисоб-китобга кўра унинг хизмат қилиш муддати 3 йилча (33-41 ой) бўлади.

Кемаларнинг сув ости қисмлари биоқопланишига қарши трибутилстанилакрилат ва метакрилат кополимери асосида ўз-ўзини силлиқловчи „SPC“ (self polishing copolymers) маркали бўёқлар ишлатилади. Бундай бўёқларни қўллаш кемалар остини қопланишдан 3 йилгача ҳимоя қилиш ва қопланишга қарши ишлатиладиган оддий бўёқларга нисбатан ёнилғи сарфини 10 фоизга камайтиришга имкон беради.

ИНСЕКТИЦИДЛАР

Инсектицидлар – техник хомашё ва маҳсулотларга шикаст етказадиган ҳашаротларни йўқотиш учун ишлаб чиқариладиган кимёвий бирикмалардир.

Ҳашаротлар организмига кириш характеристига кўра инсектицидлар қуйидаги кенжга гурухларга бўлинади: 1) ҳашаротларнинг бирор қисми билан контакт бўлганида уларни ўлдирувчи контакт бирикмалар; 2) ҳашаротларнинг озиқланиш

органлари орқали кириб, ичак орқали таъсир қилувчи бирикмалар; 3) ҳашаротларнинг нафас олиш органлари орқали кирувчи фумигантлар.


Баъзи инсектицидлар ҳашарот организмига бир вақтнинг ўзида бир неча йўл орқали кириши мумкин.

Инсектицидлик фаоллигига эга бўлган бирикмалар кимёвий бирикмаларнинг барча синфларида, жумладан, анорганик бирикмалар, карбонводородлар, спиртлар, элементорганик ва бошқа бирикмалар орасида мавжуд. Уларнинг аксарияти амалиётда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига, кенг ишлатилади.

Инсектицидларнинг биозарарланишдан ҳимоя қилишдаги роли қишлоқ хўжалигига ишлатилишидан анча кам. Инсектицидлар бу соҳада асосан ёғоч ва тахта материаллари, тери ва чарм ҳомашёлари ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар, жун тўқимачилик маҳсулотлари, архив ҳужжатлари ва музей экспонатларини термитлар, ёғоч куртлари, терихўр қўнғизлар ва куялардан ҳимоялаш учун ишлатилади. Бу мақсадда асосан оддий ёки галогенўриналмашган карбонводородлар ва фосфорганик бирикмалар орасида ишлаб чиқарилган қириб битирувчи ёки репеллент (кўрқитувчи-қочиравчи) таъсирили препаратлар кўлланилади.

Кенг оммага маълум инсектицид препаратлардан бири нафталиндир. У оқ кристалл модда, Т_{эриш} 79-80°C. Сувда эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди. Нафталин чегараланган кўламда куя капалакларига қўрқитувчи-қочиравчи таъсирга эга ва куяга қарши восита сифатида кўлланилади, аммо у бошқа, самараси юқорироқ препаратлар томонидан сиқиб чиқарилмоқда.

Инсектицид фаоллиги юқорироқ бирикмалардан бири *n*-дихлорбензолдир:



Оқ кристалл модда, Т_{эриш} 53°C. Сувда эримайди, органик эритувчиларнинг аксариятида яхши эрийди. Захарли, инсектицид билан ишлов ўтказиладиган иш бинолари ва хоналарининг ҳавосида ПДК кўрсаткичи 20 мг/м³.

n-Дихлорбензол тери ҳомашёси, китоб ва музей буюмларини микроорганизмлар ва ҳашаротлардан ҳимояловчи учувчан фунгицид ва инсектицид сифатида кўлланилади. У “Антимоль” инсектициди таркибига киради.

Саноатда *n*-дихлорбензол бензолни хлорлаб олинган реакцион аралашмадан хлорбензолни ҳайдагандан сўнг қоладиган ортоизомер ва куб қолдиги аралашмаси сифатида ишлаб чиқарилади.

Инсектицидлар қаторига “Фунгицидлар” бўлимида изоҳланган *креозотни* ҳам киритиш мумкин. Креозот денгиз ёғоч қуртлари, термитлар ва бошқа ёғочни парчаловчи ҳашаротларга қарши самара беради.

Фосфорорганик бирикмалар орасида тайёрланган инсектицид препаратлар анча кенг тарқалган (19-жадвал). Бу гурухга мансуб препаратлар дунёда йилига 100 000 тоннадан кўп микдорда ишлаб чиқарилади. Фосфорорганик инсектицидларнинг ижобий хусусиятларидан (хлорорганик инсектицидлардан фарқли ўлароқ) уларнинг паст хроник заҳарлилиги ва иссиқконли ҳайвонлар организмларида тўпланмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

19-жадвал

**Биоцидлар сифатида тавсия қилинган
фосфорорганик бирикмалар (Ильичев ва бошқ., 1987)**

Кимёвий ва савдодаги номлари	Формуласи	Тәріш, °С, ёки Тқайнаш, °С/ММ	Сувда эрүвчанлығи, мг/л	Токсиктігі , ЛД ₅₀ мг/кг
0,0-Диэтилтиофосфорил-0-(α -цианобензальдоксим) (фоксим)	$(C_2H_5O)_2PON = C - C_6H_5$ 	102/0,01	7	1750
Транс-0,0-диметил-0-[2-хлор-1-(2,4,5-трихлорфенил)винил]-фосфат (гардона)	$(CH_3O_2)_2POC = CH - C_6H_3(Cl)_3$ 	97-98	11	1900-5000
0,0-Диметил-0-(4-иод-2,5-дихлорфенил)тиофосфат (иодфенфос)	$(CH_3O_2)_2PO - C_6H_3(Cl)_2I$ 	75	2	2100

Фосфорорганик бирикмалар айниқса қишлоқ хұжалигидан заарлы ҳашаротларга қарши ва ветеринарияда ҳайвонларнинг эктопаразитларига қарши кураш воситалари сифатида көнт қўлланилади. Техникада бу гурӯҳ бирикмалари асосан жун, кийгиз, мўйна, тери ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кератофаг ҳашаротлардан ҳимоялаш учун ишлатилади.

Бу препаратларнинг афзалликлари – тез инсектицидлик таъсири, ишлов берилган юзаларда узоқ вақт давомида қолдиқ таъсири мавжудлиги ва иссиққонли ҳайвонлар ва одамлар учун кам заҳарлилигидир.

Фоксим, гардона ва иодфенфос одатда органик эритувчилардаги 0,1-1,0% ли эритмалар сифатида, 60-100 мл эритмани 1 м² юзага сарфлаб ишлатилади. Фоксим асосида (этил спиртидаги 0,1% ли эритма шаклида) тайёрланган “Аэроантимоль” инсектицид препарати савдога чиқарилган.

Юқорида кўрсатилган препаратлар оптималь концентрацияларда куялар ва терихўрларнинг ҳаракатчан босқичларига (личинкалари, қуртлари ва вояга етгандарига) қарши юқори самарага эга, аммо овицидлик хусусиятлари йўқ. Шу билан бирга, бу препаратларнинг ҳар бирининг инсектицидлик қолдиқ таъсири муддати (8 ойдан узоқ) ҳашаротларнинг эмбрионал ривожланиш вақтидан кўп ва, натижада, барча тухумдан чиққан личинка ва қуртлар ҳалок бўлади.

Мўйна ва тери хомашёларига юқорида кўрсатилган препаратлар билан ишлов бериш уларнинг товарлик хусусиятлари ёмонлашишига олиб келмайди ва уларни қайта ишлаш жараёнларини қийинлаштирумайди. Материалларга заарли ён таъсиrlари йўқлиги туфайли фоксим, гардона ва иодфенфос уларни музей буюмларига ишлов беришда қўллашга имкон беради. Бу препаратлар омборхоналар

ва уларда сақланыпташкан молларни ёппасига дезинсекция қилиш учун ҳам ишлатилади.

Хозирги пайтларда ветеринарияда қишлоқ хүжалик моллари, қушлар ва уй хайвонларининг эктопаразитларига қарши кураш воситалари сифатида бошқа препаратлар ҳам кенг қўлланилади, жумладан Ўзбекистонда рўйхатга киритилган синтетик пиретроидлар эсфенвалерат (суминак 5% Фло, Сумитомо Кэмикал фирмаси, Япония), циперметрин (Сиперон 5% Пур-ОН, Хекташ Тижарет Т.А.Ш., Туркия), ивермектин (Хектамек 0,5% Пур-ОН, Хекташ Тижарет Т.А.Ш., Туркия), фосфорорганик инсектицид Диазинон (Неоцидол 60% к.э., Загро Сингапур Пте Лтд., Сингапур) ва бошқалар.

АВИЦИДЛАР

Қушлардан кимёвий ҳимоя қилинганда ишлатиладиган бирикмалар икки гурухга: катта зарар келтирувчи қушларни қириб ташлаш учун қўлланиладиган (авицидлар) ва қушларни муайян обьектлар ёки территориялардан қўрқитиб-қочириш воситаларига (авиарепеллентлар) бўлинади.

Старлицид DRS-1339 (3-хлор-п-толуидиннинг гидрохlorиди) қушларга нисбатан танлаб таъсири қилувчи заҳарлиликка эга бўлган ва сутэмизувчиларга нисбатан кам заҳарли препаратdir. У чуғурчуқлар, қизилқанотли трупиаллар ва булбулларга нисбатан самаралиdir.

Бу кенжага гурухга мансуб авицидлардан энг юқори самарага эга бўлганлари авитрол-100 (N-окси-4-нитропиридин) ва авитрол-200 (4-аминопиридин) препаратларидir. Уларнинг иккови ҳам қушларга (чумчуқлар, чуғурчуқлар, каптарлар, қораялоқлар, қарғасимонлар, балиқчи куш (чайка) лар ва б.) нисбатан заҳарли, бошқа хайвонлар ва одамлар учун камроқ заҳарлиdir. Препаратларнинг таъсири 15 дақиқадан сўнг бошланади ва 20-30 дақиқа давом этади. Заҳарланган қушлар ваҳима остида чинқиради ва талvasага тушиб, ҳалок бўлади. Бундай ҳодиса улардан бири билан бўлганини кўрган гала ҳосил қилувчи қушларнинг барчаси ваҳимага тушади ва учиб кетади; улар бу далага қайтиб келмайди (репеллент таъсири). Бу икки препарат қушларни боғлар, далалар ва аэрородромлардан йўқотиш ёки қўрқитиб қочириш учун АҚШ да кенг қўлланилади. Куруқ об-ҳаво шароитида репеллентлик таъсири бир неча ҳафта давомида сақланади.

Авитрол-100 ва авитрол-200 препаратларининг таъсири факат ишлов берилган майдонларгагина эмас, балки қўшни территорияларга ҳам тарқалади. Каптарлар ва беданалар билан ўтказилган синовлар кўрсатишича, авитрол-200 қушлар организмларида тўпланмайди. Авитрол-200 препаратини 0,34 г/га меърида ишлатиш атроф-мухит учун хавф туғдирмайди.

Тетраметилленпентадисульфонилтетрамин препаратининг таъсири авитролнига ўхшаш. Препарат ахлатхоналардан гўнгқаргалар ва балиқчи қушларни қўрқитиб қочириш синовларидан муваффақият билан ўтган. Препарат организмга киргандан сўнг 5-10 дақиқа ичидаги қушлар чинқиран, талvasага тушган ва бутун гала ахлатхонадан учиб кетган.

Лепорекс (бензолизотиуроний хлорид) препарати самарали репеллент ҳисобланади. Унинг ҳиди ўткир ва таъми аччик. Препаратнинг 1% ва 2% ли эритмаларини қўшиб сулидан тайёрланган алдамчи ем қушларни (гўнгқаргалар, зоғчалар, қарғалар ва зағизғонларни) ем солинган идишлардан ҳидининг ўзи биланоқ қочишини таъминлаган. Чамаси, лепорекснинг қушларнинг ҳидлаш органларига

репеллентлик таъсири (кўриш рецепторларини ҳисобга олмаганда) уларнинг таъм аниқлаш рецепторларига таъсиридан сўнг юзага чиқади.

Қайт қилдириш таъсирига эга бўлган самарали кимёвий репеллентлардан бири DRS-736 препарати, ёки метиокарб (4-метилтио-3,5-ксилил-N-метилкарбамат) ҳисобланади. Олдин метиокарб инсектицид ва лимацид сифатида маълум эди. Метиокарбнинг қушларга нисбатан репеллентлик хусусияти мавжудлиги, 1961 йилдан бери пестицидларнинг қушларга заҳарлилигини тадқиқ қилаётган АҚШ нинг Денвер марказида аниқланган. Марказда 15 йил давомида синалган 700 препаратдан фақат иккитаси – метиокарб ва DRS-3324 – самарали репеллентлик хусусиятига эга эканлиги кўрсатилган ва улар амалиётга киритилган. Ҳар икки препарат сут эмизувчиларга нисбатан кам заҳарли, кумуляция таъсирига эга эмас ва ўсимликлар ўсишига тўсқинлик қилмайди.

Гербицидларни қўллаш биотоп ўзгариши ва қушлар популяцияларининг сони камайишига олиб келади. Масалан, қамиш, ҳилол, қўға ва бошқа ўтларни ҳамда суғориш системаларидағи ўсимликларни йўқотиш кўп қушларни яшаш жойидан маҳрум қилади. Кўллар қирғоқларидаги буталар, қамиш, ҳилол, қўға ва бошқа зич жойлашган, баланд бўйли ўтларни кимёвий воситалар ёрдамида йўқотиш баъзи қушлар учун фалокатли бўлиб, бошқалари – сувда сузувчилари учун қулайлик туғдириши мумкин. Тирик деворлар, алоҳида ёки тўп бўлиб жойлашган дараҳтларни йўқотиш ва бошқа чора-тадбирларни ўтказиш қушлар тухум қўйиши ва жўжа чиқаришига тўсқинлик қилади ҳамда уларнинг популяцияларини камайтиради.

Ўсимликларни механик воситалар ёрдамида йўқотиш ҳам шу каби натижаларга олиб келади.

Ўсимликларга қарши аэродромлар ва уларнинг атрофидаги территорияларда, ишлаб-чиқариш майдончаларида, электр ўтказиш линиялари остида, магистрал ўтказувчи трубалар жойлашган ерларда, темир йўлларда ва бошқа жойларда қуйидаги гербицидларни қўллаш тавсия қилинади:

Имазапир – 2-4-изопропил-4-метил-5-оксо-2-имидазолин-2-ил) никотин кислотаси. Заҳарлилиги кам (ДССТ бўйича III синф, ЛД₅₀ каламушларга >5000, сичқонларга >2000 ва қуёнларга 4800 мг/кг). Бу танлаб таъсир қилмайдиган, системали таъсирили гербицид, бир ва кўп йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтлар, буталар ва баргли дараҳтларга қарши, таъсир қилувчи моддаси бўйича 0,25-1,7 кг/га меъёрида қўллашга тавсия этилган. Ўзбекистонда имазапирнинг Арсенал 25% с.э.к. препарати бир ва кўп йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши, 2,0-2,5 л/га меъёрида пуркаш учун рўйхатга олинган.

Глифосат - N-(фосфометил) глицин. Заҳарлилиги кам (ДССТ бўйича III синф, ЛД₅₀ каламушларга 5600, сичқонларга 11300 ва эчкиларга 3530 мг/кг). Бу танлаб таъсир қилмайдиган, системали таъсирили гербицид, бир ва кўп йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши, таъсир қилувчи моддаси бўйича 4,3 кг/га меъёрида, сув ўтларига қарши эса 2,0 кг/га меъёрида қўллашга тавсия этилган. Ўзбекистонда глифосатнинг 36% ли (глифос, глифоган, дафосат, раундап) ва 50% ли (ураган форте) сувли эритмалари уларни бир ва кўп йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши 4,0-6,0 л/га (36% с.э.) ёки 3,0-4,0 л/га (50% ли с.э.) меъёрида пуркаш учун рўйхатга олинган.

Бу мақсадда баъзи бошқа мамлакатларда ишлатиладиган, аммо Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган қуйидаги гербицидлар ҳам тавсия қилинган:

Симазин – 6-хлоро-N²,N⁴-диэтил-1,3,5-триазин-2,4-диамин. Кам заҳарли (ДССТ бўйича III синф, ЛД₅₀ каламушларга 500-10000 мг/кг, оғмахонларга >5000

мг/кг). Бу танлаб таъсир қиласынан, системали таъсирили гербицид, бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши, таъсир қилувчи моддаси бўйича 1,5-3,0 кг/га, собиқ иттифоқда эса гектарига 2,0-4,0 кг дан 15 кг гача меъёрларда қўллашга тавсия этилган.

Полидим – 2,3,6-трихлорбензой кислотаси. Тез ва узоқ таъсирили. Заҳарлилик даражаси ўртача. Симазин билан кўшиб ишлатилиши мумкин.

РОДЕНТИЦИДЛАР

Родентицидлар – кемиравчилар билан курашда қўлланиладиган биоцидлар гурухидир. Биоцидларнинг бу, нисбатан кичик гурухига цинк фосфид, глифтот, варфарин, ратиндан ва баъзи бошқа препаратлар киради.

Цинк фосфид – Zn_3P_2 . Кулранг тусли кристалл модда, $T_{\text{эриш}} 1193^{\circ}\text{C}$, иссиқ сувда эрувчан.

Цинк фосфиднинг кемиравчиларга таъсири, афтидан, у ҳайвон ошқозонидаги хлорид кислота таъсирида парчаланиши ва ҳайвонни заҳарловчи водород фосфорид ажралиб чиқиши билан боғлиқdir: $Zn_3P_2 + 6HCl \rightarrow 2PH_3 + 3ZnCl_2$. Одатдаги шароитларда сақлаш даврида ва алдамчи ем таркибида цинк фосфид турғундир. Юқори даражада заҳарли (ДССТ бўйича I_b синф, ЛД₅₀ каламушларга 60-70 мг/кг).


Глифтот бир нечта бирикмалар, жумладан, 70-74 фоизи 1,3-дифторпропан-2-ол (таъсир қилувчи модда), $FCH_2HCH(OH)CH_2F$ ва 26-30 фоизи 1-фтор-3-хлорпропанон (аралашма),



$FCH_2HCH(OH)CH_2Cl$ лардан ташкил топган аралашмадир. Бу рангсиз ёки сал сариқроқ суюқлик бўлиб, у сув билан ҳар қандай муносабатда яхши аралашади.


Бу бирикма 72% лик суюқ техник модда сифатида ишлаб чиқарилади. Заҳарлилиги юқори ёки ўрта даражада (ЛД₅₀ ҳар хил экспериментал ҳайвонлар учун 45-700 мг/кг). Қуюқ сувли эритмалари шилимшиқ қатламларни яллиғлантиради. ПДК_{р.з.} 0,05 мг/м³.

Глифтот эпихлоргидриннинг калий фторид ва калий бифторид билан аралашмасини қиздириш орқали олинади:




Глифтот заҳарлилигини унинг молекуласидаги иккита фтор молекуласи таъминлайди.

Варфарин (зоокумарин) – 3-(օաцетонбензил)-4-гидроксикумарин:




Оқ кристалл модда, Т_{эриш} 159-161°C, сувда ёмон, спиртда ўртача, ацетон ва диоксанда яхши эрийди. Ўта заҳарли, ДССТ бўйича Ib синф, ЛД₅₀ каламушлар учун 4-186 мг/кг, сичқонлар учун 374 мг/кг, ПДК_{р.з.} 0,2 мг/м³.

Ратиндин – 2-(дифенилацетил)индан-1,3-дион:



Оқ ёки сарғиш, ҳидсиз кристалл модда, Т_{эриш} 145-147°C. Сувда амалда эримайди, ацетонда эрийди. Таşқи таъсирларга чидамли, металларда коррозия қўзғатмайди. 0,5% ва 0,18% ли кукун шаклида ишлаб чиқарилади. Кўйлар ва бошқа уй ҳайвонларига нисбатан кам заҳарли (ЛД₅₀ каламушлар учун 5 мг/кг). ПДК_{р.з.} 1,5 мг/м³.

Ратиндин дифенилметилкетонни фтал кислотаси эфирлари билан конденсация қилиш орқали олинади:




Варфарин ва ратиндин антикоагулянтлар бўлиб, улар қон қуюлиш жараёнини бузади ва организмга сурункали киритилганда ички қон кетишига, ҳайвон яраланганда эса қон тўхтамаслиги ва ҳайвон ҳалок бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган препаратлар алдамчи емлар таркибига, таъсир этувчи модда бўйича, 0,5-1,0% миқдорда қўшиб ишлатилади.

Изоцин МК, 3 г/л, таъсир этувчи модда *изопропилфенацин*. Препарат сарфи – 0,006-0,12 л/га. 1 кг алдамчи емга 20 мл препарат қўшиб ишлатилади.

Бродифакум 3-(3-4'-бромобифенил-4-ил)-1,2,3,4-тетрагидро-1-нафтил-4-гидроксикумарин:



Кумарин антикоагулянти. Ҳар хил фирмалар томонидан Раткил, Хавок, Талон ва бошқа савдо номлари остида сотувга чиқарилган. Дунёда жуда кенг ишлатиладиган родентицид-лардан бири. Ўта заҳарли, тери ва қўзни яллиғлантиради, ўртача даражада сенсибилизация қўзғатади (ДССТ бўйича Ia синф, ЛД₅₀ каламушлар ва сичқонлар учун 0,4 мг/кг).

Родентицидларнинг алдамчи емларга қўшиб ишлатилиши кемирувчилар сонини камайтиради ҳамда омборхоналар ва бошқа қурилмаларда сақланаётган материаллар ва буюмлар шикастланишидан ҳимоя қилишда самара беради. Аммо алдамчи емлар қўллаш очик жойларда ишлатиладиган жиҳоз ва буюмларни (масалан, ер устидан ёки остидан ўтказилган кабелларни) ҳимоя қилишда кутилган натижаларни бермайди.

Бундай ҳолларда биоцидни бевосита ҳимоя қилиниши лозим бўлган материалга киритиш талаб қилинади, аммо ҳозиргача материал таркибида денатониум бирикмаси истиқболли ҳисобланади, у кемирувчилар ва термитлар билан заарланишга қарши кабеллар қобиғини тайёрлашда қўлланиладиган пластиклар таркибига киритилиб синалмоқда.

ХОТИМА

Бугунги кунда биозарланишга қарши асосий кураш стратегияси материал ва буюмларни локал ҳимоя қилишdir. Шунга кўра дастлабки этапларда муаммо алоҳида тор йўналишларда ривожланиб, деярли бир-бири билан боғланмаган эди. Ҳозирги даврда алоҳида йўналишлар орасида алоқа бир мунча йўлга қўйилди. Биологик, кимёвий ва техник каби партнелар (рақиблар) орасидаги алоқа биозарланиш муаммоларини ечишда алоҳида аҳамият касб этади. Улар биозарланишни инвентаризация ва бошқа масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Материал ва буюмларнинг биозарловчи агентларини инвентаризация қилиш катта аҳамиятга эга. Тирик организмлар, зарарланиш обьектлари ҳамда ҳимоя усуллари киритилган биозарланиш каталогини тузиш янги биоцидли материаллар ишлаб чиқаришда истиқболли башорат ва тадбирлар дастурларини яратиш учун ниҳоятда зарурдир.

Биозарланишни аниқлаш ва каталогизация қилиш, нафақат материал ва буюмларга ҳужум қилувчи тирик организмларнинг турли-туманлиги ваҳоланки биозарлаш агентлар доирасининг кенгайиб бориши билан ҳам мураккаблашади. Янги материаллар ва биосфера янги ҳимоя восита ва формаларидан фойдаланади.

Бугунги кунда биозарланишлар тўғрисидаги билимлар тирик организмлар, материаллар ва маҳсулотлар тупроқ, сув ва ер усти мухитлари шароитидаги “тўқнашувли” ўзаро муносабатларининг мураккаб мозаикасини эслатади. Биозарланишлар билан боғлиқ бўлган хўжалик вазиятларининг баҳоси ва анализи мозаика барча ячейкаларини саралаш йўли билан амалга ошира олмайди. Бу масалани, ҳеч бўлмаганда кўзга кўринадиган вақтда, бажарилмайдиган қиласди. Жониворлар, ўсимликлар ва микроорганизмларни турли хил гурухларда, материаллар ва маҳсулотларнинг турли даражаларида, уларнинг бир бири билан ўзаро муносабатларида биозарланиш хусусиятлари намоён бўлишига ўхшаш, параллел хосиятларни излаш керак.

Биозарланиш агентларининг табиий биоценозларида табиатнинг ўзи “ҳимоя қиласди” ўз табиий мўлжаллари бор.

Табиий шароитларда организмларнинг уларга ҳужум қилувчи обьектлар билан ўзаро муносабатлари биозарланиш кўринишларининг класификациясини ишлаб чиқишидаги янги қарашларни ва биозарланишлардан ҳимоя воситаларини кўрсатиб бериши мумкин.

Назарий ва амалий томондан ҳам биозарланиш муаммоси атроф мухитни ифлосланишдан ҳимоя қилишга йўллантирилган умумий экологик ва технологик дастурларсиз ечилиши мумкин эмас. Тирик организмлардан фойдаланган ҳолда планетани эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган материал ва маҳсулотлардан тозалаймиз. Бизга керак бўлган амалдаги материаллар ва маҳсулотларни кимёвий ҳимоя воситалари ёрдамида биозарланишдан ҳимоялаб, шу билан бир вақтда бу воситалар билан атроф мухитни қандайдир даражада ифлослаймиз. Амалдаги материалларнинг биозарланиш жараёни ва ишлатилиб бўлган материалларнинг биоемирилиши турли хил экологик шароитларда ўтади, ва вазифа шундан иборатки, битталаридан ҳимояланиш, бошқаларини эса инсонга хизмат қилдириш лозим.

Биз турли хил материаллар, маҳсулотлар, иншоотлар ва мосламаларни зарарлайдиган микроорганизмлар, ўсимликлар ва жониворларнинг турлари билан бирга биозарланиш муаммосининг ҳозирги ҳолатини, шу билан бирга уларни

ишлиб чиқишда фойдаланиладиган маҳсулотни топиб олиш, сақлаш, транспорт воситасида ташиш ва ишлов бериш босқичидаги хомашёни, ҳозирги кунда мутахассиснинг ихтиёрида бўлган ҳар хил ҳимоя воситаларини ҳам кўриб чиқдик.

Аммо бу маълумотлар тез эскириб қолаётганини биз ҳар доим эсада тутишимиз керак, чунки муаммонинг ривожланиши юқори тезлик ва динамизм билан ажралиб туради. Инсон борган сари янги ва янги материаллар ва маҳсулотларни вужудга келтиради, янги иншоотлар ва техник мосламалар қуради. Доимо янги ҳимоя воситалари ишилаб ва қайта ишилаб чиқарилмоқда. Мухит материаллар ва маҳсулотлар билан ифлосланишининг ортиб бориши биозаарланиш агентлари қаторига борган сари янги турлар популяцияларини жалб этади.

Муаммонинг бундай узлуксиз янгиланишини олдиндан назарда тутиш ва фойдаланиш учун ва эртага бугунгига қараганда биозаарланиш агентларига нисбатан кичикроқ даражада эмас, кўпроқ даражада тўла қуролланган ҳолда бўлиш учун муҳим истиқболли вазифаларни ечишимиз керак. Бундай муҳим вазифалардан бири заарланадиган обьектлар билан уларга қарши қўлланадиган ҳимоя воситалари орасидаги ўзаро муносабатлари асосланган биозаарланиш агентлари катологини тузишдир. Бу кўп меҳнат талаб қиласидиган сермашақкат ишда собиқ СССР территориясида дастлабки биозаарланиш каталогининг бирнеча қисмларини тайёрлаш амалга оширилган, аммо уни фан ва техника ривожланишига мувофиқ тўлдириб турадиган янги ва янги билимлар ва маълумотларга асосланган узлуксиз оқаётган жараён сифатида қабул қилиш керак. Албатта, бундай тўлдириш хусусиятини олдиндан кўра олиш имкони ҳар доим бўлмаслиги мумкин, бироқ турлар ва популяцияларнинг маълум бир қисми яқин келажакда ўзларини биозаарланиш агентлари сифатида намоён қилишини аниқ кўрсатмоқда. Бошқа томондан, янги биозаарланиш ҳолатларининг мутлоқо аниқ манбаи, табиатда биозаарлаш ўзаро муносабатларига тақлид қиласидиган экологик аналоглар бўлиб қолади. Ниҳоят, аста-секин, янги территориялар ўзлаштирилиши, уларни индустрлаштиришга планетанинг шу вақтга қадар чет, пастқам жойларида, аввал муносиб обьектларнинг бўлмаганлиги натижасида зарар келтирмайдиган турлар ва популяциялар обьектларнинг пайдо бўлиши билан маҳсус ҳимоя чораларини талаб қилувчи облигат биозаарловчиларга айланишии ҳисобига биозаарлаш географияси кенгайиб бормоқда.

Шундай қилиб, келгусидаги тўлдирилишнинг катта қисми “резервдан” ўхшаш манба ҳисобидан юзага келади ва шу сабабли биз унга энг жиддий эътиборни қаратишимиш, унга киритилган турларни ва популяцияларни ўрганиб чиқишимиш ва каталог тузишимиз зарур. Биозаарланишининг амалдагиларини, яширин ҳолдагиларини ҳам, оддий ҳисобга олиш билан бир қаторда ҳар томонлама ва тўлиқ биозаарланиш таъсирининг механизмларини, бу мақсадда уларни экологик прототипларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан биоценотик аспектида ҳам ўрганиб чиқишимиш зарур.

Биозаарланишларнинг каталогини тутиш ва уларнинг табиий аналоглари хақида сўз юритганда биз биозаарланишларнинг юзага келишидаги мозаикалийка, бунинг устига мозаикали тақсимланиш компонентларнинг систематик ва классификацион ҳолатига нисбатан ҳам, биозаарланишларнинг географик, биоценотик ва табиий зонали чекланиб қолишига нисбатан ҳам умумий ўзгарувчанлигини ва динамикасини кўзда тутган ҳолда алоҳида эътибор беришимиз шарт. Бу ҳодисаларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиш биозаарланишларни алоҳида

чекланиб қолган территорияларга нисбатан, йирик регионлар қўламига нисбатан ҳам, олдиндан айтиб бериш учун зарур асосни вужудга келтиради.

Биозаарланишлар башорат ва профилактикаси яқин ҳақиқат сифатида мавжуд бўлиб қолмоқда ва бунинг учун олимлар ва амалиётчилар бугунги кундан бошлаб ўз ишлари билан айрим биозаарлаш турларига нисбатан дастлабки зарур шартларни вужудга келтирмоқда.

Шу билан бир қаторда олдиндан башорат қилиш ва профилактик тадбирларнинг негизида фақатгина тарқалиши чекланган тадбирлар эмас, балки биринчи навбатда биозаарланишлар юзага келишига ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган экологик ва ижтимоий-иктисодий факторларнинг барча хилма-хиллигини эътиборга олган, кўпчилик тадбирларни ўз ичига қамраб олган система ҳам бўлиши керак. Бундай истиқболли системани вужудга келтиришда олимлар томонидан биозаарланишларнинг асосий бош масалаларидан бири экологик ва технологик концепцияси илгари сурилган. Шу концепцияга биноан муаммонинг келажаги ва унинг ечими натижалари қўйидагича тассавур этилади: олдиндан башорат қилиш ва профилактиканга асосланган, экологик ва ижтимоий-иктисодий факторларнинг барча комплексини ҳисобга олган биосоҳа мониторингининг қисмини ташкил этган амалий тадбирларнинг илмий исботланган системаси, ўзининг хизматини ўтаб бўлган материалларни инсон томонидан кузатиш ва унинг назорати остида биозаарланиш таъсирининг бошқача кўринишларини чеклаган ва тўсган ҳолда деструктор, емирувчи, утилизатор сифатида биозаарланишлардан фойдаланишни кўзда тутади. Албатта, бундай система вужудга келишини узоқ келажак деб қаралсада, уни рўёбга чиқаришда бугундан бошлаб астойдил ишлашимиз лозим.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий

1. Актуальные вопросы биоповреждений / Под ред. Б.В.Бочарова. М., 1983. 236 с.
2. Биоповреждения. Учеб. пособие /Под ред. В.Д.Ильичева.-Москва: Высш.шк., 1987.352 с
3. Защита материалов и технических устройств от птиц / Под ред. В.Д.Ильичева. М., 1984. 239 с.
4. Ильичев В. Д. Управление поведением птиц. М., 1984. 303 с.
5. Ильичев В. Д., Бочаров Б. В., Горленко М. В. Экологические основы защиты от биоповреждений. М., 1985. 261 с.
6. Курс низших растений. М., 1981. 519 с.
7. Методы экспериментальной микологии. Справочник. Киев: Наукова думка, 1982, 552 с.
8. Микроорганизмы и низшие растения – разрушители материалов и изделий /Под ред. М.В. Горленко. М., 1979. 255 с.
9. Якоби В. Э. Биологические основы предотвращения столкновений самолетов с птицами. М., 1977. 166 с.
10. Ш. Т. Хўжаев. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент: «ФА АҚ» босахонаси, 2010, 356 б.
11. Ellis M.B. Dematiaceous Hypomycetes. CMI, Kew, Surrey, England, 1971, 608 p.
12. Ellis M.B. More Dematiaceous Hypomycetes. CMI, Kew, Surrey, England, 1976, 507 p.
13. Gams W., van der A H.A ., van der Plaats A.J., Samson R.A., Stalpers J.A. CBS course of Mycology. Third edition. Inst. Of the Royal Neth. Acad. Of Arts and Sci., Baarn, 1987, 139 p.

Қўшимча

1. Биоповреждения в промышленности и защита от них. Горький, 1983. 100 с.
2. Жадин В. И. Моллюски пресных и солоноватых вод. М.-Л: Изд-во АН СССР, 1952.- 376 с.
3. Каневская И. Г. Биологическое повреждение промышленных материалов. Л., 1984. 230 с.
4. Справочник по экологии морских двустворок. М. : Наука, 1966.- 349 с.
5. Хамраев А.Ш. ва б. Термитларга қарши профилактика ва кураш тадбiriй чоралари. Тошкент : Вактингчалик услубий кўлланма, 2001. 36 б.
6. Biodeterioration investigation techniques / Ed. by A. H. Waiters, L., 1977, 245 p.
7. Microbial aspects of deterioration of materials / Ed. by R. J. Hilbert, L., 1975, 255 p.

Китобда ишлатилган қисқартиришларнинг мазмунлари

Қисқартиришлар	Мазмунлари
АМФ	Аденозинмонофосфат
АТМ-хлорид	Алкилтриметиламмоний хлорид
АТФ	Аденозинтрифосфат
АФС	Аденозинфосфосульфат
АЭКА	Ачитқи экстракти ва крахмали агар
ДДФ	Дизопропилфторфосфат
ДНК	Дезоксирибонуклеин кислота
ДСБ (=СТБ)	Десульфатловчи (сульфаттиковчи, сульфатредукция қилувчи) бактерия(лар)
ДССТ (ЖССТ)	Дунё (Жаҳон) Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти
КГА	Картошка-глюкозали агар
КДА	Картошка-декстрозали агар
КСА	Картошка-сахарозали агар
МДХ	Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги
МСС	Мойловчи-совутувчи суюқлик(лар)
НАД	Никотинамид аденин динуклеотид
ОА	Оч агар
СФМ	Сирт фаол модда
ПВС	Поливинил спирти
ПВХ	Поливинилхлорид
ПДК	Бирор модданинг муайян атроф-мухит факторида мавжуд бўлишининг қабул қилинадиган энг юқори концентрацияси (масалан, сувда, хавода, тупроқда ва х.)
ПХНБ	Пентахлоронитробензен
ПЭИ	Полиэтиленимин
РНК	Рибонуклеин кислотаси
СА	Сусло-агар
СОА	Синтетик оч агар
СПА	Солод ва пептонли агар
СТБ (=ДСБ)	Сульфаттиковчи (десульфатловчи, сульфатредукция қилувчи) бактерия(лар)
СЭА	Солод экстрактли агар
ГБТО	Гексабутилдистанноксан = бис[трибутилқалай]оксид
ТКЦ	Трикарбон кислоталар цикли
ТМТД	Тетраметилтиурамдисульфид
4,5,6-ТХБ	4,5,6-трихлорбензоксазолинон
ТЭА	Тупроқ экстрактли агар
Т _{музлаш} ,	Модданинг музлаш ҳарорати, °C
Т _{эриш} ,	Модданинг эриш ҳарорати, °C
Т _{кайнаш} ,	Модданинг қайнаш ҳарорати, °C
УБ	Ультрабинафша
ФА	Фанлар академияси
ХБС	Халқаро биозаарланиш симпозиуми
ШСК	Шовулсирка кислотаси
ЭДТА	Этилендиаминтетрасирка кислотаси
ЎСҚ	Ўз-ўзини силликловчи қоплама(лар)
ҲНН	Ҳавонинг нисбий намлиги (%)
LC ₅₀	Тест-организмларнинг 50 фоизини ўлдирувчи концентрация
LD ₅₀	Тест-организмларнинг 50 фоизини ўлдирувчи доза

МУНДАРИЖА

Кириш (А.Ш.Хамраев)	3
1 боб. Биозаарланиш эколого-технологик муаммо сифатида (А.Ш.Хамраев., Ж.А.Азимов)	5
Биозаарланиш тушунчаси ва предмети	5
Биозаарланишнинг иккиёклама хусусияти, келиб чиқиш сабаблари ва эколого-технологик концепсияси.....	8
2 боб. Бактерия ва замбуруглар – биозаарлаш манбаалари (Б.А.Хасанов)	24
Бактериялар	24
Литотроф бактериялар – биозаарланиш кўзғатувчилари.....	27
Органотроф бактериялар – биозаарланиш кўзғатувчилари	31
Замбуруглар	34
Замбуруғларнинг классификацияси	34
Замбуруғларнинг тузилиши хусусиятлари	44
Замбуруғларнинг кўпайиш усуллари	50
Замбуруғлар ва атроф-муҳит	53
Кимёвий факторлар	54
Физик факторлар	62
Замбуруғларнинг экосистемадаги ўрни	73
Биозаарланиш кўзғатувчи замбуруғларнинг биологик хусусиятлари	77
3 боб. Ҳашаротлар – буюм ва материалларнинг заарқунандалари (А.Ш.Хамраев, М.И.Рашидов, И.И.Абдуллаев)	81
Ҳашаротларнинг материаллар билан боғлиқлиги.....	81
Керотофаг ҳашаротлар	84
Ксилофаг ҳашаротлар	92
Термитлар мисолида ҳашаротлар томонидан материалларни заарлаш биомеханикаси	111
Материалларнинг ҳашаротлар заарига барқарорлиги	120
Материаллар, буюмлар ва иншоотларни ҳашаротлар зааридан химоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	125
4 боб. Қушлар, сут эмизувчилар-биозаарлаш манбаалари (Э.Ш.Шерназаров, А.Р.Жабборов)	129
Қушлар - биозаарланиш манбай	129
Қушлар. Қушлар синфининг умумий характеристикиаси	129
Биозаарловчи қуш гурухларнинг систематик статуси	133
Мўйнали ҳайвонлар фермалари шароитида қушларнинг заари	137
Қушларнинг энергетик қурилмалардаги зиёни	138
Маданий ёдгорликлар, меъморчилик ва саноат иншоотларининг қушлар билан заарланиши	139
Транспорт воситаларининг заарланиши	140
Қушларнинг қишлоқ ҳўжалигидаги роли	143
Қушлар томонидан содир этилаётган биозаарланишлардан химоя қилишнинг асосий йўналишлари	144
Сутэмизувчилар (А.Ш.Хамраев)	150
Биозаарланиш гурухларининг систематик статуси	151
Сут эмизувчиларнинг ҳаёт тарзи, хулқ-атвори	157
Сут эмизувчиларнинг кўпайиши, худудий муносабатлари, миқдорий сони	161
Кемирудвчилар билан материал ва иншоотларнинг заарланиши	166
Материаллар барқарорлигини кемирудвчилар заарига синаш	169
Кемирудвчилар сонини назорат қилиши ва материалларни кемирудвчилар зааридан химоялаш	174

5 боб. Сув муҳитида биоценозларни заарлантирувчилар (З.И.Иzzатулаев)	179
Биоқопламалар ёки биозаарлантирувчилар	179
Асосий қопламачилар	181
Жамоалар ичида организмларнинг муносабати	186
Қопламачилар механизми	186
Қопламаларнинг экологияси ва тақсимланиши	187
Тош қурилмалари ва бетоннинг тош тешувчилари билан заарланиши	192
6 боб. Микроорганизмлар қўзғатадиган заарланишларнинг биокимёвий механизмлари (Х.Х.Кимсанбоев, Б.А.Хасанов)	195
Мицелиал замбуруғларнинг агрессив метаболитлари – ферментлар ва органик кислоталар	195
Ферментлар	195
Айрим саноат материалларининг ферментлар таъсирида емирилиши	200
Органик кислоталар	202
Мицелиал замбуруғларнинг агрессив метаболитлари таъсирида саноат материалларининг физик-кимёвий, диэлектрик хусусиятлари ва технологик параметрларининг ўзгариши	205
Металлар бактериал коррозиясининг биокимёвий ва кимёвий механизмлари.....	209
Фунгицид ва бактерицидларнинг биокимёвий таъсир қилиш механизмлари	213
Фунгицид ва бактерицидлар – биокимёвий жараёнлар ингибиторлари	219
Биоцидлар асосий гурӯхларининг характеристикаси	223
7 боб. Микроорганизмлар билан заарланадиган материал ва буюмлар (Б.А.Хасанов).....	230
Пластиклар	232
Резиналар	235
Лак ва бўёкли қопламалар	239
Ёнилғилар ва мойловчи материаллар	243
Металл ва металл конструкциялар	246
Тахта ва ёғоч	251
Қофоз ва китоблар	255
Тўқимачилик тола ва маҳсулотлари	256
Табиий тери ва тери маҳсулотлари	261
Мураккаб техник жиҳоз, ускуна ва буюмларни биозаарланишдан ҳимоя қилиш ..	264
8 боб. Биоцидлар – биозаарланишдан ҳимоя қилиш воситалари (Б.А.Хасанов, Х.Х.Кимсанбоев, М.И.Рашидов)	266
Биоцидларни қўллашдаги талаблар ва токсикологик назорат	266
Биоцидлар классификацияси	267
Биоцидларни тадқик қилиш усуллари	268
Фунгицидлар	269
Бактерицидлар	288
Моллюскоцидлар ва биоқоплама ҳосил қилувчиларга қарши бошқа воситалар.....	293
Инсектицидлар	294
Авицидлар	297
Родентицидлар	299
Хотима (А.Ш.Хамраев)	302
Тавсия этиладиган адабиётлар	305
Китобда ишлатилган қисқартирилган атамалар рўйхати	306

Босишга рухсат этилди Шартли босма табоғи Нашриёт босма табоғи
Адади ... дона. Буюртма №
